


Шайх Мухаммад Солиқ Мухаммад Юсуф

ИСЛОМ ТАРИХИ

И К К И Н Ч И К И Т О Б





Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

ИСЛОМ ТАРИХИ

И К К И Н Ч И К И Т О Б



ТОШКЕНТ
2018

УЎК 297 (09)
КБК 86.38
М-96

Тарих барча ўтган авлодларнинг ҳаёт мадрасасидир. Тарих орқали тириклар ўзлари учун манфаатли нарсани ўрганиб, унга амал қиладилар ҳамда ўзларига зарар етадиган нарсалардан воқиф бўлиб, ундан четда бўладилар.

Ислом тарихи деганда, одатда, Ислом давлатлари ҳамда мусулмон халқларнинг ваҳий нозил бўлган илк даврдан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган тарихи назарда тутилади. Аммо аслида ушбу тарих дунё бошланганидан то ҳозирги, биз яшаб турган пайтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Зеро, бу тарих илк инсон, илк пайгамбар – Одам алай-ҳиссаломдан бошланади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ушбу асари Ислом тарихининг мухтасар баёни бўлиб, муаллифнинг сўнги китобларидан биридир.

Ш и о р и м и з :

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солих – улуғ мужтахидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилдаги 2772-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

М-96 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

УЎК 297
КБК 86.38

ISBN 978-9943-5111-8-7

ммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2017, 2018.



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ таолога У Зотнинг жалолига ва жамолига муносиб ҳамду санолар бўлсин!

Охирги набий Муҳаммад мустафога гўзал ва мукаммал салавот ва саломлар бўлсин!

«Ислом тарихи» деб номланган китобимизнинг ушбу иккинчи жузида умавийлар давлатининг тузилишидан бошлаб, то мусулмон оламида бугунги кунгача юз берган воқеа-ҳодисалар хусусида сўз боради. Бу жуда ҳам мухтасар тарзда бўлиши турган гап. Албатта, ушбу саҳифалардан жой олган шахслар, ҳодисалар, воқеликларнинг ҳар бири ҳақида неча-неча алоҳида китоблар битилган ва бундан кейин ҳам битилажак. Бизнинг мақсадимиз эса тафсилотлар эмас, балки ўқувчига тарихимиз ҳақида умумий маълумотлар тақдим қилиш бўлди.

Шу билан бирга, маълум ўринларда баъзи нозик масалалар юзасидан мутахассисларнинг таҳлилларини келтиришга, мусулмон умматининг тарихидаги бурилиш нуқталарига, хусусан, уларнинг умумий таназзули масаласига алоҳида эътибор қаратишга, бу каби масалаларни кенгрок ёритишга ҳаракат қилдик.

Мақсадимиз ўзликни англаш, тарихни бор ҳақиқатлари билан ўрганиш, тўғри хулоса чиқариш, камчиликларни такрорламаслик ва ютуқларни мустаҳкамлаб ривожлантиришдир.

ТЎРТИНЧИ БОБ

УМАВИЙЛАР ДАВРИ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларнинг энг яхшиси менинг асримдагилар, сўнгра уларга яқинлар, сўнгра уларга яқинлар», дедилар».

Бухорий, Термизий, Ибн Можжа, Ибн Ҳанбал ривоят қилишган.

Мусулмон уммати тарихидаги энг яхши давр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари яшаб ўтган аср бўлиб, у тарих зарварақларидан «Саодат асри» деган ном билан жой олди. Кейинги аср тўрт буюк саҳоба бошчилигида олиб борилган асрларга татиғулик ишлар сабабли «Рошид халифалар даври» деган ном билан тарих саҳифаларига битиб қўйилди. Кейинги аср «Умавийлар асри» дея аталиб, мана шу даврдан поғонама-поғона пастлаш ҳолати кузатилди.

БИРИНЧИ ФАСЛ

БАНУ УМАЙЯНИНГ ТАЪРИФИ

Умавийлар давлати Умайя ибн Абдушшамс ибн Абдуманофга нисбат берилади.

Умайя исмли ушбу шахс жоҳилият даврида Курайш уруғларидан бирининг бошлиғи бўлиб, амакиси Ҳошим ибн Абдуманоф билан ҳар доим Курайшнинг раҳбарлигини таллашиб келар эди. Ислом келгач, мазкур талашув очик-ойдин душманликка айланди: Бану Умайя қабиласи Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг даъватларига қарши турди; Бану Ҳошим қабиласи эса Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламга барча ишларда кўмакдош бўлди, у зот соллалллоҳу алайҳи васалламни душманларнинг ёмонликларидан ҳимоя қилди.

Бану Умайя одамлари Макка фатҳи даврида бошқа иложлари қолмаганидан кейингина Исломни қабул қилишди. Дастлабки асрларда Исломда пешқадам бўлган уруғларнинг энг катта бобоси Абдуманоф ҳисобланади.

Бану Умайя (умавийлар) тарихини бузиш

Бану Умайянинг тарихи тафсилотларига эътибор берадиган бўлсак, унинг бузиб кўрсатилгани, уларни кўпроқ қоралаш ҳолатларини кузатамиз. Бу ишларнинг кўпчилиги уларнинг асосий сиёсий хусуматчилари – аббосийлар томонидан қилинган, чунки тарихга оид китобларнинг кўп қисми айнан аббосийларнинг ҳукмдорлик даврида ёзилган. Шунингдек, шийъалар, хаворижлар, тарихни яхши билмай туриб оғзаки сўзлаб юрадиган оми кишилар ҳам Бану Умайянинг сиёсий душманлари ҳисобланиб, улар ушбу қабиланинг жуда кўп тухматларга қолишига ҳам сабаб бўлган.

Бу тухмат ва қоралашлар турли-туман бўлиб, асосий эътибор Бану Умайянинг обрўсини тўкадиган тарихий ҳодисаларга қаратилган, улар бўрттириб кўрсатилган. Ушбу ҳодисаларни нишон қилиб, уларнинг қадрини туширишга олиб борадиган гаплар айтилган:

1. Бану Умайянинг илк даврда Исломга қарши турганлари, Исломни кечикиб қабул қилганлари жуда кўп такрорланади, лекин уларнинг Исломга кирганларидан кейинги буюк ишлари, жумладан, кўплаб юртларни фатҳ этишда кўрсатган хизматлари мутлақо эсланмайди.

2. Бану Умайя даврида содир этилган мусибатлар бўрттириб гапирилади. Карбало воқеаси, имом Ҳусайн ва у кишининг оилаларининг қатл этилиши, Ҳарра воқеаси, Мадинадаги Ҳарамни эътиборсиз қўйиш, манжаниқ билан Маккага тош отиш масалалари шулар жумласидандир.

3. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг қатл қилиниши, Зайд ибн Алий ибн Ҳусайннинг кўзғалони ва у кишининг қатл қилиниши, шунингдек, бошқа тарафларда содир бўлган хатоларни эътиборга олмаслик, халифага қарши чиқиш, тоатни бузиш каби ишларни Бану Умайяга катта айб қилиб, уларга қарши кенг тарғибот ишлари амалга оширилади.

4. Бану Умайянинг душманлари томонидан уларнинг инсоний нафсидаги заифлик нуқталарига алоҳида эътибор берилади, Бану умайялик баъзи кишилардан содир бўлган хатолар бўрттириб гапирилади, бироқ яхшиликлари беркитилади. Хусусан, ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу ҳақларида бу очик-ойдин кўринади.

5. Абу Суфён ва Муовия розияллоҳу анҳумо ҳақларида ҳам бу каби ноўрин гаплар ниҳоятда кўпайган. Бану умайялик баъзи волийлар ботил ишларни қилувчи мутаассиблар дея сифатланади. Бу Ҳажжож ибн Юсуф ва Зиёд ибн Абийҳлар мисолида кўринади.

6. Язид ибн Муовия ҳамда Валид ибн Язид каби халифалар ҳақида ҳам уларга қарши жуда бўлмағур миш-мишлар тўпланиб тарқатилган. Аслида эса мусулмончилик одоби бўйича Бану Умайя даврида рошид халифалар давридагидан кўра бир оз пастлаш – сушлашиш бўлганини эслашнинг ўзи кифоя қилади. Вақт ўтиши билан хатога йўл қўйиш ҳам аста-секин кўпайиб борган. Бану Умайя давридаги мусулмонлар жамияти ҳар жиҳатдан рошид халифалар жамиятига яқин бўлган. Лекин қўлга киритилган ўлжалар, мол-мулкнинг кўпайиши натижасида катта-катта уйлар, қасрлар қуриш, шунингдек, чўри тутишнинг оммалашганлиги бор. Шу билан бирга, Бану Умайянинг жуда кўп яхши фазилатлари ҳам бўлгани бор ҳақиқат, лекин уларга қарши бўлган тарихчилар бу фазилатларни эътиборга олмаганлар, балки унутиб қўйганлар.

Улардан баъзиларини айтиб ўтаемиз:

1. Ҳазрати Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳу катта саҳоба бўлиб, у киши халифа Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга қарши масалаларда ижтиҳод қилган, фақат ижтиҳоди унчалик тўғри бўлмаган. Лекин барибир у зот одил кишилар сафида қолган. Зотан, барча саҳобалар розияллоҳу анҳум адолатлидирлар.

Бану Умайянинг энг катта арбобларидан бири саналган Марвон ибн Ҳакам тобеъинларнинг биринчи табақасидан бўлган. У Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу, Усмон розияллоҳу анҳу ва бошқа катта саҳобалардан ҳадислар ривоят қилган.

Яна бир Бану умайялик Абдуллоҳ ибн Марвон халифа бўлишидан олдин аҳли илм ва аҳли фикҳ бўлган. Мадинаи мунавваранинг катта олимларидан ҳисобланган.

Умар ибн Абдулазиз эса мужтаҳид имомлардан бўлган. Кўпчилик у кишини рошид халифалар қаторида санайди.

Бану Умайя қабиласининг аъзолари қозилик ишларига аралашмас эдилар. Улар кўп жойларда аҳли илм ва аҳли фазлларнинг олдинги сафларида бўлганлар.

2. Бану Умайя даврида жуда кўп буюк исломий фатҳлар бўлган. Улар шарқда Хитойгача, ғарбда Франция ва Андалус юртларигача етиб борганлар.

3. Бану Умайя даврида Ислом давлати тарихлар давомида мисли кўрилмаган энг катта кенгайишни бошидан кечирди.

4. Бану Умайя даврида жуда кўп кўрик ерлар ўзлаштирилди, улар боғ-роғларга айлантирилди, каналлар қазилди, шаҳарлар қурилиб, ободончилик ишлари олиб борилди, атроф гуллаб-яшнади, тараққий этди.

Шу ўринда таъкидлаб айтамикки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги **«Одамларнинг энг яхшиси менинг асримдагилар, сўнгра уларга яқинлар, сўнгра уларга яқинлар»** деган ҳадислари бежиз айтилмаган. Зеро, Бану Умайя қабиласининг аъзолари, раҳбарлари ва давлат бошлиқлари Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг даврларига яқин асрда яшаб ўтганлар.

УМАВИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ

(ҳижрий 41–132; милодий 661–750)

Умавийлар халифалиги даври рошид халифалик тугагандан сўнг, ҳижрий 41 йил (милодий 661 йил) Рамазон ойида ҳазрати Алий розияллоху анху шаҳид бўлганларидан кейин, имом Ҳасан ибн Алий розияллоху анхунинг халифаликдан воз кечишлари ва ҳижрий 41 йил 25 рабиъул аввал (милодий 661 йил 28 июль) куни Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхуга байъат қилиниши билан бошланади. Бу давлат ҳижрий 132 йил 11 жумодус-соний (милодий 750 йил 25 январь) куни Зоб жангида халифа Марвон ибн Муҳаммаднинг енгилиши билан ниҳоясига етади.

Умавийлар давлатининг ҳукмронлиги 91 йил давом этган. Ушбу вақт мобайнида бу давлатга иккита оила раҳбарлик қилиб, 14 халифа фаолият олиб борган. Дамашк шаҳри умавийларнинг пойтахти ҳисобланган.

БАНУ УМАЙЯНИНГ ХАЛИФАЛАРИ

Суфёнийлар оиласи

1. Муовия ибн Абу Суфён. Ҳижрий 41–60 (милодий 661–680) йиллар.

2. Язид ибн Муовия. Ҳижрий 60–64 (милодий 680–683) йиллар.

3. Муовия ибн Язид. Ҳижрий 64 (милодий 683–684) йилда 40 кун халифалик қилган.

Ҳижрий 64–73 (милодий 684–692) йилларда умавийларнинг ҳукми Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифалиги билан қўшиб олиб борилган.

Марвонийлар оиласи

4. Марвон ибн Ҳакам. Ҳижрий 64–65 (милодий 684–685) йиллар.

5. Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам. Ҳижрий 65–86 (милодий 684–705) йиллар.

6. Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 86–96 (милодий 705–714) йиллар.

7. Сулаймон ибн Абдулмалик. Ҳижрий 96–99 (милодий 714–717) йиллар.

8. Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон. Ҳижрий 99–101 (милодий 717–720) йиллар.

9. Язид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 101–105 (милодий 720–723) йиллар.

10. Ҳишом ибн Абдулмалик. Ҳижрий 105–125 (милодий 723–743) йиллар.

11. Валид ибн Язид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 125–126 (милодий 743–744) йиллар.

12. Язид ибн Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 126 (милодий 744) йил.

13. Иброҳим ибн Валид ибн Абдулмалик. Ҳижрий 126–127 (милодий 744–745) йиллар.

14. Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон. Ҳижрий 127–132 (милодий 745–750) йиллар.

ИККИНЧИ ФАСЛ

БАНУ УМАЙЯ ХАЛИФАЛАРИ

МУОВИЯ ИБН АБУ СУФЁН ХАЛИФАЛИГИ

(ҳижрий 41–60; милодий 661–680)

Абдуррахмон ибн Абу Умайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади (у киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан эдилар):

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам Муовия ҳақида: «Аллоҳим, уни ҳидоят қилувчилардан, ҳидоят топганлардан қилгин ва у ила ҳидоят қилгин», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шариф Муовия ибн Абу Суфён учун катта фазлдир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг дуолари ижобат бўлишида шубҳа йўқ.

Муовия ибн Абу Суфённинг насаби

Муовия ибн Абу Суфён ибн Ҳарб ибн Умайя ибн Абдушшамс. У кишининг кунялари Абу Абдуррахмон бўлган.

Муовия ибн Абу Суфённинг оталари Абу Суфён ибн Ҳарб бўлган. Қурайшнинг бошлиғи бўлишидан олдин Абу Суфён Исломнинг ашаддий душмани бўлгани маълум ва машҳур.

Муовия ибн Абу Суфённинг онаси Ҳинд бинт Утба ибн Рабиъадир. Бу аёлнинг ҳам Макка фатҳидан сўнг Исломга келгани, ундан олдин Аллоҳнинг динининг энг ашаддий душманларидан бири бўлгани кўпчиликка маълум. Уҳуд уруши куни ҳазрати **Ҳамза** розияллоҳу анҳунинг ўлимларига ва киймаланишларига айнан Ҳинд бинт Утба бош бўлгани ҳам сир эмас.

Муовия ибн Абу Суфён мазкур ота ва онадан Маккаи мукаррамада ҳижратдан ўн беш йил олдин таваллуд топди.

У киши новча, оппоқ, келишган ва ҳайбатли одам бўлган.

Муовия ибн Абу Суфённинг ҳаёти

Ана шундай ота-онанинг тарбиясини олган, шундай оилада униб-ўсган фарзанднинг дархол мусулмон бўлиши қийин эди.

Муовия ибн Абу Суфён Хандақ ғазотида мушриклар сафида бўлган, қаттиқ шамолдан кўркиб, улар билан бирга кочиб кетган.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху Ҳудайбия йили – ҳижрий 6 (милодий 627) йилда мусулмон бўлган, лекин бунини махфий сақлаган. Фатҳ йили – ҳижрий 8 (милодий 629) йилда Қурайш қабиласи Исломга кирган пайтда мусулмонлигини эълон қилган. Ўшанда у кишининг ёши йигирма учда эди.

Кейинчалик Муовия ибн Абу Суфён Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан Ҳунайн ва Тоиф ғазотларида иштирок этган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишига жуда кўп ўлжалар берганлар. Ўша куни қалби улфат қилинган шахслардан ҳисобланган ва исломи гўзал бўлган.

Муовия ибн Абу Суфён Мадинаи мунавварада Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ваҳий котибларидан бўлган.

Муовия розияллоху анху ҳаммаси бўлиб 163 та ҳадис ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишидан рози бўлган ҳолларида вафот этганлар. Муовия розияллоху анху Ярмук жангида иштирок этган, шунингдек, Дамашқни фатҳ қилишда акаси Язиднинг аскарлари ичида бўлган, Қаёсира шаҳри ва Шомнинг денгиз бўйида жойлашган баъзи юртларини фатҳ қилишда қатнашган.

Амвосдаги вабода кўпгина саҳобаи киромлар, жумладан, Дамашқнинг амири Язид ибн Абу Суфён ҳам вафот этиб, унинг ўрнига укаси Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху амирлик қила бошлади.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг вафотларидан кейин ҳазрати Умар розияллоху анҳу ҳам Муовия ибн Абу Суфённинг амирлигини тасдиқладилар.

Умар розияллоху анҳу у кишини барча Шом юртларига волий қилиб тайинладилар. Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳу ҳазрати Умар розияллоху анҳудан Румга қарши денгиз орқали ғазот қилишга рухсат сўраган, лекин ҳазрати Умар розияллоху анҳу кўнмаганлар, лекин кейинчалик у барибир Рум ерларига қарши ғазот қилган.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳу, халифанинг амрига биноан, арманлар юртини фатҳ қилиш мақсадида Шом томондан Ҳабиб ибн Маслама Фихрий бошчилигида лашкар юборди. Маълум муддат жанг бўлганидан сўнг арманлар сулҳ сўрадилар ва орада сулҳ тузилди.

Ҳижрий 25 йилда ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу томонларидан Шомга бош волий этиб тайинланган Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳу у кишининг амрлари ила Румнинг Амурийя, Тартус ва Антокия деган жойларини фатҳ қилди.

Муовия розияллоху анҳу ҳазрати Усмон розияллоху анҳудан денгиз орқали ғазот қилишга рухсат сўраб қаттиқ туриб олган ва халифанинг рухсати билан у киши бошчилигидаги аскарлар Қибрис – Кипрга ғазот қилиб, ҳижрий 28 (милодий 648) йилда у ерни фатҳ этганлар.

Ҳазрати Муовия розияллоху анҳу мусулмонлар иштирок этган энг катта денгиз жангида Рум аскарари устидан ғалабага эришган. Ҳижрий 31 (милодий 651) йилда бўлиб ўтган бу жанг «Зотус-саворий» жанги деб аталади.

Халифа Усмон ибн Аффон розияллоху анҳунинг изнлари ила мусулмонларнинг денгиз кучларини ташкил қилган Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳу ҳар йили ёз фаслида денгиз фатҳларини ўтказиб турар, бу иш румликларнинг тинчини бузар эди. Ниҳоят улар Ҳираклнинг ўғли

Константин бошчилигида катта куч тўплаб, ана шу мисли кўрилмаган катта куч билан мусулмонлар устига ғорат қилиш учун отланишди.

Улар ўзларининг беш юзта кемалари билан мусулмонларнинг ғарбий томонини ҳимоя қилиб турган Абдуллоҳ ибн Саъд ва унинг шериклари томон ёпирилиб боришди. Икки томон юзлашди, румликлар чўқиниб, дуоларини қилишди, мусулмонлар эса тиловат қилиб, намоз ўқидилар.

Тонг отганда Абдуллоҳ ибн Саъд ўз аскарларининг кемаларини сафга тизди. Уларга Аллоҳни зикр этишни ва Қуръон тиловат қилишни буюрди. Ана шу ҳолни кўрган мусулмон аскарлардан бири шундай ҳикоя қилади:

«Улар биз томон мисли кўрилмаган кўп кемалар билан, уларнинг елканларини кўтарган ҳолда юриш бошлашди. Шамол уларнинг фойдасига, бизнинг зараримизга (тескари) эсар эди. Биз лангар ташладик. Шамол биз учун ўнғайсизлик туғдирмай қўйди. Улар курукликка чиқишдан бош тортишди. Биз уларга яқинлашиб бордик. Кемаларимизни уларнинг кемаларига боғлаб, улар билан қиличбозликни бошладик. Одамлар қилич ва ханжарлар билан ўзаро жанг қилишарди. Тўлқин кемаларни қирғоқ томон суриб чиқарди. Одамларнинг жонсиз таналарини ҳам соҳилга чиқариб ташлади. Жасадлар катта тоққа ўхшаб уюлиб кетган эди. Қон ранги сувни қизилга бўяди. Ўша куни мусулмонлар мисли кўрилмаган сабр-матонат кўрсатдилар. Улардан кўплари шаҳид бўлдилар. Румликлардан эса уларга қараганда бир неча баробар кўп одам ҳалок бўлди. Сўнг Аллоҳ мусулмонларга нусратни нозил қилди».

Бу жангнинг «Зотус-саворий» – «Елкан эгалари» ёки «Елканлар жанги» деб номланиши ҳам шундан.

Муовия ибн Абу Суфённинг халифага қарши чиқиши
Ҳазрати Усмон шаҳид бўлганларидан кейин Алий розияллоҳу анхуга халифа сифатида байъат қилинди. У киши

ҳазрати Усмон томонларидан сайланган барча волийларни ишдан олдилар. Бу ишдан норози бўлган Муовия ибн Абу Суфён байъат қилишдан бош тортди. Шу сабабли халифа билан у киши ўртасида жанжал ҳам бўлиб ўтди. Бу ишлар хаворижлардан бири томонидан ҳазрати Алий розияллоху анхунинг қатл қилинишлари билан ниҳоясига етгач, ҳазрати Алий розияллоху анхунинг ўғиллари имом Ҳасанга байъат қилинди. Кўп ўтмай, имом Ҳасан мусулмонларнинг қонини сақлаб қолиш мақсадида ҳокимиятни Муовияга топшириб, ўзлари халифаликдан воз кечдилар. Бу билан мусулмонларни бирлаштирдилар.

Муовия розияллоху анху ҳижрий 41 (милодий 661) йилда қонуний халифа сифатида иш бошлади. Шу йил «жамоат йили» деб аталди. Ишлар қарор топди, юрт хавфсизлиги ҳамма ёққа тарқалди. Ички ихтилофлар туфайли тўхтаб қолган янги ерларни фатҳ қилиш ишлари яна йўлга қўйилди.

Ҳазрати Алий шаҳид бўлгач, у кишининг ўғиллари имом Ҳасан ҳижрий 41 йилнинг рабиъул аввал ойида ўз ихтиёрлари билан Муовия ибн Абу Суфёнга байъат қилганларидан сўнг у киши халифа бўлди. Бунгача йигирма йилдан буён амирлик қилиб келган Муовия ибн Абу Суфён яна йигирма йил халифалик қилди.

Муовия ибн Абу Суфённинг халифалик даврида Ислоҳ жамияти яна ҳам кенгайди ва марказий ҳукумат атрофида бирлашди.

Муовия ибн Абу Суфён ниҳоятда ҳалим одам бўлиб, у кишининг бу хислати зарбулмасал бўлиб кетган эди. Ҳатто Ибн Абуддунё ва Абу Бакр ибн Осимлар Муовия ибн Абу Суфённинг ҳилми ҳақида алоҳида рисоалар ҳам ёзганлар. Тарих ва адабиёт китобларимизда мазкур ҳилмни васф этувчи ҳикоялар жуда кўп:

«Муовия ибн Абу Суфён ҳажга келганида, унинг олди-га ўзининг қаттиқ муҳолифати билан танилган аёллардан Баккора Ҳилолияни олиб киришди.

Халифа Муовия ибн Абу Суфён у аёлдан: «Нима учун Алийни яхши кўриб, мени ёмон кўрдинг ва уни дўст тутиб, мени душман билдинг?» деб сўради.

«Жавобдан мени маъзур тутинг», деди аёл.

«Маъзур тутмайман», деди халифа.

«Ундай бўлса, эшитинг. Мен Алийни фуқароларга адолати учун, нарсани ҳаммага тенг тақсим қилгани учун яхши кўрдим. Сизни эса халифаликка сиздан кўра ҳақлироқ одамга қарши уруш қилганингиз учун ёмон кўрдим. Сизга қонхўрлигингиз, қозиликда зулм қилганингиз ва ҳавои нафсингиз ила ҳукм қилганингиз учун душман бўлдим», деди аёл».

Яна бошқа бир мисол:

«Бир куни халифа Муовия ибн Абу Суфён минбарда туриб, хутба қилаётган эди. У ўша пайтда одамларга бериладиган моддий ёрдамни тўхтатиб қўйганди.

Одамлар ичидан Абу Муслим исмли киши ўрнидан туриб: «Эй Муовия! Ўша бериладиган нарса сенинг меҳнатингдан ҳам, отангинг меҳнатида ҳам, онангинг меҳнатида ҳам эмас эди!» деди. Муовия ғазабланди. Минбардан тушди. Одамларга: «То келгунимча туриб турунглари, – деди-да, кириб кетиб, бир муддат ҳаяллаб қолди. Сўнг қайтиб чиқди. Ғусл қилиб олган эди. Кейин: «Абу Муслим менга гапириб, ғазабимни чиқарди. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яратилган. Олов эса сув билан ўчирилади. Қачон бирингиз ғазабланса, ғусл қилиб олсин» деганларини эшитган эдим. Кириб, ғусл қилиб чиқдим. Абу Муслим тўғри айтди. Албатта, у менинг меҳнатимдан ҳам эмас, отамнинг меҳнатида ҳам эмас. Келинглари, оладиган атоларингизни олинглари», деди».

Имом Табароний ва Абу Яъло раҳматуллоҳи алайҳимо Абу Фунайлдан ривоят қиладилар:

«Муовия ибн Абу Суфён бир жума куни минбарга чиқди ва хутбасида: «Мол бизнинг молимиз ва ўлжа бизнинг ўлжамиз. Кимга хоҳласак – берамиз. Кимга хоҳламасак, бермаймиз», деди.

Бирор киши унга жавоб бермади.

Иккинчи жума куни яна ўша гапни айтди.

Бирор киши унга жавоб бермади.

Учинчи жума куни яна ўша гапга ўхшаш гапни айтди. Шунда масжидда ҳозир бўлганлардан бир киши ўрнидан туриб: «Йўк! Ундай эмас! Мол бизнинг молимиз ва ўлжа бизнинг ўлжамиз. Ким бизни ундан тўсса, қиличларимиз ила уни Аллоҳнинг маҳкамасига ўтказамиз!» деди.

Муовия ибн Абу Суфён пастга тушди. Ҳалиги кишига одам юборди. Уни ичкарига олиб кириб кетишди. Одамлар: «Бу одам энди ўлди», дейишди. Сўнг кириб қарашса, ҳалиги одам у билан сўрида ўтирган экан. Муовия одамларга: «Бу мени тирилтирди. Аллоҳ уни тирилтирсин! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Мендан кейин амирлар бўлур. Улар гап айтсалар, рад қилинмас. Улар оловга маймунлар талашгандек, талашиб кирурлар» деганларини эшитган эдим.

Мен биринчи жума куни гапирганимда, менга ҳеч ким жавоб қайтармади. Мен ҳам ўшаларданмиканман деб кўрқдим.

Иккинчи жума куни гапирганимда, менга ҳеч ким жавоб қайтармади. Мен ҳам ўшаларданмиканман деб кўрқдим.

Учинчи жума куни гапирганимда, манави киши туриб, менга қарши сўз айтди. У мени тирилтирди. Аллоҳ уни тирилтирсин!» деди».

Муовия ибн Абу Суфённинг ҳаёт йўли, у кишининг аввал ким бўлгани-ю, кейин кимга айланганини ўрганар эканмиз, бу ҳам Исломнинг яна бир мўъжизаси эканига тан берамиз.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху Исломга энг ашаддий душман бўлган ота-онадан туғилиб, уларнинг тарбиясида ўсди. У киши ота-оналарига кўшилиб, бир муддат Ислом душмани бўлиб юрди. Маккаи мукаррама фатҳ бўлиб, ҳамма Исломни қабул қилаётганда кўпчиликка кўшилиб мусулмон бўлди, бўлганда ҳам, жуда гўзал, ҳаммага намуна бўладиган мусулмонга айланди.

У киши Исломни қабул қилган илк кунлариданоқ Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида ваҳийни ёзадиган мирзалардан бири бўлди.

У киши учун Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга саҳоба бўлишнинг ўзи катта бахт эди. Аммо Муовия ибн Абу Суфён бу билан кифояланиб қолмай, юқори чўққиларга интилди. Исломни пухта ўрганди ва фақиҳ саҳобалар қаторига кўшилди.

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида уч йилгина бирга бўлган бўлса ҳам, кўп нарсаларни ўрганиб улгурган Муовия ибн Абу Суфён ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг даврларида оддий жангчи бўлиб урушда иштирок эта бошлади ва амир даражасига кўтарилди. У киши тўрт рошид халифа даврларида йигирма йил амирлик қилиб, Шомда Исломнинг тарқалишига ва мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди.

Муовия ибн Абу Суфённинг халифалик даврида Ислом Атлантика океани қирғоқларигача етиб борди. У кишининг Ислом учун бу даврда қилган хизматлари ҳақида кўп жилдлик китоблар ёзилган.

Бундай ҳолат фақат Исломдагина бўлиши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса «Чаённинг боласи чаён, душманнинг боласи душман бўлади» деб, Муовия ибн Абу Суфёнга ўхшаганлар ўлдириб юборилишлари турган гап эди. Аммо «Ислом ўзидан олдинги нарсани ювиб ташлайди» деган қоида Муовия ибн Абу Суфёнга ўзини кўрсатишга имкон яратиб берди ва у киши Исломга нисбатан фидокорликни намоён қилди.

УМАВИЙЛАР ДАВРИДАГИ ФАТҲЛАР

Умавийлар даврида фатҳлар уч жабҳада олиб борилди.

Кичик Осиёда румликларга қарши фатҳлар

Бу фатҳлар жуда кенг кўламли бўлиб, Қустантинияни, Ўрта ер денгизидаги баъзи оролларни фатҳ қилиш орқали амалга ошди.

Шимолий Африкадаги фатҳлар

Бу Атлантика океанигача етиб борди. Ниҳоят Жабали Торик номли жойдан ҳам ўтиб, Испаниягача етди.

Шарқий жабҳа

Шарқ томонда Ироқ, ундан кейин шимолга қараб Мовароуннахр, жануб тарафлар, Синд юртлари фатҳ қилинди.

Бироқ Бану Умайядан кейин Ислоннинг кенгайиши тўхтаб қолди. Аббосийлар давлати ҳарбий жиҳатдан ривожлана олмади, бир қадам ҳам олдинга силжимади. Ислон дини даъватчилар, тожирлар фаолияти ёрдамида узок юртларга тарқалишда давом этди, лекин ҳарбий жиҳатдан юксалиш бутунлай тўхтаб қолди. Бу соҳадаги кенгайишлар кейинчалик, ғазнавийлар ва усмонийлар даврида яна олдинга силжий бошлади.

Муовия ибн Абу Суфён давридаги фатҳлар

У кишининг халифалиги даврида жуда катта фатҳлар амалга оширилган. Улар асосан икки асосий жабҳада бўлган. Биринчиси – ғарбий жабҳа. Ҳозирги Туркия давлатининг ўрни Рум деб аталиб, у ерларда доимий равишда чегаралар қурилган ва фатҳ ишлари тўхтовсиз давом этиб турган.

Асосий мақсад Қустантинияни фатҳ қилиш эди. Ҳижрий 50 (милодий 670) йилда Қустантиния камал қилинди, сўнг хижрий 53–61 (милодий 673–680) йилларда ҳам камал қилиш ишлари давом этди. Лекин бу юртни фатҳ қилишнинг

имкони бўлмади. Муовия розияллоху анху Ўрта ер денгизида бир минг етти юзта кемадан иборат денгиз флотини ташкил қилди ва унинг ёрдамида жуда кўп ғалабаларга эришди.

У киши ҳижрий 49 (милодий 669) йилда Сиқиллия – ҳозирги Сицилиядаги Журба оролини, ҳижрий 53 (милодий 673) йилда Урдус оролини, ҳижрий 55 (милодий 675) йилда Кирит оролини фатҳ қилдилар. Шунингдек, ҳижрий 57 (милодий 677) йилда Эгей денгизидаги ороллар, Қустантинияга яқин ерлар фатҳ қилинди.

Африкада эса жуда кўп жойлар, жумладан, ҳижрий 41 (милодий 661) йилда Бинзерт, 45 (милодий 665) йилда эса Қайрувоннинг ёнидаги Кумуния фатҳ қилинди. Ўша йилнинг ўзида Суса шаҳри ҳам фатҳ этилди.

Уқба ибн Нофеъ розияллоху анху томонидан Сирт, Ғидамис, Тароблус (Триполи) шаҳарлари фатҳ қилинди. Вуддон қайтадан фатҳ қилиниб, унинг ерлари Фаззон ва Қафсага кўшилди. Ҳижрий 50 (милодий 670) йилда Қайрувон шаҳрини қурди. Шунингдек, Уқба ибн Нофеъ Судан юртларидаги жойларни фатҳ қилди. Фатҳлар кенгайиб бориб Мағрибга, Жазоиргача етди. Уқба ибн Нофеъ Фихрий ўша майдондаги энг катта қўмондонлардан ҳисобланган.

Шарқий жабҳа

«Шарқий жабҳа» деганда Мовароуннаҳр юртлари, Синд юрти, Ҳиндистон кўзда тутилади. Икки дарё – Сайхун ва Жайхун дарёлари орасидаги ва унинг атрофидаги ерлар Мовароуннаҳр юртлари ҳисобланади. У ерда ўша пайтда Тоҳористон (пойтахти Балх), Софониён (пойтахти Шумон), Сўғд (пойтахти Самарқанд ва Бухоро), Фарғона (пойтахти ўша вақтда Хўжанд бўлган), Хоразм (пойтахти Журжония), Ашрусна (Усрушона, пойтахти Панжикент), Шош (пойтахти Бинкет) каби юртлар машҳур бўлган.

Ўша пайтларда мазкур ўлкаларда истиқомат қилувчи аҳолининг кўп қисми бутпарастлардан иборат эди. Мусулмонлар Мовароуннаҳр юртларини фатҳ қилишни ҳижрий 41 (милодий 661) йилда бошладилар. Улар, аввало ҳижрий 43 (милодий 663) йилда Сижистонни фатҳ қилдилар. Ҳижрий 45 йилда Тоҳористоннинг баъзи юртлари фатҳ қилинди. Ниҳоят улар Қухистонга етиб бордилар. Ҳижрий 55 (милодий 675) йилда Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухорогача етиб борди. Ҳижрий 44 йилда мусулмонлар Синд ва Ҳинд юртларига кадам босдилар. Бу юртларнинг аҳолиси маълум бир вақт бўйсуниб туришди, сўнг яна орқага қайтиб, вазият барқарор бўлмади. Ниҳоят Валид ибн Абдулмаликнинг даврига келиб мусулмонлар у ерларда ўз ҳукмларини мустаҳкамладилар.

Муовия ибн Абу Суфён давридаги вилоятлар

Ўша пайтда Ислом давлатида бир неча вилоятлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари бир неча амирликлардан ташкил топган эди. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анхунинг халифалик даврида олтига вилоят бор эди.

1. Шом вилояти

Шом вилояти асосий вилоят ҳисобланиб, унинг ҳудудлари жанубда Арабистон яриморалининг шимолидан бошланар, шимоли эса Турус тоғларигача етиб борар эди. Шарқда Фурот дарёсидан бошланиб, ғарбдаги чегараси Ўрта ер денгизигача етиб борган эди.

Бу вилоятда жумладан, Ҳимс, Қунсурайн, Антокия, Та-роблус ва бошқа амирликлар бор эди.

2. Куфа вилояти

Ирокнинг шимоли, курдлар, Озарбойжон ва шу тарафдаги бошқа ерлар ушбу шаҳардан туриб бошқарилар эди. Ҳазрати Алий розияллоҳу анху ва у кишининг ўғиллари Ҳасан ва

Ҳусайн розияллоҳу анҳумо мана шу шаҳарда фаолият олиб борган эдилар. Муовия розияллоҳу анҳу бу вилоятга Муғий-ра ибн Шуъба розияллоҳу анҳуни волий қилиб тайинлади. У киши волийликни яхшилаб адо этиб, гўзал ўрناق бўлди.

3. Басра вилояти

Бу вилоят Куфага яқин бўлса ҳам, Форс, Хуросон, Сижистон каби минтақалар айнан у орқали бошқарилар эди.

4. Хуросон вилояти

Бу вилоятга тегишли ерлар авваллари Басрага қарар эди. Муовия розияллоҳу анҳу ушбу вилоятга Зиёд ибн Абийҳни волий қилиб тайинлади. Ундан кейин бошқа волийлар ҳам у ерда иш олиб бордилар.

5. Мадинаи мунаввара вилояти

Асосий пойтахт бўлган Мадинаи мунаввара Ислом давлати учун энг аҳамиятли вилоят ҳисобланган, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, рошид халифалар ҳам Ислом давлатини мана шу шаҳардан туриб бошқарган эдилар. Ислом миллатининг етакчи кучлари – саҳобаи киромлар, муҳожир ва ансорлар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар ва уларнинг авлодлари мана шу муборак шаҳарда яшаб келганлар. Шунинг учун бу вилоятга волий бўлган шахснинг обрўси ҳам катта бўлар эди.

Маккаи мукаррама ва бошқа вилоятларнинг сиёсий аҳамияти кам бўлгани учун тарихчилар уларни камроқ эслашади.

6. Миср вилояти

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг даврида Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу бошчилигидаги фотиҳлар Мисрни фатҳ қилдилар ва уларнинг раҳбари у ерга волий бўлиб қолди.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўз даврларида Миср-га Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарҳ розияллоху анхуни волий қилдилар.

Алий ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг даврларида Мисрга бир нечта волийлар тайинланди.

Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхунинг даврида Мисрга яна Амр ибн Ос розияллоху анху волий бўлди.

Хаворижлар

Хаворижлар, аввал айтиб ўтилганидек, Алий розияллоху анхуни Сиффиндаги урушни тўхтатиб, Қуръони Каримнинг ҳукмига тушишга мажбурлаган, кейин ҳакамликни инкор қилган, Ҳарура деган жойда тўпланиб, ҳазрати Алий розияллоху анхуга қарши чиққан одамлар эди.

«Хавориж» сўзининг маъноси «қарши чиқувчилар»дир. Улар ер юзида фиску фасод, бузғунчилик қилишди. Ҳазрати Алий розияллоху анху Наҳравон жангида уларни енганларидан кейин кўпчилик хаворижлар ҳазрати Алий розияллоху анхунинг лашкарларига қўшилиб олишди ва улардан бири имконини топиб, у киши розияллоху анхуни қатл қилди.

Муовия ибн Абу Суфённинг даврида улар Куфа ва Басрада бир неча марта кўзғалон уюштиришди. Муовия розияллоху анху уларга қарши уруш олиб бориб, кўзғалонни бостирди.

Басранинг волийси Зиёд ибн Абийҳ ва унинг ўғли Убайдуллоҳ хаворижларга қарши ниҳоятда қаттиқ турар, сира шафқат қилишмас эди.

Хаворижлар асли саҳролик қўпол, дағал, бераҳм, шафқатсиз одамлар эди. Улар одамларни иккига бўлиб – ё мўмин, ё кофир бўлади дейишар, ўзларининг фикрига қўшилганларни мўмин, қарши чиққанларни кофир ҳисоблашар, ҳатто ҳазрати Усмон, Алий, Муовия розияллоху анхумни ҳам кофирга чиқариб қўйишган эди. Хаворижлар ўз жамоасига қўшилмаганларга қарши уруш қилишар, уларнинг конини ҳалол санашарди. Натижада улар жуда кўп бало-офатларга сабаб бўлишди.

Мулоҳаза қилинадики, умавийлар давлати даврида хаворижлар жуда кўп ғалабаларга ҳам эришишган. Уларнинг турлича фиркалари бўлиб, азрақийлар, нажадотлар, ибозийлар, ажоридалар, сафариялар каби номлар билан аталган.

Язидга байъат қилиниши

Муовия розияллоху анху ўзи ҳаётлик чоғида ўғли Язидга байъат қилдирди. Бу ишни қилган биринчи мусулмон айнан Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анху бўлди. Бунинг учун унга кўпчилик қарши чикди. Ҳусайн ибн Алий розияллоху анху, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдурраҳмон ибн Абу Бакр розияллоху анҳулар шулар жумласидандир. Шариатда жоиз бўлмаган бу иши учун Муовия розияллоху анху жуда кўп мусибат ва мушкулотларга, шиддатли қаршиликларга учради, лекин уларнинг ҳаммаси бостирилди.

Мусулмонларнинг раҳбарлик иши ҳисобланган халифаликни бундай масъулиятли ишга иқтидори бор, сифатлари талабга жавоб берадиган шахс зиммасига олиши керак эди, уни меросга айлантириш жоиз эмасди.

Муовия розияллоху анхунинг вафоти

Муовия розияллоху анху одамлар орасида яхши сийрат билан яшади. Бутун ғайратини мусулмонларни бирлаштиришга сарфлади. Баъзи хаворижларни ҳисобга олмаганда, унга қарши турувчилар қолмади. Оз сонли хаворижларнинг таъсири эса жуда оз эди.

Муовия розияллоху анхунинг даври узоқ давом этди. Шу билан бирга, жуда кенг камровли бўлди. Шунинг учун тарихчилар унинг даври исломий халифаликнинг энг гўзал ва фаровон давларидан бўлганини таъкидлайдилар. Бу даврда ички тинчлик ва омонлик қарор топди, турли қарши унсурларнинг ҳаммаси мағлуб қилинди, ташқи жабҳалар-

даги фатҳ ишлари бардавом бўлиб, чор атрофга тарқалди. Ҳар тарафдан ғалабалар тўғрисида хабарлар келиб турди.

Саҳобалар ва уларнинг ўғилларининг Муовия розияллоху анхуга қарши туришига сабаб бўлган бирдан-бир нарса унинг ўзи тириклик чоғида ўғли Язид учун байъат олиши бўлди.

Муовия розияллоху анху хижрий 60 йил ражаб ойида (милодий 680 йил апрель ойида) вафот қилди. У кишининг халифаликлари йигирма йил давом этди. Муовия розияллоху анху Исломда биринчи бўлиб почта хизматини ва муҳр девонини йўлга қўйган киши ҳисобланади.

ЯЗИД ИБН МУОВИЯНИНГ ХАЛИФАЛИГИ

*(халифалик даври: хижрий 60–64;
милодий 680–683)*

Тўлик исми: Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён. Муовия ибн Абу Суфённинг бу эрка фарзанди ёшлигидан роҳат-фароғатда ўсди. Овга, ўйин-кулгига қизиқиши катта эди. Аввал айтилганидек, халифалик унга отасининг амри билан ўтди. Муовия ибн Абу Суфён тириклик пайтида ҳамма Язид ибн Муовияга байъат қилди. Мадинаи мунавварада бир қанча одамлар унга байъат қилишдан бош тортганда, Язид уларни ҳам байъат қилишга мажбурлашга уриниб кўрди.

Шундан кейин Ибн Умар, Ибн Абу Бакр, Ибн Аббослар байъат қилдилар. Аммо халифаликдан умидвор бўлиб юрган имом Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анхумо байъат қилмай, Маккага кетиб қолишди.

Язид ибн Муовия давридаги фатҳлар

Бу даврда фақат Африкадагина баъзи бир фатҳлар бўлди. Бошқа тарафларда ички фитналар ва бошқа ҳодисалар сабабли фатҳ ишлари тўхтаб қолди. Африкада Уқба ибн Нофеъ ўзининг фатҳларини ғарб томон кенгайтириб борди. У Мағриб юртларининг барчасини фатҳ қилиб, Атлан-

тика океанигача етиб борди. Ривоят қилинишича, Уқба ибн Нофеъ мазкур океан соҳилидаги бир тепалик устига чиқиб: «Роббим, агар ушбу денгиз бўлмаганида, Сенинг йўлингда жиходни давом эттирар эдим, агар ундан кейин яна ер келишини ва у ерда ҳам одамлар борлигини билсам, шу денгизга шўнғирдим», деган экан.

ИЧКИ ҲОДИСАЛАР

Шийъаларнинг қўзғалонлари

Мавзуга киришишдан аввал шийъалар тарихига оид айрим маълумотлар билан танишиб чиксак, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Шийъа» сўзи луғатда «тарафкаш» маъносини англатади. Ислом оламида эса ҳазрати Алийга тарафкашлик оқибатида кўпчилик мусулмонлардан ажралиб, алоҳида йўл тутган тоифага айтилади. Аслида шийъа мазҳабининг келиб чиқишига сиёсий ихтилофлар сабаб бўлган.

Учинчи халифа ҳазрати Усмон розияллоху анху вафотларидан сўнг келиб чиққан қарама-қаршиликларнинг бир тарафида ҳазрати Алий ибн Абу Толиб қаррамаллоху важаҳу бўлдилар. У кишига тарафдор бўлганлардан баъзилари кейинчалик шийъа мазҳабини келтириб чиқардилар. Ҳазрати Алийнинг ўзлари бу гаплардан беҳабар ўтганлар.

Хулоса шуки, шийъачилик аввалдан ўйлаб, режалаштириб тузилган ҳаракат ёки мазҳаб эмас, балки сиёсий тарафкашлик оқибатида муҳолиф тарафга зид ўлароқ аста-секин шаклланган бир мазҳабдир.

Тарихчилардан баъзилари бу мазҳабнинг бошланиш даври саҳобалар ўртасида содир бўлган машҳур «Сиффин» урушига тўғри келади, дейдилар. Кейинчалик шийъалар кўплаб фиркаларга бўлиниб кетган. Ҳозирги кунда Аҳли сунна вал жамоа мазҳабига муқобил ва яқин саналадиган, энг асосий шийъа мазҳаби «имомия» ёки «исна ашария»

деб номланади, яъни улар ўн икки имомга эътиқод қиладилар, шунинг учун мазкур номни олганлар.

Уларни фикхий эътибордан имом Жаъфар Содикнинг эргашувчилари бўлганлари учун «жаъфарийлар» ҳам дейилади.

Имомия мазҳабидаги шийъалар эътиқод қиладиган имомлар куйдагилар:

1. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу.
2. Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳумо.
3. Ҳусайн ибн Алий розияллоҳу анҳумо.
4. Алий Зайнул обидийн ибн Ҳусайн.
5. Муҳаммад Бокир ибн Алий Зайнул обидийн.
6. Жаъфар Содик ибн Муҳаммад Бокир.
7. Мусо Козим ибн Жаъфар Содик.
8. Алий Ризо ибн Мусо Козим.
9. Муҳаммад ал-Жавод ибн Алий Ризо.
10. Алий Ҳодий ибн Муҳаммад Жавод.
11. Ҳасан Аскарый ибн Алий Ҳодий.
12. Муҳаммад Маҳдий ибн Ҳасан Аскарый.

Шийъаларнинг ўн иккинчи имоми, Муҳаммад Маҳдий тўрт ёки саккиз ёшида «Сорра ман раъо» деган жойда отасининг ҳовлисида бир ғорга ўхшаш жойга кириб кетган-у, бир куни қайтиб чиқади, деб эътиқод қилинади. Шунингдек, уларнинг ақийдаси бўйича, имомлик ягона диний раҳбарлик бўлиб, у аввалги имомнинг васияти ила кейинги имомга ўтади. Мисол учун, Пайғамбар алайҳиссалом ўзларидан кейин имомликни ҳазрати Алийга васият қилганлар, ўз навбатида ҳазрати Алий имом Ҳасан ва Ҳусайнга ва ҳоказо.

Шийъа мазҳабидаги мусулмонларнинг эътиқоди бўйича, имом гуноҳлардан пок бўлади ва тўлиқ илм соҳиби бўлади. Уларнинг пайғамбардан фарқи ваҳий тушмаслигида, холос. Имомлар мўъжиза соҳиби ҳам бўладилар. Улар ҳар куни шом намозидан кейин имом Маҳдий кириб кетган деб эътиқод қилинадиган ғор оғзига бир уловни олиб бориб, то

юлдузлар кўрингунча имомнинг исмини айтиб чакирадилар, сўнгра эртага қайтиб келамиз, деб таркалишади. Улар имом чикса, ер юзини адолатга тўлдиради, шийъаларнинг душманларидан ўч олади, деб эътиқод қиладилар.

Баъзи ҳаддан ошган шийъа тоифалари фаришта Жаброил алайҳиссаломни ҳам сўкадилар. Улар у зотни ваҳийни адашиб Алийга эмас, Муҳаммадга олиб тушган деб айблайдилар.

Муҳаррам ойининг биринчи ўн куни шийъалар учун мотам кунлари ҳисобланади. Улар ўша кунлари имом Ҳасан, имом Ҳусайн ва бошқаларга мотам тутадилар. Улардан баъзи бир ҳаддидан ошган тоифадагиларининг эътиқоди бўйича ўша кунлари ким ўзини кўпроқ қийнаса, шунча кўп савоб олади.

Имомия шийъаларининг асосий маркази Эрондир. Тарихчилар бунинг асл сабаби имом Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг Эрондан уйланишлари бўлган дейдилар. Шу туфайли сиёсий жанжалларда эронликлар имом Ҳусайн тарафини оладилар ва у кишини келиб, ўзларига раҳбарлик қилишга чорлашади. Имом Ҳусайн шу чакирикка биноан келаётиб, Карбалода шахид бўладилар. Шунингдек, имомия шийъалари Ироқ, Кувайт, Покистон ва Ливанда сезиларли даражада тарқалганлар.

Озарбойжон аҳолисининг кўпчилиги шийъадир. Шунингдек, Шимолий Қофқознинг Озарбойжон чегарасига яқин жойларида яшайдиган аҳоли ҳам шийъалардир. Ўзбекистонда Самарқанд ва Бухорода ота-боболари қадимда Эрондан келиб қолган шийъа мазҳабига мансуб кишилар яшашади. Уларнинг маҳаллий аҳолиси асли Эрондан бўлгани учун эронийлар ҳам деб атайдилар. Ҳозирги кунда ўзларининг масжидлари бор, баъзи китобларини ҳам чоп этдилар.

Охирги пайтларда сунний ва шийъий мазҳаблари орасида яқинлашиш ишлари бўйича фаолият олиб борилмоқда. Ҳар мазҳаб ўзининг таълимотларини тутиши билан ўзгани хур-

мат қилиш ва муштарак манфаатлар йўлида ҳамкорлик қилиш ҳаракатлари йўлга қўйилмоқда. Эронда «Исломиё мазҳабларни яқинлаштириш» деб аталган катта муассаса ишлаб турибди. Ҳар йили илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Ҳозирги пайтда имомия шийъалари билан аҳли сунналар орасида муносабатларни яхшилашга ҳаракатлар бўлиб турибди. Имомия мазҳабидаги шийъаларни кофир дейилмайди.

Асосий баҳсимизга қайтсак, умавийлар даврида шийъалар томонидан доимий равишда қўзғалонлар уюштириб турилган. Бундай қўзғалонларнинг боиси шийъаларда умавийларга нисбатан адоват кучли бўлиб, уларнинг нияти умавийларни бутунлай йўқотиш ва бу билан барча мусулмонларни заифлаштиришга эришиш эди.

КАРБАЛО ФОЖИАСИ

*(ҳижрий 61 йил 10 муҳаррам;
милодий 680 йил 10 октябрь)*

Ҳижрий 60 йилда халифа Муовия ибн Абу Суфён вафот этиб, ўрнига унинг амрига биноан ўғли Язид халифа бўлиб қолгач, Шом аҳли унга байъат қилди. Сўнг Язид ўзига байъат олиш учун Мадинага одам юборди. Имом Ҳусайн розияллоху анху билан Абдуллох ибн Зубайр унга байъат қилишдан бош тортдилар ва ўша кечаси Мадинаи мунавварадан чиқиб, Маккаи мукаррама томон йўл олдилар.

Муовиянинг замонидаёқ Ироқ аҳли имом Ҳусайн розияллоху анхуга мактуб ёзиб, у кишини ўзлари томон чорлашар, халифаликни талаб қилишга ундар эдилар. Язид ибн Муовияга байъат қилинганидан кейин имом Ҳусайн розияллоху анху бир тўхтама келолмай, узок ўйладилар: бир томондан ўз жойларида қолишни, яна бир томондан Ироқ аҳли томон юришни афзал кўрдилар. Абдуллох ибн Зубайр розияллоху анху у кишининг Ироққа боришлари тарафдори бўлса, Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху бунга қарши бўлдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху эса: «Сен кетма, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга дунё ёки охиратни танлаш ихтиёрини берганида у зот охиратни ихтиёр қилганлар. Сен у зотнинг бир бўлагисан, дунёга ноил бўлмайсан», дедилар. Лекин имом Ҳусайн розияллоху анху Ироқ сари йўлга чиқишга қарор қилиб бўлган эдилар. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху у кишини кучоқлаб, йиғлаб хайрлашдилар. Кейинчалик Ибн Умар розияллоху анху: «Ҳусайн бизнинг гапимизга кўнмай, чиқиб кетган эди», деб юрар эдилар.

Имом Ҳусайн розияллоху анху Куфа томонга отланиб турганларида хузурларига Амр ибн Абдуррахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом келиб: «Менга Ироққа бормоқчи эканинг ҳақида хабар етди. Амирлари, омиллари ва байтулмоллари бор юртга боришинг мени хавфга солади. Одамлар дирҳам ва динорнинг бандаларидир. Сенга ёрдам беришни ваъда қилганлар сенга қарши жангу жадал қилиб қолишларидан кўрқаман», деди. Имом Ҳусайн розияллоху анху унга яхши муомала қилиб, қайтариб юбордилар.

Сўнг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху келиб: «Ироққа бормоқчи эканинг одамларни хавотирга соляпти. Нима қилмоқчисан ўзи?» деди. «Шу икки кун ичида йўлга чиқишга қарор қилдим», дедилар имом Ҳусайн розияллоху анху. «Ундай қилишдан сени Аллоҳнинг Ўзи асрасин! Аллоҳ раҳмингни егур, менга айт-чи, амирларини ўлдириб, душманларини йўқ қилган, юртига эга чиқиб олган кавмининг олдига бормоқчимисан?! Улар сени алдашидан, ёлғончига чиқаришидан, сенга хилоф қилишидан, сени ташлаб қочишидан, сенга қарши чиқишидан, ашаддий душман бўлиб қолишидан кўрқаман», деди Абдуллоҳ ибн Аббос.

Имом Ҳусайн розияллоху анху бу гапга жавобан: «Мен Аллоҳга истихора қиламан. Кейин нима бўлишига қарайман», дедилар.

Эртасига Абдуллоҳ ибн Аббос яна қайтиб келиб: «Эй амакиваччам! Шунча уринсам ҳам сабр қила олмаяпман. Шу кетишда кетаверсанг, ҳалок бўлиб, томиринг куришидан қўрқяпман. Ахир Ироқ аҳли хиёнаткор қавм. Уларга зинҳор яқинлашма! Шу ерда туравер. Ахир сен Ҳижоз аҳлининг саййидисан. Агар Ироқ аҳли ўзлари даъво қилаётганларидек, сени хоҳлайдиган бўлсалар, уларга хат ёз, аввал омилларини ва душманларини кувишсин, кейин сен уларнинг олдига бор. Жуда чиқшинг керак бўлса, Яманга бор. У ерда қўрғонлар, даралар бор. Унинг ери кенг. У ерда отангнинг тарафдорлари бор. Ўзинг оммадан четроқда бўласан. Одамларга хат ёзиб юборасан, чорловчиларингни шу йўл орқали ёясан. Менимча, ана шунда офиятда турган ҳолингда ўзинг хоҳлаган нарсага эришасан», деди.

Имом Ҳусайн розияллоху анху у кишининг бу гапларини ҳам қабул қилмадилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху: «Агар борадиган бўлсанг, аёлларингни, ёш болаларингни олиб борма. Усмон қатл қилинганидек, сен ҳам аёлларинг ва болаларинг кўз ўнгида қатл қилинишингдан қўрқаман», деди.

У кишининг бу гаплари ҳам фойда бермади. Имом Ҳусайн розияллоху анху аёллари ва бола-чақалари билан йўлга тушдилар. Йўлда у кишига машҳур шоир Фараздақ дуч келди. Имом Ҳусайн розияллоху анху ундан: «Одамлар қандай?» деб сўрадилар. «Одамларнинг қалби сен билан, қиличлари Бану Умайя билан. Қазо осмондан нозил бўлур, Аллоҳ хоҳлаганини қилур», деди Фараздақ.

Сўнг имом Ҳусайн розияллоху анхуга Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхудан мактуб келди. У киши Аллоҳ номи билан қасам ичиб, зинҳор юртдан чикмасликни сўраган эдилар. У кишининг мактуби билан бирга Мадинанинг амири Амр ибн Саъиднинг омонлик хати ҳам бўлиб, ортга қайтишни сўраган эди. Имом Ҳусайн розияллоху анху йўлларида давом этавердилар.

Йўлда у кишига Абдуллоҳ ибн Мутийъ дуч келди. У имом Хусайн розияллоху анхунинг қаёққа кетаётганларини билгач, «Аллоҳнинг номи ила эслатаман, эй Расулуллоҳ қизининг ўғли! Ислом ҳурмати ўтиниб сўрайман, араблар ҳурмати, Аллоҳнинг номи ила ўтиниб сўрайман, бундай қилма! Аллоҳга қасамки, агар Бану Умайянинг қўлидаги нарсани талаб қиладиган бўлсанг, улар сени албатта ўлдиришади. Сендан кейин эса ҳеч кимдан тап тортмай қўйишади. Аллоҳга қасамки, Ислом ҳурмати, Қурайш ҳурмати, араб халқи ҳурмати, бундай қилма! Ўзингни Бану Умайяга тутиб берма!» деди.

Имом Хусайн розияллоху анху бу гапларга ҳам эътибор бермай, йўлларида давом этдилар. У киши ўз одамлари билан Саълабийя деган жойга етганларида Муслим ибн Ақийлнинг қатл қилингани ҳақида хабар келди. Баъзи кишилари: «Аллоҳ номи ила илтимос қиламиз, шу ердан ортингизга қайтинг!» дейишди. Аммо Муслимнинг яқинлари бунга қарши чиқиб «Аллоҳга қасамки, ўчимизни олмагунча қўймаймиз. Ёки Муслим тотган нарсани биз ҳам тотамиз!» дейишди.

Имом Хусайн розияллоху анху одамлари билан юриб бориб, Батни Ақаба номли ерга тушдилар. Ўша ерда у кишига араблардан бир киши учраб: «Аллоҳнинг номи ила илтимос қиламан, ортингга қайт! Аллоҳга қасамки, найзаларнинг учига, қиличлар тиғига қараб кетяпсан! Анави сени чақирганлар сени жангга керакли нарсалар билан таъминлаганларида, ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганларида, борсанг бўлар эди. Аммо ҳозир сен васф қилган ҳолатда зинҳор бориб бўлмайд! Ортингга қайт!» деди.

У кетганидан кейин Ҳар ибн Язид Тамимий бошлиқ минг нафар отлиқ келди. Имом Хусайн розияллоху анху уларга: «Эй одамлар, Аллоҳга ҳам, сизга ҳам узр! Мен сизлардан кўплаб мактублар олганим, элчилар кўрганим учун, улар «Бизнинг олдимизга кел, бизнинг имомимиз йўқ, шояд, Аллоҳ сен ила бизни ҳидоятга бошласа», деганлари учун

келдим. Агар сизлар менга кўнглимни тўлдирадиган ваъда берсангиз, шаҳрингизга бораман, бўлмаса, келган еримга қайтиб кетаман», дедилар.

Улар индашмади.

Бир оздан кейин Ҳар: «Бизга агар сени учратсак, Куфага – Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг олдига олиб боргунимизча сизлардан ажрамаслик амр қилинган», деди. Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳу унга: «Бундан кўра ўлганинг яхши эмасми?!» дедилар. Сўнгра у киши ўз одамларини отланиб ортга қайтишга амр қилдилар. Ҳар эса уларнинг йўлини тўсди. Шунда имом Ҳусайн розияллоҳу анҳу: «Онанинг кўкингни кийгур, биздан нима истайсан?!» дедилар.

«Аллоҳга қасамки, бу гапни сендан бошқа араб айтганида, ким бўлишидан қатъи назар, онасини (ёмон сўз билан) зикр қилмай қўймас эдим. Аллоҳга қасамки, сенинг онангни яхшилиқдан бошқа билан зикр қила олмайман», деди ва у кишининг Мадинага қайтиб кетмасликлари учун ҳамма чораларни кўрди.

Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳу шимол томон юриб, Найнавога бордилар. Ўша ерда Ибн Зиёд уларга қарши юборган лашкар етиб келди. Ўша лашкарнинг бошлиғи Умар ибн Саъд одам юбориб: «Нима учун келдинг?» деб сўради. Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳу: «Юртингизнинг одамлари мактуб ёзиб, келишимни сўрашди. Агар хоҳлашмаса, қайтиб кетаман», дедилар.

Умар бу ҳақда Ибн Зиёдга хат юборди. Шеърый услуб ила ёзилган хатда «Чангалимизга тушганда нажот топмоқчи, энди иложи бормикан?» деган маъно бор эди.

Ибн Зиёд: «Ҳусайнга Язидга байъат қилишни таклиф қил. Агар қабул қилса, ўйлаб кўрамиз, ундан ва одамларидан сувни тўсиб қўй», деб буйруқ берди. Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳу: «Менга имкон беринглар, келган жойимга қайтиб кетаман», дедилар. Улар: «Ибн Зиёднинг ҳукмига

туш», дейишди. У киши бу гапни қабул қилишлари мумкин эмас эди. Урушдан бошқа илож қолмади.

Имом Ҳусайн розияллоху анху билан бирга келган эр-каклар саксон кишидан ортмас эди. Жанг бошланди. Кўп ўтмай имом Ҳусайн розияллоху анху ва у кишининг барча яқинлари қатл қилинди. Ироқликлардан саксон саккиз киши ўлди. Бу нобакорлик Карбалода содир бўлди.

Имом Ҳусайн розияллоху анхуни Синан ибн Авс ибн Амр ан-Нахаъий найза санчиб ўлдирган эди. У от устида туриб, ўз одамларидан Хавлий деган кишига: «Унинг калласини уз», деди. Хавлий имом Ҳусайн розияллоху анхунинг бошларини таналаридан узмоқчи бўлиб ҳаракат қилган эди, ҳолсиз бўлиб, уза олмади. Синан ўзи отдан тушиб, каллани танадан узди. Бу мислсиз жиноят хижрий 61 йил жума куни бўлди. Ўша куни Ашуро кунига тўғри келган эди.

Жиноятчилар гуруҳи қолган шаҳидларнинг ҳам бошларини таналаридан ажратиб олишди. Сўнг каллаларни кўтариб, қизлар ва аёлларни ҳайдаб, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг олдига шошилишди. Мусибат ўтида ёнаётган қиз-аёллар имом Ҳусайн розияллоху анхунинг тирик қолган ягона ўғли Алий ибн Ҳусайнни кўтариб, фиғонлари дунёни тўлдириб боришар эди.

Нобакорлар ўз хўжайинларига яхши кўриниш мақсадида етмиш икки дона бошни бўлиб олиб, кўтариб боришарди.

1. Имом Ҳусайн розияллоху анхунинг бошларини Хувлий ибн Язид олиб борарди.

2. Киндаликларга ўн учта бош теккан эди.

3. Ҳавозинликлар йигирмата бошни олиб боришарди.

4. Бану Тамим ҳам йигирмата бошга эга бўлган эди.

5. Бану Асад еттита бошни кўтариб олган эди.

6. Мазҳижликлар ўн битта бошни олишган эди.

Уларнинг раҳбарлари Шимр ибн Зилжувшан, Қайс ибн Ашъас, Амр ибн Ҳажжож ва Урва ибн Қайслар эди. Улар ана шундай ҳолда ўз бошлиқлари Убайдуллоҳ ибн Зиёдни олдига кириб боришди.

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Ибн Зиёднинг олдида эдим. Бир пайт Ҳусайннинг бошини келтиришди. У қўлидаги чўп билан унинг бурнига ишора қилиб: «Бунингдек чиройни кўрмаганман», деди. «У ўшаларнинг ичида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга энг ўхшагани эди», дедим».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Ўша ерда бошқа бир саҳоба – Зайд ибн Аркам розияллоху анху ҳам бор эдилар. У киши конхўр Убайдуллоҳ ибн Зиёдга: «Ол чўпингни! Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўша сенинг чўпинг тегиб турган жойдан ўпганларини кўрганман!» деб бақириб, сўнг бор овозлари билан хўнграб йиғлаб юбордилар.

Ибн Зиёд у кишига: «Аллоҳ кўзингни йиғига тўлдирсин! Агар мункайиб, ақли кетиб қолган чол бўлмаганингда, бўйнингни чопардим», деди.

Зайд ибн Аркам розияллоху анху кетганларидан кейин одамлар ичида шивир-шивир гап бошланди. Улар: «Аллоҳга қасамки, Зайд ибн Аркам розияллоху анху бир гап айтдики, Ибн Зиёд эшитганда, уни ўлдирар эди», дейишди.

«Нима деди?» деб сўради бирови.

«Эй араблар, сизлар бугундан бошлаб кул бўлдиларинг! Фотиманинг ўғлини ўлдирдиларинг! Маржонанинг ўғлини ўзингизга амир қилдиларинг! У бўлса сизнинг яхшингизни ўлдириб, ёмонингизни кул қилмоқда. Йўқолсин хорликка, орга рози бўлганлар!» деди», дейишди.

Ҳар қандай золим жазосини тортмай қолмайди. Кўп ўтмай, золим ва фосиқ Убайдуллоҳ ибн Зиёд ҳам қилмишига яраша жазосини тортди. Ҳижрий 66 йилнинг зулҳижжа ойида Мухтор Сақафийнинг амрига биноан Иброҳим исмли лашкарбоши Жозир деган жойда Ибн Зиёд ва унинг одамларини ўлдириб, каллаларини узди ва товоққа солиб, бошлигининг олдига олиб борди. Уларнинг бошлари Мухтор

Сақафийнинг олдига ташланди. Шунда бир кичик илон келиб, Ибн Зиёднинг оғзига кириб кетди ва бир оз ўтиб, бурнидан чиқди. Кейин бурнидан кириб, оғзидан чиқди. Илон тинмай унинг ҳали оғзидан, ҳали бурнидан кириб-чиқаверди. Сўнг жиноятчиларнинг бошлари Маккага, Ибн Зубайр розияллоху анхуга юборилди ва улар ўша ерда кўчага осиб қўйилди. Ибн Зиёд ва унинг шерикларининг мурдаларини эса Аштар куйдириб ташлади.

Шунингдек, имом Ҳусайн розияллоху анхунинг қатлларида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ҳам бу дунёдан хору зор бўлиб ўтишган. Ҳатто уларнинг зурриётлари ҳам доимий равишда хорликда ўтганини тасдиқловчи ривоятлар тарих китобларимизда кўп учрайди.

Имом Ҳусайн розияллоху анху ва у зотнинг яқинларининг ваҳшиёна ўлдирилиши бутун Ислом оламини даҳшатга солди. Бану умайяликлардан нафратланиш, ирокликларни сўкиш оддий бир ҳолга айланиб қолди. Ҳатто раҳбарлар ўзларини оклаш учун гумашталарини жазолашга ҳам ўтишди. Мусулмон оламининг имом Ҳусайн розияллоху анхуга бўлган чексиз муҳаббати уларни хавф-хатар остида қолдирган эди.

Бу улкан жиноят содир бўлганда дунё мусулмонларнинг кўзига бошқача кўриниб қолди. Бу ҳақда ҳар хил ривоятлар жуда кўп. Айниқса, имом Ҳусайн розияллоху анхунинг ўлдирилишлари тафсилоти кишининг юрагини қон қилмай қўймайди.

Эҳтимол, шунинг учундир, буюк аллома Жалолиддин Суютий «Тарихи хулафо» номли китобларида: «Унинг (имом Ҳусайн розияллоху анхунинг) қатл этилиш баёни узоқдир. Уни зикр қилишни қалб кўтара олмайди», деб ёзганлар.

Ушбу фитна энг оз деганда одамларнинг ўртасида тафриқа бобини кенг очди ва минглаб, миллионлаб мусулмонларнинг бошига офат келтирди. Мана шу фитнанинг эшиги ҳозиргача очиқ турибди. Мусулмонлар бундан қатта зарар кўрдилар ва зарар кўришда давом этмоқдалар.

ҲАРРА ВОҚЕАСИ ВА МАДИНАНИ МУБОҲ САНАШ

(ҳижрий 63 йил зулҳижжа; милодий 683 йил август)

Қарбалонинг хабари Мадинага етиб борди. Шунда Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Язидни халифа эмас деб эълон қилди ва одамлардан ўзига байъат қилишларини сўради. Мадина аҳли у кишига байъат қилди.

Шундан кейин Язид Ҳижозга бошқа волий тайинлади. Мадинада Язид ҳақида гап кўпайди. Язид уларга Нуъмон ибн Баширни юбориб, огоҳлантирди, итоатга чақирди. Улар бундан бош тортиб, Язидни ишдан бўшатганларини эълон қилдилар ва Абдуллоҳ ибн Ҳанзалага байъат қилишди. Улар Язид тайинлаган янги волий Усмон ибн Муҳаммад ибн Абу Суфёнга қарши чиқишди. Бану Умайяни Марвон ибн Ҳакамнинг ҳовлисида қамал қилишди.

Язидга бу ҳақда хабар етиб келгач, Муслим ибн Уқба раҳбарлигида Мадинага лашкар юборди. У ўз лашкари билан Мадина шаҳрининг шарқий тарафидаги Ҳарра – қора тошлар минтақасига келиб, Мадина аҳлига уч кун муҳлат берди. Сўнг Мадинага кириб бориб, у ернинг муқаддаслигини, ҳарамлигини ўзларича бекор қилишди. Юзлаб саҳобаларни, уларнинг фарзандларини қатл қилишди. Бу машъум ҳодиса ҳижрий 63 йил зулҳижжа ойининг охирларида юз берди.

Сўнг Муслим ибн Уқбанинг лашкари Макка сари йўл олди. Йўлда Муслим ибн Уқба вафот этди. Унинг ўрнига Язид Хусайн ибн Нумайрни тайинлади.

Макка ва Ҳижознинг барча аҳли Абдуллоҳ ибн Зубайрга байъат қилишган эди. У киши ўз одамлари билан шомликларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Яқинларидан кўпчилик ҳалок бўлди. Язиднинг одамлари Маккаи мукаррамани қамал қилишди. Ҳижрий 64 йил рабиъул аввал ойида Байтуллоҳни манжаниқ билан тошга тутишди ва ўт кўйишди.

Макканинг камали давом этиб турган пайтда, 14 рабиъул аввалда Язиднинг ўлгани ҳақида хабар келди. Умавийларнинг лашкарбошиси Ҳусайн ибн Нумайр Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анҳуга байъат қилди. У кишини Шомга бориб раҳбарлик қилишга чорлади. Лекин Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анҳу бу таклифни қабул қилмади. Умавийларнинг қўшини Шомга қайтиб кетди.

Язиднинг вафоти

Язид ҳижрий 64 (милодий 683) йил рабиъул аввал ойида вафот этди. Унинг халифалиги тўрт йил давом этди.

ИККИНЧИ МУОВИЯ ИБН ЯЗИД

(ҳижрий 64 йил; милодий 683 йил)

Язид ибн Муовиянинг ўлиmidан кейин халифаликни унинг ўғли – Иккинчи Муовия ибн Язид эгаллади. Унинг халифалиги фақат 40 кун давом этди, холос. Сўнг беморлиги, заифлиги сабабли халифаликдан воз кечди. Уйида узлат қилиб ўтириб олди ва уч ойдан кейин вафот этди. Мана шу ерда умавийлар халифалиги вақтинчалик узилиб қолди.

АБДУЛЛОҲ ИБН ЗУБАЙРНИНГ ХАЛИФАЛИГИ

*(халифалик даври: ҳижрий 64–73;
милодий 683–692)*

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ҳаёти

Абдуллоҳ ибн Зубайр – жаннат башорати берилган ўн кишининг бири бўлган машхур саҳоба Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳунинг ўғилларидир. Оналари – Асмо бинт Абу Бакр Сиддик розияллоху анҳо.

У зот ҳижратдан кейин Мадинада биринчи туғилган бола эдилар. Шунинг учун у киши туғилганида мусулмонлар ни-

хоятда хурсанд бўлган. Ўша пайтда яҳудийлар «Муҳожирларда бепуштлиқ тарқалган» деб даъво қилишарди. Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг туғилиши эса Мадинаи мунавварада мусулмонлар учун байрам устига байрам бўлиб кетди.

У киши улуғ саҳобадир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида Абдуллоҳ ибн Зубайр тўққиз ёшда эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўттиз учта ҳадис ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр Қуръон оятлари ёзилган саҳифалардан мусҳафларга нусха кўчиришдек масъулиятли ишни бажарган тўрт саҳобанинг биридирлар.

Усмон розияллоҳу анҳу Ҳафса онамизга одам юбориб: «Бизга саҳифаларни бериб тур, ундан мусҳафларга нусха кўчириб олайлик, кейин уларни ўзингга қайтариб берамиз», деган. Шунда Ҳафса уларни Усмонга бериб юборган. У зот Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Ос ва Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Хишомларга амр қилган ва улар мусҳафларга нусха кўчиришган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу Ярмук урушида оталари билан бирга иштирок этганлар. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу катл қилинган кунини у кишини ҳимоя қилиб жанг қилганлар ва жароҳатланганлар. Шунингдек, Қустантиния ғазотида, кейинчалик Муовиянинг даврида Африкадаги фатҳларда ҳам иштирок этганлар.

Ўша пайтда Африка жамияти дейилганда Тароблусдан Танжагача чўзилган катта ерларни ўз ичига олган жамият кўзда тутилди. Унинг подшоҳи Рум томонидан қўйилар, ўша пайтда Жиржис исмли одам подшоҳ эди. У ҳар йили Рум подшоҳига хароҷ тўлаб турарди. Жиржис бир юз йигирма минг отликдан иборат лашкар тўплади. Мусулмонлар келиб, Исломни арз қилишган эди, у бош тортиб, урушнинг ихтиёр қилди. Жиржис жарчи юбориб, «Ким Абдуллоҳ ибн Саъднинг катл қилса, уни қизимга уйлантираман ва юз минг динар бераман!» деб жар солдирди.

Мусулмонларнинг қўмондони Абдуллоҳ ибн Зубайр эдилар. У киши Абдуллоҳ ибн Саъддан изн олиб, мусулмонлар ичида «Ким Жиржисни қатл қилса, у юз минг динар олади ва Жиржиснинг кизига уйланиб, унинг мамлакатига волий бўлади!» деб жар солдирдилар. Жиржиснинг дилига қўркув тушди.

Аввалига жанг Жиржиснинг режаси бўйича давом этди, яъни эрталаб бошланиб, пешинда тўхтар эди. Кейин Абдуллоҳ ибн Зубайр мусулмон жангчиларни иккига бўлдилар. Бир қисми пешингача уруш қилади, иккинчиси пешиндан кейин. Ана шунда румликлар дам олишга улгуришмайди. Мусулмонлар эса дам олиб-дам олиб, жангни давом эттираверадилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ушбу режаси румликларнинг мағлубиятига асосий сабаб бўлди. Абдуллоҳ ибн Зубайр Жиржисни қатл этди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу жуда кўп ибодат қилар эдилар. Халифалар ичида чавандозлиги билан машҳур бўлганлар. Шижоатда у кишига тенг келадиган одам йўқ эди.

«Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу намоз ўқисалар, хушуъдан қотган таёққа ўхшаб қолар эдилар. Сажда қилганларида чумчуқлар у кишини девор деб ўйлаб, устиларига қўнар эди. Бир куни Каъбанинг Ҳатийм тарафида намоз ўқиётганларида тош тушиб, кийимларининг бир томонини узиб кетганини ҳам сезмаганлар».

Ҳижратнинг 64 йили Язид ибн Муовия вафот этганида бу зот халифа бўлишлари учун байъат берилди. Мана шу даврда Миср, Ҳижоз, Яман, Хуросон, Ироқ, Шом юртларининг баъзи ерларига ҳукмдор бўлдилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу ўзлари умавийларга қарши чиқиб, Маккага амир бўлиб турганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айганларидек қилиб, Каъбани қайта қурдилар. Аммо умавийларнинг лашкарбошиси золим Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Зубайрни қатл қилиб, қурилишларини бузиб, қурайшликлар қурганидек қилиб қайта қурди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ўзларининг халифалик даврларида биринчи бўлиб дирҳамни жорий этдилар. Бу дирҳамнинг бир тарафига «Муҳаммадур Расулуллоҳ», иккинчи тарафига «Амруллоҳи бил вафо вал адл» деб битилган эди.

Абдуллоҳ ибн Зубайрга байъат

Карбалода Ҳусайн розияллоху анху қатл қилинганларидан сўнг Ибн Зубайр Язидни халифаликдан олинди, деб эълон қилдилар ва одамларни ўзларига байъат қилишга чақирдилар. Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама аҳли у кишига байъат қилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Язид ибн Муовия Ибн Зубайрга қарши уруш қилди. Мадинаи мунавваранинг Ҳарамини бузиб, ичкарида уруш қилишга журъат этди. Маккаи мукаррама қамал қилиб турилганда, ҳижрий 64 (милодий 683) йилда Язид вафот этди. Шундан кейин Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ишлари қарор топди. У кишига бошқа шаҳарларнинг одамлари ҳам байъат қилишди. Бану Умайяга фақат Шомнинг бир қисмигина қолди, холос.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ана шу тарзда қонуний халифага айланди. Шунга биноан Муовия ибн Язид, Марвон ибн Ҳакам ва Абдулмалик ибн Марвонларнинг биринчи даврдаги халифаликлари ботил ҳисобланди. Улар ҳақида: «Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг замонида Шомда ҳоким бўлиб туришган», дейилади. Аҳли илмларнинг кўплари мана шунга иттифок қилганлар.

Ҳодисалар

Марвон ибн Ҳакамнинг фаолияти

Язиднинг ўлиmidан кейин унинг ўғли Муовия халифа бўлди. Лекин у халифаликдан воз кечиб, узлатга юз тутди.

Умавийлар ҳижрий 64 йилда Марвон ибн Ҳакамга байъат қилишди. У Шомнинг барчасини ўз ҳукми остига бўйсундиришга имкон топди. Сўнг Абдуллоҳ ибн Зубайрдан Мисрни тортиб олди.

Марвон ибн Ҳакам ҳижрий 65 (милодий 684) йилда вафот этди. У ҳам ўғли Абдулмаликка аҳд олиб, уни халифа қилиб қўйгач, оламдан кўз юмди.

МУХТОР САҚАФИЙ ҲАРАКАТИ

(ҳижрий 64–67; милодий 683–686)

Мухтор Сақафий Ибн Зубайрнинг одамларидан эди. Лекин у Ибн Зубайрдан ажралиб, ўзбошимчалик билан иш юритиб, бош кўтарди ва Куфага жўнаб кетди. У залолатга кетиб адашган, ниҳоятда обрўталаб ва мол-мулкка ўч одам эди. У Куфага эга чиқиб олди, Мосулни бўйсундирди, Маккага ҳужум қилди. Абдулмалик унга қарши уруш олиб борган эди, Сақафий уни енгди. Хусайн розияллоҳу анҳунинг қотилларини қатл қилди, уларни жуда қаттиқ таъқиб остига олди. Бу ишларни у шийъаларнинг розилиги учун қилди. Мухтор Сақафий Убайдуллоҳ ибн Зиёдни қатл қилди. Сўнгра Мусъаб ибн Зубайр Мухтор Сақафийни йўқ қилди. Мусъаб Абдуллоҳ ибн Зубайр ва унинг укаси томонидан Басранинг волийси этиб тайинланган эди. Бу воқеа ҳижрий 67 (милодий 686) йилда бўлиб ўтди.

Абдулмаликнинг Ироқ ва Мадинани эгаллаб олиши

Абдулмалик ўзи бош бўлиб, Мусъаб ибн Умайрга қарши уруш қилиш учун йўлга чиқди. Мусъаб енгилди ва ҳижрий 71 (милодий 690) йилда қатл қилинди. Ироқ Абдулмаликка бўйсунди. Сўнг унинг лашқари Мадинаи мунавварага келди ва у ерни ҳам ўзига бўйсундирди.

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг қатл қилиниши ва Макканинг бўйсундирилиши

Кейин Абдулмалик ўз кўмондони Ҳажжож ибн Юсуф бошчилигида лашқарини Макка томон юборди. Ибн Зубайр Маккада ўзига истехком қуриб олган эди. Ҳажжож

Маккаи муқаррамани қамал қилди. Каъбани манжаниқда тошга тутди. Одамлар Ибн Зубайрни ташлаб қочиб кетишди. Ибн Зубайр ўзига яқин кишилар билан беқиёс шижоат кўрсатиб, Каъбанинг олдида душманга қарши жанг қилди. Бироқ манжаниқда отилган тошлар тегиб синган Каъбанинг бўлаклари остида ҳалок бўлди. Бу ҳодиса ҳижрий 73 (милодий 692) йилда содир бўлди. Шундай қилиб, Макка ва унинг аҳолиси Абдулмаликка бўйсунди. Барча юртларга Абдулмалик қонуний халифа бўлиб олди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг халифалиги тахминан тўққиз йил давом этди.

УМАВИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

АБДУЛМАЛИК ИБН МАРВОН

*(халифалик даври: ҳижрий 73–86;
милодий 692–705)*

Абдулмалик ибн Марвоннинг ҳаёти ва халифалиги

Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абу Ос ибн Умайя 16 ёшлигида Муовия уни Мадинага волий қилган эди. У халифа бўлишидан олдин ғоятда обид, зоҳид ва факих инсон бўлиб, Мадинаи мунавваранинг уламоларидан саналарди. Абдулмалик ибн Марвон ҳижрий 41–45 йилларда Африкани фатҳ қилиш ишларида иштирок этган. Ҳижрий 65 (милодий 684) йилда отаси Марвон ибн Ҳакамнинг вафотидан кейин ишни ўз қўлига олди. Ўша вақтда Ибн Зубайр халифа бўлиб турган эди. У Ироқни Ибн Зубайрдан ажратиб олгандан сўнг уни қатл қилиб, Ҳижозни ўзига бўйсундирди. Бошқа шаҳарлар ҳам унга байъат қилди. Ҳижрий 73 (милодий 692) йилдан Абдулмалик ибн Марвон қонуний халифага айланди ва барча вазиятни ўз қўлига олди.

Бу инсон умавийлар давлатининг иккинчи асосчиси саналади. Абдулмалик ибн Марвон ишни қўлига олган пайтда Ислом олами тарқоқ ҳолатда эди. У ўзининг донолиги ва сиёсати билан юртларнинг ҳаммасини тоатга қайтишга ундади ва бу ишда муваффақиятга эришди. Барча бош кўтаришлар, исёнлар ва кўзгалонларни бостирди.

Фатҳлар

Абдулмалик ибн Марвоннинг даврида кенг ва катта фатҳлар бўлмади, чунки у хорижийларга ва Ибн Ашъасга қарши жанг билан машғул бўлди. Кейинроқ Румга қарши уруш қилишга қайтди, чунки улар Шом юртларига таҳдид солиб турган эди. Мағриб юртлари қайтадан фатҳ қилинди. Ўша даврда Шимолий Африка майдонида энг катта ва машҳур кўмондонлардан бири Мусо ибн Нусайр бўлди. Уқбанинг ўлиmidан кейин Танжа ва Сиптани фатҳ қилди.

Шарқ тарафда Мовароуннаҳр юртларида туркларга қарши урушлар бўлди. Муҳаммад Сақафий Синдни фатҳ қилди. Машриқда кенг камровли фатҳлар бўлмади, бироқ унинг давридаги барқарорлик отаси Валиднинг пайтидагидан кўра салмоқлироқ бўлди.

ҲОДИСАЛАР

АБДУРРАҲМОН ИБН АШЪАС ҲАРАКАТИ

(ҳижрий 81–85; милодий 700–704)

Ҳижрий 81 йилда Ҳажжож Абдуррахмон ибн Ашъасни турк юртларини фатҳ қилиш учун юборди.

У ерда жуда кўп ғалабаларга эришган Абдуррахмон ибн Ашъас Ҳажжожга ва Абдулмаликка итоат қилишдан бош тортди. Ҳажжожга қарши уруш олиб бориб, Ирокни бўйсундирди. Сўнг машриқ тарафда Хуросондан бошқа жойлар

унга бўйсунди. Абдурраҳмон ибн Ашъас билан умавийлар орасида катта урушлар бўлди. Ниҳоят хижрий 82 йилда у енгилиб, қочиб кетди ва хижрий 85 йилда қатл қилинди.

Ҳажжож томонидан Ибн Ашъасга эргашган уламолардан кўпчилиги ҳам қатл қилинди. Уларнинг ичида тобеъинлардан бўлмиш Саъид ибн Жубайр ҳам бор эди.

Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий

Абдулмаликнинг энг кўзга кўринган одамларидан бири бўлган бу шахс ўзининг сиёсати, доҳийлиги ва шафқатсизлиги билан машхур бўлди. У Мусъаб ибн Зубайрга қарши уруш олиб борган, Ирокни умавийларга қўшган кўмондонлардан эди. Сўнг Абдулмалик уни Абдуллоҳ ибн Зубайрга қарши урушиш ва Ҳижозни бўйсундириш учун юборди. У Ибн Зубайрни ўлдирди ва ўша ерларга ўзи волий бўлди.

Ирокда фитналар янгитдан бошланганда (ўзи ҳар доим шундай бўлиб келган), Абдулмалик Ҳажжожни Ирокқа волий қилди. Ҳажжож Ирокка қарши раҳмсиз ва шафқатсиз сиёсат олиб бориб, уни ҳам ўзига бўйсундирди. Ҳажжожнинг нуфузи Шарқнинг барча тарафларига тарқалди. Умавийлар давлати дуч келган тўсиқларни енгишда унинг хизматлари ниҳоятда катта эди. Кўриниб турибдики, Ҳажжожнинг шафқатсизлиги ўша замондаги тинчлик ва истиқлол учун хизмат қилган.

Хаворижлар

Ўша даврларда хаворижларнинг Ироқ ва Арабистон яриморолидаги фаолиятлари кучайди. Умавий кўмондонлардан Муҳаллаб ибн Абу Сафро уларнинг устидан кўп ғалабаларга эришиб, у ерларда жуда кўп аҳолини кириб битирди. Қотрий ибн Фужоъа ва Шабиб Шайбоний хаворижларнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан эди.

Абдулмалик ибн Марвон амалга оширган энг муҳим ишлар

– Ҳижрий 76 (милодий 695) йилда исломий пул бирлиги чиқарилиб, муомалага киритилди.

– Масжидул ақсо биноси янгиланди.

– Девон ишлари арабийлаштирилди. Бу иш ҳижрий 81–86 (милодий 700–705) йилларда амалга оширилди.

Абдулмалик ибн Марвоннинг вафоти

Абдулмалик ибн Марвон ҳижрий 86 (милодий 705) йилда вафот этди. Унинг қонуний халифалиги ўн уч йил давом этди.

ВАЛИД ИБН АБДУЛМАЛИК

*(халифалик даври: ҳижрий 86–96;
милодий 705–714)*

Тўлиқ исми: Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон. У роҳат-фароғатда ўсди. Тил илмида заиф эди. Халифаликни отасидан кейин, отасининг аҳдига биноан эгаллади.

Валид ибн Абдулмалик амалга оширган энг муҳим ишлар

Валид ибн Абдулмалик халифалик ишини Дамашқдаги катта жомеъ масжидни бино қилиш билан бошлади. У бу ишни халифа бўлганида бошлаб, халифалик даври тугаганида охирига етказди. Бу иш ўн йил давом этди. Мазкур катта жомеъ масжид фан ва маданиятнинг буюк нишонасига айланди.

Шу ўринда Буюк Британияда Жон Фозергил (John Fothergill) суратга олган «Шарқ ва Ғарб» деб номланган етти бўлимдан иборат фильмнинг тўртинчи қисмидан олинган иқтибосни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

«Дамашк. Шом. Умавийлар масжидидан мўминларни намозга чорлаб азон айтилмоқда. Кундалик ибодатлар вақтини белгиловчи бу анъана 1400 йилдан буён давом этиб келмоқда. Ушбу чорловга дунёнинг энг буюк динларидан бири бўлмиш Ислом аҳли «лаббай» деб жавоб беради. Бу жавоб ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рисолатининг абадий барҳаётлигини тасдиқлайди. Айти пайтда бу Исломдаги бошқа бир таълимотнинг – кашфиёт ва илмий тадқиқотларга интилиш, илмга бўлган чанқоклик анъанасининг ҳам тасдиғидир.

Бу – ўрта аср Исломининг тамаддун тарихига кўшган, бироқ унутилган улкан ҳиссаси ҳақидаги ҳикоядир. Европа тарихининг зулматга чўмилган даврида мусулмонлар борлиқ ҳақидаги тушунчаларни умумлаштирдилар, таълим муассасаларига асос солдилар ва замонавий илм-фан пойдеворини курдилар...

...Яқин Шарқда зулмат асрлари бўлмаган. Римликлар бу ерда узоқ тамаддунлар тарихининг кичик бир нуқтаси, холос. Шарқий Рим империяси ўз ўрнини араб саҳросидан келган янги кучга бўшатиб берган.

Фотиҳлар ўзлари билан янги динни – Ислом динини олиб келишди. Халифалар бир аср мобайнида Дамашқда Қадимий Римдан афзал бўлган салтанат ҳукмдорларига айланишди. Янги Ислом дунёсининг худуди Ҳиндистондан Испаниянинг ғарбий соҳилларигача етиб борди. Римга бостириб кирган қабилалардан фаркли ўлароқ, бу фотиҳларни жоҳил варварлар деб аташ мумкин эмас эди. Дамашқда ҳатто бинолар ҳам, бор маданиятни вайрон қилиш эмас, балки таракқиётни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлатнинг тарихидан ажиб ҳикоялар сўзлайди.

706 йилда араб дунёсидаги энг биринчи ва энг катта масжид қурилиши бошланди. У дунёдаги энг кўҳна қадамжолардан бирига айланган бино эди.

Уч минг йил муқаддам бу ерда Ҳаддод номли илоҳга сизиниб, унга атаб қурбонликлар қилишарди. I асрда бу ерда Дамашқ Юпитерининг улкан эҳроми турарди. IV асрда у Юҳанно Маъмадоннинг (Чўқинтирувчи Иоанн) макбарасига айлантирилди. VIII асрга келиб эса бу ерда Ислом халифалигининг энг катта масжиди қурилди.

Умавийлар масжиди Ислом тамаддун тарихининг таркибий қисми эканидан далолат беради. Янги мозаикалар ва миноралар насроний усталар томонидан эски базилика ва мажусийлар эҳромига монанд қилиб қурилган эди.

Атрофимиздаги меъморчилик обидалари халифаларнинг бу ердаги қадимий нарсаларни бузмаганини, балки улар асосида янада гўзал ва бетакрор иморатлар қурганини исботлайди. Улар илм-маърифат соҳасида ҳам ана шундай камолот сари интилар эдилар.

Ушбу дин мозийдаги билимларни эҳтиром қилиш ва уларни ривожлантириш учун ўз асосларига эгадир. Мусулмонлар ҳар куни муайян вақтларда беш маҳал намоз ўқиб, ибодат қиладилар. Шунинг учун бу дин ўзининг илк кунлариданок вақтни аниқ ҳисоблаш жуда муҳим аҳамиятга эга эканини исбот этган...» (*Иқтибос тугади*)

Биринчи шифохона умавийлар сулоласининг вакили Валид ибн Абдулмалик даврида, милодий 707 йилда қурилган. Унинг барча сарф-харажатлари давлат ҳисобидан бўлган. Беморлар бепул озик-овқат билан таъминланганлар.

Шунингдек, Валид ибн Абдулмалик Қуддуси шарифдаги харсангтош устига қубба қурдирди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини кенгайтирди. У жуда кўп таъмир ва меъморчилик ишларини амалга оширди.

Валид ибн Абдулмалик давридаги вазият

Валид ибн Абдулмаликнинг халифалик даврида Ислом оламидаги барча вилоятларда сокинлик, кенгчилик, фаровонлик, тинчлик-омонлик ва барқарорлик ҳукм сурди.

Хаворижларнинг ишлари заифликка юз тутди. Бу даврда жиддий салбий ҳаракатлар бўлмади.

Фатҳлар

Валид ибн Абдулмаликнинг халифалик даврида жуда катта ва улуғ фатҳлар амалга оширилди. Фатҳ ишлари ҳар тарафга кенгайиб борди, шарку ғарб, Андалус, Франция ерларида фатҳлар бўлди.

Ғарбий жабҳа

Рум юртларида қўмондон Маслама ибн Абдулмалик Анкарагача етиб борди. Ҳижрий 89 (милодий 708) йилда Ҳиракля (Ираклия) номли жойни ҳам фатҳ қилди. Мусулмонлар Қустантиния кўрфазига етиб боришди. Озарбойжонни ҳам фатҳ қилишга уринишди. У ерликлар аҳдларида турмайдиган аҳоли бўлиб чиқди. Ҳижрий 93 (милодий 712) йилда бу жойларда фатҳ ишлари ва ғазотлар кўпайди.

Ҳижрий 89 (милодий 708) йилда мусулмонлар Ўрта ер денгизига Сицилия (Сицилия) ва Мийрука ороллари фатҳ қилдилар. Африкада эса Мусо ибн Нусайр ўзининг фатҳларини яна ҳам мустаҳкамлади, барбарлар орасида Ислом динини тарқатишда кўпгина ишларни амалга оширди.

Андалуснинг фатҳ қилиниши

Қўмондон Мусо ибн Нусайр бўғоздан кечиб ўтиб, Европа юртларида Исломни тарқатишга, у ерларни ҳам Ислом давлати қаторига қўшишга аҳд қилди. У ўзининг барбар миллатига мансуб лашкарбошиси Ториқ ибн Зиёдни денгиздан ўтиб, Андалусга бориш учун юборди. Ривоят қилишларича, Ториқ ибн Зиёд бўғоздан ўтиб бўлгандан кейин аскарлари орқага қайтиш ёки қочишни хаёлларига ҳам келтирмасликлари учун ўзлари миниб ўтган барча кемаларни ёндириб юборган ва машҳур маърузасини сўзлаган. Унда: «Эй одам-

лар, қочар ер қайда, орқангизда (душман мисоли) денгиз, олдингизда (денгиздек) душман бор. Сизларга энди садоқат ва сабр-матонатдан бошқа ҳеч нарса қолмади», деган.

У кўп урушларда қатнашди ва Ислом динини тарқатишга ҳаракат қилди. Ҳижрий 92 (милодий 711) йилда эса Андалусни фатҳ қилди.

Ториқ ва Мусо Жабали Баронисгача етиб бориб, у ергача бўлган барча минтақаларни Ислом давлати ҳудудига кўшишга муваффақ бўлишди.

Испанияда авваллари Голлдан келган кельтлар ҳамда келиб чиқиши унчалик маълум бўлмаган ибер ва лигур номли халқлар истиқомат қилиб келарди. Кейинчалик ушбу ерлар финикияликлар, юнонликлар ва карфагенликларнинг мустамлакасига айлантирилди. Иккинчи пунликлар¹ урушидан кейин ҳудуд римликлар қўлига ўтди. Улар Испанияда V асргача ҳукмронлик қилишди. Худди Рим каби Испания ҳам инкирозга учраши керак эди. Шимолдан келган вандаллар, аленлар, суевлар ва бошқа шу каби олмон қабилалари Голлни вайрон қилгандан сўнг мамлакатга бостириб киришди. Аммо улар ҳам кейин келган истилочилар – визиготлар томонидан мағлубиятга учрадилар. Булар Испанияни VIII асрда забт этиб, то мусулмонлар келгунича тўлақонли ҳукмдор бўлиб турдилар. Ижтимоий табақаланиш, доимий можаролар, ўзаро жанжаллар, ҳарбий нўноқлик, ерга ишлов бериш нафақат асосий машғулот, балки миллий хусусияти бўлган қишлоқ аҳолисининг лоқайдлиги – мусулмонлар келишидан олдин визиготлар ҳукмронлигининг хусусиятлари шулардан иборат эди. Давлатни ичдан бузаётган рақобат шу даражада кучли эдики,

¹ Иккинчи пунлар уруши – шунингдек, «Ганнибалга қарши уруш» деб ҳам номланган (римликлар томонидан), Карфаген ва Рим ўртасидаги Ўрта ер денгизи ҳудудида ҳукмронлик учун олиб борилган уруш. Римликлар карфагенликларни пунлар (Poeni) деб атаганлари учун шундай номланади.

ҳатто ўша даврнинг икки обрўли шахси – граф Юлиан ва Севилья епископи фотиҳлар келишини маъқулладилар.

Мазкур фатҳ эса Арабистондан то Атлантика океанигача довюрак ва кўркмас амир Торик ибн Зиёд бошчилигида бутун Шимолий Африкани шиддат билан босиб ўтган мусулмонлар милодий 711 йилда Шимолий Африкани Европадан ажратиб турувчи бўғозни кесиб ўтиб, Испаниянинг жанубига келиб тушганларида бошланди. Ўша пайтдан буён ушбу бўғоз афсонавий амирнинг исми билан, яъни «Гибралтар» дея аталиб келмоқда. Бу араб тилидаги «Жабалу Торик» – «Торик тоғи» иборасининг бузилган шаклидир.

Барбарлар Африкасини фатҳ этиш учун араблар эллик йил сарфладилар, насронийлар Испаниясини забт этиш учун эса бир неча ой кифоя қилди. Илк йирик жанг готтлар киролигининг тақдирини ҳал этди. Бу жангда Севилья епископи мусулмонлар тарафида чикди. Қирол ҳам, Испаниянинг ўзи ҳам бир кунда тор-мор қилинди. Мусулмонлар кўшинининг амири Торик ибн Зиёд бундай тезкор ғалабадан таажжубланди. Африкани фатҳ этиш қанчалик узок чўзилгани унинг ёдида бўлиб, у европаликларда ҳам худди барбарлардаги каби довюраклик ва мустақилликка интилиш бўлади, деб ўйлаган эди. Торик ибн Зиёд йигирма минг аскардан (улардан саккиз минги барбарлар эди) иборат кўшин билан фатҳини давом эттириш учун ушбу мамлакатга кириб келди.

Мамлакат жуда тез суръатлар билан фатҳ қилинди. Фотиҳлар олдида энг йирик шахарлар ўз дарвозаларини очар эди. Кордоба, Малага, Гренада, Толедо ва бошқалар деярли қаршиликсиз таслим бўлдилар. Насронийлар пойтахти бўлмиш Толедода араблар йигирма беш нафар готтларнинг киролларига тегишли тожларни топдилар.

Фотиҳларнинг Испания аҳолисига бўлган муносабати барча фатҳ этилган мамлакатларнинг халқларига бўлган

муносабат каби одилонга эди. Мусулмонлар маҳаллий аҳолига уларнинг мулкларини, черковларини, қонунларини, ўз ҳакамлари томонидан ҳукм қилиниш ҳуқуқини қолдирдилар. Уларга фақат жизя тўлашни шарт қилиб қўйдилар. Жизя йиллик солиқ бўлиб, зодагонлар учун 15 франк (бир динардан ортиқроқ), оддий халқ учун эса ярим динар миқдоридан белгиланган эди. Мазкур шартлар аҳолига шу даражада енгил туюлган эдики, улар бу шартни ҳеч бир норозиликсиз қабул қилдилар.

Атиги икки йилдан сўнг Испания тўлиқлигича мусулмонларга бўйсунди. Яъни мусулмонлар Иберия яримортолига илк бор 711 йилда келган бўлсалар, 713 йилга келиб уни деярли тўлиқ фатҳ қилдилар. Бу фатҳ асосан тинч йўл билан амалга оширилди. Бунга алоҳида вилоят ва шаҳарларнинг ҳокимлари билан келишув орқали эришилган бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, улар ўзларини халифанинг фуқаролари сифатида тан олиш эвазига нафақат ўз ерлари ва мулкларини, балки насронийликка эътиқод қилиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолишди. Фотиҳлар диний бағрикенгликлари билан аҳолининг кўп қисмини ўзларига жалб этдилар. Шу ўринда айтиш лозимки, насронийларга мамлакатни қайта забт этиш учун саккиз аср керак бўлди.

Таниқли француз файласуфи, сайёҳ, археолог, табиб ва ижтимоий психология асосчиси Гюстав Лебон (Gustav Le Bon) «Араблар тамаддуни» номли китобида жумладан қуйидаги фикрни билдирган:

«Испанияни забт этганидан сўнг Торик Сурияга Голл ва Олмония орқали қайтмоқчи, ортга қайтиш йўлида эса Қўстантинияни ҳам фатҳ этиб, бутун «кўҳна дунё»² Қурьонга бўйсундирмоқчи эди. Ушбу режани амалга оширишида унга Дамашққа қайтиб келишни буюрган халифа ҳалал берди. Барчаси бошқача бўлиши мумкин эди: бутун Европа Муҳаммад-

² Кўҳна дунё – яъни Европа.

нинг динига кирар ва барча маданиятли халқларнинг диний бирлиги таркиб топар эди. Бу эса, эҳтимол, бутун Европага араблар туфайли баъзи давлатларга номаълум бўлган ўрта асрлар даврини четлаб ўтиш имконини берар эди».

Шу ўринда айтиш керакки, мазкур китоб 1884 йилда нашр этилган бўлиб, у арабларнинг исломий маданияти ҳамда унинг жаҳоннинг бошқа маданиятларига таъсирининг фундаментал тарихий-маданий таҳлилини ўз ичига олган.

Лебоннинг ушбу китобидаги алоҳида урғу бериш лозим бўлган марказий фикрларидан бири куйидагича: айнан мусулмонлар Европа фани, фалсафаси ва бутун маданий соҳасининг устозлари бўлишган ва бу жараёнда мусулмонларнинг маданияти ёрдамида яримёввойи ўрта асрлар Европаси Уйғониш даврининг маданий асрларига чиқиб олди. Бугунги Европа ўзининг ривожини учун айнан мусулмонлар олдида қарздор. Лебоннинг ёзишича, араблар бошқа халқлар ва маданиятларга ўз маданиятлари кўламида таъсир қилган бўлсалар, Европага улар асосан ўзларининг аниқ фанлар, тарих ва фалсафа каби соҳалардаги илмий ютуқлари билан таъсир кўрсатдилар.

Айтишларича, мусулмонлар фатҳ этилган мамлакатни Нуҳ алайҳиссаломнинг афсонавий авлоди – Андалус ибн Тубалнинг номи билан атаганлар. Ишонарли далилларга эга бўлган ривоятга кўра эса, араблар Мағрибда эканликларида маҳаллий барбарлардан денгиз ортида вандаллар мамлақати (араб тилида «Биладул вандалус») борлигини эшитганлар, чунки вандаллар Гибралтар бўғози орқали Мағрибга ўтиб, жанг қилишган.

Мусулмонлар ҳукмронлигининг илк ўн йилликларидаёқ маҳаллий аҳолининг оммавий равишда Исломга кириши кузатилган. Савдогарлар ва хунармандлар, деҳқонлар ва куллар (жумладан, вестготлар томонидан асир олинган ўзга юртликлар ҳам) Исломни қабул қилар эдилар. Улар учун

бу шахсий озодлик, хусусий мулкка эгалик қилиш ва уни эркин тасарруф этиш ҳуқуқини берарди. Шунингдек, кўпгина вестгот зодагонлари ҳам Исломни қабул қилишарди. Улардан энг машҳурлари Бану Қаси – Сарагоса ҳокимлари сулоласи бўлиб, улар 880–917 йилларда Андалуснинг жануби-шарқида мустақил исёнкор қироллик тузишган.

Шарқий жабха

Турк юртлари

Мовароуннаҳрда Қутайба ибн Муслим Боҳилий ниҳоятда машҳур бўлди. У ҳижрий 87 (милодий 706) йилда Пойкент шахрини фатҳ қилди. Ҳижрий 89 (милодий 709) йилда Сўғд юртлари – Насаф ва Кешда фатҳ ишларини олиб борди. Ҳижрий 91 (милодий 710) йилда Бухорони, сўнгра Толиқон, Фарёб ва Балхни фатҳ этди. Ҳижрий 93 (милодий 712) йилда Самарқандни, ҳижрий 94 (милодий 713) йилларда эса Шош ва Фарғона шаҳарларини эгаллаб, Қўқонгача етиб борди. Сўнг Қутайба ҳижрий 94 йилда Кобулни, ҳижрий 96 (милодий 714) йилда эса Қашқар ва шарқий Туркистонни фатҳ қилди. Бу буюк кўмондон ўзининг фатҳларини икки дарё орасидаги Мовароуннаҳр деб аталган жойларнинг барча худудларига тарқатди ва Хитойгача кириб борди. Хитой подшоҳларига жизя солди, шарқ томон юриб кетаётган Қутайба шу ерда тўхтади.

Қутайба жуда катта минтақаларни Ислом ҳукмига бўйсундирди. Мазкур минтақаларнинг майдони 4 миллион км²дан ошиб кетди. Бу минтақалар Кавказ минтақаларидан бошланиб, Каспий денгизининг жануби томон ёйилган эди. Шимолда Ўрта Осиё, шарқда эса Шарқий Туркистон ерларини фатҳ қилди. Кейин ғарбга қараб Кобул, Афғонистон, Сижистонни бўйсундирди.

Шу ўринда мусулмон фотиҳлар фатҳ ишларини қандай олиб борганларини ҳамма билиб қўйсин деган ниятда Ис-

лом оламининг кўзга кўринган сайтларидан бири – onislam.netда эълон қилинган «Бу Самарқандда бўлган эди» номли мақола таржимасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мақола муаллифи доктор Ашраф Нажм шундай ёзади:

«Айтсам, баъзилар ишонмайди. Лекин бу қисса ҳақиқатда Самарқандда содир бўлган. Уни Ибн Касир, Табарий, Балозурий каби муфассир ва тарихчилар ўз китобларида ёзмасларидан олдин ғайримусулмонлар зикр қилишган.

Ушбу қисса худди «Минг бир кеча»га ўхшаш ҳаёлий қиссага ўхшайди. Аммо бу воқеа ҳақиқат эди. Аллоҳ Мовароуннахрни унинг қўли билан фатҳ қилган ноёб қобилиятли мусулмон қўмондон Қутайба ибн Муслим бу сафар нима қилишини билмай, хайрон бўлиб қолди. У яшил яйловларга, чўққили тоғларга ва улкан бойликларга эга Самарқанд остонасида эди. Ҳа, шаҳар аҳли бутпараст эди, лекин унинг шаҳарни ҳимоя этадиган кучли қўшини ва ғалабаларга бой тарихга эга ғозийлари бор эди. Қутайба буни яхши биларди. Лекин нодир қобилиятли Қутайбадек қўмондон ҳийлалар устаси эди. Жойни атрофлари билан яхшилаб ўрганди. Сўнг қўшинини бир неча бўлакка ажратиб, шаҳарни ўраб турган улкан ва виқорли тоғлар томон юборди. Мусулмонлар душман кўзидан пана пистирмалар қўйдилар. Тонг чоғи шаҳар эшиклари очилиб, деҳқон ва савдогарлар зироатгоҳ ва тижоратгоҳларига чиққан пайтларида мусулмон қўшини улар томон худди селдек йўлидаги ҳамма нарсани оқизиб келиб, бир томчи ҳам қон тўкмасдан, тезликда шаҳар ўртасида учрашди.

Самарқанднинг таслим бўлмасдан иложи қолмаган эди. Шаҳар ҳокими, аён ва қўмондонлари тоғлар томон қочишди. Одамлар ғозийлардан кўркиб, уй-уйларига кириб кетишди. Фавқулодда бу ҳолат уларни эсанкиратиб қўйган, мусулмон қўшини эса ҳеч қандай қаршилиққа йўлиқмаган эди. Маълум бир фурсат ўтиб, Самарқанд аҳли секин-аста уйларида чиқиб, ғозийлар билан эҳтиёт ва ҳазир бўлиб

муомала қила бошладилар. Кунлар ўтиши билан улар мусулмонларнинг ёмонлик истамасликларини ва уларнинг «янги нав ғозийлар» эканини сеза бошладилар.

Ғозий қўшин кичикларга раҳм қилар, заифларга ёрдам кўрсатар, ёлғиз Илоҳ ибодатига даъват этар, уларда ўғрилик, қароқчилик ва қотилликдан асар ҳам йўқ эди. Балки тинчликни ва тартибни ҳимоя қилишар, тижорат қилганлар уларнинг омонатдорликларига гувоҳ бўлишар, алдов ё ёлғон, зулм ёки ҳийла ишлатишмас эди. Хуллас, улар юқорида айтганимиздек, «янги нав ғозийлар» эди.

Бир куни бозорда ёш самарқандлик билан мусулмон аскар ўртасида қаттиқ жанжал кўтарилди. Одамлар кўрқинч ва ҳадик билан йиғилишди. Улар ҳозир мусулмон қўшин ҳар томондан етиб келиб, ғозийларга қарши чиқадиганларга ибрат бўлиши учун бу йигитга умр бўйи эсидан чиқмайдиган «дарс» беришига шубҳа қилишмас эди.

Дарҳақиқат, бир қанча аскар етиб келди. Улар бир жойга йиғилиб, жанжалкашларни ўраб олишди. Ҳаммани дахшатга солган ҳолда даъвогарлар ва гувоҳларни қозининг ҳузурига етаклашди. Йиғилганлар бўлиб ўтган иш муҳокама этилишини кутишмаганди. Қози мусулмон аскарни бутпараст йигитнинг ёнига турғизиб қўйиб, ҳодисани яхшилаб, ҳолис ўрганиб чиқди ва мусулмон аскарга қарши ҳукм чиқарди! Ажойиб қисса шундан иборатми? Йўқ, бу фақат бошланиши эди.

Хабар шаҳарнинг бўйи-энига ёйилди: «Бу ғозийларнинг одил қозилиги бор экан...» Бу томонда самарқандлик бир йигит қочқин аъён ҳузурида ҳамманинг ҳайратига сабаб бўлган ҳодисани ҳикоя қиларди. Аъён ҳикоянинг тўғрилигини ўрганганидан кейин ҳали ҳеч ким қилмаган «мажнуона» қарорини берди. Қутайба ибн Муслим устидан амирул мўмининга шикоят аризаси ёзиб, элчи орқали жўнатди. Ёш самарқандлик учқур отга миниб, халифалик маркази – Дамашққа қараб чопди. У хаёлида муваффақияти иложсиз бўл-

ган вазифаси ва тарих унингдекни кўрмаган давлатни бош-караётган, шарқдан Чин, ғарбдан эса Атлантика океанигача бўлган ҳудуд ҳукмдори – амирул мўминин ҳузурига киришдаги машаққатларини ўйлаганича Дамашкка кириб келди.

Мулкида Кисро ва Қайсардан ўтадиган бу улуғ подшоҳ ҳузурида қандай сўзлайди? У энг кучли кўмондонларидан бири устидан қилинган шикоятни қандай қабул қилади? Ва ниҳоят, давлат душманларидан бўлган ўзига қандай муомала қилади? Бу йигит ҳали амирул мўминин рошид халифаларнинг бешинчиси ҳисобланишини ва дунёни адолатига тўлдирган зот Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг наби-ралари, зоҳиду обид Умар ибн Абдулазиз эканини билмасди.

Йигитнинг сафари Дамашкнинг оддий маҳаллаларидан бирида, лойдан қилинган эски уй олдида ниҳоясига етди. Унга «Амирул мўмининни шу жойда топасиз», дейишганди, лекин асло бунга ишонмади. Зеро, дунёга молик бўлиб турган одамнинг уйи қандай қилиб бундай жойда бўлсин?! Йигит уйга яқинлашиб келиб қараса, бир киши деворни тузатиб турар, унинг қўли ва кийимлари лой эди. Олдидан ўтаётган ҳар бир киши: «Ассаламу алайкум, эй амирул мўминин», дейиши йигитни саросимага солиб қўйди.

«Дунёни бўйсундириб турган подшоҳ мана шуми? Ажаб иш бўлди-ку!» У шундай ўйлар ичра хаёлга шўнғиган пайтда бир аёл боласи билан амирул мўмининдан «Байтул мол»дан берилаётган нафақасини кўпайтиришларини сўраб келиб қолди. Шунда унинг ўғли амирул мўмининнинг боласи ўйнаётган ўйинчоққа талпинди ва унинг қўлидан тортиб олди. Амирул мўмининнинг ўғли ўйинчоғини қайтариб оламан, деган пайтда аёлнинг ўғли уни уриб юборди. Шунда боланинг юзи қонади ва ҳар қандай она каби, амирул мўмининнинг завжалари ҳам боласи томон чопди ва уни бағрига босиб, ярасини боғлади. Кейин ҳалиги аёлга ва унинг боласига бакира кетди.

Халифанинг хотини ким эканини биласизми? У сарой ва подшоҳ тарбияланувчиси, отаси, эри ва иниларининг ҳаммаси мусулмонларнинг буюк халифалари бўлган Фотима бинти Абдулмалик эди. Шунда Умар ибн Абудулазиз кўркинч чулғаб олган аёлнинг ва боласининг юзига боқдилар. Уларни тинчлантирдилар, сўнг ўз ўғилларидан ўйинчоқни олиб, боланинг кўлига бердилар. Аёлга оладиган нафақасига қўшимча қилиб берилишини буюрдилар. Сўнг ўз ўғилларининг юзидан ўпиб, уни ҳам тинчлантирдилар ва хотинларига қараб: «Меҳрибоним, уни, боласини кўрқитиб юбординг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Ким бир мусулмонни кўрқитса, Аллоҳ уни қиёмат куни кўрқитади», дедилар, сўнг деворни тузатишни тўхтатдилар.

Йигит ҳалимлик оғушида эканини ҳис қилиб, амирул мўмининга яқинлашишга журъат этди. Умар ундан нимага келганини сўраганларида, у шундай жавоб қилди: «Хўжам, Самарқанд аҳлининг ҳаққини сўрайман. Сизга Қутайба ибн Муслим устидан шикоят қилиб келдим. Биз сизнинг адолатингизни биламиз, инсоф қилишингиздан умидвормиз. Қутайба тўсатдан бизга ҳужум қилди. Биз уч кун душманга муҳлат бериш ва Ислом ёки жизя, ёхуд уруш ўртасида ихтиёрли қилиш сизнинг одатингиз эканини билардик». Умар: «Бу бизнинг одатимиз эмас, балки у Аллоҳнинг амри ва Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир», дедилар. Шунда йигит: «Қутайба бундай қилмади», деди.

Умар озгина ўйлаб турдилар, сўнг котибни чақириб, бир нималарни ёздирдилар ва муҳр қўйиб, йигитга узатдиларда: «Буни Самарқанд волийсига бер, Худо хоҳласа, у устингиздан зулмни кўтаради», дедилар. Яна деворни тузатишга қайтдилар.

Самарқанд волийси амирул мўминининг хатини очиб, ўқиди. Кейин йигитга: «Амирул мўминининг амри бош устига! Сизнинг муаммоингизни ечиш учун қози тайинла-

шимни буюрибди. Буни тезликда бажараман. Икки кундан кейинга келишамиз. Ўғлим, боргин-да, қавмингнинг улуғларини келтир. Биз уларга омонлик берамиз», деди. Сўнг Самарқанд фатҳида Қутайба ибн Муслим билан катнашган гувоҳни излаб одам жўнатди. Чунки Қутайба ибн Муслим вафот этган эди. Одамлар масжидга йиғилишди. Унда муҳокама бошланди. Мусулмон қози ҳозир бўлди. Эшиқбон аъёнлар улуғини чорлади ва уни олдинга ўтқизди. Сўнг Қутайба ибн Муслим билан катнашган гувоҳ чақирилиб, даъвогарнинг ёнига турғизилди. Сўнг қози аъёнга юзланиб, даъвосини арз қилишга амр этди. Аъён: «Қўмондонингиз Қутайба ибн Муслим диёримизга огоҳлантиришсиз кирди. Ҳамма мамлакатларга уч танлов: Исломи ёки жизя, ёки урушни таклиф қилди. Аммо бизни ҳийла билан босиб олди», деди. Қози Қутайбанинг гувоҳига юзланди ва: «Бу шикоятга нима дейсан?» деди.

Қутайбанинг гувоҳи унга жавоб қилди: «Аллоҳ қозини ислоҳ қилсин! Уруш – бу ҳийладир. Бу мамлакат ўта қудратли бўлиб, фатҳ олдида тўғаноқ бўлиб турганди. Биз билардикки, агар икки томон урушадиган бўлса, қонлар анҳор бўлиб оқарди. Аллоҳ бизни мана шу режага йўллади. Бу кутилмаган ишимиз билан мусулмонларни катта зарардан ҳимоя қилдик ва душманзимизнинг жонини асрадик. Ҳа, биз уларни фавқулодда ҳолга солдик, лекин уларни кутқардик ва уларга Исломи танитдик!»

Қози унга: «Сизлар уларни Исломига ёки жизяга, ёхуд ҳарбга чақирдиларингми?» деди. Гувоҳ жавоб берди: «Йўқ. Айтган сабабларимизга кўра кутилмаганда ҳужум қилдик». Шунда қози деди: «Сен иқрор бўлдинг. Агар даъво қилинаётган киши айбига иқрор бўлса, муҳокама тугайди. Аллоҳ бу умматга фақат дин туфайлигина нусрат берган. Хиёнатдан сақланиш ва адолат ила туриш диндаги буюкликлардандир. Аллоҳга қасамки, биз уйимиздан Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш

учунгина чиққанмиз. Биз ерга эга бўлиш, мамлакатларни босиб олиш ва унда ноҳақ олий бўлиш учун чиқмаганмиз!»

Сўнг қози башарият тарихидаги энг ажиб ҳукми чиқарди: «Мусулмон қўшиннинг ҳаммаси Самарқанддан уч кун ичида қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетсин ва шаҳарни ўз аҳлига қайтарсин. Уларга урушга ҳозирланишга фурсат берилсин. Сўнг уларни огоҳлантирсинлар ва Ислом ёки жия, ёхуд ҳарб ўртасида ихтиёр берсинлар. Агар улар ҳарбни танласалар, у ҳолда уруш бўлади. Бу Аллоҳ таоло шариатининг ва Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари татбиғи бўлади».

Самарқанд аҳлини ҳайрат чулғаб олди. Қўшин зудлик билан шаҳарни ташлаб чиқа бошлади ва уч кун ўтмай, унда бирорта мусулмон қолмади. Каттаю кичик аҳоли шаҳар марказида тўпланишди. Улар бўлган ишга ишонмаётган эдилар. Улар: «Хулқи бундай қавм башарнинг энг яхшиси, унинг қозиси қилган иш мутлақ адолат, ўзининг атболарига бундай ишларни буюрадиган дин ҳақ дин», дея ўзаро гаплашишарди.

Иш узоқ чўзилмай, Самарқанд аҳлининг ҳаммаси Исломни қабул қилди. Ҳа, бу Аллоҳнинг барҳаёт дини Исломдир! Бу бизнинг умматларнинг яхшиси бўлган кунларимизда нур, раҳмат ва адолат билан ёзган тарихимиздир!»

(Иқтибос тугади)

Ҳажжож ўз жияни, яъни акасининг ўғли Муҳаммад ибн Қосим Сақафий исмли қўмондон бошчилигида Синд – ҳозирги Покистон ерларига ўзининг кўп сонли аскарларини юборди. Машхур қўмондон Муҳаммад ибн Қосим Сақафий жуда катта ғалабаларни қўлга киритди, Синднинг подшоҳини қатл қилди. Сўнг хижрий 90–94 (милодий 708–712) йилларда Синд юртларини ҳам Ислом давлати таркибига қўшди. Булар энг улуғ фатҳлардан бўлди. Мана шу даврда Ислом давлати худуди жиҳатидан ўз тарихидаги энг катта ва кенг майдонли ҳолатига эришган эди.

Валид ибн Абдулмаликнинг вафоти

Валид ибн Абдулмалик ҳижрий 96 (милодий 714) йилда вафот этди. Унинг халифалиги ўн йил давом этди.

СУЛАЙМОН ИБН АБДУЛМАЛИК

*(халифалик даври: ҳижрий 96–99;
милодий 714–717)*

Тўлик исми: Сулаймон ибн Абдулмалик ибн Марвон. У халифа бўлишидан олдин Рамлага волий эди. Халифаликни отасининг аҳдномасига биноан олди. Унинг отаси ўғиллари Валид ҳамда Сулаймонларнинг кетма-кет халифа бўлишини васият қилган эди. Шунинг учун Валиднинг вафотидан кейин Сулаймон халифа бўлди.

Сулаймон ибн Абдулмаликнинг халифалиги

Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлганидан кейин намозни ўз вақтида адо этиш тўғрисида амр чиқарди. Унгача одамлар кимдир аввалроқ, кимдир кейинроқ намоз ўқишга одатланиб қолган эди. Унинг ҳукмдорлигининг дастлабки даври ўз шахси учун одамлардан интиқом олиш билан ўтди. Унинг мақсади Валиддан кейин Сулаймон ибн Абдулмалик эмас, Валиднинг ўғли халифа бўлишига маслаҳат қилган таникли одамлардан ўч олиш эди. Уларнинг ичида Муҳаммад ибн Қосим Сақафий, Қутайба ибн Муслим, шу билан бирга, Ҳажжож ибн Юсуфнинг қариндошлари ҳам бор эди. Сулаймон ибн Абдулмалик уларга қарши қаттиқ жазо чораларини қўрди. Мусо ибн Нусайрни ҳам жазолади.

Сулаймон ибн Абдулмалик ҳижрий 97 (милодий 715) йилда ҳажга бориб, у ерда ўзидан кейин амакисининг ўғли Умар ибн Абдулазизнинг халифа бўлишига аҳднома олди. Бу Сулаймон ибн Абдулмалик қилган энг хайрли ишлардан бири эди.

Фатҳлар

Сулаймон ибн Абдулмаликнинг даврида фатҳлар жуда оз бўлди. Ғарбий жабҳада Маслама ибн Абдулмаликнинг кўмондонлиги остида Қустантинияга куруклик ва денгиз тарафдан уринишлар бўлди. У ўша ердан туриб урушни давом эттирди. Қустантинияни фатҳ қилмагунча қайтмаслик тўғрисида қасам ичди. Қустантинияни камал қилгандан сўнг ҳижрий 99 (милодий 717) йилда ўша ерда вафот этди.

Шарқий жабҳада эса Язид ибн Муҳаллаб ҳижрий 98, милодий 716 йилда Журжон ва Табаристонни фатҳ қилди.

Сулаймон ибн Абдулмалик ҳижрий 99 йилда вафот этди. Унинг халифалиги уч йил давом этди.

УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ

*(халифалик даври: ҳижрий 99–101;
милодий 717–719)*

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик даври Ислом тарихидаги энг гўзал, энг чиройли саҳифалардан биридир. У кишининг даврига келиб, Абу Бакр розияллоху анху ва ҳазрати Умар розияллоху анхуларнинг узилиб қолган тарихлари қайта тикланди десак, хато қилмаган бўламиз. Умар ибн Абдулазизнинг даври қисқа бўлишига қарамай, алоҳида аҳамиятга эга, асрларга тенг давр бўлди. Унда Исломнинг мусаффо хусусиятлари намоён бўлди. Бану Умайянинг даврида мана шу хусусиятлар кўринмай қолган эди.

Бу рошид халифанинг тўлиқ исми Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакамдир. Унинг онаси Умму Осим бинт Осим ибн Умар ибн Хаттоб бўлган, яъни Умар ибн Абдулазиз она тарафдан ҳазрати Умарга туташар эди. Бу зот халифа бўлишидан олдин Мадинага амир бўлиб, дабдаба ва маишатга кўмилган киши эди.

Умар ибн Абдулазизнинг халифалиги ва унинг амалга оширган энг муҳим ишлари

Умар ибн Абдулазиз амакиваччаси Сулаймон ибн Абдулмаликнинг тавсиясига биноан халифаликни қўлга олди. Бу иш кутилмаганда бўлди. Умар ибн Абдулазиз халифа бўлишни орзу қилмас, бунга интилмас ҳам эди. Лекин у киши халифа бўлгандан кейин ҳамма ишлар бошқа тарафга қараб кетди. У маишатни, роҳат-фароғатни батамом тарк қилди, обид ва зоҳид инсонга айланди. Ўзи учун, аҳли аёли учун хаддан зиёд мол-мулк сарфлашни бас қилди. Ўзи ва аҳли оиласи учун байтулмолдан бирор нарса олмайдиган бўлди.

Умар ибн Абдулазиз аёли Фотима бинт Абдулмаликдаги мол-дунёлар, жавҳарларни ҳам хазинага қайтариб берди. Шунингдек, Бану Умайядан уларга берилган ерлар ва ҳи-баларнинг ҳаммасини байтулмолга топширди.

Умар ибн Абдулазизнинг даврида жуда катта ислоҳот ишлари бўлди: ерларни ислоҳ қилди, қудуқлар қазитди, мас-жидлар бино қилди, садақадан, закотдан тушган молларни ўз ҳақдорларига тарқатиб, камбағалликни бутунлай йўқотди. Ҳатто унинг даврида закот ва садақа оладиган одам топилмай қолди. Золим волийларнинг барчасини ишдан олди. Аҳли солиҳлиги, такводорлиги учун бу халифа кўпчилик томонидан рошид халифалардан дея эътироф этилди.

Умар ибн Абдулазиз оз муддат халифалик қилган бўлса-да, жуда кўп ишларни амалга оширди. Хусусан, у киши ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти билан тилларда дoston бўлди. Ўзи илмли одам бўлгани учун илмга ва илм аҳлига алоҳида аҳамият берди.

Ҳижрий I асрнинг охирида халифалик қилган, кўпчилик томонидан «бешинчи рошид халифа» дея тан олинган Умар ибн Абдулазиз Ибн Шиҳоб Зухрий ва бошқа муҳаддислардан омма учун ҳадисларни жамлаб китоб ёзишни сўради. Ибн Шиҳоб Зухрий содда қилиб бир китоб таълиф қилди.

Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Расмий равишда ҳадис китоблар ёзиш шундан бошланди.

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик даврларида кенг ҳудудли Ислом давлатида катта миқдорда закот моллари тўпланган, лекин закот оладиган одам топилмай қолган. Бу эса ўша давлатдаги ҳар бир оила закот бериш даражасига етган, деганидир. Шунда уламолар йиғилиб, тўпланган закот молларини «Аллоҳнинг йўлида» деган бандга мувофиқ, Африкада Исломни тарқатиш ишларига сарфлаш керак, деган фатво чиқарганлар.

Мулоҳаза қилинадиган бўлса, шу қадар катта ҳудудга эга бўлган давлатда закот олишга ҳақли одам топилмаслиги нодир ҳолатдир. Бу мазкур бепоён давлатда истиқомат қилувчи барча одамлар йил давомида саксон беш грамм тилла миқдоридан зиёд жамғармага эга бўлган деганидир. Бундай иқтисодий тўкинчилик инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳолатдир.

Фатҳлар

Умар ибн Абдулазизнинг даврида Ислом аскарларига Қустантинияни қамал қилмасдан, у ердан орқага қайтиш буюрилди. Турк ва Рум юртларида қилинадиган фатҳ ишлари давом этди. Мусулмонлар Франциягача бўлган юртларни фатҳ қилиб бордилар. Баронис тоғларини кесиб ўтиб, Сибтамания ва Буруфонис вилоятларига кириб бордилар. Тулуза шаҳрини қамал қилдилар. Лекин улар Францияда катта зафар қозонмадилар.

Умар ибн Абдулазизнинг даврида урушлар озайди. Исломга даъват қилиш ишлари ҳикмат, мавъизаи ҳасана билан кенг равишда ривожланди. Жуда кўплаб одамлар Исломга кирдилар.

Ҳодисалар

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик муддати оз бўлганлиги сабабли аҳамиятга сазовор ички ҳодисалар бўлмаган. Ҳаттоки хаворижлар ҳам ўзларининг қўзғалончилик фаолиятларини тўхтатишган. Умар ибн Абдулазиз билан ҳам-фикр бўлиб, кўпчилиги унга бўйсунган ҳам.

Аббосийлар даъватининг бошланиши

Рофизалардан бўлган кисойя фирқаси имомликни даъво қилиб чиқди. Уларнинг даъво қилишларича, имомлик Муҳаммад ибн Алий ибн Абу Толиб ибн Ҳанафийяга бўлиши керак эди. Сўнгра у кишидан кейин унинг ўғли Абу Ҳошим имом бўлиши керак, деган талабни илгари суришди. Абу Ҳошим эса умавийларни танқид қилар эди. У амакисининг ўғли Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббосдан умавийлар ҳукмронлигини бекор қилишни ва одамларни Оли байтга чақиришни талаб қилди. Бу иш хижрий 100 (милодий 718) йилдан бошлаб йўлга қўйилди, яъни одамларни умавийларга эмас, аббосийларга итоат қилишга чақирув бошланди.

Умар ибн Абдулазизнинг вафоти

Умар ибн Абдулазиз хижрий 101 йил ражаб (милодий 720 йил январь) ойида вафот этди. У кишининг 2 йилу 5 ойгина давом этган халифалиги Ислом дини ва мусулмонлар учун катта неъмат ва яхшилик бўлди.

ЯЗИД ИБН АБДУЛМАЛИК

*(халифалик даври: хижрий 101–105;
милодий 720–723)*

Роҳат-фароғатда, эркалик билан ўсган Язид ибн Абдулмалик ибн Марвон султонликнинг қийматини билмас эди. Халифалик ўз-ўзидан, ҳеч бир қийинчиликсиз, осонгина унинг кўлига ўтди. Умар ибн Абдулазизнинг вафотидан кейин Язид

ибн Абдулмаликнинг акаси Сулаймоннинг васиятига биноан халифалик унга топширилди. Язид ибн Абдулмаликнинг Ҳабоба ва Салома исмли икки жорияси бўлиб, уларга бўлган кучли муҳаббати уни машғул қилди ва юрт бошқаруви издан чиқди. Одамларнинг айтишича, суюкли жорияси Ҳабобанинг ўлиmidан сўнг Язид ибн Абдулмалик ҳам айрилиқдан куйиб ўлган. Бу ҳақда тарихчилар ривоятлар келтирганлар.

Албатта, Язиднинг беҳуда ишларга, айшу ишратга ружу қўйганлиги бор ҳақиқат, бу ишларни оқлаб бўлмайди. Лекин шу билан бирга, у ҳақда тарқалган ривоятларнинг барчасини тўғри деб ҳам бўлмайди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, улар айрим кишилар томонидан тўкиб чиқарилган. Хусусан, Бану Умайянинг душманлари тарихни ёзаётганда бундай ҳолатларни дастак қилиб олиб, уларга қўшиб-чатиб, турли бўлмағур ривоятларни тўқиган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Хулосага кўра, охирги пайтда умавийлар давлатининг бошқаруви, халифалиги ёш, тажрибасиз кишилар қўлига ўтиши фатҳларнинг тўхтаб қолишига, давлатнинг заифлашишига ва охир-оқибат унинг барҳам топишига сабаб бўлган.

Фатҳлар

Ўша даврларда Арманистон ва бошқа баъзи юртлар қайтадан фатҳ қилинди. Сўнг ҳижрий 102 (милодий 721) йилда мусулмонлар мағлубиятга учраб, Франциянинг жанубидан орқага қайтишди. Шу йили Сиқиллия фатҳ қилинди. Ҳижрий 104 (милодий 722) йили Сўғд юртларида ҳам фатҳ ишлари амалга оширилди.

Ҳодисалар

Ўша даврда Шавзоб исмли одам бошчилигида хорижийлар яна бош кўтаришди. Кўпгина жойларда кўзғалон уюштириб, умавийларни енгилди. Ниҳоят мағлубиятга ҳам учрашди. Бошлиқлари Шавзоб эса ҳалок бўлди.

Ўша даврдаги энг муҳим ҳодисалардан яна бири Язид ибн Муҳаллаб Абу Софранинг Ироқдаги кўзғалони бўлди. Ироқ тарихчилар наздида кўзғалонлар маркази деб аталади. Язид уларнинг устидан ғалаба қозонди ва Ибн Муҳаллабни қатл қилди, Оли Муҳаллабнинг барчасини кириб битирди. Улар маълум даврларда умавийларнинг энг машҳур лашкарбошиларидан ҳисобланган, эришилган кўпгина ютуқларга сабаб ҳам бўлишган эди.

Язиднинг вафоти

Язид ҳижрий 105 (милодий 723) йилда вафот этди, унинг халифалиги тўрт йил давом этди.

ҲИШОМ ИБН АБДУЛМАЛИК

*(халифалик даври: ҳижрий 105–125;
милодий 723–742)*

Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон ўзининг акаси Язиднинг амрига биноан халифа бўлди. У ўғилларини Румдаги жиҳодга раҳбар қилиб сайлади. Унинг даврида ислоҳот ишлари кенгайди, ерлар обод қилинди. Шунингдек, Расофа шаҳри қурилди, девонлар такомиллаштирилиб, тартибга солинди.

Ҳишом ибн Абдулмалик ўз ишини яхши биладиган, ҳалим, қон тўкишни ёмон кўрадиган одам эди. Лекин шу билан бирга, у бахиллиги билан танилганди.

Фатҳлар

Ўша даврда фатҳ ишлари, кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, давом этиб турди. Франция ерларида кўмондон Абдуррахмон Ғофикий ўз аскарлари билан олдинга силжиб, Франциянинг марказигача кириб борди. Французлар жуда қаттиқ кўрқув остида қолдилар. Бундай кўрқув бутун Европа бўйлаб барча насронийлар ичида тарқалди. Шундан сўнг улар

жамланиб, ўзларига Шарл (Карл) Мартинни лашкарбоши қилиб олишди. Шунда Бувотийя (Пуатье) деган жойда Булатуш-шуҳадо номли катта жанг бўлиб ўтди. Ушбу жангда Ғофикий ўлдирилди. Лашкар орқага, Франциянинг жануб тарафига чекинишга мажбур бўлди. Ҳижрий 114 (милодий 732) йилда бўлиб ўтган мазкур жанглар Франция учун энг хатарли урушлар эди.

Ҳодисалар

Ўша даврдаги кўзғалонлардан яна бири ҳижрий 121 (милодий 738) йилда Зайд ибн Алий ибн Ҳусайннинг Куфада Бану Умайяга қарши кўтарган кўзғалони эди.

Лекин куфаликлар ўз одатларига кўра у кишини ёрдамсиз қолдиришди. Зайд ибн Алий ибн Ҳусайн розияллоху анху шиддат билан жанг қилди. Охири ҳижрий 122 (милодий 739) йилда у кишининг иши тугади. Сўнг Зайд ибн Алий ибн Ҳусайннинг ўғли Яҳё Хуросоннинг барча шаҳарларида кўзғалон кўтарди. Ҳижрий 125 (милодий 742) йилда умавийлар уни қатл қилишди. Ҳозирги шийъа фирқаларидан зайдийя фирқаси Зайд ва у кишининг ўғли Яҳёга нисбат берилади.

Аббосийларнинг даъвати

Мана шу даврда аббосийларнинг даъвати – одамларни ўзларига жалб қилишга қаратилган ҳаракати жуда фаоллашди. Уларнинг маркази Куфада бўлиб, ўз даъватларини бутун Хуросонга тарқатишни кўзлаган эдилар. Умавийлар эса уларнинг даъватчиларини таъқиб қилиб, қўлга тушганларини қатл қилишарди. Бу даъватнинг асосий раҳбарларидан бири Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ҳижрий 124, милодий 741 йилда вафот этгач, ўрнига унинг ўғли Иброҳим бошчилик қилди. Абу Муслим Хуросонийнинг энг катта даъватчи сифатидаги фаолияти ҳам мана шу даврда бошланди.

Ҳишомнинг вафоти

Ҳишом ибн Абдулмалик ҳижрий 125 (милодий 742) йилда вафот этди. Унинг 20 йил давом этган халифалик даврида Ислом давлати заифлик сари юз тутди. Бунга араб халқларининг шимолий ва жанубий минтақа араблари дея иккига бўлиниб, улар орасида мутаассибчиликнинг ривожлангани сабаб бўлди. Хусусан, Хуросонда бу иш кенг тус олди. Бу эса шийъаларга ўзлари учун янги фойдаларни қўлга кири-тиб, ғалабаларга эришишлари учун йўл очди.

ВАЛИД ИБН ЯЗИД ИБН АБДУЛМАЛИК

*(халифалик даври: ҳижрий 125–126;
милодий 742–743)*

Валид ибн Язид ибн Абдулмалик отаси Язиднинг аҳдига биноан амакиси Ҳишомдан кейин халифа бўлди. У беҳуда ишлар учун мол-давлат сарфлайдиган исрофчи одам бўлгани учун одамлар уни ниҳоятда ёмон кўришарди. Валид ибн Язиднинг амакиваччаси Язид ибн Валид аҳли солиҳ кишилардан эди. Шу сабабли одамларнинг кўпчилиги махфий равишда Язид ибн Валидга байъат қилишганида Язид Валиднинг халифаликдан бўшаши тўғрисида чақириқ билан чиқди. Сўнг ортидан бир жамоа одамларни юбориб, ҳижрий 126 (милодий 743) йилда уни қатл қилдирди.

Валид ибн Язид ибн Абдулмаликнинг халифалик муддати бир йилу уч ой давом этди.

Валид ибн Язид ибн Абдулмаликнинг тутган йўли, мункари ишлари, хато ва камчиликлари ҳақида шу қадар кўп миш-мишлар тарқалганки, улар худди афсонага ўхшаб қолган. Баъзилар уни зиндик деб атаган бўлса, баъзилар Қуръони Каримни ҳақорат қилганликда, яна баъзилар эса Ислом таълимотларига ҳужум қилганликда айблашган. Агар бу гаплар асосли бўлса, демак, амакиси Ҳишомнинг уни халифаликдан бўшатиш борасида қилган ҳаракатлари тўғ-

ри бўларди. Лекин ушбу гап-сўзларнинг аксарияти асоссиз бўлиб, улар Валид ибн Язиднинг душманлари томонидан тўкиб тарқатилгандир.

Язид ибн Валиддан ўч олишни талаб қилиб кўтарилган кўзғалонлар Марвон ибн Муҳаммад томонидан бостирилган.

ЯЗИД ИБН ВАЛИД ИБН АБДУЛМАЛИК

(халифалик даври: ҳижрий 126; милодий 743)

Амакисининг ўғли Валид қатл қилинганидан сўнг, ҳижрий 126 йилда Язид ибн Валидга байъат қилинди. Унинг халифалик муддати жуда қисқа ва аянчли бўлди. Ўша кундан бошлаб халифалик иши бир кун ҳам тинчимасди. Фитналар юзага келди, Марвон оиласининг ичида келишмовчиликлар келиб чиқди. Шу даврда Ҳимс аҳли, кейинроқ фаластинликлар кўзғалон кўтарди. Язид ибн Валид уларни бостирди. Ундан кейин Қайсийя, Яманийя ва Хуросонда ҳам бирин-кетин фитначилар бош кўтаришди.

Язид ибн Валиднинг вафоти

Язид ибн Валиднинг халифалик муддати олти ой давом этди, сўнг у ўлат касалидан вафот этди.

ИБРОҲИМ ИБН ВАЛИД ИБН АБДУЛМАЛИК

(халифалик даври: ҳижрий 127; милодий 744)

Язид ибн Валиднинг ўлимидан кейин унинг укаси Иброҳим ибн Валид халифа этиб сайланди. Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон унга қарши чиқиб, у кишиларни Валид ибн Язиднинг ўчини олишга, шу билан бирга, Валид ибн Язиднинг икки ўғлига байъат қилишга чақирди. Иброҳим эса Валиднинг икки ўғлини қамокда ўлдирди. Марвон Дамашққа етиб келди. Иброҳим қочиб кетди. Унинг ҳукми етмиш кунгина давом этди. Шундан кейин Марвон ибн Муҳаммад халифа бўлди.

МАРВОН ИБН МУҲАММАД

*(халифалик даври: ҳижрий 127–132;
милодий 744–750)*

Умавийлар давлатининг заволга учраши Марвон ибн Муҳаммаднинг ҳаёти

Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакамнинг давлат бошқарувидаги фаолияти, урушлардаги журъати унинг халқ ичида «эшак»³ деган лақаб олишига сабаб бўлди. Марвон ибн Муҳаммад халифа бўлишидан олдин, ҳижрий 105 (милодий 723) йилда Рум ерларига хужум уюштирди. Қўния (Қўня) шаҳрини фатҳ қилди, Арманистон ва Озарбойжон юртларининг амири бўлди.

Марвон ибн Муҳаммаднинг халифалиги

Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакам ҳижрий 127 (милодий 744) йилда Дамашққа киргач, унга халифа сифатида байъат қилинди.

Ҳодисалар

Марвон ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакам давридаги ҳодисалар безовталик ва фитналардан иборат бўлиб, давлат заволга учраши билан бу фитналар ҳам барҳам топди.

Хаворижлар

Бу вақтга келиб, хаворижларнинг ҳаракати шиддатли тус олди. Улар Мадинаи мунавварани эгаллаб олишди. Хуросонда ҳам қўзғалонлар уюштирилди, бироқ уларнинг ҳаммаси бостирилди.

³ Бу лақаб бардошли, сабр-матонатли деган маънода берилган.

УМАВИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ЗАВОЛГА УЧРАШИ ВА АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТИКЛАНИШИ

Вақт ўтиши билан аббосийларнинг фаолияти, уларнинг даъватлари тобора кучая борди. Улар ҳижрий 129, милодий 746 йилда очик даъватлар билан чиқишди. Марвон ибн Муҳаммад кўлга олиниб, Иброҳим қатл этилгач, Иброҳимнинг укаси Абул Аббос Саффоҳ ишни ўз кўлига олди. У ҳижрий 132 (милодий 749) йилда ўз аҳли билан Куфага қараб юрди. Ўша ерда унга халифа сифатида байъат қилинди.

Аббосийлар Ироқ ва Хуросонни ўзларига бўйсундирдилар. Марвон ибн Муҳаммад Зоб дарёсига яқин жойда, Мосул ва Ирбил шаҳарлари атрофида аббосийлар билан тўқнашди ва ҳижрий 132 йилда унинг қўшини мағлубиятга учраб, аскарлари ҳар томонга қочиб кетишди. Ниҳоят ҳижрий 132 йилда аббосийлар Марвон ибн Муҳаммадни Мисрда қатл этишди. Марвон ибн Муҳаммаднинг ўлими билан Бану Умайянинг давлати қулаб, аббосийлар давлати тикланди.

Шу ергача ўтган ҳамма гапларимиз умавийлар даври хусусида эди. Бу давр сиёсий ва фикрий ҳаракатларга тўла давр бўлди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бошқа ҳеч бир аср улар билан бу борада тенглаша олмайди, чунки айнан умавийлар даврида жуда кўплаб фатҳлар амалга оширилди. Сон-саноксиз кишилар Исломга кирди. Ислом тарихидаги ўзига хос ягона ҳисобланган бу аср жамики мусулмонлар, бутун ер юзидаги Ислом аҳли учун фахрланса арзийдиган бир давр эди.

Умавийлар халифалиги даври ҳақида баъзи мулоҳазалар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратларининг 41-йилидан, шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳининг таъбири билан айтганда, араб подшоҳлиги ёки мусулмонлар подшоҳлиги даври бошланди. Ушбу давр-

нинг аввалида мусулмонлар тамаддуни биносида бир дарз пайдо бўлди. Кейин эса замон ўтиши билан мазкур дарз аста-секин катталашиб борди.

Инсоният тарихида ҳеч бир тамаддун Ислом тамаддуни каби тез ривожланмаган. Жуда қисқа вақт – қирқ йил ичида ҳеч бир давлат ёки тамаддун инсониятни қойил қолдирадиган даражада катта ютуқларга эришмаган. Мисол учун, дунёдаги энг машҳур тамаддун ҳисобланган Рим ва Форс тамаддуни олиб кўрадиган бўлсак, уларнинг юксалиш даври, мутахассисларнинг таъкидлашларича, икки минг йил давом этган. Орадаги мазкур катта фарқнинг сабаби – Ислом тамаддуни Холиқ таолонинг таълимотига, мазкур икки тамаддун эса махлуқнинг ҳаракатларига асосланганидир.

Холиқ таолонинг таълимотига асосланган Ислом тамаддуни қирқ йил давомида ривожланиб, сўнг ривожланишдан тўхтаган бўлса ҳам, ҳозиргача яшаб келмоқда. Махлуқнинг ҳаракатига асосланган Рим ва Форс тамаддунлари эса икки минг йил мобайнида ривожланган бўлса ҳам, озгина муддатда тугаб, тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Ислом умматида тамаддуннинг энг юқори чўққисига тарихда мисли кўрилмаган оз муддатда – қирқ йил ичида чиқилган бўлса ҳам, пасайиш ҳолати сезилар-сезилмас бўлиб бошланди.

Аллоҳ таолонинг таълимоти асосида юқори чўққиларни забт этган тамаддуннинг таназулга учрашини, тобора пасайиб боришини қандай тушуниш мумкин?

Дин, ўз аъзоларининг ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар, ўз-ўзидан ишлаб кетадиган жиҳоз эмас. Агар Аллоҳ таоло истаса, табиатни Ўз измига юргизгани каби, одамларни ҳам ҳидоятга мажбурлаши, Исломга хилоф қила олмайдиган, шариатига амал қилишда сусаймайдиган қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо У Зот бундай бўлишини ирода қилмади. Балки инсонга ихтиёр қилиш, танлаш имконини

бериб, уни улуғлади. Истаса – ҳидоятни, истаса – залолатни танлаб оладиган қилди. Танлаб олган йўлига ва қилган амалига қараб жазо ёки мукофот берадиган бўлди.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида шундай марҳамат қилади:

«Албатта, Аллоҳ бир қавмдаги нарсани, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича, ўзгартирмас» (11-оят).

Яъни банда бир яхшиликка эришмоқчи бўлса, ўша яхшиликка етаклайдиган хислатларни ўзида мужассам этиши ва унга эришиш учун уриниши лозим. Ана шундагина Аллоҳ унинг ишида яхши томонга ўзгариш ҳосил қилади.

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

«Бу Аллоҳ бир қавмга Ўзи инъом этган неъматини, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича, ўзгартирувчи бўлмаслиги ва Аллоҳ эшитувчи ва билувчи бўлганидандир» (53-оят).

Аллоҳ таоло Рум сурасида марҳамат қилади:

«Қилган амалларининг баъзисини тоттириш учун одамларнинг қўллари касб қилган нарсалар туфайли куруқликда-ю денгизда бузғунчилик зоҳир бўлди. Шоядки, улар қайтсалар» (41-оят).

Одамлардаги бузуқ эътиқод ва тасавурлардан фиску фасод келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида куруқликдаю денгизда бузғунчилик устун келишига сабаб бўлади. Одамлар қилган гуноҳлар ва фиску фасод уларнинг ўзларининг бошларига бало-офат келтиради. Бу мусибатлар уларга танбех бўлиши, залолатдан ҳидоятга, нотўғри йўлдан тўғрисига қайтишларига сабаб бўлиши керак.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

«Агар шаҳар-қишлоқ аҳли иймон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб қўяр эдик» (96-оят).

Аллоҳ таоло Анъом сурасида марҳамат қилади:

«Эслатилган нарсаларни унутган чоғларида уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб кўйдик. Ўзларига берилган нарсалардан хурсанд бўлиб турганларида, уларни бирданига тутдик. Қарабсизки, бутунлай ноумид бўлдилар» (44-оят).

Демак, инсон Аллоҳ таолонинг динига амал қилса, яхшилиқка эришади, амал қилмаса, ёмонлиқка қолади.

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ рошид халифалар давридан кейинги ҳолат ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Етакчиликнинг лаёқатли одамлардан лаёқатсиз одамларга ўтиши:

Аммо таассуфлар бўлсинким, башариятнинг бахтига қарши ушбу ўта оғир вазифа бу ишга лаёқати йўқ, юртни бошқаришга тайёр бўлмаган ва етилмаган, олдингилар ва ўзлари билан замондош бўлганлар ҳамда ота-боболари сингари диний ва ахлоқий тарбияни олмаган кимсалар қўлига ўтиб кетди. Улар мусулмон умматини бошқаришга, унга раҳбарлик қилишга ўргатадиган Исломот таълимотларига эга эмас эдилар. Уларнинг онглари, нафслари эски тарбиянинг қолдиқларидан тозаланмаган эди. Уларда Исломот йўлида жидду жаҳд қилишга етадиган даражада куч, диний ва дунёвий масалаларда ижтиҳод қиладиган даражада илм ҳамда мусулмонларга халифалик қилиш либосини кийишга яраша қувват йўқ эди. Бу гап, одил халифа Умар ибн Абдулазиздан бошқа, Бану Умайя ва Бану Аббос халифаларига ҳам тааллуқлидир.

Етакчилик рошид халифалардан кейин умавийларга ўтди. Улар ҳижрий 41–132 (милодий 661–750) йиллар давомида – тўқсон бир йил етакчилик қилишди.

Умавийлар даврида пасайиш бошланган бўлса ҳам, унчалик кўп бўлмаган. Бу даврда мол-мулкнинг ва жорияларнинг кўпайганини кўриш мумкин.

Умавийлар даврида оламшумул фатҳлар бўлди. Ислом шарқда Хитойгача, ғарбда Андалусгача кенг ҳудудда ёйилди.

Бу даврда кўплаб кўриқ ерлар ўзлаштирилди, каналлар қазилди, шаҳарлар қурилди, ободончилик ва тараққиёт юксалди. Рошид халифалар асридан кейинги энг яхши аср ҳисобланган умавийлар даври сиёсий ва фикрий ҳаракатларга тўла бўлди.

Шу билан бирга, мазкур даврда оз бўлса ҳам тўғри йўлдан оғиш ва аввалги савиядан пасайиш кузатилди.

Пасайиш аввало икки нарсада, одамлар унчалик сезмаган ҳолда намоён бўлди:

1. Раҳбарлик халифаликдан подшоҳликка ўтди. Имом Ҳасан розияллоҳу анҳу халифаликдан воз кечиб, Муовия розияллоҳу анҳу бошлиқ бўлганида, кейинчалик у кишининг ўрнига ўғли халифа бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо шундай бўлди. Кейин эса давлат раҳбарлиги Бану Умайя қабиласининг одамлари қўлига ўтди. Улар ўзларининг ичидаги энг яхшисини давлат бошлиғи қилиб сайлайдиган бўлишди.

Рошид халифалар даврида эса мусулмон умматининг энг яхшиси халифа бўлар эди.

2. Мусулмон уммати аста-секин ҳокимларнинг фаолиятини текшириб бориш хусусиятини йўқотди. Рошид халифалар даврида эса мусулмон уммати ҳокимларнинг фаолиятини диққат билан текшириб борар, бирор хато топса, юзига айтар эди.

Вақт ўтиши билан яна баъзи бурилиш ва пасайишлар юз берди.

Умавийлар ўзларининг сиёсий муҳолифларига қарши куч ва қўполлик ишлатишни йўлга қўйишди. Рошид халифалар даврида бундай бўлмаган эди.

Давлат мулкани беҳудага сарфлашни, одамларни ўзларига мойил қилиш учун ишлатишни ўзларига эп кўришди.

Умавийларда араб миллатчилиги ҳам пайдо бўлди. Бу иш ҳам аввалги пасайиш омиллари каби ўзига хос муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

БЕШИНЧИ БОБ

АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 132–656; милодий 750–1258)

БИРИНЧИ ФАСЛ

АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТИКЛАНИШИ

Аббосийларнинг насаби

Аббосийлар халифалиги Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳуга нисбат берилади.

Ушбу давлатнинг асосчиси – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб. Бу одамнинг лақаби – Саффоҳ.

Аббосийлар давлатининг ташкил топиши Бану Ҳошим олиб борган даъватнинг ютуғи деб билинади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин халифалик у зотнинг қариндошларига ўтиши керак деган қақирик билан чиққан бўлиб, бу фикр Исломнинг аввалида мағлубиятга учраган эди. Аслида эса исломий таълимотларга, кўрсатмаларга биноан халифалик мусулмонларнинг барчасига мулк бўлиб, улар ўзлари лойиқ кўрган кишини халифа қилишлари керак бўлган.

Даъватнинг бошланиши

Рофизалардан бўлган кисойлар фирқаси имомлик Муҳаммад ибн Алий ибн Абу Толиб ибн Ҳанафийянинг авлодида бўлиши керак, деган фикр билан чиқишди. Улар Ибн Ҳанафийянинг вафотидан кейин кишиларни унинг ўғли Абу Ҳошимга байъат қилишга қақира бошладилар. Абу Ҳошим эса умавийларни танқид қилиб юрар эди. У ўз ўлимидан олдин амакисининг ўғли Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббоснинг олдига – Урдундаги Ҳамимия деган жойга

борди ва ундан умавийларнинг ҳукмини инкирозга учратишини, Оли байтга даъват қилишини талаб қилди.

Даъватнинг яширин босқичи

Бу босқич ҳижрий 100 йилда бошланиб, 129 йилгача (милодий 718–746) давом этган. Улкан чўққиларни орзу қилган Муҳаммад ибн Алий юқоридаги даъватни ўзи учун қонун қилиб олди-да, ҳижрий 100 йилда уни амалга ошириш мақсадида иш бошлади. Режалар тузиш, ишни тартибга солиш учун Ҳамимияни марказга айлантирди. Даъват учун Куфани ўзига марказ қилиб олди. Хуросонни эса даъватни тарқатиш диёри қилиб ихтиёр этди ва у ерга даъватчилар – нақибларни юборди. Бунинг учун даъватни тарқатишга имконияти, иқтидори, қобилияти бор кишиларни танлади. Ушбу даъват ишлари бутунлай махфий равишда олиб борилар, махфий бўлгани учун ҳам секинлик билан тарқалар эди. Сиёсий билимдонлик ва дохйлик билан олиб борилган Муҳаммаднинг бу даъватлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оли байтлари исми билан тарқаларди.

Муҳаммад вафот этганидан кейин унинг даъватини ҳижрий 125 (милодий 742) йилда ўғли Иброҳим қабул қилиб олди. Бу вақтга келиб, умавийлар давлати заифлашиб қолган, Ҳишом ибн Абдулмаликнинг вафотидан кейин бир нечта фирқаларга бўлиниб кетган эди. Шу сабабли аббосийларнинг даъвати кенг равишда тарқала бошлади.

Очиқ даъват қилиш босқичи ҳамда Ирок ва Хуросонни бўйсундириш

Иброҳим ҳижрий 129 (милодий 746) йилда ўзининг энг кўзга кўринган лашкарбошиси бўлмиш Абу Муслим Хуросонийни Хуросонда даъватни очиқ эълон қилишга амр қилди. Абу Муслим Хуросоний чинакам дохй, шу билан бирга, жуда хатарли инсон бўлиб, аскарлар оламида энг улуғ, ниҳоятда уста лашкарбоши ҳисобланар эди. Абу Муслим амрни эшитиши билан унга амал қилишга ўтди. У умавийлар сулоласининг охирги халифаси Марвон ибн Муҳаммадни

тутиб қамади. Уни ҳибсга олгач, акаси Абдуллоҳ Саффоҳни ишга қўйди. У аҳли билан Куфага келиб, Абу Салама Халлол деган кишининг ҳовлисига тушди. Бу иш сирлигича қолди.

Абу Муслим Хуросоннинг волийси Наср ибн Сайёрни йўқ қилди. Наср ибн Сайёр Абу Муслимнинг ҳаракатларини тўсишга жуда кўп уринди. У халифа Марвон ибн Муҳаммаддан ёрдам сўради, лекин фойда бермади. Марвоннинг Ироқдаги волийси Язид ибн Умар ибн Ҳубайрадан ҳам ёрдам сўради, ундан ҳам ҳеч қандай жавоб бўлмади, чунки бу пайтда уларнинг ҳаммаси урушлар, фитналар билан машғул эдилар.

Шундай қилиб, Абу Муслим Хуросоний ҳижрий 130, милодий 748 йилда Хуросонни босиб олишга муваффақ бўлди. Сўнг ҳижрий 132 йилнинг охирларида Ироқ Язид ибн Умар ибн Ҳубайранинг қўлидан тортиб олинди. Ибн Ҳубайра аббосийларга таслим бўлмаса ҳам, Саффоҳ унга омонлик берганидан кейин уларнинг ҳукмига қўнди. Лекин уни алдаб, хиёнат қилиб ўлдиришди.

Шунингдек, Саффоҳ ўз халифалигини эълон қилганидан кейин Абу Салама Халлол ҳақида халифаликни алавийларга ўтказиш учун тил бириктиряпти, деган гап тарқатди. Ҳолбуки, Абу Салама Халлол Саффоҳнинг фойдасига жуда кўп ишлар қилган, умавийларни йўқ қилишда катта роль ўйнаган, аббосийларнинг даъватини тарқатиш йўлида катта-катта ишларни амалга оширган эди.

Булардан кўринадики, аббосийлар ўз давлатини куриш йўлида ҳеч нарсадан тоймаганлар, жуда кўп номаъқул ишларни ўзларига эп кўрганлар.

Аббосийлар халифалигининг эълон қилиниши

Абдуллоҳ Саффоҳ беркинган жойидан чиқиб, ўзининг жамоаси билан Куфанинг марказий жомеъ масжидига борди ва халифалигини эълон қилди. Ўша ерда унга байъат қилинди. Бу воқеа ҳижрий 132 йил рабиъул аввал (милодий 749 йил октябрь) ойда бўлиб ўтди.

Умавийларнинг барҳам топиши ва Зоб жанги

Саффоҳ халифалигини эълон қилганидан чамаси икки ой ўтгач, лашкарини умавийларнинг охирги халифаси Марвон ибн Муҳаммад билан жанг қилиш учун юборди. У Мосул яқинидаги Зоб дарёси қирғоғига жойлашган эди. Марвон мағлуб бўлди, бир жойдан иккинчи жойга қоча бошлади. Аббосийлар уни ҳижрий 132 (милодий 750) йилда Мисрда қатл қилдилар. Шундай қилиб, ҳамма ишлар аббосийларнинг қўлига ўтди. Андалусдан бошқа барча Ислом юртлари уларнинг ҳукми остига кирди.

Аббосийлар давлатининг ҳукмронлик даври

Аббосийлар давлати ҳижрий 132 (милодий 750) йилда умавийлар давлатининг қолдиқлари устида ташкил топди ва ниҳоят ҳижрий 656 (милодий 1258) йилда ушбу давлат ҳам тугади.

Бу давлатнинг тугаши мўғуллар Бағдодни харобага айлантириб, аббосийлардан бўлмиш охирги халифани қатл қилганларидан сўнг юз берди. Аббосийлар ҳижрий 132–656 йиллар ичида, яъни 524 йил давомида ҳукмронлик қилдилар. Аббосийларнинг даври икки босқичга бўлинади. Бу кўпчилик тарихчилар келишган истилоҳдир.

Биринчи босқич

Бу босқич аббосийларнинг биринчи давлати деб аталиб, ҳижрий 132–248 (милодий 750–862) йилларни ўз ичига олади. Ўнта халифа ўз ҳукмини юритган бу босқичда давлат ниҳоятда кучли бўлган, бошқарув халифалар томонидан мукамал равишда олиб борилган.

Иккинчи босқич

Ҳижрий 248–656 (милодий 862–1258) йилларни ўз ичига олган ушбу босқич аббосийларнинг иккинчи давлати деб аталади.

Бу босқичда халифалар анча заифлашиб, ўз кудратларини йўқотдилар, ишни аскарлар ўз қўлларига олдилар. Бу даврда давлат бошқарувини 27 халифа олиб борган.

ИККИНЧИ ФАСЛ

АББОСИЙЛАРНИНГ БИРИНЧИ ДАВРИ

(ҳижрий 132–248; милодий 750–862)

Кучли аббосий халифалар даври

1. Абул Аббос ибн Муҳаммад

Унинг лақаби Саффоҳ бўлган. У ҳижрий 132–136 (милодий 750–754) йилларда халифалик қилган.

2. Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад

Лақаби – Мансур. У ҳижрий 137–158 (милодий 754–775) йилларда халифалик қилган.

3. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Маҳдий

Ҳижрий 158–169 (милодий 775–785) йилларда халифалик қилган.

4. Мусо ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳодий

Ҳижрий 169–170 (милодий 785–786) йилларда халифалик қилган.

5. Ҳорун ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ

Лақаби – ар-Рошид. Ҳижрий 170–193 (милодий 786–809) йилларда халифалик қилган.

6. Муҳаммад ибн Ҳорун ибн Муҳаммад Амин

Ҳижрий 193–198 (милодий 809–814) йилларда халифалик қилган.

7. Абдуллоҳ ибн Ҳорун ибн Муҳаммад Маъмун

Ҳижрий 198–218 (милодий 814–833) йилларда халифалик қилган.

8. Муҳаммад ибн Ҳорун ибн Муҳаммад Муътасим
Ҳижрий 218–227 (милодий 833–842) йилларда халифалик қилган.

9. Ҳорун ибн Муҳаммад ибн Ҳорун Восик
Ҳижрий 227–232 (милодий 842–847) йилларда халифалик қилган.

10. Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳорун Мутаваккил
Ҳижрий 232–247 (милодий 847–861) йилларда халифалик қилган.

Куйида уларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқамиз.

1. АБУЛ АББОС САФФОҲ

*(халифалик даври: ҳижрий 132–136;
милодий 750–754)*

Тўлиқ исми – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббос. У Бану Аббоснинг биринчи халифасидир. Отаси аббосийлар давлатининг биринчи мутафаккири – аббосийлар давлати тузиш фикрини ўртага ташлаган одам бўлиб, ушбу фикрни ёйиш учун кўплаб ишларни амалга оширган. Абдуллоҳ унинг кўп сирларини билар эди. Абул Аббос Саффоҳнинг акаси Иброҳим ҳижрий 129 (милодий 746) йилда умавийлар томонидан қамалишидан олдин ўз ўрнига укасини сайлаб кетган эди. У ўз жамоати билан махфий равишда Куфага келиб жойлашганди.

Абул Аббос Саффоҳнинг халифалиги

Хуросон ва Ироқни аббосийлар эгаллаб олганларидан кейин Абул Аббос Саффоҳ беркинган жойидан чиқди ва у

ҳижрий 132 (милодий 750) йилда халифа этиб сайланиб, байъат қилинди. Шундан сўнг Абул Аббос Саффоҳ Марвон ибн Муҳаммадни енгди ва ўша йилнинг ўзида умавийлар давлатини кулатди.

Мулоҳаза қилинишича, у ўзининг халифалик даврида уч нарсага суянган.

Биринчиси – оиласи. Унинг амакилари, ака-укалари, амакиваччалари жуда кўп бўлган. Ҳарбий соҳани, вилоятлардаги барча ишларни, насиҳат, шўро (кенгаш) ишларининг ҳаммасини улар ўзлари бошқаришган.

Иккинчи суянч ниҳоятда уста ва нодир лашкарбоши Абу Муслим Хуросоний бўлган. Ўзининг қуввати, сабр-бардоши, жасорати ҳамда ишни яхши билиши билан Хуросон ва Ироқни бўйсундирган бу одам аббосийлар давлатининг ташкил топиши учун ҳам жуда кўп ишларни амалга оширган эди.

Учинчи суянч қабила мутаассиблиги бўлган. Қабила аъзолари орасида ҳукм сурган мутаассиблик умавийлар даврининг сўнгида яна ҳам ҳаддидан ошиб кетди. Аббосийлар бундан усталик билан фойдаландилар. Улар яманликлар билан бирга бўлиб, Қайс қабиласининг зиддига, умавийларнинг ёрдамчиларига қарши туришган эди.

Пойтахт

Куфа шаҳри аббосийлар давлатининг пойтахти қилиб олинди. Мана шу шаҳарда Саффоҳга байъат қилинди. Сўнг у Анборга кўчиб ўтди ва ҳижрий 134 (милодий 752) йилда бу ерни ўзининг пойтахти деб эълон қилди.

Фатҳлар

Саффоҳга байъат қилингач, у асосан ўз давлатини қарор топтириш, уни қувватлантириш билан машғул бўлди. Фатҳларга эътибор бермай қўйди.

Баъзи бир турк юртларида, Мовароуннаҳрда аскарларнинг борди-келдиси бўлиб турди, холос. Саффоҳ ҳижрий 136 (милодий 754) йилда вафот этди. Унинг халифалиги тўрт йил давом этди.

2. АБУ ЖАЪФАР МАНСУР

*(халифалик даври: ҳижрий 137–158;
милодий 754–775)*

Абу Жаъфар Мансур – Абдуллоҳ Соний ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббосдир. У Бану Аббоснинг энг шижоатли, энг билимдон ва энг азму қарорли одами эди. Абу Жаъфар Мансур аббосийлар давлатининг ҳақиқий муассиси ҳисобланган. У Абул Аббос билан Куфага кўчиб келган, у билан бирга фаолият олиб борган, даъват ишларида унга елкадош бўлган ва уни қувонтирадиган жуда кўп ишлар қилган эди. У ўзидан олдинги халифанинг доимий ёрдамчиси ва кўмакдоши бўлган. Абу Жаъфар Мансур халифа бўлишидан олдин Жазира, Арманистон ва Озарбойжонда волийлик қилган, акаси Абул Аббосдан кейин унинг ёзган аҳдномаси асосида халифа бўлган.

Ҳодисалар

Мансурга қарши жуда кўп хатарли қўзғалонлар уюштирилди. Қўзғалонлар борлиқни ларзага соладиган, нафсларни титратадиган даражада кучли бўлди. Лекин Мансур ниҳоятда мустаҳкам сабр-бардошга эга эди. У ўзининг оқиллиги ва маҳорати, тўғри сиёсати билан барча қўзғалонларни бостирди, қўзғалончилар устидан ғолиб келди. Қуйида унинг давридаги энг муҳим ҳодисалардан бир нечтасини айтиб ўтамиз.

Амакиси Абдуллоҳ ибн Алийнинг қўзғалони

Мансурнинг амакиси Абдуллоҳ ибн Алий халифаликка ҳақлироқ эканини даъво қилди, чунки у Марвон ибн Му-

ҳаммадни қатл этган ва давлатнинг асосини собит қилган эди. Шунингдек, Абдуллоҳ Саффоҳ унга аҳд қилиб, «Сени халифа қиламан» деган даъвони илгари сурди. Абдуллоҳ ибн Алийнинг аскарлари унга байъат ҳам қилди. Шунингдек, Шом аҳли ва Арабистон яриморолидаги мусулмонлар ҳам унга байъат қилишди. У ўз лашкари билан Ҳарронга бориб, ўша ерда истехком қуриб олди. Шундан сўнг Мансур унга қарши Абу Муслим Хуросонийни юборди. У ерда беш ой уруш бўлди ва ниҳоят Абдуллоҳ Саффоҳ енгилиб, Басрага қочиб кетди. Ҳижрий 137 (милодий 754) йилда Мансур уни тутиб, ҳибсга олди. Абдуллоҳ ибн Алий қамокда вафот этди.

Абу Муслим Хуросонийнинг қатл қилиниши

Абу Муслим ниҳоятда кучли, асли Форсдан бўлган доҳий инсон эди. У Хуросон юртида ҳеч кимга итоат қилмайдиган, ҳеч кимсадан кўркмайдиган яккаю ёлғиз довьюрак инсон ҳисобланарди. Мансур ҳар доим ундан кўрқиб яшар, унинг қалбида Абу Муслимга нисбатан «Менинг давлатимга қарши чиқиб қолмаса эди» деган хавф бор эди. Бир куни Мансур амакиси Абдуллоҳни йўқ қилишни буюриш баҳонасида уни олдига чақирди. Абу Муслим Хуросоний жуда кўп таҳдидлардан ва кистовлардан кейин келди. Шунда Мансур уни тутиб олиб, қатл қилди. Бу воқеа ҳижрий 137 йилда юз берди.

Муҳаммад ва Иброҳим томонидан уюштирилган кўзғалон

Муҳаммад ва Иброҳим Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Алийнинг фарзандлари эди. Ҳижрий 145 (милодий 762) йилда Муҳаммад Мадинаи мунавварада кўзғалон кўтарди. Мансур лашкар юбориб, уни енгди. Сўнг Муҳаммаднинг акаси Иброҳим Басрада кўзғалон уюштирди. Басранинг аҳолиси унга итоат қилди. Сўнг у Ироқ, Форс ва Аҳвоз халқини ўзига бўй-

сундирди. Мансурга қарши жуда катта урушлар олиб борди ва ҳижрий 145 йилда Мансур уни йўқ қилди.

Ана шу алавийлар «Халифаликка аббосийлардан кўра биз ҳақлироқмиз» деган даъвони илгари суришар ва халифаликка талабгор эдилар.

Хаворижлар

Мансурнинг даврида Мағриб юртларида хаворижлар катта фаолият олиб боришди. Ҳижрий 140 (милодий 758) йилда улар Сижилмоса деган жойда Суфрийя номли давлатни тиклашди.

Абу Жаъфар Мансур уларга қарши урушда жуда катта жасорат кўрсатди.

Андалусдаги умавийлар давлати

Умавийлар давлати кулагандан сўнг Абдуррахмон ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик Андалусга кочиб кетди. Исмини Абдуррахмон Дохил деб ўзгартириб, у ерда умавийлар давлатининг бир бўлагига асос солишга имкон топди. Абдуррахмон Дохил Андалусда жуда кўп ишларни амалга оширди ва ҳижрий 137 йилда у орзусига етди. Абу Жаъфар Мансур унга қарши уруш қилишдан ожиз бўлди ва ўз ҳолига қўйиб берди.

Фатҳлар

Вазият қарор топгандан сўнг Мансур Рум юртларига аскарлар юборди. Чегаралар курди, чегара кўриқлашни йўлга қўйди. Турли фатҳ ишларини тартибга солди. Қишда ва ёзда ҳаракат қиладиган ҳарбий кўшинларни тузди, улар «савойиб» ва «шатоийиб» деб аталди. Амалга оширилган бу барча ишларнинг ортида чегараларни яхшилаб кўриқлаш, аҳдни бузган юртларни яна қайтадан ўзига бўйсундириш мақсади бор эди. Мисол учун, ўша пайтларда Табаристон,

Дайлам, Кашмир ва шунга ўхшаш бошқа юртларда аҳдни бузиш ҳолатлари содир бўлган эди.

Халифа Мансурнинг энг муҳим ишлари

Ҳижрий 146 (милодий 763) йилда Мансур Бағдод шаҳрини курди ва уни ўз давлатига пойтахт қилиб олди.

Ушбу ўринда яна Буюк Британияда Жон Фозергил суратга олган «Шарқ ва Ғарб» номли ҳужжатли фильмнинг тўртинчи қисмидан олинган иктибосни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

Доктор Томас Кирк

(Нью-Йорк университети):

«Ислоҳ ҳукмдорлари Бағдоддаги аббосийлардан бошлаб ўзлари фатҳ қилган ўлкалардаги маданият ва маорифни сақлаб қолишга, илм-фанга алоҳида аҳамият беришга ва тўпланган илмий маълумотларни умумлаштиришга уриндилар».

Аббосийлар сулоласи 750 йилда Дажла дарёси қирғоқларида янги шаҳарга асос солиб, унга «Мадинагус-Салом» деб ном бердилар. Бироқ шаҳар ўзининг маҳаллий номи – Бағдод деган ном билан тарихда қолди. Бағдод шаҳри улкан доира шаклидаги маконда жойлашган бўлиб, унинг марказида халифанинг мухташам қасри ўрин олган, унинг атрофида эса ўз даврининг энг буюк шаҳри қад кўтармоқда эди.

Доктор Томас Кирк

(Нью-Йорк университети):

«Агар менга VIII асрда яшаш насиб қилиб қолса, Бағдодни танлаган бўлардим. Бу жуда қизиқарли эди. У ерда ҳаёт қайнар, Бағдод дунёдаги энг қудратли салтанатнинг маркази эди, халифалар янги шаҳарнинг маданияти, таълим тизими ва қурилиши учун улкан маблағларни аямасдилар. Ўйлайманки, ўша пайтда бу шаҳар ғоятда ажойиб жой бўлган» (Иқтибос тугади).

– Халифа Мансур Рофиқа шаҳрини ҳам қурди.

– Халифа Мансур ҳижрий 139 (милодий 757) йилда Масжидул Ҳаромни кенгайтирди.

– Мансур аббосийлар давлатининг асл бунёдкори ҳисобланади. У ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйди, қоидаларни тартибга солди. Низом ва қонунларни жорий қилди.

– Имом Молик ибн Анас ёшлигида Жаъфар Мансур билан бирга ўқиган экан. Катта бўлганларида йўллари турлича бўлиб, имом Молик илмда, айниқса фикҳда улкан алломалик даражасига етиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди.

Бир куни халифа Жаъфар Мансур оғайнилари ва ҳамдарслари бўлмиш имом Молик билан мажлис қурди ва у кишига: «Яқин орада мен билан сендан билимлироқ одам йўқ, ўзинг кўриб турибсан, мен манави иш (яъни халифалик) билан машғул бўлиб қолдим. Сен одамларга диний ишларни енгиллаштириб берсанг», деди.

Имом Молик рози бўлди ва «Муватто» китобини таълиф қилди. Янаги ҳаж мавсумида «Муватто» китоби билан танишган халифа Жаъфар Мансур қойил қолди ва имом Моликка: «Жуда яхши қилибсан, агар хоҳласанг, ҳамма одамларни шу китобга жамлайман», деди.

Имом Молик: «Йўқ, ундай қилма, Расулуллоҳнинг саҳобалари ҳамма ёққа тарқалиб кетишди, уларнинг ҳар бири ўзи билан яхшилиқни олиб кетди», деди.

Ушбу қиссадан кўриниб турибдики, ўша даврда давлат бошлиғи кишиларга фикҳий кўрсатмалар мажмуаси лозимлигини англаб етган. Уламолар, жумладан имом Моликдек забардаст олим ҳам бу заруратни тушуниб етган.

Бундан халифа Мансурнинг фикҳ илми ривожига ҳам катта ҳисса қўшгани келиб чиқади.

– Халифа Абу Жаъфар Мансур Бағдодни қураётиб, Куфадан Абу Ҳанифани опкелтирди. Имом Абу Ҳанифа шаҳар режасини ишлаб чиқиш ва қуришда қатнашди. Аммо

халифа қозиликни таклиф қилганда, бош тортди. Орада дўк-пўписа, тортишувлар бўлди.

– Имом Абу Ҳанифанинг ҳаётини ўрганган тарихчиларнинг айтишларича, у киши халифа Мансурнинг «Агар қози бўлмасанг, Фурот дарёсига оқизиб юбораман», деган дўкига «Дарёда оқишни афзал кўраман. Билиб қўй, мен бу ишни эплай олмайман», деган. Шунда халифа Имомга: «Ёлғон айтяпсан», деган. Имом Абу Ҳанифа дарҳол: «Қандай қилиб сен ёлғончини қози қилишга рози бўляпсан?» деган.

– Абу Жаъфар Мансур турли илмларни тарқатишга катта аҳамият берар, олимларни эҳтиром қилар эди. У Бағдодда, халифалик қасрида «Байтул Ҳикмат»ни ташкил қилган ва унга ўзи бошчилик қилиб турган. Ўша пайтда Байтул Ҳикмат турли китобларни араб тилига таржима қилиш маркази сифатида иш бошлаган.

Абу Жаъфар Мансур Рим императоридан юнонларнинг китобларидан юборишни сўраган. У тиб, ҳандаса, ҳисоб ва фалакиётга оид китобларни юборган. У ердаги таржимонлар эса мазкур китобларни араб тилига таржима қилишган.

Халифа Абу Жаъфар Мансурнинг кун тартиби

– Мансур куннинг аввалида амри маъруф, наҳий мункар, вилоятларга боғлиқ ишлар, ишга тайин қилиш ва олиш ҳамда омманинг манфаатига оид ишлар билан машғул бўлар эди.

– Пешин намозини ўқигач, уйига кириб, асргача дам олар эди.

– Аср намозини ўқиб бўлгач, оила аъзолари билан ўтирар ва уларга тегишли ишлар билан машғул бўлар эди.

– Хуфтон намозини ўқиганидан сўнг атрофдан келган мактублар билан танишар, сўнг кечанинг учдан бири ўтгунча ўзининг яқинлари билан гаплашиб ўтирар эди.

– Кейин кечанинг учдан бири қолгунича ухларди.

– Сўнг туриб, таҳажжуд намозини ўқир эди.

- Тонг отганда чиқиб, бомдод намозига имомлик қиларди.
- Бомдоддан кейин айвонида ўтирар эди.

Абу Жаъфар Мансурнинг вафоти

Абу Жаъфар Мансур ҳижрий 158 (милодий 775) йилда Маккаи мукаррамада, ҳаж амалларини адо этаётганида вафот этди. У 21 йил халифалик қилди.

3. МУҲАММАД МАҲДИЙ

*(халифалик даври: ҳижрий 158–169;
милодий 775–785)*

У Муҳаммад Маҳдий ибн Мансурдир. Муҳаммад Маҳдийга отасидан кейин, отасининг аҳди асосида ҳижрий 158 йилда байъат қилинди. У жуда ҳам сахий – карамли инсон бўлиб, мухтожларга кўплаб эҳсонлар қилар, зулмга учраганлардан ёрдамни аямас эди. Муҳаммад Маҳдий ибн Мансур Масжидул Ҳаром ва Масжиди Набавийни кенгайтирган инсондир.

Ҳодисалар

Муҳаммад Маҳдийнинг даврида барқарорлик ва хотиржамлик ҳукм сургани учун ҳеч бир тилга олишга арзигулик ҳаракатлар ёки кўзгалонлар бўлмади.

Зиндиқлар

Монавийя, санавийя, яъни нур ва зулматга ибодат қилувчиларга эргашганларга «зиндиқ» деган лақаб берилган. Бунинг асли қадимги Форс динларидан бўлиб, Маздакка нисбат берилади. Кейинчалик диндан чиққан ёки бидъатга берилган ҳар бир одам ҳам зиндиқ деб аталадиган бўлган. Гоҳида шарм-хаёсиз, фиску фужур билан яшайдиган адибларга, ўйин-кулгига кизикқан одамларга нисбатан ҳам мана шу лақаб ишлатилган.

Маҳдий зиндиқларга қарши энг кўп кураш олиб борган, доим уларнинг орқасидан кузатиб, жазо бериб келган аббосий халифалардан ҳисобланади. У ўғли Ҳодийни зиндиқларни таъқиб қилиш, уларга эркинлик бермаслик учун масъул қилиб қўйганди. Ҳодий отасининг насиҳатига амал қилиб, бу ишни жуда яхши тарзда олиб борар эди.

Хаворижлар

Ҳижрий 160 (милодий 777) йилда Жазоирнинг Тоҳарт деган жойида хаворижларнинг расмий давлати пайдо бўлди. Улар ибозийлар деб ҳам аталар эди.

Фатҳлар

Маҳдий ўз даврида Рум юртларида катта ғалабаларга эришди. Ўғли ар-Рашид ўша вақтларда лашкарбоши бўлиб хизмат қилар эди. У Мармара денгизининг соҳилларигача етиб бориб, аёл император Агуста билан сулҳнома тузди. Ҳижрий 166 (милодий 783) йилда уларга жизя солди.

Муҳаммад Маҳдийнинг вафоти

Халифа Муҳаммад Маҳдий ибн Мансур ҳижрий 169, милодий 785 йилда вафот этди. У ўн йилу бир неча ой халифалик қилди.

4. МУСО ҲОДИЙ

*(халифалик даври: ҳижрий 169–170;
милодий 785–786)*

У Мусо Ҳодий ибн Муҳаммад Маҳдийдир. Унга отасидан кейин байъат қилинди. У отасининг ишини давом эттириб, зиндиқларни қувди ва уларни йўқотишга ҳаракат қилди. Мусо Ҳодий валиаҳдликни акаси ар-Рашиддан ўғлига олиш мақсадида ҳаракат қилди, лекин эплай олмади.

Ҳодисалар

Ҳусайн ибн Алий ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Алийнинг кўзгалони

Бу кўзгалон Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларида бўлиб ўтди. У кишининг мақсади халифа бўлиш эди, лекин Ҳодий уни йўқ қилди. Ҳижрий 169 (милодий 785) йилда эса Маккаи мукарраманинг ёнидаги Фах деб аталмиш жойда унинг жамоатини енгди.

Ушбу жангда Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ибн Ҳасан қочиб қутулди. У Мағрибга борди ва ўша ерда идрисийлар давлатига асос солди. Шунингдек, унинг акаси Яҳё ибн Абдуллоҳ Дайлам юртларида кўзгалон кўтарди. Унинг тарафдорлари кўпайди, шавкати ошди. Халифа катта аскар юбориб, уни ҳам енгди.

Мусо Ҳодийнинг вафоти

Ҳижрий 170 (милодий 786) йилда халифа Ҳодий вафот этди. Баъзи тарихий манбаларда таъкидланишича, унинг ўлимига онаси Хузайрон сабабчи бўлган. Бу аёл одамларни ўз ўғлини ўлдиришга ундаган, чунки у онасини фойдаланиши керак бўлган турли имтиёзлардан маҳрум қилганди. Бу аёл эри Маҳдийнинг даврида кўпгина имтиёзларга эга эди.

Мусо Ҳодий бир йилу уч ой халифалик қилди.

5. ҲОРУН АР-РАШИД

(халифалик даври: ҳижрий 170–193;

милодий 786–809)

Ҳорун ар-Рашид ибн Маҳдий. У аббосийлар тожининг дури саналади. Ҳақиқатдан ҳам, Ҳорун ар-Рашид тарихдаги энг улуғ подшоҳлардан бири бўлган. Унинг даврида Ислом давлати равноқ топди. Аввал мисли кўрилмаган тўкинчилик, фаровонлик, бойлик замони бўлди. Ислом давлати ўзининг

энг юқори чўққисини забт этди, истиқлолга эришиб, улуғ-ворлик касб этди. Бу даврда Ислом давлати қувватланди, турли соҳаларда илгарилаб, илм соҳасида буюк ютуқларга эришди. Унинг салоҳияти, қудрати, кадр-қиймати ошди.

Суютий айтади: «Ар-Рашиднинг даври яхшилик даври бўлган. У давр ҳусни жамолда тўйлар ва байрамлар каби эди».

Ҳорун ар-Рашид шижоатли инсон эди. Рум юртларига ўзи лашкарбоши бўлиб борар, отасининг даврида уларни бўйсундирган эди. У ўша вақтларда йигирма ёшда эди. Шу билан бирга, у ниҳоятда такводор бўлиб, ҳар бир ишда Аллоҳдан кўрқарди. У тўққиз марта ҳаж қилган. У ҳақда «Бир йили ҳаж қилиб, бир йили ғазот қилади» деган гаплар тарқалган. У воизларнинг гапларига қулоқ солар, Аллоҳ таолодан кўрқиб йиғлар эди. У халифаларнинг энг афзалларидан, уларнинг энг фасоҳатлиларидан, олимларидан, карамлиларидан бўлган.

Унинг фазилатлари ичида энг улуғи илмга риояси эди. У Байтул Ҳикматнинг ишини ривожлантирди. Ҳирақла ва Бизанта (Византия) иқлимлари фатҳ қилинганидан кейин, у ерлардан кўплаб китоблар келтирилди.

Ҳорун ар-Рашид таржима ишларини олиб боришни Юҳанно ибн Мисавайҳга топширди. Байтул Ҳикматда таржимонлар билан бирга нусха кўчирувчилар, ҳазиначилар, муқовачилар ва бошқа хизматчилар ҳам фаолият олиб борадиган бўлишди.

Шунингдек, маданият ва маърифат соҳасида кўплаб ишларни амалга оширди. Мисли кўрилмаган мазкур ишлардан бутун оламни ёритувчи зиё таралди. Зулматга чўмган Европа ўрта асрларда айни Ҳорун ар-Рашид бошлаб берган маърифатдан таъсирланиб уйқудан уйғонди.

Ҳорун ар-Рашид ҳақида ғаразгўйлик ниятида жуда кўп миш-мишлар тарқалган, ботил гаплар айтилган, туҳматлар қилинган. Бану Аббоснинг энг улуғи бўлган бу инсон ҳақида лаҳвга, арокхўрликка берилган деган гаплар ҳам ёйилган.

Ҳодисалар

Ҳорун ар-Рашиднинг даври тинчлик ва барқарорлик даври бўлди. Тарихда қоладиган нохуш ҳодисалар деярли юз бермади. Фақат ҳижрий 176 (милодий 792) йилда Ҳасан ибн Алий зурриётидан бўлган Яҳё ибн Абдуллоҳ Дайлам юртида кўзғалон кўтариб, баъзи иқлимларни ўзига бўйсундирди. Ҳорун ар-Рашид ҳижрий 180 (милодий 796) йилда уни енгиб, кўзғалонни бостирди.

Хаворижлар

Ҳорун ар-Рашиднинг даврида хаворижларнинг ҳам шиддатли кўзғалони бўлиб ўтди. Валид ибн Торийф Шорий деган кучли бир одам бошчилигидаги бу кўзғалон ҳижрий 178 йилда Арабистон яриморолида уюштирилди. Халифаликнинг лашкарлари бориб, Валид ибн Торийф Шорийни кийинчилик билан енгиб ва йўқ қилди.

Зиндиклар

Улар Журжонга эга бўлиб олиб, у ерда фиску фасодларини давом эттиришди. Ҳорун ар-Рашид ҳижрий 181 (милодий 797) йилда уларни ҳам тинчитди.

Бармакийлар балоси

Бармакийлар асли мажусий форслар бўлиб, катта нуфузга эга эдилар. Улардан чиққан амирлар ва вазирлар бор эди. Бармакийлар Ҳорун ар-Рашиднинг даврида жуда кўп нарсаларга эга чиқиб, давлатнинг барча соҳаларини ўзларига бўйсундириб олишган эди. Аста-секин Ҳорун ар-Рашид уларни ҳам йўқ қилди. Ҳижрий 187 (милодий 803) йилда улар бутунлай тугатилди.

Улар нима учун ва қандай қилиб йўқ қилинганини ҳеч ким билмайди. Тарихчилар томонидан ҳам бу борада ноаниқ, ихтилофли гаплар айтилган бўлиб, аниқ, ишончли маълумотлар келтирилмаган.

Хуросон қўзғалони

Хуросонда Рофиъ ибн Лайс ибн Наср ибн Сайёр деган одам бошчилигида ниҳоятда шиддатли қўзғалон кўтарилди. Бу қўзғалон Хуросон волийсининг қаттиққўллиги ва мустабидлиги натижасида чикқан эди. Ҳорун ар-Рашид волийни ишдан бўшатиб, ҳибсга олди. Лекин шунда ҳам қўзғалон давом этаверди. Кейинчалик Рофиъ Маъмунга қарам бўлди.

Фатҳлар

Ҳирақланинг фатҳ қилиниши

Рум юртларидаги фатҳ ишлари тўхтамаган, гоҳида Ҳорун ар-Рашид бу ишларни ўзи бошқарар эди. Ҳижрий 187 йилда румликлар аҳдларини бузиб, ўзларига Нақфурни волий қилиб тайинладилар. У Ҳорун ар-Рашидга куйидаги мактубни ёзди:

«Румнинг подшоҳи Нақфурдан арабларнинг подшоҳи Ҳорун ар-Рашидга. Ушбу мактубимни ўқиганингда сенга олиб борилган молларни менга қайтаргин. Ўзингни ўзинг шу тариқа кутқариб олгин. Акс ҳолда, сен билан бизнинг орамизда қилич».

Ҳорун ар-Рашид мактубни ўқиб, аччиқланди, ғазаби қўзғади ва унга қуйидаги мактубни ёзди:

«Мўминларнинг амири Ҳорун ар-Рашиддан Румнинг ити Нақфурга. Эй кофиранинг ўғли, мактубингни ўқидим. Жавобни кўрасан, эшитмайсан».

Ҳорун ар-Рашид катта лашкар билан юриш қилди. Пойтахт Ҳирақлага кирди ва румликлар устидан ғалаба қозонди. Подшоҳнинг қизини асир қилди ва кўпгина нарсаларни ўлжага олиб, уларга жияни фарз қилди.

Кубрус аҳли аҳдномани бузган эди, Ҳорун ар-Рашид уларни ҳам бўйсундирди.

Ҳорун ар-Рашиднинг вафоти

Ҳорун ар-Рашид ўзидан кейин ўғиллари Амин ва Маъмунлар халифа бўлишига аҳднома қилди. Бу жуда катта бир фитнанинг эшигини очди. Шундан кейин ака-укалар орасида фитна чиқди. Минглаб мусулмонларнинг умрига завол бўлди. Ҳорун ар-Рашид ҳижрий 193 (милодий 809) йилда вафот этди. Унинг ҳукмдорлиги 23 йил давом этди.

6. МУҲАММАД АМИН

*(халифалик даври: ҳижрий 193–198;
милодий 809–814)*

Бу халифанинг тўлиқ исми: Муҳаммад Амин ибн Ҳорун ар-Рашид. Унинг онаси – Зубайда бинт Жаъфар ибн Мансур. Бану Аббос халифаларининг ичида ҳам отаси, ҳам онаси хошимийлардан бўлган ягона инсон шудир. Муҳаммад Аминнинг отаси Ҳорун ар-Рашид байъат унга бўлишига аҳд қилган, кейин укаси Маъмун бўлишига қарор қилган эди. Қосимни эса Ироққа волий этиб тайинлаганди. Маъмун машриққа – Хуросонга волий бўлди. Ҳорун ар-Рашид уларнинг иккисига Маккада байъат олган ва икковларини ихтилоф қилмаслик ҳақида қасам ичтириб, ўша ерда ҳозир бўлган барча кишиларни бунга гувоҳ қилган эди. Шунингдек, байъат ҳақида ёзилган васийқани Каъбаи муъаззаманинг ичига қўйган эди. Муҳаммад Аминнинг вазири Фазл ибн Робеъ уни иғво қилиб, укаси Маъмунни бўшатишга ундади. Ўзининг ўғли Мусога байъат олишга қизиқтирди ва Муҳаммад Амин худди шундай қилди. У гувоҳлар олдида қилинган байъат васийқасини йиртиб ташлади. Шундан кейин Маъмун унга қарши чиқди.

ҲУКМРОНЛИК УЧУН КУРАШ ВА МУҲАММАД АМИННИНГ ЕНГИЛИШИ

(ҳижрий 195; милодий 811)

Ҳижрий 195 йилда Муҳаммад Амин укасига қарши уруш қилиш учун иккита лашкар юборди. Маъмуннинг лашкарбошиси Тохир ибн Ҳусайн иккала лашкарни ҳам мағлубиятга учратди. Ҳижрий 196 (милодий 812) йилда яна бошқа юриш қилиб, унда ҳам мағлубиятга учрадилар. Сўнг Тохир Бағдод сари юриш бошлаб, у ерни ниҳоятда қаттиқ қамал қилди. Шундан кейин Муҳаммад Аминнинг одамлари уни тарк этиб, Маъмуннинг одамлари кўпая бошлади. Ҳижрий 198 йилда Маъмуннинг кўшини Бағдодга кириб борди. Икки тараф орасида шиддатли жанг бўлди. Ниҳоят Муҳаммад Амин енгилиб қочди ва шу йили қатл қилинди. Муҳаммад Амин лаҳв ишларга берилган, ов қилишга, ўйин-кулгига ниҳоятда ўч одам бўлиб, давлат ишлари унинг учун иккинчи даражада эди. Тарих китобларида унинг салбий сифатлари ҳақида жуда кўп хабарлар келган. Муҳаммад Аминнинг халифалиги 5 йил давом этди.

7. АБДУЛЛОҲ МАЪМУН

*(халифалик даври: ҳижрий 198–218;
милодий 814–833)*

Маъмун лақаби билан машҳур бўлган бу халифанинг тўлиқ исми – Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид. Ҳижрий 170 йилнинг рабиъул аввал ойида туғилган. Унинг онаси Марожил исмли асли чўри аёлдир. Маъмун ҳижрий 198 йил муҳаррам ойида халифа бўлган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳорун ар-Рашид икки ўғлига – Аминга ва кейинроқ Маъмунга байъат олган эди.

Амин Абдуллоҳ, яъни Маъмунни халифаликдан бўшатди. Шундан кейин Абдуллоҳ Маъмун қонли, шафқатсиз жанг олиб борди ва ўз вазири Фазл ибн Саҳлнинг кўрган тадбири самараси ўлароқ, Аминни енгиб, хижрий 198 (милодий 814) йилда халифаликни ўзига ўтказиб олди.

Халифа Маъмуннинг даврида Байтул Ҳикмат ўз ривожланиш палласининг энг юқори чўққисига чиқди. Маъмун унга катта аҳамият берди, ўзининг ҳад-ҳисобсиз мол-давлатини, вақтини унинг ривож учун сарфлади. Байтул Ҳикматга унинг ўзи раҳбарлик қилар, олимларни ўзи танлар, бошқа тарафлардан китоблар олиб келтирар эди.

Байтул Ҳикмат бир вақтнинг ўзида ҳам кутубхона, ҳам таржима ва таълиф маркази, ҳам илмий текширишлар маркази, ҳам расадхона сифатида хизмат қилар эди. У ерда устозлар ва талабалар ётоқхонаси, университет биноси ва майдони, ошхона ва бошқа зарур бинолар мавжуд эди.

Хижрий 656 (милодий 1258) йилда ушбу ажойиб академия мўғуллар томонидан кун-фаякун қилинди.

Ушбу ўринда Буюк Британияда Жон Фозергил режиссёрлигида «Эс де Медиа» компанияси томонидан ишланган «Шарқ ва Ғарб» деб номланган етти бўлимдан иборат фильмнинг тўртинчи қисмидан олинган Байтул Ҳикмат ҳақидаги иқтибосни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

Доктор Рим Туркманий

(Лондон империял коллежи):

«Бу ерда мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, собийлар ва бошқа олимлар ёнма-ён ишлашган. Турли мактаб вакиллари ҳамкорлик қилган бу эркин ижодий муҳит уларга янги-янги кашфиётлар қилиш учун барча шароитларни муҳайё этган».

Аббосийлар сулоласининг интеллектуал маданият яратиш истаги нафақат Ислом салтанати, балки дунёнинг бар-

ча бурчакларидаги олимларни ўзига жалб қиларди. Пойтахтнинг марказида халифа асос солган «Байтул Ҳикмат» («Ҳикмат уйи») номли улкан кутубхона жойлашган эди. Бинонинг ўзи аллақачонлар вайрон қилинган, бироқ ушбу кутубхона ҳақидаги маълумотлар бу ердан 5000 километр ғарбда сақланиб қолган. Оксфорддаги Бодли кутубхонасининг архивларида сақланиб келаётган қўлёзмаларда қадимий юнон ҳикматларини бағдодлик олимлар қандай қилиб сақлаб қолганлари баён қилинган.

Профессор Петер Адамсон

(Лондон қироллик коллежи):

«Қўлимдаги китоб – Евклиднинг «Ибтидолар» номли асари нусхаси. Бу математика тарихида энг улкан инқилоб ясаган асарлардан биридир. Евклид уни Қадимий Юнонистонда, Арасту ва Афлотун даврида ёзган. Унинг саҳифаларида чизмалар жуда кўп, чунки бу геометрияга оид китоб. Қадимий юнон олимлари учун ҳам, замонавий олимлар учун ҳам «Ибтидолар» китоби илмий ижод намунаси бўлиб, ундаги билимлар бирламчи асосларга суянган ҳолда ҳосил қилинган. Бироқ энг қизиғи шундаки, Евклид қаламига мансуб мазкур китоб нусхаси юнон тилида эмас, араб тилидадир. Бу қўлёзма ўрта асрларга оиддир. Унинг таржима нусхаси IX асрда Бағдодда кенг кўламли илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган. Аббосий халифаларнинг амрига мувофиқ, қадимги юнон олим ва файласуфларининг асарлари араб тилига таржима қилинган».

Аббосий ҳукмдорларнинг ҳомийлиги остида Бағдодда қадимий юнон фалсафасига оид муҳим асарлар қидириб топилиб, режали равишда араб тилига таржима қилинган. Бу инсоният тарихида мисли кўрилмаган иш бўлиб, бир авлоднинг бошқа эътиқоддаги авлод тўплаган илму ҳикматни кейинги авлодлар учун сақлаб қолишга уриниши эди.

*Профессор Петер Адамсон
(Лондон қироллик коллежи):*

«Таржимачилик ҳаракати кенг кўламли лойиҳа бўлиб, қўлимиздаги ушбу асарнинг нусхаси мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилган муҳим ишлардан биридир. Ушбу ҳаракат қадимий юнон илмий ҳамжамиятига оид вакилларнинг деярли барчаси – математиклар, астрономлар, муסיқачилар ва албатта файласуфларнинг асарларини тўлиқ камраб олган эди. Эрамизнинг IX асрида Европада Арасту, Галилей, Гален ёки Евклиднинг асарларини ўқиш имкони йўқ эди. У пайтда илм ва фалсафа араб дунёсида, хусусан, Бағдодда тараққий топди».

Тасаввур қилинг, бутун Бағдод ва бугунги Яқин Шарқ худуди бўйлаб йирик олимлардан иборат кўп сонли гуруҳлар ташкил қилинган. Олимлар бу гуруҳларда куннинг энг долзарб мавзуларини муҳокама қилганлар, йирик илмий масалалар бўйича баҳс олиб борганлар. Масалан, Арастунинг «Метафизика»си ёки Галеннинг тиббиётга оид қарашлари устида илмий мунозаралар олиб борилган.

Бағдодлик таржимонлар бутун жаҳон илми учун янги тилни барпо қилганлар. Арастунинг фалсафаси, Галеннинг тиббиётга оид инқилобий асарлари, Птолемейнинг астрономияси, Евклиднинг «Ибтидолар»и, Пифагор геометрияси... Энди бу асарларни дунё аҳли юнон тилида эмас, балки араб тилида ўқир эдилар.

Албатта, Бағдод фақат қадимги юнон ҳикматлари билангина чекланиб қолмади. Мусулмонлар Ҳиндистонда замонавий сонлар тизимини ҳамда юлдузлар ҳаракатига оид янги илмларни ўзлаштирдилар» (*Иқтибос тугади*).

Ҳодисалар

Бағдод кўзгалони

Маъмун ўзига Ҳусайн ибн Алийнинг набираларидан ҳисобланган Алий ибн Мусо Ризони валиаҳд қилиб, байъ-

ат олди. У бу ишни рофизий мазҳабига мансуб вазири Фазл ибн Саҳлнинг гапи билан қилган эди. Бундан қаттиқ ғазабланган аббосийлар ҳижрий 201 (милодий 817) йилда уни халифаликдан бўшатиб, унинг амакиси Иброҳим ибн Маҳдийга байъат қилишди. Шундан сўнг Маъмун Марвдан келди. У халифа бўлганидан буён ўша ерда қарор топган эди. Амакиси Иброҳим ибн Маҳдий қочиб кетди, Алий Ризо эса вафот этди. Шундан сўнг ишлар қарор топиб, тинчиди. Бу воқеалар ҳижрий 202 йилда бўлиб ўтди.

Хуррабийя

Зиндиклар мазҳабидан бири «хуррабийя» деб аталиб, у Маздакнинг фикрларини қўллаб-қувватловчилар, уларнинг давомчилари мазҳабидир. Бу мазҳаб Хуррам деб аталмиш Форс шаҳрига нисбат берилади. Хуррабийлар барча ҳаром нарсаларни мубоҳ деб билдилар. Уларнинг энг машхур бошлиқларидан бири Бобак Хуррабий руҳларнинг бир-бирига кўчиб юриши ақийдасини тарғиб қилар, икки илоҳ – нур ва зулмат илоҳи борлигини айтар эди. У ҳижрий 201 йилда қўзғалон кўтарди. Улар Ҳамадон ва Исфохон шаҳарларини эгаллаб олишди. Маъмун ўзининг халифалик даврида унга қарши тинимсиз кураш олиб борди, лекин ишни охирига етказмай туриб вафот этди.

«Қуръони Карим – махлук» деган фитнанинг тарқалиши

Маъмуннинг халифалик даврида, ҳижрий 218 (милодий 833) йилда «Қуръони Карим – махлук, у Аллоҳ томонидан нозил қилинмаган» деган гап тарқалди. Бу муътазилий мазҳабининг фикри бўлиб, бу эътиқодга Маъмун ҳам иймон келтирди. Ушбу муносабат билан жуда кўп уламолар азоб-укубатга дучор этилди. Уларнинг ичида имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ ҳам бор эди.

Имом Аҳмаднинг даври сиёсий ва ақийдавий ихтилофлар кучайган бир давр бўлди. Айниқса, ўша пайтда муътазиллий мазҳаби тарафдорлари ҳукуматга яқин бўлиб олиб, кўп бузғунчиликлар қилишди. Уларнинг ўша даврдаги бошлиқларидан бири Ибн Абу Довуд халифа Маъмунни одамларга «Қуръон – махлук» деб мажбурлаб айттиришга уринди. Унинг маслаҳати билан халифа Маъмун волийларга Аҳли сунна вал жамоа уламоларини ҳақоратлаб хат ёзди. Уларни ҳукумат қароргоҳларига олиб келиб, «Қуръон – махлук» деган гапни айттиришга, буни бажармаганларни эса жазолашга амр қилди.

Мусулмонлар улкан фитнага йўлиқдилар. Ислом ақийдасининг бузилиш хавфи туғилди. Бағдодда имом Аҳмад ибн Ҳанбал бошчилигида уламолар бунга қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Улар илмий мунозараларда муътазиллийларни шарманда қилишар эди. Буни сезган халифа Маъмун Бағдоднинг етти атоқли олимини ўз ҳузурига юборишни буюрди. Уларни мажбур қилиб, эътирофларини олди ва ҳаммага эълон қилди. Шу билан имом Аҳмаднинг қанотини кесмоқчи ва шавкатини синдирмоқчи бўлди. Лекин имом Аҳмад бу фитнага қарши салобатли тоғдек маҳкам турди. У киши фитначиларни халқ орасида ҳужжат ва далиллар билан шарманда қилиб, довдиратиб қўйди.

Шунда Маъмун ўзи турган Турмус шаҳрига имом Аҳмад ибн Ҳанбални ва у кишининг шериклари Муҳаммад ибн Нухни юборишни амр қилди. Олимларнинг қўлларини кишанлаб, беҳурмат қилиб олиб кетишди. Аммо улар йўлдалик пайтида халифа Маъмун вафот этди.

Олимларни кишанланган ҳолларида Бағдодга қайтиришди. Йўлда эса Ибн Нух вафот этди. Имом Аҳмад у кишини ўзи ювиб, жаноза ўқиб кўмди. Янги халифа тайин бўлгунича имом Аҳмадни қамаб қўйишди. Афсуски, янги халифа ҳам эскисининг йўлини тутди.

Акаси Маъмуннинг васиятига амал қилган халифа Муътасим ҳам фитна йўлини давом эттирди. Имом Аҳмадни икки йилдан ортиқ, аниқроғи, йигирма саккиз ой қамокда ушлаб қийнашди, аммо у кишининг иродасини бука олишмади. Улар имом Аҳмаднинг эътирофи кўпчиликнинг ҳузурида бўлишини хоҳлашар эди. Шунинг учун одамларни тўплаб, халифа Муътасим ўзи чиқар ва имом Аҳмадни сўроққа тутар эди.

Гап билан енга олмасликларига кўзлари етгандан сўнг калтаклашга ўтишди. Ҳар сафар гап-сўз фойда бермагандан сўнг Имомни ҳушидан кетиб қолгунича дарра билан уришар, кейин эса кўтариб қамокқа олиб кетишар, бу ҳол эртасига яна қайтадан бошланар эди.

Бир куни калтак зарбидан ҳушидан кетаёзган Имомнинг кулоғига фитнабоши Ибн Абу Довуд:

«Эй Аҳмад, кулоғимга «Қуръон – махлуқ» деб қўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб оламан», деди.

Шунда имом Аҳмад бошини зўрға кўтариб:

«Эй Ибн Абу Довуд, кулоғимга «Қуръон – Аллоҳнинг каломи, махлуқ эмас» деб қўйгин, сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб оламан», деди.

Мазкур воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабоши Ибн Абу Довуд ва унинг шериги Башрул Мурайсийнинг боши олинishi ва имом Аҳмаднинг ғалабаси билан тугади. Бу буюк имом мусулмонларнинг катта фитнадан қутулиб қолишларига сабабчи бўлди.

Ушбу бузук эътиқод давом этиб келиб, халифа Мутаваккилнинг даврида Аҳли сунна эътиқоди ғолиб бўлди.

Фатҳлар

Аббосийларнинг даврида фатҳлар жуда ҳам камайиб кетгани, Бану Умайя давлатининг охириги пайтларига келиб тўхтаб қолгани ҳам маълум. Маъмуннинг даврида оз бўлса ҳам фатҳлар бўлди, ҳижрий 202 (милодий 818) йилда

Дайламга тегишли Лоз ва Шизир каби юртлар фатҳ этилди. Шунингдек, Нуба ва Бужод юртлари ҳам фатҳ қилинди. Маъмун аскарликка туркларни ола бошлади.

Валиаҳд тайин қилиниши

Маъмуннинг энг катта ишларидан бири шу бўлдики, у аббосий халифалар ичида биринчи бўлиб тарих ҳодисаларидан тўғри хулоса чиқарди ва халифаликка ўғилларга мерос бўладиган хос мулк деб қарамади. Маъмун халифаликни олий мақом деб билди. У кишиларнинг бахт-саодати, фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши кераклигини тушунган ҳолда фаолият олиб борди. Шунинг учун ўғли Аббос кўзга кўринган кўмондонларидан бўлишига қарамай, уни кўйиб, укаси Муътасимни валиаҳдликка тайин қилди. Маъмун ўз ўғлининг шижоатли, шу ишга лойиқ инсон эканлигини яхши билса ҳам, уни валиаҳд қилмади.

Маъмуннинг вафоти

Халифа Маъмун ҳижрий 218 йилда вафот этди. Унинг халифалиги 20 йил давом этди.

8. АБУ ИСҲОҚ МУЪТАСИМ

*(халифалик даври: ҳижрий 218–227;
милодий 833–842)*

Абу Исҳоқ Муътасим Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид акаси Маъмундан кейин, унинг аҳдига биноан ҳижрий 218 йилда халифаликни эгаллади. У жангу жадалга ва бошқа ишларга турк аскарларини жалб қила бошлади. Турклар томонидан Бағдод аҳолисига турли озорлар етди. Шундан сўнг халифа қарши чора сифатида улар учун Самурро шахрини қурдирди. Бундан кўринадики, форс ва арабларга

ишонч қолмаганидан кейин Муътасим туркларга эътибор бериб, аскарликка улардан олишга қарор қилган.

Форслар ҳокимиятни ёлғиз ўзлари олишни қасд қилганлари тажрибадан равшан бўлгач, аббосий халифалар уларга қарши жуда қаттиқ чоралар кўрдилар. Абу Салама Халлолдан бошлаб, Абу Муслим Хуросоний, бармакийлар, Фазл ибн Саҳл ва бошқалар муносиб жазоларини олишди. Арабларнинг ҳукмронлиги Аминнинг давлатига қўшилиб, форсларнинг қиличлари остида заволга учради. Ушбу сабабларга кўра Муътасим бошқа диёрлардан аскар излади ва улар турклар бўлди.

У ўзининг бу иши билан Ислом давлатига қатта зарар етказётганини англамаётган эди. У давлатнинг барча ишларини ана шу туғёнга кетган туркларнинг қўлига топшириб қўйди.

Муътасим «Қуръони Карим махлуқдир» деган ақийда ни давом эттирди. Одамларни, хусусан имом Аҳмад ибн Ҳанбални азоблашда давом этди. У Маъмуннинг сиёсий соҳадаги жуда кўп ишларининг давомчиси бўлди.

Ҳодисалар

Бобак Хуррабий ҳаракати

Муътасим Бобак Хуррабийга қарши бир неча марта уруш қилди, охири ҳижрий 223 (милодий 838) йилда уни йўқ қилди. Бобак устидан қозонилган ғалаба мусулмонлар гувоҳ бўлган ғалабаларнинг энг яхшиларидан бўлди. Бобак Хуррабий ўлдирилган куни хуррабийя мазҳаби тугади. Бу 20 йил давом этган курашларнинг натижаси эди.

Фатҳлар

Амурийя фатҳи

Рум подшоҳи ва хуррабийлар биргаликда Зибтара ва Малотия деган жойларга киришди. У ерларда мусулмонларга қарши хоҳлаган ишларини қилдилар. Айтишларича,

Зибтара деган жойда бир муслима аёлга қарши тажовуз қилинганида «Вой, Муътасимим!» деб дод солган, шунда Муътасим ҳалиги аёлнинг нидосига жавобан ўзи Рум шаҳарлари томон юриш қилган. У Амурийя деган жойдан шаҳарга кириб бориб, катта жангдан сўнг уни фатҳ қилди. Бу ишлар ҳижрий 223 йилда содир бўлди.

Шоир Абу Тамим ушбу воқеани ўзининг машҳур қасидасида баён қилган.

Муътасимнинг вафоти

Муътасим ҳижрий 227 (милодий 842) йилда вафот этди. Унинг халифалик даври тўққиз йил давом этди.

9. ҲОРУН ВОСИҚ

*(халифалик даври: ҳижрий 227–232;
милодий 842–847)*

Ҳорун ибн Муҳаммад Муътасим халифаликни ҳижрий 227 йилда отаси Муътасимдан кейин эгаллади. Унинг даврида аҳамиятга молик ҳодисалар деярли бўлмади.

Турклар

Восиқнинг даврида туркларнинг лашкарбошилари жуда юқори мартабаларга эришдилар. Восиқ уларга жуда кўп нарсаларни берди. Асли турк бўлган лашкарбоши Ашносга «Султон» лақабини берди. Унга жуда кўп имтиёзлар тақдим этди.

Ҳорун Восиқнинг вафоти

Ҳорун Восиқ ҳижрий 232 (милодий 847) йилда вафот этди. Унинг халифалиги 5 йил давом этди.

10. ЖАЪФАР МУТАВАККИЛ

(ҳижрий 232–247; милодий 847–861)

Жаъфар ибн Муҳаммад Муътасим халифаликни акасидан кейин эгаллади. Уни ҳокимиятнинг барча жиловларини ўз кўлига олган турк лашкарбошилари халифа қилиб сайладилар. Мутаваккил турклардан халос бўлиш учун кўп ҳаракат қилди, лекин уддасидан чиқмади. Унинг ҳаёти уларнинг қўлида ниҳоясига етди. Жаъфар Мутаваккил даврида «Қуръони Карим – махлук» деган гапга барҳам берилди. У имом Аҳмад ибн Ҳанбални икром қилиб, хурматини жойига қўйди.

Ҳодисалар

Ҳижрий 238 (милодий 853) йилда, Мутаваккилнинг даврида Мисрнинг Димёт деган жойига румликлар ғорат қилиб келиб, у ерни вайрон этишди. Одамларини қатл қилгач, ўз юртларига қайтиб кетишди. Бирор киши уларга қарши чиқа олмади. Уларнинг мусулмон юртларига қарши тажовузкорликлари давом этди. Уларга бир неча марта ҳамлалар қилинди, лекин бирор марта ҳам жиддий натижага эришилмади.

Жаъфар Мутаваккилга қарши унинг ўғли Мунтасир фитна уюштирди. У баъзи бир турк кўмондонлари билан тил бириктириб, уни қатл қилдирди. Туркларнинг иши жуда ҳам кучайган, шаънлари юқорилашган эди. Ҳижрий 247 йилда халифа қатл қилинди. Мутаваккил 15 йил халифалик қилди. Жаъфар Мутаваккилнинг қатл қилиниши билан аббосийларнинг биринчи даври – қувватли халифалар даври поёнига етди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ҲИЖРИЙ II АСРДА АЖРАБ ЧИҚҚАН ДАВЛАТЛАР

Ислом олами рошид халифалар даврида ягона давлат сифатида давом этди. Умавийларнинг даврида ҳам шундай бўлди. Умавийлар кулаши билан Ислом оламида парчала-ниш бошланди. Аббосийлар давлатининг баъзи бир бўлак-лари – амирликлар ажраб чиқиб, ўзлари алоҳида давлат сифатида мустақил бўла бошладилар. Ҳижрий 138 (милодий 756) йилда Андалусда пайдо бўлган умавийлар давлати уларнинг энг биринчиси бўлди. Сўнг ҳижрий 140 (милодий 758) йилда Мағрибда хорижийлар давлатига асос солинди. Аббосийлар аввалига уларни йўқ қилишга уриниб кўриш-ди, сўнгра нима бўлса бўлсин, деган маънода тек кўйишди.

Ўша даврда ажраб чиққан амирликларнинг барчаси кўп-роқ Ислом оламининг мағриб тарафида бўлганини кўриш мумкин.

Ажраб чиққан давлатлар

1. Умавийлар давлати. Андалусда. Ҳижрий 138–422 (милодий 756–1031) йиллар орасида.

2. Бану Мидрор давлати. Мағрибдаги Сижилмоса деган жойда. Ҳижрий 140–297 (милодий 758–909) йиллар.

3. Рустамийлар давлати. Жазоирда, Ўрта Мағрибда. Ҳижрий 160–296 (милодий 777–908) йилларда ҳукм юритишди.

4. Идрисийлар давлати. Мағрибда, Марокашда. Ҳижрий 172–375 (милодий 789–985) йиллар.

5. Ағлабийлар давлати. Қайрувон – Тунисда. Ҳижрий 174–296 (милодий 801–908) йиллар.

1. Андалусдаги умавийлар давлати

Андалусда ташкил этилган умавийлар давлатининг хукмронлиги ҳижрий 138 йилдан 422 йилгача давом этди (милодий 756–1031 йиллар).

Бу давлат Ислоом оламидан ажралиб чиққан биринчи мустақил давлат эди. Ушбу давлатнинг асосчиси – Абдуррахмон ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик Умавий. У умавийлар давлати инқирозга учраганидан кейин аббосийлар давлатидан қочиб чиқиб, Андалусга борди ва ўзини Абдуррахмон Дохил деб атади. Ўша вақтда Андалусда ишни Юсуф Фихрий Музарий олиб борар, музарийлар билан ямонийлар ўртасида кучли низо бор эди. Абдуррахмон Дохил у ерга боргач, ямонийлар ва умавийлар унинг байроғи остида бирлашдилар ва Куртубага, Юсуф томон юриш қилиб, у ерда жанг қилдилар. Уруш бир йил давом этди, охири Абдуррахмон ғалаба қозонди ва ҳижрий 138 йилда ҳокимиятни эгаллаб олди.

Абдуррахмон ғалаба қозонган мазкур уруш Мусора номи билан машҳур бўлган. Абдуррахмоннинг иши қамрови кенгайиб, барча соҳаларни ўзига бўйсундирди. Ҳаттоки у аббосийлардан Шом юртларидаги ҳокимиятни тортиб олиш ҳақида ҳам ўйлай бошлади. Шунда Абу Жаъфар Мансур Абдуррахмонни йўқ қилиш мақсадида бир неча марта унга қарши лашкар юборди. Ҳеч бир натижа бўлмагач, унга қарши уруш қилишдан тўхтади. Абу Жаъфар Мансур Абдуррахмонга тан бериб, уни «Қурайш лочини» дея атади.

Маҳдий халифа бўлганида Абдуррахмон Дохилга қарши уруш қилди, лекин у ҳам енгилди. Ғалабадан умидини узган Маҳдий ҳам уни ўз ҳолига қўйишга мажбур бўлди.

Абдуррахмон Дохил ҳижрий 172, милодий 788 йилда вафот этди. Бу пайтда давлатнинг пойтахти Куртуба шаҳри эди.

Ушбу давлатнинг энг машҳур ҳокимларидан Абдуррахмон III, яъни Абдуррахмон Носир ҳижрий 300–350 (мило-

дий 912–961) йилларда ўз хукмини юритган. У ҳокимиятни эгаллаган пайтда юртда чуқур изтироб ва беқарорлик ҳукм суларди. У барча кўзғалончиларни ўзига бўйсундирди, сўнгра насронийларнинг юртларига қарши фатҳ ишларини олиб борди. Уларнинг устидан бир қанча улуғ ғалабалар қозонди. Шахсан ўзи аскарларга раҳбарлик қилиб, бир неча урушларга олиб борди.

Бир марта хижрий 308 (милодий 920) йилда уюштирилган Хандак урушида насронийлардан енгилди. Лекин кейинроқ уларни енгиб, ўз қувватини тиклаб олди. Унинг асрида Андалус ўз ҳаётининг олтин даврини яшади. Айнан шу даврда Андалус ўзининг қудратини, гўзаллигини намоён қилди, сиёсий тамаддун ва меъморчилик соҳасида буюк ютуқларни қўлга киритди ва барчанинг эҳтиромига, тақдирига сазовор бўлди.

Андалус диёрини шон-шуҳратга тўлдирган ажойиб ва ёрқин маданият, у билан тил ва дин ягоналиги, иқтисодий ва инсоний алоқалар ёрдамида яқиндан боғланган араб ва испан маданиятининг бир қисми сифатида шаклланган эди.

Визигот қиролларининг ҳукмронлик йилларида Испания у даражада ривожланмаган, унинг маданияти яримёввойи аҳволда эди. Мусулмонлар томонидан фатҳ этилганидан сўнг Испания маданияти гуллаб-яшнади. Юз йилдан камроқ вақт мобайнида шу пайтгача ишлов берилмаган ерлар ҳайдалди, хувиллаб ётган шаҳарлар одамлар билан гавжум бўлди, ажойиб обидалар қурилди, бошқа халқлар билан савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилди. Мусулмонлар фан ва меъморчилик санъатини жадал суръатлар билан ривожлантирдилар. Улар узоқ вақт давомида бутун Европа бўйича илмнинг ягона манбаи бўлиб келган олийгоҳларга асос солдилар. Юнон ва лотин тилидаги кўплаб асарлар таржима қилинди. Уч аср давомида Қуртуба, шубҳасиз, «кўхна дунё»нинг энг ёрқин шаҳарларидан бири бўлиб келди.

Ижозатингиз билан ўша вақтларда мусулмон оламининг Европага туташиб турган бўлаги – Андалуснинг илмий соҳасидаги ҳолат ҳақида ҳам икки оғиз сўз юритсак:

«Учиш мосламасини яратиш ғояси ака-ука Райтлардан минг йил олдин андалусиялик фалакиётчи ва ихтирочи Аббос ибн Фирнас ат-Такуруннийда пайдо бўлган. 852 йилда у эркин ҳилпирайдиган, ёғоч чўплар тикилган енгсиз кенг кийимда масжид тоmidан сакрайди. Ибн Фирнас қушга ўхшаб эркин парвоз қилишни ният қилган эди. Тўғри, бу орзуси ушалмади, лекин юқоридан тушишини секинлаштирган унинг эгнидаги кенг кийимни биринчи парашют дейиш мумкин эди. Олимнинг ўзи эса бир оз қўрқув ва енгил лат ейиш билан қутулди. Бу ихтиро парашютнинг илк кўриниши бўлди.

875 йилда 70 ёшни қаршилаган ихтирочи ўзининг учиш мосламасини такомиллаштирди. Унда учиш жараёнини бошқаришнинг илк кўринишлари акс этган эди. Бу қанотлари ипак матодан бўлган, қушга ўхшаш мослама бўлиб, унинг ёрдамида ҳавода парвоз этиш мумкин эди. Шу тарика Аббос биринчи дельтапланни ихтиро қилди. У ўз ихтиросини қўлига олиб, Жабал ал-Арус номли тепалиқдан сакрайди. Ҳаво оқимлари олимни кўтариб, олдинга олиб кетади. Кўп минг сонли одамларнинг кўз ўнгида у ҳавода ўн дақиқача парвоз этади ва сезиларли баландликка кўтарилади. Лекин ерга қўниш омадсиз бўлиб, мослама ўз ихтирочиси билан бирга пастга қулайди. Аббос жиддий жароҳатланади. Кейинчалик у мосламага дум қисмини ўрнатиш орқали қўнишни осонлаштириш мумкинлигини таъкидлаган. Худди шу олимнинг ўзи планетарий ва артмилляр куббани куради ҳамда вақтни ўлчаш учун ўзига хос асбоб яратади. Ойдаги кратерлардан бири унинг исми билан номланган.

Андалусиялик машҳур олим Абдуллоҳ ибн Байтар (милодий 1190–1248) ўрта асрларда йирик ўсимликшунос ва фармацевт сифатида шуҳрат қозонган бўлиб, 1400 га яқин

доривор ўсимликлар ва ўтларни тавсифлаган, улардан 300 га яқини илгари табобатда маълум бўлмаган. Унинг амалга оширган ишлари XVI асргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар орасида доривор ўсимликлар ҳақидаги илмий асар алоҳида ўрин тутади.

Машҳур табиб Халаф Заҳровий (милодий 963–1013) жарроҳликни мустақил фанга айлантирди ва икки юзга яқин жарроҳлик асбобларини тавсифлаб берди. У ўрта асрлардаги энг буюк мусулмон жарроҳ ва замонавий жарроҳликнинг устозларидан бири ҳисобланади. Унинг кўпгина мавзуларни қамраб олган тиббий матнларидан ҳам мусулмон, ҳам Европа мамлакатларида олиб борилган жарроҳлик амалиётларида то Уйғониш давригача фойдаланилган. Халаф Заҳровийнинг жарроҳлик ва асбоблар ҳақидаги «Ат-Тасриф» номли илмий асари унинг тиббиёт соҳаси илмига, шунингдек, ушбу соҳа тарихига қўшган энг катта ҳиссасидир. Мазкур китоб жарроҳлик соҳасининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этган ва кўпгина тилларга таржима қилинган. Заҳровий кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли тарзда амалга оширган. У қалқонсимон безнинг бир қисмини олиб ташлаш жараёнини ҳали бу каби амалиётлар Европада амалга ошириш бошланмасидан тўққиз аср олдин тавсифлаб берган. Заҳровий оғиз бўшлиғида турли жарроҳлик амалиётларини амалга оширган, махсус асбоблар ёрдамида тишдаги тошларни олиб ташлаган, синганларини даволаган ва пастки жағ чиқишини муолажа қилган. Унинг илмий асарида тиш суғуриш асбоби – омбурларнинг ҳар хил турлари тавсиф қилинган. Тиш катагининг қонашида уни тўйинган купорос билан тўлдиришни ёки ўша ерга қиздирилган асбоб босишни тавсия қилган. Куртубадаги Заҳровий яшаган кўча унинг номи билан – «Calle Albucasis» («Абул Қосим кўчаси») деб аталади. У мазкур кўчадаги 6-уйда яшаган бўлиб, ушбу уй ҳозирда туризм бў-

йича Испания Кенгаши томонидан бронзадан ясалган хотира тахтачаси (1977 йилнинг январь ойида тақдирланган) билан сақлаб қўйилган, бу тахтачада қуйидаги сўзлар битилган: «Бу Абул Қосим яшаган уй».

Андалусиялик олим Жобир ибн Афлаҳ (XII аср) ўзининг фалакиёт ва риёзиёт соҳасидаги ихтиролари билан шуҳрат қозонди. У Клавдий Птолемей ўзининг машҳур «Алмагест» номли фалакиёт соҳасидаги илмий асарида йўл қўйган хатоларни тузатган. Унинг кузатуви остида Севильяда Европадаги биринчи расадхона қурилган. Жобир ибн Афлаҳнинг шарафига ойдаги Гебер кратери унинг номи билан аталган.

Яна бир андалусиялик фалакиётчи олим Нуриддин ал-Битружий (1204 йилда вафот этган) битган асарларнинг таржималари ҳам Европада катта қизиқиш уйғотган. Птолемейнинг сайёралар ҳаракати борасидаги назариясини танқид қилган ҳолда, у самовий жисмлар ҳаракатининг янги назариясини илгари суради. Ойдаги Альпетрагий кратери унинг исми билан аталган.

Маълумки, Иброҳим ал-Фазарий (милодий 777 йилда вафот этган) томонидан устурлобни – юлдузлар жойлашувини аниқлаш учун ишлатиладиган бурчакни ўлчайдиган асбобнинг ихтироси мусулмон олимларнинг астрономия соҳасига қўшган буюк хизматларидан бири бўлди. Ушбу асбоб андалусиялик олим Иброҳим аз-Зарқалий (милодий 1028–1087) томонидан такомиллаштирилди. «Ясси устурлоб» деб аталган ушбу янгиланган асбоб бир неча аср давомида сайёҳлар ва фалакиётчиларнинг талабларини қондириб келди. Аз-Зарқалийнинг шарафига ой сатҳидаги тоғ текислиги унинг номи билан – Арзахель деб номланган.

Атоқли андалусиялик файласуф Ибн Рушд (1126–1198) Арастунинг (Аристотель) ўрта асрлардаги биринчи шарҳловчиси ҳисобланади. Унинг асарлари таъсирида Францияда «лотин аверроизми» (Ибн Рушд исмининг лотинча талаф-

фузи – Аверроэс) номи билан танилган оқим пайдо бўлди. Бошқа тарафдан, унинг асарлари Улуғ Альберт (милодий 1206–1280) ва аквиналик Фома (1226–1274) каби файласуфлар қарашларининг шаклланишига катта ҳисса қўшди.

Қуртубалик мусулмон олим Идрисий (1100–1166) 850 йил олдин замонавий жуғрофий хариталарга яқин бўлган дунё харитасини тузишга муваффақ бўлди.

Мусулмонларнинг риёзиёт соҳасидаги ютуқларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ушбу ютуқларга хатто замонавий Европа олимлари ҳам қойил қолмоқдалар. Мисол учун, таниқли ғарб олими, профессор Жак Рислер шундай деган: «Уйғониш давридаги бизнинг риёзиёт устозларимиз мусулмонлар бўлишган».

Таъкидлаш лозимки, 950 йилда Андалусда Европадаги биринчи қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси қурилган. «Кўҳна дунё»нинг бошқа мамлакатларида эса бундай фабрикалар анча кейин пайдо бўлган: Румда – 1100 йилда, Сиқиллияда – 1102 йилда, Олмонияда – 1228 йилда, Англияда эса 1309 йилда.

Қуртубада аҳоли орасида деярли тўлиқ саводхонликка эришилган. Унинг аҳолиси, олимлари ва савдогарлари, жангчилари ва меҳнаткашлари – барча-барчаси илм олишга, илмий мубоҳасалар олиб боришга, китобларни ўқиш ва муҳокама қилишга ниҳоятда истакли эдилар. Ҳатто Қуртубадаги аёллар орасида ҳам китоб йиғишга иштиёқ кучли эди.

Мусулмонлар фаолияти илм-фан, саноат ва санъатнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Улар томонидан амалга оширилган жамоатчилик ишлари римликлар фаолиятидан ҳам каттароқ эди. Барча ерларда кўприклар, йўллар қурилар, сайёҳлар учун меҳмонхоналар қад кўтарар, уларнинг адади тобора ошиб борар эди. Архиепископ Хименес кейинчалик Гренадада араб қўлёмаларини ёқар экан (улардан саксон минг атрофида тўплаган эди), ўз динининг душманлари ҳақидаги

хотираларни тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб ташла-моқчи бўлди. Аммо аён бўлдики, уларнинг номлари нафақат ёзма мерослари, балки мусулмонлар Ер юзида қолдирган сон-саноксиз меҳнат маҳсуллари туфайли сақланиб қолди.

Денгиз флоти ниҳоятда ривожланган бўлиб, унинг восита-сида Европа, Осиё ва Африканинг барча денгиз бўйи шаҳар-лари билан савдо-сотик ишлари олиб борилган. Узоқ вақт да-вомида мусулмонлар Ўрта ер денгизининг ягона хўжайинла-ри бўлишган (*Гюстав Лебон. «Араблар тамаддуни», 1884*).

Бир неча юз йил ичида Испанияни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ўзгартирган мусулмонлар уни Европадаги барча халқлар устидан энг юқори даражага чиқариб қўйиш-ди. Ҳатто одоб-ахлоқ ҳам улкан ўзгаришларга учради. Му-сулмонлар насронийларни энг қимматли инсоний сифат – бағрикенгликка ўргатдилар (барча ҳеч бўлмаганда шундай бўлишга ҳаракат қиларди). Уларнинг фатҳ этилган мамлакат аҳолисига нисбатан марҳамати шу даражада эдики, ҳатто нас-роний руҳонийларга черков йиғилишларини ўтказишларига ижозат берилган эди. 782 йилда Севильядаги йиғилиш ёки 852 йилда Қуртубадаги йиғилиш шу жумладандир. Араблар ҳукмронлиги даврида қурилган кўплаб черковлар ҳам улар-нинг ўз қўллари остидаги халқлар эътиқодига нисбатан ҳур-матини исботлайди. Мусулмонлар Испанияси Европадаги яҳудийлар паноҳ топган ягона мамлакат эди. Шунинг учун кўплаб европаликлар бу ерларга кўчиб келишган.

Гюстав Лебоннинг ёзишича, Испания арабларини бағ-рикенгликдан ташқари, олийжаноблик хислатлари ҳам ажратиб турарди. Рицарлик қонунлари: заифларга шафқат қилиш, мағлубга нисбатан марҳаматли бўлиш, берилган сўзга содиқ қолиш ва бошқаларни насроний мамлакатлар кейинроқ қабул қилдилар; одамлар қалбига диндан кўра мазкур қонунлар кўпроқ таъсир кўрсатди, булар эса Ев-ропада араблар сабабли тарқалган эди.

Омирийларнинг ҳокимиятни эгаллаши

Андалусда ҳижрий 366–399 (милодий 976–1008) йилларда Ҳожиб Мансур Омирий мулкни, ҳукуматни ўзиники қилиб олди. У ўн ёшли халифа Ҳишомнинг васийси бўлгани ва Бану умайяларнинг заифлашганидан унумли фойдаланди. Мансур Омирий ўтқир зеҳнли, шижоатли ва тадбиркор одам бўлиб, кўзгалон ва фитналарни усталик билан бостирар эди. У насронийларга қарши фатҳ ишларини давом эттирди. Кўпинча урушларга ўзи раҳбарлик қилар эди. Элликта жанг олиб борилган бўлса, уларнинг бирортасида мағлубиятга учрамади. Шимоли-ғарбдан Испаниянинг энг узок ҳудудларигача етиб борди. Европа подшоҳларининг барчаси унинг ҳайбатидан титрар эди.

Мансур Омирийдан кейин ҳокимиятни ўғли Абдулмалик олди. У ҳам шижоатда, заковатда худди отасига ўхшарди. Абдулмаликдан кейин ҳокимлик унинг укаси Абдурахмонга ўтди. Абдурахмон отаси ва акасидан кўра анчагина заиф эди. У ҳижрий 399 йилда қатл қилинди. Ушбу ҳодиса билан омирийларнинг Андалусдаги ҳукми ниҳоясига етди.

Ҳукмдорлик яна Бану Умайяга қайтди. Ўша вақтда Бану Умайянинг одамлари заиф бўлиб, ўзаро урушлар, низолар тез-тез чиқиб турарди. Ниҳоят ҳижрий 422 (милодий 1031) йилда уларнинг ҳукми тугади ва Андалус турли амирликларга бўлиниб, тарқалиб кетди. Ҳокимиятни амирликларнинг подшоҳлари эгаллаб олди. Бу ҳақда кейинроқ батафсил сўз юритилади.

Андалусдаги энг машҳур умавий ҳокимлар:

1. Абдурахмон Дохил. Ҳижрий 138–172 (милодий 756–788) йиллар.
2. Ҳакам ибн Ҳишом. Ҳижрий 180–206 (милодий 796–821) йиллар.

3. Абдурраҳмон ибн Ҳакам. Ҳижрий 206–238 (милодий 821–852) йиллар.

4. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон. Ҳижрий 238–273 (милодий 852–886) йиллар.

5. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. Ҳижрий 275–300 (милодий 888–912) йиллар.

6. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Носир. Ҳижрий 300–350 (милодий 912–961) йиллар.

2. Мағрибдаги Сижилмосанинг Бану Мидрор давлати

Бу давлат ҳижрий 140–297 (милодий 757–909) йиллар орасида ҳукм сурган. Бану Мидрор давлатининг одамлари хаворижларнинг сафарийя тоифасидан бўлишган. Улар аббосийлар билан муросасозлик қилишган ва ички ишлари ва тижоратларида ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб олганлар. Уларни фотимийлардан бўлган убайдийлар давлати йўқ қилган. Бу воқеа ҳижрий 297 йилда содир бўлган.

Бу давлатнинг энг машҳур ҳокимлари:

1. Ийсо ибн Язид Асвад. Бу шахс давлатга муассис бўлган. Ҳижрий 140–155 (милодий 757–772) йиллар.

2. Абул Қосим Самку. Ҳижрий 155–168 (милодий 772–784) йиллар.

3. Ал-Ясаъ ибн Абул Қосим. Ҳижрий 174–208 (милодий 790–823) йиллар.

4. Маймун ибн Мидрор. Ҳижрий 224–263 (милодий 839–877) йиллар.

3. Ўрта Мағрибдаги рустамийлар давлати

(ҳижрий 160–29; милодий 776–908)

Улар ибозий хаворижлардан бир фирқадир. Бу давлатга Абдурраҳмон ибн Рустам асос солган. У барбарларни тугатгандан сўнг ўз давлатини курди. Сўнг Тоҳарт номли

шаҳарни қуриб, уни ўзига пойтахт қилиб олди. Бу давлатни убайдийлар тоифаси йиқитди ва ҳижрий 296 (милодий 908) йилда ўзига қўшиб олди.

Мазкур давлатнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Абдурраҳмон ибн Рустам. Ҳижрий 160–168 (милодий 776–784) йиллар.
2. Абдулваҳҳоб ибн Абдурраҳмон. Ҳижрий 167–208 (милодий 784–823) йиллар.
3. Афлах ибн Абдулваҳҳоб. Ҳижрий 208–258 (милодий 823–872) йиллар.
4. Абул Яқзон Муҳаммад ибн Афлах. Ҳижрий 260–281 (милодий 874–894) йиллар.

4. Марокашдаги идрисийлар давлати

(ҳижрий 172–375; милодий 788–985)

Аббосийлар Фах жангида алавийлар оиласига катта зарар етказганларидан сўнг, ҳижрий 169 (милодий 785) йилда Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Алий ибн Абу Толиб ва унинг укаси Яҳёлар қочиб кетишди. Яҳё Дайлам юртларида қўзғалон кўтарди, сўнг ар-Рашид уни йўқ қилди. Лекин Идрис Мағрибнинг энг узоқ юртига қочиб борди. У ерда барбарлар уни қўллаб-қувватлашди. Идрис Марокашда ўзининг амирлигига асос солди, унинг шавкати кучайди. Ундан кейин ўғли Идрис давлатни қўлга олди. У мазкур давлатнинг энг кўзга кўринган ҳукмдори, ҳақиқий асосчиси ҳисобланади. Яҳё ибн Идрис ибн Умарнинг даврида Идрис Фаъс шаҳрини қурган. Мағриб юртларининг барчасида бу давлатнинг нуфузи ортган.

Идрисийлар давлати тарихдаги биринчи шийъа давлати ҳисобланади. Идрисийларга Ислом тамаддунини Мағрибга олиб келган биринчи шахслар сифатида қаралади. Уларни фотимий-убайдийлар йўқ қилган.

Идрисийлар давлатининг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Идрис ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан. Ҳижрий 172–177 (милодий 788–793) йиллар.

2. Идрис ибн Идрис. Ҳижрий 177–213 (милодий 793–828) йиллар.

3. Муҳаммад ибн Идрис ибн Идрис. Ҳижрий 213–221 (милодий 828–836) йиллар.

4. Яҳё ибн Идрис ибн Умар. Ҳижрий 292–310 (милодий 905–922) йиллар.

5. Тунис – Қайрувондаги ағлабийлар давлати

(ҳижрий 184–296; милодий 800–908)

Рашид ибн Иброҳим ибн Ағлаб барбарларга одоб бериш, уларни идрисийларга, Миср ва Шомга қарши ҳужум қилишдан тўсиб туриш учун ҳижрий 184 йилда Африкага волий этиб тайинланди. У ишларни тартибга солиди, кўзгалонларни бостирди. Ўзининг ҳукмронлиги учун Қайрувонни марказ қилиб танлади ва ўз минтақасини аббосийлар давлатидан ажратиб, мустақил давлат қилиб олди. Аббосийлар давлати уларни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Ушбу давлатнинг нуфузи Тунис ва Ливияга тарқалди.

Ташқи фатҳлар

Зиёдатуллоҳ ибн Иброҳим ўша вақтда ҳижрий 212, милодий 827 йилда Сиқиллия оролини фатҳ қилишга имкон топди.

Мусулмонлар Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳунинг давридан буён Сиқиллияга юришлар қилиб келар, лекин у ерда собит қолмаган эдилар. Фақат ағлабийлар даврида у ерда туриб ҳукм юритиш имконига эга бўлдилар. Сиқиллия оролини фатҳ қилишда Асад ибн Фурот кози ул-қузот (бош кози) ўлароқ иштирок этди. Исломнинг ҳукмронлиги бу оролда ҳижрий 483 (милодий 1090) йилгача давом этди.

Ағлабийлар Ўрта ер денгизидаги оролларга доимий равишда ҳужумлар уюштириб турдилар. Улар ҳижрий 256 (милодий 870) йилда Мальтани фатҳ қилдилар. Шунингдек, Италиянинг жанубий тарафларига ва Францияга ҳам ғазотлар уюштириб, муваффақият қозондилар. Франциянинг соҳилларига эга чиқишди ва Италиянинг бир қанча шаҳарларини – Бриндизи, Наполи, Кальярини, Таранто ва Барини фатҳ қилдилар.

Убайдийлар давлати ҳижрий 296 (милодий 908) йилда ағлабийлар давлатини ҳам тугатди.

Ағлабийлар давлатининг машҳур ҳокимлари:

1. Иброҳим ибн Ағлаб ибн Солим. Ҳижрий 184–196 (милодий 800–811) йиллар.

2. Зиёдагуллоҳ ибн Иброҳим. Ҳижрий 201–223 (милодий 816–838) йиллар.

3. Иброҳим ибн Аҳмад. Ҳижрий 261–289 (милодий 875–902) йиллар.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

ИККИНЧИ АББОСИЙЛАР АСРИ

(ҳижрий 247–656; милодий 861–1258)

ЗАИФ ХУЛАФОЛАР АСРИ

Ушбу босқич ҳижрий 247 йилдан бошланиб, 656 йилгача (милодий 861–1258) – тўрт юз йилдан кўпроқ вақт давом этган.

Ушбу асрнинг энг муҳим белгилари

1. Халифаларнинг заифлиги. Халифалик ишларининг ҳарбий кучлар томонидан бошқарилиши.

2. Ўз минтақаларида мустақил бўлиб олган раҳбарларнинг майда давлатларга бўлиниб кетиши ва халифанинг уларни эътироф қилиши.

3. Аввалги исломий тамаддун натижаларининг зоҳир бўлиши. Илм-фаннинг ривожланиши, ободончилик, фаровонлик ва айни пайтда исрофгарчиликка йўл қўйилиши.

4. Ҳошимий насабини даъво қилувчи ботиний ҳаракатларнинг пайдо бўлиши.

5. Мусулмон давлатларга салиб юришларининг уюштирилиши.

6. Мўғулларнинг Ислом оламига қарши уруши. Аббосийлар халифалигининг тугатилиши. Ҳижрий 656 (милодий 1258) йилда Бағдоднинг кулаши.

ИККИНЧИ АББОСИЙЛАР АСРИ ХАЛИФАЛАРИ

Бу аср аввал айтиб ўтилганидек, ҳижрий 247 йилдан 656 йилгача (милодий 861 йилдан 1258 йилгача) давом этган.

1. Муҳаммад ибн Жаъфар Мутаваккил, лақаби – Мунтасир. Ҳижрий 247–248 (милодий 861–862) йиллар.

2. Аҳмад ибн Муҳаммад Муътасим, лақаби – Мустаъийн. Ҳижрий 248–252 (милодий 862–866) йиллар.

3. Муҳаммад ибн Жаъфар Мутаваккил, лақаби – Муътазз. Ҳижрий 252–255 (милодий 866–869) йиллар.

4. Муҳаммад ибн Ҳорун Восик, лақаби – Муҳтадий. Ҳижрий 255–256 (милодий 869–870) йиллар.

5. Аҳмад ибн Жаъфар Мутаваккил, лақаби – Муътамид. Ҳижрий 256–279 (милодий 870–892) йиллар.

6. Аҳмад ибн Талҳа ибн Жаъфар, лақаби – Муътазид. Ҳижрий 279–289 (милодий 892–902) йиллар.

7. Алий ибн Аҳмад Муътазид, лақаби – Муктафий. Ҳижрий 289–295 (милодий 902–907) йиллар.

8. Жаъфар ибн Аҳмад Муътазид, лақаби – Муктадир. Ҳижрий 295–320 (милодий 907–932) йиллар.

9. Муҳаммад ибн Аҳмад Муътазид, лақаби – Қоҳир. Ҳижрий 320–322 (милодий 932–934) йиллар.

10. Муҳаммад ибн Жаъфар Муктадир, лақаби – Розий. Ҳижрий 322–329 (милодий 934–940) йиллар.

11. Иброҳим ибн Жаъфар Муктадир, лақаби – Муттакий. Ҳижрий 329–333 (милодий 940–944) йиллар.

12. Абдуллоҳ ибн Алий Муктафий, лақаби – Мустақфий. Ҳижрий 333–334 (милодий 944–945) йиллар.

13. Фазл ибн Жаъфар Муктадир, лақаби – Мутийъ. Ҳижрий 334–363 (милодий 945–973) йиллар.

14. Абдулкарим ибн Фазл Мутийъ, лақаби – Тоийъ. Ҳижрий 363–381 (милодий 973–991) йиллар.

15. Аҳмад ибн Исҳоқ Муктадир, лақаби – Қодир. Ҳижрий 381–422 (милодий 991–1031) йиллар.

16. Абдуллоҳ ибн Аҳмад Қодир, лақаби – Қоим. Ҳижрий 422–467 (милодий 1031–1074) йиллар.

17. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Қоим, лақаби – Муктадий. Ҳижрий 467–487 (милодий 1074–1094) йиллар.

18. Аҳмад ибн Абдуллоҳ Муқтадий, лақаби – Муस्ताзхир. Ҳижрий 487–512 (милодий 1094–1118) йиллар.
19. Фазл ибн Аҳмад Муस्ताзхир, лақаби – Мустаршид. Ҳижрий 512–529 (милодий 1118–1135) йиллар.
20. Мансур ибн Фазл Мустаршид, лақаби – Рошид. Ҳижрий 529–530 (милодий 1135) йиллар.
21. Муҳаммад ибн Аҳмад Муस्ताзхир, лақаби – Муқтафий. Ҳижрий 530–555 (милодий 1135–1160) йиллар.
22. Юсуф ибн Муҳаммад Муқтафий, лақаби – Мустанжид. Ҳижрий 555–566 (милодий 1160–1170) йиллар.
23. Ҳасан ибн Юсуф Мустанжид, лақаби – Муस्ताзиъ. Ҳижрий 566–575 (милодий 1170–1179) йиллар.
24. Аҳмад ибн Ҳасан Муस्ताзиъ, лақаби – Носир. Ҳижрий 575–622 (милодий 1179–1225) йиллар.
25. Муҳаммад ибн Аҳмад Носир, лақаби – Зоҳир. Ҳижрий 622–623 (милодий 1225–1226) йиллар.
26. Мансур ибн Муҳаммад Тоҳир, лақаби – Мустансир. Ҳижрий 623–640 (милодий 1226–1242) йиллар.
27. Абдуллоҳ ибн Мансур Мустансир, лақаби – Муътаъсим. Ҳижрий 640–656 (милодий 1242–1258) йиллар.

МУҲИМ ҲОДИСАЛАР

ТУРКЛАРНИНГ УСТУНЛИГИ

Ушбу даврда турк лашкарбошилар заиф халифалар устидан ҳукмронлик қилган. Халифа танлашган, ишга кўйишган, ишдан бўшатишган, хоҳлашса қатл қилишган. Биринчи бўлиб туркларни халифаликка ишга олишни бошлаб берган ва лашкарга бошчилик қилишни уларга топширган халифа Муътаъсим ҳисобланади. Муътаъсим уларни Мовароуннаҳр юртларидан келтирган эди. Аввалига турклардан тансоқчи тайинлаб, ўзининг шахсий хавфсизлигини

таъминлашни ҳам уларга топширган эди. Сўнг Муътасим уларни ўз аскарларига кўшди. Улар ўзларининг жанг майдонадаги шижоатлари, қахрамонликлари билан халифанинг мақтовига сазовор бўлдилар.

Аста-секин кўтарилиб бориб, турклар ҳарбий кўмондонлик соҳасини ўз қўлларига олдилар. Халифа ўзининг бу тасарруфи билан ўзини ҳам, ўзидан кейин ўғиллари ва Ислом давлатини ҳам жуда оғир аҳволга солиб қўйишини ўйламас эди, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, бу туғёнга кетган инсонлар жуда кўп бузғунчиликларни амалга оширган эдилар. Уларнинг ёмонликлари Муътасимнинг даврида кўзга ташлана бошлади. Улар Бағдодда жуда кўп одамларга тажовуз қилишди. Ўз навбатида одамлар ҳам уларга қарши курашишди, натижада шикоятлар кўпайди. Шунда Муътасим Самурро шаҳрини қуриб, турк кўмондонларни ўша ерга жойлаштирди. Ўзи ҳам, лашкарлари ҳам ўша ерга кўчиб ўтди. Турк лашкарбошилар ҳукмдорликни бутунлай ўз қўлларига олиш учун ҳаракат қилишарди. Улар ҳаттоки Мутаваккилни қатл қилишгача боришди. Улар Мунтасир даврида барча нарсаларга эга чиқиб олишди.

Юқорида таъкидланганидек, турклар хоҳлаган одамларини халифа қилиб қўйишар, хоҳлаганларини бўшатишар эди. Халифалар уларнинг зуғуми остида энг оғир озорларни чекдилар. Баъзилари қатл қилинди, баъзилари қамалди, баъзилари азобланди, яна баъзилари бўшатилди.

Муътамид ва Муътазидларнинг даврида – ҳижрий 256–289 йиллар мобайнида халифаликда бироз уйғониш сезилди. Халифалик ўз қувватини ва ҳайбатини қайтариб олди, лекин ундан кейин яна заифликка юз тутди.

ЗАНЖИЙЛАР ҚЎЗГАЛONI

Ҳижрий 255–270 (милодий 869–883) йиллар давомида африкалик куллардан иборат бўлган занжийлар аббосийлар давлатини хавф-хатар ва қўрқинч остида ўн тўрт йил ушлаб туришди. Уларга форс миллатига мансуб бир одам раҳбарлик қиларди. Алий ибн Муҳаммад исмли бу шахс ўзи Толиқон аҳолисидан бўлиб, Зайнулобидин ибн Ҳусайннинг авлоди эканини, шунингдек, ғайб илмини билишини ва пайғамбарликни даъво қилди. У хаворижларнинг ақийдаларини такрорлар, кулларни озод бўлишга чакирарди. Унга кўпчилик қўшилди ва тобора шавкати кучайиб борди. Ирок, Баҳрайн томон юриб, ҳижрий 256 йилда Бағдодга келди. Унинг учун бир шаҳар қурилди ва унга Мухтора деган ном берилди.

Алий ибн Муҳаммаднинг аскарлари Ироқда, Баҳрайнда кенг тарқалди. Улар қароқчилик қилиб, ҳожиларнинг кемаларини эгаллаб олишди, шаҳар-қишлоқларни вайрон қилишди, кўплаб аҳолини ўлдиришди, кўплаб жангларда аббосийларнинг лашкарларини мағлубиятга учратишди. Улар Форс шаҳри бўлмиш Абиллаҳни, ҳижрий 257 (милодий 871) йилда Аҳвоз, Абадон, Басра шаҳарларини, ҳижрий 267 (милодий 880) йилда эса Восит шаҳрини ҳам эгаллаб олишди. Шунда аббосий халифалардан Муътаид лашкарларга ўзи бош бўлиб, уларга қарши урушга чиқди. Аввал уларни Аҳвоздан чиқарди, сўнг пойтахтлари Мухторани қамал қилди. Уларнинг бошлиғи қатл қилинган, унинг одамлари тарқаб кетди. Шундай қилиб занжийлар номи билан машҳур бу қўзғалон ҳижрий 270 йилда тугатилди. Ушбу қўзғалонда икки ярим миллион одам, бошқа бир ривоятга қараганда, бир ярим миллион одам ҳалок бўлди.

ҚАРМАТИЙЛАР ҲАРАКАТИ

(ҳижрий 287–470; милодий 900–1077)

Қарматийлар мазҳаби ботиний, бузғунчи ҳаракат бўлиб, унинг асосчиси Ҳамдон ибн Ашъас исмли nobакордир. У қомати ва болдирлари қисқа бўлгани учун «қармат» деган лақабни олган эди. У асли Ҳузистоннинг Аҳвизидан бўлиб, кейин Куфага кўчиб ўтди. Сўнг махфий ҳарбий ҳаракатга асос солди. Қарматийлар сиртдан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оли байтларига тарафкаш бўлиб кўринишар, ўзларини Муҳаммад ибн Исмоил ибн Жаъфар Содикқа нисбат беришарди. Ҳақиқатда эса худосизликка, ибоҳийлик – ҳамма нарса мумкин, деган эътиқодга амал қилишга ва ахлоқсизликка чақиришар ва Ислом давлатини йўқотишга уринишарди.

Қарматийликнинг ташкил топиши ва кўзга кўринган арбоблари

Бу ҳаракатни ҳижрий 230 йилда Форс диёрининг жанубида Абдуллоҳ ибн Маймун Қаддох исмли nobакор исмоилийя таълимоти асосида тарқата бошлаган.

Ироқда унинг даъватчиси бўлмиш Фараж ибн Усмон Қошоний сирли равишда иш бошлаган. Унинг лақаби Зикравайҳ бўлган.

278 йилда эса Куфа яқинида Ҳамдон ибн Ашъас Қармат пайдо бўлиб, ошқора даъват қилишни бошлади. У ўзига уй қуриб, уни «Дорул хижрат» деб атади ва кишиларни бир кунда эллик марта намоз ўқишга чорлади.

Шундан сўнг Зикравайҳ қочиб кетиб, беркиниб олди ва болаларини турли диёрларга юбориб, ўз мазҳабига даъват қилдирди.

Қарматийлар Баҳрайнда Ҳасан ибн Баҳромнинг атрофида тўпланишди. У Абу Саъид Жинобий номи билан танилган эди. У хижрий 283 йилда Басрага ҳужум қилиб, енгилди.

Ундан кейин унинг ўғли Сулаймон ибн Ҳасан ибн Баҳром қарматийларга бошлиқ бўлди. У Абу Тоҳир деган исм билан танилди. У Арабистон яриморотидаги кўп диёрларни эгаллаб олди. Унинг ҳукмронлиги 30 йил давом этди. Ушбу нобакор қарматийлар давлатининг ҳақиқий асосчиси ва ушбу давлатнинг сиёсий-ижтимоий дастурининг тузувчисидир. У шу даражада ҳаддидан ошдики, Бағдод ҳукумати унга солиқ тўлаб турадиган даражагача етди. Мазкур нобакор мусулмонлар бошига кўплаб бало-офатлар келишига сабаб бўлди. Жумладан:

– У ўз одамлари билан бирга тожирлар ва ҳожиларнинг мол-мулкларини талади ва ўзларини саҳрода ҳалок қилди.

– Халифа Муқтадирнинг даврида (ҳижрий 295–320 йилларда) Куфани олти кун давомида талаб вайрон қилди.

– Бу нобакор ҳижрий 319 йилда Маккага ҳужум қилиб, ҳожиларни қирди, Замзамни бузди. Масжидул Ҳаром ўликларга тўлиб кетди. Каъбапўш – қисвани йиртиб олиб, ўзини бузди. Ҳажарул асвадни кўчириб олиб, Аҳиссога олиб кетди. Ҳажарул асвад уларнинг қўлида йигирма йил турди.

– Катта нобакор Сулаймон ибн Ҳасан ибн Баҳром Қарматий ўлганидан кейин укаси Ҳасан Аъсам бошлиқ бўлди. Унинг иши кучайиб, ҳижрий 360 йилда Дамашқни босиб олди. Сўнг Мисрга юриш қилиб, у ерда енгилди. Қарматийлар Аҳиссога қайтишди.

– Қарматийлар аббосийларга ён босгани учун Ҳасанни раҳбарликдан олишди. Уларга Жаъфар ва Исҳоқ исмли икки киши раҳбар бўлди. Асфар Тағлибий уларни енгди ва батамом йўқ қилди.

Қарматийларнинг фикр ва ақийдалари

– Қарматийлар гўёки коммунистик давлат куришган. Мол-мулк ўртада бўлишига, шахсий мулк бўлмаслигига чақиришган.

– Аёллар ҳам ўртада бўлишига чақириб, «Ҳеч ким хотинини рашк қилиши мумкин эмас, шунда ўзаро адоват йўқолади», дейишган. Улар бу гапни маздакий таълимотидан олишган.

– Намоз, рўза каби Ислом фарз қилган асосий ибодатларни бекор қилишган.

– Мақсадга эришиш учун куч ишлатишни лозим деб би-лишган.

– Қарматийларнинг эътиқоди бўйича, қайта тирилиш ҳам, охираат азоби ҳам йўқ.

– Қарматийлар: «Дунёнинг неъматлари жаннатдир, на-моз, рўза ва ҳажга ўхшаш ибодатлар азобдир», дейишган.

– Улар истаган одамларининг жонини, молини ва ному-сини ҳалол деб фатво чиқаришган.

– «Ҳар замоннинг маъсум имоми бўлади», дейишган.

– «Рўза – сирни фош қилишдан тийилиш», дейишган.

– Қарматийларнинг фалсафаси моддий бўлиб, худосиз-лар, маздакий ва зардуштийларнинг фикрларидан ўзларига маъқул келганини олишган.

– Қарматийларнинг Қуръони Карим, пайғамбарлик ва бошқа ақийдалар бўйича ҳам ўзларининг сафсаталари бор.

Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандий раҳматул-лоҳи алайҳ қарматийлар ўз эътиқодларида авжга чиққан пайтларда яшаган ва уларнинг фикр, ақийда ва тушунчалари қанчалар хавфли эканини, хатоларини Аҳли сунна вал жамоа мазҳабидаги мусулмонлар оммасига ажойиб услуб билан тушунтириб берган. Албатта, бу ишлар Ислом учун, мусулмонлар учун жуда ҳам яҳамиятли ва зарур бўлган.

ҚАРМАТИЙЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Ҳижрий 462 (милодий 1070) йилда Абдуллоҳ Уюний аб-босийлар ва салжукийларнинг ёрдами билан қарматийлар устидан ғалаба қозонди ва уларни Авоилдан, сўнгра Баҳрайдан чиқарди. Охири Аҳиссо шаҳрида Хандақ уруши номли уруш бўлди. Мана шу ерда қарматийлар давлати охиригача тугатилди. Бу ҳижрий 470 (милодий 1077) йилда содир бўлди. Унинг ўрнига Уюния давлати келди.

БУВАЙҲИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ

Ҳижрий 320–447 (милодий 932–1055) йиллар ораси бувайҳийлар ўз ҳукмини ўтказган давр бўлди. Улар дайламлик шийъалар бўлиб, Исломга қарши ҳиқду ҳасадлари бор эди. Улардан Исломга зид бўлган мункар ишлар содир бўлди.

Шийъа давлатларининг ҳукмронлиги

Ушбу давр унда шийъалар ҳукмронлик қилгани, кенг жойларни эгаллаб олгани билан ўзига хосдир. Уларга бир қанча подшоҳликлар ва давлатлар мансуб бўлди. Бувайҳийлар давлати Форс, Ироқ, Рай, Гурч ва Аҳвозни ўз ичига олди. Убайдийлар (фотимийлар) давлати эса Мағриб, Миср ва Шомнинг бир бўлагида ҳукмронлик қилишди. Ҳамадонийлар давлати Мосул ва Шомни, қарматийлар эса Баҳрайн ва Ҳижозни эгаллаб олишди. Ушбу даврда шийъачиликнинг илк асослари пайдо бўлди. Оли байт номидан улардан ҳеч қачон содир бўлмаган турли гап-сўзлар, ёлғонлар тўқишди. Уларнинг тўқилишига шийъа давлатининг устунлиги сабаб бўлди. Урушлар кўпайди, суннийлар ва шийъалар ўртасида фитналар урчиди.

Румликларнинг фаолияти

Ҳижрий 350 (милодий 961) йилда румликлар мусулмонларга қарши иш юритишни бошлашди. Уларнинг Шом юртларига хужумлари кучая бориб, баъзи ўлкаларни босиб ҳам олишди. Румликларга қарши чиққанларнинг кўзга кўринганларидан бири ҳамадонийлар эди. Лекин уларнинг шийъа мазҳабидан эканликлари, заифликлари румликларнинг яна ҳам кучайишига сабаб бўлди.

Малазгирд жанги

Ҳижрий 463 (милодий 1071) йилда Алп Арслон раҳбарлигидаги мусулмон салжуқийлар билан византиялик румлар ўртасида Малазгирд жанги бўлиб ўтди. Унда мусулмон салжуқийлар жуда буюк ғалаба қозондилар ва Кичик Осиёни тўлиқ эгалладилар. Улар 400 000 кв.км.дан зиёд ерларни Ислом диёрига кўшдилар. Шундай қилиб, румликларнинг Осиёдаги салтанати бутунлай йўққа чиқарилди. Ушбу жанг Ислом тарихидаги энг катта жанглардан бўлиб, умуман Ғарб тарихининг, Осиё тарихининг энг асосий воқеа-ҳодисаларидан ҳисобланади. Чунки бу урушда румликларнинг нуфузига барҳам бериш, Кичик Осиёда уларга ҳеч нарса қолдирмаслик имкони бўлди. Янги юришларга йўл очилди. Бу эса Еропани ташвишга солди. Уларни салиб урушларини бошлашга чорлаган омиллардан бири ҳам айнан шу бўлди.

Бу буюк жанг ҳақида ғайримусулмон тараф – Буюк Британияда Жон Фозергил режиссёрлигида сурагга олинган «Шарқ ва Ғарб» номли етти бўлимдан иборат фильмнинг учинчи қисмидан олинган иқтибосни эътиборингизга ҳавола этишга ижозат бергайсиз.

«...Минг йиллар аввал Яқин Шарқ ва Кичик Осиёда буюк Ислом салтанати билан Рим империясининг ворислари бўлмиш насроний византияликлар ўртасида бузилмас чегара ўрнатилгандек эди.

Бироқ бу чегараларни бузиб ташлаш янги минг йиллик бўсағасида Марказий Осиёнинг бепоён саҳроларида вужудга келган янги кучларга насиб қилди.

Бу – дунё тарихидаги энг буюк салтанатлар ва султонларга бешик бўлган минтақанинг тарихидир. Улар дунёдаги кучлар мувозанатини ҳамда Ғарб ва Шарқнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юбордилар.

...Марказий Осиёнинг саҳролари. Бундан минг йил муқаддам бу ерлар кўчманчи қабилаларгина яшайдиган кўримсиз дашт эди. Минтақага мусулмон фотиҳлар қадам босгач, бу ерлар Ислом дунёсининг бир қисмига айланди.

Шарқда Хитой ва Мўғулистон, ғарбда Каспий денгизи, жанубда Афғонистон ва шимолда Русия билан чегарадош улкан ҳудудлар... Ушбу минтақа Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғлаб турган муҳим бўғин вазифасини ҳам ўтар эди. Хитой ва Ҳиндистоннинг бойликлари ортилган карвонлар Европага йўл олган Буюк Ипак йўли ҳам шу ердан ўтар эди.

XI асрга келиб минтақадаги энг катта куч Исломни эндигина қабул қилган салжуклар эди. Бу жанговар қabila ушбу саҳроларнинг танҳо ҳукмрони эди.

Доктор Мурод Ўзверий

(Туркия археологик тадқиқотлар уюшмаси):

«Саҳрода яшаш қийин. Иқлим жуда оғир. Овчилар ва чорвадорларнинг турмуши анча қийин кечади, ҳаёт учун кураш шафқатсиз жангчи бўлишни тақозо этади. Бу қабилаларнинг жанг стратегияси моҳир чавандоз ва мерган камончиликдан иборат эди».

Салжуклар ўзларининг жангчилик маҳорати туфайли уч юз йил давомида бу даштларда ҳукмронлик қилишди. Сўнг янги яйловлар излаб, Марказий Осиёдаги ўз ерларидан ташқарига – ҳозирги Туркиянинг Онадўли ерлари сари чиқишди.

Уларнинг пайдо бўлиши дунёдаги кучлар мувозанатини тубдан ўзгартириб юборди. Шарқ ва Ғарб, яъни мусулмон турклар насроний византияликлар билан тўқнаш келишди.

Мана шу ерда, Шарқий Онадўлидаги Малазгирд шаҳри яқинида 1071 йилнинг 26 августида салжуклар қўшини Византия қўшини билан юзма-юз келди.

Салжукларнинг саркардаси Алп Арслон ўз қўшинини чегара яқинига олиб келди. Бу ерлар Марказий Осиёнинг бепоён саҳроларида жанг қилишга ўрганган қўшин учун жуда қўл келди.

Бу очик майдон туркларнинг ҳарбий стратегияси учун айна муддао бўлди. Пастак дўнгликлар пистирма қуриб, душманнинг яқин келишини пойлаб туриш учун ғоятда қулай эди. Салжуклар бу ерларда ўзларини уйдагидек ҳис қилишар, учкур отларида осонлик билан ҳаракатланиб, тезкор ҳаракатлар қила олишарди.

Қулай имкониятдан унумли фойдаланган Алп Арслоннинг лашқари византияликларнинг егулик омборларига ўт қўйиб, қудуқларини заҳарлаб, душманга нисбатан катта устунликка эришишди.

Бироқ Византия қўшини сон жиҳатдан салжук суворийларидан бир неча барабар кўп эди. Шунинг учун салжуклар кенг қўламли ҳужумдан кўра қисқа зарбалар бериб, ҳийла билан душманни қопқонга туширишга муваффақ бўлишди. Уларнинг устунлиги тезкорлик, қурол-аслаҳа ва энг муҳими – юксак маҳорат эди. Салжук камончиларининг ўқлари византияликларнинг зирҳини осонлик билан тешиб ўтар эди.

Византиянинг пиёда аскарлари ҳужум бошлашга мажбур бўлишди. Улар яқинлашганда салжуклар ўзларини чекингандек кўрсатиб, орқага тисарилишди. Шу пайт тошли дўнгликлар ортида яшириниб турган отлик камончилар ёпирилиб чиқиб, душманни икки томондан қуршаб ола бошлади. Қуршовда қолган византияликлар саросимага тушиб қолишди. Салжуклар яқинлашиб келиб, душманни батамом тор-мор қилишди...

Кучлар тенг эмаслигига қарамай, Алп Арслоннинг жангчилари дунёнинг энг кучли армияларидан бири бўлмиш

Византия кўшинини тор-мор қилдилар. Византия империяси Онадўлидаги ерларидан маҳрум бўлди.

Шарқда Рум деб аталган, авваллари насроний византияликларга тегишли бўлган улкан ҳудуд энди Салжуқ-Рум салтанати деб аталиб, унга мусулмон султонлар ҳукмронлик қила бошлашди.

Мусулмонлар ҳукмронлиги даврида янги пойтахт бўлмиш Кўня шаҳри салжуқийлар давлатининг диний ва маданий марказига айланди. Бу ерга Ислом оламининг турли чеккаларидан уламолар, сўфийлар, усталар, хунармандлар оқиб кела бошладилар. Улар Кўняга Марказий Осиё ва Яқин Шарқнинг маданий меросини сингдира бошладилар.

Византияликларнинг мағлуб бўлиши ва салжуқийларнинг давлат тепасига келиши тузумни тубдан ўзгартирди, бироқ бу ўтмишдан мутлақо узилиш дегани эмас эди...»
(*Иқтибос тугади*)

САЛЖУҚИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ

(*ҳижрий 447–656; милодий 1055–1258*)

Бу муддатда салжуқлар халифалик марказига ўз ҳукмронлигини ўтказдилар. Улар сунний мазҳабидаги мусулмон турк қабилаларидан эдилар.

Салжуқийлар туркий ўғуз қавми таркибида дастлаб ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудига тўғри келадиган яйловларда, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирар эдилар. Аслини олганда, бу вақтда салжуқийлар сулоласи ҳали шаклланмаган эди. Бошқача айтганда, «салжуқийлар» – бу этник ном эмас. X асрда Балхаш кўлининг жанубидан то Қуйи Волгагача бўлган ҳудудда туркий халқлардан бўлмиш ўғузлар яшар эдилар. Улар кўплаб қабила ва уруғларга бўлинганлар. Ана шундай уруғлардан бири – қиниқ уруғидан чиққан Салжуқ исмли шахс ўзининг

яхши фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги билан обрў-эътибор қозониб бориб, бир қанча ўғуз қабилаларининг сардори, катта ҳарбий саркарда даражасига эришади. Табиийки, бундай шахслар бора-бора ўз давраси, таъсир доирасига эга бўладилар. Салжукда ҳам худди шундай бўлди. Бунинг натижасида эса ўз ўрнида муайян қарамақаршиликлар ҳам вужудга келди. Хуллас, иқтисодий-сиёсий рақобат сабабли Салжук ўз тарафдорлари билан биргаликда юқорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими, чап қирғоғида жойлашган Жанд вилояти яқинига келиб ўрнашди. Бу воқеа тахминан X асрнинг ўрталарида содир бўлган. Шу орада улар Исломни қабул қилдилар ва худди шу асрда Мовароуннаҳрни идора қилаётган сомонийларни, аниқроғи, сўнгги сомонийларни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар. Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига салжукийларнинг фаол аралашуви айниқса сомонийларнинг қорахонийлар билан рақобат йилларида кучайди. Бу эса салжукийлар қарамоғидаги ўғуз қавмларининг Самарқанд, Бухоро, Кеш вилоятларига бориб ўрнашишлари учун шароит яратди. Улар ўз турмуш тарзларига кўра яйловлар ва даштликларда ўрнашганлари табиий. Шаҳар ва воҳаларда эса аввалгидек ўтроқ туркий аҳоли истиқомат қилаверган.

Ўғуз қавмларининг ҳаракати икки дарё оралиғи билан чекланиб қолмаган. 1025 йили уларнинг бир қисми (4000 оила) Маҳмуд Ғазнавийнинг розилиги ва бир нечта шартлари билан Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларидаги яйловларни ўзларига макон қиладилар. Шу тариқа улар Хуросонга қадам қўядилар. Салжукийлар иложи борича Хуросондаги мавжуд иқтисодий, савдо ва албатта сиёсий шароитлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўз ўрнида ўша вақтда ўлкада ҳукмронликни қўлга олган ғазнавийлар манфаатига зид келиши табиий эди. Шу тариқа улар ўртасида зид-

дият пайдо бўлди. 1040 йилга қадар улар бир неча марта ўзаро тўқнашдилар. Охири Дандониқонда салжуқийлар газнавийларни мағлубиятга учратдилар. Бу пайтда Салжук аллақачон вафот этган, унинг хонадони сиёсий фаолиятига эса набираси Туғрулбек (1038–1063) бошчилик қиларди. Хуллас, 1040 йили Туғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинади ва шу тариқа дунё салтанатлари тарихида яна бир қудратли сулоланинг расмий юксалиш йўли бошланади.

XI асрнинг 40-йилларидаёқ салжуқийлар Хоразм, Эрон, Кавказортига ҳарбий юришлар уюштирадилар. 1055 йили эса Туғрулбек халифалик пойтахти Бағдодни эгаллайди ва ўз номига хутба ўқиттиради. Туғрулбек ҳаётлигидаёқ салжуқийлар Эрон, Ироқ, Кавказорти ўлкаларини ўз таъсир доираларига олган эдилар.

1071 йили эса кейинги салжуқий ҳукмдор султон Алп Арслон (1063–1072) Кичик Осиёда Византия подшоҳи Ромен IV Диогенни енгиб, уни асир олади. Бу ўз ўрнида салжуқийларнинг Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олишлари учун катта замин тайёрлайди.

Султон Маликшоҳ (1072–1092) замонида Самарқанд, Бухоро, Ўзганд (Фарғона) ҳам салжуқийлар қўл остида бирлашади. Шарқий Туркистондаги қорахонийлар ҳам салжуқийлар устунлигини тан оладилар. Султон Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида салжуқийлар салтанати Шарқий Туркистондан Ўрта ер денгизигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Шу билан бирга, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳар қандай салтанатнинг ўз юксалиш босқичи бўлиши билан бирга, парчаланиш, инқироз йўлига кириш даври ҳам бўлади. Салжуқийлар салтанатининг заифлашиб, парчаланиш жараёни эса XI асрнинг иккинчи ярмида бошланди. Бундай жараён сабабини салтанатнинг ҳаддан ташқари улкан ҳудудда ястанганлиги, бунинг оқибатида уни бир марказдан туриб бошқаришдаги маълум қийинчиликларнинг вужудга келгани, расмий сулоланинг

кўплаб намояндалари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилганлари, қарам ўлкаларнинг табиий равишда нозилиги, қаршилиги кабилар билан изоҳлаш мумкин.

Қисқаси, XI асрнинг иккинчи ярмидаёқ салжуқийлар хонадони вакиллари фаолияти билан боғлиқ Сурия, Ироқ, Анатолия (Кўня), Кирмон султонликлари юзага келади. Сулоланинг ички низолари кескинлаша бориб, XII аср бошларидаёқ салтанат шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетади (қорахонийларнинг ҳам ички низолар сабабли худди шундай қисмларга бўлиниб кетганини эсланг). Шарқий қисм асосан Хуросон ва Мовароуннаҳрдан иборат бўлиб қолди. Унинг чегаралари, таъсир доираси қатъий бўлмай, ўзгариб турди. Чунончи, Султон Санжарнинг (1118–1157) қудрати авжига чиққан вақтларда ғарбий салжуқийлар (Эрон, Ироқ, Озарбойжон) унинг, яъни шарқий салжуқийларнинг сиёсий таъсирида бўлганлар. 1141 йили Мовароуннаҳрга шарқдан қорахитойларнинг бостириб кириши билан эса Султон Санжарнинг ҳам кучи қирқилди. Қорахитойларга қарши салжуқийлар қорахонийлар билан биргаликда лашкар тортган бўлсалар-да, мағлубиятта учрадилар. 30 минг киши, жумладан, 3-4 минг нафар амиру амалдорлар ҳам ҳалок бўлишди. Бу ўз ўрнида салжуқийларга қарам бўлган Хоразм сулолаларининг юксалиши учун шароит яратди. Худди шу ердан чиққан хоразмшоҳлар (ануштегинийлар) XII асрнинг иккинчи ярмида ғарбий салжуқийларга зарба берадилар. Шарқий салжуқийлар фаолиятига эса Султон Санжарнинг ўлимидан сўнг чек кўйилади. Бошқача қилиб айтганда, XII асрнинг охирига келиб, Кичик Осиёдаги Анатолия (Кўня) султонлигидан ўзга бирон бир маконда расмий салжуқийлар хонадони қолмайди. Анатолия султонлиги эса XIII асрнинг ўрталарида мўғулларга қарамликка юз тутаяди. Аммо нима бўлганда ҳам, худди мана шу салжуқийлар сабабли Кичик Осиёга туркий тилли қавмларнинг бориб ўрнашиш жараёни

кучаяди ва бориб-бориб мазкур минтақада туркий давлат ва миллатга асос солиниши учун тегишли замин яратилади.

Бу даврга келиб, шийъаларнинг иши заифлашди. Уларнинг асосий давлатлари бўлмиш ҳамадонийлар, бувайҳийлар, қарматийлар, убайдийларнинг давлатлари инқирозга учради.

Бу даврда ҳасадга тўлган европаликларнинг мусулмон юртларига – Андалусга, Шомга, Мисрга юришлари бўлди. Улар Шом юртларини босиб олишди. Ушбу даврда яна салибчиларга қарши урушда кўпгина давлатларнинг таъсири катта бўлди. Мисол учун: муробитлар давлати, мувахҳидлар давлати Мағриб ва Андалусда, зангийлар давлати, айюбийлар давлати Мисрда ва Шомда. Булар тўғрисида кейинроқ сўз юритилади.

ҲАШШОШИЙЛАР

(ҳижрий 483–654; милодий 1090–1256)

Ҳашшошийлар салжуқлар вақтида чиққан бир жамоа бўлиб, улар Ислом юртларининг кўпчилигини кўркинчга солишди. Улар ўзаро тил бириктириб, товламачилик қилиб, одамларни қатл этишар эди. Диндан чиққан бу ботинийларнинг бошлиғи Ҳасан ибн Сабоҳ бўлган. У асли форс миллатига мансуб бўлиб, одамларни фотимийларнинг йўлига чақирар эди. Ўзининг даъватини Форсда ҳижрий 473 (милодий 1080) йилда бошлаган.

У ҳижрий 483 (милодий 1090) йилда «Ўлим кўрғони» деган қалъага эга чиққан. У жуда ҳам хатарли кўрғон бўлиб, аввал салжуқийларга қарар эди. Мазкур қалъа Қазвин (Каспий) денгизининг шимоли-ғарбий тарафидаги тоғлар чўққисида жойлашган эди. Сўнг улар Форс ва Сурия юртларида кўпгина қалъаларни эгаллаб олишди. Салжуқийлар уларни йўқота олмадилар. Ҳашшошийларнинг нуфузи тобора ортиб борди. Хулағунинг вақтида, ҳижрий 659 (милодий 1261) йилда мўғуллар уларни йўқ қилиб, ҳамма ерларини эгаллаб олди.

Мамлукий султонлардан бўлмиш Бийбарс ушбу фирканинг – ҳашшошийларнинг Сурияда бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлган шахсдир. Бу иш ҳижрий 671 (милодий 1272) йилда содир бўлди.

ЗАЛЛОҚА (ЗАЛЛАК / SAGRAJ) ЖАНГИ

(ҳижрий 479 йил 12 ражаб; милодий 1086 йил 29 октябрь)

Андалусда Юсуф ибн Ташфин бошчилигидаги муробитлар билан испаниялик насоролар ўртасида Заллоқа жанги бўлиб ўтди. Бу урушда мусулмонлар улкан зафар қозондилар. Шундан сўнг муробитлар давлати Андалуснинг барча юртларига эга бўлди.

ИҚЛИШ (УКЛЕС / UCLES) ЖАНГИ

(ҳижрий 501 йил 16 шаввол; милодий 1108 йил 5 июнь)

Бу жангда муробитлар Тамим ибн Юсуф ибн Ташфин бошчилигида Андалус насоролари устидан буюк зафар қучдилар.

АРК (АЛАРКОС / ALARKOS) ЖАНГИ

(ҳижрий 591 йил шаъбон; милодий 1195 йил июль)

Бу урушда муваҳхидлар Испаниянинг Кастилиядаги испан насоролари устидан зафар қучдилар.

ТОИФАЛАРНИНГ ПОДШОҲЛАРИ

(ҳижрий 422–897; милодий 1031–1492)

Андалусда ўша вақтда турли кичик-кичик давлатлар кўпайиб кетди. Бир-биридан заиф бўлган бу давлатлар ўзаро тинимсиз урушар эдилар. Улар насоролар томонидан аста-секин тугатилди.

Бану Аҳмар давлати Ғарната (Гренада) вилоятида хижрий 897 (милодий 1492) йилгача фаолият юритди. Улар хайдаб чиқарилгандан сўнг Андалусда Ислоннинг давомийлиги ҳам тугади.

САЛИБ ЮРИШЛАРИ

(ҳижрий 489–692; милодий 1095–1292)

Салиб юришлари европалик насронийлар томонидан Ўрта Шарққа – Байтул мақдисга эга чиқиш учун қилинган ҳарбий юришлардир. Бу ишнинг бошловчиси Рим папаси бўлиб, у одамларни урушга даъват қилган.

Бизнинг тилимизга «салиб юришлари» истилоҳи бошқа тиллардан кириб келган. Таржима икки тилдан олинган бўлиши мумкин. «Салиб» арабча «солийб» – «хоч» сўзидан олинган бўлса, «юриш» русча «поход» сўзидан олинган. Зотан, бу тарихий ҳодисани араблар «ал-ҳуруб ас-солийбия» – «хоч урушлари», руслар эса «крестовые походы» – «хоч ҳарбий юришлари» деб атайдилар. Бизнингча, бу бирикманинг ўзбекча таржимасида маъно юмшоқроқ чиқиб қолган. Аслида эса мазкур урушларда заррача юмшоқлик бўлмаган. Бу урушлар мусулмон умматини аёвсиз қириб, йўқ қилиш ниятида қилинган урушлардир. Салиб юришлари оз эмас, кўп эмас, роппа-роса икки аср, мусулмон умматининг бугунгача кўрган умрининг еттидан бири муддатича давом этди. Бу гаплар айтишга осон. Аслида улар мусулмон умматининг бошига келган офатларнинг энг катталаридан бири бўлган десак, муболаға бўлмайди. Шунинг учун унинг тарихини яхшилаб ўрганиш ғоятда муҳимдир.

Салиб юришларининг сабаблари

1. Бу урушларнинг «салиб юришлари» деб номланиши уларнинг диний юриш эканлигининг аломатидир.

2. Насроний папа ташкилоти Исломни йўқ қилиш ниятида эди.

3. Бу ишнинг тижорий сабаблари ҳам бор. Ўрта ер денгизидаги кема қатнови йўлларини ва портларни эгаллаб олиб, ўзларининг Шарқ билан олиб бориладиган тижоратини кенгайтириш ниятлари бўлган.

4. Шунингдек, феодаллик тузуми ҳукм сурган Европада урушлар кўпайган, очлик, турли касалликлар авж олган. Натижада янги, бой ерларни ахтариш керак бўлган.

5. Мусулмонларнинг тафриқага тушиб қолиши, Ислом юртларининг заифлашиб, оғир ҳолатга тушиши ҳам салиб юришларига сабаб бўлган.

6. Шунингдек, ҳижрий 463 (милодий 1071) йилда Малазгирд жангида салжуқийлар томонидан византияликларга берилган қакшатқич зарбанинг ўчини олиш нияти ҳам бўлган.

Салиб юришларининг биринчиси ҳижрий 489 (милодий 1096) йилда уюштирилган бўлиб, салжуқийлар уларни тормор қилганлар.

Ҳижрий 493 (милодий 1100) йилда уюштирилган ҳужумларда Байтул мақдисни эгаллаб, кўпгина Шом юртларини ҳам босиб олишган.

Мазкур йилларда улар катта ваҳшиёна қирғинбаротлар қилишган. Қуддусдаги барча мусулмон аҳолини кириб ташлашган. Уларга қарши чиққан яҳудий ва насороларнинг ҳамма мол-мулкларини талаб, ўзлариники қилиб олишган.

Раҳо, Антақия (Антокия), Байтул мақдис, Тароблус амирликларини тузишган.

Европадан уюштирилган салиб юришларининг энг машҳурлари саккизта бўлган.

Салиб юришларининг сабаблари ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилади. Унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа сабаблари ҳақида жуда кўп гапирилади. Жумладан, келажак сатрларда сизга тақдим этиладиган мақоланинг

муаллифи ҳам бир неча сабабларни келтирган. Аммо ҳеч ким энг асосий сабаб – диний сабаб ҳақида етарлича гапирмайди. Диний сабабни айтганлар ҳам уни охириги ўринлардан бирига қўядилар.

Бизнинг фикримизча, «салиб юришлари» деган номни олган бу конхўрликларнинг асосий сабаби диний сабабдир. Унинг исми ҳам диний – «салиб юришлари». Уни бошлаган шахс – папа Урбан II, раҳнамоси – черков, иштирокчилари – «савоб» умидида ҳалок бўлишга тайёр мутаассиб диндорлардир. Яна қанча далил керак?!

Ушбу мавзуни баён қилишни ҳам одатимизга кўра европаликларнинг ўзларига қўямиз. Тарих фанлари доктори, профессор Иван Кривушиннинг фикрларига бир эътибор беринг-а!

«Салиб юришлари (1095–1270) – европаликларнинг XI–XIII асрлар охиридаги Яқин Шарқ (Фаластин, Сурия, Миср, Тунис) томон ҳарбий-мустамлака юришлари бўлиб, зиёрат шаклида Муқаддас замин (Фаластин) ва (Қуддусдаги) Роббнинг мақбарасини ғайридинлардан (яъни мусулмонлардан) озод қилиш мақсадида олиб борилган юришлардир. Фаластинга йўл олган юриш иштирокчилари кўкракларига кизил хочларни тикиб олишган, қайтишда эса орқаларига тикишган, «салибчилар» атамаси шундан келиб чиққан.

Салиб юришларининг бошқа сабаблари

Салиб юришларининг асосида уларнинг иштирокчилари ҳар доим ҳам англаб етолмаган демографик, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, диний ва руҳий сабаблар мажмуаси ётади.

Ғарбий Европада XI асрда бошланган демографик ўсиш ресурсларнинг, биринчи навбатда ишлаб чиқариш воситаси сифатида ернинг чекланишига (меҳнат самарадорлиги ва ҳосилдорликнинг тушиб кетишига) олиб келди. Демографик босим товар-моддий муносабатларнинг ривожланиши

муносабати билан кескинлашиб кетди. Бу инсоннинг бозор конъюктурасига тобелигини ошириб, унинг иқтисодий мавқеининг янада бекарорлашувига сабаб бўлди. Аҳоли сони хўжалик юритишнинг ўрта аср тизими доирасида таъминлаб бўлмайдиган даражада ортиб кетди: бу феодалларнинг кичик ўғиллари (қатор мамлакатларда майорат ҳукуки ҳукмрон эди – отанинг ер мулки тўнғич ўғилларга мерос қоларди), қашшоқлашиб қолган рицарлар, майда ва еридан маҳрум қилинган деҳқонлар ҳисобига юз берди. Жак Ле Гоффнинг сўзларига кўра, салиб юришлари Ғарбнинг ортиқча аҳолидан халос бўлиш воситаси сифатида қабул қилинган.

Тафаккурдан мустаҳкам ўрин олган Шарқнинг битмас-туганмас бойликлари тўғрисидаги тасаввур унумдор ерлар ва хазиналарни (олтин, қумуш, қимматбаҳо тошлар, тароватли матоларни) эгаллаш иштиёқини кучайтирган.

Венеция, Генуя, Пиза каби Италия савдо шаҳарлари учун Шарқни эгаллаш Ўрта ер денгизи ҳукмронлиги йўлида араблар билан олиб борилган курашнинг давоми эди. Салиб ҳаракатининг улар томонидан қўллаб-қувватланишини Левант қирғоқларига мустаҳкам ўрнашиш ва Месопотамия, Арабистон ва Ҳиндистон томон асосий савдо йўлларини назоратга олиш иштиёқи билан изоҳлаш мумкин.

Демографик босим сиёсий кескинликнинг ошишига ҳам олиб келди. Ички низолар, феодаллар уруши, деҳқонлар исёнлари Европа ҳаётида табиий ҳолга айланди. Салиб юришлари феодаллик жамиятидаги аламзада гуруҳларнинг тажовузкор энергиясини «ғайридин»ларга қарши адолатли урушга йўналтириш ва шу орқали христиан дунёсининг жиқслашувини таъминлаш имконини ҳам берар эди.

1080 йиллар охири – 1090 йиллар бошидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қийинчиликлар биринчи навбатда Олмония, Рейн дарёси ёқалари ва Шарқий Франция ҳудудларида рўй берган табиий офатлар (қаҳратон қиш, сув тош-

қинлари) ва эпидемиялар (энг аввало, безгак ва ўлат) гирдобилан қоришиб кетди. Бу эса ўрта аср жамоатчилигининг барча бўғинларида диний ҳис-ҳаяжонга берилиш, таркидунёчилик, зоҳидлик каби оқимларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Гуноҳларни ювиш ва абадий ҳаловат топиш учун диний жасорат ва ўзини қурбон қилиш эҳтиёжи Роббнинг мақбарасини озод қилиш учун Муқаддас замин сари салиб юришида ўз аксини топди.

Шарқ бойликларига эғалик қилишга интилиш ва абадий ҳаловат топиш умиди руҳий томондан европаликларга хос бўлган дарбадарлик ва саргузаштлар иштиёқи билан қоришиб кетган эди. Номаълум ва мавҳум томонларга саёҳат одатдаги бир хил ҳаёт тарзини тарк этиш ҳамда у билан боғлиқ кулфат ва ташвишлардан фориғ бўлиш имконини берар эди. Нариги дунё ҳаловатини кутиш ернинг ўзида жаннат излаш билан қоришиқ тарзда кеча бошлади.

Салиб ҳаракатининг ташаббускори ва бош ташкилотчиси папа хукмронлиги бўлиб, XI асрнинг иккинчи ярмига келиб у ўзининг мавқеини анча мустаҳкамлаб олган эди. Ключий ҳаракати (қаранг: «Ключий католиги») ва Григорий VII (1073–1085) ислохотлари натижасида католик черковининг обрўси сезиларли даражада ошиб кетди ва у ғарбий христиан олами-нинг етакчилигига яна даъвогарлик қилиши мумкин эди.

Клермон йиғини

Алексей I нинг мурожаатидан фойдаланган папа ҳокимияти Роббнинг мақбарасини озод қилиш учун муқаддас урушни ташкиллаштириш ташаббусини ўз кўлига олди. 1095 йил 27 ноябрда Клермон йиғинида (Франция) папа Урбан II (1088–1099) аёнлар ва диндорлар олдида ваъзхонлик қилиб, европаликларни ўзаро низоларга барҳам беришга, Фаластин сари салиб юришига отланишга чақирди ҳамда йиғин иштирокчиларига гуноҳлари кечирилиши ва

абадий ҳаловат топишлари ҳақида ваъда берди. Папанинг нутқи кўпминглик оломон томонидан кўтаринки руҳ билан қабул қилинди, «**Худо шуни хоҳлайди**» деган сўзлар салиб юриши иштирокчиларининг шиорига айланди.

Дехқонлар салиб юриши

Кўплаб воизлар Урбан II нинг чақирғини Фарбий Европа бўйлаб ташвиқот қилишди. Рицарлар ва деҳқонлар зарур қурол-аслаҳа олиш учун ўз мулкларини сотишди, кийимларига кизил хоч нишонини тикиб, тайёргарликни бошлаб юборишди. 1096 йилнинг март ойи ўрталарида асосан Олмониянинг Рейн бўйи ҳудудлари ва шимоли-шарқий Франция аҳолисидан иборат деҳқонлар тўдаси (тахминан 60-70 минг киши) «Саҳройи» лақабли Пётр Амьенский бошчилигида рицарларнинг тўпланишини кутмасданок юриш бошладилар. Улар Рейн ва Дунай водийларидан, Венгриядан ўтиб, 1096 йилнинг ёзида Византия империяси сарҳадларига кириб бордилар. Уларнинг босиб ўтган йўли маҳаллий аҳолини талон-тарож этиш, уларга тажовуз ва яхудийларни катагон қилишдан иборат бўлди. Бебошликларни бартараф этиш мақсадида Алексей I улардан бошқа ҳеч қаерда уч кундан ортиқ муддатга тўхтамасликни талаб қилди. Империя ҳудудидан ўтиш чоғида эса улар Византия кўшинлари кузатуви остида ҳаракат қилдилар. Июль ойида анча сийраклашиб (деярли икки баробар камайиб) қолган кўнгилли деҳқонлардан иборат салибчилар Кустантиния остонасига келдилар. Византияликлар зудлик билан уларни Босфор орқали Циботус деган жойга йўналтириб юбордилар. Пётр Амьенскийнинг кўрсатмаларига амал қилмаган деҳқон отрядлари Салжук давлатининг пойтахти Никея томон юриш қилдилар. 21 октябрь куни улар Никея ва Дракон қишлоғи оралиғидаги сайхонликда султон Қилич-Арслон I қўйган пистирмага дуч келиб, тор-мор этилдилар. Аксарият салибчи деҳқонлар (25 минг киши) ҳалок бўлишди.

БИРИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ*(1096–1099)*

Биринчи рицарлар салиб юриши милодий 1096 йилнинг августида бошланди. Унда Лотарингиядан герцог Готфрид IV Бульонский бошчилигидаги, Шимолий ва Марказий Франциядан граф Роберт Норманский, Роберт Фландрский ва Стефан Блуазский бошчилигидаги, Жанубий Франциядан граф Раймунд IV Тулузский бошчилигидаги ва Жанубий Италиядан князь Боэмунд Тарентский саркардалигидаги рицарлар иштирок этишди; юришнинг маънавий раҳнамоси асли пуюлик епископ Адемар бўлди. Лотарингия рицарларининг йўли Дунай бўйлаб, провансаль ва шимолий французларники Далмация орқали, норманларники Ўрта ер денгизи бўйлаб давом этди. 1096 йилнинг охирига келиб улар Константинополда тўплана бошладилар. Салиб юриши иштирокчиларининг баъзан қонли тўқнашувларга олиб келаётган маҳаллий аҳоли билан мавжуд кескин муносабатларига қарамай, византиялик дипломатлар (1097 йил март-апрель) уларни Алексей I га қасамёд қилдириш ва турк-салжуклар эгаллаб олган Кичик Осиёдаги аввалги барча эгалик ҳудудларини империяга қайтариш борасидаги келишувга эришишга муваффақ бўлдилар. Май ойининг бошида салибчилар отрядлари Босфорни кечиб ўтиб, ойнинг ўрталарида византияликлар билан ҳамкорликда Никеяни қамал қилдилар. Рицарлар Қилич-Арслон I армиясини шаҳар деворлари остида яксон этдилар. Бироқ унинг горнизони (19 июнда) византияликларга таслим бўлди; салиб юриши иштирокчиларини тинчлантириш учун Алексей I уларга ўлжаларнинг бир қисмини тақсимлаб берди.

Июнь ойининг охирида рицарлар Антокия томон юришни бошлашди. 1 июль куни улар салжукларни Дорилей бўйида тор-мор этиб, Кичик Осиёнинг ички ҳудудидан қийинчи-

лик (турклар «ёндирилган ерлар» услубини қўллашган эди) билан ўтиб, август ойининг ўрталарида Иконияга етиб боришди. Иракли бўйида салжуклар хужумини бартараф этиб, салиб юриши иштирокчилари Киликияга кириб боришди ва октябрь ойида Антитавр чўққисидан ошиб ўтиб, Сурияга киришди. 21 октябрь куни улар Антокияни қамал қилдилар, бироқ қамал чўзилиб кетди. 1098 йилнинг бошида рицарлар отряди Эдессани эгалладилар. Уларнинг йўлбошчиси Балдуин Бульонский бу ерда биринчи салибчилар давлати – Эдесса графлигига асос солди. Антокияни салибчилар фақат 1098 йил 2 июнга келиб эгалладилар. 28 июнь куни шаҳарни қутқариш учун келган Мосул амири армиясини мағлуб этдилар. 1098 йил сентябрда салиб юриши иштирокчилари етакчиларининг ўзаро келишувига кўра, Антокия Боэмунд Таренский бошқарувига берилади. Шундай қилиб, салибчиларнинг иккинчи давлати – Антокия князлиги юзага келади.

Антокия қулаганидан сўнг салиб юришининг раҳнамолари Суриянинг қалъаларини забт этиш билан машғул бўладилар ва бу юришни давом эттириш иштиёқидаги оддий жангчиларнинг норозилигига олиб келади. 1098–1099 йилларнинг қиш фаслида улар Маарда кўзғалон кўтариб, 1099 йилнинг баҳорида ўз бошлиқларини Қуддус томон ҳаракатланишга мажбур қиладилар. Шаҳар ўша пайтга келиб салжуклар қўлидан кетиб, Миср султонининг тасарруфига ўтган эди. 1099 йил 7 июнда улар шаҳарни ўраб олдилар ва 15 июлда насроний бўлмаган барча аҳолини қириб ташлаб, шаҳарни штурм билан қўлга киритдилар. Голиблар «Роббнинг мақбараси ҳимоячиси» мартабасига эга бўлган Готфрид Бульонский бошчилигида Қуддус қироллигини туздилар. 12 август куни Готфрид фотимийлар қўшинини Асқалон остонасида яқсон қилиб, уларнинг Фаластиндаги хукмронлигига барҳам берди.

XII асрнинг биринчи чорагида салиб юриши иштирокчилари эгаллаган ҳудудлар кенгайишда давом этди. 1101 йили улар Тораблус ва Кесарияни, 1104 йили эса Акрани эгалладилар. 1109 йили Тораблус графлиги тузилиб, унга Раймунд IV Тулузскийнинг ўғли Бертран ҳукмрон бўлди. 1110 йили Байрут ва Сидон, 1124 йили Тир босиб олинди.

ИККИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1147–1148)

1144 йилнинг декабрь ойида Мосул амири Имодуддин Зангий Эдессани босиб олганидан сўнг, 1145 йили папа Евгений III (1145–1153) янги салиб юришига чақириқ билан чиқди. Жўшқин аббат, руҳоний Бернар Клервосский юришга раҳбарлик қилиш учун француз қироли Людовик VII (1137–1180) ва немис императори Конрад III (1138–1152) каби саркардаларни кўндиради. 1147 йили немис армияси Венгрия орқали Дунай бўйлаб Осиёга йўл олади. Икки ой ўтгач, уларнинг ортидан французлар йўлга чиқадилар; икки армия кўшинининг умумий сони 140 мингга ташкил этади. Византия императори Мануил I (1143–1180) уларга жиддий моддий ёрдам кўрсатмайди ва уларни Босфор орқали йўналтириш чораларини кўради. Немислар французларни кутмасдан, Кичик Осиё сари кириб борадилар. 1147 йилнинг октябрь ойи охирида улар Дорилея бўйида турк-салжуклардан мағлубиятга учраб, Константинополга чекинадилар, сўнг эса денгиз орқали Акрага етиб оладилар; немисларнинг бошқа отряди 1148 йилнинг феввалида Памфилияда яксон этилади.

Француз армияси Константинополга етиб олгач, Босфор орқали жанубий йўл (Лидия) билан Сурия томон ҳаракатланди. Меандр ҳудудининг жанубидаги Лаодикей бўйидаги жангда Людовик VII омадсизликка учраб, Памфилияга чекинади ва Атталиядан Муқаддас заминга кемада сузиб кетади.

1148 йил март ойида немис ва француз қўшинлари Фаластинга етиб келишади. Қуддус қироли Балдуин III қўшинлари билан бирга Дамашқ ва Асқалонга иккита юришни амалга оширадидлар ва бу уринишлар бутунлай барбод бўлади. 1148 йилнинг сентябрь ойида Конрад III ўз армиясини Фаластиндан олиб чиқади; кўп ўтмай Людовик VII ҳам худди шундай йўл тутлади.

УЧИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1189–1192)

1150 йилларнинг бошида Фаластиндаги салибчи давлатларнинг аҳволи бирмунча яхшиланди. 1153 йили улар Асқалонни эгаллашга муваффақ бўлишди. Аммо 1170 йилларга келиб улар янги хатар билан рўбарў келишди. 1176 йили Мисрнинг янги султони Салоҳиддин Сурияни ўзига бўйсундирди ва салибчилар унинг ҳукмронлиги ҳалқаси ичида қолдилар.

1187 йили Қуддус қироллигининг энг йирик феодалларидан бири Рено Шатильонский Салоҳиддиннинг синглиси келатган карвонни қўлга киритади, бу эса султоннинг насроний давлатига ҳужум қилишига сабаб бўлади. 1187 йилнинг июнь ойида мисрликлар Геннисарет кўли яқинида рицарларга бир қатор талафотлар етказишади, 5 июлда эса Ҳиттийн ёнида уларнинг асосий кучларини тор-мор қилишади ва қирол Ги де Лузиньян, Тамплиерлар ордени улуғ магистри, Рено Шатильонский ва кўплаб рицарларни асирликка олишади. 19 сентябрда Салоҳиддин Қуддусни камал қилади ва 2 октябрда уни таслим этишга муваффақ бўлади. Сўнг у Асқалон, Акра, Тивериаду ва Байрутни, Тораблус графлигининг бир қисмини ва Антокия князлигини эгаллайди.

Папа Климент III нинг (1187–1191) чақириви билан учинчи салиб юриши ташкил этилади ва уни олмон императори Фридрих I Барбаросса (1152–1190), француз қироли

Филипп II Август (1180–1223) ҳамда англиз қироли Ричард I Шерюрак (1189–1199) бошқаришади. Биринчи бўлиб олмонлар жангга киради (1189 йил апрель ойининг охири). Венгер қироли Белой III (1173–1196) ва салжуклар султони Қилич-Арслон II билан иттифоқ битимини тузган Фридрих I ўз армиясини Дунай йўли бўйлаб олиб кетади. У ҳеч қандай қаршиликларсиз Византия чегараларига етиб боради. Бироқ унинг худудига киргач эса, император Исаак II Ангелнинг (1185–1195) адоватига дуч келади. Шунга қарамай, у византияликлар билан келишувга эришади ва келишувга кўра, улар олмон армиясининг Андрианополда қишлаши учун шароит яратиб беришади.

1190 йилнинг баҳорида Фридрих I Гелласпонт орқали Кичик Осиёга қайта йўл олди ва Лидия, Фригия ҳамда Писидия орқали Сурия томон ҳаракат қилди. Олмонлар Иконийни эгаллаган ҳолда Тавр орқали ошиб ўтиб, Исаврияга кириб боришди. 1190 йил 10 июнда Фридрих I Селекия яқинидан оқиб ўтадиган Каликадне дарёсида чўмилиш пайтида чўкиб кетди. Армия бошқаруви унинг ўғли герцог Фридрих Швабскийга ўтди. У Киликия ва Сурияни ортда қолдириб, Фаластинга етиб борди ва Акрани қамал қилди.

1190 йили Филипп II Август ва Ричард I ўз кўшинларини Мессинада (Сицилия) жамлашди. Аммо улар ўртасида юзага келган низо салибчилар кучининг бўлинишига олиб келди. 1191 йилнинг мартада французлар Сицилияни тарк этишди ва тез орада Акрани қамал қилган немисларга қўшилишди. Уларга византиялик Исаак Комнин сулоласига тегишли Кипрни йўл-йўлакай забт этган англияликлар эргашишди, 1191 йил июнь ойида улар Акра яқинига жойлашишди. Бир неча ҳафтадан сўнг қалъа таслим бўлди. Ричард I билан юзага келган янги низо Филипп II Августни ўз кўшинини Фаластиндан олиб чиқиб кетишга мажбур қилди. 1191 йилнинг иккинчи ярми – 1192 йилнинг бирин-

чи ярмида Ричард I Салоҳиддинга қарши бир неча ҳарбий амалиётларни амалга оширди, бироқ ҳеч қандай муваффақиятга эришолмади, унинг Қуддусни забт этишга бўлган уч уриниши барбод бўлди.

1192 йилнинг сентябрида у Миср султони билан тинчлик сулҳи тузди, унга кўра христианлар Ёфадан Тиргача бўлган қирғоқолди ҳудудларни қайтариб олишди. Мусулмонлар Асқалонни вайрон қилиш мажбуриятини олишди, лекин Қуддусни ўзларида саклаб қолишди. 1192 йилнинг 9 октябрида инглиз кўшинлари Фаластинни тарк этишди. Ричард I Кипрни мустақил Кипр қироллигига (1192–1489) асос солган Қуддуснинг собиқ кироли Ги де Лузиньянга инъом этди.

ТЎРТИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

Учинчи салиб юришидаги муваффақиятсизлик Рим папаси Иннокентий III ни (1198–1216) Қуддусга эгалик қилаётган, салибчи мамлакатларнинг асосий ғаними саналган Мисрга қарши салиб юришини тарғиб қилишга ундади. 1202 йилнинг ёзида Банифаций Монферратский бошчилигидаги рицарлар Венецияда тўпланишди. Салибчиларнинг етакчиларида Фаластинга денгиз орқали бориш учун тўланадиган маблағ йўқлиги боис улар венецияликларнинг Далмациядаги ажралиб чиққан Дар (Задар) портига қарши жазо юришида иштирок этиш тўғрисидаги шартига розилик билдиришди. 1202 йилнинг октябрида рицарлар Венециядан сузиб кетишди ва ноябрнинг охирларида, узоққа чўзилмаган қамалдан сўнг Дарни ишғол этиб, талон-тарож қилишди. Иннокентий III салибчиларни черковдан четлатди, аммо агар улар Мисрга юришни давом эттиришса, четлатишни бекор қилишга ваъда берди. Бироқ 1203 йилнинг бошида рицарлар Ғарбга қочиб кетган Византия шахзодаси – 1095 йилда ўз акаси Алексей III (1195–1203) томонидан тахтдан

четлатилган император Исаак II нинг ўғли Алексей Ангелнинг илтимосига кўра, Византиядаги ички сиёсий курашга аралашшига ва Исаакни тахтга қайтаришга қарор қилишди. 1203 йил июнь ойининг охирида улар Константинополни қамал қилишди. Июлнинг ўрталарида, Алексей III кочиб кетгандан сўнг Исаак II ҳокимияти тикланди, шаҳзода Алексей эса Алексей IV номи остида мамлакатнинг иккинчи ҳукмдори бўлди. Аммо императорлар салибчиларга ваъда қилинган икки юз минг дукат миқдоридаги катта маблағни тўлай олишмади. Натижада 1203 йилнинг ноябрида улар ўртасида ихтилоф келиб чиқди. 1204 йилнинг апрелида халқ кўзгалони натижасида Исаак II ва Алексей IV тахтдан ағдарилди, янги император Алексей V Мурзуфл⁴ рицарлар билан очиқдан-очиқ адоватга киришди. 1204 йил 13 апрелда салибчилар Константинополга бостириб киришди ва уни вайрон қилишди. Византия империяси ўрнида бир неча салибчи мамлакатлар юзага келди: Лотин империяси (1204–1261), Фессалония қироллиги (1204–1224), Афина герцоглиги (1205–1454), Морей (Ахей) князлиги (1205–1432). Бир қатор ороллар венецияликларга насиб этди. Натижада асосий мақсади мусулмон оламига қарши зарба бериш бўлган тўртинчи салиб юриши Ғарбий ва Византия христианлигининг батамом парчаланишига олиб келди.

БОЛАЛАРНИНГ САЛИБ ЮРИШИ

(1212 йил)

XIII асрнинг бошида Европада «Фақат гуноҳсиз болаларгина Муқаддас заминни озод этишга қодир» деган ғоя тарқалди. «Ғайридин»лар томонидан муқаддас қабрнинг «ишғол» этилганига қуюнувчи дин тарғиботчиларининг оташин

⁴ «Мурзуфл» сўзи юнончада «қовоғи солиқ» дегани бўлиб, улашиб кетган барок қоши учун шундан лақаб олган

нутқлари асосан Шимолий Франция ва Рейнбўйи Олмониясидаги деҳқон болалари ва ўсмирлар ўртасида акс-садо берди. Черков маъмурлари мазкур ҳаракатга тўсқинлик қилишмади. 1212 йилда ёш салибчиларнинг икки оқими Ўрта ер денгизи қирғоқлари томон йўл олишди. Чўпон бола Этьен бошлиқ француз ўсмирлар отряди Марселгача етиб боришди ва кемаларга ўтиришди. Уларнинг бир қисми кема ҳалокати натижасида ҳалок бўлишди, қолганлари эса Мисрга етиб келгач, кема эгалари томонидан кул қилиб сотиб юборилди. Шу каби қисмат Генуядан шарққа қараб сузган немис болаларининг ҳам бошига тушди. Олмониялик ёш салибчиларнинг яна бир гуруҳи Рим ва Бриндизига етиб боришди. Папа ва маҳаллий епископ уларни қасамдан (Муқаддас заминни озод этиш қасамидан) озод қилиб, ўз юртларига қайтариб юборишди. Болалардан иборат салиб юриши иштирокчиларининг жуда кам қисмигагина уйга қайтиш насиб этди. Мазкур фожиавий воқеа, эҳтимол, Гаммалон шахридан барча болаларни олиб чиқиб кетган каламуш тутувчи ҳақидаги афсонага асос бўлган бўлса ажаб эмас.

БЕШИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1217–1221)

1215 йилда Иннокентий III Ғарбни янги салиб юришига чақирди, унинг меросхўри Гонорий III (1216–1227) 1216 йилда мазкур чақирикни такрорлади. 1217 йилда Венгрия қироли Эндре II қўшин билан Фаластинга келди. 1218 йилда бу ерга икки юздан зиёд кемаларда Фрисландия ва Рейнбўйи Олмониясидан салибчилар келишди. Худди шу йили Қуддус қироли Жан де Бриен ва учта диний-рицарлик ордени улуғ магистрлари кўмондонлигидаги жуда катта қўшин Мисрга бостириб кирди ва Нил дарёси этагидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Димёт қалъасини

қамал қилишди. 1219 йилнинг ноябрида қалъа забт этилди. Папа легати кардинал Пелагийнинг талабига кўра, салибчилар Миср султони Комилнинг Димётни Қуддусга алмаштириш тўғрисидаги таклифини рад этишди ва Қоҳирага ҳужум бошлашди. Бироқ улар мисрликлар кўшини ва Нил тошқини орасида исканжада қолиб кетишди. Талафотсиз чекинишни ўйлаб, улар Димётни қайтаришга ва Мисрдан чиқиб кетишга мажбур бўлишди.

ОЛТИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1228–1229)

Папалар Гонорий III ва Григорий IX (1227–1241) босими остида Олмония императори, Қуддус тахти ворисаси Иолантанинг эри Фридрих II (1220–1250) 1228 йилнинг ёзида Фаластинга юриш қилди. Комилнинг Дамашқ ҳукмдори билан низосидан фойдаланиб, у Миср султони билан иттифоқ тузди. Улар ўртасида тузилган ўн йиллик тинчлик сулҳи шартига кўра, Комил барча христиан асирларни озод қилди ва Қуддус киролигига Қуддус, Байтуллаҳм, Назарет ҳамда Байрутдан Ёфагача бўлган денгиз соҳилини қайтариб берди, Муқаддас замин христиан ва мусулмон зиёратчилар учун бирдек очик бўлди. 1229 йилнинг 17 мартада Фридрих II тантанали равишда Қуддусга кириб келди. Бу ерда тож кийиб, кейин Италияга жўнаб кетди.

ЕТТИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1248–1250)

Ўн йиллик тинчлик сулҳи муддати тугаши билан салибчилар мусулмонларга қарши бир неча бор ҳужумлар уюштирдилар. 1239 йилда Фаластинга Наварра кироли Тибо I (1234–1253) кўшин ташлади, аммо унинг ҳаракати ҳеч қан-

дай муваффақият келтирмади. Қирол Генрих III нинг (1216–1272) укаси граф Ричард Корнуэльский қўмондонлигидаги инглиз рицарларининг 1240–1241 йиллардаги юриши нисбатан омадли бўлди. Ричард Миср султони Айюбнинг барча асир христианларни озод қилишига эришди ва ватанига жўнаб кетди. Аммо 1244 йилда Айюб турк ёлланма аскарларидан қўшин тўплаб, Фаластинга бостириб кирди ва Куддусни эгаллади. Ғазо ёнидаги жангда салибчиларни мағлуб этди. 1247 йилда мусулмонлар Асқалонни забт этишди. Папа Иннокентий IV нинг (1243–1254) даъватига жавобан Франция кироли Людовик IX (1226–1270) 1249 йилнинг февралда катта флот билан Марселдан денгизга чиқиб, Мисрга келди. Французлар мусулмонлар ташлаб чиққан Димётни эгаллашди ва Қохира томон йўл олишди. Бироқ қуршовга тушиб қолиб, таслим бўлишга мажбур бўлишди. Қўшин оддий таркибининг барчаси қириб ташланди. Людовик IX катта қийинчилик эвазига сулҳ тузишга эришди ҳамда икки юз минг ливр миқдордаги катта тўлов эвазига озодликка чиқди. Димёт мисрликларга қайтарилди. Қирол Акрага йўл олди ва тўрт йил давомида Сурияда ўзгарувчан муваффақият билан харбий ҳаракатлар олиб борди. 1254 йилда у Францияга қайтди.

САККИЗИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ

(1270 йил)

Салибчиларнинг Якин Шарқдаги мағлубияти

1250 йилнинг иккинчи ярмида христианларнинг Сурия ва Фаластиндаги позицияси бироз мустаҳкамланди. Чунки бу вақтда мусулмон давлатлари мўғул-татар истилосига қарши курашишларига тўғри келган эди. Аммо 1260 йилда Миср султони Бийбарс Сурияни ўзига бўйсундирди ва аста-секин салибчилар қалъаларини забт эта бошлади: 1265 йилда

у Қайсарияни забт қилди, 1268 йилда Ёфани қўлга киритди, шу йили Антокияни забт этиб, Антокия князлигига барҳам берди. Людовик IX, Сиқиллия кироли Карл Анжуйский (1264–1285) ва Арагон кироли Хайме I (1213–1276) бошчилигидаги саккизинчи салиб юриши салибчи мамлакатларга кўмак кўрсатиш учун уюштирилган сўнгги уриниш бўлди. Дастлаб Тунисга, сўнг Мисрга ҳужум қилиш режалаштирилди. 1270 йилда салибчилар Тунисга келишди, бироқ ўзаро тарқалган вабо сабабли улар юришни тўхтатишга мажбур бўлишди (вафот этганлар орасида Людовик IX ҳам бор эди). Тунис султони билан тинчлик сулҳи тузилди. Унга кўра, у Сиқиллия киролига ўлпон тўлаш ва католик руҳонийларига ўз тасарруфидаги ўлкаларда ибодатларни эркин амалга ошириш ҳуқуқини бериш мажбуриятини олди.

Мазкур муваффақиятсизлик Сурия ва Фаластиндаги салибчиларнинг инқирозини муқаррар қилиб қўйди. 1289 йилда мусулмонлар Тораблусни ишғол этиб, шу номдаги графликка барҳам беришди, 1291 йилда эса Байрут, Сидон ва Тир забт қилинди. Шу йили тамплиерлар ва иоаннитлар жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган Акранинг йўқотилиши христианларнинг Шарқдаги ҳукмронлигига барҳам берди» (*Иқтибос тугади*).

Салиб юришларининг оқибатлари

Салиб юришлари Яқин Шарқ халқларига сон-саноксиз кулфатлар келтириб, моддий ва маданий бойликларнинг йўқотилишига сабаб бўлди. Улар (айниқса тўртинчи салиб юриши) Византия империяси қудратига футур етказди. Шу тариқа унинг 1453 йилда батамом қулашини яқинлаштирди. Салиб юришлари муваффақиятсизлик билан яқунланди, шу сабабли ўрта аср Европаси олдида турган узок муддатли муаммолардан ҳеч бирини ҳал эта олмади. Шунга қарамай, салиб юришлари Европанинг келгуси ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Улар муайян муддатга

Ғарбий Европадаги демографик, ижтимоий ва сиёсий кескинликни пасайтирди. Бу Франция ва Англияда қироллик ҳукмронлигининг мустаҳкамланишига ва миллий марказлашган давлатлар барпо этилишига кўмак берди.

Салиб юришлари католик черковининг вақтинча кучайишига олиб келди: черковнинг моддий аҳволини сезиларли даражада мустаҳкамлади, ўз таъсир доирасини кенгайттирди, янги ҳарбий-диний институтларни, хусусан, келгуси Европа тарихида муҳим роль ўйнаган орденлар (Ўрта ер денгизини турклардан ҳимоя қилишда иоаннитлар, Болтик бўйидаги олмон агрессиясида тевтонликлар) ташкил этди. Папалик ғарбий христианлик оламида ўзининг етакчилик мақомига эришди. Шу билан бир вақтда салиб юришлари католиклар ва православлар ўртасида кучли ихтилофни юзага келтирди, христианлик ва Ислом ўртасидаги қарама-қаршилиқни чуқурлаштирди, европаликларнинг диний маслакнинг ҳар қандай ўзгача кўринишига бўлган мурасизлигини кучайтирди.

Жак Ле Гоффнинг сўзларига кўра, салиб юришлари «ўрта аср христиан олами экспансионизмининг чўккиси», «Европа колониализмининг биринчи тажрибаси» бўлиб қолди.

Франциялик машҳур олим ва тарихчи Гюстав Лебоннинг «Араблар тамаддуни» номли асаридан иқтибослар:

Салибчиларнинг ваҳшийликлари

Насроний солномачиларнинг битикларидаги ҳар бир саҳифа салибчиларнинг асоссиз ваҳшийликлари ҳақида ҳикоя қилади. Салибчиларнинг Мараш шаҳрида қилган хунрезликларининг шохиди бўлган Роберт Монахнинг ушбу ҳикояси Қуддуси шарифнинг босиб олиниши ҳақидаги ҳикоялар билан бир қаторда, салибчилар урушни қандай олиб борганликлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун кифоядир.

«Ватандошларимиз, – ёзади диндор ва раҳмдил солномачи, – кўчалар, майдонлар, уйларнинг томлари бўйлаб югуриб юрар ва боласи тортиб олинган она шердек қирғинни томоша қилишар эди. Улар болалар, ёшлар ва мункиллаган кексаларни бўлак-бўлакларга қиймалаб, ўлдиришарди. Улар ҳеч кимни аямас, ҳаммани тезроқ ўлдириш учун бир арқонда осишарди.

Даҳшат! Кўпнинг кишилиқ, яхши қуролланган армиянинг ҳеч кимдан тап тортмай хунрезлик қилишини, уларга ҳеч ким қаршилиқ қилмаётганини кўриш ғалати эди. Ватандошларимиз нимаики топсалар, ўзлариники қилиб олишарди. Ҳатто улар ўликларнинг қорнини ёриб, ютиб юборилган тилла тангаларни олишарди. Оҳ, пасткаш очкўзлик ва олтин талвасаси! Шаҳарнинг барча кўчаларидан қон дарёдек оқар, ҳаммаёқ мурда билан тўлиб-тошган эди.

Эҳ, ўлимга маҳкум, кўзи ожиз халқлар! Бу улкан оломон ичида насроний динини қабул этиш ёки уни эътироф қилишни истаган бирорта инсон йўқ эди. Ниҳоят Боэмунд сарой минорасига қамалганларнинг барчасини олиб келишни буюрди.

У қари кампирлар, кексайиб қолган чоллар ва заифлиги туфайли ишга ярамай қолганларнинг ҳаммасини ўлдиришга буюрди. Балоғатга етган бақувват одамларни, жуссадор ёшларни эса тирик қолдириб, Антокияга олиб бориб, кул қилиб сотишга амр этди. Туркларнинг оммавий қирғини 12 декабрь, якшанба куни содир бўлди, ваҳоланки, бу кунда ҳеч қандай хунрезликлар қилиш мумкин эмас эди. Эртаси куни ватандошларимиз қолган ҳаммани ўлдирдилар».

Ўша даврда тараққий этган Шарқ халқлари бундай душманлик ҳақида қандай фикрда бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун уларнинг солномалари ҳам ҳақли нафрат ва ғазабга тўладир. «Улар инсон деган номга ҳам муносиб эмаслар», деб ёзган эди кейинчалик буюк форс шоири Саъдий.

Салибчиларнинг муқаддас шаҳардаги бебошликлари

Ерлик аҳолини ёппасига қиришдан чарчаган салибчилар дам олиб, куч тўплаш мақсадида жирканч айш-ишратга берилдилар. Насроний солномачиларнинг ўзлари уларни ҳар қанча хаспўшлалмасин, «дин ҳимоячилари»нинг қилган ишидан уялиб кетдилар: Черков хазинабони Бернар уларни «ақлдан озганлар» деб атади; Доль вилояти архиепископи Бодуэн эса уларни «computruerunt illi, tanquam jumenta in stercoribus» дея таърифлаган, яъни «гўнгига беланиб ётган байталлар»га ўхшатган эди.

Қуддуси шарифнинг босиб олиниши нафақат Ислом дунёсида, балки насроний оламида ҳам айнан бир хил нафрат уйғотди. Пайғамбар алайҳиссалом шогирдларининг (издошларининг, умматларининг) беш аср давомида бенуксон бўлиб келган обрўсига футур етгандек бўлиб ҳам кўринди. Бу зарба мусулмонлар учун шу қадар қақшатқич бўлдики, Ислом олами ҳукмдорлари орасидаги ихтилофлар дарҳол барҳам топди. Миср султони ўзи билан Бағдод халифаси ўртасидаги рақобатни унутди, икковлари бу оғир вазиятдан чиқиш чораларини кўриш учун бир-бирларига ўз вакилларини юбордилар.

Қуддуси шарифнинг босиб олиниши туфайли насронийлар миллион кишини қурбон қилдилар, Европанинг эса бир қисми вайрон бўлди. Энди бу қадар қимматга тушган ушбу ғалабани қўлда тутиб туришдан умид бор эди. Бироқ бундай бўлмади. Орадан кўп ўтмай, Қуддуси шариф қўлдан бой берилди, у яна Муҳаммад алайҳиссаломнинг издошлари қўлига ўтди.

Годфрид Қуддуси шарифнинг қироли этиб сайланди. У бундай юксак мартабага жангдаги жасорати туфайли сазовор бўлган эди. Бироқ салтанат барпо этиш учун фақат жасорат ва ботирликнинг ўзи кифоя қилмас экан. Шавкатли саркарда бўлган янги қирол укувсиз ҳукмдор бўлиб чиқди. Кўп ўт-

май, у вафот этди, унинг ўринбосари Болдуин эса ўзининг ундан кўра анчагина иқтидорли эканини намойиш қилди.

1119 йилда Болдуин ҳам вафот этди. Франкларнинг Фа-ластиндаги устунлиги йигирма йилдан буён давом этиб келаётган эди. Бироқ бу устунлик фақат вайронгарчиликка ва мамлакат аҳолисининг камайишига олиб келди, холос. Бу ерда Европадаги каби феодал тузум жорий қилинган бўлиб, мамлакат ҳудуди Тораблус, Асқалон, Ёфа графла-ри каби мудом бир-бири билан урушиб келган сюзеренлар ўртасида тақсимланган эди. Бу кичик муштумзўрларнинг барчаси бойлик ортидан қувиб, бир пайтлар арабларнинг оқилона ҳокимияти даврида гуркираб ривожланган мамла-катни вайрон қилишди.

Юқорида айтиб ўтилган барча фикрларга қўшимча ра-вишда ўша даврда яшаган насроний адиб, ўз ваъзида даст-лабки салибчиларни қоралаган Акра епископи Жак Вит-рийнинг тавсифини келтирамиз:

«Диндор», «Худога ёқадиган» дастлабки салибчилардан худди винонинг тагида чўкинди ҳосил бўлганидек, зайтун-ни сиққанда қуйқум қолганидек, гуручдан курмак, мисдан занг ажраганидек, дийдаси қотган, бузуқ авлод, маккор ва зоти айниган болалар, ахлоқсиз одамлар, илоҳий қонунни бузувчилар етишиб чиқди... Улар арзимаган нарсалар учун ҳам судлашар, тортишар, бир-бирлари билан урушишар эди. Кўпинча бошқаларга қарши жангда ёрдам сўраб, динимиз-нинг душманларига ҳам мурожаат қилишарди... Муқаддас заминда фақат фосиқлар, муқаддас қадамжоларни булғов-чилар, ўғрилар, зинокорлар, падаркушлар, қасамхўрлар, ах-моқлар, бузуқ роҳиблар ва уятсиз диндорлар қолди».

Вильгельм Тирский уларни бундан ҳам «нозик» иборал-лар билан сийлади.

У салибчиларнинг издошларини «ҳар турли хурмача қи-ликларга ҳасад билан ташланувчи ҳақиқий ўнганмайдиған

авлод, зоти айниган шаккоқлар» деб атаб, шундай қўшимча қилган эди: «Улар қилаётган гуноҳлар шу қадар даҳшатли эдики, агар ёзувчи бу манзарани рўй-рост тасвирламоқчи бўлса, бу аҳволнинг оғирлигига чидай олмаган бўлур эди, у хикоя эмас, сатира ёзаётгандек туюлган бўларди».

Салиб юришларининг салбий натижалари

Шарқ халқларининг Ғарб халқларига нисбатан чуқур ва ҳақли нафрати салиб юришларининг ягона салбий натижаси эмас. Улар туфайли салиб юришларининг асосий йўлбошчилари бўлмиш Рим папалари ҳамда черков диний ҳокимияти ҳаддан ошиб кетди. Черков ўз сюзеренларининг сафарлар туфайли олинган қарзларни тўлаш учун сотишга мажбур бўлган ерлари ҳисобига бойиб борарди. Рим папаларининг қудрати, черковнинг эса бойлиги кескин ортиб кетиши натижасида Рим папаси халқлар ва қиролларни бошқаришни истаб қолди, черков ходимларининг порахўрлиги эса оддий ҳолатга айланди. Мана шу оқибатлар ўз навбатида кейинчалик реформацияга ва ундан кейин юз берган қонли курашларга сабаб бўлди. Салиб юришларининг энг оғир оқибатларидан бири дунёда кўп асрлик муросасизлик ва адоват ҳиссининг бардавом бўлиши эди. Бу адоват бундан аввал яҳудийликдан бошқа ҳеч бир динда кўрилмаган ваҳшийларча шафқатсизлик тусини олди.

Тўғри, салиб юришларига қадар ҳам адоват анча кучли бўлган, бироқ у бу қадар шафқатсизлик тусини олмаган эди. Салиб юришлари даврида бу адоват ёвуз нафратга айланиб, бугунги кунимизгача сақланиб қолди. Қон тўкишга ўрганиб қолган руҳонийлар диний эътиқодни тарғиб қилиш ва бидъат-хурофотларни йўқотиш учун илгари фақат ғайридин ва муртадларгагина қўлланган беаёв қирғин усулларини қўлай бошладилар. Салгина қаршилиқ ҳам уларнинг кўзига энг даҳшатли қатлга лойиқ ишдек кўрина бошлади.

Яхудийлар, альбигойлар XII–XIII асрларда Жанубий Франциядаги кофирлар ҳаракати ва турли тоифадаги еретикларни («шаккокларни») қирғин қилиш, инквизиция, диний урушлар ва Европани узоқ вақт давомида қора қонга белаган шафқатсиз тўқнашувлар – буларнинг барчаси салиб юришлари туфайли пайдо бўлган муросасизлик ва адоват ҳиссининг оқибатлари эди.

Салиб юришларига салибчилар кўзлаган мақсад, яъни Фаластинни забт этиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, очиқ-ойдин кўриниб турибдики, бу юришлар мутлақо самара бермади. Чунки Европа икки асрлик узлуксиз ҳарбий юришлар давомида берган сон-саноксиз инсоний ва моддий қурбонларга қарамай, насронийлар нима қилиб бўлса ҳам эгаллашга уринган мамлакатларда барибир мусулмонлар ҳукмрон бўлиб қолавердилар». *(Иқтибос тугади)*

САЛИБЧИЛАРГА ҚАРШИ УРУШЛАР

Зангийлар давлатининг салибчиларга қарши кураши
Ҳижрий 521–541 (милодий 1127–1146) йилларда Имо-дуддин Зангий раҳматуллоҳи алайҳ Шом юртларида салибчиларга қарши кураш олиб борди. У киши мусулмонларни бир сафга бирлаштирди.

Имодуддин Зангий Раҳони қайтариб олди, баъзи шаҳарларга таҳдид солди. Кейинчалик у кишининг ўғли Нуриддин Маҳмуд укаси Сайфиддин Ғозий ёрдамида ҳижрий 541–569 (милодий 1146–1173) йилларда жиҳодни давом эттирди.

Уруш ҳаракатларини бошқариш ишлари Шом юртларида, Мисрда олиб борилди. Улар Дамашқни муҳофаза қилиб, Ҳалабнинг мустамлака бўлишига йўл қўйишмади.

Айюбийлар давлатининг салибчиларга қарши урушда кўрсатган хизматлари

Мусулмонларнинг моҳир кўмондонларидан, ажойиб паҳлавонларидан бўлган Салоҳиддин Айюбий салибчиларга қарши урушларда жуда кўп машаққатлар чекди, ҳамма жангларда ғалаба қозонди. Ҳижрий 583 (милодий 1187) йилда бўлиб ўтган дунё тарихидаги энг машҳур урушлардан бири – Ҳиттийн жангида салибчилар енгилдилар ва Салоҳиддин Айюбий улардан Байтул мақдисни ва кўпгина Шом юртларини қайтариб олди.

Салоҳиддин Айюбийнинг бутун ҳаёти салибчиларга қарши курашиш билан ўтди.

Мамлукларнинг салибчиларга қарши олиб борган жанглари ва уларда тутган ўринлари

Салоҳиддин Айюбийдан кейин ҳам насронийларнинг бир қанча салиб юришлари бўлди. Лекин уларнинг бирортаси муваффақият қозонмади. Улардан энг охиргиси ҳижрий 649 (милодий 1251) йилда Франция подшоҳи Луи IX нинг Мисрдаги Димёт шаҳрига қилган ҳужуми бўлди. Туроншоҳ Айюбий унга қарши чиқиб, мамлуклар ёрдами билан уларни мағлубиятга учратди. Сўнг ҳижрий 701 (милодий 1301) йилда мамлуклар салибчиларга қарши жиҳод байроғини кўтаришди ва уларни Ислом машриқидан бутунлай қувиб чиқаришди. Мамлук султонларининг энг улуғи, амирларининг энг кучлиси бўлган Зоҳир Бийбарс салибчиларнинг энг хавфли душмани ҳисобланган. У Шом юртларининг кўп қисмини салибчилардан қайтариб олди. Ундан кейин Қаловун, Ашраф Халил ва Бирисбой каби қўмондонлар ҳам салибчиларга қарши курашдилар.

САЛИБ ЮРИШЛАРИ МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ ТАНАЗЗУЛГА ЮЗ ТУТИШИГА САБАБ БЎЛГАН АСОСИЙ ОМИЛДИР

Мусулмонлар Рим империясининг барча насроний мукаддас кадамжолар жойлашган шарқий қисмини фатҳ қилган пайтдан буён Европа Ислом умматига нисбатан кек сақлаб келарди. Лекин у пайтда мусулмонлар ҳар қандай хужумни даф қила оладиган даражада кучли эди. Шунинг учун Европанинг насроний халқлари уларга қарши чиқишга журъат қила олмасдилар. Бироқ XI асрнинг охирига келиб вазият ўзгарди. Фаластин ва Шомдаги мусулмон мамлакатларига хужум қилиш учун бутун Европа қитъаси бўйлаб салибчиларнинг улкан армиялари ташкил қилинди. 1099 йилда (хижрий 492 йил) салибчилар Қуддуси шарифни босиб олишди ва Фаластиннинг катта қисмини қўлга киритишди.

Стенли Лейн-Пул (1854–1931) уларнинг босқинчилик ҳаракатларини шундай тасвирлайди: «Салибчилар ёғочга ёриб кирган понадек бостириб киришар, баъзан улар Муҳаммад (солаллоҳу алайҳи васаллам) империясининг ўзагини парчалаб ташлайдигандек туюларди» (*«Саладин», 25-бет*).

Қуддуси шарифни ишғол қилган насронийларнинг ҳимоясиз мусулмонларга нисбатан қилган ваҳшийликлари ҳақида ишончли насроний тарихчи шундай ёзади: «Айтишларича, хунрезлик шу қадар даҳшатли бўлган эканки, Умар масжиди томон кетаётган салибчиларнинг отлари тиззаларигача қон кечиб борган экан. Гўдақларни оёқларидан ушлаб, деворларга уриб ўлдиришар ёки шаҳар деворидан улоқтиришарди, яхудийларнинг барчаси ўз синагоғларида тириклай ёқиб юборилди» (*Британия энциклопедияси, 9-нашр. Т-VI // «Салиб юришлари» мақоласи*).

Насронийларнинг Қуддуси шарифни эгаллаб олиши улкан аҳамиятга молик воқеа бўлди. У Ислом мамлакатларининг таназзулга юз тута бошлаганини намойиш этди. Бундан ташқари, ушбу воқеа Европанинг Рим таназзулидан кейин юз берган Ўрта аср ғафлатидан уйғонишига туртки бўлди. У бутун мусулмон дунёсига таҳдид солди. Шундан кейин насронийларнинг кайфияти шу қадар кўтарилиб кетдики, Крак хукмдори Режинальд муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини босиб олишни орзу қила бошлади.

Салиб юришлари икки юз йил давом этди. Бу даврда мусулмон олами мислсиз талафотлар кўрди. Инсоният тарихида бўлмаган хунрезликлар юз берди. Мусулмон оламидан бошқа олам бошига бунга ўхшаш мусибат тушса, йўқ бўлиб кетиши турган гап эди. Аммо Аллоҳ таолонинг дини Ислом асосида мусулмонлар бу мусибатга дош бердилар.

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ дейди:

«Диннинг мусулмонларга танбеҳи ва чақириғи:

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

«Аллоҳ Ўзининг розилигини истаганларни у билан салом йўллариغا бошлар ва уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқарур. Ҳамда сироти мустақимга ҳидоят қилур» (16-оят).

Китоб ва Суннат ўз ўқувчиларининг дилларини ширк ва бидъатларга, жаҳолат ва залолатга қарши инқилобга, жоҳилият ахлоқи ва анъаналарига қарши курашга, дабдабага берилганларнинг дабдабаси ва подшоҳларнинг истибдодига қарши инқилобга ундаб келди. У иккаласининг таъсири билан Ислом тарихининг барча даврларида ва Ислом оламининг барча томонларида ушбу умматнинг ичидан анбиёлар йўлидан юрадиган, унинг дин ишларини янгилаб турадиган, улардаги жидду жаҳд руҳини уйғотадиган, улар учун ижтиҳод эшигини очиб берадиган, хулафои рошидинларнинг услубларига мувофиқ исломий ҳукумат

барпо этиш учун ҳаракат қиладиган шахслар чиқиб турдилар. Уларнинг баъзилари бу йўлда шаҳид кетган бўлсалар, бошқалари хулафои рошидинларни ёдга солиб юборадиган қисқагина бир даврни кўрсатиб бера олдилар.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Уларнинг назрига вафо қилгани ҳам бор, уларнинг мунтазир бўлиб турганлари ҳам бор. Улар бирор нарсани алмаштирмадилар» (23-оят).

Ана ўшалар «Умматимдан бир тоифа токи Аллоҳнинг амри келгунча ҳақда зоҳир бўлган ҳолларида бардавом бўлур. Уларга хилоф қилганлар ва уларни хорлаганлар зарар етказа олмаслар» ҳадиси шарифининг тасдиғидирлар.

Бинобарин, Исломда жидду жаҳд ва янгиланиш тарихи ҳеч бир муддатда тўхтамади, ислоҳнинг машъаласини шамоллар ўчирмаган ҳолда олдинма-кейин узилмасдан келди».

Исломнинг юқоридаги иқтибосда зикр қилинган хислатлари мусулмонларда, айниқса уларнинг бошларига мусибат тушган пайтларда яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлар эди. Жумладан, салиб юришлари давомида ҳам шундай бўлди. Мусулмонлар душман асоратида қолган бўлсалар ҳам, Қуддуси шарифни ва бошқа ерларни кўлдан берган бўлсалар ҳам, рухий-маънавий жиҳатдан мағлуб бўлмадилар. Ўз динлари билан иззатли бўлиб турдилар. Хочга чўқинадиган, ахлоқи бузук душманларни одам ўрнида кўрмадилар. Душмандан енгилганларини ўзларидаги нуқсондан деб билдилар ва Ислом шариатига амал қилишни кучайтирсалар, ғалаба улар билан бирга бўлишига тўлиқ ишондилар ва шундай бўлди ҳам.

Салибчиларнинг асосий мақсадлари насронийлар учун муқаддас ҳисобланган маконларга эгалик қилиш, Ислом ва барча мусулмонларни йўқ қилиш бўлиб, улар Араб жазира-сига (яриморолига), Исломнинг бешигига ва Шомга яқин

давлатларга таҳдид солган эдилар. Европалик салибчилар амалда Қуддусни, Шомнинг шаҳар ва қалъаларини эгаллаб бўлиб, Расул соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадиналарига кўз олайтираётган эдилар. Улар Ислом ва мусулмонлар учун муртад бўлиш (диндан қайтиш) фитнасидан кейинги энг катта хатар эдилар.

Ана шу вақтда Аллоҳ таоло бу умматга, Исломга Имо-дуддин Отабек Зангийни ато этди. У салибчиларга қарши каттиқ курашди. Кўплаб урушларда уларни мағлуб этиб, Раҳо шаҳрини қўлга киритди. Ундан сўнг Отабек Зангийнинг катта ўғли, одил шоҳ Нуриддин Маҳмуд Зангий тахтга ўтириб, салибчиларни Шомдан чиқариб юбориш ва Қуддусни қайтариб олиш учун каттиқ ҳаракат қилди. У киши раҳматуллоҳи алайҳ ўз мақсадига эришмай туриб вафот этди. Нуриддин Маҳмуд Зангий бошлаган бу ишни охирига етказиш унинг яқин кишиларидан бўлган, Мисрнинг подшоҳи султон Салоҳиддин Юсуф ибн Айюбга қолди. Аллоҳ таоло у кишини ана шу буюк мақсад учун тайёрлаган, унда тадбиркорлик, қатъийлик, ихлос, холислик, Ислом ва унинг йўлида жонкуярлик, Исломнинг ғалабаси учун олийҳимматлик, куфр ва зулм аҳлига қарши курашга иштиёқ, чиройли етакчилик қилиш, тартибнинг кучлилиги, салоҳият, диёнат, юксак футувват, инсоний олийжаноблик, макоримул ахлоқ каби дунёдаги камдан-кам кишиларгагина бериладиган хислатларни мужассам қилган эди. Ана шундай хислатларга эга бўлган Салоҳиддин Исломнинг бир мўъжизаси эди. Ҳали Исломнинг даври интиҳосига етмагани, ўзининг ҳаётийлиги ва самарадорлигини йўқотмаганининг далили эди у. Узоқ муддатдан буён илк бор лашкарлари суқилиб кирган, подшоҳлари ва улуғ йўлбошчилари Ислом оламига ҳужум қилиш учун ташланган Европага қарши жанг қилиш учун Фурот дарёсидан тортиб Нилга қадар Ислом олами бирлашди. Бу жиҳод учун Салоҳиддиннинг байроғи остида аввал-

лари жам бўлмаган кўпмиллатли мусулмонлар бирлашдилар. Узоқ давом этган муддатдан сўнг исломий ғайрат-шижоат уйғонди. Салоҳиддин бу жиҳод учун ўша пайтларда Ислом олами қўлга киритган илм, ихтиро ва ҳарбий синоатни, ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган заковат, сабр ва тафаккурни ишга солди. Ҳижрий 583 йилда Ҳиттийнда салибчиларни қақшатқич мағлубиятга учратди. Уларнинг куч-қувватларини синдирди. Ўша йилнинг ўзида Қуддусни қўлга киритиб, Фаластинни эгаллади. Салибчилар фақат Сурнинг ичида чекланиб қолдилар. Европа бор бойликларини тўплаб, тиш-тирноғига қадар куролланди ва бош кўмондон, англиз қироли Ричард бошчилигида улкан кўшин тўплади. Салибчилар билан мусулмонлар ўртасидаги гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг ғалабаси билан давом этиб турган бу уруш ҳижрий 588 йилда (милодий 1192 йил 2 сентябрь) сулҳ тузилгунига ва салибчиларнинг кўшинларидан катта қисми Фаластиндан чиқиб, Ричард ўз мамлакатига қайтиб кетгунига қадар давом этди. Шундан сўнг бир йил ўтиб, Салоҳиддин вафот этди.

Ушбу ўринда англиз тарихчиси Стенли Лейн-Пулнинг Салоҳиддин ҳақида ёзган китобида ушбу сулҳ тўғрисида айтган сўзларини нақл қилсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

«Беш йил давом этган Муқаддас уруш ниҳоясига етди. Мусулмонлар милодий 1187 йилнинг июль ойидаги Ҳиттийн урушида ғалаба қозонишларидан олдин Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ердан бир кийротига ҳам эга эмас эдилар. Аммо милодий 1192 йилнинг сентябрида Рамлада сулҳ тузилгач, улар Сурдан то ҳали ҳам насронийларнинг қўллари остида турган Ёфага қадар чўзилган бироз ерларни ҳисобга олмаганда, бутун бир мамлакатни қўлга киритиб бўлган эдилар. Ушбу сулҳ битими Салоҳиддин хижолат тортиб, афсус қилмаса ҳам бўладиган ишлардан эди. Салибчилар эгаллаган ерларнинг каттагина қисми европаликларнинг

тасарруфида эди. Йўқотилган моллар ва жонларга нисбатан олинганда натижа жуда ҳам арзимас эди. Шунинг учун Папа салиб юришига тарғиб қилганида бутун европаликлар Муқаддас заминга қараб ўрмаладилар. Император Фридрих, инглиз, француз ва Сиқиллия қироллари, австриялик герцог Леопольд, граф Флеминглар юзлаб зодагонлар ва машхур кишиларни, насроний халқларнинг амирларини, насроний Қуддус ҳукуматининг шоҳини, Фаластиндаги насроний ҳукуматларнинг қиролларини, тамплиерларнинг рицарларини, госпитальерлар табақаси ва уларнинг ботирларини ишга солди. Ана ўшаларнинг ҳаммалари Қуддусни эгаллаш, маркази Қуддус бўлган ва инкирозга юз тутган насроний ҳукуматини гуллатиб-яшнатиш учун ўз имкониятларидаги барча нарсани ишга солдилар. Аммо мазкур уринишларнинг оқибати нима бўлди? Император Фридрих бу вақт ичида вафот этди. Инглиз ва француз қироллари ўз юртларига қайтиб кетдилар. Уларнинг зодагонлар ва амирлардан иборат кўпгина маслакдошлари Ийлия ерларида дафн этилди. Қуддус эса олдингидек Салоҳиддиннинг тасарруфида қолди. Насронийларнинг улуши фақат соҳил бўйидаги кичик Акка ҳокимлиги бўлиб қолди, холос.

Насронийлар олами мусулмонларга қарши бир тану бир жон бўлиб қарши турган бўлсалар-да, Салоҳиддинни ўз ўрнидан қимирлата олмадилар. Салоҳиддиннинг қўшини узок вақт давом этган жангу жадал ва улкан машаққатлардан ҳориб бўлган эди. Узок йиллар жуда қудратли душманга қарши туриб, курашиб, ўзини ҳимоя қилиб келаётганди. Бирок ҳеч бир аскарнинг бирор марта шикоят қилгани ёки нолигани эшитилмади. Салоҳиддин ҳар сафар жиҳодга чақирганида, ҳар гал жанг қилишга тарғиб этганида, улар бирор кун кеч қолмадилар, молу жонларини қизғанмадилар. Дажланинг узок водийларидан бирида Салоҳиддинга тобе бўлган амирлардан бирортаси ушбу охири кўринмайдиган урушдан озгина шикоят

қилган бўлса, эҳтимол. Лекин улар ҳам қачон талаб қилинса, султонга ёрдам бериш учун ўз қўшинларини юбориб туришди. Мосул қўшинлари охириги Арсуф жангида бутун шижоати ва жасорати билан уруш қилган эди. Миср, Ироқ, шунингдек, Шомнинг шимоли ва марказидаги қўшинларидан мадад етиб келишига султоннинг ишончи комил эди. Туркманлар, араблар ва мисрликлар султонга вафодор мусулмонлар эдилар. Султон уларни қачон чақирса, содиқ кулларидек етиб келишарди. Султон Салоҳиддин ана шу турли миллатларни ажойиб тарзда омухта қилган, ораларидаги ички келишмовчиликлар ва қабилалараро рақобатларга қарамасдан уларни бирлаштирган, натижада улар бир тану бир жонга айланган эдилар.

Албатта, султон ушбу миллатларни бирлаштиришда бироз қийинчиликларни бошидан кечирди. Айрим муносабатларда ихтилоф аломатлари намоён бўлиб қолганди. Бир гал Ёфада қўшин итоатсизлик ҳам қилган эди. Бироқ буларнинг барчасига қарамасдан, ана шу турли миллатлардан ташкил топган уммат милодий 1192 йилнинг кузига қадар султоннинг итоатида бўлди. Салоҳиддин жиҳодга чақирган милодий 1187 йилга қадар Аллоҳнинг йўлида жанг қилишда давом этди. Ана шу узок вақт мобайнида бирор бир вилоятнинг исён кўтаргани, ё қўл остидаги бирор бир давлат ёки бирор бир бошликнинг ғалаён қилгани тарихда қайд этилмаган. Уларнинг қатъият ва самимиятларига таяниб қилинган катта умидлар ўта содиқ кишилар ва мустаҳкам қалқонларга ҳам боғлиқ эди. Бизнинг Ироқдаги яқинларидан бири унга қарши кўзгалон қилгани, аммо султон Салоҳиддин уни афв этиб юборгани ва бу одамнинг тинчиб кетганини яқинда билдик, холос. Ана шулар орқали бизга султоннинг ўз давлати ва фуқаролари орасида ғаройиб нуфузга эга бўлгани маълум бўлади.

Беш йил давом этган уруш ниҳоясига етди. Унинг барча машаққат ва изтироблари тугади. Султон эса Курдистон тоғларидан то Навба саҳроларига қадар ягона подшоҳ бў-

либ қолаверди. Курдларнинг, арманларнинг подшоҳи, Кўния султони ва Қўстантиния подшоҳи ана шу ҳудудлар ортида Салоҳиддинга яқин бўлишга, унга ёрдам беришга ҳаракат қилар эдилар. Миннат бўлиб қолмасин деб Салоҳиддин буни қабул қилмади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, улар бирор марта ҳам Салоҳиддинга мадад бериш учун келмаганлар. Улар фақат уни табриклаш учун ташриф буюрар эдилар, холос.

Салоҳиддин ушбу урушнинг қаҳрамонига айланган, жангу жадал сахнасида пайдо бўлган иккинчи шахс эди. Ҳеч қайси раҳбар ва бошлиқ уни қўлга ололмаган. Салоҳиддиннинг ҳузурда ҳарбий мажлис ўтказишар, жангу жадал билан боғлиқ ишлар ҳақида маслаҳатлашар эдилар. Мажлисида айтилган фикрлар жуда кам ҳолатларда султоннинг тўғри фикридан устун келиши кузатилар эди (худди Сур ва Акка олдида бўлгани каби). Салоҳиддин ана шу мажлис аъзоларининг барчасини тенг кўрган. Ака-укалар, ўғиллар, биродарларнинг ўғиллари, эски маслакдошлар, янги ҳокимлар, оқиллар, заковатли қозилар, вафодор ва ғайратли суянчиқлар, воизлар ва уламоларнинг барча-барчалари жиҳод масаласида у киши билан ҳамфикр эдилар. Улар Салоҳиддиннинг байроғи остида елкама-елка туриб жанг қилдилар. Ўзларидаги бор куч-қудрат, ихлос ва самимият билан унга хизмат қилдилар. Салоҳиддин барчанинг саййиди ва амири эканини ҳамма билар эди. Турли муносабатларда, қийин дақиқаларда ва қақшатқич урушлар вақтида ягона куч уларни бирлаштириб, бошқариб турарди. Бу куч Салоҳиддиннинг буюк қалби ва метин иродаси эди». *(Иқтибос тугади)*

Салоҳиддиндан сўнг Ислом оламидаги бошқарувнинг қашшоқлашуви

Салоҳиддин ўз вазифасини юксак даражада адо этиб бўлгач, дунёдан кўз юмди. Ислом жамияти ва марказига таҳдид солиб турган аниқ ва яқин хатар баргараф бўлди. Мусул-

монлардан фойдали сабоқларни олган, ҳар икки тарафнинг ожиз ва кучли тарафларини ўрганган салибчилар милодий XIX асрда бўлиб ўтган янги салибчилар урушига ҳозирлик кўриш учун ортларига қайтиб кетишди. Мусулмонлар эса аввалги юриш-туришларига – тафриқага, ўзаро кураш, ўзаро жангу жадал ва ғафлатларига қайтдилар. Салоҳиддиндан кейин Ислом дунёсига Ислом учун мухлис, унинг манфаатини ўз ҳавои нафсидан устун қўядиган, Салоҳиддин каби Аллоҳнинг куч-қуввати ила барча калбларни ўз атрофида бирлаштирадиган, ўзидаги буюк маҳорат билан Исломнинг мулки ва шарафини ҳимоя қиладиган, барчага суюкли етакчи насиб қилмади. Бутун Ислом дунёси таназзулга юз тутиб, вақт ўтиши билан бу таназзул чуқурлашиб борди.

Мусулмонлар ўз тарихлари давомидаги энг чуқур таназзулдан, икки юз йил давом этган салиб юришларига қарши курашдан эндигина чиққанларида бошларига тарихда қузатилмаган катта мусибат тушди. Мусулмон оламига мўғул босқинчилари бостириб кирдилар.

МЎҒУЛЛАРНИНГ ВАЙРОНГАРЧИЛИКДАН ИБОРАТ ҒАЗОТЛАРИ ВА АББОСИЙЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ

(ҳижрий 656; милодий 1258)

Мўғуллар Ўрта Осиё минтақасига мансуб халқ бўлиб, уларнинг асл ватани Мўғулистон – Хитой тарафдаги ерлардир. Улар катта жамоалардан иборат бўлиб, турли-туман қабилаларга мансуб эдилар. Уларнинг ҳаммасини ҳижрий 603–624 (милодий 1206–1227) йилларда Чингизхон бирлаштирган ва Қорақурумни ўзига пойтахт қилиб олган. Мўғуллар шафқатсизлиги, алдамчилиги билан танилган саҳровий кўчманчи қабилалардан иборат бўлган. Улар тажовузга, товламачиликка, кишиларнинг қонини тўкишга ниҳоятда ўч, дуч келган нарсани, ҳатто ит гўштини ейиш-

дан ҳам қайтмайдиган халқ эди. Уларнинг ичида бутларга, юлдузларга, қуёшга сиғинадиганлари ҳам, ибोҳийлик – «ҳамма нарса мумкин» деган эътиқодга амал қиладиганлари ҳам жуда кўп бўлган.

XIII асрнинг бошларига келиб (1206–1215) Мўғулистонда Чингизхон ҳукмронлигида кўчманчи мўғулларнинг улкан давлати пайдо бўлди. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида Хоразмшоҳлар давлати мавжуд бўлиб, ўзаро урушлар ва ўзбошимчалик, бебошлик оқибатида бу кудратли салтанат инкирозга юз тутта бошлаган эди. Чингизхон билан Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасида қисқа муддат (1215–1218) давом этган элчилик муносабатлари охир-оқибат фожиали тугади. Ҳарбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул қўшинлари Хоразмшоҳлар давлатидаги иктисодий, сиёсий ва ижтимоий тушкунлик вазиятидан фойдаланиб, қисқа муддатда (1218–1221) Ўрта Осиё ерларини босиб олдилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожланиб келган Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлар – Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзганд, Урганч, Кеш қабилар вайрон қилинди. Дехқончилик воҳалари харобазорга айланди. Мўғул босқинчилари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч қандай шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн Асир (1160–1214) Ўрта Осиёдаги мўғул босқини ҳақида шундай ёзади:

«...Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун қаби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар (мўғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдиришмади, вайрон этишди. Улар ниманинг ёнидан ўтишса, ўзларига ёкмаган нарсаларга ўт қўйишди».

Ўрта Осиё халқлари мўғул босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Хусусан, Ўтрор ҳокими Инал-

хон, Бухоро мудофаачилари – Ихтиёриддин Қушлу, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчихон, Хўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмиддин Кубро, шаҳзода Жалолоддин кабилар ватан мустақиллиги ва озодлиги учун қон тўкиб курашдилар. Аммо улар она юрт озодлигини сақлаб қола олмадилар. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди. Зарафшон, Марв, Хоразм воҳаларида суғориш тармоқлари бузиб ташланиши натижасида ям-яшил далалар, боғ-роғлар харобазорга айланди. Бу даврда илм-фан ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади. Боскинчилар тўс-тўполони вақтида Бухорода, Самарқандда, Урганчда бир нечта кутубхоналар, жумладан, Бухорода «Масъудия» мадрасаси ва катта бир кутубхона ёниб кетди.

Мўғуллар Ислом юртларига Ислом халифалигини тугатиш мақсадида қилган юришларининг илк даврида аввало Мовароуннаҳр, Хуросон ва Форс юртларини ишғол қилишди. У ердаги Хоразмшоҳлар давлатини битириб, Кичик Осиёга эга чиқишди. Навбат Ироққа келди.

БАҒДОДНИНГ ВАЙРОН ҚИЛИНИШИ ВА ХАЛИФАНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ

Хулагу жуда катта лашкар билан Бағдодга ҳужум қилди. Дастлаб у ғалаба қозона бошлади. Халифа Мустаъсим Биллаҳ унга таслим бўлди ва мўғулларнинг лашкаргоҳига чиқди. Сўнг лашкарбошилар, фуқаҳолар ва аъёнлар чиқдилар. Бағдод ҳимоячилардан бўшаб қолди. Хулагу халифани ва у билан бирга бўлганларни ҳам ваҳшиёна қатл қилди. Лашкарига Бағдодда кўнгиллари тусаган ишни қилишга буюрди. Улар шаҳарни вайрон қилдилар, ўт қўйдилар. Талаш, қотиллик, хунрезлик қирқ кун давом этди. «Ўша кунларда қатл қилинган одамларнинг сони икки миллионга етди», дейишади баъзи тарихчилар.

Мустаъсимнинг Ибн Алқамий исмли рофиза мазҳаби-га мансуб вазири мўғуллар билан тил бириктириб, уларга мана шу ишларда катта ёрдам берганини тарихчилар афсус билан эслайдилар. Шундай қилиб ҳижрий 656 (милодий 1258) йилда аббосийлар халифалиги тугади.

МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ ТУШКУНЛИККА ТУШИШИДАГИ ИККИНЧИ КАТТА ТАШҚИ ОМИЛДИР

Исломнинг ҳужайраси таназзул даврларида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмади. Подшоҳлар ва фотиҳлар ичидан ўзларининг сийратлари ва ахлоқлари билан, динлари ва тақволари билан саҳобалар ва салафи солиҳларга ўхшаб кетадиган шахслар пайдо бўлиб турди. Ислом дунёсида ўз исмлари билан тарихга зийнат бўладиган кишилар чиқиб турди.

Мусулмонлар ўзларининг илк сийратлари ва намунали йўлларидан оғишган бўлишларига қарамай, ўзлари билан замондош бўлган жоҳил умматлардан тубдан фарқ қилар, улар анбиёларнинг йўлига энг яқин ва Аллоҳга энг итоаткор кишилар эдилар. Уларнинг борликлари ва давлатлари жоҳилиятнинг кенг тарқалиши ва гуллаб-яшнаши йўлидаги энг катта тўсиқ эди. Баъзи нуқсонларига қарамай, мусулмонлар дунёдаги энг катта куч бўлиб, бошқа давлатлар улардан ҳаёқиб турар, улар билан ҳисоблашишга мажбур эдилар.

Исломнинг ўз куч-қудратини йўқотиши

Исломнинг куч-қудрати бошқалар сезмаган ҳолда заифлашиб бораверди. Ҳижрий VII асрда мўғул-татарлар энг сўнгги исломий мамлакат бўлган Хоразмшоҳлар ҳукумати-ни парчалаб ташладилар. Мусулмонларнинг куч-қудрати синиб, Бағдод уларнинг қўлларига тушганида хавфли шарпа йўқолди. Худди экинзор даладаги қўриқчи қулаб тушга-

нида кушлар ва ҳайвонлар экинзор далага ўзларини ургандек, душманлар мусулмонларга ва уларнинг юртларини яксон қилишга ўзларида журъат топдилар.

Мўғуллар мусулмонларнинг меросларига эга чиқиб, ҳукумат ишини улардан олиб қўйишди. Шунинг ўзи инсониятнинг бахтсизлиги ва умидсизлиги учун етарли эди. Оламнинг бошқаруви дини, илми, маданияти ва маънавияти йўқ бўлган жоҳилу ваҳший уммат қўлига ўтиши дунёнинг хароб бўлиши учун кифоя эди.

Мўғуллар ваҳший босқинчилар ичида энг ёвузи эди. Улар ўзлари туғилиб-ўсган чўллардан мўр-малахдек (чигирткадек) ёпирилиб келиб, бутун Ислом олами бўйлаб тарқалиб кетишди. Бу даҳшатли офат мусулмонларни кўрқув ва чорасизликдан бўғилишга мажбур қилди.

Ибн Асир айтади: «Бу фалокат шу қадар даҳшатли эдики, мен у ҳақда ёзишга узоқ вақт ботинолмай юрдим. Ҳозир ҳам бу ҳақда ёзишни мутлақо истамайман. Дарҳақиқат, Ислом ва мусулмонларнинг ҳалокат фожиасини, унинг хорланган ва шармандали тарихини тасвирлашга кимнинг ҳам қўли борарди? Қанийди, бу фалокатлар юз бермасидан олдин туғилган ёки ўлиб, унутилиб кетган бўлсам... Бироқ дўстларим мени бу ҳақда ёзишга кўндиришди. Ўзим ҳам бу фожа ҳақида индамай туришдан ҳеч қандай фойда йўқлиги ҳақида ўйлар эдим.

Бу тарихда мисли кўрилмаган офат бўлди. У бутун инсониятга ва шу жумладан, мусулмонларга ҳам катта талафот етказди. Одам Атодан бугунги кунимизгача бундан бошқа яна шундай воқеа содир бўлган, деган одам хато қилади. Тарихдаги ҳеч бир ҳодисани унга қиёслаб бўлмайди. То қиёматга қадар ҳам (яъжуж-маъжужнинг зоҳир бўлишидан ташқари) бундай даҳшатли қирғин бўлмаса керак. Бу ёввойилар ҳеч кимни аяшмади. Улар ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, ичидаги боласини ўлдиришарди («Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта биз Унга қайтувчимиз. Ал-

лоҳдан бошқада ҳол ва қувват йўқ»). Бу оламшумул мусибат, дунё миқёсидаги фожиа эди. У бўрондек пайдо бўлиб, бутун дунё бўйлаб шиддат билан учиб ўтди» («Ал-Комил», Т-ХIII, 202–203-бетлар).

Енгилмас мўғул-татарлар 650 йилда Бағдодга бостириб кириб, уни тошлар уюмига айлантириб ташлашди. Ибн Асир Бағдоднинг талон-тарож қилинишини қуйидагича тасвирлайди:

«Бағдодда ўлим ва вайронгарчилик қирқ кун ҳукм сурди. Шундан сўнг дунёнинг энг гўзал маскани бўлган бу шаҳар шу қадар вайрон бўлиб, ер билан яксон қилиндики, унда бир ҳовуч одамгина тирик қолди. Кўчалардаги ўликлар уюми уйларнинг томигача кўтарилди. Ёмғир ёғар, мурдалар ириб-чириб ётар, уларнинг бадбўй ҳиди теварак-атрофни тутиб кетган эди. Шом ўлкасигача етиб борган даҳшатли эпидемия йўлида учраган одамларни қириб ташлади. Мамлакатни қаҳатчилик, вабо ва ўлим қамраб олди».

Ибн Асир раҳматуллоҳи алайҳнинг ёзганлари мўғул-татарларнинг фақат Ислом давлатининг пойтахти Бағдодда қилган ваҳшийликлари ва бузғунчиликлари, холос. Мўғул-татар босқинчилари у ерга етиб боргунча мусулмон оламининг бошқа ерларини ундан ҳам баттар вайрон этиб, талон-тарож қилишган эди. Хоразм, Бухоро ва Самарқандга ўхшаш жойларнинг одамларини устара билан сочи қиргандек қирганлар, шаҳар ва қишлоқларни ер билан яксон қилганлар. Мўғул-татарларнинг оёғи етган жойлар тўлалигича вайронага айланган. Мусулмонлар олти асрдан кўпроқ вақтда барпо қилган илм-фан, маданият, санъат дурдоналари чилпарчин қилинган. Мусулмон умматининг илм-маърифатли, куч-қувватли, ақл-заковатли фарзандлари мўғулларнинг қурбонига айланган.

Мўғул-татарларни ва уларнинг ваҳшийликларини кўрганларнинг кўплари қиёмат яқин қолганда чиқадиган яъ-

жуж-маъжужлар шулар бўлса керак, деган хулосага келганлар. Тарихчиларнинг ёзишича, ҳолат шу даражага етганки, агар бир мўғул эркак ёки аёл гузарда тўпланиб турган мусулмонларни кўриб, «Шу ерда қимирламай туринарлар, мен қиличимни олиб келиб, ҳаммангни ўлдираман» деса, мусулмонлар унинг айтганини қилиб тураверганлар.

Мусулмонларнинг таназулини яхшилаб ўрганган баъзи олимлар бу улкан мусибатнинг иккита асосий сабаби борлигини, бири – Қуръони Карим ва Суннатдан узоқлашиш, иккинчиси – мўғуллар босқини эканини алоҳида таъкидлайдилар. Ҳақиқатда ҳам, умрида таълим-тарбия нима эканини билмаган мўғуллар мусулмон оламининг кулини кўкка созуриб ташлаган эди. Уларнинг қадами етган ҳар бир жой ҳамма нарсасидан бутунлай мосуво бўлганди. Мусулмон оламининг энг яхши фарзандлари кириб ташланган, илм, маърифат, фан ва санъат, меъморчилик ва тамаддуннинг бошқа барча соҳалари маҳв этилган эди.

Аmmo шу билан бирга, мусулмонлар уруш майдонида енгилган бўлсалар ҳам, руҳий-маънавий майдонда енгилмадилар. Улар босқинчи мўғулларга паст назар билан қарар, «Бу мушрик чигирткалар ким бўлибди, шулар ҳам одамми, Аллоҳ таоло бизни ўзимиздан ўтган хатолар туфайли улар билан синамоқда, холос. Агар биз ўзимизни ислоҳ қилсак, динимизни маҳкам тутсак, буларни албатта йўқ қиламиз», деган фикрда эдилар.

Шундай бўлди ҳам. Мусулмонлардан динини маҳкам ушлаганлари бошқаларга ўрнак бўлдилар, уларга танбех бердилар. Аста-секин ишларини тuzатдилар ва мўғулларнинг кунини кўрсатиб қўйдилар.

Айну Жолут – тарихдаги энг аҳамиятли жанг

Миср султони Музаффар Сайфуддин Қутуз раҳматуллоҳи алайҳ бошчилигида ҳижрий 658 йил 15 Рамазон (мило-

дий 1260 йил 30 август) куни Фаластиннинг Айну Жолут номли жойида мўғулларга қарши бўлиб ўтган жанг нафақат Ислом тарихида, балки жаҳон тарихидаги энг аҳамиятли жанглардан ҳисобланади. Ўша пайтда мўғуллар дунёдаги енгилмас куч эдилар. Улар қаерда, қачон ва ким билан жанг қилсалар ҳам, албатта ғолиб келишарди.

Мўғуллар ўз юртларидан чиқиб, Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа диёрларни вайрон этдилар, Бағдод, Дамашқ каби Ислом марказларини кун-паякун қилдилар. Бошқа жойларни ҳам забт этиб, аҳолини қириб, диёрларни вайрон этиб бўлганларидан сўнг Мисрга кўз олайтира бошладилар.

Мўғулларнинг лашкарбошиси Хулагухон қирқта элчи орқали Миср султони Музаффар Сайфуддин Қутузга таҳдид номаси юборди. Сайфуддин Қутуз амирлар билан маслаҳатлашиб, мўғулларга қарши уруш бошлашга қатъий қарор қилди. У амирларга жангга ҳозирланиш, Миср ва Шомдан аскар йиғиш ҳақида буйруқ берди. Аллоҳ таоло ва Унинг Расули йўлида жиҳод эълон қилди. Мол жамлаб, аскар учун керакли нарсаларни сотиб ола бошлади. Ўша вақтнинг катта уламоларидан бўлган Иззуддин Абдуссалом жанг учун тақинчоқлар ва гавҳарларни сотиш ҳақида фатво чиқарди.

Икки тараф юриб келиб, ҳижрий 658 йил 15 Рамазон, жума куни Фаластиннинг Ноблус ва Бийсон шаҳарлари орасидаги Айну Жолут – «Жолут булоғи» деган жойда тўқнашдилар. Икки тарафнинг аскарлари сони йигирма мингдан эди. Хулагу Қорақурумга кетгани учун мўғулларга Қутбуға қўмондонлик қиларди.

Малик Музаффар Сайфуддин Қутуз ўз лашкарини иккига тақсимлади. Биринчи қисм Зоҳир Бийбарс раҳбарлигидаги олд қисм бўлиб, душман томон бостириб бориши керак эди. Иккинчиси эҳтиёт қисм бўлиб, водийларда ва тепаликлар ортида душманни пойлаб турарди.

Зоҳир Бийбарс ўз аскарлари билан душман томон бос-тириб борди ва ўзини қочган қилиб кўрсатиб, ҳийла йўли билан уларнинг отлиқларини пистирма томон етаклаб келди. Шунда шай бўлиб турган Сайфуддин Қутуз ўз одамлари билан бирдан ҳамла қилиб, мўғул отлиқларни қириб ташладилар. Қутбуға эса «Одамларим ғалаба қозонмоқда» деган хаёл билан олдинга ташланди. Шунда мусулмон аскарлар уларни ўраб олдилар.

Жанг давомида мусулмонларнинг ҳоли оғирлаша бошлади. Шунда Сайфуддин Қутуз ўзи олдинга отилиб чиқди. Дубулғасини ерга урди-да, бор овози билан «Воо Исламооох!!!» дея наъра тортиб, душман томон ҳамла қилди. Унинг ортидан мардонавор аскарлари ҳам душманга ташландилар. Мўғулларнинг кўмондони Қутбуға қатл қилинди. Унинг амирлари ҳам ўлдирилди. Мўғуллар умрларида биринчи марта чекина бошладилар. Мусулмонлар Бисонгача уларни қатл қилиб, асир қилиб бордилар. Ўша ерда мўғулларнинг қолган-қутган аскарлари билан яна жанг қизигандан қизиди. Мусулмонлар жон-жаҳдлари билан жанг қилдилар. Ниҳоят Аллоҳ таоло уларга буюк нусрат ва улкан ғалабани ёр қилди...

Вақт ўтиши билан мўғуллар ҳам Аллоҳ таолонинг охирги ва мукамал динини тан олиб, мусулмон бўлдилар ва бора-бора ерлик мусулмонларга аралашиб кетдилар. Бу ҳам инсоният тарихида мисли кўрилмаган иш бўлиб, Ислоннинг буюк ғалабаси эди. Тарихда ҳеч қайси аввалига ғолиб саналган халқ ўзи мағлуб қилган халқнинг динига бу шаклда кирмаган эди.

БЕШИНЧИ ФАСЛ

ИККИНЧИ АББОСИЙЛАР АСРИДАГИ МУҲИМ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР

Ушбу иккинчи аббосийлар асрида – ҳижрий 247–656 (милодий 861–1258) йиллар асносида жуда кўп давлатлар мустақил бўлиб олди. Улардан муҳимларини айтиб ўтамиз.

Ҳижрий III (милодий IX) асрдаги давлатлар:

1. Тоҳирийлар давлати. Хуросонда, ҳижрий 205–259 (милодий 820–873) йиллар.

2. Яъфурийлар давлати. Санъода, ҳижрий 225–393 (милодий 839–1003) йиллар.

3. Зиёдийлар давлати. Зубайдда, ҳижрий 203–412 (милодий 818–1021) йиллар.

4. Зайдийлар (толибийлар) давлати. Табаристонда, ҳижрий 250–316 (милодий 864–928) йиллар.

5. Тулунийлар давлати. Миср ва Шомда, ҳижрий 254–292 (милодий 868–905) йиллар.

6. Саффорийлар давлати. Эрон, Ҳирот, Мовароуннаҳрда, ҳижрий 254–298 (милодий 868–910) йиллар.

7. Сомонийлар давлати. Мовароуннаҳрда ва бошқа жойларда, ҳижрий 261–390 (милодий 874–1000) йиллар.

8. Зайдийлар давлати. Бану Рас, Саъда ва Санъода, ҳижрий 280–1382 (милодий 893–1962) йиллар.

9. Убайдий-фотимийлар давлати. Мисрда, ҳижрий 297–567 (милодий 909–1171) йиллар.

Мазкур давлатларнинг тарихи ҳақида қуйида қисқача маълумотлар келтирилади.

ХУРОСОНДАГИ ТОҲИРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 205–259; милодий 820–873)

Маъмун ўзининг машҳур лашкарбошиси Тоҳир ибн Хусайнни 205 йилда Хуросонга амир қилиб юборди. Бу унинг жуда кўп ҳарбий ёрдамлари ва ҳаракатларининг мукофоти эди. Кейин амирлик унинг зурриётларига ўтиб, ҳижрий 259 йилгача давом этди. Улар ўз амирликлари билан мустақил бўлиб олган эдилар. Бу халифага қарши чиқиш бўлиб, лекин мустақиллигини эълон қилмас эдилар. Охири Яъқуб ибн Саффор уларни қириб йўқотди ва уларнинг давлати ўрнига саффорийлар давлатини тузди.

САНЪОДАГИ ЯЪФУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 225–393; милодий 839–1003)

Санъодаги яъфурийлар давлатига ҳижрий 225–247 (милодий 839–861) йилларда Иброҳим ибн Яъфур Хумайрий асос солган. Аббосий волийнинг ноибни ҳисобланган Иброҳим ибн Яъфур Хумайрий кейинчалик бу давлатни мустақил қилиб олди. Ҳижрий 247–259 (милодий 861–873) йилларда давлатни унинг набираси Яъфур ибн Абдурахим бошқарган. Улар ҳижрий 247 йилда ҳақиқий мустақилликка эришгунларига қадар Оли Зиёдга жия тўлаб туришган. Яъфурийлар билан зайдийларнинг орасида жуда кўп жанглар бўлган. Улар ҳижрий 393 йилда қарматийларни тугатганлар. Кейинроқ улар зайдий имомлардан имом Аъённига бўйсунганлар. Маълум вақт ўтгач, бу давлат инкирозга учраган.

ЗУБАЙДДАГИ ЗИЁДИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 203–412; милодий 818–1021)

Бу давлатга Муҳаммад ибн Абдуллоҳ асос солган бўлиб, у Зиёд ибн Абийҳнинг авлодидан бўлган. Халифа Маъмун уни Зубайд минтақасига алавийлар ҳаракатини йўқотиш учун юбориб, у ердаги бошқа ишларни ҳам ислоҳ қилишни буюрган эди. У эса минтақага эга чиқиб олиб, у ерда Зубайд шаҳрини курди ва мустақил давлатга асос солди. Унинг даврида ҳукумат ҳам, нуфуз ҳам ўзи учун бўлди.

Сўнгра давлатни бошқариш ёш бола – Абдуллоҳ ибн Исхокқа ўтди. Уни опаси ўз қафолатига олди. Оталарининг Ҳусайн ибн Салома Нубий исмли кули бўлиб, кейинчалик бошқарув унинг қўлига ўтди. Ҳамма нарсани унинг ўзи бошқарадиган бўлди. У турли бош кўтаришларга, норозиликларга қарши кескин чоралар қўллар эди. Яманнинг кўп қисмини ва Ҳижознинг баъзи жойларини ўзига бўйсундирди. У кўпгина ислохотларни ҳам амалга оширган. Унинг ўлиmidан кейин Бану Зиёд давлати қулади.

ТАБАРИСТОНДАГИ ЗАЙДИЙЛАР

(ТОЛИБИЙЛАР) ДАВЛАТИ

(ҳижрий 250–316; милодий 864–928)

Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳунинг наслидан бўлган Ҳасан ибн Зайд зайдийлар давлатини барпо қилди. У бу давлатни аббосийлар мулкидан ажратиб олди. Бу давлатнинг ерлари Каспий денгизининг жанубий тарафидан ўрин олган Табаристон ва Дайламда жойлашган эди. Ҳасан ибн Зайддан сўнг унинг укаси Муҳаммад ибн Зайд ҳукмдор бўлди. Мурод Увайж ибн Зиёр деган одам улардан ҳокимиятни тортиб олгунга қадар бу сулола ҳукмдорликда да-

вом этди. Мурод Увайж ибн Зиёр зайдийларнинг лашкар-бошиларидан эди. У ҳижрий 316–323 (милодий 928–935) йиллар орасида ҳукмронлик қилган. Мурод Увайж ибн Зиёрнинг зурриётлари ҳижрий 471 (милодий 1078) йилгача ҳукмронлик қилди. Ундан кейин давлат бошқаруви исмоилийлар қўлига ўтди.

МИСР ВА ШОМДАГИ ТУЛУНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 254–292; милодий 868–905)

Тулунийлар давлати Мисрда мустақил бўлган биринчи исломий давлатдир. Аббосий халифа ҳижрий 254 йилда бир турк кишини Мисрга амир қилди. Бойкабак исмили бу одам ўз навбатида Аҳмад ибн Тулунни ўзига ноиб қилиб олди. Аҳмад ибн Тулуннинг отаси Туркистондан келган кул бўлиб, у халифа Маъмуннинг кўриқчилари бошлиғи бўлган. Аҳмад ибн Тулун Мисрни ўзига мустақил давлат қилиб олгач, у ерда жуда катта қўшин тўплади ва Шом юртларини ҳам эгаллаб олди. Сўнгра шимол тараф – Румга қараб юриб, Туртусда ғалаба қозонди. Румдаги чегараларни химоя қилишни ҳам ўз зиммасига олди. Унинг ҳукмронлиги ҳижрий 254–270 (милодий 868–883) йиллар орасида кечди. Ундан кейин давлат бошқаруви ўғли Хумарвайҳга ўтди. Унинг даври ҳижрий 270–282 (милодий 883–895) йилларга тўғри келди. Хумарвайҳ билан аббосий халифа Муътазид ўртасида бир қанча урушлар ҳам бўлди, сўнг улар сулҳ туздилар. Халифа Муътазид ибн Муътаמיד Хумарвайҳнинг кизига уйланди. Ушбу занжия аёл тарихда номи қолган энг машҳур аёл ҳисобланади. Унинг ақл-идрокига, фаросатига ҳеч ким тенг кела олмаган. Бу аёлга эришиш учун жуда кўп сарф-харажатлар бўлган. Бундай ҳол фақатгина Ҳорун ар-Рашид мана шу занжия аёлни, яъни Зубайдани никоҳига олаётганида ёки Маъмун Бўронга уйланишида бўлган бўлиши мумкин.

Ҳумарвайҳнинг хазинаси камбағаллашишига мана шу аёл сабаб бўлди. Ҳумарвайҳдан кейин бу юртда тартибсизлик юзага келди. Охири бориб, ҳижрий 292 йилда давлат кулаб битди.

ЭРОН, ҲИРОТ, МОВАРОУННАҲРДАГИ САФФОРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 254–298; милодий 868–910)

Бу шийъа давлати бўлиб, унга Яъқуб ибн Лайс Саффор томонидан асос солинган. Асли форс бўлган бу одамнинг касби мисгарлик бўлиб, ҳаётининг дастлабки босқичида мис идишлар яшаш билан шуғулланар эди (мисгарни араблар «саффор» дейишади). Сўнг у Сижистондаги аскар гуруҳига кўшилди ва у ерда катта лашкарбошига айланиб, обрў орттирди. Кейин Сижистон ва унинг атрофидаги ерларни эгаллаб олди, Хуросондаги тоҳирийлар давлатига қарши ғоратлар уюштириб, уларнинг пойтахти Нисобурни эгаллаб олди, туркларга қарши жанг қилди. Давлати кенгайиб бориб, охири Жундисобур ва Аҳвозни ҳам эгаллади. Хуросон, Форс, Асфиҳон, Сижистон, Синд ва Кирмон ерларини ўз давлатига қўшди. Саффор ўзининг ушбу урушларида, турли ерларни эгаллаб олишида аббосийлар халифалигининг заифлашувидан фойдаланди. Ҳаттоки ховлиққан пайтида Бағдодга ҳужум қилиб, халифаликни ҳам эгаллаб олишни режалаштирди.

Ҳижрий 256–279 йилларда ҳукмронлик қилган халифа Муътаמיד даврида укаси Муваффақ лашкарбоши бўлди. У жуда ҳам шижоатли, кучли ва собитқадам одам бўлиб, халифалик обрўси ва ҳайбатини қайтарди. Муваффақ шарку ғарбда бош кўтарганларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Яъқуб ибн Лайс ана шулардан бири эди.

Яъқубдан кўпгина вилоятлар ажраб чиқиб, унга бўйсунмай қўйди. Вилоятларнинг чиқиб кетишини ва Яъқубнинг заифлашишини пойлаб турган Муваффақ унга ҳужум қилиб, мағлубиятга учратди. Ғам-ғуссага ботган Яъқуб дардга чалиниб, ҳижрий 261 йилда вафот этди.

Яъқубнинг ўрнига қолган укаси Амр Мовароуннаҳр юртлирини қайтариб олиш учун бошлаган курашда сомонийлар уни мағлуб этишди, уни асир олиб, ўлдиришди. Охири бориб сомонийлар томонидан бу давлат йўқ қилинди.

Саффорийлар давлатининг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Яъқуб ибн Лайс Саффор. Ҳижрий 254–265 (милодий 868–878) йиллар.
2. Амр ибн Лайс Саффор. Ҳижрий 265–288 (милодий 878–901) йиллар.
3. Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Амр. Ҳижрий 288–296 (милодий 901–908) йиллар.

МОВАРОУННАҲРДАГИ СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 261–390; милодий 874–1000)

Сомонийлар давлати Мовароуннаҳр минтақасида ташкил топган ва ҳукм сурган давлатлардан биридир. Бу минтақа Жайхун – Амударёнинг икки қирғоғидаги ерлардан иборат бўлиб, бир тарафида туркий, иккинчи тарафида форсий халқлар истикомат қилган. Мовароуннаҳрга кўш-ни минтақалар ўша вақтларда Хуросон ва Сижистон деб номланган. Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, Шош, Фарғона, Кеш, Насаф, Чағониён, Хатал ва Термиз каби шаҳарлари машҳур бўлган.

Сомонийлар сулоласи қадимдан машҳур бўлган оилга мансубдирлар. Уларнинг катта бобоси Баҳром ибн Жур деб аталган.

Бу оила умавийлар даврида Исломга кирган. Ўша вақтларда уларнинг юртида умавийларнинг волииси Холид Қасрий исмли киши бўлиб, у аслзода оилаларни Исломга жалб этишга алоҳида аҳамият берар эди. Холид Қасрий ўзига Сомонни яқин олди ва ҳурматиани жойига қўйди. Сомон унинг қўлида Исломни қабул қилди. Холид Қасрий Сомонни Балхга волий этиб тайинлади. Сомон ўғил кўрганида унга Асад деб исм қўйди.

Асад ибн Сомоннинг тўрт ўғли бўлиб, уларнинг барчаси халифа Маъмуннинг даврида сиёсат майдонига кирдилар. Ҳижрий 204 йилда Нух ибн Асад Самарқандга, Аҳмад ибн Асад Фарғонага, Яхё ибн Асад Шошга, Илёс ибн Асад Хиротга волий бўлдилар.

Аҳмад ибн Асаднинг ўғиллари ичида Исмоил ва Наср машҳур бўлишди. Наср отасининг ўрнига Самарқанд ва унинг атрофларига волий бўлди. Кейин халифа Муътаמיד ҳижрий 261 йилда уни Мовароуннахрга волий этиб тайинлади. Шундай қилиб сомонийлар давлатига асос солинди. Наср ўзининг туғишган укаси Исмоилни Бухорога волий қилди.

Аммо ака-ука орасида низо чиқиб, бу урушга бориб тақалди. Уруш ҳижрий 275 йилда Исмоилнинг ғалабаси билан тугади. Аммо Исмоил акасига катта ҳурмат кўрсатди. Уни узокдан кўриши билан уловдан тушиб, олдига пиёда юриб борди ва узангисини ўпиб: «Мен хато қилганимга икром бўлдим, ҳамма айб менда», деди. Наср укасининг вафодорлигини кўриб йиғлади ва уни Бухорога ноиб қилиб, Самарқандга қайтди.

Нух ибн Аҳмад Сомонийнинг вафотидан кейин, ҳижрий 279 йилда сомонийлар давлатининг барча ишлари унинг укаси Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга ўтди. Тарихчилар Исмоил ибн Аҳмад Сомонийни сомонийлар давлатининг ҳақиқий асосчиси деб атайдилар. Унинг даврида давлат катта куч-қудратга эга бўлди ва у шийъа мазҳабидаги саффорийлар давлатини йўқ қилишда асосий ўрин тутди.

Уста сиёсатчи ва саркарда бўлмиш Исмоил Сомоний бутун Мовароуннаҳрни ўзига бўйсундирди. Хуросонни кўшиб олиб, Бухорони пойтахт қилди.

Машҳур тарихчи Ибн Асир Исмоил Сомонийни: «У жуда яхши одам бўлиб, илм ва дин аҳллари яхши кўрар ва уларни икром қилар эди», деб таърифлайди.

Ибн Асир яна қуйидагиларни ёзади: «У оқил ва одил зот бўлиб, ўз халқи ичида гўзал сийрат ила танилган, ҳалим одам эди. Ҳикоя қилинишича, Аҳмад исмли ўғлининг тарбиячиси бўларди. Бир куни амир Исмоил ўтиб кетаётса, тарбиячи болани: «Сенга ҳам, сени тукқанга ҳам Аллоҳ барака бермасин!» деб уришаётган экан. У тарбиячининг олдига кириб: «Ҳой одам, биз сўкадиган айб иш қилганимиз йўқ. Айбдорнинг ўзини уришсанг бўлмайдами?» деди. Тарбиячи қаттиқ кўркиб кетди. Исмоил унинг олдидан чиқиб, кўрkitганининг эвазига ҳадя беришга амр қилди».

Сомонийлар давлатининг аббосийлар халифалиги билан алоқалари яхши бўлган. Тилларида халифаликка бўйсунушларини эълон қилган бўлсалар ҳам, ўзлари мустақил сиёсат олиб борганлар. Сомонийлар аббосийлар каби сунний мазҳабини маҳкам тутганлар ва унга хизмат қилганлар. Бошқа мазҳабдагиларга қарши бўлганлар. Хутбани аббосийлар номига ўқитиб, пулни ҳам уларнинг номи билан зарб этганлар. Ўз навбатида аббосийлар ҳам сомонийларни кадрлаганлар, ўзларига яқин олганлар. Сомонийлар аббосийларга саффорийлар ва зайдийлар каби қарши чиққан давлатларни йўқ қилишда ёрдам берганлар.

Амир Исмоил Сомоний даврида Бухоро пойтахт бўлган. Бу шаҳарда ўша даврда ажойиб қасрлар, улкан иншоотлар ва илм даргоҳлари қурилган. Илм ва фан учун зарур бўлган барча шароитлар мавжуд бўлгани учун кўпчилик доимо Бухоро сари талпинган.

Амир Исмоил Сомоний давлатга ўттиз йилдан ортиқ бошчилик қилди, у фуқаропарварлиги билан донг таратди. Исмоил Сомоний ўз давлатида адолат ва яхшилик асосларини қурди ва мустақамлади. У халққа зулм ўтказган волийларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини кўрар эди.

Ўша даврда сомонийлар давлати Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаларини ўз ичига олган бўлиб, Мовароуннаҳр минтақаси тўрт вилоятдан иборат эди.

Сўғд вилоятининг иккита пойтахти бўлиб, бири Бухоро, иккинчиси Самарқанд шаҳарлари эди. Шунингдек, Хоразм, Чағониён, Фарғона ва Шош вилоятлари ҳам бор эди.

Хуросон эса тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчисининг пойтахти Нисобур, иккинчисиники Марв, учинчисиники Ҳирот, тўртинчисиники Балх шаҳарлари эди.

Сомонийлар давлати мазкур минтақаларда бир ярим аср давомида ҳукм сурди. Бу давлат ўзи ҳукм сурган давр ва жойларда кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

Сомонийлар давлати даврида Ислом тамаддуни жуда ҳам ривожланди ва кенг тарқалди. Бухоро, Самарқанд, Балх каби шаҳарлар халқаро катта илмий марказларга айланди. Аҳли илмлар бу жойларга турли диёрлардан илм излаб келдилар.

Сомонийлар даврида юрт фаровонлиги юқори даражага чиққан. Улар ҳукм юритишда ҳақ йўлда бўлганлар. Машҳур тарихчи Мақдисий ўша пайтда мазкур диёрларни зиёрат қилиб, яқиндан танишган ва ўзининг «Аҳсанут-тақосийм фий маърифатил ақолийм» номли китобида у ерларнинг аҳолиси ҳақида: «Улар ҳақни тутишда одамларнинг энг кучлиси, яхши ва ёмонни энг яхши билувчисидир», деб ёзган.

Сомонийлар давлати фақат диний илмлар билан чегараланиб қолмай, табиий ва адабий илмларга ҳам катта аҳамият берган. Бу давлатнинг саройларидан Рудакийга ўхшаш форс адабиётининг буюк намояндалари, Мансур ибн Нух Сомо-

ний даврида илмий ишлари билан кўзга кўрина бошлаган Абу Алий ибн Сино каби буюк алломалар етишиб чиқди.

Бизгача етиб келган Қуръони Карим маънолари таржимаси ҳақида устоз Муҳаммад Ҳамидуллоҳ қуйидагиларни ёзади:

«Ҳижрий 345 йилда подшоҳ Мансур ибн Нух Сомоний туркистонлик катта уламолардан бир жамоасини Қуръони Каримнинг ҳаммасини форс, шарқий ва ғарбий турк тилларига таржима қилишга амр этди.

Ўша таржимага Табарий «Тафсир»ининг хулосасини илова қилишга ҳам фармон берди. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бу таржималар бизга етиб келди ва улар Техрон ҳамда Истамбулда чоп этилди».

Аллома Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам айнан сомонийлар даврида туғилган ва ўша даврда яшаб, илмий фаолият олиб борган ҳамда ўзининг буюк асарларини битган.

Сомонийларнинг мулки Мовароуннаҳр, Хуросон, Сижистон, Табаристон, Рай, Кирмон каби ерларни ўз ичига олган. Шу тариқа давлат сарҳадлари кенгайиб борган. Уларнинг даврида мазкур ўлкаларда турмуш тарзи ниҳоятда яхшиланган, адолат ҳукм сурган, илм-маърифат яхши ривожланган. Лекин бошқа давлатлардаги каби, вақт ўтиши билан сомонийларнинг давлати ҳам аста-секин заифлашиб борган. Ниҳоят ғазнавийлар давлати томонидан инқирозга учратилган.

Сомонийлар давлатининг машхур раҳбарлари:

1. Наср ибн Аҳмад ибн Сомон. Ҳижрий 261–279 (милодий 874–892) йиллар.

2. Исмоил ибн Аҳмад. Ҳижрий 279–295 (милодий 892–907) йиллар.

3. Наср ибн Аҳмад II. Ҳижрий 301–333 (милодий 913–944) йиллар.

САЪДА ВА САНЪОДАГИ ЗАЙДИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 280–1382; милодий 893–1962)

Зайдийлар шийъа мазҳабига мансубдир. Ҳасан ибн Али Ҳусайннинг зурриётидан бўлган Ҳусайн ибн Қосим Расий 280 йилда Яманга кўчиб келиб, ўша ерда қарор топади. Сўнгра унинг ўрнига ўғли Яҳё ибн Ҳусайн ўтиради ва одамларни ўзига эргашишга чакиради. У Ҳодий лақаби билан танилади. Ҳодий Саъдани ўзига пойтахт қилиб олади. Унга имом сифатида ҳижрий 284 (милодий 897) йили байъат қилинади. У Санъога подшоҳ бўлгач, нуфузи кучая боради. Ҳодий адолатли, қарамли, шижоатли инсон эди. Ундан сўнг ўрнига ўғли тахтга ўтиради, шу тариқа Яманнинг мулки Яҳё ибн Ҳусайннинг зурриётлари ўртасида биридан иккинчисига ўтиб борган.

Ямандаги амирликлар тўғрисида гап кетганда, ҳижрий 569 йилда тўхташмиш. Бу йил айюбийлар Яманга келган йил ҳисобланади. Зайдий имомлар тўғрисида, уларнинг тарихи ҳақида гапирганда тўхтаб ўтирмай давом эттирамиз, чунки улар бошқаларга ўхшаб ўзларини панага олмаганлар. Шунинг учун ҳам улар боқий яшаб қолганлар. Ҳаттоки ҳижрий 1382 (милодий 1962) йилгача ишлари давом этган. Зикр қилинишича, ана шу имомлар бошқа яманий давлатлар билан ҳамшиша курашда бардавом бўлганлар. Илк кунларидан бошлаб, то ҳижрий 1045 (милодий 1635) йилгача шундай бўлиб келган. Шимолий Яман уларнинг ўзиники бўлиб қолган, ҳеч ким улар билан талашмаган. Токи бу ерда бир қўзғалон кўтарилиб, усмонийларнинг ҳукми юрадиган бўлгунча шундай бўлган. Зайдий имомларнинг ҳукмлари олдин шимолий минтақалардагина эди. Кейин жанубга ҳам ёйилган. Кейинчалик зайдий имомлар жанубий Яманга ҳам қўл чўзганлар, лекин мазҳаблар турличалиги, мутаассиблик бўлгани учун у ерларда муваффақиятга эриша олмаганлар.

Зайдий имомларнинг энг кўзга кўринганлари:

1. Ҳодий Яҳё ибн Ҳусайн. Ҳижрий 284–298 (милодий 897–910) йиллар.
2. Мутаваккил Аҳмад ибн Сулаймон. Ҳижрий 532–562 (милодий 1137–1167) йиллар.
3. Маҳдий Муҳаммад ибн Мутаҳҳар. Ҳижрий 697–728 (милодий 1298–1328) йиллар.
4. Шарафуддин ибн Маҳдий. Ҳижрий 912–965 (милодий 1506–1558) йиллар.
5. Яҳё ибн Муҳаммад ибн Ҳамидуддин. Ҳижрий 1322–1367 (милодий 1904–1948) йиллар.
6. Бадр ибн Аҳмад. Ҳижрий 1382 (милодий 1962) йил. Бадр ибн Аҳмад бир неча кун ҳукм юритган, сўнг Саллол кўзгалони бошланган.

**МИСР ВА МАҒРИБДАГИ
УБАЙДИЙ-ФОТИМИЙЛАР ДАВЛАТИ**

(ҳижрий 297–567; милодий 909–1171)

Улар рофиза шийъалардир. Ўзлари «Фотимаи захронинг наслиданмиз» деган ёлғонни тўқиб, бўхтон уюштирганлар. Тарихчилар уларнинг насаби ҳақида ихтилоф қиладилар. Баъзилар: «Улар Исмоил ибн Жаъфар Содиққа нисбат берилади. Насаблари шу кишига боради», дейишади. Шунинг учун улар исмоилийлар ҳам дейилади. «Улар форслик Абдуллоҳ ибн Маймун ибн Қаддоҳ Ахвзийга нисбат берилади», деганлар ҳам бор. Улар икки илоҳлик мазҳабида бўлиб, нур ва зулмат илоҳи бор, деган ақийдадан келиб чикиб яшашган.

Убайдий-фотимийлар давлатининг ташкил топиши

Ушбу давлатнинг асосчиси Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Маҳдий бўлиб, давлат унинг номи билан «убайдийлар давлати» деб аталган. Унинг отаси фотимийлар давлати-

ни Яман юртларида, сўнг Ямома, Бахрайн, Миср, Синд, Мағриб каби ўлкаларда ҳам тарқатган. Убайдуллоҳ отасининг ишини давом эттирди ва унинг ерларини кенгайтирди. Турли хужумлар ва кўзгалонларни бостириб тинчитди. Охири келиб Ясаъ ибн Мидрор – Сижилмосанинг амири уни тутиб, қамаб қўйди. Унинг лашкарбошиси Абдуллоҳ фатҳларни давом эттирди, Мағрибнинг кўп жойларида шухрат топиб, охири ағлабийларнинг Роҳода номли пойтахтига кириб борди ва ҳижрий 297 (милодий 909) йилда уларнинг давлатини кулатди. Сўнг Абдуллоҳ Сижилмосага етиб келди. У ернинг ҳокими қочиб кетди. Мана шу йили у ўзининг бошлиғи Убайдуллоҳни камоқдан озод қилди ва ўша ерда одамлар уни мусулмонларнинг халифаси деб аташини раво кўрди. У ўзининг зафарли юришларини давом эттирди. Шундай қилиб Убайдуллоҳ ағлабийлар давлатини бутунлай тугатди. Шунингдек, Оли Рустам давлати, идрисийлар давлати, Африканинг шимоли – ҳаммаси унга бўйсунадиган бўлди. Қайрувонни ўзининг пойтахти қилиб олди. Ҳижрий 304 (милодий 916) йилда Маҳдия деган шаҳар курди ва уни ўзига пойтахт қилди. У ҳижрий 322 (милодий 934) йилда вафот этди. Ўрнига ўғли Қойим колди. Сўнг унинг зурриётлари ҳукмронликни давом эттиришди.

Мисрни эгаллаш

Ҳижрий 358 (милодий 969) йилда фотимийларнинг лашкарбошиси Жавҳар Сиқиллий Мисрни тинчлик йўли билан эгаллаб олди. У ерда кўплаб ички ислоҳотларни амалга оширди. Қилган ишларининг энг кўзга кўринганларидан бири Қоҳира шаҳрининг қурилиши ва Жомеъул Азҳарнинг бино этилишидир. Сўнг ҳижрий 362 (милодий 972) йилда фотимийларнинг халифаси Муъизз Лидийниллах Қоҳирага қочиб келди ва уни пойтахт қилди.

Фотимийлар мулкининг чегаралари

Фотимийлар мулки ривож топиб, чўққига чиққан пайтларда унинг чегаралари Шомдаги Осий дарёсидан Марокаш чегараларигача, Судандан Кичик Осиёгача бўлган ерларни ўз ичига олди. Улар ўша пайтдаги давлатларнинг ҳаммасидан катта ва кенг давлатга айланди. Фотимийларни Салоҳиддин Айюбий инқирозга учратиб йўқ қилди. Уларнинг охири ҳокими ҳижрий 567 (милодий 1171) йилда вафот этди.

Фотимийларнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Убайдуллоҳ Маҳдий. Ҳижрий 297–322 (милодий 909–934) йиллар.
2. Қойим Абул Қосим Муҳаммад. Ҳижрий 322–334 (милодий 934–945) йиллар.
3. Муъизз Лидийниллаҳ. Ҳижрий 342–365 (милодий 953–975) йиллар.
4. Азиз Биллаҳ. Ҳижрий 365–386 (милодий 975–996) йиллар.
5. Ҳоким Биамриллаҳ. Ҳижрий 387–411 (милодий 997–1020) йиллар.

Ҳижрий IV (милодий X) асрдаги энг муҳим давлатлар

1. Ҳамадонийлар давлати. Мосул ва Ҳалабда, ҳижрий 317–394 (милодий 929–1003) йиллар.
2. Бувайҳийлар давлати. Бир неча вилоятларда, ҳижрий 320–447 (милодий 932–1055) йиллар.
3. Ихшидийлар давлати. Мисрда, ҳижрий 323–358 (милодий 935–969) йиллар.
4. Имрон ибн Шоҳин давлати. Биттиҳда, ҳижрий 329–408 (милодий 940–1017) йиллар.
5. Ғазнавийлар. Эроннинг катта қисми, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистоннинг баъзи жойларида, ҳижрий 349–579 (милодий 960–1183) йиллар.

6. Зийрийлар давлати. Жазоир ва Тунисда, ҳижрий 362–563 (милодий 972–1167) йиллар.

7. Ақийлийлар давлати. Мосулда, ҳижрий 386–489 (милодий 996–1096) йиллар.

8. Зинотийлар давлати. Тароблус ва Ливияда, ҳижрий 390–540 (милодий 1000–1145) йиллар.

Куйида мазкур давлатлар тарихи ҳақида қисқача маълумотлар келтирилади.

МОСУЛ ВА ҲАЛАБДАГИ ҲАМАДОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 317–394; милодий 929–1003)

Улар рофиза шийъалар бўлиб, Ҳамадон ибн Ҳамдунга нисбат берилган. Ҳамадон ибн Ҳамдун арабларнинг Тағлиб қабиласидан эди. Ҳамадон Мосулдаги сиёсий ишларда ҳижрий 260 (милодий 874) йилдан бошлаб жуда катта ўрин эгаллади. Сўнг унинг ўғли Хусайн ибн Ҳамадон ўзининг қарматийларга қарши урушлари билан шуҳрат қозонди. Халифа Муктадир ҳижрий 292 (милодий 905) йилда унинг акаси Абдуллоҳ ибн Ҳамадонни Мосулга ва унинг атрофига волий қилди. Ибн Бувайҳнинг халифалик марказига эга чиқиб олганидан кейин Муъиззуддавла Бувайҳий ҳамадонийларни Мосулдан ҳайдаб чиқарди. Улар Ҳалабга кетишди. Сайфуддавла Ҳамадоний ҳижрий 333 (милодий 944) йилда Ҳалабни ўзига мустақил давлат қилиб олди, сўнг Мосулни қайтариб олишди. Лекин уларнинг ичида ўзаро келишмовчиликлар авж олди. Курдлар уларнинг давлатини Мосулда ҳижрий 380 (милодий 990) йилда барбод қилишди.

Ҳалабга келадиган бўлсак, уни ҳижрий 333–356 (милодий 944–967) йиллар асносида Сайфуддавла эгаллаб олди. Унинг даврида бу ерда византияликлар билан кўплаб урушлар бўлди. У Рум юртларининг ичигача кириб борар эди. Ундан кейин ўрнига ўғли Саъдуддавла қолди. Сўнгра давлат

заифлашди. Бу заифлашиш давом этиб бориб, ҳижрий 394 йилда фотимийлар уларни Ҳалабда йўқ қилишди.

Ҳамадонийлар давлатининг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Носируддавла Абу Муҳаммад Ҳасан. Ҳижрий 308–358 (милодий 920–969) йиллар.

2. Сайфуддавла Абул Ҳасан Алий. Ҳижрий 333–356 (милодий 944–967) йиллар.

3. Саъдуддавла Абул Маъоли Шариф. Ҳижрий 356–381 (милодий 967–991) йиллар.

БУВАЙҲИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 320–447; милодий 932–1055)

Ушбу даврда Оли бувайҳлар ҳамма ёққа эга чиқишган эди. Улар аслида шийъа мазҳабига мансуб дайламликлар бўлиб, Каспий денгизининг жанубий тарафида истиқомат қилишарди. Бувайҳийлар Ислонга қарши ҳиқду ҳасадлари кучли, мутаассиб кишилар эди. Улар кўп мункар ишларни қилишди. Даствлаб оддий фуқаро эдилар. Кейинчалик уларнинг катта-катта ишларни амалга оширганлари маълум бўлди. Шунинг учун баъзи тарихчилар уларнинг насаблари олий бўлса керак, деб гумон қилишади. Баъзилар уларни Сосон ҳукмдорларига нисбат беришади. Аслида ундай эмас. Уларнинг ичида энг кўзга кўрингани Бувайҳ ибн Шужоъ исмли ўта камбағал, балиқчи одам бўлган. Унинг ўғиллари Аҳмад, Ҳасан ва Алий жангчи бўлишган. Уларнинг лашкарбошиси Мокон ибн Коли Дайламнинг катталаридан эди. Улар секин-аста оддий аскарликдан бошлиқ даражасига кўтарила бошладилар. Сўнг Мокон ибн Колидан юз ўгириб, Мурдавайга ён босишди. Дайламга эга чиқишда Мурдавайнинг иши юришиб кет-

ганини кўриб, унинг тарафига ўтиб олишди. Уларнинг хатаридан кўрққан амир Мурдавай секин-аста ишни бошқа тарафга бурди. Алий аскар тўплади. Мурдавайга қарши уруш қилиб, уни енгди ва Аҳвотга ва бошқа кўп ерларга эга бўлди. Акаси Ҳасанни қамоқдан чиқарди, Исфохон, Рай ва Ҳамадонни эгаллаб олди. Ҳижрий 320 йилда уларнинг нуфузи жуда ҳам ортди ва охири улар улуғлик ва султонликнинг чўққисига чиқишди. Уларнинг шуҳрати аббосийлар давлатининг жуда кўп ерларига тарқалди.

Бувайҳийлар аббосий халифадан ўз шон-шавкатларини эътироф этишни талаб қилишди ва бу талаб қондирилди. Улар аббосий халифаларнинг устидан ҳукм чиқаришар, уларни хорлашар, исташса уларни ишга тайин қилиб, исташса ишдан бўшатишар, хоҳлаган ишларини қилишарди. Уларнинг пайтида халифаликнинг ҳайбати йўқолди, унинг нуфузи ҳам, шуҳрати ҳам қолмади. Ислом оламининг жилови бувайҳийлар билан боғлиқ бўлиб қолди.

Халифа Муттақий Муъиззуддавла Аҳмадни чакириб, Бағдоднинг унинг ҳимояси остида бўлишини сўради. Шу тарзда улар Бағдодга эга чиқиб, унинг ҳимоячисига айланиб қолишди.

Бувайҳ ибн Шужоънинг фарзандларидан чиққан энг кўзга кўринган ҳокимлар:

1. Имоуддавла Алий. У Форсга ҳокимлик қилди ва умумий ҳукмдор бўлди. Ҳижрий 320–338 (милодий 932–949) йиллар.

2. Рукнуддавла Ҳасан. Рай, Ҳамадон, Исфохон ва Табаристонга ҳукмдорлик қилди. Ҳижрий 320–366 (милодий 932–976) йиллар.

3. Муъиззуддавла Аҳмад. Ироқ, Аҳвот, Кирмон ва Воситга ҳукмронлик қилди. Ҳижрий 320–356 (милодий 932–967) йиллар.

Мазкур уч киши юртни мана шу шаклда ўзаро тақсимлаб олишган эди. Бу ўз-ўзидан уруш-жанжал уруғини сочадиган низом эди. Шундай бўлди ҳам. Улардан кейин ҳукмронлик Азудуддавла ибн Рукнуддавллага ўтди. У ўзининг даврида бувайҳийлар давлатини энг юқори даражага олиб чиқди. Унинг вафотидан кейин уч ўғли ўртасида ўзаро урушлар келиб чиқди. Улардан кейин келганлар ҳам тахт талашишни давом эттириб, охири ҳаммаси ҳалокатга учради. Уларнинг охирги подшоҳи Малик Раҳим дегани бўлиб, салжукийлар унинг даврида Бағдодга киришди ва уни ушлаб, ҳибсга олишди. Шу билан бувайҳийлар даври тугади.

МИСРДАГИ ИХШИДИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 323–358; милодий 935–969)

Ихшидийларнинг асли Мовароуннаҳрнинг фарғоналик туркларидир. Бу давлатнинг асосчиси Муҳаммад Ихшид ибн Тоғиж бўлиб, у Ибн Тулуннинг озод қилган қулларидан ҳисобланади. Тулунийлар давлатидан кейин ўттиз йил, яъни ҳижрий 293–323 (милодий 906–935) йиллар мобайнида Миср тўғридан-тўғри аббосийлар халифасига бўйсунди. Ана шу вақтда Муҳаммад Ихшид Розий исмли халифа томонидан Мисрга волий қилиб қўйилди. Унинг вақтида юрт гуллаб-яшнади. Муҳаммад Ихшид Шом юртларини, сўнг Ҳижозни ҳам ўзига қўшиб олишга имкон топди. Сайфуддавла Ҳамадоний Шомни ундан тортиб олмоқчи бўлди, аммо бунинг удасидан чиқолмади. Муҳаммад Ихшиднинг ўлимидан кейин икки ўғли унинг ўрнига қолди. Лекин улар кичик ёшда эдилар. Улар Муҳаммад Ихшиднинг озод қилган ҳабаший қули Кафурнинг васийлигида қолишди. Кафур давлат бошқарувини юритиб, ўзи ёлғиз ҳукмронга айланди. У ҳамадонийларга қарши уруш қилди. Унинг даврида тижорат ривожланди. У шоирларни илҳомлантирди. Уларнинг ичида машҳур шоир

Абу Тийб Мутанаббий ҳам бор эди. Кафурнинг вафотидан сўнг давлат заифлашди. Сўнгра ҳижрий 358 (милодий 969) йилда фотимийлар уни батамом йўқ қилишди.

Ихшидийларнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Муҳаммад Ихшид ибн Тоғиж. Ҳижрий 323–334 (милодий 935–945) йиллар.
2. Абул Миск Кафур – Ихшиднинг мавлоси. Ҳижрий 355–357 (милодий 966–968) йиллар.

БИТТИҲДАГИ

ИМРОН ИБН ШОҲИН ДАВЛАТИ

(ҳижрий 329–408; милодий 940–1017)

Имрон ибн Шоҳин Муъиззуддавла Бувайҳийнинг солиқчиси, закот йиғувчиси эди. Сўнг у Ироқнинг Биттиҳ деган жойига қочиб кетди. Биттиҳ Восит билан Басранинг орасидаги жой эди. Унинг атрофида шериклари кўпайди. У улардан лашкар тузди. Муъиззуддавла Имрон ибн Шоҳинга қарши кетма-кет уч бор лашкар юбориб, уни йўқ қилмоқчи бўлди. Лекин лашкарларнинг барчаси мағлубиятга учради ва Имрон ибн Шоҳиннинг иши кучайди. У қирқ йил ҳукмронлик қилди. Бану Бувайҳнинг даврида унинг шавкати ошди, сулоласи ҳижрий 408 (милодий 1017) йилгача давом этди.

Ушбу давлатнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Имрон ибн Шоҳин. Ҳижрий 329–369 (милодий 940–979) йиллар.
2. Муҳаззибуддавла Алий ибн Носир. Ҳижрий 376–408 (милодий 986–1017) йиллар.

ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 349–579; милодий 960–1183)

Бу давлат Ғазнада, Эроннинг кўпгина жойларида, Мовароуннаҳрда ва Ҳиндистоннинг баъзи жойларида ҳукм сурган.

Исҳоқ ибн Алп Текин туркларнинг мавлоларидан – озод қилган қулларидан эди. Сомонийлар ҳузурида унинг обрўси ниҳоятда юқори эди. Сомонийлар уни Ҳирот ва Ғазна шаҳарларига волий қилиб қўйишди. Унинг улуғланиши ана шу ердан бошланди. Бу ишлар ҳижрий 366–387 (милодий 976–997) йилларда содир бўлди. У Ғазна шаҳрини ўзига марказ қилиб олди. Исҳоқ ибн Алп Текин бу давлатнинг ҳақиқий муассиси саналади. У ўзининг давлат чегараларини шарққа қараб чўзди. Пешавор шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олди. Ҳуросон, Ҳиндистон ва бошқа кўпгина ерларга эга бўлди. Унинг мулки кенгайди ва аркони давлати барқарор бўлди.

Исҳоқ ибн Алп Текин вафот этганидан кейин лашкарбошилар Сабук Текиннинг ақли, дини ва муруватини эътиборга олиб, уни бошлиқликка ихтиёр қилишди. Сабук Текин Исҳоқ ибн Алп Текиннинг қули бўлиб, ҳамма ишларда ҳозир у нозир эди. У ўзининг ақли, фаросати, топқирлиги ва салобати ила машҳур бўлганди. У Ғазнага волий бўлганидан кейин одамларнинг ишончини оқлади. Барча ишларни гўзал сиёсат ила олиб борди. Носируддин лақабли бу волий барча соҳада ўзини омма билан бирга тутди. Шундай қилиб ғазнавийлар давлати юзага келди ва икки аср ҳукм сурди.

Носируддин Сабук Текиннинг иши Ғазнада барқарор бўлганидан кейин Ҳиндистон ҳақида ўйлай бошлади. Дастлаб Ҳиндистоннинг ғарбий тарафларига лашкар жўнатди. Кейин ўша вақтдаги ҳинд подшоҳларга қарши урушлар олиб борди. Бу урушларда унинг ўғли Маҳмуд энг яқин ёрдамчилардан бўлди.

Носируддин Сабук Текиннинг ҳукмронлиги йигирма йил давом этди. У ҳижрий 387 йилда вафот этди. Носируддин Сабук Текин ўлимидан олдин катта ўғли Маҳмуд узоқда сафарда бўлгани учун кичик ўғли Исмоилни ўрнига тайинлади.

Носируддин Сабук Текиннинг вафотидан етти ой ўтгач, катта ўғли Маҳмуд укасидан ҳокимиятни тортиб олди.

Султон Маҳмуд Ғазнавий

Аввал айтиб ўтилганидек, Сабук Текиннинг ўғиллари Исмоил ва ундан кейин Маҳмуд унинг ўрнига қолишди. Маҳмуд давлатнинг энг буюк султони деб тан олинган. У сомонийларга ҳужум қилди. Уларни тугатгач, Хуросонга эга бўлди ва Ислом оламининг шарқ тарафидаги энг катта кучга айланди. Сўнг Ҳиндистон сари юриш қилиб, кўпгина шаҳарларни ўзига бўйсундирди. У ерга Исломни олиб кирди, бут-санамларни парчалади. У кўпгина Ҳиндистон юртларида ҳукмронлик қилган биринчи мусулмон ҳоким ҳисобланади. Сўнг у Кашмирни ҳам эгаллади. Мовароуннаҳр ва Эроннинг кўп қисмини, Исфаҳонни эгаллади. Натижада ниҳоятда катта бир давлат юзага келди. Султон Маҳмуд Ғазнавий ўзининг одиллиги билан донг таратган, илм ва уламоларни яхши кўриш, уларни тақдирлаш билан шуҳрат қозонган эди. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг иккита ўғли бўлиб, уларнинг тўнғичи Масъуд, кичиги Муҳаммад эди. Ота валиаҳдлик шарафини ўғилларидан кичигига берди. Мана шу нарса кейинчалик ака-ука ўртасида низо ва курашлар чиқишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида давлатни заифлаштирди. Охиروқибат бу давлатни салжуқийлар ва ғурийлар битирдилар.

Султон Маҳмуд Ғазнавий барпо қилган давлат буюк давлат бўлиб, у киши жуда кўп фатҳлар ва Ислом тамаддуни учун буюк хизматлар қилган эди.

Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳақида машҳур тарихчи Ибн Асир ўзининг «Ал-Комил» номли асарида қуйидагиларни ёзади:

«Яминуддавла Маҳмуд ибн Сабук Текин оқил, диндор ва ниҳоятда яхши инсон эди. У илм ва маърифатда ҳам етук одам бўлиб, турли илмлар бўйича кўплаб китоблар тасниф қилган. Турли диёрлардан уламолар уни излаб келишар, султон Маҳмуд Ғазнавий эса уларни ҳурматлар, эъозлар ва улуғларди. У адолатли инсон бўлиб, одамларга кўп яхшилиқ қилар ва меҳр кўрсатар эди...»

Шайх Абдулҳай Деҳлавий ўзининг «Нузхатул хавотир» номли китобида қуйидагиларни ёзади: «Султон Маҳмуд Ғазнавий кўзга кўринган фақиҳлардан эди. Унинг бир қанча китоблари бор. Фикҳга оид «Тағрийд» номли китоби шу жумладандир. Бу китоб Ғазна диёрида машҳур бўлган жуда яхши китоб. Кўп масалаларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг адади олтмиш мингтадир».

Сардор Маҳмуд «Ислом тарихи» китобида қуйидагиларни ёзади: «Ислом қаҳрамони сифатидаги шон-шуҳрати билан Маҳмудга бас келадиган ҳокими мутлақлар кўп эмас. Ўз даврида у Осиёнинг биринчи ҳокими эди. Жонажон шаҳри Ғазнада беҳисоб иморатлар, мактаблар, беадад илмий муассасалар қурдириб, халқига тортиқ қилди, ўз пойтахтига кўплаб машҳур кишиларни даъват этди. Бу унинг номини XI асрдаги энг улуғ илмпарвар сифатида тилларда дoston айлади. Маҳмуд шоирлар ва машҳур кишиларга ҳар йили 400 минг динорлаб маблағ сарфлаши билан Фирдавсийни мислсиз «Шоҳнома» асарини ёзишга илҳомлантирган. У Ғазнада дорилфунунга асос солиб, машҳур файласуф, олим, сўз устаси ва шоир Ансорийни мударрисликка тайинлади. Бошқа кўпгина шоирлар, жумладан, Асади Тусий, Фирдавсий, Асжодий ва Фаррухий ҳам шу ерда эдилар. Улуғ аллома Беруний ҳам Маҳмуд хузурида ишлади, лекин у шоҳнинг маслаҳатчиси Аҳмад ибн Маймандий билан чиқиша олмай, шаҳзода султон Масъудга қўшилди. Ғазнавийлар ҳақида битилган «Тарихи Яминий» асарининг

муаллифи, машҳур олим Утбий Маҳмуд саройида фаолият олиб борди. Ўз паноҳида шунчалик кўп ёзувчилар, санъаткорлар ва олимларни тўплаб, бутун қитъада шу қадар юксак обрўга эга бўлиш камдан-кам подшоҳга насиб этган».

Султон Маҳмуд Ғазнавий умрининг охирида дардга чалиниб, ҳижрий 421 йил рабиъул охир ойида (милодий 1030 йилнинг май ойида) вафот этди ва Ғазнага дафн қилинди.

Ғазнавийларнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Алп Текин. Ҳижрий 351–352 (милодий 962–963) йиллар.
2. Сабук Текин Абу Мансур. Ҳижрий 366–387 (милодий 976–997) йиллар.
3. Маҳмуд Яминуддавла ибн Сабук Текин. Ҳижрий 388–441 (милодий 998–1049) йиллар.
4. Иброҳим Зоҳируддавла. Ҳижрий 451–492 (милодий 1059–1099) йиллар.

ЖАЗОИР ВА ТУНИСДАГИ ЗИЙРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 362–563; милодий 972–1167)

Ушбу давлатлар фотимийлар қўлида эди. Улар Мисрни ўзлариники қилиб олгандан кейин ҳижрий 363 (милодий 973) йилда бу давлатларга ўтишган эди. Ўзларидан Балқин ибн Зийрий Синҳожийни волий қилиб қўйишган, у Африканинг шимолига ҳоким бўлган эди. У аста-секин иш олиб бориб, минтакани ўзиники қилиб олди ва ўша ерда ўз давлатини барпо этди. Унинг ўғли Ҳаммод ибн Балқин Ўрта Мағриб вилоятини эгаллаб, у ерда ҳаммодийлар давлатини курди. У ҳақда кейинроқ тўлиқ маълумот келади.

Ушбу давлат шийъа мазҳабидаги давлат бўлди. Мазкур давлат ўзининг фотимийлардан ажраб чиқиб, мустақил бўлганини эълон қилганида, уларга фотимий халифа Мустансир бадавий қабилалари – Бану Салим ва Бану Ҳилолни

юборди. Бу қабилалар Юқори Мисрда яшар эдилар. Улар Нилдан ўтиб, ҳижрий 444 (милодий 1052) йилда Африкага боришди. Бу ердаги юртни ўзларига мубоҳ деб фатво чиқариб, хоҳлаган ишларини қилишди. Зийрийнинг авлодларини йўқ қилишди. Шу билан уларнинг давлати заифлашди ва аста-секинлик билан нураб бориб, охири йўқ бўлди.

Зийрийлар давлатининг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Балқин. Жазоирнинг асосчиси. Ҳижрий 362–374 (милодий 972–984) йиллар.
2. Бадис. Ҳижрий 385–407 (милодий 995–1016) йиллар.
3. Муъизз ибн Бадис. Ҳижрий 407–441 (милодий 1016–1049) йиллар.
4. Тамим. Ҳижрий 454–502 (милодий 1062–1108) йиллар.
5. Ҳасан. Ҳижрий 515–563 (милодий 1121–1167) йиллар.

МОСУЛДАГИ АҚИЙЛИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 386–489; милодий 996–1096)

Бу давлатга Абу Завод Муҳаммад ибн Мусаййиб Ақийлий асос солган. Унинг ўрнига укаси Ҳисомуддавла Муқаллид ибн Мусаййиб қолган. Улар Мосул, Анбор, Мадоин, Куфа ва бошқа шаҳарларда ҳукмронлик қилиб, минбарлардан аббосий халифага дуо қилганлар. Улар ўз фаолиятларини давом эттириб турганларида ҳижрий 489 (милодий 1096) йили салжуқийлар келиб, уларни битириб йўқотдилар.

Бу давлатнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Ҳисомуддавла Муқаллид ибн Мусаййиб. Ҳижрий 386–391 (милодий 996–1001) йиллар.
2. Муътаидуддавла Қаровуш ибн Муқаллид. Ҳижрий 391–442 (милодий 1001–1050) йиллар.
3. Шарафуддавла Муслим ибн Қаровуш. Ҳижрий 453–478 (милодий 1061–1085) йиллар.

ТАРОБЛУС ВА ЛИВИЯДАГИ ЗИНОТИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 390–540; милодий 1000–1145)

Ушбу давлатнинг асосчиси Фулфул ибн Саъид ибн Хазрун Зинотий бўлган. У Оли Зийрийнинг вазири эди. У фотимийлар ва Оли зийрийлар ўртасидаги ихтилофни кулай фурсат билиб, Тароблусни мустақил давлат деб эълон қилди. Ушбу давлатнинг ҳаёти беқарор бўлди. Уларнинг фотимийлар ва синҳожийлар билан олиб борган урушлари узок вақт – Бану Матрух давлатни эгаллаб олгунича давом этди. Сўнг ҳижрий 541 (милодий 1146) йилда бу ерларни фаранглар (европаликлар) мустамлака қилиб олишди. Уларнинг ҳукмронлиги Тунис соҳилларигача тарқалган эди. Бу ерлар ҳижрий 555 (милодий 1160) йилда муваҳҳидлар томонидан озод қилингунга қадар фарангларнинг ҳукми остида бўлди.

Ҳижрий V (милодий XI) асрдаги муҳим давлатлар

1. Асадийлар давлати. Ҳаллада, ҳижрий 403–551 (милодий 1012–1156) йиллар.
2. Катта салжуқийлар давлати. Бир нечта вилоятлардан иборат бўлган, ҳижрий 432–583 (милодий 1040–1187) йиллар.
3. Бану Ҳаммод. Жазоирда, ҳижрий 398–547 (милодий 1007–1152) йиллар.
4. Зубайд-Нажоҳия. Яманда, ҳижрий 403–554 (милодий 1012–1159) йиллар.
5. Мирдосийлар. Ҳалабда, ҳижрий 414–472 (милодий 1023–1079) йиллар.
6. Тоифаларнинг подшоҳлари. Андалусда, ҳижрий 422–484 (милодий 1031–1091) йиллар.
7. Муробитлар. Мағриб ва Андалусда, ҳижрий 448–541 (милодий 1056–1146) йиллар.

8. Сулайҳийлар. Яманда, ҳижрий 429–569 (милодий 1037–1173) йиллар.

9. Уюнийлар. Баҳрайнда, ҳижрий 466–637 (милодий 1073–1239) йиллар.

10. Хоразмийлар. Хоразмда, ҳижрий 470–628 (милодий 1077–1230) йиллар.

11. Бану Зурайъ. Аданда, ҳижрий 476–569 (милодий 1083–1173) йиллар.

12. Ҳамадонийлар. Санъода, ҳижрий 492–569 (милодий 1099–1173/1174) йиллар.

13. Ортикия. Кийфа ва Мардинда, ҳижрий 495–811 (милодий 1101–1408) йиллар.

14. Бурийлар. Дамашқда, ҳижрий 497–549 (милодий 1103–1154) йиллар.

Куйида мазкур давлатлар ҳақидаги қисқача маълумотлар билан танишиб ўтамиз.

АСАДИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 403–551; милодий 1012–1156)

Бу давлат шийъа давлатидир. Асли араб қабилаларидан иборат бўлиб, ўзларига хос кичик амирликка асос солишган. Унинг асосчиси Абулҳасан Алий Асадий бўлиб, улар фитна кўзгаш билан танилган, аббосий давлатига турли мушкулотларни келтириб чиқарадиган одамлар бўлишган. Шунингдек, ҳижрий 450 (милодий 1058) йилда Басосийрийга аббосийларга қарши кўзғалон кўтаришда ёрдам беришган. Бундан ташқари, мусулмонларга қарши Ҳалабни қамал қилишда ҳам румликларга ёрдам беришган. Ҳижрий 551 йилда аббосий халифалар уларни давлатдан қувиб чиқаришга буйруқ берганлар, чунки уларнинг фисқу фасоди ҳаддан ошиб кетган эди.

КАТТА САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 432–583; милодий 1040–1187)

Салжуқларнинг пайдо бўлиши

Салжуқлар туркларнинг ғаз қабилаларидандир. Улар ўз катталари Салжуқ ибн Дикокқа нисбат берилади. У Туркистон юртларида яшаб, бутпараст туркларнинг ҳукмронлиги остида бўлган. Ундан сомонийлар ўз юртларига бостириб келган кофир туркларга қарши ғорат қилишда ёрдам сўраган. Салжуқийлар сомонийларга ўзларининг Арслон исмли лашкарбошисини берганлар. Ундан кейин Микоил ибн Арслон келган. Шу тариқа улар урушларда иштирок этиб юрганлар. Микоилдан икки бола – Тўғрулбек ва Довудбеклар қолди. Сомонийлар давлати ҳижрий 390 (милодий 1000) йилгача ҳукмронлик қилди. Тўғрулбек Марв, Нисобур, Журжон, Табаристон, Кирмон, Дайлам, Хоразм, Исфаҳон ва бошқа иқлимларни эгаллаб олиб, ҳижрий 432 йилда ўзларининг давлати барпо бўлганини эълон қилди. Салжуқийлар ўз қўл остларидаги катта-катта юртларни тақсимлаб олдилар. Тўғрулбек уларнинг барчаси устидан подшоҳ деб эълон қилиниб, Рай шахрини ўзига пойтахт қилиб олди.

Салжуқийлар Бағдодда

Тўғрулбек ҳижрий 448 (милодий 1056) йилда Бағдодга кирди. Бану Бувайҳнинг охири султонларидан бўлган Малик Раҳимни асир олди. Шу билан Бану Бувайҳнинг давлати тугади. Салжуқийларнинг давлати бош кўтарди. Ушбу давлат буюк сунний давлат бўлиб юзага келди. У Бағдодни залолатга кетган рофиза мазҳабида бўлган бувайҳийлардан қутқарди. Шунингдек, аббосий халифани ҳам озод этди. Йўлдан озган Басосийрийнинг ҳаракатини ҳам йўқ қилди.

Басосийрий ҳаракати

Басосийрий Малик Раҳимга бўйсунган турк лашкар-бошиларида бири бўлган. Малик Раҳим, аввал айтганимиздек, бувайҳий султонларнинг охиргиси бўлган. Басосийрий ўзининг хожасига – халифага қарши бош кўтариб, ишни ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Шунда халифа Қоим салжукийларнинг каттаси Тўғрулбекдан ёрдам сўради. У ёрдамга келиб, Басосийрийни йўқ қилди. Шундан сўнг халифа Тўғрулбекка бўйсунди. Шу билан салжукийлар Бағдодга кириб келишди ва ҳамма ишлар тинчиб қарор топди. Салжукийлар халифаларни улуғлар, уларга эҳтиром кўрсатиб, содиқлик билан хизматларини қилишарди.

Тарихчиларнинг зикр қилишича, бунинг асосий ва энг муҳим сабаби уларнинг мазҳаблари бир бўлгани эди. Шунингдек, салжукий вазирларнинг энг улуғи эроний Низомулмулк бўлиб, унинг етти ўғли ва набиралари ҳам шу йўлни давом эттирди. Кейинчалик салжукийлар давлати бешта катта оилаларга бўлиниб кетди.

1. Катта салжуклар. Бу давлат Хуросон, Рай, Ироқ, Арабистон яримороли, Форс ва Аҳвозни олди.

2. Кирмон салжуклари.

3. Ироқ ва Курдистон салжуклари. Улар катта салжуклардан ажраб чиққан эди.

4. Сурия салжуклари.

5. Рум, Кичик Осиё салжуклари.

Салжуклар давлатининг чегаралари

Улар Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Ироқ, Шом, Онадўлида, бошқача қилиб айтганда, сомонийлар, ғазнавийлар, бувайҳийлар ва румликлар ўрнида ўз давлатларини барпо қилишган.

Малазгирд (Манцикерт/Manzikert) жанги

Салжукийлар қўлга киритган ютуқлардан бири – бу византияликлар устидан қозонилган ғалабадир. Улар бу ғалабани Малазгирд деган жойда ҳижрий 463 йил зулқаъданинг 14-куни (милодий 1071 йил 19 август) қўлга киритишди. Ушбу жангдаги ғалабадан сўнг улар Кичик Осиёга эга бўлишди. Ушбу жанг Ислом тарихидаги бурилиш нуқтаси, умуман олганда эса Ғарбий Осиё тарихида буюк ҳодиса ҳисобланади. Чунки бу урушдан кейин римликларнинг Кичик Осиёда тутган ўрни, унинг ижтимоий-сиёсий ҳолатига таъсири йўқолди ва янги юришлар учун йўл очилди.

Салжуқларнинг энг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Салжукийларнинг муассиси – Рукниддин Туғрулбек. Буюк салжуқ деб ҳам аталади. Ҳижрий 432–455 (милодий 1040–1063) йиллар.

2. Алп Арслон – буюк салжукийлардан. Ҳижрий 455–465 (милодий 1063–1072) йиллар.

3. Маликшоҳ ибн Алп Арслон – буюк салжуқлардан. Ҳижрий 465–485 (милодий 1072–1092) йиллар.

4. Имодуддин Қора Арслон. Кирмон, ҳижрий 433–465 (милодий 1041–1072) йиллар.

5. Муғийсиддин Маҳмуд. Ироқ ва Курдистон, ҳижрий 511–525 (милодий 1117–1131) йиллар.

6. Дикоқ ибн Туташ. Сурия, ҳижрий 488–507 (милодий 1095–1113) йиллар.

7. Сулаймон ибн Қатламиш. Рум, ҳижрий 470–485 (милодий 1077–1092) йиллар.

Салжуқларнинг заифлашиши ва тугаши

Салиб юришлари ва ҳашшошийларнинг кўзғалонлари салжукийларни заифлаштирди. Шунингдек, уларнинг давлатлари кенгайиб кетгани натижасида келиб чиққан

ички бўлинишлар, шу билан бирга, отабек амирликларининг барпо қилиниши ҳам уларнинг заифлашишига сабаб бўлди.

Ушбу омиллар охири бориб давлатнинг тугашига олиб келди. Давлат иқтисодий жиҳатдан ҳам заифлашиб қолган, вазир Низомулмулк аскарларга ва кўзга кўринган одамларга маош ўрнига ер бўлиб берар эди. Улар эса ўзларига бўлиб берилган ерларни олиб, салжуқийлардан ажралиб олишди. Шулардан биттаси Дамашқ отабекияси, бошқа бири Мусо отабекияси, яна бири Жазира отабекияси дейилади. Охир-оқибат хоразмийлар салжуқийларни тугатди.

ЖАЗОИРДАГИ БАНУ ҲАММОД ДАВЛАТИ

(ҳижрий 398–547; милодий 1007–1152)

Бу давлатнинг аҳолиси Оли Зийрий давлатининг бир бўлагидир. Уларнинг давлати шийъа давлати бўлиб, улар барбарлар сулоласидан чиққан. Бу давлатни Ҳаммод ибн Балқин ҳижрий 398 йилда Жазоирда ташкил этган. У минтақа Мағрибул Авсат (Ўрта Мағриб) дейилади. Сўнг Ҳаммод ибн Балқин Фаъсни эгаллаб олган. Носир ва унинг ўғли Мансурнинг даврлари Оли Зийрий ва Оли Ҳаммоднинг энг яхши асрлари ҳисобланади. У вазиятлар барқарор бўлган, ободончилик, тараққиёт ўзининг чўққисига чиққан давр бўлган. Уларнинг давлати ҳижрий 547 йили мувахҳидларнинг қўли билан тугатилган.

Бану Ҳаммоднинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Ҳаммод ибн Балқин. Ҳижрий 398–419 (милодий 1007–1028) йиллар.
2. Қоид ибн Ҳаммод. Ҳижрий 419–447 (милодий 1028–1055) йиллар.

3. Носир ибн Алнас. Ҳижрий 454–481 (милодий 1062–1088) йиллар.

4. Мансур ибн Носир. Ҳижрий 481–498 (милодий 1088–1104) йиллар.

ЗУБАЙД-НАЖОҲИЯ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 403–554; милодий 1012–1159)

Бу давлатнинг асосчиси Нажоҳдир. У ҳабашистонлик куллардан бўлиб, Зиёдия давлатидаги мамлуклардан бири эди. Зубайд вафот этгунича ўзи ҳукмронлик қилди. Сўнг ундан давлатни сулайҳийлар тортиб олишди. Кейинроқ Зубайд-Нажоҳия давлати ҳукмронлигини қайта тиклаб, сулайҳийлардан ўч олди. Орада урушлар, турли курашлар давом этди. Охири келиб иш Саъидул-аҳвал ибн Нажоҳнинг даврида қарор топди. Уларнинг юртига ҳабаш вазирлар эга чиқиб, уларга қарши амир Мансур ибн Фотик жанг қилди, лекин ҳабашлар уни қатл этдилар. Давлатни куллардан бир гуруҳи қўлга олди. Ҳижрий 554 йилда хаворижлардан бўлган Бану Маҳдий қабиласи уни тугатди. Уларнинг қўлига ўтгач, бу давлат ҳижрий 569 (милодий 1173) йилгача – айюбийларнинг давригача ҳукмронлик қилди.

Мазкур давлатнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Муаййид Нажоҳ. Ҳижрий 403–452 (милодий 1012–1060) йиллар.

2. Саъид Аҳмад ибн Нажоҳ. Ҳижрий 454–482 (милодий 1062–1089) йиллар.

3. Мансур ибн Фотик. Ҳижрий 503–527 (милодий 1109–1133) йиллар.

ҲАЛАБДАГИ МИРДОСИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 414–472; милодий 1023–1079)

Солиҳ ибн Мирдос арабларнинг Килоб қабиласидан бўлиб, Ҳалабга эга чиқди ва уни фотимийларнинг волийси қўлидан тортиб олди. У ўзининг яхши инсонлиги билан одамлар орасида танилди. Ҳижрий 420 (милодий 1029) йилда Баълабаккадан бошлаб Она деган жойгача подшоҳлик қилди. Мисрнинг ҳукмдори Зоҳир унга қарши лашкар юборди. Улар Табария деган жойда тўқнашдилар ва Солиҳ ўша ерда мағлубиятга учради. Ўғли ва ўзи ҳижрий 420 йилда қатл қилинди. Унинг бошқа бир ўғли Абу Комил Наср ибн Салоҳ кутулиб қолди ва Ҳалабга қайтиб бориб, у ерга подшоҳ бўлди. Бу давлат ҳижрий 472 йилгача ҳукмронлик қилди. Уни фотимийлар йўқ қилишди. Сўнгра салжуқларнинг подшоҳи бу давлатни ҳам ўзига қўшиб олди.

Мазкур давлатнинг энг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Солиҳ ибн Мирдос. Ҳижрий 414–420 (милодий 1023–1029) йиллар.
2. Наср ибн Солиҳ. Ҳижрий 420–429 (милодий 1029–1037) йиллар.
3. Муъиззиддавла Симол ибн Солиҳ. Ҳижрий 434–449 (милодий 1042–1057) йиллар.

АНДАЛУСДАГИ ТОИФАЛАРНИНГ ПОДШОҲЛАРИ

(ҳижрий 422–484; милодий 1031–1091)

Андалусдаги умавийлар давлати заифлашгандан сўнгра у ерни омирийлар ўзлариники қилиб олишди. Турли тоифаларнинг амирликлари ўзларича мустақил бўлиб олиб, ҳукмронлик қила бошлашди. Шунинг учун улар «тоифалар

хукмдорлари» деган ном билан танилди. Улар йигирмадан ортик кичик давлатларга бўлиниб кетишди. Натижада мана шу асрда келишмовчиликлар, фитналар, манманликлар, ўзаро тўс-тўполонлар ва жангу жадаллар кўпайиб кетди.

Ушбу давлатларнинг энг муҳимлари

1. Зийрийя давлати. Ғарнотада (Гренада) бўлган. Ҳижрий 403–483 (милодий 1012–1090) йилларда улар барбарлар деб аталган.

2. Ҳамудийя давлати. Бу давлат Қуртуба билан Малага ўртасида эди. У ҳижрий 407–450 (милодий 1016–1058) йилларда ҳукм сурган шийъа давлати бўлиб, Ҳасан ибн Алийнинг сулоласидан Идрисга нисбат берилган.

3. Ҳудийлар давлати. Унга Сарақастада асос солинган (ҳозирги кунда Сарагоса дейилади). Ҳижрий 410–536 (милодий 1019–1141) йиллар. Бу давлатнинг асосчилари араблар бўлишган.

4. Омирийлар давлати. Унга Валенсияда асос солинган. Ҳижрий 412–478 (милодий 1021–1085) йиллар. Омирийлар Бану Омирнинг озод қилган қулларидан бўлишган.

5. Аббодийлар давлати. Сивилияда асос солинган. Ҳижрий 414–484 (милодий 1023–1091) йиллар. Уларнинг асосчилари Бану Лахмга мансуб араблардир. Ушбу давлат энг кучли, энг машҳур давлат бўлган. Уларнинг энг машҳур ҳокимларидан бири Муътаид ибн Аббод эди.

6. Бану Афтас давлати. У Батлиюсда ташкил этилган. Ҳижрий 421–487 (милодий 1030–1094) йиллар.

7. Жухурийлар давлати. Унга Қуртубада асос солинган. Ҳижрий 422–461 (милодий 1031–1069) йиллар. Бу давлатни Бану Ийёд йўқ қилган.

8. Зуннун давлати. Тулайтилада (яъни Таледо) асос солинган. Ҳижрий 427–487 (милодий 1036–1094) йиллар. Улар барбарлар эди.

Мазкур давлатлар ниҳоятда заиф бўлиб, тафриқага тушишган. Уларнинг ўртасида тез-тез урушлар бўлиб турган. Улар бир-бирини енгишда фарангларнинг подшоҳидан ёрдам сўрашган. Ўзларининг мусулмон биродарларига қарши кофирларни етаклаб келиб уруштирган. Бу ҳолат юз йилча давом этган. Ана шу юз йилликнинг охирларига келиб, Испаниянинг подшоҳлари ўзлари бирлашиб, бу амирликларни бирин-кетин ўз домларига ютиб юбора бошлаганлар. Ҳатто Андалуснинг энг катта юрти бўлмиш Ишбилиягача келишган. Шунда Ишбилиянинг ҳокими Муътамид ибн Аббод Юсуф ибн Ташфиндан ёрдам сўраган. У Мағрибдаги муробитлар давлатининг амири эди. Унинг баъзи ёрдамчилари бу нарсада эҳтиёт бўлишни сўраган. Шунда Юсуф ибн Ташфин ўзининг энг машхур сўзини айтган: «Африканинг шимолида, Африканинг саҳросида туя ҳайдовчи бўлмоғим мен учун Қиштолада тўнғиз бокқанимдан афзалроқдир».

Бу унинг энг улуғ сўзларидан бўлиб, доимо тарихда унинг шарафи, таъриф ва тафсифи учун ишлатиб келинган. Мазкур буюк подшоҳ ўз юртининг равнақи учун кўп ишларни қилди. У ўзининг эмас, халкнинг фойдасини кўзлади. Муътамид ибн Аббоднинг даъватига биноан Юсуф ибн Ташфин ўзининг Андалусдаги мусулмон биродарларига ёрдамга келди ва бу урушда насороларни енгди. Тоифаларнинг барча подшоҳларини йўқотиб, Андалусни бирлаштирди. Шундай қилиб, Андалус муробитлар давлатининг бир бўлагига айланиб қолди.

МАҒРИБ ВА АНДАЛУСДАГИ МУРОБИТЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 448–541; милодий 1056–1146)

Муробитлар барбарлар бўлиб, саҳровий қабилалардан иборат эди. У Санҳожа деган қабиланинг бир бўлаги бўлган. Уларнинг муробитлар деб номланишига сабаб улар Абдуллоҳ ибн Ёсиннинг шогирдлари саналиб, буларни ўша киши тарбияла-

ган. У ўзининг дарс ва ибодат учун қурган Мағриб саҳросидаги работида уларни тарбиялагани учун улар муробит деб аталадиган бўлишган. Улар «ниқоблилар» деган ном билан ҳам машхур бўлганлар. Уларнинг ташкилотига Абу Бакр ибн Умар Ламтуний раислик қилган, улар билан бирга урушларга борган. Сус ва Мусомида деган жойларни фатҳ қилган. Амакисининг ўғли Юсуф ибн Ташфин ҳам жангларда у билан бирга иштирок этган. Кейинчалик у подшоҳлик даражасигача кўтарилиб, юқорида айтилган катта-катта ишларни амалга оширган. Абу Бакр Юсуфнинг бу ҳолини кўргач, ҳокимиятни тарк қилиб, давлатни Юсуфнинг қўлига топширган. Юсуф ибн Ташфин барбар миллатига мансуб биринчи подшоҳ бўлиб, Мағрибда ҳукмдорлик қилган. Унинг жангчилари орасида Мағрибнинг барча қабилаларидан йигитлар бор эди. Юсуф ибн Ташфин ўз асрининг мусулмон ҳукмдорлари орасида энг буюғи бўлган.

Андалуснинг муробитларга қўшилиши

Аввал айтиб ўтилганидек, Андалусдаги Ишбилиянинг ҳокими Муътамид ибн Аббод насороларга қарши мураббийлардан ёрдам сўради. Шунда Юсуф ибн Ташфин ўз қўшини билан ёрдамга етиб келиб, насоролар билан жанг қилди. Ўша пайтда насороларнинг подшоҳи Фунис VI бўлган. Юсуф ибн Ташфин насороларни шармандаларча мағлуб этди. Ҳижрий 479 (милодий 1086) йилда бўлиб ўтган ушбу жанг Заллоқа жанги деган ном билан машхур. Кейин Юсуф ибн Ташфин Андалусни ҳамма тарафлама эгаллаб олиб, уни бирлаштирди, заиф тоифалар подшоҳларини йўқотди. Шундан сўнг Андалус муробитлар давлати таркибига кирди. Юсуф ибн Ташфиннинг давлати Мағрибда кенг ёйилиб, унинг чегараси шарқда Тунисгача, ғарбда Атлантика океанигача чўзилган. Шунингдек, шимол тарафдан Ўрта ер денгизи билан, жануб томондан Судан билан чегараланган. У Марокаш шаҳрини катта режа асосида қурган ва уни ўзига пойтахт қилиб олган.

Юсуф ибн Ташфиндан кейин ўғли Алий ибн Юсуф бошқарувни қўлига олиб, отасининг жиҳодини давом эттирди ва Аклиш деган буюк жангда испан насоролари устидан ғалаба қозонди. Бу ҳодиса ҳижрий 502 (милодий 1108) йилда содир бўлди. Ушбу жанг Заллоқа жангидан кейинги энг буюк жанглардан бири саналади. Шундан кейин муробитлар давлати секин-аста заифлашиб бориб, йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят ҳижрий 541 йилда муваҳхидлар бу давлатни тугатишди.

Муробитлар давлатининг энг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Яхё ибн Умар – муробитлар давлатининг асосчиси. Ҳижрий 448 (милодий 1056) йилда вафот этган.
2. Абу Бакр ибн Умар. Ҳижрий 448–453 (милодий 1056–1061) йиллар.
3. Юсуф ибн Ташфин. Ҳижрий 453–500 (милодий 1061–1106) йиллар.
4. Алий ибн Юсуф. Ҳижрий 500–530 (милодий 1106–1136) йиллар.

ЯМАНДАГИ СУЛАЙҲИЯ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 429–569; милодий 1037–1173)

Алий ибн Муҳаммад Сулайҳий ташкил қилган Сулайҳийя давлати шийъа давлати эди. У ўзининг исмоилий даъватини Яманда фотимий халифанинг ёрдамида тарқатди, сўнгра Яманнинг барча юртларига ўз ҳукмини ўтказди. Санъони ўзига пойтахт қилиб олди. Алий ибн Муҳаммад Сулайҳий Бану нажоҳлар томонидан қатл қилинди. Шундан сўнг унинг ўғли Мукаррам волий бўлди ва ҳижрий 469 (милодий 1076) йилда Бану Нажоҳдан ўч олди. Фотимий халифа Мукаррамни Умонга волий қилиб, унга Ҳижоз ва Аҳиссога алоҳида аҳамият бериб туришни топширди.

Мукаррамнинг вафотидан кейин исмоилийларнинг Ямандаги давлати заифлашди. Фотимийлар давлати заволга учрагандан сўнг ҳижрий 567 йилда Сулайхия давлати ҳам Салоҳиддин Айюбийнинг қўли билан заволга учради. Ҳижрий 569 йилда Салоҳиддин укаси Туроншоҳни Сулайхия давлатини йўқ қилиш учун юборди ва у бориб, Яманнинг ҳаммасини бўйсундирди.

Сулайхия давлатининг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Давлатнинг асосчиси – Алий ибн Муҳаммад Сулайхий. Ҳижрий 429–459 (милодий 1037–1066) йиллар.
2. Мукаррам ибн Алий. Ҳижрий 459–474 (милодий 1066–1091) йиллар.
3. Арво бинт Аҳмад Сулайхий. Мукаррамнинг аёли. Ҳижрий 492–532 (милодий 1099–1137) йиллар.

БАҲРАЙНДАГИ УЮНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 466–637; милодий 1073–1239)

Бану Абдулкайс қабиласининг бир бўғини бўлган уюнийлар Аҳиссонинг Уюн деган жойида яшашган. Улар Баҳрайннинг шарқий соҳиллари ва Арабистонни эгаллаш-ни мақсад қилишган. Абдуллоҳ ибн Алий Уюний фосиқ, бузғунчи қарматийларга қарши кўзғалон кўтарган. Улар ўша пайтда ушбу минтақаларга ҳукмронлик қилар эдилар. Абдуллоҳ ибн Алий Уюний аббосийлар ва салжуқийлар ёрдамида қарматийларни йўқ қилиш имконини топди. Бу ишлар ҳижрий 466–470 (милодий 1073–1077) йилларда бўлиб ўтди. Абдуллоҳ ибн Алий Уюний қарматийларни минтақадан қувиб чиқариб, уларни йўқ қилди. Унга минтақанинг барчаси бўйсунди. Ундан кейин келган амирлар заиф кишилар бўлиб, улар орасида бир-бирига қарши зимдан турли фитналар уюштириш кўпайди. Ниҳоят давлат завол топди. Унга форслар эга чиқиб олишди.

Уюнийлар давлатининг кўзга кўринган ҳукмдори:
Шу давлатнинг асосчиси – Абдуллоҳ ибн Алий Уюний.
Ҳижрий 466–500 (милодий 1073–1106) йиллар.

ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 470–628; милодий 1077–1230)

Хоразмда ташкил этилган хоразмшоҳлар давлати Ануштегинга нисбат берилади. Ануштегин Хуросон салжуқийларидан бўлган амирлардан бирининг мамлуки – кули бўлган. Ануштегин мазкур амирнинг бир қанча юришларига лашкарбошилиқ қилганидан сўнг амир уни ўзига яқин олиб, Хоразмга волий қилди ва унга «Хоразмшоҳ» деган унвон берди. Аввал Ануштегиннинг ўзи, кейин ўғли Хоразмга ҳокимлик қилди, кейинчалик эса Хоразмни мустақил давлат қилиб олиб, давлат чегараларини кенгайтирдилар. Улар Хуросон, Рай, Форс, Мовароуннаҳр, Кирмон, Синд ва Ғазнадаги салжукларнинг давлатларига ҳам эга чиқиб олишди. Натижада уларнинг давлати ниҳоятда кенгайди. Ҳижрий 628 йилда бу давлат мўғуллар томонидан йўқ қилинди.

Амударёнинг қуйи этагида, кейинчалик Хива хонлиги пайдо бўлган ҳудудда жойлашган Хоразм деҳқончилик гуллаб-яшнаган, яхши ривожланган ўлкалардан саналарди. Бепоён сахро ва чўллар уни ташқи оламдан узиб қўйган эди. Бу ҳолат эса Хоразмга узоқ вақт мобайнида мустақил сиёсат юритиш имконини берди. Хоразм Ислоом тарихида ҳижрий 93 йилдан, Қутайба ибн Муслим етакчилигидаги араб фотиҳлари кириб келганидан эътиборан тилга олина бошлади. Ҳижрий IV асрда Амударёнинг сўл соҳилидаги Гурганж (Урганч) шаҳри қатта иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Ўша пайтда у Сибирь ва Русия жанубидан чўллар орқали келадиган қарвон йўлларининг сўнгги бекати эди. Маҳаллий маъмунийлар сулоласи ҳижрий 385 йили афри-

ғийларни ағдариб, «хоразмшоҳлар» унвонини ўзига олди. Аммо маъмунийлар хукмронлиги узоқ давом этмади ва Хоразм расман сомонийлар қўл остида қолди. Ҳижрий 408 йили Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни ўз салтанатига қўшиб олишга қарор қилди ва маъмунийлар хукмронлиги ўз ниҳоясига етди. Тахминан йигирма йилча Хоразмда ғазнавий ҳокимлар хукмронлик қилдилар. Ҳижрий 432 йилда Исмоил Хандон ибн Олтинтош ҳокимлик қилган вилоят ўғуз хукмдорларидан Сирдарё соҳилидаги Жанда шаҳри ҳокими Шох Малик қўлига ўтди, аммо ўша йилиёқ салжуқийлар Шох Маликни ағдариб ташлаб, Хоразмга ўз ҳокимларини тайинлай бошладилар.

Ҳижрий 470 йиллар атрофида салжуқийлар султони Маликшоҳ саройида ҳаммомлар назоратчиси вазифасида ишловчи Ануштегин Жарчой Хоразмга ҳоким этиб тайинланди. У салжуқийларнинг ғазнавийларга қарши урушида иштирок этди. Урушда олдинига салжуқийлар мағлубиятга учрашди, кейинчалик эса зафар қозонишди. Бунда Ануштегиннинг хизмати катта бўлди. Султон Маликшоҳ миннатдорчилик рамзи сифатида унга Хоразм хукмронлигини топширди. Ануштегин Хивада ўз вазифасини бажаришга киришди ва умрининг охиригача ҳокимлик қилди.

Ҳижрий 490 йили Ануштегин вафот этганидан кейин ҳокимият қисқа муддатга турк волийларидан Экинчи ибн Қўчқор қўлига ўтди. Кейинроқ вилоят ҳокимлигига Ануштегиннинг ўғли Қутбиддин бош бўлди. У тадбирли киши эди, шу боис салжуқийлар султони Берка Яруқ уни Хоразм ҳокимлигида қолдириб, шоҳ унвони билан шарафлади. Хуросон устидан назорат салжуқийлардан Санжарнинг қўлига ўтгач, у ҳам Қутбиддиннинг ваколатини тасдиқлади.

Унинг хукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда Самарқанд ҳокими мусулмончиликка тўғри келмайдиган ёвузликларни амалга оширди. Шунда у қўлга олиниб, маҳкамага тортил-

ди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳижрий 521 йили Қут-биддиннинг ўрнини унинг ўғли Отсиз эгаллади. У аввалига отасининг сиёсатини давом эттирди, кейинчалик эса салжуқийларга қарамликдан қутулиш чораларини кўра бошлади. Султон Санжар уни тахтдан четлатди, аммо кўп ўтмай Отсиз Хоразм устидан ҳукмронликни қайтадан қўлига олди. Ҳукмронлигининг охириги йилларида у қудратли подшоҳга айланди. Унинг ҳукмронлиги Форс ва Хузистондан ташқари мусулмон дунёсининг бутун шарқий ўлкаларига ёйилди.

Отсизнинг вафотидан кейин ҳижрий 551 йили унинг ўғли Ил-Арслон ҳокимиятга келди. Унинг ҳукмронлиги даврида давлат чегаралари аста-секин кенгая борди, Хоразм осойишта ва гуллаб-яшнаган диёрга айланди. Хоразмшоҳ Ил-Арслон ҳижрий 567 йили вафот этди.

Ҳукмдорнинг вафотидан кейин тахтга унинг норасида ўғли Султоншоҳ Муҳаммад ўтирди. Султоншоҳ Муҳаммаднинг онаси унинг номидан мамлакатни бошқара бошлади. Лекин ўша йилиёқ Муҳаммаднинг акаси Алоуддин Текиш Хоразмда ҳокимиятни қўлига олиб, ҳижрий 590 йили салжуқийларнинг Ироқдаги давлатини тугатди. Сўнгги салжуқий султон Туғрул II ўлдирилди.

Ҳижрий 596 йили Текишнинг ўрнини унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад олди. 605 йили у Ҳиротни эгаллади ва ғурийлардан Ғиёсиддин Маҳмуд билан жанг қилди. Маҳмуд мағлубиятга учрагилиб, ўлдирилди. Шундан кейин Муҳаммад Мовароуннаҳр шимолидаги Хатига бостириб бориб, маҳаллий қабилаларга қақшатқич зарба берди. 611 йили у Кирмон, Мижрон ва Синдни эгаллади, 612 йили эса Ғазнани қўлга киритди.

Ўз давлати чегараларини бирмунча кенгайтириб олган Алоуддин Муҳаммад Ислом оламида бир вақтлар салжуқийлар эгаллаган мартабага даъвогар бўлди. У халифа Насрдан алоҳида мақом талаб қилди, бироқ у Муҳаммаднинг талабини қондиришдан бош тортди. Шунда Муҳаммад ўз

мамлакатада аббосий халифа Наср номини хутбага қўшиб ўқишни тақиқлади, шийъаликни қабул этганини эълон қилиб, Алий ибн Абу Толиб авлодларидан бирини халифа деб тан олди. Шундан кейин у халифа Насрга қарши юриш бошлади, бироқ Бағдодгача етиб боролмай, ортига қайтди. Айнан Алоуддин Муҳаммад олдинига мўғул савдогарларни, кейинроқ Чингизхон элчиларини ўлдиришга фармон бериб, мўғулларнинг бостириб киришига сабабчи бўлди. Шу тариқа мўғуллар босқини бошланиб кетди ва бу нафақат хоразмшоҳлар давлати, балки бутун Ислом олами учун катта фожиага айланди. Алоуддин Муҳаммад мўғулларни тўхтатиб қололмади, улар Хуросонга бостириб киришди. Хоразм шоҳи Каспий денгизидаги ороллардан бирига қочишга мажбур бўлди ва хижрий 617 йилда ўша ерда вафот этди. Унинг ўғли ва меросхўри Жалолоддин Мангуберди ҳам у билан қочди. Орадан икки йил ўтиб, Жалолоддин Хоразмга қайтиб келди ва мўғуллар билан жанг қилди. Аммо мағлубиятга учраб, қолган-қутган аскарлари билан Ҳиндистонга қочди. Мўғуллар уни таъқиб қила бошлади ва Жалолоддиннинг аскарларидан кўпчилиги Ҳинд дарёсида чўкиб кетди.

Кейинчалик Жалолоддин Мангуберди Хоразмга қайтиб, Гурганжни эгаллади. У барча мусулмон ҳукмдорларни мўғулларга қарши бирга жанг қилишга чорлади, аммо улар саркарданинг даъватига жавоб қилишмади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Жалолоддиннинг ўзи укаси Гиёсиддин билан, аббосий халифа билан, Кирмон ҳокими ва туркманлар билан душманлик кайфиятида эди.

Орадан кўп ўтмай, Жалолоддин яна мўғуллардан енгилди ва тагин қочишга мажбур бўлди. У хижрий 629 йили Курдистонда бир деҳқон томонидан ўлдирилди.

Хоразмшоҳларнинг энг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Ануштегин. Ҳижрий 470–490 (милодий 1077–1096) йиллар.

2. Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануштегин. Ҳижрий 490–521 (милодий 1097–1127) йиллар.

3. Алоуддин Отсиз ибн Муҳаммад. Ҳижрий 521–551 (милодий 1127–1156) йиллар.

4. Абул Фатх Ил-Арслон. Ҳижрий 551–567 (милодий 1156–1171) йиллар.

5. Алоуддин Текиш. Ҳижрий 568–596 (милодий 1171–1199) йиллар.

6. Алоуддин Муҳаммад. Ҳижрий 596–617 (милодий 1199–1220) йиллар.

7. Жалолиддин Мангуберди. Ҳижрий 617–629 (милодий 1220–1231) йиллар.

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

Маъмунийлар академияси Хоразмда X асрнинг охири – XI асрнинг бошларида фаолият кўрсатган машхур илмий даргоҳ бўлиб, унинг тарихи Маъмунийлар давлати (992–1017) тарихи билан бевосита боғлиқдир. Сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эришган хоразмшоҳлар давлати мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни бошлаб юборди. Кун тартибида давлат ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафкуравий масалаларни ҳал қилиш ишлари турар, бунда Алий ибн Маъмун (997–1010) доно ва зукко маслаҳатчиларга муҳтож эди. Унинг бахтига тоғаси Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ниҳоятда билимдон олими бўлган.

1004 йилнинг бошида Ибн Ироқнинг таклифи билан Беруний Гурганжга қайтиб келди. Маъмун саройида илм аҳли учун яхши шароит яратиб берилди. Бу икки шахс Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмалар олиб боришди. Уларнинг таклифи билан Нишопур, Балх, Бухоро ва Ироқдан кўплаб олимлар Гурганжга келишди.

Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Гурганжда «Дорул ҳикма вал маориф» (баъзи бир манбаларда «Мажлиси уламо»)»

номини олган илмий муассаса тўла шаклланди. Бу илмий муассасада худди Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байтул Ҳикмат» академияларидаги каби илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган; ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган; Хоразмий, Фарғонийларнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. Илмий муассаса XVIII–XX асрларнинг тарихчи олимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилган ва ўз фаолияти нуктаи назаридан бу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланиб, унга «Маъмун академияси» номи берилган.

Хоразм Маъмун академияси асосини қуйидаги олимлар ташкил этган: Абу Наср Мансур ибн Алий ибн Ироқ Жаъдий (вафоти 1034 йил), Абулхайр ибн Ҳаммор (941–1048), Абу Саҳл Ийсо ибн Яҳё Масихий Журжоний (970–1011), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048), Абу Алий Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980–1037), Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайх (вафоти 1030 йил), Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил Саолибий Найсобурий (961–1038), Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (вафоти 1015 йил), Абу Алий ал-Ҳасан ибн Ҳорис Ҳубубий Хоразмий (X–XI асрлар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид Хоразмий (X–XI асрлар) ва бошқалар...

Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичга кўтарганлар. Академия аъзоларининг аксарияти олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Уларнинг илмий фаолияти, асарлари туфайли қадимги Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астрономияси, математикаси, суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддун хазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Абу Наср ибн Ироқ астрономияга доир илмий асарлари туфайли «Батлимуси соний» («Иккинчи Птолемей») деган фахрий номга сазовор бўлган.

Абулхайр ибн Ҳаммор мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани учун «Букроти соний» («Иккинчи Гиппократ») лақабини олган.

Абу Саҳл Масиҳий табиб, Ибн Синонинг устози бўлган.

Академия раҳбари Абу Райҳон Беруний фаннинг деярли барча соҳалари билан шуғулланган. Унинг геодезия ва математика соҳалари бўйича ёзган асарлари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Беруний Ўрта Осиёда биринчи бўлиб тиббиётга оид «Китоб ус-сайдала фит-тиб» («Табобатда доришунослик китоби») асарини ёзган. Беруний Америка қитъаси мавжудлигини европалик олимлардан тахминан 450 йил олдин айтиб ўтган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қадимий халқлар – юнонлар, форслар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг йил ҳисоблари, байрамлари ва машҳур кунлари, урф-одатларига оид қимматли маълумотлар тўпланган.

Хоразм Маъмун академиясининг яна бир забардаст қомусий олими Ибн Сино жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг «Тиб қонунлари» асари бутун дунёга машҳур бўлган. Хоразмда Ибн Сино асосан математика ва астрономия билан шуғулланган. Олимнинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний ва ўзининг шогирди Бахманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир. Бу ёзишмалар савол-жавоб тарзида бўлиб, унда Беруний ва Ибн Сино фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб борганлар. Ибн Сино хоразмшоҳлар вазири Абул Ҳусайн Саҳлий билан дўстлашиб, унга атаб кимёга оид «Рисолаи иксир» («Иксир ҳақида рисола») асарини ёзган.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Хоразм табиати, иқлими, суғориш тизими, минералогияси, ерости сувлари,

Амударё дельтасининг тарихи, коризлар – ерости сувларини тортиб кетувчи зовурлар куриш орқали тупрокни тозалаш бўйича тадқиқотлар қилишган. Академия аъзоларидан Абу Бакр Хоразмий, табиб Абул Фараж ибн Ҳинду шеърятда юксак маҳоратга эришганлар.

Хоразм тарихи, динлари, таквими, байрамлари, урф-одатлари, ёзуви, миллий қадриятлари ҳақидаги қимматли маълумотлар уларнинг фаолияти туфайли бизгача етиб келган. Уларнинг ўзларига хос шиорлари шундай эди: «Илм инсонлар ҳожатини чиқаришга хизмат қилсин».

Илмда қатъийлик Хоразм Маъмун академияси олимларига хос хусусият бўлган. Аристотель йўл қўйган кўпгина хатолар текширишлар давомида тузатилган, кутбдаги давомий тун ва кунлар масаласи фалакиёт фани нуқтаи назаридан осонлик билан тушунтирилиб ечилган. Берунийнинг кайд этишича, қадимда Хоразм астрономлари юлдузларнинг жойлашиш тартибини араблардан кўра яхшироқ билишган.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун (Маъмун II) саройидаги олимлар шуҳрати ўз даврида узоқ ўлкаларга тарқалган. Бу эса Маҳмуд Ғазнавийнинг ғашини келтирган. У уюштирган суиқасд натижасида 1017 йилнинг баҳорида Маъмун II ўлдирилган ва ўша йилнинг июнида куёви учун қасос олиш баҳонаси билан Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кирган. Катта кирғинбарот ва талон-тароҷлар натижасида Хоразм Маъмун академияси фаолияти тугатилган ва бу ердаги олимларнинг кўпчилиги Ғазнага мажбуран олиб кетилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1997 йил 11 ноябрь) Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди.

АДАНДАГИ БАНУ ЗУРАЙЪ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 476–569; милодий 1083–1173)

Аввал бошда сулайҳийларга қарам бўлган бу шийъа давлати кейинчалик мустақил бўлиб чиқиб, уларга жизя тўлаб туришган. Ниҳоят Адан ва унинг атрофлари Мукаррам Сулайҳийга ўтган ва у Аббос ҳамда Масъуд Зурайъийларни ўша вилоятга волий қилиб қўйган. Бу ака-укалар Мукаррам Сулайҳийнинг мухлис одамларидан бўлиб, Сулайҳийга йиллик жизя тўлаб туришар эди. Уларнинг ўғиллари ҳам оталаридан кейин бу ишни давом эттириб туришган. Ҳокимларни тайин қилиш Мисрдаги фотимий халифалар томонидан амалга оширилар эди. Ўша вақтда Бану Зурайъ давлати Ямандаги давлатларнинг энг кучлиларидан бири бўлиб, сулайҳийлар давлатидан кейинги ўринда турар эди. Охири айюбийлар томонидан улар ҳам тугатилди. Айюбийлар ҳижрий 569 (милодий 1173) йилда Яманнинг ҳаммасини ўзларига бўйсундирдилар.

САНЪОДАГИ ҲАМАДОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 492–569; милодий 1099–1173/1174)

Бу давлатнинг муассиси Ҳотим ибн Ғашм Ҳамадонийдир. У Санъони сулайҳийлар подшоҳидан тортиб олиб, унга эга бўлиб олди. Ҳотим ибн Ғашмдан сўнг ҳокимиятни унинг зурриётлари давом эттиришди. Ушбу давлатнинг ҳукмронлик даври бебошлик ва изтиробларга тўла кечди. Бу эса айюбийларнинг Санъога кириб келишига сабаб бўлди. Улар ўзларини фотимийлар мулкининг ҳақиқий меросхўрлари деб билишарди.

КИЙФА ҚЎРҒОНИ ВА МАРДИНДАГИ ОРТИҚИЯ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 495–811; милодий 1101–1408)

Бу давлат султон Маликшоҳ Салжуқийнинг мамлукларидан ва кейинчалик унинг лашкарбошиларидан бирига айланган Ортиқ Туркманийга нисбат берилади. Ушбу давлатга энг аввал асос солган шахс Сақмон ибн Ортиқ бўлган. У ҳижрий 495 йилда Кийфа қўрғонини туркманлардан тортиб олиб, унга эга бўлган, кейинроқ Мардинни ҳам унга қўшиб олган. Сақмон ибн Ортиқ ҳижрий 495–498 (милодий 1101–1104) йилларда ҳукмронлик қилган.

Бу давлат ҳижрий 502 йилда иккига бўлиниб кетган.

Биринчиси – Кийфа қўрғони подшоҳлиги. Бу давлатнинг ҳукмронлиги ҳижрий 495–629 (милодий 1101–1231) йилларгача давом этган. Унинг энг кўзга кўринган подшоҳларидан бири ҳижрий 502–543 (милодий 1108–1148) йиллар орасида ҳукмдорлик қилган Рукнуддавла Довуд ибн Сақмон бўлган. Бу давлат ҳам охир-оқибат айюбийлар қўлида ниҳоясига етган.

Иккинчи қисми Мардин бўлган. Бу давлат ҳижрий 502–811 (милодий 1108–1408) йилларда ҳукмронлик қилган. Унинг кўзга кўринган подшоҳларидан бири Нажмиддин Ғозий ибн Ортиқ ҳижрий 502–516 (милодий 1108–1122) йилларда ҳукм юритган. Ушбу давлатнинг подшоҳликлари ва амирлари мўғулларнинг хизматчиларига айланиб қолган. Ҳижрий 541 (милодий 1243) йилда мўғуллар Кичик Осиёни эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатганларидан сўнгра бу подшоҳлик усмонийлар давлати томонидан тугатилган.

ДАМАШҚДАГИ БУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 497–549; милодий 1103–1154)

Бурийлар оиласининг бобоси Туғтегин деб аталиб, у султон Туташга тобе бўлган салжуклар армиясининг қў-

мондонларидан бири бўлган. Ибн Туташ Туғтегинни Дамашққа волий қилган, кейинчалик у ҳокимиятни ўзига қаратиб, Дамашқни мустақил қилиб олган.

Бурийлар давлатининг кўзга кўринган амирларидан куйидагиларни зикр қилиш мумкин:

1. Сайфулислон Туғтегин. Ҳижрий 497–522 (милодий 1103–1128) йиллар.

2. Тожулмулук Бурий. Ҳижрий 522–526 (милодий 1128–1131) йиллар.

3. Мужийруддин Абтий. Ҳижрий 534–549 (милодий 1139–1154) йиллар.

Ҳижрий 549 йилда бу жойларни Нуриддин Зангий эгаллаб олган.

Ҳижрий VI (милодий XII) асрдаги муҳим давлатлар

1. Муваҳҳидлар. Мағриб ва Андалусда, ҳижрий 514–668 (милодий 1120–1269) йиллар.

2. Зангийлар. Шом ва Мисрда, ҳижрий 521–660 (милодий 1127–1261) йиллар.

3. Ғурийлар. Ҳиндистонда, ҳижрий 543–686 (милодий 1148–1287) йиллар.

4. Бану Маҳдий. Яманда, ҳижрий 554–569 (милодий 1159–1173) йиллар.

5. Айюбийлар. Миср, Шом ва Яманда, ҳижрий 567–648 (милодий 1171–1250) йиллар.

Мазкур давлатлар ҳақидаги қисқача маълумотлар билан таништирамиз.

МАҒРИБ ВА АНДАЛУСДАГИ МУВАҲҲИДЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 514–668; милодий 1120–1269)

Бу давлат Масмуда қабиласидан бўлган Муҳаммад ибн Тумарт исмли одамнинг ҳаракати билан барпо этила бошлади.

У ўзини Маҳдий, яни маъсум (гуноҳ қилмайдиган одам) деб даъво қилган. Муҳаммад ибн Тумарт ўз даъватини Ағмотда бошлаган, сўнгра кишиларни муробитлар давлатини йўқотишга чақирган. Улар ҳақида «зулжор, мутаассиб ва Ислом шариати таълимотларига қарши чикувчилар» дея ёлғон даъво қилган. Муваҳхидларнинг шариат ҳукмларига мос келадиган эътиқодлари ҳам бор эди. Улар «Амри маъруф, наҳйи мункар қилиш, бу дунёда зоҳид бўлиб яшаш керак» дейишар эди.

Муҳаммад ибн Тумартдан кейин унинг ўрнига Абдулмўмин ибн Алий бошлиқ бўлди ва ҳижрий 541 (милодий 1147) йилда муробитлар давлатини тугатди. Сўнг у Мағриб юртарининг ҳаммасини бўйсундириб, ўз тасарруфига олди. Абдулмўмин ибн Алий ҳижрий 558 йилда вафот этди. Ундан кейин келган кўзга кўринган ҳокимлардан бири Яъқуб ибн Юсуф бўлди. У Арк деб номланган жангда ҳижрий 591 (милодий 1195) йили Андалусдаги насоролар устидан жуда катта ғалаба қозонди. Яъқуб ибн Юсуф муваҳхидлар байроғи остида Андалуснинг кўпгина юртарини олишга имкон топди. Лекин ҳижрий 609 йилда Ҳиснул Икоб номли урушда муваҳхидлар мағлуб бўлганларидан сўнг уларнинг иши орқага кетди. Давлат аста-секин заифлашиб бориб, охири ички урушлар оқибатида қулади. Ушбу давлат раҳбарларининг ўзлари ҳижрий 609–668 (милодий 1212–1269) йилларда жуда кўп урушлар олиб боришди. Уларнинг ички келишмовчиликларини кузатиб, қулай фурсат келишини пойлаб турган испаниялик насоролар ушбу вазиятдан фойдаланиб, Андалуснинг кўплаб шаҳарларини ўзлариники қилиб олишди ва ниҳоят муваҳхидлар давлатини тугатишди.

Муваҳхидларнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Муҳаммад ибн Тумарт Маҳдий. Ҳижрий 514–524 (милодий 1120–1130) йиллар.

2. Абдулмўмин ибн Алий. Ҳижрий 524–558 (милодий 1130–1163) йиллар.

3. Юсуф ибн Абдулмўмин. Ҳижрий 559–580 (милодий 1164–1184) йиллар.

4. Яъқуб ибн Юсуф. Ҳижрий 580–595 (милодий 1184–1198) йиллар.

ШОМ ВА МИСРДАГИ ЗАНГИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 521–660; милодий 1127–1261)

Зангийлар асли салжуқий туркларга мансуб бўлишган. Бу давлат Имодуддин Зангий ибн Оқ Санқарга нисбат берилди. Унинг отаси Маликшоҳ Салжуқийнинг мамлуки ва кейинчалик унинг энг катта лашкарбошиларидан бўлган. Имодуддин ўсиб-улғайгач, ҳижрий 521 йилда салжуқий султон Туташ уни Мосулга волий қилган. У ҳижрий 521–541 (милодий 1127–1146) йилларда салибчиларга қарши узоқ уруш олиб борган. Имодуддин Раҳо ва баъзи бошқа юртларни салибчилардан қайтариб олган.

Имодуддин Зангийнинг вафотидан кейин унинг давлати икки фарзанди ўртасида тақсимланди. Мосул вилояти Сайфиддин Ғозийга теги ва у ҳижрий 541–544 (милодий 1146–1149) йилларда ўша ерда ҳукмронлик қилди. Ундан кейин давлат бошқарувини фарзандлари олиб боришди.

Ҳалаб давлати Нуриддин Маҳмудга теги. У ҳижрий 541–569 йилларда ўша ерда ҳукмронлик қилди. У мазкур давлатнинг энг улуғ одамларидан бўлиб, Салоҳиддин Айюбий унинг лашкарбошиларидан эди. Имодуддин Зангий билан унинг икки ўғли салибчиларга қарши жуда катта ишлар қилганлари маълум ва машҳур. Шунингдек, улар Шом юртларида ва Мисрда буюк жиҳодларга бошчилик қилишди. Нуриддин Зангийнинг ўлиmidан кейин минтақа Салоҳиддин Айюбийнинг тасарруфи остига кирди. Аммо Зангийнинг фарзандлари фаолиятига ҳижрий 660 йилда Мосулда мўғуллар тарафидан нуқта қўйилди.

ҲИНДИСТОН ВА АФҒОНИСТОНДАГИ ҒУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 543–686; милодий 1148–1287)

Ушбу давлат ўзи ташкил топган минтақанинг номи билан аталган. Бу юрт Ҳирот ва Ғазна ўртасида, Афғонистонда жойлашган бўлиб, мазкур давлатнинг пойтахти Ферузгўҳ бўлган. Ғазнавийлар ғурликлардан Ғазна ва унинг атрофидаги ҳудудларга волийлар тайинлар эдилар.

Уларнинг энг биринчилари Иззуддин Ҳусайн бўлиб, у ғурийлар давлатининг асосчиси бўлган. Унинг ўлимидан кейин ҳокимиятни фарзандлари бўлиб олишди ва ҳижрий 582 (милодий 1186) йилда ғазнавийларни йўқ қилишга имкон топишди. Сўнг уларнинг нуфузи ортиб, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг кўп қисмларини эгаллаб олишди. Султон Ғиёсиддин ва унинг укаси Шаҳобиддин ғурий султонларнинг энг улуғларидан бўлишган. Улар Афғонистон ва Ҳиндистон атрофидаги барча минтақаларни ўзларига бўйсундириб, Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистондаги барча мулкларини ўзлариники қилиб олишган ва Ҳиндистон юртларида Исломни тарғиб қилиш, бут-санамларни парчалаш бўйича жуда катта ишларни амалга оширганлар.

«Доирату маъорифил Исломиyyа» китобида ғурийлар давлатининг ниҳояси тўғрисида қуйидагилар ёзилади: «Ғур подшоҳлари салтанатининг жуда узоқ давом этиш имконияти бор эди. Лекин Ўрта Осиёдан чиққан жоҳилларнинг қуввати ошиб, уларнинг олдинга силжишини бирданига тўхтатиб қўйишди. Ғазлар, хоразмшоҳлар ва Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар уларнинг юртига кетма-кет ғоратлар қилишди. Шунинг билан ғурийлар давлатини барбод этишди».

ЯМАНДАГИ БАНУ МАҲДИЙ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 554–569; милодий 1159–1173)

Нажоҳийлар давлати кулаганидан кейин Алий ибн Маҳдий Зубайдга эга чикди. У хумайрийлар оиласига мансуб эди. Сўнгра унинг ўрнига фарзандлари Маҳдий, Абдуллоҳ ва Абдуннабийлар ҳукуматни кўлга олиб, Яман ва Тухомада ўз давлатларини ўрнатишди. Яманликлар ўзларининг ватандошлари бўлмиш ушбу оилани яхши қабул қилдилар. Бану Маҳдий давлатининг асосчиси Алий ибн Маҳдий илм ва ахлоқ бора-сида бошқалардан ажралиб турар эди. Лекин унинг ўғиллари Маҳдий ва Абдуннабийлар давлатни эгаллагач, ахлоқлари бузилди, кўрслашиб, жоҳиллашдилар. Одамларда уларга нисбатан нафрат уйғона бошлади. Кейин Салоҳиддин Айюбийнинг укаси Туроншоҳ бошчилигида айюбийлар бостириб келиб, Яман юртларини ўз давлатларига қўшиб олишди.

МИСР, ШОМ ВА ЯМАНДАГИ АЙЮБИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 567–648; милодий 1171–1250)

Улар курд оиласига мансуб бўлиб, асли озарбойжонлик бўлишган ва Ироққа ҳижрат қилиб келишган. Бу давлатнинг асосчиси Салоҳиддин ибн Юсуф ибн Айюбдир. Унинг отаси Нажмиддин Айюб Тикрит волийси бўлган. Сўнгра Мосулга, ундан кейин Дамашққа кўчиб ўтган. Отаси Нажмиддин ва акаси Асадуддин шоҳ Нуриддин Маҳмуд Зангийнинг катта амирларидан эди. Асадуддин эса Нуриддиннинг Мисрдаги ноиби бўлган. Асадуддиннинг ўлиmidан кейин акасининг ўғли Салоҳиддин унинг ўрнига қолган. Салоҳиддин Айюбий шийъий фотимий халифа Озиднинг вазири ва сунний шоҳ Нуриддиннинг ноиби бўлган. Бир муддат ўтгач, у Мисрни мустақил давлат қилиб олган. Нуриддиннинг вафотидан кейин Салоҳиддин Айюбий Дамашқни ҳам, Шом

юртларини ҳам ўзига бўйсундирган. Бу воқеалар ҳижрий 569–571 (милодий 1173–1175) йилларда содир бўлган.

Сўнг ҳижрий 569 (милодий 1173) йилда Салоҳиддин укаси Туроншоҳни Яманга юборган.

Мусулмонлар узоқ вақт тафриқада яшаб, заиф ва таркок ҳолга келиб қолган бир даврда Салоҳиддин давлатни қўлга олиб, уни ҳар томонлама ривожлантирди. У ниҳоятда кучли бирлашган исломий қўшинни ташкил этди ва унинг ёрдамида салибчиларга қарши чиқди. Ҳижрий 583 (милодий 1187) йилда бўлиб ўтган Ҳиттийн деб номланган машҳур жангда уларнинг устидан катта зафар кучди. Салибчилар бу ерларни тўксон йилдан буён мустамлака қилиб турган эдилар. Ушбу жангдан сўнг Салоҳиддин Байтул мақдиси қайтариб олиб, салибчиларни Шом юртларидан қувиб чиқарди.

Салоҳиддин Айюбий раҳматуллоҳи алайҳ салибчиларнинг юришларини тўхтатиб, улар босиб олган юртларни озод қилишга муваффақ бўлган энг буюк мусулмон лашкарбоши ҳисобланади.

Салоҳиддиннинг давлати тасарруфига кирган минтақалар

Салоҳиддиннинг давлати таркибига Миср, Шом, Тароблус, Тунис, Нуба, Судан, Ҳижоз ва Яман юртлари кирган.

Салоҳиддиннинг вафоти ва сифатлари

Салоҳиддин ҳижрий 589 (милодий 1193) йилда вафот этди. У адолати, бағрикенглиги, карамлилиги, зоҳидлиги ва сабр-қаноати билан шуҳрат қозонган эди. Салоҳиддиндан кейин унга ўхшаш зот келмади. Ислом давлати тобора сусая борди. Охири келиб малик Солиҳ Нажмиддиннинг ўлими билан бу давлат тугади. Ҳижрий 648 (милодий 1250) йилда ҳокимиятга унинг аёли – мамлука Шажаратуд-Дур ўз ўғли Туроншоҳни ўлдириб, ўрнига ўтирди. Шундай ки-

либ айюбийлар давлати ниҳоясига етди. Унинг қолдиқлари ўрнида мамлуклар давлати пайдо бўлди.

Ҳижрий VII (милодий XIII) асрдаги муҳим давлатлар

Бу асрда аббосийлар давлати мўғул босқинчиларининг зуғуми остида қулади.

1. Бану Расул. Яманда, ҳижрий 626–858 (милодий 1229–1454) йиллар.
2. Ҳафсийлар. Тунисда, ҳижрий 625–941 (милодий 1228–1534) йиллар.
3. Бану Асфур ва Бану Жабр. Баҳрайнда, ҳижрий 636–927 (милодий 1238–1521) йиллар.
4. Маринийлар. Мағрибда (Марокаш), ҳижрий 642–869 (милодий 1244–1464) йиллар.
5. Мамлуклар. Миср ва Шомда, ҳижрий 648–792 (милодий 1250–1390) йиллар.

АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ҚУЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА САБАБЛАРИ

Аббосийлар даврида Ислом олами ўз бошидан ниҳоятда кўп ходисаларни кечиргани кузатилади. Шунингдек, кўпгина давлатлар мустақил бўлиб ривож топгани, кўпгина давлатларнинг эса юлдузи сўниб, йўқ бўлиб кетгани таъкидланади. Яна шу нарсани кўриш мумкинки, аббосий давлатлар бир вақтлар жуда катта қувватга эга бўлган, барча соҳага эга чиқиб, ҳамма нарса уларнинг қўлида бўлган. Сўнгра секин-аста сусайиб бориб, охири бу давлат мўғуллар томонидан барбод қилинган.

Тарихчилар аббосийлар давлатининг қулаш сабабларини куйидагича изоҳлайдилар.

1. Диний қаршилик ҳаракатлари кўпайган. Занжийлар фитнаси, қарматийлар, ҳашшошийлар, ботинийлар ҳаракати, Убайдия давлати каби бузғунчи ҳаракатлар ниҳоятда ортган.

2. Ҳарбийлар халифаликда юқоридан жой олиб, халифаларни ҳам, фуқароларни ҳам хорлашган.

3. Одамларнинг айшу ишратга, маишатпарастликка берилиб кетиши, исрофгарчиликка нисбатан бефарқликлари, туғёнга кетишлари натижасида минтакалардаги иктисодий соҳа инқирозга учраган.

4. Аббосийлар давлатининг қулашига энг катта сабаб – улар Исломнинг устунларидан бўлган ҳарбий соҳани эътиборсиз қолдирганлар. Агар улар Ислом умматининг барча имкониятларини, куч-қудратини салибчиларга қарши қаратиб, улар билан жиддий кураш олиб борганларида, уларга қарши исёнлар, ўзаро ихтилофлар ҳам бўлмас, давлат қуламас эди, деган мулоҳазалар ҳам бор.

5. Энг асосий омил мўғулларнинг вайронгарчиликлар келтирган босқини бўлди. Бу босқин умуртқа поғонани синдирди, давлатни кулатди.

Бу борада шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ куйидагиларни ёзадилар:

«Тўғри йўлдан бурилиш ва пасайиш аввалгидан кўра аббосийлар даврида кўпайиб, авж олди.

- Подшоҳлик тузуми яна ҳам авжига чиқди. Умавийлар даврида халифалик, рошид халифалар давридагидек, энг яхши шахсга ўтиши давом этиб келган бўлса, аббосийлар даврида халифалик ўғилга, набирага, бошқа яқинларига мерос бўлиб ўтадиган бўлди. Ҳатто подшоҳлик ўн, ўн икки ёшли болаларга мерос қоладиган бўлди. Бу ўз навбатида мусулмон оламига катта салбий таъсир кўрсатди.

- Умавийлар бошлаб берган сиёсий муҳолифларга нисбатан кўпол муносабатлар аббосийлар даврида авж олиб, даҳшатли қатлиомгача бориб етди.

- Давлат мулкани беҳуда сарфлаш, ўз фойдасига ишла-тиш каби ишлар аббосийлар даврида ниҳоятда авж олди.

- Мусулмон уммати ҳоқимларнинг фаолиятини текшириб бориш хусусиятини аста-секин йўқотиб бориб, бу хусусият аббосийлар даврида бутунлай йўқолди.

- Аббосийлар даврида илмий ҳаракатнинг кенгайиши давомида қадимги юнон, лотин ва бошқа тиллардан китобларни таржима қилишга алоҳида эътибор берилди. Мазкур китоблар ичида фойдалиси ҳам, зарарлиси ҳам бор эди. Улардан зарарлисининг касофати туфайли мусулмон оламида қарматий, муътазилӣ, муржиъа, қадария, жабрия каби ботил мазҳаблар тарқалиб кетди. Бузуқ мазҳаблардан саломат қолганлар ҳам Қуръони Карим ва суннат асосида эмас, кўпроқ фалсафа асосида баҳс ва тортишув олиб борадиган бўлдилар. Бу ўз навбатида мусулмонлар оммасига ҳам жуда катта салбий таъсир кўрсатди.

- Ақийдаси бузилган мазкур тоифалардан занжийлар, қарматийлар, ҳашшошийлар, убайдийлар ва ботинийлар очиқ-ойдин қаршилик кўрсатишга ўтишди.

- Маишатбозлик, мол-дунёга ружу қўйиш ва бекорчи дабдабалар кўпайди.

- Жория тутиш пайдо бўлди ва авж олди.

- Тасаввуф номидан иш кўрадиган таркидунёчилар, қалбаки зоҳидлар ва шуларга ўхшаш бошқа тоифалар кўпайди.

- Марказий давлатдан турли давлатлар ажраб чиқиб, мусулмонларнинг бирлиги йўқолди.

- Илмсизлик ва бидъат-хурофотлар тарқалди».

УМАВИЙЛАР ВА АББОСИЙЛАР ДАВРИДАГИ ТАНАЗЗУЛНИНГ ХУЛОСАСИ

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ бу борада қуйидагиларни айтади:

«Фойдали-амалий фанларга эътиборсизлик: ҳақиқатда, мутафаккир уламолар тажрибавий-табиӣ ва фойдали-амалий фанларга юнонлардан қабул қилиб олишган илоҳий фалсафага ҳамда метафизикага берганчалик эътибор бермадилар. Мазкур фанлар эса ўз тилларида таржима қи-

линган, юнонларнинг маҳаллий мажусийликларидан бошқа нарса эмас эди. Улар унга шунчаки фаннинг либосини кийгизган эдилар. Уларнинг барчаси гумонлар, тахминлар ва маъноси ҳам, ҳақиқати ҳам мавжуд бўлмаган лафзий тилсимлардан бошқа нарса эмас эди. Аллоҳ ушбу баҳс ва изланишда, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари, улар билан алоқадор бўлган нарсалар ҳақидаги масалаларда Ўзи нозил қилган ҳидоят ва фурқондан иборат баёноتلари билан мусулмонларни кимёвий таҳлилга ўхшаб таҳлил қилишдан ва жузларга ажратишдан беҳожат қилиб қўйган эди. Бироқ мусулмонлар ана шу буюк неъматга ношукрлик қилдилар. Узоқ асрлар давомида ана шу кераксиз нарсалар ва изланишларида давомли жидду жаҳд кўрсатдилар. Улар ўз заковатларини манфаат бермайдиган ва ҳеч қандай самараси бўлмаган, дунёда ҳам, охиратда ҳам кераксиз фалсафий ва каломий баҳсларга ишлатиб, зое қилдилар. Ўша кераксиз нарсалар билан машғул бўлиб, Исломнинг моддий ва маънавий ҳукмронлигини тарқатишга имкон берадиган илмлар ва тажрибалардан тўсилиб қолдилар.

Шунингдек, улар руҳ, шарқ фалсафаси ва ваҳдатул вужуд масалаларига оид илмий баҳслар билан машғул бўлиб қолиб, вақтлари, меҳнатлари ва заковатларининг каттагина қисмини беҳуда сарфлаб юбордилар.

Табиий ва тажрибавий фанлар борасида мусулмонлар қўлга киритган ютуқлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, гарчи у ютуқлар ўтган асрлардагидан кўра юксакроқ, илм ва тажриба борасида сермахсулроқ бўлган эса-да, бироқ улар мусулмонларнинг бошқа илмий доиралардаги кенг қамровли ютуқларига номутаносиб эди.

Мусулмонлар қолдирган табиат, коинот ва илмий тажрибаларга оид китоблар, гарчи европаликлар ўзларининг уйғонишларида улардан фойдаланган ва уларнинг кадрқийматларини эътироф этган бўлишса-да, биргина XVII–

XVIII асрларда европаликлар яратган улкан ва бой кутубхона олдида жуда ҳам оз эди. Биз Андалус уламолари ва шарқ ҳакимларининг асарлари билан ҳар қанча фахрлансак-да, улар илм, ҳикмат, тажриба ва синовлар борасида ғарбнинг улкан ютуқлари қаршисида ҳеч нарса бўлмади қолади: миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам, ихтирода ҳам, ташаббусда ҳам. Шунингдек, илмий тадқиқот ва техник мустаҳкамликда ҳам. Сиз агар мусулмон шаркининг маънавий жиҳатга бўлган эътибори ва илмий ҳамда тажрибавий жиҳатларга мансублиги қанчалик эканини билмоқчи бўлсангиз, у ҳолда мисол тариқасида шайх Ибн Арабийнинг «Ал-Футуҳотул маккийя» китоби билан табиат ва ҳикматга доир энг буюк китобни солиштириб кўринг. Шунда фаннинг юксаклиги, мавзуга эътибор ва унинг йўлидаги жидду жаҳдлар ўртасида катта фарқ борлигини кўрасиз, Шаркнинг ундан қанчалар завқланганини билиб оласиз.

Бидъатлар ва залолатлар

Исломдаги соф тавҳидни ширк, жаҳолат ва залолатнинг пардалари тўсиб бораёзган эди. Диний тузумга мусулмонларнинг ҳаётларидан каттагина ўринни эгаллаб бўлган бидъатлар аралашиб кетган ва у бидъатлар мусулмонларни тўғри дин ва дунёдан тўсиб қўйган эди. Мусулмонларнинг ер юзидаги бошқа халқлардан фарқли тарафлари ва устунликлари, шубҳасиз, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган дин туфайлидир. Ушбу диннинг афзаллиги ва мўъжизакорлиги унинг тўғрилиги ва муҳофазасидадир. Чунки у Аллоҳнинг ваҳийси, шариати, ожиз колдирувчи қонуни ва ҳикматли қондаси экани билан фарқланиб туради.

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида шундай марҳамат қилади:

«У ҳикматли, мақталган Зот томонидан нозил қилингандир» (42-оят).

ОЛТИНЧИ БОБ

МАМЛУКЛАР ДАВРИ

(ҳижрий 658–923; милодий 1260–1517)

БИРИНЧИ ФАСЛ

МИСР ВА ШОМДАГИ МАМЛУКЛАР ТАРИХИ

Кириш

Ислом тарихининг ҳижрий 658–923 (милодий 1260–1517) йиллар мобайнидаги босқичи мамлуклар даври деб аталади. Гарчи Ҳижоз, Миср ва Шомдан бошқа ерда мамлукларнинг ҳукми ўтмаган бўлса ҳам, бу давр умумий тарзда мамлуклар даври дейилаверади. Бунинг сабаблари қуйидагича:

1. Мамлуклар давлати Ислом халифалиги сифатини ўзида мужассам этган эди. Улар ўша пайтда аббосий халифаларни ўзларига қарам қилиб олишган эди. Аббосийлар ҳукмронлиги қулаб, ҳокимият мамлуклар қўлига ўтган бўлса ҳам, улар аббосий халифаларни ушлаб туришарди.

2. Мамлуклар мўғуллар устидан ғалаба қозониб, уларнинг ҳарбий юришларини тўхтатишди. Бу ишни мамлуклардан бошқа ҳеч ким қила олмаган эди.

3. Мамлуклар Ислом оламининг шарқий тарафида салибчиларни йўққа чиқаришди.

4. Яна битта сабаб – мамлукларга Ҳижоз бўйсунган эди. Ҳижоз эса барча мусулмонлар бор вужуди билан интилиб турадиган Макка ва Мадинани ўз ичига олган эди. Ўша диёрлар кимга бўйсунса, мусулмонлар ўша тарафни улуғлар, ҳурмат қилар, унга итоат этиб, бўйсунарди.

5. Мамлуклар давлати жуда ҳам муҳим жойда жойлашган бўлиб, Ислом оламининг шарқ ва ғарб тарафларининг ўртасида эди.

6. Португалиянинг ҳужуми бошланган вақтда ҳам мамлуклар уларга қарши тўсиқ бўлишди. Сўнг усмонийлар бу ишни охирига етказишди.

Ушбу сифатларнинг барчаси «Ўша пайтда Ислом оламини мамлуклар бошқарган» деган гап тарқалишига сабаб бўлган.

Ислом оламининг ўша даврдаги ҳолати

Бу давр мусулмонлар жуда ҳам заифлашган, тарқоқ ҳолга келган, Исломдан ниҳоятда узоқлашган давр эди. Улар салибчилар ва мўғулларнинг босқинидан кейин ҳориб-толган, шунинг учун иқтисодий ҳолат ҳам ниҳоятда ёмонлашган эди. Бутун мусулмон ўлкаларида камбағаллик ҳукм суларди.

Аббосий халифа ва султонларнинг ҳолати

Мамлукларнинг кўплаб султонлари заиф эди. Уларнинг орасида ҳасад, ўзаро адоват, бир-бирига қарши хийла-найранг, фитналар уюштириш кенг тарқалганди. Мана шу ҳолат ҳам мусулмонларнинг умумий заифлиги ортишига сабаб бўлди. Мисрдаги аббосий халифаларнинг ҳоли ундан қолишмас, уларнинг ҳеч қандай нуфузи, обрў-эътибори қолмаган эди. Улар давлат ишларига мутлақо аралаша олмас эдилар. Ўзини ўзи эплай олмагандан кейин қандай қилиб бирор ишга аралашиб мумкин бўларди?!

Диний руҳият

Мамлукларнинг ва халқнинг диний руҳияти юқори даражада эди. Бу нарсани уларнинг ўша вақтда олиб борган диний фаолиятларига назар солиш орқали ҳам билиб олиш мумкин. Айни шу даврларда мусулмон оламида муаллифлик ишлари кенг кўламда олиб борилган. Имом Нававий, Изз ибн Абдуссалом, Заҳабий, Ибн Касир ва бошқа кўплаб машҳур уламолар ана шу даврда етишиб чиққанлар.

Ҳарбий ҳаракатлар

Ҳарбий соҳада мамлукларнинг тутган ўрни жуда ҳам юқори, таъсир кучи очиқ-ойдин эди.

Улар ваҳший мўғулларнинг босқинларини тўхтатдилар. Ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда бўлиб ўтган буюк Айну Жолут жанги бунинг ёрқин мисолидир.

Мамлуклар ҳижрий 690 (милодий 1291) йиллар орасида салибчиларнинг барчасини Ислом давлатларидан қувиб чиқардилар.

Мамлуклар ўз даврининг охирига келиб, португал салибчиларнинг олдинга юришини ҳам тўхтатишди.

Мамлукларнинг хато ва нуқсонлари

Мамлуклар асосан ривожланмаган, қоқок минтақалардан келган бўлиб, улардаги ўзаро нафрат, чиқишмаслик ҳолатлари ўртада турли урушлар, низолар ва фитналар келиб чиқишига сабаб бўларди. Мамлуклар ўзларини бошқалардан устун кўяр, халқ оммасидан деярли ажраб, ўзларига хос лашкаргоҳларда яшашар эди. Шу билан бирга, улар ўзларининг пулга сотиб олинган қуллар эканликларини доимий равишда ҳис қилиб туришар, бу уларнинг нафсониятида бир тугун бўлиб, бирор амални эгаллаш улар учун ушбу тугунни ечишнинг энг осон йўли ҳисобланар эди. Улар амалга эришиш йўлида куч ишлатишдан, ҳар қандай раҳм-шафқатсизликдан қайтмас эдилар. Уларнинг жамиятида куч асосий мезон ҳисобланиб, кучли, бешафқат султонгина тахтда узоқроқ туриши мумкин, деган фикрда эдилар. Шунинг учун ҳам улар яшаган даврда халифаларни вазифасидан бўшатиш, султонлар орасида бир-бирини ўлдириш каби ишлар кўп бўлган.

Мамлуклар асри

Мамлуклар асри ҳақида жуда кўп ноаниқликлар бор. Шунинг учун бу даврни янгитдан ўрганиш, уларга ойдинлик киритиб, батафсил тушунтириш керак бўлади.

Мамлукларнинг таъриф ва тавсифлари

«Мамлук» пулга сотиб олинган қул демакдир. Илк бор улар айюбий султонлар томонидан турли юртлардан, мисол учун, Туркистон, Кавказ, Кичик Осиё ва Мовароуннаҳр диёрларидан сотиб олиб келинган. Уларни асосан болалик вақтида сотиб олиб, сўнг одамлардан ажратиб, махсус жойларда тарбиялашган. Уларга диний ва ҳарбий тарбия берилган, лашкарда хизмат қилишлари учун барча шароитлар яратилган, кўпчилиги юқори мартабали мансабларга ҳам эришган. Мамлуклар ўзларининг шижоатлари, кўркмас-ботирликлари билан бошқалардан ажраб туришар, уларнинг Исломга бўлган эътиборлари ҳам ниҳоятда катта бўлиб, бу билан фахрланиб ҳам юришар эди.

Аслида уларни мамлук – мулк қилиб олинганлар дейиш мумкинми? Йўқ, улар мамлук ҳам, қул ҳам эмас, аслида хур бўлишган. Одамни сотиш шариатга хилоф ишдир. Уларнинг бу борада қилган ишлари, ҳатто ниятлари ҳам мусулмончиликка тўғри келмас эди. Мисол учун, ота ўғлининг катта амалдор бўлишини, қасрларда яшашини хоҳласа, мамлукликка топшириб, мўмай пул оларди. Баъзилар болаларни ўғирлаб кетиб, сотишар эди. Исломда эса бу нарсалар мутлақо ман қилинган, қулчиликка рухсат йўқ. Шариат нуқтаи назаридан мамлуклар озод инсон ҳисобланадилар.

Мамлуклар яшаган аср икки қисмга бўлинади. Бунга кўпчилик тарихчилар иттифоқ қилганлар.

1. Денгиз мамлуклари. Ҳижрий 648–792 (милодий 1250–1390) йиллар.

2. Буржий мамлуклар. Ҳижрий 792–923 (милодий 1390–1517) йиллар.

Уларнинг давлати тақрибан 275 йил давом этган.

Ислом оламида мамлуклар нуфузининг кўтарилиши улар Ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда Айну Жолут жангида мўғуллар устидан ғалаба қозонганларидан кейин бошланди.

ДЕНГИЗ МАМЛУКЛАРИ АСРИ

(ҳижрий 648–792; милодий 1250–1390)

Денгиз мамлуқларини ҳижрий 638 (милодий 1240) йилда малик Солиҳ Нажмиддин Айюб олиб келиб, уларга Равза оролида қалъа қуриб берган. Шундан сўнг уларни «денгиз мамлуқлари» ёки «солиҳийя мамлуқлари» деб атай бошлашган.

Ҳокимиятни қўлга киритишлари

Малик Солиҳ Айюбий вафот этган вақтда унинг ҳарбий кучлари Луис IX бошчилигидаги салибчиларга қарши уруш олиб бораётган эди. Малик Солиҳ Айюбийнинг аёли – мамлука Шажаратуд-Дур унинг вафот қилганини одамлардан беркитиб, ўлган эрининг номидан ўзи юртни идора қила бошлади. Шажаратуд-Дур Исломдаги биринчи подшоҳ аёл бўлди. У ҳижрий 648 йилда ўғли Туроншоҳни иш бошқариши учун чақирди. У келиб, бошқа мамлуқлар ёрдамида салибчилар устидан ғалаба қозонди. Шундан сўнг Шажаратуд-Дур ўз ўғли Туроншоҳни қатл қилдирди ва ёлғиз ўзи ҳукмронликни қўлга олди. Унга аббосий халифа эътироз билдирганида Шажаратуд-Дур мамлуқларнинг каттаси Иззуддин Ойбекка никоҳланиб, ҳукуматни унга топширди. Шомнинг ҳокими, айюбий подшоҳ Носир Юсуф Мисрни қайтариб олишга уринди, лекин мамлуқлар қаршисида мағлубиятга учради. Шажаратуд-Дур кейинчалик эрини ҳам ўлдирди. Ҳижрий 655 (милодий 1257) йилда мамлуқлар ўч олиш мақсадида унинг ўзини қатл этишди.

Шундан кейин ишни Нуриддин ибн Иззуддин Ойбек ўз қўлига олди. Ҳижрий 656 йилда мўғуллар Бағдодга бостириб келиб, уни вайрон қилишди. Сўнг улар Шом сари юриш бошлашди. Шунда Сайфиддин Қутуз ҳукуматни қўлга олди ва мўғулларга қарши курашиш учун тайёргарлик кўра бошлади.

Айну Жолут жанги

Ҳижрий 658 йил Рамазон ойининг 15-кунида мамлуклар билан мўғуллар орасида машҳур Айну Жолут жанги бўлиб ўтди. Айну Жолут – Фаластиннинг Наблус деган ери яқинидаги жой номи. Бу жангда мамлуклар султон Кутуз ва унинг лашкарбошиси Зоҳир Бийбарс бошчилигида Хула-гунинг ноиби, мўғуллар кўмондони Кутбуғага қарши уруш қилдилар. Унда мусулмонлар мўғуллар устидан ғалаба қозониб, уларни Шом юртларидан ҳайдаб чиқардилар. Миср ва Шом мамлукларга бўйсунди.

Шундай қилиб барча ишлар мамлуклар қўлида қарор топди. Ушбу Айну Жолут жанги Ислом тарихидаги энг буюк ҳодисалардан ҳисобланади. Бу мусулмонларнинг мўғуллар устидан қозонган биринчи ғалабаси бўлиб, бу билан улар мўғуллар ҳақидаги тилларда дoston бўлган афсоналарни йўққа чиқардилар. Бунгача мўғуллар устидан ҳеч ким ҳеч қаерда ғалаба қозонмаган эди.

Айну Жолутда ғалаба қозонгандан кейин мамлуклар мўғулларни шимол томон қувиб бориб, мағлубиятга учратдилар. Кичик Осиёдаги Қайсария деган жойда навбатдаги улкан ғалабага эришдилар ва у ерларни ҳам мўғуллардан тортиб олдилар.

ДЕНГИЗ МАМЛУКЛАРИ СУЛТОНЛАРИ

(ҳижрий 648–792; милодий 1250–1390)

1. Иззуддин Ойбек. Ҳижрий 655 (милодий 1257) йилда қатл қилинган.
2. Шажаратуд-Дур. Ҳижрий 655 йилда қатл қилинган.
3. Нуриддин Алий ибн Ойбек. Ҳижрий 657 (милодий 1259) йилда тахтдан олинган.
4. Сайфиддин Кутуз. Ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда қатл қилинган.
5. Зоҳир Бийбарс. Ҳижрий 676 (милодий 1277) йилда вафот этган.

6. Саъид Барака ибн Бийбарс. Ҳижрий 678 (милодий 1279) йилда тахтдан олинган.

7. Одил Бадриддин ибн Бийбарс. Ҳижрий 678 йилда тахтдан олинган.

8. Мансур Қаловун. Ҳижрий 689 (милодий 1290) йилда вафот этган.

9. Ашраф Халил ибн Қаловун. Ҳижрий 693 (милодий 1293) йилда қатл қилинган.

10. Носир Муҳаммад ибн Қаловун. Уч бор ҳукмронлик қилган. Ҳижрий 694 йилда тахтдан олинган. Ҳижрий 698 (милодий 1299) йилда яна тахтга ўтирган. Ҳижрий 708 (милодий 1309) йилда ўзи тахтдан воз кечган. Ҳижрий 709 йилда қайта тахтга ўтирган. Ҳижрий 741 (милодий 1341) йилда вафот этган.

11. Одил Кутбуга. Ҳижрий 696 (милодий 1296) йилда қатл қилинган.

12. Мансур Ложин (Лочин). Ҳижрий 698 йилда қатл қилинган.

13. Носир Муҳаммад ибн Қаловун.

14. Музаффар Бийбарс Абу Шанкир. Ҳижрий 709 йилда қатл қилинган.

15. Носир Муҳаммад ибн Қаловун.

16. Мансур Абу Бакр ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 741 йилда тахтдан олинган.

17. Ашраф Кучак (Кичик). Ҳижрий 742 йилда тахтдан олинган.

18. Носир Аҳмад ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 742 йилда тахтдан олинган.

19. Солиҳ Исмоил ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 746 (милодий 1345) йилда вафот этган.

20. Комил Шаъбон ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 747 йилда қатл этилган.

21. Музаффар (Амир) Ҳожи ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 747 йилда қатл қилинган.

22. Носир Ҳасан ибн Носир Муҳаммад. Икки бор тахтга ўтирган. Ҳижрий 752 (милодий 1351) йилда тахтдан олинган. Ҳижрий 755 (милодий 1354) йилда қайта тахтга ўтирган. Ҳижрий 762 (милодий 1361) йилда қатл қилинган.

23. Солиҳ ибн Носир Муҳаммад. Ҳижрий 755 йилда тахтдан олинган.

24. Мансур Муҳаммад ибн Ҳожи. Ҳижрий 764 (милодий 1363) йилда тахтдан олинган.

25. Ашраф Шаъбон ибн Ҳасан. Ҳижрий 778 (милодий 1376) йилда қатл этилган.

26. Мансур Алий ибн Шаъбон. Ҳижрий 783 (милодий 1381) йилда вафот этган.

27. Солиҳ Ҳожи ибн Ашраф Шаъбон. Ҳижрий 784 йилда тахтдан олинган.

Мазкур султонлардан энг кўзга кўринганлари:

1. Сайфиддин Қутуз.
2. Зоҳир Бийбарс.
3. Мансур Қаловун.
4. Носир Муҳаммад.

ДЕНГИЗ МАМЛУКЛАРИ ЗАМОНИДАГИ МУҲИМ ХОДИСАЛАР

Қоҳирада аббосийлар халифалиги

Муъуллар Бағдодни вайрон қилганларидан сўнг аббосий халифанинг ўғли Аҳмад у ердан қочган эди. Зоҳир Бийбарс ҳижрий 659 (милодий 1261) йилда Аҳмадни Қоҳирага олиб келиб, халифалик бўйича унга байъат қилди ва Мустансир деб лақаб берди. Зоҳир Бийбарснинг бундан кўзлаган мақсади Қоҳирадаги ҳукм марказини кучайтириш, бошқа Миср юртлирини қўллаб-қувватлашини намойиш қилиш эди. Шунинг билан бирга, мамлуклар давлатига муқаддаслик ва шаръий сифат бериш мақсади ҳам бор эди.

Сўнг аббосий халифалар бирин-кетин ўша ерда ишга қўйила бошлади. Ҳижрий 659–923 (милодий 1261–1517) йиллар орасида уларнинг сони ўн саккизтага етди. Уларнинг фақат номлари халифа бўлиб, ҳокимиятнинг ҳеч қандай ишига аралаша олмас, халифа сифатида уларнинг кучи ҳам, имконияти ҳам, овози ҳам йўқ эди.

Зоҳир Бийбарс ҳижрий 667 (милодий 1268) йилда ўз та-сарруфини Ҳижозга ҳам тарқатди.

Мамлуқлар ҳижрий 660–690 (милодий 1262–1291) йилларда салибчиларга қарши жиҳод қилиб, салибчилар босиб олган барча ерларни қайтариб олдилар.

Мансур Қаловун ҳижрий 680 (милодий 1281) йилда мўғул-татарларни жуда катта мағлубиятга учратди.

Носир Муҳаммад ибн Қаловун ҳижрий 702 (милодий 1302) йилда Арвот оролини фатҳ қилди ва у ердан салибчиларни қувиб чиқарди. Шу билан салибчиларнинг Ислом шарқидаги ҳукмронлиги тугади.

Мана шу йилнинг ўзида мўғуллар Дамашққа яқин жойда бўлиб ўтган Шакҳаб жангида катта мағлубиятга учрадилар.

Қоҳирадаги аббосий халифалар:

1. Мустансир. Ҳижрий 659–660 (милодий 1261–1262) йиллар.

2. Ҳоким Биамриллах Аввал. Ҳижрий 660–701 (милодий 1262–1302) йиллар.

3. Ал-Мустакфий Биллах Аввал. Ҳижрий 701–740 (милодий 1302–1340) йиллар.

4. Восиқ Биллах Иброҳим. Ҳижрий 740–741 (милодий 1340–1341) йиллар.

5. Ҳоким Биамриллах Соний. Ҳижрий 742–753 (милодий 1341–1352) йиллар.

6. Муътазид Биллах Аввал. Ҳижрий 753–763 (милодий 1352–1362) йиллар.

7. Мутаваккил Алаллоҳ Аввал. Уч бор халифалик қилган: ҳижрий 763–779 (милодий 1362–1377) йиллар; ҳижрий 779–785 (милодий 1377–1383) йиллар; ҳижрий 791–808 (милодий 1389–1405) йиллар.

8. Муътасим Биллаҳ Соний. Икки бор халифалик қилган: ҳижрий 779 (милодий 1377) йили бир неча ой ҳамда 788–791 (милодий 1386–1389) йиллар.

9. Восиқ Биллаҳ Умар. Ҳижрий 785–788 (милодий 1383–1386) йиллар.

10. Мустаъин Биллаҳ. Ҳижрий 808–816 (милодий 1405–1413) йиллар.

11. Муътазид Биллаҳ Соний. Ҳижрий 816–845 (милодий 1413–1441) йиллар.

12. Мустақфий Биллаҳ Солис. Ҳижрий 845–854 (милодий 1441–1450) йиллар.

13. Қоим Биамриллаҳ Ҳамза. Ҳижрий 854–859 (милодий 1450–1455) йиллар.

14. Мустанжид Биллаҳ Юсуф. Ҳижрий 859–884 (милодий 1455–1479) йиллар.

15. Мутаваккил Алаллоҳ Соний. Ҳижрий 884–903 (милодий 1479–1497) йиллар.

16. Мутамассик Биллаҳ. Икки бор халифалик қилган: ҳижрий 903–914 (милодий 1497–1508) ҳамда 922–923 (милодий 1516–1517) йиллар.

17. Мутаваккил Алаллоҳ Солис. Ҳижрий 914–922 (милодий 1508–1516) йилларда халифалик қилган ҳамда 923 йилда халифаликдан воз кечиб, тахтни усмонийлар султони Салимга топширган.

БУРЖ МАМЛУКЛАРИ АСРИ

(ҳижрий 792–923; милодий 1390–1517)

Бурж мамлукларининг келиб чиқиши черкеслардир. Улар Қора денгизнинг қирғоқларидан, Гуржистон тарафлардан келишган. Уларнинг ҳаммасини денгиз мамлукларидан бири султон Қаловун ўзининг зурриётида ҳукмронликни собит қилиш мақсадида сотиб олган. Уларга «буржий мамлуклар» деб ном берган. Бурж – минорага ўхшаш нарса бўлиб, мамлукларнинг бир тоифаси қалъанинг буржида яшагани учун шундай аталган.

Муҳим ҳодисалар

- Ҳижрий 792 (милодий 1390) йилда Солиҳ Ҳожи ҳокимликдан четлатилди ва унинг ўрнига султон Барқук ҳокимият тепасига келди. Шу тариқа ҳукмдорлик денгиз мамлукларидан буржий мамлуклар кўлига ўтди.

- Ҳижрий 803 (милодий 1400) йилда Амир Темур Шом юртларига юриш қилди. У мамлук лашкарларни енгди.

- Ҳижрий 805 (милодий 1402) йилда Амир Темур усмонийларнинг устига юриш қилиб, ғалаба қозонди. Уларнинг лашкарини Анқара яқинида мағлуб этди. Султон Боязидни асир олиб, уни қамоққа ташлади ва у қамоқда вафот этди.

- Ҳижрий 830 (милодий 1426) йилда мамлуклар салибчилар устидан катта зафар қучиб, уларни Кипр оролидан қувиб чиқардилар. Ҳокимларини асирга олдилар ва Рудис (Родос) оролига таҳдид солдилар.

- Португалияликлар Ҳиндистон қирғоғига етиб келишди. У ердаги мусулмонлар мамлуклардан ёрдам сўрашди. Мамлуклар уларга ёрдам бериш учун чиқдилар, лекин хижрий 915 (милодий 1509) йилда португалияликлар қаршида мағлуб бўлдилар.

- Португалияликлар араб юртлари соҳилларига келиб, Қизил денгиз ҳавзасига киришди.

БУРЖИЙ-ЧЕРКЕС МАМЛУКЛАР СУЛТОНЛАРИ

(ҳижрий 792–923; милодий 1390–1517)

1. Зоҳир Барқук. Ҳижрий 792–801 (милодий 1390–1398) йиллар. Ҳижрий 801 йили Қоҳирада вафот этган.

2. Носир Фараж ибн Барқук. Икки бор тахтга ўтирган. Ҳижрий 801–808 (милодий 1398–1405) ва 809–815 (милодий 1406–1412) йиллар.

3. Мансур Абдулазиз ибн Барқук. Ҳижрий 808 йил (милодий 1405 йил октябрь–1406 йил январь).

4. Носир Фараж ибн Барқук. Иккинчи марта тахтга ўтиргач, ҳижрий 815 йилда қатл қилинган.

5. Муаййид Шайх. Ҳижрий 815–824 (милодий 1412–1421) йиллар.

6. Музаффар Аҳмад ибн Муаййид. Ҳижрий 824 (милодий 1421) йилда саккиз ой ҳукмронлик қилган. Аниқроғи, у ўша пайтда эмизикли гўдак бўлган, унинг ўрнига Зоҳир Тотор ҳукм юритган. Лекин Музаффар расман ҳукмдор ҳисобланган.

7. Зоҳир Тотор. Тахтга ўтирганидан бир неча ой ўтиб, ҳижрий 824 йил зулҳижжа (милодий 1421 йил декабрь) ойида тўшагида захарлаб ўлдирилган.

8. Солиҳ Муҳаммад ибн Тотор. Тахтга ўтирганидан сўнг бир неча ойдан кейин ҳижрий 825 (милодий 1422) йилда тахтдан олинган.

9. Ашраф Бирисбой. Ҳижрий 825–841 (милодий 1422–1438) йиллар. Ҳижрий 841 йилда вафот этган.

10. Азиз Юсуф ибн Бирисбой. Тахтга ўтирганидан сўнг бир неча ойдан кейин, ҳижрий 842 (милодий 1438) йилда тахтдан олинган.

11. Зоҳир Чакмоқ. Ҳижрий 842–857 (милодий 1438–1453) йиллар. Ҳижрий 857 йилда вафот этган.

12. Мансур Усмон ибн Чакмоқ. Тахтга ўтирганидан сўнг бир неча кундан кейин ҳижрий 857 йилда тахтдан олинган.

13. Ашраф Ийнол. Ҳижрий 857–865 (милодий 1453–1461) йиллар. Ҳижрий 865 йилда вафот этган.

14. Муайяд Аҳмад ибн Ийнол. Тахтга ўтирганидан сўнг бир неча ойдан кейин ҳижрий 865 йилда тахтдан олинган.

15. Зоҳир Хушқадам. Ҳижрий 865–871 (милодий 1461–1467) йиллар. Ҳижрий 871 йилда вафот этган.

16. Зоҳир Билбой. Ҳижрий 871 йил. Тахтга ўтирганидан сўнг икки ой ўтиб, ҳижрий 872 йил жумодул аввал (милодий 1467 йил декабрь) ойида тахтдан олинган.

17. Зоҳир Темурбуға. Ҳижрий 872 (милодий 1467–1468) йил. Тахтга ўтирганидан сўнг икки ой ўтиб, ҳижрий 872 йил ражаб ойида тахтдан олинган.

18. Ҳайирбек. Тахтга ўтирганидан сўнг бир кечадан кейин тахтдан олинган.

19. Ашраф Қайитбой. Ҳижрий 872–901 (милодий 1468–1496) йиллар. Ҳижрий 901 йилда вафот этган.

20. Носир Муҳаммад ибн Қайитбой. Икки бор тахтга ўтирган. Ҳижрий 901–902 (милодий 1496–1497) ва 902–903 (милодий 1497–1498) йиллар. Ҳижрий 903 йилда қатл қилинган.

21. Қонсува. Ҳижрий 902 йилда қатл қилинган (уч кун ҳукмронлик қилган).

22. Зоҳир Қонсува. Ҳижрий 903–905 (милодий 1498–1500) йиллар. Ҳижрий 905 йилда тахтдан олинган.

23. Жунбулат. Ҳижрий 905–906 (милодий 1500–1501) йиллар. Ҳижрий 906 йилда қатл қилинган.

24. Одил Тумонбой I. Тахтга ўтирганидан сўнг бир неча ойдан кейин, ҳижрий 906 йилда қатл қилинган.

25. Ашраф Қонсува Фурий. Ҳижрий 906–922 (милодий 1501–1516) йиллар. Ҳижрий 922 йилда қатл қилинган.

26. Тумонбой II. Ҳижрий 922–923 (милодий 1516–1517) йиллар. Ҳижрий 923 йилда қатл қилинган.

Мазкур ҳокимларнинг энг машҳурлари:

1. Ашраф Бирисбой.
2. Ашраф Қайитбой.
3. Ашраф Қонсува Ғурий.

Мамлуклар даврининг тугаши

Шийъа сафавийлар давлати португалияликлар билан биргаликда усмонийларга қарши чиқишди ва мамлуклардан ўз душманларига қарши ёрдам сўрашди. Мамлуклар ёрдам беришдан бош тортдилар ва шу билан бирга, португалларга қарши урушда ўзларининг қўл остида бўлган шаҳарлардан усмонийларнинг фойдаланишларига ҳам рухсат беришмади. Султон Салим ҳижрий 920 (милодий 1514) йилда Жалдирён деган жангда усмонли сафавийлар давлатини енгди. Уларнинг пойтахти Табризга кириб борди ва Ироқ усмонийларга бўйсунди. Шундан кейин Ҳалабда бўлиб ўтган «Маржи Добук» номли урушдан кейин мамлукларнинг давлати тугатилди. Ўша ерда ҳижрий 922 (милодий 1516) йилда султон Қонсува Ғурий қатл этилди.

Сўнг султон Салим Усмоний Мисрга юришда давом этди ва Қохиранинг ёнида бўлиб ўтган Ридонийя жангида мамлуклар устидан ғалаба қозонди. Ўша ерда султон Туманбой II ни қатл қилди.

Шундай қилиб мамлукларнинг ҳукмронлиги тугатилди. Уларнинг охириги аббосий халифаси Мутаваккил Алаллоҳ халифаликдан воз кечиб, уни султон Салимхонга топширди. Ушбу ҳодиса ҳижрий 923 йилда содир бўлган.

Шундай қилиб Миср ва Шом усмонийларга бўйсунадиган бўлди. Ҳижоз ашрофлари Қохирага келиб, усмоний халифага итоат қилишларини билдиришди ва Ҳижоз ҳам

унга бўйсунганини эълон қилишди. Шу тарзда мамлуклар давлати инқирозга учраб, исломий халифалик усмонийлар давлатига ўтди.

Мамлукларнинг энг улуғ ишлари

Мамлуклар Ислом тарихида жуда катта ўрин тутган халқ саналади. Улар Ислом оламига қарши уюштирилган энг катта икки ғоратни қайтардилар. Бу инсоният тарихидаги энг муҳим ишлардан ҳисобланади.

Айнан мамлуклар мўғулларнинг қонли юришларини тўхтатдилар. Ислом олами уларнинг қўлида бутунлай вайрон бўлишининг олдини олдилар.

Мамлуклар ҳижрий 660–690 (милодий 1261–1291) йиллар мобайнида салибчиларга қарши курашиб, уларни ҳам мусулмонларнинг юртларидан ҳайдаб чиқаришди.

Мамлуклар давлатининг қулаш сабаблари

1. Ҳарбий соҳага беэътиборликлари.
2. Ўзаро бўлиниб кетганлари.
3. Ички ихтилофлар ва ўзаро курашларнинг авж олган.
4. Португалияликлар томонидан Яхши умид бурни (*Cape of Good Hope*) кашф қилинган. Кемалар ана шу жойдан ўтиб келгани боис Миср кўрфази ўз аҳамиятини йўқотган.
5. Португалияликлар босқинини тўхтатишда мамлуклар муваффақиятсизликка учрадилар. Бундан фойдаланган португалияликлар Ўрта ер ва Қизил денгизларини эгаллаб олишди.
6. Усмонийларнинг янги куч сифатида чиқиши. Ана шу куч мамлукларни бутунлай йўқ қилди.

МАМЛУКЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИГА ХУЛОСА

Ушбу сарлавҳа остида шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ қуйидагиларни ёзадилар:

«Мўғул-татарлар мусулмон оламини харобага айлан-тирганларидан кейинги давр ўта тушкунлик даври бўлди. Бу даврда ҳукмронлик ҳам ўзгарди.

Ҳижрий 658–923 (милодий 1260–1517) йиллар Ислом тарихида мамлуклар ҳукмронлик йиллари дейилади. Мамлуклар давлати 275 йил ҳукм сурган.

«Мамлук» сўзи араб тилида «бировнинг мулки» деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу қул дега-нидир. Айюбийлар давлатининг султони Туркистон, Кавказ, Кичик Осиё, Мовароуннаҳр каби жойлардан ёш бола-ларни мулк сифатида сотиб олган ва жангчиликка тайёрла-ган эди. *(Улар аслида қул бўлмагани, уларни сотиш, сотиб олиш шариятга хилоф иш бўлгани хусусида юқоридаги са-ҳифаларда айтиб ўтдик).*

Аслида мамлуклар Миср, Шом ва Ҳижозгагина ҳукм-ронлик қилганлар. Улар қанча ҳаракат қилишмасин, бошқа жойларни ўзларига қўша олмаганлар. Бошқа жойлар тур-ли-туман давлатларга ажраб кетган, лекин мамлуклар дав-латида халифаликнинг баъзи сифатлари ва хусусиятлари сақланиб қолгани учун у мусулмон оламининг бош давла-ти сифатида эътироф этилган. Улар аббосийлардан бир ки-шини номига бўлса ҳам халифа қилиб қўйишар эди.

Бу даврда Исломдан узоқлашиш, ички ихтилофлар ва тарқоклик, салиб юришлари, мўғуллар босқини каби кўп-лаб ички ва ташқи салбий омиллар туфайли мусулмон олами ниҳоятда заифлашиб кетди. Иқтисодий ҳолат оғир-лашди. Мусулмон оламида камбағаллик, саводсизлик каби салбий ҳолатлар кенг тарқалди.

Мамлуқларнинг султонлари ҳам ниҳоятда заиф эдилар. Бунинг устига уларнинг орасида ҳиқду ҳасад, ўзаро адоват, орқадан ҳийла-найранглар уюштириш каби ҳолатлар авж олган, булар эса мусулмонларнинг умумий заифлигини яна ҳам оширар эди.

Мамлуқлар турли элатлар ва диёрларнинг вакиллари бўлганлари учун ораларида доимий равишда уруш-жанжаллар, қирғинбаротлар чиқиб турарди.

Улар халқдан ажраб, алоҳида лашкаргоҳларда яшар эдилар. Бу ҳолат уларни одамови қилиб қўйган эди. Шу билан бирга, улар султонга яқин бўлганлари учун ўзларини бошқалардан юқори тутар эдилар.

Мамлуқлар ўзларининг молга сотиб олинган қул эканликларини яхши билишарди. Бу қайсидир маънода уларнинг нафсониятига тегиб, бошқаларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишларига сабаб бўлар эди.

Уларнинг ичида «Устунлик – кучда» деган тушунча бор эди. Шу боис салтанатга эришиш йўлида бир-бирини қирғинбарот қилиш улар учун оддий иш эди.

Мамлуқлар ўзларининг биринчи даврларида ҳарбий соҳада катта ишларни амалга оширдилар. Мусулмонлар ватанидан салибчиларнинг қолган-қутганларини қувиб чиқардилар. Улар биринчи бўлиб мўғул-татарларни мағлубиятга учратдилар, уларни аввал Шомдан, кейин Кичик Осиёдан қувиб чиқардилар».

ИККИНЧИ ФАСЛ

ИСЛОМ УММАТИНИНГ МАМЛУКЛАР ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИ

АРАБ ЖАЗИРАСИДАГИ ҲОЛАТ

(ҳижрий 656–923; милодий 1258–1517)

Арабистон яримроли аббосийлар асрида заиф ҳолатда эди. Охириги вақтларга келиб Арабистон яримролининг жануб томони – Умон, Баҳрайн португалияликларнинг салиб юришига учради. Мамлуклар уларга қарши курашдилар. Сўнг улар усмонийлар томонидан йўқ қилинди.

ҲИЖОЗ

Умумий бўйсуниш

Ҳижоз аббосийлар даврининг иккинчи қисмига келиб жуда ҳам заифлашди. У бошқа давлатга тобе эди.

Ҳижрий 335–350 (милодий 946–961) йилларда хукм сурган шийъа давлатига бўйсунди.

Ҳижрий 350–359 (милодий 961–969) йилларда йўлдан адашган қарматийларга бўйсунди.

Ҳижрий 359–463 (милодий 969–1070) йилларда рофиза мазҳабидаги фотимийларга бўйсунди.

Ҳижрий 463–567 (милодий 1070–1171) йилларда салжукийлар кўл остида бўлди.

Ҳижрий 567–650 (милодий 1171–1252) йилларда айюбийлар кўл остида бўлди.

Ҳижрий 650–923 (милодий 1252–1517) йилларда мамлукларга бўйсунди.

Ҳижрий 923 йилдан бошлаб усмонийларга тобе бўлди.

Амалдаги ҳукмронлик

Умумий тобелик билан бирга, амалдаги ҳукумат имом Ҳасан ва имом Ҳусайнга нисбат берилган оилалар қўл остида бўлган. Бану Мусо ҳижрий 359–453 (милодий 969–1061) йилларда фотимийлар номидан ҳукмронлик қилди. Сўнг ҳижрий 453–598 (милодий 1061–1201) йилларда Бану Ҳошим ҳукм сурди.

Ҳижозда Ҳасан ибн Алийнинг сулоласидан бўлган ашроф Қатода ибн Идрис оиласи ҳукмдорлик қилган. Улар айюбийларга, мамлукларга, сўнгра усмонийларга тобе бўлишган. Мазкур оила ҳижрий 598–1343 (милодий 1201–1924) йиллар мобайнида ҳукмронлик қилган бўлиб, Мадина Ҳусайн ибн Алийга мансуб ашрофларга ён босар эди.

Ушбу оилалар ўртасида кураш, ўзаро бўғишиш, бошлиқ бўлиш учун ҳаракат доимий равишда давом этар эди. Ҳукумат тепасидаги давлатлар – айюбийлар, мамлуклар бу ишларга аралашиб, бир тарафнинг ёнини олиб, бир тарафни босиб туришар эди.

Ҳижоз ашрофларининг энг машхурлари:

1. Муҳаммад Абу Нама I. Ҳижрий 647–701 (милодий 1249–1301) йиллар.
2. Муҳаммад Баракот. Ҳижрий 859–903 (милодий 1455–1497) йиллар.
3. Муҳаммад Абу Нама II. Ҳижрий 931–992 (милодий 1524–1584) йиллар.

ЯМАН

Яман мамлуклар вақтида жуда ҳам ривожланди. У ерда иккита оила ҳукмдорлик қилди.

1. Бану Расул. Ҳижрий 626–858 (милодий 1229–1454) йиллар.
2. Бану Тохир. Ҳижрий 858–923 (милодий 1454–1517) йиллар.

БАНУ РАСУЛ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 626–858; милодий 1229–1454)

Бу давлатнинг асосчилари туркманлардан бўлган бир жамоадир. Улар ғассонийларга мансуб шахслар деб ҳам айтилади. Уларнинг боболари Муҳаммад ибн Ҳорун бўлиб, уни аббосий халифа ўзига элчи қилиб олган эди. Шунинг учун у «Расул» деган ном билан машҳур бўлган. Улар ҳижрий 569 йилда айюбийлар билан Яманга келишган, уларнинг кўпчилиги ҳарбий кўшинга кўмондонлик қилишган. Айюбийлар уларга ишонишар, ўз қўл остиларидаги давлатларга улардан ноиблар қўйишар эди.

Айюбийлар давлати заифлашганда ҳижрий 626 йилда Мансур Умар исмли шахс ўша ерларга эга чиқиб, ўз давлатига асос солди ва Таъиз шахрини пойтахт қилиб олди. Бану Расул қавми Яманда узоқ вақт – икки асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилди. Уларнинг мулки тобора кенгайиб борди. Шимолий ва жанубий Яманнинг кўпгина ерларини эгалладилар. Ҳазрамавт ҳам уларнинг ҳукми остига кирди. Уларнинг ҳукмронлиги Маккаи мукаррамагача етиб борди. Зайдий мазҳабининг имомлари расулийлардан жуда кўп жабр кўрдилар.

Хазражийнинг зикр қилишича, расулийлар давлати Ямандаги маҳаллий давлатларнинг энг буюкларидан ҳисобланади. Ҳимярия давлати қулаганидан кейин энг катта давлат расулийлар давлати бўлиб қолди. Бу юртда жуда кўп ободончилик ишлари қилинди, илм-маърифатга катта эътибор берилди. Унинг аъзолари орасидан кўплаб уламолар, доҳийлар, турли соҳаларда кўзга кўринган шахслар етишиб чиқди.

Расулийлар давлатининг тугаши

Маълум вақт ўтгач, расулийлар давлати оила-аъзолари ўртасида ўзаро кураш, адоват кўпайиб кетди. Бу нарсалар охир-оқибат давлатнинг инкирозга юз тутишига сабаб бўл-

ди. Уларнинг охириги султонларидан бири султон Масъуд Мисрга сафарга кетганида унинг куллари ҳукуматни эгаллаб олиб, турли хунрезликларни амалга оширдилар. Одамлар улардан қочиб, расулийларнинг омил, волийларидан бўлган Бану тоҳирларнинг ҳузурига боришди. Улар эса жабрдийдаларни кутқариш баҳонасида ўз давлатларини ўрнатдилар. Шундай қилиб расулийлар ўрнига тоҳирийлар келди.

Расулийларнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Мансур Умар. Ҳижрий 626–648 (милодий 1229–1250) йиллар.

2. Музаффар Юсуф ибн Умар. Ҳижрий 648–694 (милодий 1250–1295) йиллар.

3. Ашраф Исмоил. Ҳижрий 778–803 (милодий 1376–1400) йиллар.

БАНУ ТОҲИР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 858–923; милодий 1454–1517)

Бану Тоҳир давлати асосчилари Бану Умайяга нисбат берилади. Улардан бир гуруҳи давлатлари кулагач, Яманга кўчиб келишган. Улар Бану Расулнинг Адандаги ноиблари бўлиб хизмат қилишган. Сўнг Зоҳир Алий ибн Тоҳир ҳижрий 858 йилда Адан ва Зубайдни ўзига мустақил давлат қилиб олди. Бану Тоҳир билан имомлар ўртасида бир неча йиллар давомида катта кураш борар эди. Бу кураш шимол билан жануб ўртасидаги курашга айланиб, у бора-бора шиддатли тус олди. Ҳар бир тараф кўпроқ минтақага ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилар эди. Бану тоҳирлар Яманда кўпгина тамаддун ишларига катта улуш қўшганлари, кўплаб ободончилик ишларини амалга оширганлари билан тарихда қолганлар. Улар Ридода Микорина деган шаҳарни барпо этдилар, кўплаб масжид-мадрасалар қуришди, уларнинг даврида Яман юртларида илм соҳаси гуркираб ривожланди.

Бану Тохирнинг тугаши

Португалиянинг ғазоти ҳижрий 912 йилда Арабистон яриморалининг жанубига етиб келди. Улар ўз юришларини Ямандан бошлашди. Мамлуклар уларга қарши жиҳод байроғини кўтардилар. Лекин афсуслар бўлсинким, тоҳирийлар улар билан ҳамкорлик қилиш ўрнига уларнинг зиддига ҳаракат қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари йўлини улардан тўсишга уринишди. Мамлуклар ҳижрий 921 (милодий 1515) йилда португалияликлар устидан ғалаба қозондилар ва уларни Ямандан қувиб чиқардилар. Сўнг мамлуклар София номли урушда тоҳирийлар ҳукуматини ҳам енгиб тугатдилар. Ҳижрий 923 (милодий 1517) йилда уларнинг подшоҳи Тохир Омирни қатл қилдилар.

Зоҳиршоҳнинг даври тоҳирийлар давлатининг энг гуллаб-яшнаган, тараққиётга эришган, қувватга эга бўлган пайти эди. Миср ва Шомда мамлуклар давлати қулагунча Яман уларнинг тасарруфи остида турди. Сўнг ҳижрий 945 йилда улар Ямандан чиқиб кетдилар. Яман эса усмонийларнинг ҳукмига ўтди.

Тоҳирийларнинг машҳур ҳокимлари

1. Зоҳир Омир I. Ҳижрий 848–870 (милодий 1444–1465) йиллар.
2. Зоҳир Омир II. Ҳижрий 894–923 (милодий 1488–1517) йиллар.

ЯМОМА

Ямома аббосийлар даврида заиф давлат бўлиб, у ахзарийларнинг шийъа давлатига бўйсунган. Ахзарийлар заволга учрагандан сўнг уларнинг қабилалари тарқаб кетиб, тартибсизлик бошланган. Ўша вақтда ким кучли бўлса, ўшанинг иши олға босган.

Ҳолат яна ҳам ёмонлашди. Қабилалар ўзаро курашишдан, бир-бирига қарши жанг қилишдан тўхтамадилар. Уларга бу жанжалларда гоҳида Ҳижоз ашрофлари, гоҳида Баҳрайннинг ҳокимлари араллашиб туришар эди. Гоҳида у тарафга, гоҳида бу тарафга ёрдам бериб, икки тарафнинг тинимсиз урушиб туришининг пайдан бўлишарди. Бу ҳолат яқин ўтмишгача давом этиб келди. Ҳижрий 1158 (милодий 1745) йилда Саудия мамлакати барпо этилганидан кейингина ишлар яхши томонга ўзгара бошлади.

БАҲРАЙН

Баҳрайн қадимий давлат бўлиб, унинг ҳудудига ҳозирги кундаги Саудиянинг шарқий тарафлари – Кувайт, Қатар ва Араб амирликларининг бир бўлаги кирарди.

Баҳрайн ҳижрий 287–470 (милодий 900–1077) йиллар давомида йўлдан озган қарматийларнинг қўл остида бўлди. Қарматийлар Баҳрайн диёрида фисқу фасод, зулм ва жиноятчиликни авж олдириб юборишди. Уюнийлар аббосийлар ва салжукийлар ёрдамида қарматийлар давлатини тугатганларидан сўнг ушбу минтақада ўзлари ҳукмронлик қила бошладилар. Уюнийя давлати у ерда ҳижрий 470–642 (милодий 1077–1244) йиллар орасида ҳукм сурди.

Уюнийлар давлати қулагандан сўнг минтақа форсларнинг тасарруфига ўтди. Маҳаллий оилалар ҳукмдорлик қилишди. Бу оилаларнинг машҳурларидан бири Бану Ақил эди.

Машҳур қабила ва уруғлар

Оли Усфур

Оли Усфур Ақийл қабиласидан бўлиб, минтақада ҳижрий 651–705 (милодий 1253–1305) йилларда ҳукмронлик қилишган.

Оли Журвон

Оли Журвон ҳам Бану Ақийлдан бир уруғ бўлиб, улар ҳокимиятни ҳижрий 821 (милодий 1418) йилгача бошқаришган.

Оли Жабр

Булар ҳам Оли Ақийлга мансуб бир уруғ бўлиб, ҳижрий 821–928 (милодий 1418–1521) йиллар мобайнида ҳукмронлик қилишган. Сайф ибн Зомил Жабрий ва унинг укаси Ажвад ибн Зомил ушбу қабиланинг кўзга кўринган шахсларидандир. Ажвад ибн Зомил Умонни ўзига қўшиб олиб, давлатини кенгайтирган. Шундан сўнг заифлашган Оли Жабр тафриқага тушган ва португалияликлар минтақани ўзига бўйсундириб олган.

Португалияликлар Баҳрайн минтақасида

Португалияликлар Андалусда мусулмонлар устидан ғалаба қозонганларидан кейин Форс кўрфази минтақасига кириб келишди. Улар ушбу минтақа билан алоқани Васко да Гаманинг юришидан кейин бошлашган. Васко да Гама йўл очиб, тушунтириб, португалиялик мустамлакачиларга хизмат қилган. Васко да Гама ҳижрий 902 (милодий 1496) йилда Яхши умид бурни тарафдан сузиб келиб, Ҳиндистонга ўтадиган янги йўлни, шунингдек, Узоқ Шарққа Ўрта ер денгизидан, Қизил денгиздан ўтмасдан, бошқа тарафдан бориш йўлини очган.

Португалияликлар ҳижрий 913 (милодий 1507) йилда Ҳурмуз оролини ўзларига бўйсундирганлар, сўнг Саҳҳор ва Маскатни босиб олганлар. Араблар португалияликларни Баҳрайдан қувиб чиқариш учун жуда қаттиқ курашганлар ва ҳижрий 1011 (милодий 1602) йилда бунга муваффақ бўлганлар.

Португалияликлар ҳижрий 1061 (милодий 1650) йилда ўзларининг Форс кўрфазидаги, Умондаги нуфузларини бутунлай йўқотганлар. Ҳижрий 957 (милодий 1550) йилда мазкур минтақага усмонийлар эга бўлишган.

УМОН

Ибозий имомлар

Умавийлар даврида Умонга ибозий хаворижлар эга бўлиб, хижрий 135 (милодий 752) йилдан бошлаб у ерда ҳукмронлик қилишган. Уларнинг ҳукмронликлари хижрий IX (милодий XV) асргача давом этган. Ора-орада ҳукмронликлари узилиб ҳам турган. Ибозийлар имомликка сайлов орқали эришардилар. Уларнинг кўпчилиги фасод, зулм ва ахлоқсизлик билан танилган эдилар.

Сўнг бу ерларга аббосийлар эга чиқдилар. Улар хижрий IV (милодий X) асрда Умонни бой бердилар.

Умоннинг зулматга чўмган йиллари

Хижрий IV–X (милодий X–XI) асрларда Умон давлати зулмат ичида яшади. Бу даврда нималар бўлганини кўпчилик билмайди. Минтақада вайронгарчилик, хунрезлик, колоқлик, ўзаро кураш, бир-бирини ўлдириш, жаҳолат ҳукм сурди.

Бу ҳолатнинг юзага келишига асосан занжийлар, қарматийларнинг урушлари ва аввал ўтган кўплаб бошқа ҳодисалар сабаб бўлган. Қарматийлар Умонни босиб олишга икки марта ҳаракат қилишган, лекин уринишлари бекор кетган.

Умондаги Оли Набаҳон подшоҳлари

Бувайҳийлар томонидан Умонга волий этиб қўйилганлар – Оли Набаҳон подшоҳлари хижрий IV (милодий X) асрда у ерда тартибсизлик ва парокандалик ҳукм сурган бир даврда ҳокимиятни эгаллаб олишди. Юртнинг бойликларини талаб, халқни турли бало-офатларга мубтало қилишди. Улар ўзларининг тартибсизликлари ва зулмкорликлари билан ном чиқардилар, фитналари ва жанглари билан тарихда қолдилар. Оли Набаҳон Умонни вайрон қилди. Бу сулола хижрий 524–1023 (милодий 1148–1615) йилларда ҳукмронлик қилди.

ПОРТУГАЛИЯЛИКЛАРНИНГ УМОНГА БОСТИРИБ КЕЛИШИ

(ҳижрий 913–1034; милодий 1507–1624)

Умон португалияликларнинг хужумига учраб, уларнинг мустамлакасига айланди. Яхши умид бурнининг кашф этилиши португалиялик мустамлакачиларнинг минтақага бостириб келишига сабаб бўлди. Улар биринчи навбатда Умонни эгаллаб олишга ҳаракат қилишди ва ниятларига етишди ҳам. Тижорат маркази бўлган ушбу стратегик минтақа португалияликлар учун ўзларини мудофаа қилиш, ташқи алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий соҳани ривожлантириш ва бошқариш учун марказ бўлиши керак эди.

Улар оролларни, соҳил бўйларини эгаллаб олиб, у ерларда кўпгина вайронгарчиликлар қилишди, шаҳар-қишлоқларнинг кулини кўкка соворишди. Мусулмонларга нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлишди ва ниҳоят пойтахт Ҳурмузни босиб олишди. Набаҳон оиласини ўзларига бўйсундиришди. Сўнг ҳижрий 915 (милодий 1509) йилда Ҳиндистонга қайтиб кетишди.

Португалияликлар ҳижрий 921 (милодий 1515) йилда Форс кўрфазига яна ҳамла қилиб, иккинчи марта Ҳурмузни босиб олишди. Ҳокимни ўлдиришди. Сўнг Умонга ўз одамларидан Ҳомийни қўйиб, Ҳиндистонга қайтиб кетишди.

Маҳаллий аҳоли ҳижрий 928 (милодий 1522) йилда давлатнинг янги бошлиқлари – яъфурийлар бошчилигида португалияликларга қарши кураш бошлади. Душман уларга қарши ваҳшиёна чоралар кўрди, лекин жанг тўхтамади. Охири усмонийлар келгач, португалияликлар юртдан ҳайдаб чиқарилди. Умон давлати усмонийлар тасарруфи остига кирди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

МЎҒУЛЛАР ВА ИРОҚ ТАРИХИ

Аббосийлар халифалиги мўғуллар қўли билан йўқ қилинганини олдин айтиб ўтдик. Бу босқинчилар ундан кейин Ироқда ўз ҳукмларини юритганлар. Мўғуллар ҳақида аввалги бобларда батафсил сўз юритилган. Ушбу ўринда яна қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Мўғулларнинг асли ва уларнинг табиати

Мўғуллар саҳровий халқ вакиллари бўлиб, саҳроларда қабилла-қабилла бўлиб яшашар эди. Улар Осиёнинг кенг пасттекисликларидаги яйловларда истикомат қилар, асосан чорвачилик билан шуғулланишарди. Уларнинг асл ватани Мўғулистон бўлиб, ерлари Ўрта Осиёдан Жанубий Сибирь тарафларгача ва Тибетдан Шарқий Туркистонгача чўзилган. Бутпараст мўғуллар асосан чорвачилик ва овчилик билан шуғулланишган. Улар ёмонлик кучларига – жин ва шайтонларга ибодат қилишар, уларда ибохийлик – хоҳлаган нарсасини қилиш кенг тарқалган эди. Улар олиб борган босқинчилик урушларидаги алдамчиликлари, шарм-ҳаёсизликлари, аҳдни бузишлари, қонхўрликлари, ўзгалар молини талон-тарож этишлари, номуста тажовуз қилишлари билан тарихда қолганлар.

МЎҒУЛЛАРНИНГ ИСЛОМ ОЛАМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭНГ КАТТА РАҲБАРЛАРИ

Чингизхон

(ҳижрий VII аср; милодий XII–XIII асрлар)

Чингизхон мўғулларнинг энг катта лашкарбошиси ҳисобланади. У Мўғулистоннинг ҳамма тарафларини ўз ҳук-

ми остида бирлаштирган ва улар ёрдамида жуда катта ва кучли армия тузган. Мўғулларнинг Ясса (Ясақ) деб аталмиш машхур дастурини Чингизхон ишга солган. У ўзининг аскарлари билан аввал Хоразмийлар давлатини парчалаган, сўнгра Мовароуннаҳр юртларини эгаллаган. Мовароуннаҳрнинг машхур шаҳарлари – Бухоро, Балх, Нисобур, Самарқанд ва Эроннинг кўп жойларини ишғол қилган.

Хулагу

(ҳижрий VII; милодий XIII)

Хулагу Ислом оламининг шарқ тарафига бостириб келган. Бағдодни вайронага айлантириб, унинг кўпчилик аҳолисини қириб ташлаган. Аббосийларнинг охириги халифаси Муътасимни қатл қилган. Шу билан аббосийлар халифалигини тугатган. У баъзи Шом юртларига ҳам ҳарбий юришлар қилиб, у ерларни харобага айлантирган.

Хулагу фақатгина ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда мамлуклар билан олиб борилган Айну Жолут жангида катта мағлубиятга учраган. У Ироқда Элхония деган амирликни барпо қилган, кейинчалик уни ўзига тобе бир вилоятга айлантирган.

Мўғуллар ҳақида хотима

Мўғуллар ҳақида сўз кетганда бизнинг кўз олдимизда шафқатсиз, қонхўр, аҳдига бевафо босқинчилар, талон-тарож қилиниб, харобазорга айлантирилган шаҳар-қишлоқлар гавдаланади. Тўғри, босқинчилик ҳаракатларини бошлаган дастлабки йилларида улар ана шундай сифатларга эга бўлганлар, лекин орадан 35 йил ўтиб, бу халқ Исломни қабул қила бошлади. Ярим аср ўтмасдан, уларнинг барчаси мусулмон бўлиб, Ислом диёрларини муҳофаа қилувчи катта бир кучга айланди.

Одатда мағлуб халқ ғолиб халқнинг маданиятини, динини ва тараққиёт йўлини қабул қилади. Лекин бу ерда иш аксинча бўлди. Мазкур қоида бузилди. Мўғуллар ғолиб бўлсалар ҳам, мусулмонларнинг маданияти, динини қабул қилиб, уларнинг тараққиёт йўлидан юрдилар, мағлуб халқдан ибрат олдилар. Аслида мўғулларнинг тамаддуни бўлган эмас. Улар мусулмонларнинг ўзларидан ҳар томонлама афзал халқ эканлигини ҳис этдилар. Натижада Ислом жамиятида яшаб, унинг жисмига сингиб кетдилар ва мусулмон бўлиб қолдилар.

ИРОҚДАГИ ЭЛХОНИЯ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 656–736; милодий 1258–1335)

«Элхон» сўзининг маъноси «Катта хон» демақдир. Хулағунинг лақаби Элхон бўлиб, қозонган кўплаб ғалабаларидан сўнг унга ушбу лақаб берилган. Хулағу асос солган бу давлат унинг зурриётларига мерос бўлиб қолган. Аббосийлар давлати инқирозга юз тутгач, Ироқ элхонийларнинг қўл остига ўтиб, уларга бўйсунадиган кўпгина бошқа вилоятлар қаторига кўшилган ва Озарбойжонни ўзларига пойтахт қилиб олишган. Тарихий манбаларда айтилишича, бузукчилик, беқарорлик, халқ манфаатини ўйламаслик Ироқдаги Элхония идорасига хос сифатлар бўлган.

Элхония давлати ҳукмдорларидан энг кўзга кўринган, энг устуни ҳижрий 695–704 (милодий 1296–1304) йилларда ҳокимлик қилган султон Маҳмуд Ғозондир. Маҳмуд Ғозон мусулмон бўлган, у билан бирга оила аъзоларининг барчаси Исломни қабул қилишган, натижада унинг давлати ҳам мусулмон давлат бўлган. Султон Ғозон мўғуллар босқини даврида бутунлай вайронага айланган Бағдод шаҳрида жуда кўп ислоҳот ишларини амалга оширган.

ИРОҚДАГИ ЖАЛОИРЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 736–813; милодий 1335–1410)

Элхонийларнинг охирги ҳокими вафот этиб, ортидан зурриёти колмагач, тахт учун кураш бошланди. Бу курашда Ҳасан ибн Ҳусайн Жалоир исмли одам ютиб чиқиб, хукуматни эгаллаб олди ва ўз давлатига асос солди. Ҳасан ибн Ҳусайн Жалоир шийъа мазҳабидаги мўғул амирлардан бўлган, лекин Хулағунинг авлодидан эмас эди. Жалоир ва унинг ўғиллари Озарбойжон, Табриз, Мосул, Диёрбакрни ўзларига қўшиб олдилар.

Амир Темур ва Оли Жалоир

Оли Жалоир вақтида Ироқда жуда катта бўҳрон ҳукм сурар эди. Амир Темур ҳижрий 796 (милодий 1393) йилда жуда катта қўшин билан Бағдодга келиб, у ерни босиб олди. Бағдоднинг айна пайтдаги ҳокими Аҳмад ибн Авс кочиб кетди.

Кейинроқ Аҳмад Жалоирий яна Ироққа қайтиб, тахтга ўтирди. Ироқ бу пайтда жуда ҳам заифлашиб колган, давлат сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эди. Жалоирларнинг вақтида Ироқда авж олган ички ихтилофлар, босқинчилик ҳаракати натижасида жуда кўп бузғунчиликлар ва вайронгарчиликлар бўлди. Сиёсий ва иқтисодий вазият танг аҳволга келиб қолди. Ниҳоят давлат Қора қўюнлилар қўл остига ўтди.

ИРОҚДАГИ ҚОРА ҚЎЮНЛИЛАР – БИРИНЧИ ТУРКМАН ОИЛАСИ ДАВЛАТИ

(ҳижрий 782–872; милодий 1380–1467)

Бу қабилаинг одамлари қадимдан қора қўйлар боқиш билан машҳур бўлганлари учун унга шу ном берилган. Улар туркман қабилаларидан бўлиб, аслида ғарбий Туркистондан келишган эди. Ушбу қабилаинг бобоси султон

Увайс Жалоирнинг хизматини қилар эди. Қора қўюнлилар қабиласининг Мосулдаги ҳукмронлиги ҳижрий 776 (милодий 1374) йилдан бошланган бўлиб, шу йили ушбу қабиланинг каттаси бўлган Байрам Мосулга эга чиқди. Кейинчалик султон Увайснинг вафотидан сўнг баъзи минтақаларни ҳам ўзига қўшиб олди. Вақт ўтиб унинг фарзандлари раҳбарликни давом эттиришди. Ушбу оиланинг ҳукмронлиги даврида минтақага Амир Темур лашкар тортиб, бостириб келганида улар Мисрга қочиб кетишди. Амир Темур кетгач, яна юртларига қайтиб, ўз мулкларини қайтариб олдилар. Сўнгра султон Қора Юсуф султон Аҳмад Жалоирни қатл қилди ва жалоирларга бўйсунган минтақаларни ўзига қаратиб олди. Қабиланинг мулки кенгайиб бориб, Табриздан араб қирғоқларигача етди. Форслар, кирвонлар ушбу давлатга тобе бўлди. Табриз пойтахт сифатида танланди. Бағдод ва Ироқ ўша қабиланинг давлати таркибидаги вилоятлардан ҳисобланар эди. Ушбу даврда Бағдодда бироз тинчлик сақланди. Мазкур оиланинг ҳукмронлиги ўзаро курашлардан кейин бирийўла йўқ бўлиб кетди.

**ИРОҚДАГИ ОЛА ҚЎЮНЛИЛАР –
ИККИНЧИ ТУРКМАН ОИЛАСИ ДАВЛАТИ**
(*ҳижрий 806–914; милодий 1403–1508*)

Бу яна бошқа туркман давлати бўлиб, Ироқда бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида ҳукмронлик қилган. Уларнинг даврида Ироқда беқарорлик ҳукм сурди ва тарихда «қора даврлар» дея тилга олинади. Амирлар, уларнинг оила аъзолари ва қўшинлар ўртасида ўзаро урушлар давом этган, маданият ва тамаддун ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, жоҳил ҳокимлар халққа нисбатан ниҳоятда ёмон муносабатда бўлишган. Бора-бора Ироқнинг буюк тарихи нутилиб, у кичик вилоятлардан бирига айланиб қолган.

Иккинчи туркман давлатининг асосий муассиси Баҳоуддин Усмон бўлиб, ушбу оила Форс, Ироқ, Диёрбакр ва Озарбойжон юртлирини ўз ҳукми остига олган. Унинг даврида ҳам изтироблар, жангу жадаллар, фиску фасодлар авж олган, очарчилик ҳукм сурган. Бошқарув иши тобора издан чиқиб бориб, охири бу оила жарга қулаган. Ҳижрий 914 йилда Бағдодда сафавийлар давлати томонидан тугатилган. Шундай қилиб Ироқ сафавийларга тобе бўлиб қолган.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 771–907; милодий 1369–1501)

Бу давлат Мовароуннаҳр юртлири, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Шом ва Онадўли юртлирини ўз ичига олган.

Амир Темур, аввал айтиб ўтганимиздек, шарқдан жуда катта лашкар билан келиб, қисқа муддат ичида жуда кўп фатҳларни қўлга киритган. Ҳеч бир давлат унга қарши тура олмаган. Ироқ ҳам Амир Темур ўзига бўйсундирган минтақалардан бирига айланган.

Шу ўринда Амир Темур ҳақида икки оғиз сўз.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЮРИШЛАРИ

(ҳижрий 771–807; милодий 1336–1405)

Ҳижрий VIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғуллар тарқалиб кетишди. Улардан ҳар бир раҳбар ўзининг минтақасини мустақил қилиб олди ва орадаги ўзаро урушлар, низолар кучайиб кетди. Худди мана шу даврда Амир Темур пайдо бўлди ва унинг учун қулай шароит вужудга келди.

Бу даврга келиб Элхониянинг қуёши ботган, бутун Ўрта Шарқ майда подшоҳликларга айланиб, Ер юзида бирор-та йирик мусулмон давлати қолмаганди. Улуғ бир миллат бўлиб шаклланиб келаётган усмонийлар ўз империясини ташкил этиш учун ҳозирлик кўришарди. Қудратли куч бў-

лишларига қарамасдан, уларнинг кунлари туғадиган давр хали олдинда эди. Мусулмон Африкасидаги сингари Ҳиндистон минтақасини ҳам кичик подшоҳликлар ўзаро бўлишиб олган бўлиб, мусулмон дунёси буюк бир шахсга эҳтиёж сезаётган эди. Худди ана шундай зот Самарқандда пайдо бўлди. Бу Барлос уруғидан чиққан Темур эди. Мўғулларнинг ғоят катта империяси инкирозга учраганидан кейин Чингизхоннинг мусулмонлашган авлодидан мерос қолган Ўрта Осиё хонлигига Чиғатойхон бош бўлди.

Темур ёшлигидаёқ Трансоксанияга (Мовароуннахрга) ҳоким этиб тайинланди. Ноёб истеъдод эгаси бўлган бу шахс секин-аста юксалиб бориб, вазирлик даражасигача кўтарилди. Милодий 1369 йилда амир Ҳусайнни тахтдан ағдарди ва Самарқандга ўзи ҳоким бўлди. Шундан кейин Трансоксаниянинг қолган қисмини фатҳ этди... У Чингизхонниқига ўхшаш дунё империясини вужудга келтириш орзуси билан яшарди.

Темур буюк шахс эди... Ҳеч қачон жангда мағлуб бўлмаган, фавқулодда жасурлиги билан донг таратган Амир Темурнинг улуғ зот, истеъдодли лашкарбоши бўлганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу буюк давлат арбоби, ўта талабчан раҳбар Ислом шарафини ҳамма нарсадан устун қўяр, бу йўлда жонини ҳам аямас эди.

Амир Темур деярли ҳар йили Самарқанддан юришлар уюштириб турарди. Бу юришлар натижасида Хуросон, Форс, Ироқ, Шом ва Кичик Осиё бирин-кетин унинг ихтиёрига ўта борди. У тузган империя Дехлидан то Мармара денгизигача бўлган кенгликни ўз ичига олди. Темурнинг Кичик Осиёни забт этишига эса усмоний султон Боязид I нинг иғвоси сабаб бўлди. Бир аср давомида византияликлар билан уруш олиб борган усмонийлар катта империяга эга бўлиш арафасида эдилар. Темурнинг таърифи, унинг шухрати ҳақида эшитган султон Боязид унинг қачондир ўзига

хужум қилишидан кўрқа бошлади. Бунинг олдини олиш мақсадида ўз ерларини Кичик Осиё ҳисобига кенгайтиришга қарор қилди. Ўша пайтда у ерда кўплаб подшоҳликлар мавжуд бўлиб, айримлари Темурга қарам эди. Боязид уларнинг ҳаммасини: Кирмон, Қайсарийя, Тоқат, Сивас ва Костаунани босиб олди. Улардан баъзиларининг ҳокимлари ёрдам сўраб, Темур томонга қочиб ўтдилар. Тутқич бермас Боязид ўзига тобе бўлган арман элбошиси Эрзинян мамлакати ҳам эгаллади. Темур буни ўз обрўсига тажовуз сифатида қабул қилиб, ғарбга қўшин йўллади. 1400 йили Сивасни забт этиб, у ерда ҳоким бўлган Боязиднинг ўғли Эртуғрулни асир олди. 1402 йили Темур яна қайтиб келиб, кичикроқ қўшин билан рақиби Боязидни осонгина енгиб, ўзини банди қилди. Боязид қамоқда ҳаётдан кўз юмди.

Темур ўз юришларини давом эттириб, жануби-ғарбда Шомни, жануби-шарқда эса Дехлини ўзиники қилди. 1405 йилда у Хитойни истило этишга чоғланди. Катта қўшин билан Марказий Осиёга йўл олиб, Хитой сарҳадиغا етганида вафот этди.

ТЕМУРНИНГ ВОРИСЛАРИ

Шоҳрух (1404–1447)

Амир Темур ўзига валиаҳдликни бошқа ўғлига васият қилган эди, лекин ўша пайтда Хуросон ҳокими бўлиб турган Шоҳрух мирзо тезлик билан темурийлар империясига бош бўлиб олди. У сўнмас шуҳрат қозониб, буюк Темурга муносиб ворис эканлигини исботлади. Падари бузрукворининг юришлари пайтида издан чиққан Форс ва Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини қайта тиклаш бобида жонбозлик кўрсатди. У асосий эътиборини Хуросон шаҳарларига, Марв ва Ҳиротга қаратди. Ўғли Улуғбекни Самарқандга Трансоксания ҳокими қилиб жўнатиб, шу пайтдан эътиборан империясининг ушбу қисмидаги

ишларга мутлақо аралашмади. Шу боис ажойиб шаҳзода Улуғбек мустақил ҳукмдор сифатида Самарқанднинг фан ва маданият соҳасини юксакларга кўтарди. Фанга оталиқ қилишда Улуғбекка етадигани йўқ эди. Унинг томонидан Самарқандда бунёд этилган расадхона ҳозиргача асраб келинмоқда. Фалакиёт илмига доир Улуғбек тузиб чиққан жадвал эса аниқликда дунёда мислсиздир.

Шоҳруҳ буюк меъмор эди, унинг аёли Гавҳаршод ҳам Машҳадда ҳануз форс меъморчилигининг шон-шухрати бўлиб келаётган масжид курдирди. Шоҳруҳ саройи ўша даврда Осиёдаги энг жозибали ва улуғвор маскан ҳисобланарди. У талайгина мамлакатлар, жумладан, Хитой хонлиги билан элчилар алмашди. Жангчи сифатида ҳам пешқадамлардан бўлган Шоҳруҳ тобора кучайиб бораётган Қора кўюнли туркманларни кўп марта мағлубиятга учратди.

1447 йилда Шоҳруҳ вафот этгач, унинг ўғли Улуғбек тахтга ўтирди.

Улуғбек (1409–1449)

Улуғбек ўзбек халқи тарихида буюк астроном ва математик, давлат арбоби сифатида ном қолдирган. Шоҳруҳнинг ўғли Улуғбек Соҳибқироннинг «беш йиллик юриш»ида (1392–1396) Ироқдаги Мардин қалъасини қамал қилиш чоғида дунёга келган. Ниҳоятда хурсанд бўлган Соҳибқирон Мардин қалъаси қамалини тўхтатиб, унинг халқига юкланган тўловни бекор қилади. Амир Темур Улуғбекнинг тарбиясига алоҳида эътибор беради, уни давлат аҳамиятига молик тадбирларда қатнаштиради. Клавихонинг қайд этишича, Улуғбек бобосининг хорижий элчиларни қабул қилиш маросимларида иштирок этади. 1404 йили Конигилда ташкил этилган тантаналарда Амир Темур олти набирасининг (жумладан, Улуғбекнинг) никоҳ тўйларини ўтказган. Тўйда Соҳибқирон Улуғбекка Тошкент, Сайрам, Янги (ҳоз.

Тароз) ва Мўғулистонни то Хитой худудигача суюрғол – инъом қилиб берган. Амир Темур Ўтрорда вафот этган пайтда Улуғбек ҳам ўша ерда бўлган.

Маълум вақтга келиб темурийлар ўртасида тожу тахт учун кураш бошланади. Ўтрордан қайтган Шохрухнинг фарзандлари – Улуғбек ва Иброҳим султонни амирлар пойтахт Самарқандга киритмайдилар, шунда улар Бухородан паноҳ топишади. Самарқанд тахтини Халил Султон эгаллайди. Хуросонни бошқариб турган Шохрух Улуғбекка дастлаб Андхўй билан Шибирғонни, кейинчалик Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Насо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопурдан иборат қисмини бошқаришни топширади. 1410 йилда Шохрух Мовароуннахрни ўз тасарруфига киритгач, уни ва Туркистон вилоятини идора этишни Улуғбекка топшириб, Соҳибқироннинг васиятини қайта тиклайди. Улуғбек ёш (15 ёш) бўлгани сабабли амир Шохмалик унга ҳомий этиб тайинланади. Лекин Шохмаликнинг ракиби – Ўтрордаги шайх Нуриддин ва Муҳаммад Жаҳонгирнинг Ҳисордаги волийлари 1410 йилнинг баҳорида Улуғбек ва Шохмаликка қарши чиқадилар. Шу йилнинг ёзида Шохрух иштирокида бўлиб ўтган жангда Шохмалик ва Улуғбек ғалаба қозонадилар. 1411 йил сентябрда Шохрух Самарқандга келиб, Шохмаликни ўзи билан Ҳиротга олиб кетади ва кейинчалик 1413 йилда уни Хоразмга ҳоким қилиб юборади. Шу вақтдан бошлаб Улуғбек Мовароуннахрни мустақил идора этишга киришади. Шохрух Мовароуннахрда бошқа темурий шаҳзодаларга ҳам мулк ажратган эди. Чунончи, Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгир мирзога, Ўзганд вилоятини Умаршайхнинг ўғли Амирак Аҳмадга суюрғол қилган эди. Бирок улар Улуғбекка тобе эдилар. 1414–1415 йилларда улар ўртасида ихтилоф чиқиб, Улуғбек Амирак Аҳмад устига қўшин тортади ва уни енгади. Шохрух Амирак Аҳмадни Хуросонга чақиртириб

олади; Қашғар ҳам то 1428 йилгача Улуғбекка тегишли эди. Улуғбек ўз ҳукмронлиги давомида икки марта йирик ҳарбий юриш қилган. Биринчисида – 1425 йили Мўғулистон хони Шермуҳаммад Ўғлон (1421–1425) ўзини мустақил хон деб эълон қилганида, Улуғбек унга қарши юриш қилиб, зафар қозонган. Улуғбекнинг иккинчи юриши Сигноқ шаҳри томон бўлган. Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси Улуғбек тасарруфида эди. Улуғбек 1427 йилда Сигноқ яқинида унинг мулкига таҳдид қилиб, Бароқ Ўғлон билан тўқнашган ва мағлубиятга учраган. Душман Улуғбекни таъқиб қилиб, Самарқанд остоналаригача келган. Мовароуннаҳр хавф остида қолгани туфайли Шоҳруҳ Хуросондан катта лашкар тортиб келиб, хавфни бартараф этган.

Шоҳруҳнинг вафотидан кейин (1447 йил 12 март) Улуғбекнинг катта ўғли Абдуллатиф ворис сифатида темурийлар ҳукмдори бўлиб қолади. Лекин Шоҳруҳнинг қаттиққўл хотини Гавҳаршод бегим бу борада ўз фикрига эга эди. У Шоҳруҳ даврида темурийларнинг пойтахти бўлиб қолган Ҳирот тахтига суюкли набирасини – марҳумнинг учинчи ўғли бўлмиш Бойсунғур мирзонинг ўғли Алоуддавла мирзони ўтирғизиш тарафдори эди. Гавҳаршод бегимнинг Ҳирот тахтига Алоуддаврани ўтирғизгани Улуғбекка нисбатан исён эди. Шунинг учун Улуғбек 1448 йилнинг баҳорида Абдуллатиф билан биргаликда 90 минг аскар билан Хуросонга келиб, Ҳирот яқинида бўлган жангда Алоуддаврани тормор қилади. Ғалабага Абдуллатифнинг шахсий шижоати ва лашкарбошилиқ истеъдоди туфайли эришилган бўлса ҳам, Улуғбек фатҳномани кичик ўғли Абдулазиз номидан эълон қилади. Ундан ташқари, бобоси Шоҳруҳ томонидан Абдуллатифга васият қилинган Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ва унинг ичидаги бойликларини ҳам Улуғбек Абдулазизга беради. Шундан сўнг Улуғбек билан Абдуллатиф ўртасидаги муносабат очиқ душманлик тусини олади. Улуғбек Са-

марқандда Абдулазизни қолдириб, лашкар билан қатта ўғлига қарши жангга отланади. Абдуллатиф ҳам ўз лашкари билан Амударё соҳилига келиб туради. Иккала лашкар ҳам сувни кечиб ўтишга ботинолмай, дарёнинг икки соҳилида узок муддат туриб қолади. Бу орада Улуғбек «Абдулазиз лашкардаги амирларнинг оилаларини таъқиб этаётир» деган хабарни эшитиб, Самарқандга қайтиб келишга мажбур бўлади ва шаҳар аҳолисининг Абдулазизга қарши исён кўтарганига гувоҳ бўлади. Тезда шаҳарни тартибга келтириб, яна Абдуллатифга қарши жангга йўл олади, лекин Самарқанд яқинида ундан енгилди. Орадан кўп ўтмай, Улуғбек Абдуллатифнинг буйруғи билан қатл этилади. Унинг жасади Гўри Амир макбарасига дафн этилган.

Улуғбек отаси Шохруҳ даврида сиёсий ҳукмдор сифатида ички ва ташқи сиёсат бобида бирмунча мустақил бўлган. Бошқа давлатлар билан бевосита савдо ва элчилик муносабатларини олиб борган. Улуғбек даврида Самарқанд шаҳри янада равақ топди. Шаҳарда хунармандчилик, меъморчилик, адабиёт, умуман, илм-фан юксалди, савдо-сотик соҳаси тараққий этди. Бухорода (1417), Самарқандда (1420), Гиждувонда (1432–1433) мадрасалар ва Марвда хайрия муассасалари қурилди. Мадрасаларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилди. Аниқ фанларга алоҳида аҳамият берилди. Бибихоним масжиди, Амир Темур макбараси, Шоҳи Зинда ва Регистон мажмуаларининг қурилиши поёнига етказилди. Бундан ташқари, мамлакатда кўплаб жамоат иншоотлари – тим (қарвонсарой), чорсу, хаммомлар ва бошқалар бунёд этилди. Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк иши Самарқанд илмий мактабини – ўша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олимлар фаолият олиб боришган. Қо-

зизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший улар орасида энг йириклари эди. Улуғбекнинг илмий мактаби ўз фаолиятида ўрта осиелик машхур олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Ибн Турк ал-Хутталий, Холид ал-Марваррудий, Аҳмад ал-Марвазий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Берунийлар бошлаб берган илмий анъанага суянар эди. Улуғбек Самарқанд яқинида расадхона барпо қилди. Улуғбек академиясидаги йирик олим – Алий Қушчини Улуғбек «Зиж»ининг сўзбошисида «фарзанди аржуманд», яъни «азиз фарзандим» дейди. Аслида у Улуғбекнинг садокатли шогирди бўлиб, «Зиж» устида ишлар поёнига етказилгунига қадар устозига ёрдам берган.

Улуғбек Самарқандда Регистон ва Гўри Амир ансамбли таркибида иккита мадраса барпо этган. Бошқа йирик олимлар қаторида Улуғбекнинг ўзи ҳам бу мадрасаларнинг ҳар бирида ҳафтада бир марта маъруза ўқиган. Бошқа вақтини кўпроқ астрономик кузатишларга, «Зиж» устида ишлашга ва давлат ишларига бағишлаган. Улуғбекнинг «Рисолаи Улуғбек» деб аталган яна бир математик асари ҳали ўрганилмаган бўлиб, унинг биринчи нусхаси Ҳиндистонда Алигарх университети кутубхонасида сақланади.

Фан ва маданият тарихида сўнмас из қолдирган Улуғбекнинг буюк илмий мероси унинг «Зиж»идир. Бу асар сайёралар, Қуёш ва Ой ҳаракатини талқин қилиш, юлдузлар каталоги ва унда қўлланилган математик усуллар бўйича ўрта асрлардаги астрономик асарларнинг энг мукаммали бўлганлиги учун авваламбор у мусулмон мамлакатлардаги олимларнинг диққатини жалб қилган. «Зиж»га илк шарҳни Улуғбекнинг шогирди Алий Қушчи «Шарҳи Зижи Улуғбек» номи билан ёзган. Ўша XVI асрнинг ўзида қохиралик мунажжим Шамсиддин Муҳаммад ас-Сўфий ал-Мисрий «Тасхил Зижи Улуғбек» («Улуғбек Зижини осонлаштириш») номли асар ёзиб, унда Улуғбек жадвалларини

Қоҳиранинг географик кенглигига мослаштирди. Улуғбекнинг «Зиж»ига ёзилган энг мукаммал шарҳ Самарқанд илмий мактабининг энг сўнгги намояндаси Низомиддин Абдул Алий ибн Муҳаммад ибн Хусайн Биржандийнинг 1523 йилда ёзиб тугатган «Шарҳи Зижи Улуғбек» асаридир.

Улуғбекнинг номи Европада ва умуман, ғарб мамлакатларида унинг буюк бобоси Амир Темурнинг шуҳрати туфайли анча илгари маълум бўлган. Европа Амир Темур ва унинг оила аъзолари ҳақида биринчи бўлиб 1403–1405 йилларда Самарқандга саёҳат қилган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавиходан эшитган. Клавихонинг «Кундаликлар»и 1582 йили Севильяда ва 1607 йили Парижда нашр этилганидан сўнг европаликлар дарҳол Амир Темур ва унинг оила аъзолари билан қизикқанлар.

Улуғбекнинг номи XVII аср бошиданоқ (1601 йилдан) Амир Темурга бағишланган драматик асарларда эслатилади. Бевосита Улуғбекка бағишланган Европадаги биринчи нашр инглиз астрономи Жон Гривс (1602–1652) қаламига оид. Унинг 1648 йилда нашр этилган асарида Улуғбек тузган юлдузлар жадвалининг бир қисми (98 та юлдуз) илова қилинган. 1665 йилда яна бир инглиз олими Томас Хайд (1636–1703) Гривс билан боғланмаган ҳолда «Зиж»даги юлдузлар жадвалини форс ва лотин тилига таржима қилиб, нашр этган. 1690 йилда Гданскда поляк астрономи Ян Гевелий ўзи чоп эттирган «Юлдузлар осмонининг атласи»даги иккита гравюрада ўша даврнинг машҳур астрономлари орасидан Улуғбекка фахрли ўрин берган, унда у Улуғбекнинг юлдузлар жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Риччиоли, Вилгельм IV ва ўзининг жадваллари билан солиштирган. 1711 йили Оксфордда Улуғбекнинг географик жадвали учинчи марта нашр этилган. 1807 йили ўша ерда бу жадвал янги грек тилида ҳам чоп қилинган. 1725 йилда инглиз астрономи Д.Флеметид (1646–1719) Улуғбекнинг юлдузлар

жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Вилгельм IV, Ян Гевелий ва ўзининг жадваллари билан бирга нашр этган.

1908–1909 йилларда В.Л.Вяткин Улуғбек расадхонасининг харобаларини ва унинг асосий асбоби – квадрантини кавлаб топганидан сўнг Самарқанд олимларининг фаолиятига янгидан қизиқиш бошланади. Натижада 1918 йилда В.В.Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» асари нашр этилган. Совет даврида Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди билан мамлакат жамоатчилигини таништириш бўйича Т.Н.Қори-Ниёзий кўп саъй-ҳаракат қилган. Улуғбек ижодини тарғиб қилишда Ғ.Жалолов ва В.П.Шчегловларнинг нашрлари ҳам диққатга сазовордир. XX асрнинг охирига келиб, 1994 йилда А.Аҳмедов Улуғбек «Зиж»ининг тўлиқ ва мукамал ҳолда, илмий изоҳлар билан таъминланган таржимасини амалга ошириб, нашр эттирди.

Яқин йилларгача Улуғбек фақат астроном ва математик дея эътироф этилар эди. Лекин XX асрнинг охирида у серқирра ижод қилиб, тарих, шеърят ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратгани аниқланди. Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида: «Тарихнавис донишманд Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи»ни ҳам ёзиб қолдирган эди», деб ёзган. Улуғбекнинг туркийда ёзган «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг XIII–XIV асрлар биринчи ярмидаги сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манбадир.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва Абу Тохирхожанин «Самария» номли асарларида ҳам Улуғбекнинг шеърларидан намуналар келтирилган. Унинг даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Улуғбек ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 15 мингдан ортиқ жилдли китоблар бўлган. Улуғбек ёшлигидан бошқа фанлар қатори, мусиқа илмидан сабоқ олиб, бир қатор куй ва усуллар яратган, бу соҳага оид

бешта рисола ҳам ёзган. «Рисола дар илми мусиқа» номли асари мусиқа тарихига бағишланиб, унда «Ўн икки мақом баёни» номли махсус боб ҳам бўлган. Улуғбек «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон» ва «Усули отлиғ» куйларини ижод қилган.

Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги 1994 йилнинг апрелида Парижда, октябрь ойида Тошкент ва Самарқандда тантанали равишда нишонланди ва халқаро конференциялар ўтказилди. Шу йили Тошкентда Улуғбекка ҳайкал ўрнатилди. Улуғбек сиймоси Пулково расадхонаси, Москва университети конференц-залларида дунёдаги машҳур олимларнинг портретлари қаторидан жой олган. Самарқандда Улуғбекнинг мемориал музейи ташкил этилган.

Абу Саъид мирзо

Улуғбек вафот этгач, 1452 йилда темурий Абу Саъид тахтга чиқди. Ҳақиқий темурийзода бўлган Абу Саъид Темурнинг Фурот дарёсигача давом этган империясини ҳиндлардан тортиб олди. Бироқ унинг подшоҳлиги охирида қолаётганида Диёрбакрда оқ кўюнли туркманлар пайдо бўлишди. Улар ўз раҳнамолари амир Узун Ҳасан бошчилигида Курдистон ва Арманистонни босиб олдилар. 1461 йили усмонийлардан зарба еган Узун Ҳасан Шарққа қайтиб келиб, темурийларга қарашли ерларни илон ялагандек аҳволга сола бошлади. Бу қобилиятли ҳарбий саркарда шунгача Форсни забт этиб, анчадан буён ўзига мададкор бўлиб келаётган қора кўюнли туркманларни ҳам тор-мор қилган эди. Темурий император Абу Саъид унга қарши курашга киришиб, енгилгани натижасида Узун Ҳасан бирйўла Форс ва Озарбойжонни эгаллади. Шу билан темурийлар империяси барбод бўлди.

ТҶҮРТИНЧИ ФАСЛ

МУСУЛМОНЛАР ҲИНДИСТОНДА

(ҳижрий 656–923; милодий 1258–1517)

Ҳиндистон ўзининг ҳудуди жиҳатидан жуда катта мамлакат бўлиб, шунга яраша халқлари, тиллари ва динлари ҳам кўп. Шундай бўлгач, бу ерда шомил ва комил марказий ҳокимиятнинг қоим бўлиши ниҳоятда қийин иш ҳисобланар эди. Мусулмонлар бу диёрни фатҳ қилдилар ва унинг пойтахти Деҳлига ўрнашиб, у ерда кенг қулоч ёздилар. Кейинчалик Деҳли кўпгина майда давлатларга тақсимланиб, бу давлатлар ўртасида ўзаро курашлар бошланди. Ҳиндистоннинг ҳоким синфлари сиёсий-диний соҳада катта хатоларга йўл қўйдилар. У ерлик мусулмонлар ҳозиргача ўша хатоларнинг бадалини тўлаб, жафосини тотиб келмоқдалар. Юртга эга чикиб олиб, ҳаммани ўзига бўйсундириш билангина кифояланиб қолиш, энг бош вазифа – Ислом даъватини тарқатишни тарк этиш мазкур хатоларнинг энг каттасидир. Шу сабабли бу юртнинг кўпчилиқ аҳолиси ўзининг динида – бутпарастлиги бўйича қолди. Ўзлари қилган мазкур хато тўғрисида ҳокимларнинг бошига ҳам кўпгина бало-офатлар келди. Бутпараст хиндуслар мусулмон ҳокимларнинг заифлигини сезган заҳоти кўзғалон кўтаришар, уларга қарши турли салбий ҳаракатлар қилишар эди.

Ҳиндистон ҳозир биз ўрганаётган даврда бир неча минтақаларга бўлиниб кетган бўлиб, у ерларда жуда кўп оилалар ҳукм юритган. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига аралашиб кетиб, ушбу давр тарихининг кўпгина саҳифалари биз учун номаълумлигича қолган.

Ҳиндистонда Исломнинг мухтасар тарихи

Ҳижрий 656 (милодий 1258) йилдан олдинги ҳолат

Ислом лашкарларининг Ҳиндистонга биринчи кириши ҳижрий 15 (милодий 636) йилда ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврларида содир бўлган. Бу ерда бир неча марта урушлар олиб борилган, лекин сезиларли натижа бўлмаган. Умавий халифа Валид ибн Абдулмалик даврида ҳижрий 92 (милодий 710) йилда Муҳаммад Қосим ас-Сақафий бошчилигида Синд диёри фатҳ қилинган. Ўша ердаги жойлар аббосийлар давлатига бўйсунган. Ҳижрий 151 (милодий 768) йилларда Мултон ва Кашмир фатҳ этилган.

ҲИНДИСТОНДАГИ ИСЛОМ АМИРЛИКЛАРИ

(ҳижрий 198–392; милодий 813–1002)

Бу даврда Ҳиндистонда амирликлар кўпайиб, аббосийлар халифалиги заифлашди, чунки у ерда ҳукмдорликни турклар ўз қўлларига олиб, улар Ҳиндистоннинг турли минтақаларига ўрнашиб олган эдилар. Мазкур амирликларнинг энг машҳурлари қуйидагилардир:

1. Махонийлар давлати. Ҳижрий 198 йилда Синдонда ташкил топган. Унинг асосчиси – Фазл ибн Махон.

2. Ҳаборийлар давлати. Ҳижрий 240 йилда Синд вилоятида ташкил топган. Унинг асосчиси – Умар ибн Абдулазиз Ҳаборий.

3. Сомийлар давлати. Ҳижрий 279 йилда Мултонда ташкил топган. Асосчиси – Муҳаммад ибн Қосим Сомий.

4. Исмоилийлар давлати. Ҳижрий 375 йилда Мултонда ташкил топган. Энг машҳур ҳокимларидан бири – Жилим ибн Шайбон.

5. Маъдонийлар давлати. Ҳижрий 340 йилда Макронда ташкил топган. Давлатнинг асосчиси – Ийсо ибн Маъдон.

Бу амирликларнинг ҳаммаси ғазнавийлар ва ғурийлар қўл остида инқирозга учраган.

Ҳиндистон ҳижрий 366–582 (милодий 976–1186) йиллар орасида ғазнавийлар давлатига бўйсунган. Ғазнавийлар давлатининг энг кўзга кўринган султонларидан бири Маҳмуд Ғазнавий бўлиб, у Ҳиндистонга 17 марта ғазот қилган ва бу ғазотларнинг барчасида ғалаба қозонган. У ҳар йили камидан бир марта Ҳиндистонга ғазот қилар эди. Султон Маҳмуд Ғазнавий Панжоб, Мултон ва Ҳиндистоннинг бошқа кўпгина қисмларини ўзига бўйсундирган. У Ҳиндистонда ҳукм юритган энг улуғ мусулмон султон ҳисобланиб, унинг Исломни ёйиш борасида қилган жуда кўп ишлари маълум ва машҳур. Султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонни бирлашган давлатга айлантирди. Кичик-кичик давлатларнинг ҳаммасини, шу билан бирга, барча амирликларни бир-бирига қўшди.

Ҳиндистон ғазнавийлар давлатидан кейин ҳижрий 582–602 (милодий 1186–1206) йилларда ғурийлар давлатига бўйсунди. Ғурийлар Ҳиндистонда Исломни ёйишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ҳиндистоннинг шимолини фатҳ қилиб, Бенгал юртларигача бордилар.

ҲИНДИСТОНДАГИ ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИ

Дехли султонлари

Бу ерда бешта катта исломий давлат ташкил этилган бўлиб, улар ғурийлардан кейин Ҳиндистонда темурий-бобурийларнинг буюк императорлиги қурилгунча бўлган даврда – ҳижрий 602–932 (милодий 1206–1526) йиллар давомида ҳукм юритган.

Қуйида мазкур давлатларни келтириб ўтамиз.

МАМЛУКЛАР СУЛТОНЛИГИ

(ҳижрий 603–686; милодий 1206–1287)

Мамлуклар султонлиги Ҳиндистондаги биринчи мустақил давлат саналади. Бундан олдин Ҳиндистон ғазнавийлар ва ғурийлар мулкининг бир қисми ҳисобланиб келган. Мамлуклар султонларининг биринчиси, ғурийларнинг лашкарбошиси Қутбиддин Ойбек Ҳиндистонда ғурийлардан кейин давлатни эгаллаб олган. Қутбиддин Ойбекдан кейин давлатга мамлукларнинг буюк ҳукмдори Шамсиддин Айилтмиш раҳбарлик қилган. Мамлукларнинг иши охири бориб ҳокимиятнинг халжийлар оиласига ўтиши билан тугаган.

ХАЛЖИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 689–720; милодий 1290–1320)

Халжийлар давлатининг муассиси – мамлуклар вориси Жалолиддин Ферузшоҳдир. Ҳиндистоннинг Исломинтақаларида кенгайиб борган бу давлат Дукон, Бенгал, Жайтур ва Кужуротларни ўз ичига олган. Жалолиддиндан кейин унинг акасининг ўғли Алоуддин Муҳаммадшоҳ ҳукм юритиб, у мазкур давлатнинг энг буюк султонларидан бирига айланган. Алоуддин Муҳаммадшоҳнинг даврида мўғуллар Ҳиндистонга бостириб кирганида у мўғулларга қарши бир қанча ғалабалар қозонган. Унинг даврида давлат ҳудуди жуда ҳам кенгайган, шу сабабли у «Иккинчи Искандар» деган номни олган. Алоуддин Муҳаммадшоҳдан кейин унинг фарзандлари ўртасида ўзаро кураш бошланиб, давлат тарқалиб кетган. Охири у ерларни Туғлуқ эгаллаб олган.

ТУҒЛУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 720–815; милодий 1320–1412)

Бу давлат Гиёсиддин Туғлуқ томонидан ташкил этилган. Гиёсиддин Туғлуқ асли турк миллатига мансуб лашкар-бошилардан бири бўлган. У мўғулларнинг устидан жуда кўп жанглarda ғалаба қозонган. Уни ўғли Муҳаммад қатл қилиб, ҳокимиятни ўзи эгаллаб олган. Бу давлатнинг энг машҳур ҳокимларидан бири Ферузшоҳдир.

Туғлуқийлар даврининг охирларида Амир Темур Ҳиндистонга бостириб келиб, Дехлигача кириб борди. Лекин у ердан тезда чиқиб кетди, чунки кўплаб урушлар оқибатида Ҳиндистонда вайронгарчиликлар содир бўлган, юрт харобазорга айланган, турли уруш-жанжаллар, фитнаю ихтилофлар авж олган эди. Бу ҳолат ҳатто Хизрхония давлати ташкил этилгунича давом этди.

ХИЗРХОНИЯ – САЙЙИДЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 817–847; милодий 1414–1443)

Умри жуда ҳам қисқа бўлган бу давлатнинг тасарруфи ҳам чегараланган бўлиб, ундан вилоятлар ажраб чиқиб, мустақил бўлиб олишган. Бу давлатнинг асосчиси султон Саййид Хизрхон Дехлига бостириб кириб, ўзини темурийларнинг ноибига дея даъво қилган. Султон Саййид Хизрхондан кейин унинг ўғли Саййид Муборак ҳокимиятни қўлига олган.

ЛУДИЙЛАР ОИЛАСИ

(ҳижрий 855–932; милодий 1451–1526)

Лудийлар оиласи Лохурда ҳукм юритган. Минтақада ҳукм сураётган аянчли вазиятдан фойдаланган Бахлул Лудий, яъни лудийлар оиласининг асосчиси Дехлига бостириб кирган ва уни эгаллаган. Сўнг у ўз тасарруфини жа-

нубий ва марказий Ҳиндистонга ҳам ёйган. Унинг даврида мазкур минтақада барқарорлик вужудга келди. Ундан кейин ўғли Искандар ибн Бахлул, Искандардан кейин эса унинг ўғли Иброҳим ҳукуматни қўлга олди. Иброҳимнинг даврида юртда яна тартибсизлик кучайиб, у ерга Заҳириддин Муҳаммад Бобур бостириб кирди ва ўзига қўшиб олди. Шу тариқа Бобур Ҳиндистонда теурий-бобурийларнинг буюк императорлигига асос солди.

ТУМАНЛАРНИНГ ПОДШОҲЛАРИ

Бу даврда Ҳиндистонда сиёсий бирлик йўқ эди. Бунинг устига, Дехлидаги подшоҳга изофа ўларок, бошқа ерларда ҳам подшоҳлар кўпайиб кетган эди. Ҳар бир туманнинг алоҳида ҳокими бўлиб, жуда ҳам кўп, майда давлатлар пайдо бўлган.

Ўша туманлардаги энг муҳим подшоҳликларнинг баъзилари билан қисқача танишиб ўтайлик.

Кашмир

Кашмирда ҳукмронлик қилганларнинг энг машҳури Шамсиддиншоҳ мирзонинг оиласи бўлиб, улар ҳижрий 744–970 (милодий 1344–1563) йилларда ҳукмронлик қилганлар. Ҳижрий 995 (милодий 1587) йилда бу ерларни теурийлар эгаллаб олишган.

Синд

Сом Моний, сўнг Сатмакон, ундан кейин Шоҳбек Қандаҳорий оилалари бу ердаги энг кўзга кўринган ҳоким оилалар ҳисобланган. Ушбу оилалар ҳижрий 865–995 (милодий 1461–1587) йилларда ҳукмронлик қилишган.

Панжоб

Панжоб Дехлининг подшоҳларига тобе бўлган. Сўнгра хижрий 932 (милодий 1526) йилгача у ерда Ройсуҳра исмли бир афғон оиласи ҳукмдорлик қилган. Сўнг уни темурий Бобуршоҳ босиб олган.

Кужурот (Ҳиндистоннинг ғарбида)

Бу ерда хижрий 810–992 (милодий 1408–1584) йиллар мобайнида Музаффаршоҳ оиласи ҳукмдорлик қилган. Сўнг уни темурийлар эгаллаб олишган.

Жунбур (Марказий Ҳиндистон)

Булар Дехли подшоҳларига тобе бўлганлар. Кейинроқ эса Хўжажаҳон Сурур оиласи мустақил бўлиб олган. Уларнинг даври хижрий 796–881 (милодий 1394–1476) йилларда кечган.

Бенгал (Шарқий Ҳиндистон)

Бу минтақада доимий тартибсизлик, азоб-изтироб ҳукм сурган. Охири бориб бу ерда турли оилалар ҳукмронлик қилган.

Дукун (Жанубий Ҳиндистон)

Хижрий 730–929 (милодий 1330–1523) йилларда Жанубий Ҳиндистонда Баҳнамия оиласи ҳукмрон бўлган. Бу ерда ундан бошқа кўп оилалар ҳам ҳукмронлик қилишган. Сўнг Ҳиндистонда, ажнабийлар ибораси билан айтилганда, буюк мўғуллар, бизнингча, бобурийлар империяси ўрнатилган. Бу давлат уч аср давомида ҳукмронлик қилган. Ушбу империянинг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур бўлган.

Ушбу императорлик майда давлатлар, тафриқага тушган турли амирликларнинг ҳаммасини йўқотган. Ҳиндистонни сиёсий жиҳатдан бирлаштирган, ривожланган йирик давлатларнинг ўзаро алоқада фаолият юритишини таъминлаган.

БЕШИНЧИ ФАСЛ

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА ОРОЛЛАРДАГИ ИСЛОМ

(ҳижрий 656–923; милодий 1258–1517)

Бу даврда фатҳлар тўхтаб қолган, халифалик заифлашган, Ислом давлати бўлақларга бўлиниб кетган эди. Фотиҳларнинг қадами етмаган жойларда ҳам Ислом тожирлар ва даъватчилар орқали тарқала бошлаган эди. Бу борада қуйидаги мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатлар – Бирма, Лаос, Вьетнам, Камбоджа, Таиланд, Филиппин, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Бруней каби давлатларнинг барчаси ҳозирги кунда Осиё қитъасига қарайди. Ҳиндистон, Сингапур ва Филиппин Тинч океанидаги ороллар ҳисобланади. Бу ороллар ва минтақаларда Ислом кенг тарқалган.

Филиппинда Ислом кенг тарқалмаган, чунки Филиппин дастлабки вақтларданок салибчи испанларнинг мустамлакасига айланиб бўлган эди.

Хитойдаги динлар унга тобе бўлган юртларда, мисол учун, Бирма, Таиланд, Камбоджа, Лаос ва Вьетнамда тарқалган. Ислом Малай ороллари – ҳозирги Малайзияни хитойлар келишидан олдин эгаллаб олган эди.

ИСЛОМНИНГ МАЛАЙ ВА ИНДОНЕЗИЯГА КИРИШИ

1963 йилда Индонезиянинг Майдан шаҳрида бир илмий анжуман ўтказилиб, Исломнинг Индонезияга кириб келиши тўғрисидаги маълумотлар ўрганилган ва мазкур анжуман қуйидаги қарорларни чиқарган:

– Ислом Индонезияга илк бор ҳижрий I (милодий VII) асрда араб юртларидан тўғридан-тўғри кириб келган.

– Бу юртнинг Ислом кирган биринчи минтақаси Шимолӣ Сумматранинг соҳиллари бўлган. Ундан кейин Ислом жамияти қурилиб, биринчи Ислом подшоҳлиги ҳам пайдо бўлган. Бу Атча подшоҳлиги деб аталади.

– Илк даъватчиларнинг кўпчилиги тижоратчилар бўлган ва даъват тинч йўл билан олиб борилган.

Индонезия ва Малайзияда исломий мамлакатларнинг ташкил топиши

Бу юртларда дастлаб кам сонли мусулмон тожирлар яшашган. Кейинчалик бу ороллардаги ерлик аҳоли ҳам Исломни қабул қила бошлаган. Ислом уларнинг ҳаракати билан аста-секин тарқалиб борган. Даъватни мутахассис кишилар ўз қўлларига олгандан сўнг ушбу оролларда Ислом мамлакатларига асос солина бошлаган. Ана шу подшоҳликлардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

- Малакка подшоҳлиги. Ҳижрий 803–917 (милодий 1401–1511) йиллар.

- Атча подшоҳлиги. Ҳижрий 920–1322 (милодий 1514–1904) йиллар.

- Деймак подшоҳлиги. Ҳижрий 918–960 (милодий 1512–1553) йиллар.

- Бунтан подшоҳлиги. Ҳижрий 960–1096 (милодий 1553–1685) йиллар.

- Ғувва подшоҳлиги (Миксар ҳам дейилади). Ҳижрий 1078 (милодий 1667) йил.

МАЛАЙ ЯРИМОРОЛИДАГИ МАЛАККА ЙИКИЛГАНИДАН КЕЙИН ВУЖУДГА КЕЛГАН ПОДШОҲЛИКЛАР

(Малакка. Ҳижрий 703–917; милодий 1303–1511)

Малакка денгиз соҳилида жойлашган шаҳар бўлиб, та-рихчиларнинг фикрича, у Индонезиядаги Ислом дини етиб бориб, қарор топган энг қадимги жой ҳисобланади, то Ис-кандаршоҳ исмли мусулмон бу давлатга амир бўлгунга қа-дар ҳиндус амирлар ҳукм юритишган. Искандаршоҳ амир бўлгач, унга ўзининг кўплаб қавмлари эргашиб, Малакка Ислом даъватининг марказига айланган. Шу билан бирга, у жуда катта тижорий марказ ҳам бўлган. Искандаршоҳ ҳиж-рий 827 (милодий 1424) йилда вафот этган.

Малакка аста-секин кенгайиб бориб, жуда катта импера-торликка айланган ва Малай яримороли ва Суматранинг жуда катта қисмини ўз ичига олган. Бу ердан Ислом бай-роғи остида кемалар суза бошлаган. Шарқий ва Жанубий Осиёдаги оролларга ҳам Ислом шу ердан ёйилган. Малакка султонларининг энг буюклари Муҳаммадшоҳ, Мансуршоҳ ва Маҳмудшоҳлар бўлишган.

Яхши умид бурни кашф қилинганидан кейин португа-лияликлар Малаккага бостириб кирган ва ҳижрий 917 (ми-лодий 1511) йилда у ерни босиб олишган.

ИСЛОМ ФИЛИППИНДА

Филиппин Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатлардан бири бўлиб, у бир неча минглаб оролчалардан ташкил топ-ган. Ороллар сони тахминан етти мингтага етади. Филип-пин одамларининг асосий қисми малай, индонез миллатига мансуб фуқаролардан иборатдир.

Ислом бу оролларда Индонезия билан бир вақтда тар-қалган. Олимларнинг айтишларича, Ислом Филиппинга

ҳижрий 270 (милодий 883) йилларда Сумматра ва Малайзиядан кириб келган. Ислом тарқалганидан сўнг Филиппинда Ислом султонликлари барпо этилган. Султонларнинг кўпчилиги Исломни олиб келган уламолардан бўлган.

Ҳижрий X (милодий XVI) асрда Малаккадан Филиппинга келиб, Исломни тарқатган энг машҳур шахслардан бири Шариф Муҳаммад Кобулж бу ерда жуда кучли ҳукуматга эга бўлган оилага бошчилик қилган. Уша даврларда пайдо бўлган султонликларнинг энг буюк ва энг кучлилари Сулу, Мажунийдано ва Буян султонликлари бўлган. Улар марказий амирликлардан иборат бўлиб, кўпгина ороллар уларга тобе бўлган. Сўнгра ҳижрий 928 (милодий 1521) йилда салибчи испанлар Филиппинга бостириб келиб, у ердаги мусулмон давлатларни парчалаб ташлашган.

МУСУЛМОНЛАР ХИТОЙДА

Ислом Хитойга жуда эрта етиб борган. Маълумотларга қараганда, Саъд ибн Абу Вакқос розияллоҳу анхунинг оила аъзоларидан бир киши Хитойга жуда эрта, анча илгари бориб, даъват ишларини олиб борган. Ҳозирги кунда Хитойда унинг қабри ҳам бор.

ХИТОЙДА МЎҒУЛ АСРИ

(ҳижрий 626–769; милодий 1228–1367)

«Ювон асри» деб аталган бу асрда мусулмонлар жуда катта тезлик билан ҳаракат бошладилар. Кўплаб ўрта осийлик мусулмонлар Хитойга келиб, у ерда Исломнинг тарқалишига сабабчи бўлдилар.

Баъзи бир мўғул императорлари ўзлари мусулмон бўлганлари учун бошқаларни вазифадор этиб тайинлаш учун Исломни шарт қилишган.

Мўғуллар асридан кейин ҳукмронлик яна хитойларнинг ўзига ўтган. У ерда милодий 1368–1643 йилларда Мин деган оила ҳукмронлик қилган.

Сўнг 1644–1911 йилларда Цин оиласи ҳукмронлик қилган. Мусулмонлар бу даврда жуда қаттиқ тазйиқ остида қолишган.

Ўша вақтда Хитойга саёҳат қилган Ибн Баттута Хитойдаги мусулмонлар ҳаёти ҳақида ёзган. Унинг зикр қилишича, у ердаги мусулмонлар халқ ичида улуғланган ва эҳтиром қилинган кишилар бўлишган.

ИСЛОМ МАЛЬДИВДА

Мальдив Ҳинд океанидаги бир тўп оролчалардан иборат бўлиб, Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий тарафида, Шри Ланка яқинида жойлашган. Ислом бу ерларга ҳижрий 189 (милодий 804) йилда тижоратчи савдогарлар ва даъватчилар орқали етиб келган. Энг катта даъватчилардан бири шайх Ҳофиз Мағрибий бўлган. Мальдивнинг Будда динига сиғинувчи подшоҳи ҳижрий 548 (милодий 1153) йилда у кишининг кўлида Исломни қабул қилган. У билан бирга барча аҳоли ҳам Исломга кирган.

Ҳижрий 744 йилда Ибн Баттута ушбу минтақага келиб, бир муддат қозилик ҳам қилган. Бу даврда Мальдивда осойишталик ҳукм сурган. Ҳижрий 913 (милодий 1507) йилда португаллар келиб, у ерни босиб олгандан сўнг мушкулотлар бошланган.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ

МАҒРИБ, АНДАЛУС ВА ҒАРБИЙ АФРИКА

(ҳижрий 656–923; милодий 1258–1517)

1. МАҒРИБ ДАВЛАТЛАРИ

МАРОКАШДАГИ МАРИНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 642–869; милодий 1244–1464)

Маринийлар барбарлардан бўлиб, Зината қабиласига мансуб кишилардир. Улар ҳеч кимга бўйсунмайдиган саҳройи кўчманчилардан иборат бўлишган. Уларнинг танилган бошлиқларидан энг биринчиси Маҳсаб ибн Аскар эди. У ҳижрий 540 йилда қатл қилинган. Маринийлар ҳижрий 642 йилда Микносга киришган. У ерда ҳижрий 660 (милодий 1262) йилда насороларга қарши бир қанча урушлар қилишган.

Яъқуб ибн Абдулҳақ маринийларнинг кўзга кўринган улуғларидан бири бўлиб, у киши ҳижрий 656–685 йилларда ҳокимлик қилган ва Мағрибнинг кўпгина шаҳарларини ўзига бўйсундирган. У яна ҳижрий 674 (милодий 1275) йилда муваҳҳидлар давлатини ҳам қулатган. Ҳижрий 674–683 йиллар орасида у Андалусдаги насоролар устидан кўплаб ғалабаларни қўлга киритган. Унинг даври давлатнинг энг тараққий этган даври ҳисобланади.

Уларнинг машҳур бўлган раҳбарларидан яна бири ҳижрий 731–752 йилларда ҳукмронлик қилган Алий Абулҳасан Мансурдир. Унинг нуфузи Мағриб, Жазоир ва Тунисга тарқалган.

Маринийлар давлати ҳижрий 869 йилда битирилди. Бунга унинг ичидаги ихтилофлар, зиддият ва келишмовчиликлар, Тилимсон ва Тунис амирликлари билан бўлган кўплаб урушлар сабаб бўлди. Ушбу жанглар уларни ниҳоятда ҳолдан тойдирган, бундан фойдаланган насронийлар эса

Андалусда уларга қарши тўпланиб, биргаликда уруш қилишган. Уларнинг аҳволи заифлашганда Бану Ваттос ҳокимиятга эга чиқиб олган.

БАНУ ВАТТОС ДАВЛАТИ

(ҳижрий 875–961; милодий 1470–1553)

Бану Ваттос қабиласи аъзолари аслида ҳукмдор оилага мансуб эмас эдилар. Улар тахтни маринийлардан кейин эгаллаган бўлиб, уларнинг бир шохобчаси ҳисобланишарди. Уларнинг энг катта раҳбарларидан бири давлатнинг асосчиси, ҳижрий 875–910 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад ибн Яҳё Ваттосий бўлган.

Муҳаммад ибн Яҳё Ваттосий Фасни эгаллаб олиб, у ерда ўз давлатига асос солган. Унинг даврида Андалус енгилиб, у ерларда аста-секин мусулмончилик йўқолиб борган. Ғарнатанинг охирги подшоҳлари Бану Ваттоснинг ҳимояси остида яшаш учун унинг ҳузурига қочиб келишган. Уларнинг даврида португалияликлар Мағриб соҳилларини босиб олишган. Саъдийлар давлати Фасни қўлга олган ва ҳижрий 961 йилда Бану Ваттосни тугатган.

МАРКАЗИЙ МАҒРИБ ВА ЖАЗОИРДАГИ БАНУ ЗАЙЁН ДАВЛАТИ

(ҳижрий 633–962; милодий 1235–1554)

Аввал айтиб ўтилганидек, Андалусдаги мувахҳидлар давлати ҳижрий 609 йилда Ҳиснул Иқоб деган жангда қақшатқич мағлубиятга учраганидан кейин унда заифлашув бошланди. Шундан кейин давлат тарқалиб кетиб, унинг ўрнида Тунисда Бану Ҳафс, Марказий Мағрибда Бану Зайён ва Марокашда Бану Марин давлатлари барпо этилди.

Бану Зайён аввалбошда Жазоирнинг мувахҳидлар томонидан тайинланган волийлари бўлишган. Мувахҳидлар

давлати кулагач, улар Жазоирни мустақил қилиб олишган. Уларнинг асли Тилимсон шаҳридан бўлиб, бу шаҳар уларнинг давлатига пойтахт бўлган.

Бану Зайённинг энг машҳур подшоҳларидан бири Яғмирсон ибн Зайён ҳижрий 633–681 йилларда ҳукмдорлик қилган. У мазкур давлатнинг асосчиси ва подшоҳларининг энг улуғи дея эътироф этилади. Яғмирсон ибн Зайён катта-катта ишларни амалга оширган, жуда кўп жанглари олиб борган ва уларнинг кўпчилигида ғалаба қозонган. Давлат ҳукмронлигининг охиригача икки асри машаққатли кечган, жуда кўп қўзғалонлар бўлган. Сўнг фарангларнинг зарбасига учраб, охири усмонийлар томонидан тугатилган.

Усмонийлар ҳижрий 950 йилда Марказий Мағрибнинг ҳамма тарафларини ўз тасарруфларига олганлар. Баъзи бир соҳил бўйларига испанлар эга чиқиб олишган. Ҳижрий 962 йилда ушбу давлат тугаган.

Бу давлатнинг энг кўзга кўринган ҳукмдорларидан бири ҳижрий 760–791 йилларда Мусо II Абу Ҳаму бўлган. Унинг ҳукмронлик йилларида давлат ўз тарихининг энг гуллаб-яшнаган даврини сурган.

ТУНИСДАГИ ҲАФСИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 625–941; милодий 1227–1534)

Ҳафсийлар асли барбарлардан бўлиб, масмуда қабиласига мансуб Абу Ҳафс Умар ибн Ҳинтонийнинг авлодларидир. Улар муваҳхидлар давлатининг муассиси Ибн Тумартнинг одамлари бўлишган.

Муваҳхидлар давлати заифлашгандан сўнг ҳижрий 625 (милодий 1227) йилда Абу Закариё Яҳё Тунисни эгаллаб олди ва уни мустақил давлат деб эълон қилди. Бу давлатнинг энг гуркираган даври Абу Закариё ва унинг ўғли Муҳаммад Мунтасирнинг даври бўлди. Мана шу вақтда давлат

жуда ҳам кенгайди, ички жабҳада барқарорлик ҳукм суриб, халқнинг ҳаёт тарзи яхшиланди. Ушбу давлат Тунис, Шарқий Жазоир ва Тароблусда (Ливия) ҳукмини ўтказди. У 657 йилда Маккада ўз нуфузига эга бўлди. Лекин бу вақтда ҳафсийлар давлатининг охири кўриниб қолган эди. Ўзаро келишмовчиликлар бошланиб, кўзғалонлар кўпайган, фитналар урчиган, давлат пойдевори нураб, унга заифлик етганди. Ниҳоят давлат инкирозга юз тутиб, қулаб битди.

Ҳижрий 900 йилда насоролар Мағрибни парчалаб, уни эгаллаб олишди, ҳижрий 942–981 йилларда эса Андалусни босиб олишди. Сўнг жуда катта қирғинбаротлардан кейин Тунис Испанияга бўйсунди. 981 йилда усмонийлар давлати Тунисни ўзига қўшиб олди.

Мазкур давлатнинг кўзга кўринган ҳукмдорлари:

1. Давлатнинг асосчиси – Абу Закариё Яхё. Ҳижрий 625–647 (милодий 1227–1249) йиллар.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Аввал. Ҳижрий 647–675 (милодий 1249–1276) йиллар.
3. Абу Форис Абдул Азиз. Ҳижрий 797–837 (милодий 1394–1434) йиллар.
4. Абу Умар Усмон. Ҳижрий 839–893 (милодий 1435–1487) йиллар.

Айтиш лозимки, ушбу давлатлар Шимолий Африкада муваҳхидлар давлати ўрнида, ҳижрий 609 (милодий 1212) йилда муваҳхидлар Ҳиснул Иқоб жангида насоролардан энгилганларидан сўнг пайдо бўлган.

2. АФРИКА

Шу ерда таъкидлаш лозимки, Африканинг тарихи Ислом билан бошланган. Албатта, Ислом ва унинг тили – араб тили ва тамаддуни қора танли аҳолига кўп нарсаларни берган ва улар жуда кўп ютуқларга айнан шу орқали эришганлар.

Ғарбий Африка

Ислом Африка саҳроларида ҳижрий 41 йилда, Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг амирлик даврида тарқала бошлаган. Минтақани фатҳ қилувчиларнинг энг кўзга кўрингани Уқба ибн Нофеъ розияллоҳу анҳу бўлган. У ўзининг фатҳларини ҳижрий 60 (милодий 679) йилда Судангача олиб борган.

Мусо ибн Нусайр Атлантика океанигача, Африканинг ғарбигача бориб, ҳижрий 79 йилда (милодий 698 йилда) барбар қабилалари орасида Исломни ёя бошлаган.

Бу ерларда Исломнинг тарқалишида идрисийлар давлатининг хизмати катта бўлган. Ҳижрий 469 (милодий 1076) йилда муробитлар давлати Гана императорлигининг пойтахти Кумбисорихни фатҳ қилиб, барча юртларда Исломни тарқатганлар.

Ислом Африкада жуда кенг кўламда, тахминан ярим миллион квадрат километр майдонда тарқаган, Ғарбий Африкада бир қанча Ислом давлатлари барпо этилган. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Мали давлати. Ҳижрий 639–844 (милодий 1241–1440) йиллар.

Мали давлати Ғарбий Африкада барпо этилган энг катта Ислом давлатидир. Бу императорлик ғарбда Атлас тоғларидан бошланган бўлса, шарқда Хуса юртларигача чўзилган. Жануби Атлантика океани билан, шимоли эса Саҳрои Кабир билан чегараланган.

Ўша вақтларда Мали мамлакати қуйидаги диёрларни ўз ичига олган: Мавритания, Сенегал, Гамбия, Гения, Гвинея, Мали, Фил суяги қирғоғи, Либерия, Сьерра Леоне. Мали давлати Исломни тарқатишда жуда катта ишларни амалга оширган. Мазкур давлатнинг асосчиси Синдята (Марижата ҳам дейилган) исмли шахс бўлиб, у ҳижрий 639–653 (милодий 1241–1255) йилларда давлатга бошчилик қилган.

Мали давлатининг энг катта подшоҳларидан бири бўлмиш Мунсимуса хижрий 712–738 (милодий 1312–1337) йилларда ҳукмронлик қилган.

2. Санғай мамлакати. Хижрий 783–1000 (милодий 1381–1591) йиллар.

Мали давлати қулагач, сунний мазҳабидаги Алий Ҳа-воли исмли одам хижрий 783 йилда унинг ўрнига Санғай давлатини барпо этиб, халқига ҳуррият ва мустақилликни қайтарди.

Санғай давлатининг энг катта подшоҳларидан бири Ис-кия Муҳаммад эди. Унинг ҳукмронлик даври хижрий 899–935 (милодий 1493–1528) йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу давр мобайнида бутпарастлар билан узоқ вақт урушлар олиб борган. Ғарбда Атлантика океанигача, шарқда Чадгача Исломни тарқатган. Ушбу императорлик Мали император-лигининг ҳамма ерларини ўзига олиб, ундан ҳам кенгайиб кетган. Хусусан, жануби-шарқий тарафда жуда кенг ерлар-ни эгаллаб олган, Марказий Африканинг кўпгина минтақа-ларигача етиб борган.

Санғай императорлигининг тугатилиши

Марокашдаги ҳусайний ашрофларнинг подшоҳларидан энг улуғи бўлмиш Аҳмад Мансур санғайликларнинг ички ихтилофларини, уларнинг ҳар жиҳатдан заифлашганини қу-лай фурсат билиб, ўз аскарларини Санғай томон бошлади. Ниҳоят мазкур императорликни забт этишга муваффақ бўл-ди ҳамда унинг минтақаларини ўзига бўйсундириб олди.

Шунингдек, Сенегалда хижрий V–X (милодий XI–XVI) асрлар давомида Тикрур номли подшоҳлик, сўнгра Пуло-ний подшоҳлиги, сўнгра Валлоф подшоҳлиги ҳукмронлик қилган. Исломни ёйишда мазкур давлатларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бўлган.

Марказий Африка

Марказий Африкада ҳам бир қанча исломий давлатлар вужудга келган бўлиб, улардан бири Канум давлатидир. Бу давлат ҳижрий V–X асрлар давомида ҳукмронлик қилган. У ўзининг Исломни ёйиш йўлидаги ҳаракатида ғарбда Нигерга, шарқда Ваводийга етиб борган. Ислом бу минтақада ҳижрий VII (милодий XIII) асрдан кейингина ёйилган.

Андалус давлатининг қулаши насороларнинг Африка сари юзланишига сабаб бўлган. Улар Яхши умид бурнига етиб бориб, у ерда одамларни христиан динига тарғиб қилиш ишлари бошланган.

3. АНДАЛУС

ҒАРНАТАДАГИ БАНУ НАСР ДАВЛАТИ (АЛ-АҲМАР)

(ҳижрий 635–897; милодий 1237–1492)

Андалусда муваҳхидларнинг ҳукмронлиги заифлашгач, бу давлат аста-секин парчаланиб, бир-бири билан урушишдан боши чиқмайдиган майда, заиф амирликларга бўлиниб кетди. Бундан фойдаланган насороларнинг мусулмонлар устидан босими кучайди.

Бану Насрдан чиққан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ғарнатани қўлга олиб, ҳижрий 635–671 йиллар мобайнида у ерни бошқарди. Андалуснинг бошқа шаҳарлари эса бирин-кетин насороларнинг қўл остига ўта бошлади. Ҳижрий 633–665 йиллар орасида Куртуба, Валенсия, Дония, Жайён, Шотиба, Ишбилия, Мурсия ва бошқа шаҳарлар бой берилди. Фақатгина Ғарната мусулмонларнинг қўлида қолди.

Муҳаммад ибн Аҳмар ўз аскарлари билан Қиштола подшоҳи Фердинанд III устидан катта ғалабаларга эришди. Унинг зурриётлари Ғарнатага 250 йил давомида ҳукмронлик қилдилар, лекин уларнинг ахволи ҳам секин-аста заифла-

шиб борди. Ниҳоят ҳижрий 897 йилда (милодий 1492 йилда) насоролар улар устидан ғалаба қозониб, уларни ҳайдаб чиқардилар.

Ҳокимнинг хиёнати

Мана шу ўринда ҳижрий 892–897 йилларда Ғарнатага ҳокимлик қилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алийнинг ўз юртига ва умматига нисбатан содир этган энг қатта хиёнатини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлади. У ўзининг аскарлари билан Фердинанднинг аскарларига қўшилиб олиб, унинг ёнида туриб, насороларга ёрдам беради ва уларнинг Ғарнатани босиб олишида иштирок этади. Мазкур хоин ғалаба билан табриқлаб Фердинандга мактуб юборади. Лекин Фердинанд унинг ўзига ҳам ҳужум қилиб, Ғарнатани тортиб олади. Шундан сўнг хоин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Алий Африкага қочиб кетиб, ўша ерда вафот этади.

Усмонийлар давлати ўзининг энг куч-қувватга тўлган пайтида Андалусдаги мағлуб биродарларига ёрдам бериш учун Европа томон юрди, бироқ у ердаги аҳвол ниҳоятда ночор эди. Шунинг учун усмонийлар Мағрибда фатҳ қилиш ишларини ҳам қуруклик, ҳам денгиз тарафдан олиб боришни режалаштирдилар. Лекин баъзи мусулмон амирлар усмонийларга қарши қаттиқ туриб жанг қилишди. Бу эса насоролар томонидан Ғарната давлатининг йўқ қилинишига қулай вазият яратиб берди. Шунинг билан Андалус тўлалигича бой берилди.

Шундан кейин насоролар мусулмонларни ёппасига қиришни бошлашди. 800 йил давомида уларни христианлаштиришга, Ислом тамаддунини йўқотишга уринишди.

ЕТТИНЧИ БОБ

УСМОНИЙЛАР ДАВРИ ВА ҲОЗИРГИ ВАҚТ

(ҳижрий 923–1342; милодий 1517–1923)

Абдуллоҳ ибн Бишр Хасъамийдан, у отасидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қустантиния албатта фатҳ қилинажак. Унинг амири қандай яхши амир! Унинг лашқари қандай яхши лашқар!»**

Аҳмад, Бухорий «Тарих»да, Ибн Хузайма, Бағавий, Табароний, Абу Нуъайм ва Ҳоким ривоят қилишган.

БИРИНЧИ ФАСЛ

УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАРИХИ

Тарихдаги муҳим босқич бўлган ҳижрий 923–1342 йиллар Ислом тарихида усмонийлар аҳди (даври) деб аталади. Айнан мана шу даврда Ислом ўлкаларининг энг катта худудида усмонийлар салтанати ҳукм сурган. Бу давр беш аср давом этган. Исломи халифаликнинг маркази бўлган усмонийлар давлати ана шу беш аср давомида ўзининг ягона ва биринчи вазифаси – Исломни ва мусулмонларни муҳофаза қилиш деб билган. Усмонийлар давлати нафақат энг кучли Ислом давлати, балки бутун оламдаги энг қудратли давлат ҳисобланган.

Бу давлат ҳижрий 699 (милодий 1299) йилда юзага чиққан, лекин унда халифалик бўлмаган. Усмонийлар халифаликни эълон қилмай туришган. Фақат аббосий халифа ҳижрий 923 йилда Қоҳирада халифаликни уларга топширганидан кейингина уни эълон қилишган.

Асрлар ўтиб, усмонийлар давлати заифлашгач, насроний давлатларнинг барчаси уларга қарши бирлашган. Улар ҳеч

қайси масалада Шарққа қарши бирлашганларидек бирлашмаганлар. Улар усмонийлар давлатининг заифлашиб қолганига ишора қилиб, уни «касал одам» деб аташган. Бир пайтлар забардаст бўлган бу буюк давлатни бўлақларга бўлиб, аста-секин парчалаб, ниҳоят йиқитишга уринишган.

Усмоний халифаликнинг тарихида ноаниқликлар, шубҳалар жуда кўп бўлиб, уларнинг барчаси усмонийлар тарихини ёзишда қасддан ва беихтиёр йўл қўйилган хатолар оқибатида пайдо бўлган. Бунга сабаб шуки, усмонийлар тарихининг аксар қисми уларнинг душманлари томонидан ёзилган бўлиб, бу тарихни ёзганлар ё асосан инсофсиз ғарбликлар, ё усмонийлар билан курашган араблар, ёки динсиз турклар бўлган. Ушбу охириги тоифа халифалик йиқилгандан кейин янги низомга бўйсунган одамлар бўлгани учун бу тарихни бузиб кўрсатишган.

Шунинг учун ҳам ушбу босқични инсоф билан, холис, объектив ёритиш мақсадида унинг ижобий жиҳатларини ҳам, салбий тарафларини ҳам ишончли манбалар асосида ёритиш керак бўлади.

Усмонийлар халифалигининг ижобий жиҳатлари

1. Бу халифалик даврида Ислом ерларининг чегараси ниҳоятда кенгайди. Қустантиния фатҳ қилинганининг ўзи бунга англаш учун кифоя қилади. Эслаб ўтиш лозимки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида: **«Қустантиния албатта фатҳ қилинажак. Унинг амири қандай яхши амир! Унинг лашкари қандай яхши лашкар!»** деганлар. Усмонийлар давлати Овropa томон илгарилаб, ҳатто Австрия пойтахти Венагача етиб борди ва уни бир неча бор қамал ҳам қилди. Усмонийлар давлати Ўрта ер денгизидаги кўпгина оролларни ҳам қўлга киритиб, уларнинг ҳаммасини Исломга жалб қилди.

2. Усмонийлар турли жабҳаларда салибчиларга қарши туришган. Улар насороларнинг Андалусдаги мусулмонларга босимини енгиллаштириш учун Шарқий Овропа сари илгарилаб бордилар. Бироқ Андалуснинг ғоятда заифлиги ҳамда у ердаги ички ихтилофлар туфайли бу ерлар қўлдан бой берилди.

3. Усмонийлар португалияликларнинг мусулмонлар ерида юришига барҳам беришди. Португалияликлар Ислом юртларига юришлар, босқинлар қилишган эди, Қизил денгизни ҳам қўлга киритишган, ҳатто Ҳижозни босиб олиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини эгаллаб олишни ҳам режалаштиришганди. Бу машъум режаларни усмонийлар барбод қилишди.

4. Усмонийлар Андалус қулагандан кейин Мағриб юртларига эга чиқмоқчи бўлиб турган испанларга ҳам қарши туришди.

5. Усмонийлар Ўрта Осиё ва Қора денгиз минтақаларидаги мусулмонларни русларга қарши курашда қўллаб-қувватладилар.

6. Усмонийлар императорлиги сионизмга ҳам қарши турди. Яҳудийлар узоқ даврлардан бери Фаластинда давлат куриш нияти билан яшар эдилар. Ўша даврда уларнинг бу борадаги фаолияти янада кучайди. Айтилишича, улар Фаластиндан ер олиш мақсадида султон Абдулҳамид II га жуда кўп мол-мулк, ақл бовар қилмас бойликлар ваъда қилишган. Лекин султон Абдулҳамид II бу гапларнинг бирортасига учмаган ва қаттиқ туриб, уларга Фаластиндан бир қарич ҳам ер бермаган. Усмонийлар яҳудийларга Мисрнинг Сино минтақасида туришга ҳам рухсат беришмаган.

7. Усмонийлар императорлиги сафавийлар давлатининг вакили бўлган рофизий шийъаларга қарши ҳам кўп урушлар қилишган. Мусулмонлар кўрфаз юртларида ва Ироқда

рофизийлардан жуда кўп азият кўришар ва оғир қийинчиликларни бошдан кечириб келишар эди.

8. Усманийлар дунёда Исломни тарқатишда жуда кўп хизматлар қилишган. Жумладан, кўпчилик черкес халқлари айнан уларнинг қўлида мусулмон бўлган. Хуллас, усманийлар ўз қадамлари етган барча юртларда – Европада ва Африкада Исломни ёйишган.

9. Усманийлар ўз қадами етган баъзи мусулмон юртларда ерлик халқни мустамлакачиларнинг асоратидан ҳимоя қилишган.

10. Усманийлар императорлиги Ислом юртларининг катта қисмини ўз ичига олган бўлиб, унинг умумий майдо-ни 20 миллион квадрат километрга етган.

11. Европа усманийлар турк бўлгани учун эмас, балки айнан мусулмон бўлгани учун доимий равишда уларга қарши урушлар олиб борар эди. Бунинг асосий сабаби салибчилик ҳаракати, қолаверса, европаликларнинг фитна-ҳа-сади ҳам эди. Европаликлар туркларни Ислом ҳаракатини янгитдан тирилтириб, уни ҳимоя қилганлари учун ёмон кўришарди.

12. Усманийлар давлати мусулмонлар номидан иш кў-рар, уларнинг юрти халифалик маркази эди. Мусулмон диё-ри бўлган бошқа бирор ерда халифалик йўқ эди. Шунинг учун усманийлар мусулмонларнинг рамзи бўлган, уларга эҳтиром билан қаралган.

Усманийлар халифалигининг салбий жиҳатлари

1. Бу давлатнинг асосий камчилиги шундаки, унинг ту-зуми мутлақ ҳукмдорлик бўлган. Бу улкан императорлик-нинг барча сарҳадларини ёлғиз бир киши – Султон бошқа-рар, унинг имтиёзлари чегараланмаган эди.

2. Ижтимоий-иқтисодий беқарорлик. Давлатнинг молия-вий ишлари издан чиққан, бюджет йўқ эди. Ҳуррият ҳам йўқ,

ҳар бир мулк эгаси мол-мулкининг тортиб олинишидан хавотирда яшарди. Бу ҳолатни тўғрилашга қаратилган ислоҳотлар ўтказилмади, порахўрлик авж олди. Ҳамма жойда жосуслар изғиб юрар, ўзининг ғаразли мақсадини зимдан амалга оширарди. Султон эса нимани хоҳласа, шуни қилар эди.

3. Давлат тепасига кетма-кет равишда туғёнга кетган, адашган султонларнинг келиши. Ҳижрий XIII (милодий XIX) асрда ҳукмронлик қилган турк султонлари ашаддий истибодчи, ўтакетган қаттиққўл одамлар эди. Уларнинг сил-силаси Мустафо IV дан бошланган бўлиб, сўнгра Маҳмуд II, кейин Абдулмажид I, ундан кейин Абдулазиз, ундан кейин Мурод V ва ниҳоят Абдулҳамид II халифа бўлишди.

4. Арабларни юзага чиқармаслик мақсадида уларни заифлаштириш. Усманийлар даврида араблар катта вазифалардан бўшатишди, улар мутлақо эътиборсиз қолдирилди, оқибатда араблар жохил, заиф, қолоқ ва фақир бўлиб қолишди.

5. Қуръон тили, ҳадиси шариф тили ва шариатнинг асосий тили бўлган араб тилининг аҳамиятини йўқотиш.

6. Соф исломий тушунчаларнинг кам бўлиши. Усманийлар Исломни тўғри тушуна олишмаган, унинг ҳаётнинг мукамал йўли эканини билишмаган. Уларнинг кўпчилиги Исломни фақат муайян ибодатларни бажаришдангина иборат деб билар эди.

7. Усманийлар давлатининг раҳбарлари волийларни тез-тез алмаштириб туришарди. Хусусан, салтанатнинг сўнги даврларида мустақил бўлиб қолишидан, ўз вилоятини ажратиб олишидан қўрқиб, волийлар тез-тез алмаштирилар эди. Натижада янги волий ўзига топширилган минтақани яхши билмай, кўп хатоларга йўл қўяр ва уни заифликка, қолоқликка тушириб қўяр эди.

8. Баъзи султонлар ўз биродарларини ўлдириб, ҳокимият учун талашган. Бундай ҳолатлар кўп бўлган.

9. Баъзи султонлар насронияларга уйланишар, уларга жуда ишқибоз бўлишар эди. Бу иш жоиз бўлса ҳам, уммат учун жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқарган, чунки аёл киши озми-кўпми эрига таъсир кўрсатиши бор. Бундай аёллардан туғилган фарзандлар султоннинг ворислари бўлишарди. Шунингдек, султонлар никоҳига олган ғайридин аёллар ўз қавмининг фойдасига, мусулмонларнинг зиддига жосуслик қилиши ҳам бор эди.

10. Усмоний халифалар умавий ва аббосийларга ўхшаб, ҳокимиятни мерос қоладиган имтиёзга айлантириб қўйишди, ваҳоланки, буларнинг барчаси суннатга хилоф ишлардир.

11. Усмонийлар ҳарбийларга кўп ҳуқуқларни бериб қўйишди. Бу эса улар ҳокимиятнинг юқори поғоналарига кўтарилишига, ҳукумат ишларига аралашишига, бузғунчилик қилишларига, туғёнга кетишларига сабаб бўлди.

12. Усмонийлар фатҳ қилинган юртлардан хароҷ йиғиш билан кифояланиб қолишди, маҳаллий аҳолининг ақийдаси, тили ва одатлари билан ишлари бўлмади. Бошқача қилиб айтганда, Исломни тарқатиш рисоладагидек йўлга қўйилмаган эди.

13. Халифа заифлашиб қолган охирги пайтларда ҳамма фақат салбий жиҳатгагина эътибор берди, бу ҳақда кўп гапирадиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибат буюк давлатнинг қулашига олиб келди.

ОНАДЎЛИ УСМОНИЙЛАРДАН АВВАЛГИ ДАВРДА

Онадўли юртлари Кичик Осиё ҳам деб аталади. Авваллари Византия императорлигига қарашли бўлган бу минтақа Исломдан олдин Шарқий Рум деб ҳам аталган. Ислом фатҳлари бу юртнинг шарқиғача етиб борди. Мусулмонлар ҳижрий 50 йилдан, Муовия розияллоху анхунинг вақтларидан бошлаб Қустантинияга бир неча маргалаб ҳужум қилишди, бироқ натижа бўлмади.

Салжукий турклар ҳижрий 463 (милодий 1071) йилда Малазгирд жангида румликлар устидан буюк ғалаба қозондилар. Шундан сўнг улар Онадўли юртларига тарқалиб кетиб, ўша ерда ўз амирликларини қурдилар. Мазкур амирликларнинг энг кўзга кўрингани Рум салжуклари амирлиги бўлди.

Шундан кейин Онадўли мўғулларнинг қўлига ўтди. Улар Рум салжуклари устидан узоқ йиллар ҳукмронлик қилишди. Ҳатто Рум салжуклари мўғулларга қўшилиб, ҳижрий 641 (милодий 1243) йилда мусулмонларга қарши уруш қилишди. Мўғуллар ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда Айну Жолутда енгилгач, Зоҳир Бийбарс ҳижрий 675 (милодий 1276) йилда Рум салжуклари ва мўғуллар сари юриш қилиб, у ерда уларга қақшатқич зарба берди.

Мўғуллар заифлашгани сари Рум салжуклари давлати ҳам кичик амирликларга бўлиниб кетиб, бир-бири билан урушадиган аҳволга тушиб қолди. Усманийлар давлати буларнинг барчасига барҳам берди ва бу ерларнинг ҳаммасини ўз байроғи остига киритди.

Давлатга асос солиниши ва унинг қудрати

Усманийларнинг асли келиб чиқиши Туркистон томонлардан бўлган мусулмонлар бўлиб, улар Ғаз қабилаларига мансубдирлар. Уларнинг қабиласи Қобих деб аталган. Мўғуллар уларнинг юртига бостириб кирганда боболари Сулаймоншоҳ ибн Қиёалп ўз қабиласи билан Рум ерларига

хижрат қилиб кетади, сўнг Шом ва Ироққа ўтади. Қайтиб келаётганида эса Фурот дарёсига ғарқ бўлади. Қабила шу тарика тарқалиб кетади. Қолганларнинг бир қисми асл ватанига қайтади. Эртўғрул ибн Сулаймон бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар эса Онадўлининг шимолига йўл олишади. 400 нафар туркман оиласи у билан бирга эди. Улар минтақага етиб бориб, салжуқий султон Алоуддин Кикбоднинг ҳукми остида яшай бошлашади. Эртўғрул унинг Византияга қарши баъзи ғазотларида ёрдам беради. Шу боис Алоуддин Кикбод уни мукофотлаб, Рум юртлари чегарасида жойлашган Эски шаҳар деган бир минтақани инъом қилади, кейинроқ эса уни эркин қўйиб, ўз сарҳадларини Византия ҳисобидан кенгайтиришга ҳам изн беради.

Эртўғрул ҳижрий 687 (милодий 1288) йилда вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Усмон қолади. Усмонийлар давлатининг номи ана шу Усмонга нисбат берилади. У мазкур давлатнинг асосчиси, усмоний подшоҳларнинг биринчисидир.

УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ХАЛИФА ВА СУЛТОНЛАРИ

(ҳижрий 698–1342; милодий 1299–1923)

Султонлик асри:

1. Усмон ибн Эртўғрул. Ҳижрий 698–726 (милодий 1299–1326) йиллар.
2. Ўрхон ибн Усмон. Ҳижрий 726–763 (милодий 1325–1362) йиллар.
3. Мурод I ибн Ўрхон. Ҳижрий 763–791 (милодий 1362–1389) йиллар.
4. Боязид I ибн Мурод. Ҳижрий 791–804 (милодий 1389–1402) йиллар.

Ушбу тўрт султон энг кудратли усмоний султонлардан ҳисобланади.

Боязиднинг ўғиллари орасидаги кураш босқичи:

5. Муҳаммад I ибн Боязид. Ҳижрий 816–824 (милодий 1413–1421) йиллар.

6. Мурод II ибн Муҳаммад икки бор ҳукмронлик қилган: ҳижрий 824–848 (милодий 1421–1444) ва 850–855 (милодий 1446–1451) йиллар.

7. Муҳаммад II Фотиҳ икки бор ҳукмронлик қилган: ҳижрий 848–850 (милодий 1444–1446) ва 855–886 (милодий 1451–1481) йиллар.

8. Боязид II ибн Муҳаммад. Ҳижрий 886–918 (милодий 1481–1512) йиллар.

Халифалик асри:

9. Салим I ибн Боязид. Ҳижрий 918–926 (милодий 1512–1520) йиллар.

10. Сулаймон Қонуний ибн Салим. Ҳижрий 926–974 (милодий 1520–1566) йиллар.

Бу икки халифанинг даври «куч-қудрат ва халифалик асри» деб аталади.

11. Салим II ибн Сулаймон. Ҳижрий 974–982 (милодий 1566–1574) йиллар.

12. Мурод III ибн Салим. Ҳижрий 982–1003 (милодий 1574–1595) йиллар.

Бу икки халифанинг даври «заифлик асри» деб аталади.

13. Муҳаммад III ибн Мурод. Ҳижрий 1003–1012 (милодий 1595–1603) йиллар.

14. Аҳмад I ибн Муҳаммад. Ҳижрий 1012–1026 (милодий 1603–1617) йиллар.

15. Мустафо I ибн Муҳаммад икки бор тахтга ўтирган: ҳижрий 1026–1027 (милодий 1617–1618) ва 1031–1032 (милодий 1622–1623) йиллар.

16. Усмон II ибн Аҳмад. Ҳижрий 1027–1031 (милодий 1618–1622) йиллар.

17. Мурод IV ибн Аҳмад. Ҳижрий 1032–1049 (милодий 1623–1640) йиллар.

18. Иброҳим I ибн Аҳмад. Ҳижрий 1049–1058 (милодий 1640–1648) йиллар.

19. Муҳаммад IV ибн Иброҳим. Ҳижрий 1058–1099 (милодий 1648–1687) йиллар.

20. Сулаймон II ибн Иброҳим. Ҳижрий 1099–1102 (милодий 1687–1691) йиллар.

21. Аҳмад II ибн Иброҳим. Ҳижрий 1102–1106 (милодий 1691–1695) йиллар.

22. Мустафо II ибн Муҳаммад. Ҳижрий 1106–1115 (милодий 1695–1703) йиллар.

23. Аҳмад III ибн Муҳаммад. Ҳижрий 1115–1143 (милодий 1703–1730) йиллар.

24. Маҳмуд I ибн Мустафо. Ҳижрий 1143–1168 (милодий 1730–1754) йиллар.

25. Усмон III ибн Мустафо. Ҳижрий 1168–1171 (милодий 1754–1757) йиллар.

Буларнинг ҳаммаси заиф халифалар асри ҳисобланади.

26. Мустафо III ибн Аҳмад. Ҳижрий 1171–1187 (милодий 1757–1774) йиллар.

27. Абдулҳамид I ибн Аҳмад. Ҳижрий 1187–1203 (милодий 1774–1789) йиллар.

28. Салим III ибн Мустафо. Ҳижрий 1203–1222 (милодий 1789–1807) йиллар.

29. Мустафо IV ибн Абдулҳамид. Ҳижрий 1222–1223 (милодий 1807–1808) йиллар.

30. Маҳмуд II ибн Абдулҳамид. Ҳижрий 1223–1255 (милодий 1808–1839) йиллар.

31. Абдулмажид I ибн Маҳмуд. Ҳижрий 1255–1277 (милодий 1839–1861) йиллар.

32. Абдулазиз ибн Маҳмуд. Ҳижрий 1277–1293 (милодий 1861–1876) йиллар.

33. Мурод V ибн Абдулмажид. Ҳижрий 1293 йил, бир неча ой.

34. Абдулҳамид II ибн Абдулмажид. Ҳижрий 1293–1327 (милодий 1876–1909) йиллар.

Бу халифаларнинг даври таназзул даври ҳисобланади.

35. Муҳаммад Рашод ибн Абдулмажид. Ҳижрий 1327–1336 (милодий 1909–1918) йиллар.

36. Муҳаммад Ваҳидиддин ибн Абдулмажид. Ҳижрий 1336–1341 (милодий 1918–1922) йиллар.

37. Абдулмажид ибн Абдулазиз. Ҳижрий 1341–1342 (милодий 1922–1924) йиллар.

Бу даврда «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти ҳокимиятни қўлга олиш учун кураш олиб борган.

Мазкур усмоний султон ва халифалар фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтаемиз.

Султонлик асри

1. Усмон ибн Эртўғрул

Бу даврда мўғуллар Алоуддин Салжуқийнинг салтанатига ғоратлар уюштиришди. Натижада Алоуддин енгилди, сўнгра қатл қилинди. Сўнг бу минтақада Усмон ўз ҳукмини ўрнатди. У ҳижрий 699 йилда «Султон» деган ном олди. У ўз минтақаларини кенгайтириб бориб, византиялик румларнинг ерларини ўз мулкига қўшиб олди. Ўша пайтда у қўлга киритган энг муҳим шаҳарлардан бири Бурса шаҳри бўлди. Усмон шу тарика Усмоний султонлигига асос солди ва уни ўзининг исми билан номлади.

2. Ўрхон ибн Усмон

Ўрхон ибн Усмон Бурсани ўзига пойтахт қилиб олди. У кейинчалик «жуда катта кучга айланган» деб номланган кўшинга асос солди, давлатнинг фатҳ ишларига катта ёрдам

берди. Инкишория лашкарининг аскарлари насороларнинг фарзандлари бўлиб, махсус тайёргарликдан ўтган, алоҳида машқ қилдирилган жангчилар эди. Улар Дарданелл бўғозидаги кўпгина шаҳарларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

3. Мурод I ибн Ўрхон

У Дарданелл бўғозини кесиб ўтиб, Европа томон юрди ва Болқон яриморолига хужум уюштирди, Эдирнани фатҳ қилиб, уни ўзига пойтахт қилди. Сўнг ҳарбий гуруҳларни ташкил этди. Ўзининг фатҳларини кенгайтириб бориб, Онадўлидаги бир неча амирликларни эгаллади. Булғористон пойтахти Софияни ва Юнонистоннинг Салоник шаҳрини ҳам қўлга олди. Ашрофлар устидан ғалаба қозониб, подшоҳини қатл қилди, уларнинг юртининг катта қисмини босиб олди. Бироқ ушбу жанглардан бирида шаҳид бўлди. Ўша вақтга келиб, Мурод I ибн Ўрхон византияликларнинг Кичик Осиёдаги мулкларини қўлга киритишга улгурган эди.

4. Боязид I ибн Мурод

Боязид I ибн Мурод ўзидан аввалги султонларнинг ҳарбий ҳаракатларини давом эттириб, Қустантинияни қамал қилди. Европаликлар Рим папасини урушга қизиқтириб, тарғиб қилишди. Папа Боязид I га қарши бир неча давлатлардан тўпланган жуда катта қўшин юборди. Боязид I ибн Мурод уларга жуда катта зарбалар бериб, кетма-кет ғалабалар қозонди. Бироқ шу пайтда Амир Темур катта лашкар билан келиб, Анқарани ишғол қилди, усмонийлар аскарларининг кўпчилигини кириб ташлади, султон Боязидни асирга олди. У ҳижрий 805 йилда тутқун ҳолида вафот этди.

Амир Темур Онадўли амирликларини эгаларига қайтариб берди. Натижада Европадаги бир қанча халқлар, жумладан, булғорлар, серблар каби амирликлар ҳам мустақил бўлиб олишди.

Боязиднинг ўғиллари орасидаги келишмовчиликлар

Боязид II нинг ўғиллари тахт талашиб, бир-бири билан ўн бир йил уруш қилишди. Ниҳоят ҳокимиятни Муҳаммад I эгаллаб олди.

5. Муҳаммад I ибн Боязид

Муҳаммад I ибн Боязид ака-укалари билан уруш қилиб, султонликни улардан тортиб олди. Сўнг ташқи фитналарни бостиришга ҳаракат қилди, давлатни бирлаштиришни қайтадан йўлга қўйди.

6. Мурод II ибн Муҳаммад

Мурод II ибн Муҳаммад Қустантинияни қамал қилди. Ажраб чиққан барча амирликларни давлатнинг қаторига қўшди. Европадаги амирликларни ҳам қайтариб олди. Булғорлар, серблар, афлоклар юрти (Валахия князлиги) ва Албанияни ҳам давлатига қўшди.

7. Муҳаммад II Фотих

Муҳаммад II Фотих амалга оширган улуғ ишлардан бири Византия императорлигининг пойтахти Қустантиния фатҳидир. Бу улуғ фатҳ ҳижрий 857 (милодий 1453) йилда юз берди. У шаҳарни ҳар тарафдан қамал қилди. Шундан сўнг у очиқ-ойдин нусратга эришди, шаҳар унга бўйсунушга мажбур бўлди. Византия императори ана шу урушда қатл қилинди. Бу фатҳ усмонийларнинг энг буюк фатҳидир.

Муҳаммад II Фотих Қустантинияни Истамбул (Ислам бул – Тинчлик шаҳри) деб атади ва уни пойтахт қилиб олди. Серб юртини, жумладан, унинг пойтахти Белградни, Мура юртларини фатҳ қилди. Афлокни (Валахия князлиги), сўнг Босния ва Герцеговинани ҳам қўшиб олди. Ўша даврда бу юртларнинг аҳолиси мусулмон бўлди.

Шунингдек, Муҳаммад II Фотиҳ Юнонистон ва Италиядаги баъзи оролларни ҳам фатҳ қилди. Кўпгина амирликлар у билан сулҳ тузиб, жия тўлаб туришга рози бўлишди.

Ушбу буюк ғалабалардан сўнг усмонийлар давлати қудратли исломий императорликка айланди. Мусулмонлар саккиз асрдан буён амалга ошира олмай келаётган Қустантиниянинг фатҳи ана шу императорликка насиб қилди.

Қустантинияни фатҳ қилишга уринишлар

Мусулмонлар Қустантинияни фатҳ қилишга дастлаб Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анҳунинг даврида, ҳижрий 49–52 йилларда уринишган, лекин бу ҳаракатлар муваффақиятсиз якунланган эди.

Иккинчи уриниш умавийлардан Сулаймон ибн Абдулмаликнинг даврида бўлди. У шаҳарни бир неча йил давомида қамал қилиб турди, бироқ унга фатҳ насиб қилмади. У вафот этгач, Умар ибн Абдулазиз қамални тўхтатиш ҳақида буйруқ берди. Сўнгра аббосийлар даврида Маҳдий ҳамда Ҳорун ар-Рашид каби подшоҳлар ҳам Қустантинияни фатҳ қилишга ҳаракат қилишди, лекин бу фатҳ уларга ҳам насиб бўлмади.

Ниҳоят Қустантиния фатҳи Муҳаммад II Фотиҳга насиб этди. У шаҳарни ишғол қилиб, уни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирди. Бу буюк ғалаба усмонийлар учун Ислом оламидаги жуда кўп ғалабаларга йўл очди, чунки ушбу улкан салтанатга қўшилиш Ислом бирлигининг рамзига айланиб қолган эди.

8. Боязид II ибн Муҳаммад

Боязид II Италиядаги Венеция давлати устидан ғалаба қозонди. Унинг даврида, ҳижрий 886–1081 йилларда Русия давлати вужудга келди. Руслар мустақилликка эришиб, Русия давлатини барпо қилишди. 918 йилда Инкишория аскарлари Боязид II ни ҳокимиятни ўз ўғли Салимга топширишга мажбур қилишди.

УСМОНИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИНИНГ КУЧ-ҚУВВАТЛИ ДАВРИ

Ушбу асрда иккита халифа подшоҳлик қилди.

1. Салим I ибн Боязид

Бу даврда Салим I ибн Боязид Ислом умматини усмонийлар нуфузи остида бирлаштиришга, салибчиларнинг тажовузини тўхтатишга қарор қилди. У шийъаларнинг мусулмонларга қарши португалияликлар билан тил бириктирган сафавийлар давлати устидан ғалаба қозонди. Салим I ибн Боязид ҳижрий 920 йилда Чалдиран жангидан кейин мазкур давлатнинг пойтахти Табризга кириб келди. Мамлуклар сафавийлар билан тил бириктириб, усмонийларга қарши иттифоқ тузишди. Шунда Салим I ибн Боязид ўз нуфузини Осиёга ҳам тарқатишга қарор қилиб, ҳижрий 922 йилда Ҳалабда бўлиб ўтган Марж Добук жангида мамлукларни Шомдан қувиб чиқарди ва мамлуклар султони Қонсува Ғурийни қатл қилди. Сўнг Ридонийя жангида Мисрдаги халифани ҳам мағлуб қилиб, ҳижрий 923 йилда Қоҳирага кириб борди ва шаҳар ҳокими Туманбойни қатл қилди. Салим I ибн Боязид шу тариқа мамлуклар давлатига барҳам берди.

Қоҳирадаги аббосий халифа халифалиқдан воз кечиб, тахтни унга топширди. Шу тариқа усмоний султон Салим-хон мусулмонларнинг халифаси бўлиб қолди. Макканинг оқсоқоллари Қоҳирага келиб, Ҳижознинг усмоний халифасига бўйсунганини эълон қилишди.

2. Сулаймон Қонуний ибн Салим

Сулаймон Қонунийнинг даври усмонийлар давлати кенгайишининг авжига тўғри келди. Бу давлат ўша пайтда Белград, Рудис ороллари, Қрим яримороли ва Афлок (Валахия князлиги) пойтахтини эгаллаб олди, Европага бостириб кириб, Венгрияни фатҳ қилди. Австрия пойтах-

ти Венагача етиб келиб, уни икки марта қамал қилиб турди. Шунингдек, шарқда кўпгина араб давлатларини ўзига бўйсундирди. Сулаймон Қонуний Ҳиндистон соҳилларида португалияликларга қарши ҳам уруш қилди, бироқ ҳижрий 943 йилда мағлубиятга учради.

Шундай қилиб усмонийлар давлати қуйидаги Европа давлатларини қўлга киритди: Венгрия, Бельгия, Албания, Юнонистон, Руминия, Сербия, Болгария. Ислом шарқидаги кўплаб давлатлар ҳам салтанатга қўшилди.

Бу даврга келиб усмонийлар императорлиги ўз тараққиётининг энг чўққисига чиқди. Бу давлатнинг чегаралари бир тарафдан Венгрия, Усвон, Нил қуйилиши томонга, шунингдек, Фурот дарёси, Эроннинг маркази, Бобил ва бошқа тарафларга етиб борди. Бироқ Сулаймон Қонунидан кейин фатҳ ишлари тўхтаб қолди, давлат эса заифлашиб, таназзулга юз тутди.

УСМОНИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ ЗАЙФЛИК АСРЛАРИДА

Мазкур буюк ғалабалар, кенг фатҳлардан сўнг аҳвол ўзгариб, салтанат заифлик босқичига кирди. Бу босқичнинг юзага келишида бир неча сабаблар бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Кенг ерларни камраб олган улкан салтанат аҳолиси тили, дини ва маданияти бир-биридан кескин фарқ қилувчи, тарқоқ ҳолатдаги, ўзаро жипслашмаган халқлардан иборат эди.

2. Инкишория аскарларининг шавкати пасайиб, фисқу фасодга берилиб кетишди. Улар давлат биносини қулатиши мумкин бўлган чўкморга айланиб қолишди, чунки давлат асосан ана шу аскарларга суянар, уларнинг кучи билан ғалаба қозонар эди.

3. Халқнинг манфаатларини ўйламай қўйиш, унинг ҳаётига эътиборсизлик.

4. Ҳарбий иқтидорни ҳамма нарсадан устун қўйиш, кучкуватни маҳкам ушлашга, ҳамма тарафни сиқиб қўйишга мойиллик ортганлиги.

5. Кўпчилик халифаларнинг айш-ишратга берилиб кетгани.

6. Европалик аёлларга уйланиш. Бу эса халифаларнинг саройларида ғарблик жосусларнинг кўпайишига олиб келди.

7. Салтанат олдида асосий мақсад йўқ эди. Кўплаб ғалабаларга эришилгач, халифалар асосий мақсадни, келгуси босқичларни эътиборсиз қолдириб, дангасаликка ўтиб олдилар.

8. Салтанат сарҳадлари ҳаддан ташқари кенгайиб кетиб, уларни бошқариш имконияти йўқолди. Идорачилик орқага кетди, порахўрлик, фасод кўпайди.

9. Европадаги салибчилик ҳаракатининг кучайиши, вайронгарчилик урушларининг кўпайиши.

10. Илғор ғояларга эргашмаслик, замонавий қурооллар билан қуроолланмаслик, илмий-техник тараққиётга эътиборсизлик оқибатида қоқоқлик, таназзулга юз тутиш.

11. Мустақиллик учун кураш, қўзғалон ва исёнчилик ҳаракатларининг доимий равишда кучайиб бориши.

12. Махфий жамятлар тузиб, миллатчилик, маҳаллийчилик фикрларини олға суришга қаратилган ҳаракатларнинг кучайиши.

13. Охирги султонларнинг заиф ва нотавонлиги.

14. Аллоҳ таоло кўрсатган йўлдан чиқиб, Ислом таълимотларини маҳкам тутмаслик.

Шайх Абулҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳ усмоний турклар ҳақида шундай ёзади:

«Ана шу пайтда тарих саҳнасида усмонли турклар пайдо бўлишди. Муроднинг ўғли Муҳаммад II ҳижрий 857 йилда (милодий 1453) йигирма тўрт ёшида Византия давлатининг мустаҳкам пойтахти бўлмиш буюк Константинополни (Қустантиния) фатҳ қилди. Натижада мусулмонларнинг

дилида умид уйғонди. Турклар усмонийлар бошчилигида Ислом умматига раҳбарлик қилишни ишониб топширса бўладиган, мусулмонларнинг мавқеи ва куч-қудратини қайтариб беришга қодир кучга, қудратли омилга айланган эди. Қустантиния саккиз асрдан буён мусулмонларга бўйсунмай келаётган эди (*Буср ибн Артоа бошчилигидаги мусулмонларнинг ҳарбий флоти ҳижрий 44 йилда – милодий 664 йилда Константинополга юриш қилган. Язид ибн Муовия эса ҳижрий 52 (милодий 672) йилда Константинополни қамал қилган. Шундан сўнг мусулмонлар уни энг камида тўрт марта қамал қилишган, бироқ бу мустаҳкам шаҳарни фатҳ қила олишмаган*). Шаҳар фатҳи усмонлиларнинг куч-қудрати ва етуклиги, ҳарбий соҳада ижтиҳод даражасига етганлиги, бекиёс саркардалик маҳорати, қурол-аслаҳадан фойдаланиш ишига илмий ва амалий ёндашув ила мақсадларга эришиш борасида ўзларига замондош бўлган халқлардан илгарилаб кетганини намоён қилди. Бу ишларнинг барчаси уммат учун ғоятда муҳим эди».

Муҳаммад Фотиҳнинг ҳарбий санъатдаги устунлиги

Драбир айтганидек, Муҳаммад Фотиҳ риёзиёт илмларидан яхшигина хабардор бўлиб, уни ҳарбий санъатда усталик билан татбиқ қилган. У Қустантиния фатҳига ҳам жиддий тайёргарлик кўрган, ўз давридаги ҳарбий асбоб-ускуналар ва қурол-яроғларнинг барчасидан фойдаланган.

Бернард Карро де Во (Bernard Carra de Vaux) «Исломдаги мутафаккирлар» номли китобининг биринчи жузида Муҳаммад Фотиҳнинг ҳаёт йўли ҳақида шундай сўз юритади:

«Дарҳақиқат, Муҳаммад Фотиҳнинг ушбу ғалабаси ўз ўзидан бўлиб қолган эмас. Византия давлатининг заифлашиб қолгани бу ғалабанинг асосий сабаби эмас. Султон ушбу ҳал қилувчи жанг учун лозим бўлган барча тайёргарликларни олдиндан кўриб қўйган эди. Бунинг учун у ўзи яшаб турган даврда эришилган илмий тараққиётнинг сама-

раларидан тўлиқ фойдаланди. Ўша пайтларда тўплар энди-гина ихтиро қилинган эди. Султон ўша вақтда яшаш мумкин бўлган энг катта тўпларни яратиш устида иш олиб борди. Ўқининг вазни 300 кг бўлган, бир милдан узокроққа ўқ отадиган замбаракни яратган муҳандисни бу ишга жалб қилди. Айтишларича, бу тўпни ўрнидан силжитиш учун етти юз киши керак бўлар, уни ўклаш учун эса икки соат кетар эди. Муҳаммад Фотиҳ Константинополни фатҳ этиш учун юриш бошлаганида унинг уч юз минг аскарлари, жуда катта артиллерияси, шахарни соҳил томондан қамал қилиб турган денгиз флотида эса 120 та ҳарбий кемаси бўлган. У бор ҳарбий маҳоратини ишга солиб, флотнинг бир томонини курукликдан кўрфазга олиб чиқишни режалаштирган ва етмишта кемани ёғ-мой суртилган ёғочлар ёрдамида денгизнинг Қосим пошшо тарафидан сувга туширган» (*Амир Шукайб Арслоннинг «Ислом оламининг бугуни» китобиغا ёзган иловаларидан*).

Туркий халқларнинг ўзига хос жиҳатлари

Усманийлар бошчилигидаги мусулмон турк халқлари ўша вақтдаги Ислом уммати ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган ва шу жиҳатдан мусулмонларга бошчилик қилишга ҳақли бўлишган:

1. Ҳарбий руҳга эга бўлган бу халқ фаол, ғайратли, интилувчан эди. Келиб чиқиши, фитратга яқинлиги ва ҳаётдаги оддийлиги сабабли ҳам турклар шарқдаги мусулмон халқларга хос ижтимоий ва маънавий иллатлардан соғлом бўлишган.

2. Туркларда Исломнинг моддий ва маънавий ҳукмронлигини кенг тарқатишга, ўзаро адоват ва рақобатда бўлган халқларнинг зулмини қайтаришга, бутун оламга йўлбошчилик қилишга имкон берадиган даражада ҳарбий куч-қудрат мавжуд бўлган. Усманийлар ўз ҳукмронлигининг аввалидаёқ ҳарбий қурол-яроғлардан, айниқса ўқотар қуроллардан фойдаланишга интилишган. Улар артиллерияга катта эътибор

қаратиб, энг замонавий ҳарбий анжомларни амалиётга татбиқ қилганлар, ҳарбий санъатга, қўшинни тартибга солиш ва уларни сафарбар этишга эътибор қаратганлар. Улар ҳарбий саноат борасида ҳатто Европа учун ҳам шубҳасиз етакчига, баркамол намуна ва йўлбошчига айланган эдилар.

Улар учта китъада – Европа, Осиё ва Африкада ҳукмронлик қилар, Форсдан то Марокашгача чўзилган Ислом шаркига эгалик қилар эдилар. Турклар Кичик Осиёни бўйсундириб, Европага, ҳатто Вена остоналарига қадар кириб боришди. Улар Ўрта ер денгизига ҳам хўжайинлик қилишар, уни усмонлиларга тегишли деб билар эдилар. Пётр I нинг ишонган одамлари унга мактуб ёзиб, «Султон Қора денгизни ўзининг шахсий саройи деб билади, бошқаларнинг унга киришига ижозат бермайди» деб хабар қилишган. Улар Европа қаршилик қила олмайдиган даражада улкан флотни тузган эдилар. Ҳатто ҳижрий 945 (милодий 1547) йилда Султонни бу ердан қувиб чиқариш учун Рим, Венеция, Испания, Португалия ва Мальта давлатларининг флотлари бирлашди. Бироқ сондаги устунлик уларга ҳеч қандай фойда бермади.

Усмонийлар салтанати Сулаймоннинг бошқаруви даврида ҳам қуруқликда, ҳам денгизда устунлик қилар, сиёсат ва диндаги ҳукмронликни ўзида жамлаган эди.

Усмонийлар давлатининг ҳудудлари Сулаймоншоҳнинг даврида шимолда Туна ва Сава дарёларигача, жанубда Нилнинг боши ва Ҳинд океанигача, шарқда Кавказ тоғ тизмаларигача, ғарбда эса Атлас тоғларигача етиб бориб, майдони 400 минг квадрат км.дан зиёда эди.

Усмонийлар флоти 2000 дан ортиқ ҳарбий кемадан иборат бўлган. Сефид дарёси, Адриатика денгизи, Мармара, Азақ, Қора ва Қизил денгизлар ҳамда Форснинг шарқий қисми унинг тасарруфи ва ҳукмронлиги остида эди.

Биргина Римдан ташқари «кўҳна дунё»нинг барча машҳур шаҳарлари усмонийлар империясининг ҳудудига кирди («Фалсафатут-тарихил усманий», 280–281-бетлар).

Бутун Европа улардан хайиқиб турар, уларнинг катта-катта қироллари усмоний подшоҳларнинг ҳимоясига киради, юртларига турклар ташриф буюрадиган бўлса, уларнинг ҳурмати учун черковларининг кўнғирокларини жангга қўйиб туришар эди.

Рим папаси Муҳаммад Фотиҳнинг вафот этганини эшитгач, уч кун давомида шукрона ибодатларини адо этиб, байрам қилишни буюрган.

3. Улар халқро бошқарув учун энг муносиб ўринда жойлашган эдилар. У ерларнинг Осиё ва Европага қараб турган томонлари Болқон яриморалига ўхшаб кетар, уларнинг пойтахти икки денгиз – Қора ва Қизил денгизлар ўртасида жойлашган бўлиб, икки қитъа – Осиё ва Европани бир-бирига боғлаб турар ҳамда Осиё, Европа ва Африкага ҳукмронлик қиладиган энг буюк давлатнинг энг яхши пойтахти эди. Ҳатто Наполеон: «Агар дунёда ягона давлат бўладиган бўлса, унинг пойтахти бўлишга энг муносиб шаҳар Қўстантиния бўлар эди», деган.

Европани яқин келажакда улкан хатар ва буюк бир шаън кутарди. Европада янгилашув кучлари жўш урар, қалбида таракқиёт омиллари уйғонаётган эди. Шунинг учун ҳам, агар Аллоҳ муваффақият берганида эди, турклар илм ва фикр майдонида илгарилаб, бу борада Европанинг насроний халқларидан ўзиб кетишлари, оламнинг пешволарига айланишлари, европаликлар дунёнинг тизгинини ўз қўлларига олиб, завола ва таназзул сари етакламай туриб, уни ҳақиқат ва ҳидоят сари етаклашлари мумкин эди.

Туркларнинг ахлоқан тубанлашуви, илм ва ҳарбий сановат борасида ривожланмай қотиб қолиши

Афсуски, туркларнинг ва умуман, мусулмонларнинг бахтига қарши турклар таназзулга юз тутиб, орқага кета бошладилар. Уларга ҳам ўзларидан олдинги умматларнинг ил-

лати тегди: ҳасад, адоват, подшоҳларнинг зулму истибдоди, жабру жафолари, бузук тарбия, ахлоксизлик, амирларнинг хоинлиги, халқни алдаш, халқнинг айшу ишрат, роҳат-фароғатга берилиши кучайди. Бундан ташқари, тарих китобларида баён қилинганидек, таназулга юз тутган бошқа халқларнинг ахлоқидаги баъзи салбий қусурлар туркларга ҳам аста-секин кириб борди. Ҳозир бу гаплар ҳақида батафсил сўз юритишнинг мавриди эмас. Айтилиши керак бўлган нарса шуки, бу халқда намоён бўлган энг салбий иллат уларнинг турли илмлар борасида ривожланмагани, ҳарбий қўшинларни такомиллаштирмай ортда қолиб кетганларидир.

Улар Аллоҳ таолонинг «Улар учун қўлингиздан келганича куч-қувват ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг душманини, ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни кўрқитасиз. Уларни Аллоҳ биладир. Аллоҳнинг йўлида нимани сарф қилсангиз, сизга тўлиқ қайтарилур. Сизга зулм қилинмас» (*Анфол сураси, 60-оят*) деган сўзини ёддан чиқариб қўйган эдилар.

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳикмат мўминнинг излаб юрган нарсасидир. Уни қаерда топса, ўша нарсага энг ҳақли бўлади» деган сўзларини безътибор қолдирдилар.

Атрофдаги Европа давлатлари уларни билакдаги билакузукдек ўраб турган бир пайтда, улар ўзларининг сиёсий ва жуғрофий жойлашувларидан келиб чиқиб ҳам, буюк Ислом саркардаси Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг мисрлик мусулмонларга қилган ушбу васиятини доимо ёдда тутмоқлари лозим эди: «Хабарингиз бўлсинким, атрофингиздаги душманларнинг кўплиги, уларнинг диллари сизга ва сизнинг юртингизга талпиниб тургани туфайли қиёмат кунига қадар хавфу хатарда бўласизлар». Аммо турклар бир жойда туриб қолишди, замон эса илгарилаб кетди. Улар ортда қолиб, Европа халқлари ўзиб кетдилар.

Туркиядаги илмий турғунлик

Ёзувчи Холида Адиб хоним Туркиядаги илмий турғунликни шундай тавсифлаб берганки, шу жойда уни нақл қилсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди. У шундай деб ёзади:

«Дунёни мутакаллимларнинг фалсафаси назорат қилиб турар экан, Туркиядаги Ислом уламолари ўз вазифаларини гўзал тарзда бажариб юрдилар. «Сулаймония» ва «Фотих» мадрасалари ўша замондаги илм-фаннинг етакчи марказлари бўлган. Лекин ғарб илоҳий фалсафа ҳамда каломга доир баҳс-мунозараларнинг чангалидан халос бўлгач, янгича, замонавий илм-фан ва янгича ҳикматга асос солиб, дунёда инқилоб яратди. Уламолар жамоаси таълимнинг қийинчиликларини зиммага олиш, муаллимларнинг мажбуриятларини адо этишнинг уддасидан чиқа олмадилар. Уларнинг эътиқод қилишларича, илм-фан милодий XIII асрагидек ҳозирги мавқеидан ўзиб, илгарилаб кета олмас эди. Ана шу нотўғри фикр милодий XIX асрга қадар уларнинг таълим тизимига ҳукмрон бўлиб келди...

Зотан, Туркия ва бошқа мусулмон юртлардаги уламолар айтган бу фикрларнинг динга умуман алоқаси йўқ. Илоҳий фалсафа ёки мусулмонларда ёхуд насронийларда мавжуд бўлган калом илми юнон фалсафасига асосланган эди. Унинг асосий қисмини мажусий файласуф Арастунинг фикрлари ташкил қиларди. Шу ўринда насроний ва мусулмон уламоларнинг ақлий даражаларини қисқача қиёсласак.

Қуръони Карим оламнинг табиий яралиши масаласига батафсил тўхталмаган. Ундаги таълимотнинг кўпроқ қисми ҳаётнинг маънавий-ижтимоий жиҳатларига қаратилган бўлиб, асосий эътибор шу билан чекланган. Унинг бош мақсади ҳақ билан ботилнинг, гўзаллик билан қабоҳатнинг, яхши билан ёмоннинг ўртасини ажратиб беришдир. Қуръон оламга шариятни олиб келган. У метафизика ёки маънавий билимларга оид бирор масалани зикр қилар экан, унда чигаллик

ёки мушкулликни кўрмаймиз. Ундаги асосий таълимот тавҳиддир. Бинобарин, Ислом оддийлик ва бағрикенглик динидир. Табиий олам ҳақидаги янги назариялар учун бошқа динлардан кўра Исломнинг бағри очикроқдир. Лекин янги илмий таҳқиқларда кўмак берадиган ана шу бағрикенглик, ана шу оддийликнинг умри мусулмонларнинг ҳаётида кўп ҳам узоққа чўзилмади. Ҳижрий IX асрга келиб, уламолар ва мутакаллимлар нафақат фикҳни, балки илоҳиётни ҳам занжиру кишанлар билан тушовлаб, ижтиҳод ва тадқиқотлар эшигини маҳкам ёпиб ташладилар. Ана шу даврда Арастунинг фикрлари исломий фалсафага қўшилиб, аралашиб кетди...

Роҳиб Павелнинг дини деб номлаш тўғрироқ бўлган насроний динида эса аҳвол тамоман бошқача. Зеро, «Яратишнинг бошланиши» китобида табиий олам ҳақида батафсил сўз юритилади. Насронийлар уни Аллоҳнинг каломи деб иймон келтиришса, унинг тўғри эканини ҳам эътироф этишлари керак эди. Бироқ кузатувлар уларнинг бу таъвилларини тасдиқламагач, улар далил излашга мажбур бўлиб, Арастуга ёпишиб олдилар. Унинг нутки уларга сеҳрдек таъсир қилар эди.

Ғарбликлар табиатни мушоҳада, тажриба, таҳлил ва бошқа қисмларга ажратиш ёрдамида ўрганишни бошлаган пайтда иш черков вакилларининг қўлига ўтиб қолди. Уламолар амалий йўллар билан муҳим кашфиётларга эриша бошлагач, насроний олимлар черков ҳукмронлиги инқирозга юз тутишидан хавфсираб қолдилар. Натижада дин билан илм орасида аёвсиз кураш бошланди. Табиий фанлар соҳасидаги тадқиқот ва таҳқиқотларига берилиб кетган етакчи олимлар ўз илмининг қурбонларига айландилар...

Насроний черкови дин билан илм ўртасидаги қонли урушлардан сўнг воқеликни тан олишга мажбур бўлиб, табиий фанларни диний таълим муассасалари ва куллийтларининг ўқув дастурларига киритди. Кечагина мусулмон-

ларнинг илм даргоҳларидан фарқ қилмай турган дорилфунунлар табиий фанлар ва бошқа янги илмларнинг марказига айланди. Бироқ Ғарб олимлари ўз фалсафаларидан воз кечишмади. Оқибатда черков бошқаруви бир гуруҳ зиёлилар табақасининг қўлига ўтди. Католик ва протестантларнинг рухонийлари янги илмлар борасида муштарақ бўлиб, ҳар бир мавзуда янгилик излашга қодир эдилар...

Усмонли Туркиядаги уламолар эса бунинг акси эди. Улар янги илмларни эгаллашга аҳамият бермадилар, ҳатто ўз минтақаларига янги фикрларнинг кириб келишига ҳам қаршилик қилишди. Улар Ислом умматининг таълим бошқарувини ўз тасарруфида сақлар, янги фикрларнинг ўзларига яқин келишига ижозат бермас эдилар, уларнинг таълим тизимида турғунлик ҳукмрон эди. Таназзул даврига келиб уларнинг сиёсат билан боғлиқ ишлари ҳаддидан ошиб кетди. Уларга кузатув ва тажриба машаққатларини ўз зиммасига олишга ижозат берилган эди. Улар эса Арастунинг фалсафасига осилишдан нарига ўтмадилар, билимларини эса дедукция асосига барпо этдилар. Шунинг учун милодий XIX асрдаги мусулмон билим даргоҳлари XIII асрдаги ҳолатида қолиб кетаверди» (*«Шарқ ва Ғарбнинг Туркия учун кураши», 40–43-бетлар*).

Тафаккур ва илмнинг таназзулга юз тутиши

Илмдаги турғунлик, тафаккурдаги ҳорғинлик Туркиянинг илмий-диний соҳалари билангина чекланиб қолмай, балки бутун Ислом дунёсида, унинг шарқидан ғарбигача тарқалган, илмий соҳада тақчилликка ва бироз фикрий фалажликка мубтало бўлган эди. IX аср – агар VIII аср дема-сак – дин ва илмда, адабиёт ва шеърийятда ҳамда ҳикматда фаоллик, яратувчилик ва ижодкорликнинг сўнгги асрлари бўлган бўлса, X аср турғунлик ва тақлидчиликнинг сўнгги асри бўлди дейиш мумкин. Бундай турғунлик диний билимлар, адабий фанлар, шеърий маънолар, ижод, тарих ва

таълим тизимларининг барчасини қамраб олган эди. Зеро, кейинги асрларда ёзилган биографик асарларда юксак иқтидорли, даҳо ёки ҳеч бўлмаганда муҳаққиқ олим деб эътироф этилган зотларни топмайсиз.

Ушбу сўнги асрлар шеърлятида жуда кўплаб шеърлар битилган бўлса-да, хотирага ўрнашиб қоладиган бирор-бир ёркин шеърни ёки дилга қувонч бағишловчи ижодий асарни кўрсата олмаймиз. Аксинча, сўзни безашда ўта нозиктаъблик, лафз ва маъноларда бўрттириш, муболаға, ҳаддан ошириб мақташ, шеърларда эркакка нисбатан ошиқона муносабат, ҳатто биродарлар ўртасидаги ёзишмалар ва табиий мақсадларда ҳам такаллуф ҳамда аҳмоқона қофияли насрлар, маза-матрасаси йўқ адабиётни кўрамиз. Бундай иллатлар ҳатто тарихий ва биографик асарларда ҳам кўп учрайди.

Шунингдек, таълим соҳасида ҳам мутақаддим улаомларнинг асарлари олиб ташланиб, уларнинг ўрнига сохтакор мутааххирларнинг китоблари киритилган эди. Бундай китоблар муаллифлар қоғозни қизғаниб, атайлаб чигал ва ноаниқ қилиб ёзган хошиялар, қарорлар, хулоса ва матнлар билан тўлиб-тошган эди. Бу асарлар худди стенография йўли билан ёзилганга ўхшаб кетарди. Буларнинг барчаси Ислом дунёси бошидан кечираётган илмий-ғоявий таназзулдан дарак бериб турар эди.

Мусулмон оламининг етакчиси бўлмиш усмонийларнинг ҳоли шундай бўлгандан кейин, қолганларнинг ҳоли қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Милодий XVI–XVII асрлар инсоният тарихининг энг муҳим даври бўлди. Европа ўзининг узоқ муддат давом этган уйқусидан мана шу даврда уйғонди. Уйғонди-ю, ғафлат ва илмсизликда бой берилган фурсатни ўзлаштириб олиш учун отилиб ўрнидан турди. Европаликлар мисли кўрилмаган иштиёқ билан табиат кучларини бўйсундирар, коинот

сирларни ўрганар, авваллари номаълум бўлган қитъа ва денгизларни кашф қилиб, илм-фан ва ҳаётнинг барча жаб-ҳаларида янгидан-янги ғалабаларга эриша бошладилар.

Мусулмонлар эса бу борада яна ҳам ортга қараб кетишар эди. XVI–XVII асрларда мусулмонларда илм-фан тараққиёти у ёқда турсин, ҳатто саводхонлик ҳам муаммога айланиб қолди. Ўқиш-ёзишни билмайдиганлар нисбати тинмай ўсиб борди.

Европа халқлари эса гуркираб ривожланиб бораётган илм-фанни ишлаб чиқаришга йўналтиришди. Янги-янги саноатлар барпо бўла бошлади. Ҳаёт ривожланди, халқ бойиди. Саноатни ривожлантириш учун хомашёга катта эҳтиёж сезила бошлади. Натижада улар аста-секин бойликни Европадан ташқарида излашга тушишди. Бу улкан эҳтиёжни савдо йўли билан олиб бориш уларни кониктирмай қўйгач, халқи қолоқ, табиий бойликлари ўзлаштирилмаган мамлакатларга кўз олайтира бошлашди. Шу тариқа мустамлакачилик сиёсати ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди.

ЗАИФЛИК АСРИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ҲОДИСАЛАР

- хижрий 976 (милодий 1568) йилда Австрия билан сулҳ тузилди.

- хижрий 978 (милодий 1570) йилда Кипр ороли фатҳ қилинди.

- хижрий 983 (милодий 1576) йилда ажнабий давлатларнинг имтиёзлари янгиланди.

- хижрий 985–991 (милодий 1577–1583) йилларда Ширвон, Гурч ва Доғистон юртлари фатҳ қилинди. Истамбул ва Онадўлида кўзғалонлар ҳам бўлиб ўтди.

- хижрий 1021 (милодий 1612) йилда Усмонли империяси сафавийлардан мағлубиятга учради ва баъзи ерлардан ажраб, душманга топширишга мажбур бўлди.

- хижрий 1030 (милодий 1620) йилда бошбошдоқлик, алғов-далғовлик кучайди.

- хижрий 1044 (милодий 1634) йилда асли друзлардан бўлган, Ливан, Фаластин ва Сурияга эга чиқиб олган Фахриддин Маъний бошчилигидаги кўзғалон бостирилди.

- хижрий 1048 (милодий 1638) йилда яна сафавийлар билан уруш бўлди, усмонийлар Бағдодга киришди.

- хижрий 1055 (милодий 1645) йилда Крит фатҳ қилинди.

- хижрий 1074 (милодий 1663) йилда усмонийлар Мурофия ва Силезияга кириб келишди ва австрияликлар билан Венгрияни тақсимлаб олишди.

- хижрий 1083 (милодий 1672) йилда Украинадаги казаклар усмонийларга бўйсунди.

- хижрий 1094 (милодий 1683) йилда Австрия қамали бошланди.

- хижрий 1100 (милодий 1688) йилда усмонийлар Австриядан мағлубиятга учрашди.

- хижрий 1110 (милодий 1698) йилда Карловисия шартномаси тузилди. Унга кўра, усмонийлар Украина ва Будулия, Азов ва Мажористон, Трансильвания ва бошқаларни кўлдан чиқаришди.

- хижрий 1130 (милодий 1717) йилда Басоравите шартномаси тузилиб, усмонийлар Сербия, Белград ва Афлони кўлдан чиқаришди.

Тушкунлик ва таназзул асрининг энг муҳим ҳодисалари

- хижрий 1171–1187 (милодий 1757–1773) йилларда Миср волийси Алийбек Кабир кўзғалон кўтариб, Мисрни мустақил қилиб олди, кейин Шом ва Ҳижозни ҳам кўлга киритди. Лекин усмонийлар уни йўқ қилдилар.

- хижрий 1187 (милодий 1773) йилда Қиноржа деган жойда тузилган сулҳга кўра Қрим, Бессарабия, Руминия ва Кавказ кўлдан бой берилди.

- ҳижрий 1189 йилда Фаластиннинг кўп жойларига эга чиқиб олган Зоҳир Умарнинг кўзгалони бостирилди.

- ҳижрий 1206 (милодий 1791) йилда Русия Қримнинг кўп жойини босиб олди.

- ҳижрий 1213–1216 (милодий 1798–1801) йилларда Наполеон Бонапарт Мисрга хужум қилиб, мамлуклар устидан ғалаба қозонди. Наполеон Шомга ҳам бостириб кирмоқчи бўлди, бироқ буни уддалай олмай, Францияга қайтиб кетди.

- ҳижрий 1220 (милодий 1805) йилда албаниялик зобит Муҳаммад Алий Миср ҳукуматини қўлга олди ва 1226 йилда Қалъа ҳодисасида мамлукларни қириб битирди.

- ҳижрий 1226–1230 (милодий 1811–1815) йилларда саудийлар давлатида уруш бўлди. Усманийлар саудийлар давлати ва ваҳҳобийларнинг салафий даъватини йўқ қилиш учун Миср волийси Муҳаммад Алийни юборишди. Ўша вақтда Саудиянинг нуфузи ниҳоятда кенгайган эди. Тўсун ибн Муҳаммад Алий келиб, Ҳижозга ҳукмини ўтказди ва Нажднинг баъзи жойларини ҳам қўлга киритди. Сўнг ҳукумат тепасига унинг акаси Иброҳим келиб, пойтахт шаҳар Диръийяни босиб олди ва саудийларни йўқотди.

- ҳижрий 1242 (милодий 1826) йилда бузуқ Инкишория тузуми бекор қилиниб, янги ҳарбий низом жорий этилди.

- ҳижрий 1243 йилда Юнонистонда кўзгалон кўтарилди. Европаликлар кўзгалончиларни қўллаб-қувватлашди. Юнонистон мустақилликка эришди.

- ҳижрий 1245 (милодий 1829) йилда усмонлилар Русиядан мағлубиятга учрашди. Сербия усмонийлардан бутунлай мустақил бўлиб олди.

- ҳижрий 1245 йилда Франция Жазоирни босиб олди.

- ҳижрий 1248 (милодий 1831) йилда Муҳаммад Алий Шом юртларига эга чиқиб олди.

- ҳижрий 1257–1277 (милодий 1841–1860) йилларда Ливанда юз берган урушлар натижасида усмонийлар Ливанга эга чиқиб олишди.

- хижрий 1275 (милодий 1858) йилда Руминия мустақил бўлди.

- хижрий 1277 йилда Шомда кенг тарқалган тоифачилик фитнаси бостирилди.

- хижрий 1285 (милодий 1868) йилда Сувайш канали очилди.

- хижрий 1295 (милодий 1878) йилда миллатчилик ва дунёвийликка даъват кенг тарқала бошлади. Турли жамиятлар, ташкилотларга асос солина бошлади. Уларнинг энг кўзга кўрингани «Ёш Туркия жамияти» бўлди. Унинг ҳарбий қаноти ҳам бор бўлиб, «Иттиҳод ва Тараққий» деб номланди.

- хижрий 1295 йилда усмонийлар яна Русиядан мағлубиятга учрашди. Душман Истамбулга яқинлашиб қолди. Усмонийлар сулҳ шартномасини имзолашга ва Сербия, Қоратоғ, Болгария ва Руминиялардан воз кечишга мажбур бўлишди.

- хижрий 1295 йилларда Берлин шартномаси имзоланди. Унга кўра, Болгария мутлақо мустақил бўлди. Австрия Боснияни, инглизлар эса Кипр оролини босиб олишди.

- хижрий 1299 (милодий 1881) йилда Франция Тунисни босиб олди.

- хижрий 1300 йилда инглизлар аввал Мисрни, сўнгра Суданни эгаллаб олишди.

- хижрий 1313 (милодий 1895) йилда италияликлар Эретрияни ва Сомалининг бир қисмини босиб олишди.

- хижрий 1315 йилда Швейцарияда Герцль (Theodor Herzl) бошчилигида сионистларнинг йиғини бўлиб ўтди. Ўша ерда яхудийлар учун Фаластинда миллий (тарихий) ватан барпо этишга қарор қилинди. Шундан кейин Герцль турли ваъдалар бериб, султон Абдулхамид II дан Фаластинни бўшатиб беришни сўради. Лекин султон Абдулхамид II бу таклифга кўнмади, яхудийларнинг Фаластинга ҳижрат қилишини ман қилди. Шундан кейин яхудийлар уни йўқ қилишга уринишди. Ҳижрий 1316 йилда «Иттиҳод ва Тараққий» жамия-

ти пайдо бўлди. У усмонийлар империяси аҳолисини турк миллатчилигига – туронийликка чақирди ва яҳудийларнинг ёрдами билан Ислом халифалигини бекор қилди.

- ҳижрий 1328 (милодий 1910) йилда султон Абдулҳамид II халифалиқдан бўшатилади. Ҳамма нарсани «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти ўз қўлига олди.

- ҳижрий 1332 (милодий 1913) йилда Италия Ливияни босиб олди.

- ҳижрий 1333–1337 (милодий 1914–1918) йилларда усмонийлар давлати Биринчи Жаҳон урушига қўшилди. Ҳеч қандай манфаати бўлмаса ҳам, Олмонияга иттифокчи бўлди. Олмония энгилгач, усмонийлар давлати ҳам энгилиб, таслим бўлди. Шу тариқа буюк давлат парчалаб юборилди.

- ҳижрий 1323–1324 йилда Туркия жумҳурияти эълон қилинди. Халифалик диний ишлардагина қолди. Жумҳуриятга Мустафо Камол Отатурк бошлиқ бўлди. У «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти раҳбарларидан бири эди.

- ҳижрий 1343 (милодий 1924) йилда халифалик бутунлай тугатилди. Султонларнинг оиласи Туркиядан ҳайдаб чиқарилди. Ислом халифалигининг сўнгги саҳифаси шу тариқа ёпилди.

УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ҚУЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Араб давлатлари усмонийларга қарши

Араб давлатлари икки муҳим омил орасида қолган эди. Улардан бири уларни Туркияга жазб қилар эди. Туркия Ислом салтанати бўлиб, мусулмонлар бирлигининг, ўзаро робитасининг тимсоли эди.

Иккинчи омил эса мазкур араб давлатларининг мустақил бўлиш орзуси бўлиб, уларда турклардан ажраб, алоҳида яшаш иштиёқи баланд эди. Шунинг учун араб давлатларида Ислом рамзи бўлган усмоний империясига қарши

мустақиллик ҳаракатлари авж олди. Уларнинг энг кучлилари куйидагилардан иборат:

1. Мисрда Алийбек Кабир, сўнгра Муҳаммад Алий бошчилигидаги ҳаракатлар.

2. Фаластинда бадавий раҳбар Зоҳир Умар бошчилигидаги ҳаракат.

3. Ливанда Фаҳриддин Маъний бошчилигидаги ҳаракат, сўнгра шихобийлар ҳаракати.

4. Ироқда мамлук подшоҳлар ҳаракати. Буларнинг энг каттаси Сулаймон подшоҳ Абу Лайлодир.

5. Яманда зайдийлар ҳаракати.

6. Арабистон яриморолида саудийлар ҳаракати.

7. Шимолий Африкада ҳам маҳаллий раҳбарлар ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилишган. Бу ҳаракатга Африканинг шимолий қисмида юзага келган сунусия тариқатининг вакиллари бошлиқ бўлишган.

СУЛТОН АБДУЛҲАМИД II ИБН АБДУЛМАЖИД

Бу инсон усмонийлар давлатидаги кучли султонларнинг охиригиси ҳисобланади. Султон Абдулҳамид II уларнинг энг машҳурларидан бири бўлиб, халифалиги энг узоқ давом этган султондир. Унинг даврида жуда кўп муҳим ҳодисалар рўй берди. Абдулҳамид II ҳокимиятдан четлатилгач, усмонийлар императорлигининг юлдузи сўнди. Ундан олдин иккита султон аввал бўшатилиб, кейин қатл қилинган, ундан кейинги султон Мурод эса ақлдан озиб, вазифасидан бўшатишган эди. Бу ишларда катта ҳарбий кўмондонлар ва давлат одамлари ҳамкорлик қилишган.

Абдулҳамид II даврида Ислом олами жуда оғир, аламли мағлубиятларга учради. Оқибатда бир пайтлар бутун дунёни зир титратган давлат Европа давлатларининг иттифоқи ўртасида қолиб, насронийларнинг қақшатқич зарбасига учради ва уларнинг барчасига қарши ёлғиз курашишга им-

консиз қолди. Бу пайтга келиб, насронийлар усмонийлар императорлигининг Европа, Осиё ва Африкадаги кўп ерларини тортиб олишган, рус армияси эса усмонийлар пойтахти Истамбулгача етиб келган эди.

Усмоний дастур

Абдулҳамид II ўз халифалигининг дастлабки босқичида, ҳижрий 1293 (милодий 1876) йилда шўро (маслаҳат кенгаши, машварат) асосида қабул қилинган Усмоний дастурни эълон қилди. Шундан кейин умумий сайловлар бўлиб ўтди. Лекин ҳижрий 1295 йилда бу ишлар тўхтаб қолди. Ҳокимиятнинг услуги яна аввалги ҳолатига қайтарилди.

Ёш Туркия жамияти

Ушбу жамият мазкур дастур тўхтатилгандан кейин, давлат бошқа тарафдан кетма-кет мағлубиятларга учрайвергач, ташкил қилинди. Уларнинг бир маркази Парижда, яна бири Женевада эди. Улар бу жамиятни тузиб, фаолият олиб боргандан кейин Македонияда Туркия аскарлари билан бирлашдилар. Сўнгра «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти тузилди. Мустафо Камол Отатурк уларга қўшилгач, дастурни қайтаришни талаб қила бошлашди.

Дастурнинг қайтиши ва Ислом жамоасининг фикри

Мазкур жамоатларнинг босими остида султон Абдулҳамид II ўттиз бир йилдан кейин дастурни яна қайта жорий қилишга мажбур бўлди. Бу иш ҳижрий 1326 (милодий 1908) йилда юз берди. Бир неча ой ўтгач, дастур яна бекор қилинди. «Иттиҳод ва Тараққий» жамиятига қарашли лашкар пойтахтга етиб қолган, уларнинг қўли султон аскарларидан баланд кела бошлаган эди. Ниҳоят Абдулҳамид II ҳукуматдан четлатилди. Унинг бутун мол-мулки мусодара қилинди, ўзи эса юртдан ҳайдаб чиқарилди. Бу ишлар ҳижрий 1327 йилда содир бўлди.

Ушбу воқеалардан бироз аввал султон Ислом жамоаси тувиш фикрини айтган бўлиб, бу иш барча мусулмонларни бирлаштириш ниятида қилинган эди. Бу йўналиш мусулмонларда катта акс-садо берди. Кўпчилик Абдулҳамиднинг бу даъвати-га лаббай деб жавоб берди. Султон шу йўл билан ўзининг қулаб бораётган мавқеини яхшилаш ва мустаҳкамлаш ниятида эди. Лекин унинг бу таклифи юзага чиқмай қолиб кетди.

«Иттиҳод ва Тараққий» жамиятининг диктатураси

Султон вазифасидан бўшатишга, ҳукумат «Иттиҳод ва Тараққий» жамиятига тегишли одамларнинг қўлига ўтиб қолган эди. Улар нимани хоҳласа, шуни қиладиган бўлишди: дастурга ҳам қарашмади, шариатга ҳам. Сўнг уларга Камол Отатурк раҳбар бўлди.

МУСТАФО КАМОЛ ОТАТУРК

(ҳижрий 1342–1357; милодий 1923–1938)

Бу одам Туркиянинг етакчиларидан бўлиб, усмонийлар лашкарида зобит эди. Дастлаб «Ёш Туркия жамияти»да иштирок этди. Унинг исми илк бор ҳижрий 1334 (милодий 1915) йилда Дарданеллда иттифоқдошларнинг хужуми даф қилинган пайтдан тилга олина бошлади. У ҳижрий 1338 йилда «Иттиҳод ва Тараққий» жамиятининг ўрнига келган «Миллий Туркия» партиясига асос солди. Отатурк ҳижрий 1340 йилда юнонларни Онадўлидан ҳайдаб чиқаришда қозонган ғалабалари туфайли машҳур бўлиб кетди.

Мустафо Камол Отатурк Ғарб олами билан жуда яқин алоқада эди. Ҳижрий 1342 йилда улар билан Лозанна шаҳрида аҳдномалар тузиб, уларга кўра Туркия яна Кичик Осиё ва шарқий тарафларда ўз ҳукмини ўтказа бошлади.

Мустафо Камол Отатурк Ислом халифалигини бекор қилди, Туркияни жумҳуриятга айлантириб, унга ўзи раис бўлди, бир неча бор ҳукуматга раҳбар этиб сайланди.

ИККИНЧИ ФАСЛ

УСМОНИЙЛАР ДАВРИДА ИСЛОМ ДИЁРЛАРИНИНГ АХВОЛИ

АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ШОМ ВА ИРОҚ

(ҳижрий 923–1342; милодий 1517–1923)

Кириш

Ушбу даврнинг бошланишида мусулмонларнинг бутун диққат-эътибори Арабистон яриморолига қаратилди, чунки бунгача ўтган даврда мазкур минтақа эътиборсиз қолган эди. Эндиликда барча мусулмонларнинг бу муборак заминга эътибор қаратишига сабаб шу эдики, португалиялик мустамлакачилар Арабистон кўрфазига кириб келиб, яриморолнинг жанубига жойлашган эди. Улар Мадинаи мунавварага таҳдид солар, «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини кавлаб, қолдиқларини олгач, Байтул макдисни мусулмонлардан қайтариб олгандан кейингина уларни қайтариб берамиз», дейишар эди. Усмонийлар давлати уларни минтақадан батамом қувиб чиқарди.

Усмонийлар ҳам, умуман, мусулмон олами ҳам бу вақтда заифлик даврини бошидан кечираётган эди. Европа мисли кўрилмаган тараққиётга эришиб, ҳар бир соҳада олға кетаётган бир пайтда мусулмонлар заифлашиб, бир жойда қотиб қолган эдилар. Арабистон яриморолининг ичида эса ҳамма нарса тарк қилинган эди. Ана шу даврда саудийлар давлат тузиб олишди. Усмонийлар уларни Миср ҳокими Муҳаммад Алий орқалигина йўқотишга муваффақ бўлишди.

Ўша даврда инглизларнинг нуфузи шарқий соҳилга ҳам тарқалган бўлиб, у ердаги амир ва шайхлар билан бир қанча шартномалар тузишган эди.

Ҳижрий XIV (милодий XX) аср ана шундай ҳолатда кириб келди. Арабистон яриморолида амирликлар кўпайиб

кетган, уларнинг энг катталари усмонийлар билан хилофда эди. Биринчи Жаҳон урушидан кейин, ҳижрий 1333–1337 (милодий 1914–1918) йилларда ҳар бир давлат ўзи алоҳида ривожланиб бориб, ҳар ким ўзи учун ҳаракат қилди.

Усмонийлар императорлиги қулагач, салибчи инглизлар шарқий ва жанубий Арабистон яриморолига кириб олишди. Бунинг тафсилоти куйидаги бобларда келади.

ҲИЖОЗДАГИ АШРОФЛАР

(ҳижрий 355–1344; милодий 966–1925)

Ашрофлар деганда Ҳасан ибн Алий розияллоху анҳумонинг авлодлари, саййидлар деганда эса Ҳусайн ибн Алий розияллоху анҳумонинг авлодлари назарда тутилади. Маълумки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг аҳли байтлари мусулмонлар наздида ғоятда табаррук кўрилади, уларнинг шаън ва обрўлари ниҳоятда юқори туради. Ҳеч шубҳа йўқки, насли саодат хонадонига бевосита уланган бу бахтиёр авлоднинг аксарияти ўзларининг ушбу муборак насабларига муносиб, ғоятда покдомон инсонлар бўлишган. Бироқ минг афсуски, уларнинг ичида бу насабдан ўзининг дунёвий мақсадлари учун, шахсий манфаатлари учун фойдаланиб, мусулмонларга зарар етказганлари ҳам бўлган.

Ашрофлардан Маккага биринчи ҳоким бўлган киши Жаъфар Ҳасанийдир (ҳижрий 355–370, милодий 966–980). Айтилишича, у фотимий аскарларнинг раҳбарларидан бири бўлиб, диёрни қарматийлардан қутқариш учун Маккага юборилган. У ўз вазифасини шараф билан бажарган ва шу ерда ўрнашиб, яшаб қолган. Макка ҳокимияти унинг оиласи қўлига ўтган. Ўзидан кейин ҳокимлик унинг фарзандлари орқали давом этган.

Шу тариқа ашрофлик унвони бир неча авлодларга ўтиб, имом Ҳасаннинг авлодларида тарқалган ва ниҳоят ашроф

Қатода ибн Идрисга келиб тўхтаган. У Бану Ҳасаннинг бешинчи уруғи ҳисобланади. Унинг ҳукмронлиги ҳижрий 598 (милодий 1201) йилда бошланган. Қатоданинг наслидан чиққан ашрОфларнинг энг машҳурлари Абу Нама I ва Абу Нама II бўлишган. Мисрга сафар қилиб, ҳижрий 923 (милодий 1517) йилда Ҳарамайни султон Салимга топширган зот ана шу Абу Нама II бўлади. Абу Нама II нинг оиласидан учта авлод ажралиб чиққан:

1. Оли Баракот.
2. Оли Зайд.
3. Оли Авн.

Оли Зайднинг энг машҳур ашрофлари Сурур ва Ғолиблардир.

АШРОФ ҲУСАЙН ИБН АЛИЙ ИБН МУҲАММАД ИБН АВН

(ҳижрий 1326–1343; милодий 1908–1924)

Ҳижрий 1326 йилда, Биринчи Жаҳон уруши даврида усмонийлар ашроф Ҳусайн ибн Алий ибн Маҳмуд Оли Авнни Маккага раҳбар қилиб қўйишди. У эса Британия билан иттифоқлар тузиб, арабларнинг усмонийларга қарши қўзғалон кўтаришига эришди. Бунинг эвазига Британия уни араблар подшоҳи дея эътироф этди. Шариф Ҳусайн ибн Алий ҳижрий 1336 (милодий 1917) йилда қўзғалон кўтариб, уни «Катта араб қўзғалони» деб эълон қилди. Усмонийлар халифалиги бекор қилинган, ҳижрий 1343 йилда ашроф Ҳусайн ибн Алий ўзини мусулмонларнинг халифаси деб расман эълон қилди. Унинг бундай хато тасарруфи барча мусулмон давлатларнинг раҳбарларини ғаблантирди. Бутун мусулмон олами уни шахсий манфаатини мусулмонларнинг манфаатидан афзал кўрган кимса сифатида қаттиқ қоралади.

Ашрофлар ва саудийлар орасидаги кураш

Ушбу кураш ҳамда Хурба кураши Турба минтақаларининг саудийларга қўшилгани ҳақидаги эълондан сўнг бошланди. Ашроф Ҳусайн хижрий 1338 (милодий 1919) йилда бу минтақаларга катта лашкар юборди, бироқ лашкар қаттиқ мағлубиятга учради. Шариф душманга қўққисдан ҳужум қилар, сўнг яна орқага қочиб қолар эди. Унинг араб давлатлари ва бутун Ислом олами билан алоқаси ғоятда ёмонлашди. Шундан сўнг у инглизларга қарши бош кўтарганини эълон қилди, ҳолбуки, инглизларнинг ўзи унинг ёрдамчиси, улар ашрофни ҳар доим маблағ ва қурол-аслаҳа билан қўллаб-қувватлаб туришар эди.

Ҳижознинг Саудия давлатига қўшилиши

Мана шу вазият туфайли Ҳижозни фатҳ қилиш учун қулай шароит юзага келди. Саудийлар бу диёрга хижрий 1343 йилда ҳужум бошлашди. Улар аввал Тоифни эгаллашди. Ашрофлар жуда қаттиқ мағлубиятга учраб, ашроф Ҳусайн ҳалок бўлди. Унинг ўғли Алий ҳокимиятдан воз кечиб, юртдан бош олиб чиқиб кетди. Саудийлар қўшини Мадина қамал қилди. Сўнг олға юриб, Маккага кирди, сўнг Қанфаза, Лайс ва Робигни ҳам қўлга киритишди. Шундан кейин бир йил давом этган қамалдан сўнг Жидда шаҳри ҳам таслим бўлди. Ҳижрий 1344 (милодий 1925) йилда Мадина ҳам бўйсунди. Алий ибн Ҳусайн шаҳардан чиқиб кетди, шу тариқа ашрофларнинг даври инқирозга учради. Ҳижоз тўлиқ саудийлар ихтиёрига ўтди.

САУДИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

(ҳижрий 1139 (милодий 1727) йилдан ҳозиргача)

Ҳижозни бўйсундиргач, усмонийлар Наждни ҳам қўлга киритишга уриниб, бу ишга Ҳижоз ашрофларини таклиф

қилишди. Ҳижрий 986–1107 (милодий 1578-1599) йиллар давомида Наждга бир неча марта ғазотлар уюштирилди, натижада Нажд атрофидаги кўпгина ерлар жуда оғир аҳволда қолди. У ерларда жаҳолат ва кашшоқлик тарқалди, ўғрилик кўпайиб, йўлтўсарлар ҳаддан ошишди. Аллоҳ таолога ширк келтириш тарқалиб, қабрларга сиғиниш, бидъатларга яқинлашиш оммалашди. Ниҳоят бу заминда ҳам саудийлар давлати барпо бўлди.

Саудийларнинг насаблари

Ушбу сулоланинг насаби боболари Сауд ибн Муҳаммад ибн Муқрин ибн Нирқон ибн Иброҳим ибн Мусо ибн Рабиъа ибн Мониъ ибн Мусаййибга, аслида Бакр ибн Воил қабиласига бориб тақалади. Улар эса Жудайла ибн Асад ибн Рабиъга, Низор ибн Маъдд ибн Аднонга бориб туташади. Бу оиланинг насаби Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболаридан Рабиъа ибн Низор ибн Маъдд ибн Аднонда бирлашади. Оли саудлар Аназа ашийрасининг авлодларидир.

Саудийлар оиласининг Диръийяда қарор топиши

Оиланинг катта бобоси амир Мониъ Муридий Арабистон яриморолинини шарқидаги Қатиф деган жойга қарашли Дуруъ деган қишлоқчада яшар эди. Бу киши насабда Ямома ҳижрининг (ҳозирги Риёз шаҳри) раиси Ибн Диръ билан боғланарди. Ибн Диръ Мониъни чақириб, унга ўз мулкига қарашли, Риёздан ўн икки километр узоқликда жойлашган Водий Ҳанифадаги бир тепаликни ажратиб берди. У ерда Мулайбит ва Ғусайба деган иккита қишлоқ бор эди. Мониъ ўзининг шериклари ва оила аъзолари билан шу ерни маскан тутиб, яшаб қолди. У ерни ҳам аввалги қишлоқлари каби Диръийя деб номлашди. Бу ҳодисалар ҳижрий 850 (милодий 1446) йилда бўлиб ўтди.

Мониънинг авлодлари дастлаб Диръийяга, кейин ат-рофидаги қишлоқларга ҳам амир бўлишди, лекин бошқа минтақаларга ўтишмади. Ниҳоят ҳижрий 1139 йилга келиб амирлик Муҳаммад ибн Сауд ибн Муҳаммад ибн Муқрин ибн Никронга ўтди. Саудия давлати ана шу воқеадан сўнг бошланди.

КУВАЙТ

«Кувайт» сўзи «кичкина уйлар» деган маънони билдиради. Шунингдек, бу сўз «кут» сўзининг кичрайтирма шакли бўлиб, «қалъача» маъносини ҳам англатади. Ҳозирги Кувайтнинг ўрни кенг сайхонлик бўлган. Араблар ёмғирли мавсумларда бу ерга келиб, чодир қуришар, мавсум ўтгандан кейин яна кўчиб кетишарди. Ҳозирги Кувайт ҳудуди ҳижрий XII (милодий XVIII) асрнинг бошларига келибгина обод бўла бошлаган. Энг ишончли ривоятларда келишича, Аназа қабиласига мансуб оилаларга жуда қаттиқ қаҳатчилик келгач, улар Нажд диёрларидан ҳижрат қилиб, ҳаёт кечириш учун осонроқ жой қидиришга тушишган. Ана шу оилаларнинг энг машҳурлари Оли Сабоҳ ва Оли Халифа оилалари бўлишган. Улар дастлаб Қатарга келишган, лекин ўша вақтда Қатарга ҳокимлик қилаётган Оли Муслим оиласи келгиндиларга жой бермаган, еримизни олиб кўяди, деган хавотирда уларни бошқа ёқларга кетишга мажбур қилишган. Мусофирлар охири бориб Кувайт минтақасига жойлашишган. У ерда ҳокимиятни Оли Сабоҳга, тижорат ишларини эса Оли Халифага беришган. Бу ҳодисалар ҳижрий 1129 (милодий 1717) йилларда бўлиб ўтган. Кувайтликлар ҳижрий 1180 (милодий 1766) йилда усмонийлар халифалигига тобелик эълон қилишган. Сўнг Оли Халифа қабиласи ўз ихтиёри билан Кувайтни тарк қилиб, ҳозирги Қатар ҳудудига кўчиб кетишган. Кейинчалик у ерда Оли

Муслим қабиласидан ғолиб келиб, ҳижрий 1317 (милодий 1899) йилда Қатар ҳокимиятини эгаллаб олишган.

Кувайт ўз ихтиёри билан Британия ҳимояси остига кирган.

Кувайтдаги Оли Сабоҳ амирлари

Оли Сабоҳ амирлари ҳижрий 1129 (милодий 1717) йилдан ҳозиргача Кувайтда ҳукмронлик қилиб келмоқда.

Оли Сабоҳ амирлари қуйидагилардан иборат:

1. Сабоҳ I. Ҳижрий 1131–1190 (милодий 1718–1776) йилларда ҳукмдорлик қилган.

2. Абдуллоҳ I ибн Сабоҳ.

3. Жобир I ибн Абдуллоҳ.

4. Сабоҳ II ибн Жобир.

5. Абдуллоҳ II ибн Сабоҳ.

6. Муҳаммад Сабоҳ.

7. Муборак ибн Сабоҳ. Ҳижрий 1314–1334 (милодий 1896–1915) йилларда ҳукм юритган. Муборак ибн Сабоҳнинг даври бу юрт тарихида катта ўзгаришлар даври бўлган деб қаралади. Шу даврда Кувайт давлат сифатида дунёга танилди, Форс ва Араб кўрфазлари минтақасида шуҳрат таратди, халқаро миқёсда ҳам эътироф қилинди.

Сўнг қуйидаги амирлар бошчилик қилишди:

8. Жобир II ибн Муборак.

9. Солим ибн Муборак.

10. Аҳмад ибн Жобир.

11. Абдуллоҳ III ибн Солим. Ҳижрий 1370–1385 (милодий 1950–1965) йилларда амир бўлган. Кувайт давлати унинг даврида, ҳижрий 1381 (милодий 1961) йилда мустақилликка эришган. Шу даврда давлат ҳар томонлама тўлатўкис, қудратли давлатга айланди, иқтисоди ривожланди, сиёсати обрў топди.

12. Сабоҳ ибн Солим.

13. Жобир ибн Аҳмад. Ҳижрий 1398–1426 (милодий 1978–2006) йиллар.

14. Саъд Абдуллоҳ Солим (10 кун амирлик қилган).

15. Сабоҳ Аҳмад Сабоҳ. Ҳижрий 1426 (милодий 2006) йилдан ҳозирги вақтгача.

БАҲРАЙН ДАВЛАТИНИНГ ТАРИХИ

Қадимда Баҳрайн дастлаб Далмун, сўнг Авоил деб номланган, кейинроқ эса ҳозирги номини олган. Бу минтақа ҳижрий 176–469 (милодий 793–1076) йилларда қарматийларнинг ҳукмига бўйсунган. Сўнгра бу ерларни Абдуллоҳ ибн Уюний эгаллаб олиб, ҳижрий 469–642 (милодий 1076–1244) йилларда ўзининг Уюнийя давлатига қўшган. Уюнийлар давлати кулагач, Баҳрайн ороллари форсларга бўйсунган. Баҳрайнда ҳукмронлик қилган энг машҳур араб қабиалари ичида Бану Ақийл ва унинг шоҳобчалари бўлмиш Оли Усфур ва Оли Жарвон қабиаларини кўрсатиш мумкин.

Ҳижрий X (милодий XVI) асрнинг бошида бу минтақага ҳам португалияликлар кириб келишди, лекин кейинги асрда араблар уларни қувиб чиқаришди. Минтақага форсларнинг ҳукми ҳам қайтиб келди, бироқ кейинроқ ҳижрий XII (милодий XIX) асрларда бу ердаги ҳокимият заифлашди.

Ҳижрий 1197 йилда Баҳрайнга Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халифа кириб келиб, уни босиб олган ва форсларнинг бу ердаги волийсини қувиб чиқарган. Оли Халифанинг Баҳрайндаги ҳукмронлиги ҳижрий 1197 (милодий 1782) йилдан ҳозиргача давом этиб келмоқда. Шундай қилиб Оли Халифа оиласи Қатардан Баҳрайнга кўчиб ўтган.

ОЛИ ХАЛИФА ОИЛАСИ

Оли Халифа оиласининг насаби аназалик Жамила қабиласига бориб тақалади. Улар Нажд диёрининг саҳроларида яшаганлар. Кейинроқ Оли Халифа амакисининг ўғиллари билан бирга (Оли Сабоҳ) ҳижрат қилиб, Кувайтда яшашган, сўнг Қатарда қўним топишган. Бу ҳодисалар ҳижрий 1160–1196 йиллар орасида бўлиб ўтган. Ўша вақтда Қатарда Бану Холидга мансуб Оли Муслим қабиласи ҳокимлик қилар эди. Оли Халифа Оли Муслимни мамлакатдан чиқариб юбориб, ўрнига ўзлари ҳокимиятни эгаллашди, сўнг Баҳрайни форслардан тортиб олишди. Ҳижрий 1267 (милодий 1850) йилда Саудия ҳокими Файсал ибн Туркий уларни Қатардан қувиб юборди. Шундан сўнг Баҳрайн ҳокимияти Оли Халифага қарам бўлиб қолди.

Баҳрайнга ҳоким бўлганлар қуйидагилардир:

1. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халифа.
2. Салмон ибн Аҳмад.
3. Абдуллоҳ ибн Аҳмад.
4. Муҳаммад ибн Халифа ибн Салмон.
5. Ийсо ибн Алий.
6. Ҳамад ибн Ийсо.
7. Салмон ибн Ҳамад.
8. Ийсо ибн Салмон.
9. Ундан кейин унинг ўғли Ҳамад ибн Ийсо бўлди.

Бу давлат ҳижрий 1391 (милодий 1971) йилда Британия мустамлакасидан қутулиб, мустақил бўлди.

ҚАТАР ДАВЛАТИНИНГ ТАРИХИ

Қатар дастлаб Баҳрайн ёки Аҳиссонинг бир бўлаги бўлган. Баҳрайн минтақаси кўпинча Басрага ёки Ямомага тобе бўлар эди. Ҳижрий VIII (милодий XIV) асрда Умондан Бану

Нихён қабиласи келиб, Қатарга эга чиқишди. Лекин уларнинг бу ерда туришлари узокқа чўзилмади. Шундан сўнг Қатарда бошқалар навбатма-навбат ҳукмрон бўлишди. Ҳижрий 922 (милодий 1516) йилда португалияликлар Қатар ва бошқа кўрфаз давлатларини босиб олишди. Усманийлар ҳижрий 943 (милодий 1537) йилда португалияликларни қувиб чиқариб, минтақани эгаллаб олишди. Усманийлар давлати заифлашган даврда, ҳижрий 1080 (милодий 1669) йилда Бану Халид қабиласидан бўлган Оли Ҳумайт усманийларни бу ердан қувиб чиқариб, Аҳиссони бўлиб олишди.

Нихоят Оли Халифа оиласи ҳижрий 1180 (милодий 1766) йилда Қатарни холидийлардан тортиб олиб, унга ўзи эга чиқди. Саудия давлати илк бор пайдо бўлган пайтда, Абдулазиз ибн Муҳаммаднинг даврида унинг нуфузи Қатаргача етиб келди. Ана шу пайтда, ҳижрий 1202–1208 (милодий 1787–1793) йиллар орасида уларга қарши икки марта ҳарбий ҳужум уюштирилди. Диръийя ҳукумати қулагач, Баҳрайн амирлари, яъни Оли Халифа Қатарга эга чиқишди. Сўнг саудийлар яна уруш қилиб, ҳижрий 1267 (милодий 1850) йилда, Файсал ибн Туркийнинг даврида Қатарни қайтариб олишди ва Оли Халифани Қатардан чиқаришди. Қатар аҳолиси Оли Сонийдан омонлик сўради. Саудия амири уларга омонлик берди.

ҚАТАРДАГИ ОЛИ СОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

(ҳижрий 1264 (милодий 1847) йилдан ҳозиргача)

Оли сонийларнинг насаби Тамим қабиласига бориб тақалади. Улар Нажд юртининг Вашл деган жойида яшаган, сўнг Салвога ҳижрат қилишган, ундан кейин яна кўчиб, ниҳоят Қатарда қўним топишган. Оли сонийлар Қатарда ҳукмронлик қилаётган Оли Халифага ёрдамчи, лашкарларига қўмондон бўлишди. Бу оилага шайх Соний ибн Муҳаммад асос солган. Оли Халифа форслар устидан ғалаба

қозониб, уларни Баҳрайдан қувиб чиқаргач, ҳижрий 1197 (милодий 1783) йилда пойтахтини Қатардан Баҳрайндаги Манамага кўчиришди, Оли сонийларни эса Қатарда ўзларига ноиб қилиб қолдиришди. Шу тариқа Муҳаммад ибн Соний Оли Халифанинг ноиби бўлиб, ҳар бир ишни уларнинг розилиги билан қилишга мажбур бўлди. Ҳижрий 1264 (милодий 1847) йилда Муҳаммад ибн Сонийга байъат қилинди. У мазкур оилада биринчи бўлиб амирлик бўйича байъат қилинган одам бўлди.

Унинг ўғли ва ноиби бўлмиш Қосим мустақилликка мойил одам бўлиб, Оли Халифадан ажраб чиқишни орзу қиларди. Шу туфайли Оли Халифа уни ҳибсга олди. Мана шу сабабдан Оли Соний билан Оли Халифа ўртасида бир қанча урушлар бўлди, ҳатто орага Британия ҳам қўшилди. Охири бу муаммо иккиёклама сулҳ билан ниҳоясига етди. Мана шу сулҳ Қатарнинг мустақил бўлишига замин яратди.

Шайх Муҳаммад ибн Сонийдан кейин ҳижрий 1295–1331 (милодий 1878–1913) йиллар орасида унинг ўғли шайх Қосим ибн Муҳаммад ҳоким бўлди. Мустақил Оли Соний амирлигига асос солган бу инсон етук сиёсатчи, улуғ йўлбошчилардан ҳисобланади. У ўзининг барча муҳолифатчиларини бартараф қилишга муваффақ бўлди. У усмонийлар устидан ғалаба қозонган инглизлар сиёсатига ҳам шиддат билан қарши турарди. Ана шу жиҳати билан у милодий XX асрнинг биринчи ярмида Қатарнинг энг буюқ раҳбарига айланди.

ОЛИ СОНИЙНИНГ ҲОКИМЛАРИ

1. Муҳаммад ибн Соний.
2. Қосим ибн Муҳаммад.
3. Абдуллоҳ ибн Қосим.
4. Алий ибн Абдуллоҳ.
5. Аҳмад ибн Алий.
6. Халифа ибн Ҳамад.

7. Ҳамад ибн Халифа. У ҳижрий 1416 (милодий 1995) йилда отасига қарши инқилоб уюштириб, ҳокимиятни қўлга олган. 2013 йили унинг ўрнига ўғли Тамим ибн Ҳамад амир бўлган.

Қатар давлати ҳижрий 1391 (милодий 1971) йилда мустақилликка эришган.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

Ушбу амирликлар аслида Умон давлатининг бир қисми бўлган. Шунинг учун Умоннинг улар ажралиб чиққунча бўлган даврдаги тарихи ана шу амирликларнинг ҳам тарихи ҳисобланади. Бу минтақадаги мустақиллик ҳаракатлари ҳижрий 1154 (милодий 1741) йилда бошланган. Ўшанда қосимийларнинг бошлиғи Раҳмат ибн Матор ўзини минтақада мустақил деб эълон қилган ва Раъсул Хайма шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олган. Соҳилда жойлашган ушбу амирликлар ҳижрий 1236 (милодий 1820) йилда Британиянинг қўл остига кирган. Умондан ажралиб чиққан пайтда амирликлар жуда катта, қудратли денгиз кучларига эга эди. Бироқ мустамлакачилар уларни денгиз қароқчилигида айб-лаб, бу қувватни амирликлар ҳукуматидан тортиб олишди. Шундан сўнг уларни заифлаштириш учун бор имконлари билан ҳаракат қилиб, ҳатто еттига бўлиб ташлашди. Булар: Абу Даби, Дубай, Шорика (Шаржа), Ажмон, Уммул Қойвайн, Раъсул Хайма ва ал-Фужайралардир.

Амирликларнинг тарихи

Абу Даби

Абу Даби Умон соҳилидаги амирликларнинг энг каттаси ҳисобланади. Бу амирликка Оли Нихён раҳбарлик қилади. Улар асли Бану Яъс деб номланган Буфалоҳ қабиласидан бўлиб, Умондаги энг катта қабиланинг бир қисми саналади. Бу қабила вакиллари Абу Дабида ҳижрий 1175 (милодий

1761) йилларда кўним топди. Шайх Ийсо ибн Ниҳён Оли ниҳёнларнинг энг биринчи ҳокими деб эътироф қилинади. У вафот этгач, ўрнига Зиёб ибн Ийсо қолди. Сўнг ҳижрий 1208–1232 (милодий 1793–1816) йилларда раҳбарлик кенг дунёқарашли раҳбарга – унинг ўғли Шаҳмут ибн Зиёбга ўтди. Унинг даврида Оли Буфалоҳ ва Бану Яъс устидан бўлган раҳбарлиги қарор топди. Ундан кейин ҳокимият тепасига Муҳаммад ибн Шаҳмут, Таҳнун ибн Шаҳмут, Халифа ибн Шаҳмут, Саъид ибн Таҳнунлар келишди. Сўнг ҳокимиятни Зайд ибн Халифа қўлга олиб, ҳижрий 1272–1327 (милодий 1855–1910) йилларда раҳбарлик қилди. Унинг даврида Абу Даби майдон жихатидан ҳам, сиёсий нуфуз жихатидан ҳам Умон соҳилидаги энг катта амирликлардан бирига айланди. Унинг даври амирликнинг энг гўзал асрларидан ҳисобланади. Шундан кейин амирлик ҳукумати тепасига бир неча шайхлар келишди, жумладан, ҳижрий 1386 (милодий 1966) йилда шайх Зойид ибн Султон ҳоким бўлди. Ундан кейин раҳбарлик унинг ўғли Халифага қолди.

Дубай

Дубай Абу Дабидан кейинги иккинчи амирлик ҳисобланади. Унга ҳижрий 1249 (милодий 1833) йилдан бошлаб Оли Мактум оиласи ҳокимлик қилиб келади. Булар ҳам Бану Яъс қабиласининг бир шохобчаси ҳисобланади. Дубай ҳижрий 1331–1378 (милодий 1912–1958) йилларда ҳокимлик қилган шайх Саъид ибн Оли Мактумнинг ҳаракати туфайли бугунги юксак тараққиёт даражасига эришди. Ундан кейин амирликка унинг ўғли шайх Рошид ибн Саъид бош бўлган.

Шориқа (Шаржа)

Майдони унча катта бўлмаган бу амирлик ҳижрий 1236 (милодий 1820) йилдан буён қосимийлар ҳукми остидадир.

Раъсул Хайма

Бу ҳам худуди ўртача катталиқдаги амирлик бўлиб, у ҳам хижрий 1338 (милодий 1919) йилдан буён қосимийлар ҳукми остидадир.

Ажмон

Ушбу кичик амирликка Оли нуъаймийлар ҳокимлик қилишади.

Уммул Қойвайн

Бу ҳам кичик амирлик бўлиб, унга Оли Муъалло ҳокимлик қилади.

Ал-Фужайра

Ушбу кичик амирликка Оли Шарқий ҳокимлик қилади.

Мазкур амирликлар хижрий 1391 (милодий 1971) йилда Британиядан ажралиб чиқиб, мустақил бўлдилар ва ўзаро бирлашиб, ягона давлат туздилар. Қатар ва Баҳрайн давлатлари эса Бирлашган Араб Амирликларига қўшилишдан бош тортишди. Шу йили давлатга Зойид ибн Султон Оли Ниҳён раҳбар бўлди.

УМОНДАГИ ХОЛАТЛАР

Умондаги Бану Яъруб давлати

(ҳижрий 1034–1151; милодий 1624–1738)

Яърубийлар қабиласининг насаби шимолдаги Ғофирий қабилаларидан бири бўлмиш Аздга бориб тақалади. Бу қабилла Умоннинг энг оддий қабилаларидан бири бўлиб, тарқоқлик ва ички парчаланишлар, шунингдек, португалияликларнинг мустамлакачилик ҳаракати оқибатида давлат оғир тушкунликка тушган эди. Лекин бу халқ орасидан Носир ибн Муршид исмли улуғ инсон етишиб чиқиб, юртини ислоҳ қилди ва олға бошлади. У ўзининг ақл-фаросати, ихлоси, ҳиммати билан эл-юртига фидокорона хизмат қилди. Халқ уни қайта-қайта ўзига амир қилиб сайлаб турди.

ЯЪРУБИЙЛАРНИНГ КАТТА ПОДШОҲЛАРИ

Имом Носир ибн Муршид

(ҳижрий 1034–1059; милодий 1624–1649)

Яърубийларнинг биринчи, Умоннинг эса энг улуғ подшоҳи бўлган бу инсон чинакам қаҳрамон эди. У бутун Умон халқини бирлаштириб, етти аср давом этган тушкунликдан кейин тараққиёт сари етаклади, португалияликларга қарши уруш эълон қилиб, озодлик ҳаракатига бош бўлди. Имом Носир ибн Муршид аввал Ҳурмузни, сўнг Саҳҳор ва Раъсул Хаймани португалияликлардан тортиб олди, бошқа жойларда эса уларни камал ҳам қилди.

Имом Султон ибн Сайф*(ҳижрий 1059–1079; милодий 1649–1668)*

Имом Султон ибн Сайф имом Носир бошчилигидаги миллий озодлик ҳаракатини давом эттириб, қолган ерларнинг ҳаммасини португалияликлардан тортиб олди. Ҳижрий 1069 (милодий 1658) йилда босқинчиларни Масқат ва Матрак шаҳарларидан сиқиб чиқариб, Африканинг шарқигача қувиб борди. Уларга Ҳиндистонда етиб олиб, Мимамса деган жойда қамалга олди. Имом Султон ибн Сайф мустамлакачиларни Сомалидан ҳам қувиб чиқариб, бу юртни ўз эгаларига қайтариб берди. У моҳир саркарда бўлиш билан бирга, юртни ободонлаштириш, таъмир қилиш ва тижоратни ривожлантириш борасида ҳам жуда уста одам эди. Унинг даврида Умон мазкур соҳаларда ҳам сезиларли тараққиётга эришди.

Имом Сайф ибн Султон*(ҳижрий 1079–1123; милодий 1668–1711)*

Бу инсон яърубийларнинг сўнгги буюк султони ҳисобланади. У ҳижрий 1110 (милодий 1698) йилда Шарқий Африкадаги Португалия мустамлакасининг пойтахти ҳисобланган Мабабсани эгаллаб олди. Мабабсани қўлдан бой бериб, ҳукмронлиги парчалангач, португалияликлар минтақадан бутунлай чиқиб кетишга мажбур бўлишди.

Имом Сайф ибн Султон ўзининг қатъий ва дадил ҳаракатлари билан португалияликларни барча ороллардан, Ҳиндистондаги шаҳарлардан ҳам қувиб чиқарди. У ўзи тузган улкан денгиз флотининг тенгсиз қўмондони эди. Имом Сайф ибн Султон нафақат ҳарбий соҳага, балки ободончилик ва турли маиший ишларга, тижорат ва зироат соҳаларига ҳам катта аҳамият берар эди.

Умон давлатининг таназзули

Афсуски, имом Сайф ибн Султондан кейин давлат ичида ихтилофлар кенг тарқалди. Тахтга тамагирлар кўпайиб, аднонийлар билан қахтонийлар орасида қабилавий курашлар бошланди. Буларнинг барчаси давлатнинг заифлашувига ва охири бориб кулашига сабаб бўлди. Бу кулаш Форс мустамлакаси туфайли юзага келди.

УМОНДАГИ ОЛИ БУСАЪИД ДАВЛАТИ

(ҳижрий 1154/милодий 1741 ва ҳозирги кунгача)

Оли Бусаъид қабиласи жанублик Ҳаннавий қабиласи бўлиб, қадимда Ямандан Умонга ҳижрат қилиб келган. Бу қабила асосан тижорат билан кун кечирган.

Аҳмад ибн Саъиднинг Умонга раҳбар бўлиши

(ҳижрий 1154–1188; милодий 1741–1784)

Яърубийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида мамлакатда жуда кўп нотинчлик ва тарқоқликлар юзага келди, айна пайтда давлатнинг ички ишларига форсларнинг ҳарбий аралашуви ортиб борди. Ана шундай таҳликали пайтда Умонга подшоҳлик қилаётган имом Сайфиддин ибн Султон Яърубий Аҳмад ибн Саъидни ўзига маслаҳатчи қилиб олиб, Саҳхорни идора қилишни унга топширгач, Аҳмад ибн Саъиднинг толе юлдузи порлади. Худди шу пайтда яърубийлар орасидаги курашлар ҳам кучайди. Улар ўз юртини фитна ботқоғига етакладилар, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок қилдилар. Аҳмад ибн Саъид ватан ҳимояси учун ҳаракат бошлади ва жуда кўп куч сарфлаб, ниҳоят халқни бирлаштиришга, давлатнинг мустақил бўлишига эришди. Юртга бошлиқ бўлиб, Умондаги форс мустамлакасига барҳам берди. Шу тариқа Аҳмад ибн Саъид минтақада янги подшоҳлик оиласини тузишга муваффақ бўлди.

Афсуски, кўп ўтмай бу оилада ҳам турли бўлинишлар, тарқоқликлар юзага келиб, мамлакат жуда кўп курашларни бошидан кечирди. Ота-онага оқ бўлиш, қариндошларга қарши чиқиш кўзга кўринган аломатлардан бирига айланиб қолди. Табиийки, бунинг аянчли оқибати тезда юзага келди.

Умоннинг Британия томонидан мустамлака қилиниши

Британиянинг Умон давлатининг ички ишларига ара-лашуви ҳижрий 1213 (милодий 1798) йилдан бошланди. Ҳижрий 1252 (милодий 1836) йилда Умон Британиянинг ҳимояси остига кирди, деган гап тарқатилди. Ниҳоят Биринчи Жаҳон уруши вақтида, ҳижрий 1332 (милодий 1913) йилда Британия Форс кўрфази соҳилидаги бошқа давлатлар қаторида Умонни ҳам мустамлака қилиб олди.

БУСАЪИДИЙЛАРНИНГ ЭНГ КАТТА СУЛТОНЛАРИ

Султон ибн Аҳмад

(ҳижрий 1206–1219; милодий 1792–1804)

Султон ибн Аҳмад ўз даврида мамлакатнинг ташқи сиёсат соҳасини кенгайтди. Унинг даврида Умон Арабистон яримороли соҳилидаги кучли давлатга айланди. Бу давлатга бир неча ороллар, жумладан Занзибар ороли, денгиз бандаргоҳлари ҳам қўшилиб, Умон сарҳадлари Покистон чегараларигача етди. Султон ибн Аҳмад маданий тамаддунга оид жуда кўп ишлар қилиб, тараққиёт ва маданият эшикларини очди. Бу юртда бундай ишлар аввал бўлмаган эди.

Саъид ибн Султон

(ҳижрий 1221–1273; милодий 1806–1856)

Саъид ибн Султоннинг энг буюк хизматларидан бири юртни бирлаштириш, турли ички курашлар ва бўлинишларга чек қўйиш, қўлдан бой берилган минтақаларни қайтариб олиш бўлди. У ҳижрий 1248 (милодий 1832) йилда пойтахтни Маскатдан Занзибарга кўчириб, уни улкан тижорат марказига айлантирди. Натижада давлатнинг нуфузи янада ортиб, нафақат яриморол, балки Конго, Уганда ва Родезияларгача етиб борди.

Ибозий имомликнинг қайтиши

(ҳижрий 1332–1375; милодий 1914–1955)

Умонда ибозийлик имомати (стакчилиги) бир ярим асрга якин муддат йўқолиб кетган эди. Ҳижрий 1332 йилда ибозийларнинг бошлиқлари жамланиб, Рошид ибн Салим Ҳарусийни имом қилиб сайлашди ва Султон Абу Саъидийнинг бўшатирилганлигини эълон қилишди. Ҳарусийнинг вафотидан сўнг ҳижрий 1339 (милодий 1920) йилда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Халилийга имом деб байъат қилинди. У вафот этгач, ҳижрий 1374 (милодий 1954) йилда Ғолиб ибн Алийни имом этиб тайинлашди.

Ғолиб ибн Алийнинг даврида имом билан султон ўртасида ихтилоф пайдо бўлди. Ҳижрий 1370 (милодий 1950) йилда султон раҳбарлиги остидаги аскарлар ҳаракатга тушиб, Британиянинг ёрдами билан имомнинг лашкарини мағлуб этишди ва имомликни бекор қилишди.

Қобус ибн Саъид

(ҳижрий 1390 (милодий 1970) йилдан ҳозиргача)

Қобус ибн Саъиднинг отаси Саъид ибн Темурнинг даврида Умон яккаланиш сари юзланди. У берк давлатга, ҳатто дунё харитасида қимирламай турадиган бир нуқтага айланиб қолди. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ишлари таназзулга учради, режалаштириш йўқлиги туфайли идоравий тизимлар ҳам, юртнинг иқтисоди ҳам оғир аҳволга тушиб қолди.

Ҳижрий 1390 йилда Қобус отасини ҳукуматдан четлатиб, ҳокимиятни ўз қўлига олгач, мамлакат тарихида янги давр бошланди. Қобус Умон учун нажоткор йўлбошчига айланди. Унинг қўл остида ҳаётнинг барча жабҳаларида қўплаб яхши ишлар амалга оширилди, давлат тараккий эта бошлади. Умон Қобус ибн Саъиднинг раҳбарлигида ўзининг энг яхши даврларини яшамокда.

ЯМАН

Х асрнинг бошларида Яман тоҳирийлар давлатига тобе бўлиб, мамлакат шимолидаги баъзи жойларгина Зайдий имомларга бўйсунитар эди. Кейинчалик ҳижрий 923 (милодий 1517) йилда мамлуклар тоҳирийларни йўқ қилишди, чунки тоҳирийлар Португалия босқини даврида мамлукларга қарши турган эдилар. Мамлуклар давлати қулагач, улар ҳам Ямандан чиқиб кетдилар.

Яман усмонийлар ҳукми остида

Яман ҳижрий 945–1045 (милодий 1538–1635) йилларда усмонийлар ҳукми остида бўлди. Усмонийлар ушбу давр мобайнида Зайдий имомлар билан тинимсиз урушлар олиб боришди. Ниҳоят усмонийлар бу ердан ҳайдалгач, ҳижрий 1253 (милодий 1838) йилда инглизлар Аданни босиб ол-

дилар. Ҳижрий 1265–1337 (милодий 1848–1918) йилларда усмонийлар бу юртга яна эга чиқишди. Улар фақат мамлакатнинг шимолигагина ета олмадилар.

Усмонийлар Биринчи Жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, Ямандан чиқиб кетдилар. Шунда Яман икки қисмга бўлиниб қолди:

– Мамлакатнинг Шимолий Яман деб аталган қисми Зайдий имомлар ҳукми остида бўлиб, унинг пойтахти Санъо эди. Имом Яҳё Ҳамидуддин усмонийлар ташлаб чиқиб кетган жойларни эгаллаб олганди. Ҳижрий 1382 (милодий 1962) йилда Санъода юз берган Саллол кўзғалонида Зайдий имомларнинг ҳукми йўққа чиқди. Саллол Шимолий Яманга республика тузумини олиб келди.

– Жанубий Яман деб аталган қисм, яъни Адан ва унга қарашли ерлар инглизлар ҳукмронлиги остида қолди. Унинг пойтахти Адан эди. Жанубий Яман ҳижрий 1388 (милодий 1968) йилда Британия мустамлакасидан озод бўлди.

ИРОҚ

Ироқда сафавийлар ҳукмронлиги

Ушбу оилага асос солган Исмоил Сафавий ҳижрий 914 (милодий 1508) йилда Ироқни эгаллаб олишга муяссар бўлди. Шундан сўнг Ироқ уларга тобе вилоятга айланди. Сафавийлар рофиза, яъни шийъа мазҳабининг ҳаддан ошган мутаассибларидан эди. Улар ўзларини барча саъй-харакатларини Ироқни шийъалаштиришга қаратдилар. Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто Аҳли сунна имомларининг қабрлари бузиб ташланди, жуда кўп сунний аҳоли қатл қилинди. Хайриятки, уларнинг Ироқдаги ҳукмронлиги жуда қисқа бўлди. Усмонийлар келиб, ўша пайтдаги пойтахт бўлмиш Табризга ҳам киришди. Усмонийлар ҳижрий 920 (милодий 1514) йилда уларга Чалдиран жангида какшатқич зарба бериб, мағлубиятга учратишди.

Ироқда усмонийлар ҳукмронлиги

Усмонийлар ва сафавийлар ўртасидаги урушлар ҳижрий 1048 (милодий 1638) йилгача давом этди. Ироқ подшоҳлиги ҳам бу икки томон ўртасида алмашиб турди. Ниҳоят ўртада сулҳ имзоланди. Сулҳга биноан Ироқ усмонийлар давлатининг бир вилоятига айланди. Шу тариқа Ироқ тўрт асрга яқин усмонийлар давлатининг қарамоғида қолиб кетди. Мана шу даврда юртда жуда кўп тушкунликлар зоҳир бўлди, жаҳолат, фиску фасод тарқалди, иқтисод ниҳоятда орқада қолди.

Ироқда Британия ҳукмронлиги

Биринчи Жаҳон урушида усмонийлар давлати Олмонияга иттифоқчи бўлди. Бироқ Олмония мағлуб бўлгач, ҳижрий 1337 (милодий 1918) йилда Британия Ироқни босиб олди. Ҳижрий 1340 (милодий 1920) йилда Британия умумий сайловлар натижасига тескари ўлароқ, Макка ашрофларидан Файсал ибн Ҳусайнни Ироқ подшоҳи деб эълон қилди. Аммо халқ сайлов бўлишини талаб қилаётган эди. Файсалдан сўнг унинг ўрнига ўғли Ғозий Ироққа подшоҳ бўлди. Ғозийдан кейин эса унинг ўғли Файсал подшоҳ деб эълон қилинди. Қизиғи шундаки, ўша вақтда у эмизикли бола эди. Подшоҳ деб тайинланган гўдакка тоғаси Абдуллоҳ васий деб эълон қилинди. Ҳижрий 1378 (милодий 1958) йилда халқ кўзғалон кўтарди. Кўзғалонда подшоҳ ва унинг оиласи қатл қилинди. Шундан сўнг Ироқда республика тузуми ўрнатилгани эълон қилинди.

ШОМ ЮРТЛАРИ

Ўша вақтда Сурия деб аталган Шом юртлари ҳижрий 658 (милодий 1260) йилда мамлуклар салтанатига тобе бўлди.

Шомда усмонийлар ҳукмронлиги

Усмонийлар Шом юртларини мамлуклардан олиб, ҳижрий 922 (милодий 1516) йилда унга эга чиқишди. Бу ҳукмронлик ҳижрий 1337 (милодий 1918) йилгача давом этди. Бу тўрт асрдан ортиқ муддат демакдир. Лекин баъзи минтақаларда мустақиллик ҳам бор эди. Жумладан, милодий 1516–1697 йилларда Ливанда Фахриддин Маъний оиласи, сўнг милодий 1698–1842 йилларда Башир Шиҳобий оиласи ҳукмронлик қилган. Дамашқ ва Суриянинг бошқа вилоятларини эса Азм оиласи бошқарган. Шунингдек, милодий 1737–1770 йилларда Ливаннинг кўпгина ўлкалари ва Фаластинда Зоҳир Умар ҳукм сурди. Милодий 1775–1804 йилда уни Аҳмад Жаззор йўқ қилди. Усмонийлар Аҳмад Жаззорни қўллаб-қувватлашди. Унинг салтанати ривож топиб, гуллаб-яшнади. Бу ҳижрий 1212 (милодий 1798) йилда содир бўлди. Аҳмад Жаззор ўша вақтда жуда катта қаҳрамонлик кўрсатиб, Наполеоннинг босқинини тўхтатди. Пойтахти Аккани сақлаб қолиб, Наполеонни ортга қайтишга мажбур қилди.

Шомдаги Европа мустамлакачилиги

Ҳижрий 1337 йилда Биринчи Жаҳон уруши тугаб, усмонийлар империяси қулагач, Франция Сурия ва Ливанни, Британия Фаластин ва Иорданияни босиб олди. Шом юртларида мустамлакачиларга қарши жуда кучли қўзғалонлар кўтарилиб, ҳижрий 1360 (милодий 1941) йилда Сурия мустақилликка эришди.

Аввал айтиб ўтилганидек, Англия ҳижрий 1341 (милодий 1922) йилда Ҳижоз ашрофларидан Абдуллоҳ ибн Ҳусайнни Иорданиянинг шарқидаги амирликка раҳбар деб эълон қилган эди. Бу амирлик аста-секин ривожланиб, ҳижрий 1366 (милодий 1946) ё йилда подшоҳликка айланди.

Ҳижрий 1368 (милодий 1948) йилда Англия Фаластинни яхудийларга топширди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

АФРИКАНИНГ ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ

(ҳижрий 923–1342)

Кириш

Миср Африкадаги энг нуфузли давлатлардан ҳисобланар, у Ислом оламининг марказига жуда яқин бўлиб, Африка йўлининг бошида турарди. Миср муҳим марказ бўлиб, португалияликларга қарши урушга бошчилик қилаётган эди. Бу воқеалар мамлуклар даврининг охири, усмонийлар даврининг бошига тўғри келади. У ҳам салибчиларнинг тажовузидан четда қолмади. Салибчилар мустамлакаси ҳижрий 1213–1216 (милодий 1798–1801) йилларда Мисрга Франция номи билан келди. Бу воқеалар мусулмонларнинг энг оғир мағлубиятларини бошлаб берди. Мусулмонларда европаликлар қаршисида ўзини заиф ҳис қилиш илк бор шу даврда кўзга ташланди.

Бироқ айти шу даврда Азҳари шариф мустамлакачиликка қарши курашнинг гўзал намунасини намоён қилди. Мағриб юртларига келадиган бўлсак, бу юртларнинг аҳволи анча заифлашди, Андалус қўлдан бой берилди. У ерларда мусулмонларни ҳимоя қиладиган чегара ҳам, чегарага посбонлик қилувчилар ҳам қолмади. Мусулмон оламининг Мағриби салибчилар ҳаракатининг мақсадига айланиб қолди. Улар энди бу юртнинг соҳилларига тап тортмай қадам боса бошлашди.

Мана шу даврда Ғарбий Африкада Исломнинг тарқалиши ғоятда секинлашиб, минтақа жаҳолатда қолди, ҳеч ким хабар олмайдиган қаровсиз жойга айланди. Мустамлака ҳаракати эса аксинча, борган сари шиддатли тус олиб борар эди. Мустамлакачилар бу ерда яшовчи мусулмон халқларни қашшоқлик, жаҳолат ва заифликда қолдириш учун қўлидан келган барча чора-тадбирларни кўришди.

Шарқий Африкага келадиган бўлсак, салибчилар бу даврга келиб ушбу минтақада ўз ҳукмини ўрнатиб бўлган эди. Кейинчалик мусулмонлар португалияликларни у ердан қувиб чиқариб, Шарқий Африкадаги ерларни Умон ўз қарамоғига олган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, бу ерларнинг ҳаммасини мустамлакачилар қайта эгаллаб олишди.

Марказий Африкада ҳам Исломнинг тарқалиши ғоятда секинлашиб, оқибатда бу юртлар ҳам мустамлакачилар қўлига ўтди. Бу оғир даврнинг сўнгида мусулмонлар жуда хатарли, заиф аҳволда қолдилар. Салибчилар уларнинг ҳамма ерларини эгаллаб олиб, юртларини мустамлакага айлантиришди.

НИЛ ВОДИЙСИ, МИСР ВА СУДАН

Юқорида айтиб ўтилганидек, Миср ўша вақтда Ислом оламининг энг муҳим минтақаларидан бири эди. У ўзининг жуғрофий жойлашуви туфайли салибчилар илк бор дуч келадиган жой саналарди. Сувайш канали очилганидан кейин Мисрнинг аҳамияти яна ҳам кучайди. Миср мамлуклар даврида энг кучли давлатлардан бири бўлиб, исломий халифаликнинг маркази эди.

Ҳижрий 923 (милодий 1517) йилда мамлуклар тугатилгач, Мисрнинг аҳамиятига футур етди. Халифаликнинг маркази Истамбулга кўчди. Мамлуклар эса Миср вилоятларининг волийларига, бошқарувчиларига айланиб қолишди.

АЛИЙБЕК ҲАРАКАТИ

(ҳижрий 1182–1187; милодий 1768–1773)

Алийбек мамлуклардан бўлиб, Мисрнинг волийси эди. У ўзини мустакил деб эълон қилиб, Ҳижоз ва Сурияни Мисрга қўшиб олди. Бирок лашкарбошиларидан бири уни қатл этди. Алийбекнинг ўлимидан сўнг Миср диёри энг оғир даврни бошидан кечирди. Бу даврга келиб Миср ҳокимияти бир нечта мамлукларнинг қўлида қолди. Улар Мисрни ўз истак-хоҳишлари қурбонига айлантиришди. Оддий халқ оғир қийинчиликларга учради. Мамлуклар ҳокимият таллашиб, ўзаро аёвсиз урушлар қилишди. Исмоил, Мурод, Иброҳим деган подшоҳлар тез-тез бир-бирини тахтдан ағдариб, ўрин алмашиб туришди. Ҳижрий 1206 (милодий 1791) йилда Мисрда ўлат касали тарқалиб, жуда кўпчилик қирилиб кетди.

ФРАНЦИЯНИНГ МИСР ВА ШОМГА ҲУЖУМИ

(ҳижрий 1213–1216; милодий 1798–1801)

Францияликлар Наполеон бошчилигида Мисрга бостириб келишди. Искандарияни ишғол этиб, уни вайрон қилишди. Сўнг Шом томон юриб, Ғазза ва Ёфани қўлга киритишди. Бирок Аккани камал қилишда муваффақиятсизликка учраб, Мисрга қайтишди. Усманийлар уларнинг йўлини тўсишга имкон топа олмадилар. Наполеон ички вазиятлар сабабли қўшинини Мисрда қолдириб, Францияга қайтиб кетди. Шундан сўнг уларнинг аҳволи заифлашди. Ҳижрий 1216 йилга келиб французлар ортга қайтиб кетишга мажбур бўлишди.

Француз босқинининг энг оғир оқибатларидан бири шу эдики, мусулмонлар ўзларини ҳар томонлама мағлуб сезишди. Чунки улар тамаддун соҳасида жуда орқада қолиб кетишган, Европа эса бу борада анча илгарилаб, қувватга

тўлган эди. Шунингдек, Миср юртларида ахлоқий фасод ишлар ҳам кенг тарқалгани сезилиб қолди.

Таъкидлаш лозим бўлган ҳақиқат шуки, Франция ҳам, Европанинг бошқа мустамлакачилари ҳам мусулмон давлатларига фақат ҳарбий мақсадда, Шарқнинг бойликларини талаш учун келишган. Бинобарин, мустамлакачилар ислоҳ учун, маданият тарқатиш учун келган, дейиш мутлақо нотўғри бўлади.

МУҲАММАД АЛИЙ

(ҳижрий 1218–1265; милодий 1803–1848)

Муҳаммад Алиё усмоний қўшинининг Албания лашкарига қўмондон эди. Усмоний волийлар уни ишга тайинлашганда уламолар усмоний волийларнинг зулмидан қўрқиб, «Мана шу одам ҳоким бўлсин» дейишган, давлат ҳам буни тан олган эди. Муҳаммад Алиё ғоятда зийрак, бироқ тамагир одам эди. У ўзига қарши бўлган барча кучларни йўқотишга муваффақ бўлди.

Саудия давлатини йўқ қилишга уринишлар

Усмонийлар Саудия давлатини йўқ қилишни Муҳаммад Алиёга топширишди. У Арабистон яриморолига икки марта қўшин тортиб келди ва Ҳижозни ўзига бўйсундирди. Ҳижрий 1233 (милодий 1818) йилда саудийлар давлатини йўқ қилиб, Асийргача етиб борди.

Мамлуклар қирғини

Ҳижрий 1222 (милодий 1807) йилда Муҳаммад Алиё Саудия давлатига барҳам бериш учун лашкар юборишдан қўрқди, чунки мамлуклар хатари бор эди. У ҳийла ишлаб, мамлукларни лашкар билан хайрлашиш маросимига чақирди. Уларни қалъага тўплагач, ҳаммасини қириб ташлашга буйруқ берди. Мамлуклар батамом қириб ташланди, улардан асар ҳам қолмади.

Муҳаммад Алийнинг муҳим ишлари

Муҳаммад Алий ҳижрий 1235 (милодий 1820) йилда Суданни ўзига бўйсундирди. Бироқ Миср армияси Юнонистонда ҳижрий 1243 (милодий 1827) йилда бўлиб ўтган Англия, Франция ва Русия флотларига қарши урушда мағлубиятга учради. Баъзи тарихчилар ўшанда Муҳаммад Алий қасддан енгилган, Мисрда мустақил бўлиб олиш учун Англиянинг розилигини олишни кўзлаб шундай қилган, деган фикрни илгари суришади. Шундан сўнг у Шом юртларига эга чиқди, ҳижрий 1247 (милодий 1831) йилда усмонийлар армиясини мағлубиятга учратди. Сўнг Кичик Осиё томонга юриб, Онадўлининг марказигача етиб борди. Унинг олдида Истамбулга йўл очилди, бироқ Англиянинг босими туфайли Онадўлидан чикиб кетишга мажбур бўлди. Инглизлар билан бўлиб ўтган музокараларда унинг Шом юртлари ва Ҳижозни тарк қилиб, Мисрга ҳоким бўлиб қолишига келишилди.

Муҳаммад Алийнинг ички ислоҳотлари

Муҳаммад Алий Мисрда янги давлат тузишга катта аҳамият берди. У ўз давлатининг Европа тараққиётига қўшилишини истар эди. Унинг даврида кўплаб хайрли ишлар ҳам амалга оширилди. Баъзи ҳарбий саноатлар барпо қилинди, олий мадрасалар, матбаалар ташкил этилди. Зироат, тижорат, саноат соҳаларида ислоҳотлар бўлди. Унинг даврида кўпгина меъморчилик иншоотлари ҳам қурилди.

Хувайдий Тавфиқнинг даврига келиб Франция ва Англия Мисрнинг ҳар бир ишига аралашадиган бўлиб қолди. Афсуски, бу ишга Муҳаммад Алий ўзи бошчилик қилар эди. Бу эса ўз халқига нисбатан катта хиёнат эди. Одамлар, хусусан ҳарбийлар уни ниҳоятда ёмон кўришарди. Ана шу нафрат туфайли Аҳмад Уробий пошшо бошчилигида унга қарши кўзғалон кўтарилди. Инглизлар бу кўзғалонни шафқатсизларча бостирдилар ва ҳижрий 1299 (милодий 1882)

йилда Мисрни босиб олдилар. Шундан кейин халқ уларга қарши кураш бошлади. Миллий ватанпарварларга Мустафо Комил, Маҳмуд Фарид ва шу каби бошқа мусулмон раҳбарлар бошчилик қилишди. Бироқ англизлар уларга қаттиқ зарба беришди. Англия Мисрнинг ҳимоясини бекор қилиб, хижрий 1340 (милодий 1921) йилда унга мустақиллик берди. Саъд Зағлул деган кимсанинг партияси давлат партиясига айланди. Саъд Зағлул англизларнинг одами эди, шунинг учун унинг ғалабаси «Бу ишлар аввалдан режалаштирилган» деган гапни қўллаб-қувватлайди.

Муҳаммад Алийнинг сулоласи Мисрда ҳукмронлик қилишда давом этиб келиб, ниҳоят подшоҳ Форукнинг даврида, эркин зобитларнинг хижрий 1372 (милодий 1952) йилдаги инқилобидан кейин тугади. Шундан сўнг республика тузуми эълон қилинди.

Муҳаммад Алий пошшо оиласидан бўлган ҳокимлар

1. Муҳаммад Алий. Ҳижрий 1220–1264 (милодий 1805–1848) йиллар. Оиланинг муассиси ҳисобланади.

2. Иброҳим ибн Муҳаммад Алий. Ҳижрий 1264–1265 (милодий 1848–1848) йиллар, бир неча ой.

3. Аббос ибн Тўсун. Ҳижрий 1265–1270 (милодий 1848–1854) йиллар.

4. Саъид ибн Муҳаммад Алий. Ҳижрий 1270–1279 (милодий 1854–1863) йиллар.

5. Исмоил ибн Иброҳим. Ҳижрий 1279–1296 (милодий 1863–1879) йиллар.

6. Тавфиқ ибн Исмоил. Ҳижрий 1296–1309 (милодий 1879–1892) йиллар.

7. Аббос Ҳилмий ибн Тавфиқ. Ҳижрий 1309–1333 (милодий 1892–1914) йиллар.

8. Ҳусайн Комил ибн Исмоил. Ҳижрий 1333–1336 (милодий 1914–1917) йиллар.

9. Фуад ибн Исмоил. Ҳижрий 1336–1355 (милодий 1917–1936) йиллар.

10. Форук ибн Фуад. Ҳижрий 1355–1371 (милодий 1936–1952) йиллар.

11. Аҳмад Фуад ибн Форук. Ҳижрий 1371–1372 (милодий 1952–1953) йиллар.

Ушбу оиланинг энг кўзга кўринган вакиллари Муҳаммад Алий ва Исмоил ибн Иброҳимдир.

СУДАН

Суданда Ислом аста-секинлик билан ёйилиб борган, унда исломий подшоҳликлар тузилган. Мисол учун, ҳижрий 911–1237 (милодий 1505–1821) йилларда мамлакатнинг марказий ва шарқий тарафларида Фуанжу подшоҳлиги ташкил топган. Шунингдек, ҳижрий 850–1293 (милодий 1446–1876) йилларда ғарбда Дарфур подшоҳлиги, ҳижрий 911–1236 (милодий 1505–1819) йилларда Шимолий Судан подшоҳлиги бўлган. Муҳаммад Алий ҳижрий 1237 йилда Судан юртларининг кўпчилигини ўзига бўйсундирган.

Ҳижрий 1299–1317 (милодий 1881–1899) йилларда маҳдийлик ҳаракати пайдо бўлиб, Муҳаммад Аҳмад Абдуллоҳ ўзини Маҳдий Мунтазар деб эълон қилган ва бутун умматни қайта уйғонишга чақирган. Унга кўпчилик эргашгач, мамлакатнинг кўп ерларини эгаллаб олган. Ҳижрий 1317 йилда инглизлар бошчилигидаги Миср қўшини унинг ҳаракатига чек қўйган. Шундан сўнг Суданда Англия билан Миср қўшма ҳукмронлиги ўрнатилган. Бу ҳокимият ҳижрий 1376 (милодий 1956) йилдан то Судан мустақил бўлгунга қадар давом этган.

МАҒРИБ ЮРТЛАРИ

Мағриб юртларида муваххидлар давлатининг қолдиклари асосида бир неча давлатлар ташкил қилинган. Уларнинг энг кўзга кўринганларидан Тунисда ҳафсийлар давлати, Жазоирда Бану Абдулвад давлати, Мағрибда Бану Малин ва Бану Ваттос давлатларини санаб ўтиш мумкин. Вақт ўтиши билан ўзаро урушлар, тафрикалар, исломий ақийдадан узоқлашиш сабабли бу давлатлар ҳам заифлашди. Ниҳоят салибчилар бу юртларни ҳам, уларнинг бойликларини ҳам ўзаро тақсимлаб олишди.

1. ЛИВИЯ

Ливия Бану Ҳафсга бўйсунар эди. Бану Ҳафс заифлашгач, юрт нотинч бўлиб, халқ ғоятда нотинчликда қолди.

Тароблусда Испания мустамлакаси

Ливиянинг бошига тушган оғир кунларнинг натижаси ўларок, мамлакат хижрий 916–936 (милодий 1510–1530) йилларда Испания мустамлакачилари қўл остида қолди.

Авлиё Юҳаннонинг чавандозлари Тароблусда

Испанияликлар бу минтақани «Авлиё Юҳанно чавандозлари»га бўшатиб беришди. «Авлиё Юҳанно чавандозлари» насроний ташкилот бўлиб, ўз олдига ҳам диний, ҳам ҳарбий мақсадлар қўйган эди. Бу воқеалар хижрий 936–958 (милодий 1530–1551) йилларда юз берди.

Усмонийларнинг Ливиядаги дастлабки ҳукмронлиги

Усмонийлар Ливияга кириб келиб, «Авлиё Юҳанно чавандозлари»ни юртдан қувиб чиқардилар. Шундан сўнгра Ливия хижрий 958–1123 (милодий 1551–1711) йилларда усмонийлар ҳукми остида бўлди.

Қорамулли оиласининг ҳукми

(ҳижрий 1123–1251; милодий 1711–1835)

Қорамуллиллар туркий оила эди. Кичик Осиёдан келган Қурмон қабиласига мансуб бу оилага Ливияга мустақиллик бериш шарафи насиб қилди. Бу оиланинг асосчиси Аҳмад пошшо Қорамулли усмонийлар пойтахтидан бу вилоят унинг оиласига мерос бўлиб қолиши тўғрисида фармон олиб келди. Ушбу оиланинг асосчиси ва кўзга кўринган раҳбарларидан ҳисобланган Аҳмад пошшо Ливиянинг истиклолини таъминлашга сазовор бўлди.

Афсуски, Қорамулли оиласи 128 йил давомида мамлакатни бошқаргач, ўзаро ички келишмовчиликлар сабабли бу имкониятдан мосуво бўлди. Бу пайтга келиб европаликлар Шимолий Африка қирғоқларини босиб олишган эди. Ана шундай масъулиятли пайтда бу оила юртни бошқаришдан ожиз бўлиб қолди. Шу тариқа Ливия яна усмонийларнинг ҳукми остига кирди.

Ливияда усмонийларнинг иккинчи ҳукмронлиги

(ҳижрий 1251–1330; милодий 1835–1912)

Усмонийларнинг бу ердаги иккинчи ҳукмронлик даври Италия Ливияни босиб олгунга қадар давом этди. Усмонийларнинг иккинчи даврида зикр қилиниши керак бўлган энг аҳамиятли нарса шуки, улар Ливияни Тунисдан ажратиб олиб, уни мустақил вилоятга айлантиришди ва очиқ-ойдин чегаралар қўйишди. Туркларнинг иккинчи даври давомида Ливия истибдод ва ҳимоясиз қолиш туфайли жуда катта мусибатларга учради. Усмонийларнинг ушбу волиийлиги аста-секин сусайиб бориб, ниҳоят тугади.

Ливияда Италия мустамлакаси (*ҳижрий 1330 йил; милодий 1912 йил*)

Италия усмонийларни Ливияни тарк этишга мажбур қилди. Ўта заифлашиб қолган Ливия ниҳоят Италиянинг босими остида қолди. Бечора халқ қурол ўқталиб турган душманга қарам эди. Ҳикоя қилинишича, босқинчилар Ливия халқига нисбатан оғир жиноятларни содир этган, бу юртда ҳар қандай нобакорликдан тап тортмай, ўн минглаб бегуноҳ одамлар қатл қилинган.

Умар Мухтор ва миллий озодлик ҳаракати

Халқ мустамлакачиларнинг зулмига қарши бир неча марта бош кўтарди, бироқ бу ҳаракатларнинг ҳаммаси шафқатсиз равишда бостирилди. Миллий озодлик ҳаракатининг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири шайх Умар Мухтор эди. Унинг бошчилигида милодий 1923–1931 йилларда бўлиб ўтган кўзғалон ва урушлар тарих зарварақларига халқнинг чинакам озодлик кураши сифатида ёзилиб қолди. Бироқ кучлар тенг эмас эди. Италияликлар кўп уришишлардан сўнг Умар Мухторни тутиб, осиб ўлдиришди.

Ливиянинг мустақил бўлиши

Италия Иккинчи Жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, ҳижрий 1362 (милодий 1943) йилда иттифокдошлар ливияликлар билан ҳамкорликда Италияни Ливиядан қувиб чиқардилар. Шундан сўнг Ливияни Англия ва Франция қўшма ҳукумати бошқарди. Ниҳоят ҳижрий 1371 (милодий 1951) йилда Ливия мустақилликка эришди. Мустақил Ливиянинг биринчи ва охирги подшоҳи Муҳаммад ибн Идрис Санусий бўлди. Ҳижрий 1390 (милодий 1969) йил сентябрда халқ полковник Муаммар Қаззофий бошчилигида кўзғалон кў-

тариб, подшоҳлик тузумини бекор қилди. Ливияда республика тузуми ўрнатилди. Бироқ милодий 2012 йилнинг бахорида ғарбий давлатлар ёрдамида уюштирилган кўзғалон оқибатида давлат тўнтариши амалга оширилди, Муаммар Қаззофий қатл қилиниб, давлат янги кучлар қўлига ўтди.

2. ТУНИС

Усманийлар ҳукмронлиги ва Испания босқини

Усманийлар Тунисда ҳижрий 941 (милодий 1534) йилдан буён ҳукмронлик қилиб келишган. Ҳасан Ҳафсий Испанияга қочиб, у ернинг ҳукуматидан ёрдам сўраган эди. Испанлар келиб, юртни қирғинбарот қилишди ва Тунисни босиб олишди. Шундай қилиб Тунис 30 йил мобайнида Испаниянинг қўл остида қолди. Сўнг ҳижрий 976 (милодий 1568) йилда усманийлар яна келиб, Тунисни қайтариб олишди.

Дойлар ва бойлар ҳукмронлиги

«Дойлар» ҳарбий раҳбарлар бўлиб, уларнинг ҳукмронлиги ҳижрий 999–1050 йилларгача давом этди. Сўнг Тунис ҳижрий 1050–1114 йилларда Бой Иброҳим оиласига бўйсунди. Ҳижрий 1117–1377 йилларда Тунис Бой Ҳусайн ибн Алий асос солган хусайнийлар оиласининг ҳукми остида бўлди.

Франция босқини ва миллий озодлик кураши

Франция ҳижрий 1299 (милодий 1881) йилда Тунисни босиб олди. Босқинчиларнинг зулми остида қолган халқ ҳарбий ва сиёсий йўл билан бир неча бор уриниб, озодлик учун курашди. Ниҳоят Ҳабиб Бурқиба бошчилигидаги халқ ҳаракати ҳижрий 1376 (милодий 1956) йилда юртни мустамлакачилардан халос қилди. Тунис мустақилликка эришди ва бойлар ҳукмронликдан четлатилди. Ҳижрий 1377 (милодий 1957) йилда Тунис республикаси ташкил этилиб, унга Ҳабиб Бурқиба раҳбар бўлди.

3. ЖАЗОИР

Усмонийлар ҳукмронлиги

Дастлаб Жазоир Ўрта Мағриб деб номланар эди. Муваҳхидлар давлати тарқаб кетгач, Жазоирга Бану Зайён, улардан кейин ҳафсийлар, сўнг маринийлар ҳукмдорлик қилишган. Бу пайтга келиб испанлар Жазоир портларини эгаллаб ола бошлашди. Бироқ ҳижрий 929 (милодий 1522) йилларда Хайриддин Барбариснинг ҳаракати туфайли бу мамлакат усмонийлар давлатининг ҳукми остига ўтди. Хайриддин Барбарис дастлаб соҳилдаги шаҳарларни испанлар чангалидан қайтариб олди. Орадан кўп ўтмай, у Ўрта ер денгизидagi кемалар ҳаракатини тўлиқ ўз назорати остига олди. Шу тариқа бу юртларнинг ҳаммаси усмонийлар қўл остига кирди.

Шундан сўнг ҳокимиятни ҳарбийлар ўз қўлига олди. Дой Муҳаммад деганлари пошшо бўлди. Уни мужоҳид деб аташар эди (ҳижрий 1181–1203, милодий 1767–1788 йиллар). Муҳаммад пошшо Жазоир халқининг испан мустамлакачиларига қарши курашига ва энг йирик ғалабаларига раҳбарлик қилган.

Катта кўзғалон ва мустақиллик

Ҳижрий 1365 (милодий 1945) йилда иттифоқдошлар Иккинчи Жаҳон урушида қозонган ғалабаларини байрам қилаётган пайтда Жазоир халқи ҳуррият ва мустақиллик талаб қилиб чиқди. Бироқ Франция халқ озодлик ҳаракатини шафқатсизларча бостириб, минглаб кишиларни қатл қилди. Мана шу ваҳшийликлар ҳижрий 1374 (милодий 1954) йилларда мисли кўрилмаган халқ кўзғалонининг алангаланишига сабаб бўлди. Бутун Жазоир халқи ёппасига Францияга қарши урушга отланди, ватан мустақиллиги йўлида бир ярим миллиондан ортиқ мусулмонлар шаҳид бўлдилар. Ниҳоят ҳижрий 1383 (милодий 1963) йилда Жазоир мустақилликка эришди.

4. МАҒРИБ

Муваҳхидлардан кейин ҳижрий 660–668 йилларда Мағрибни Бану Марин давлати эгаллаб олган эди. Сўнг ҳукумат Бану Ваттос қўлига ўтди. Ниҳоят юртга Саъдий ашрофлар ҳукмрон бўлишди.

Мағрибдаги саъдийлар давлати (*ҳижрий 916–1077; милодий 1510–1666*)

Саъдийлар давлатининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Қоим эди. У «Насабим Алий ибн Абу Толиб розияллоху анҳуга бориб тақалади» деб даъво қиларди. Саъдийларнинг ҳукмронлиги дастлаб Сус вилоятида бошланган, сўнг уларнинг толеи баланд келиб, Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ҳамда унинг Абу Аббос ва Аҳмад исмли ўғиллари насронийларга қарши курашда жуда катта ғалабаларга эришди. Абу Аббосдан кейин Мағриб тахтига унинг укаси Абу Абдуллоҳ Маҳдий ўтирди. У французларни соҳилдан қувиб чиқарди, ҳижрий 955 йилда Марокашни эгаллаб, Бану Ваттос давлатини қулатгач, Мағрибнинг ҳокимияти бутунлай унинг қўлига ўтди. Ҳижрий 961–978 йилларда бу юртга усмонийлар ҳукмдор бўлишди, бироқ саъдийлар яна ҳукуматни улардан қайтариб олишди. Уларнинг машҳур подшоҳларидан бири Аҳмад ибн Муҳаммад Маҳдий бўлган (*ҳижрий 986–1012; милодий 1578–1603*). Унинг даврида давлатнинг сарҳадлари Сенегалгача етиб борди. Натижада бу минтақада Ислом кенг тарқалди. Саъдий ашрофлар давлатининг ҳукмронлиги ҳижрий 1077 (милодий 1666) йилда ўз ниҳоясига етди.

Алавий ашрофлар давлати

(ҳижрий 1075 (милодий 1664) йилдан ҳозиргача)

Бу давлатга Муҳаммад ибн Алий асос солган бўлиб, у ҳижрий 1075–1082 йиллар орасида ҳукм юритган. У аввал Фас шаҳрига кириб келиб, у ердаги саъдийларни йўқотган. Алавий ашрофларнинг машҳур султонларидан бири ҳижрий 1082–1139 (милодий 1671–1727) йиллар давомида юртга ҳоким бўлган Исмоил Самин ибн Муҳаммад эди. Унинг 57 йиллик ҳукми даврида юрт тараққий топди. Исмоил Самин ибн Муҳаммад французларга қарши олиб борилган жанглarda уларнинг устидан кўплаб марта ғалаба қозонди, Махдия, Арош каби ерларни испанлардан, Танжани инглизлардан тортиб олди. Унинг сарҳадлари Судан чегараларигача, Нигер дарёсигача етиб борган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Марокаш усмонийлар ҳукми остида қолмаган ягона араб давлати ҳисобланади. Шунингдек, Марокаш мустамлакачилар босқинидан ҳам омон қолган, ҳатто XX асрда Франция мустамлакачиларига қақшатқич зарба беришга ҳам муваффақ бўлган.

Франция истилоси ва миллий озодлик кураши

Ҳижрий 1330 (милодий 1912) йилда маҳаллий қабилалар Фас шаҳрига ҳужум қилиб, султонни тахтидан ағдаришга уринишди. Шунда султон Франция кучларидан ёрдам сўради. Оқибатда французлар келиб, юртни босиб олишди. Яна бир қанча минтақаларни эса Испания ўзига кўшиб олди. Шундан сўнг мустамлакачиларга қарши халқ ҳаракатлари бошланди. Бу кўзғалонларнинг энг каттаси Муҳаммад Абдулкарим Ҳаттобий бошчилигидаги кўзғалон бўлди (ҳижрий 1338–1344; милодий 1919–1926 йиллар). Муҳаммад

Абдулкарим Ҳаттобий боскинчиларга қарши узоқ вақт уруш олиб борди, испанларга қарши 200 дан ортиқ жанг қилди, қўплаб ғалабалар қозонди. Бу жасур инсон бир неча марта асирга тушиб, чет элга сургун ҳам қилинди.

Султон Муҳаммад V ибн Юсуф (*ҳижрий 1345–1379; милодий 1927-1960*)

Муҳаммад V ибн Юсуф давлатни бирлаштириб, мустақилликка эришишга жуда катта эътибор берди. У юртдаги тарқок халқ ва элатларни, турли гуруҳларни бирлаштирди. Муҳаммад V ибн Юсуфнинг ҳаракатларидан хавфсираган Франция ҳукумати уни сургун қилди. Оқибатда султон милодий 1953–1955 йилларда сургунда бўлди. Бироқ унинг сургун қилиниши туфайли кескин инқилобий ҳаракатлар бошланиб кетгач, икки йилдан сўнг французлар уни қайтариб олиб келишга ва икки томонлама музокаралар ўтказишга мажбур бўлишди. Ниҳоят ҳижрий 1376 (милодий 1956) йилда Мағриб мустақилликка эришди. Ҳижрий 1379 (милодий 1960) йилда ҳокимият Ҳасан II ибн Муҳаммаднинг қўлига ўтди. У вафот этгач, унинг ишини ўғли Муҳаммад VI давом эттирмоқда.

ҒАРБИЙ АФРИКА

Ғарбий Африканинг соҳил минтақаларини дастлаб Португалия, сўнг Англия ва Франция босиб олган эди. Африканинг ички ҳудудларида мусулмонларнинг нуфузи яхши бўлса-да, вақт ўтиши билан уларга ҳам заифлик етди. Ғарбий Африкада ҳукм сурган подшоҳликларнинг энг машҳурларидан бири Йилғой подшоҳлиги эди. Йилғой ҳозирги кунда Нигерия, Юқори Вольта, Сенегал, Кения, Сьерра-Леоне, Фил суяги қирғоғи, Того ва Бенин давлатларини ўз

ичига олган. Бу давлат бир муддат муробитлар давлатига, кейин саъдийларга бўйсунган. Шундан сўнг давлат парчаланиб кетиб, минтақага Умар Фуланий эга чиқди. Сўнг мамлакатга ҳижрий 1254–1307 (милодий 1838–1889) йиллар давомида Самури Турий ҳокимлик қилди. Шундан сўнг минтақани Франция босиб олиб, насронийликни тарқатиш ишларини бошлади.

МАРКАЗИЙ АФРИКА

Марказий Африка ҳудудига Чад ва Нигернинг бир қисми, Нигериянинг шимоли ва Камерун давлатлари киради. Чад подшоҳлигида Канун, Водо ва Боғирми деган подшоҳликлар бўлган. Ҳижрий 1329 (милодий 1911) йилда бу минтақанинг барчасини Франция босиб олган.

Ислом бу минтақада ҳижрий VII–X асрлар давомида аста-секин тарқалиб борган. Лекин у ерларда кучли исломий подшоҳликлар бўлмаган. Бу минтақада кўзга кўринган давлат Фуланийнинг исломий давлати бўлган, холос. Ушбу давлатга Усмон Фудо асос солган бўлиб, у ҳижрий 1219 (милодий 1804) йилда бир жамоа ташкил қилган ва Нигериянинг кўп қисмини ўзига бўйсундирган. Бу иш юртни инглизлар босиб олиб, минтақани ўз мустамлакасига айлантиргунига қадар давом этган.

ШАРҚИЙ АФРИКА

Сомали

Африканинг шимолий минтақалари Ҳабашистонга қараган. Ислом бу ерларга илк пайдо бўлган пайтидаёқ кириб келиб, дастлабки мусулмон амирликлари вужудга келган. Уларнинг энг кўзга кўрингани Адил подшоҳлиги дейилади. Усманийлар ҳижрий X (милодий XVI) асрда бу амирликни йўқотишган. Сомалининг жанубидаги исломий давлатлар-

дан энг кўзга кўрингани ҳижрий VII (милодий XIII) асрда пайдо бўлган Абжал амирлиги бўлиб, бу минтақалар Миср императорлигига бўйсунган. Императорлик қулагач, бу ерларни мустамлакачилар ўзаро тақсимлаб олишган. Мамлакат худудининг кўпроқ қисми Британиянинг қўлига ўтган.

Занж императорлиги

Занзибар ва Танзания давлати

Ушбу соҳил араб ва форс ерларига яқин жойлашгани туфайли бу ерларга кўп хижратлар бўлган. Бу хижратларнинг энг машҳури Алий ибн Ҳасан Шерозийнинг хижратидир. Унинг ўғли Сулаймон ибн Алий кўпгина араб амирликларини ўзининг Шарқий Африкадаги ҳукумати остида бирлаштирган, Калува шаҳрига асос солиб, уни ўзига пойтахт қилиб олган. Бу воқеалар ҳижрий IV–V (милодий X–XI) асрларда юз берган. Кейинги асрларда унинг нуфузи мамлакат ичкарасига ҳам таркагач, кенг микёсда Ислом даъвати олиб борилган.

Ҳижрий 915 (милодий 1509) йилда Португалия Занзибар соҳилларини босиб олганида умонийлар уларни қувиб чиқарган. Шундан кейин бу минтақада уларнинг нуфузи ортган.

Занзибардаги энг буюк Умон ҳукмдорларидан бири Султон ибн Султон Бусаъидий эди (ҳижрий 1221–1273; милодий 1806–1856 йиллар). У пойтахтни Масқатдан Занзибарга кўчирди. Бу давлатнинг нуфузи жуда юқори бўлиб, шон-шарафи юксалди, тижорати ривож топди. Султоннинг вафотидан сўнг Занзибар Умондан ажраб чиқди ва у ерда мазкур султоннинг фарзандлари ҳукмдорлик қила бошлашди. Ниҳоят XIX асрнинг охирида Британия Занзибарни мустамлака қилиб олди.

Бу давлат ҳижрий 1383 (милодий 1963) йилда мустақилликка эришди, ҳижрий 1384 йилда эса бусаъидийларнинг

охирги султони ишдан олиниб, давлат «Халқ демократик республикаси» деб эълон қилинди. Ўша йилнинг ўзида Занзибар Танзанияга қўшилиб, Танзания жумҳурияти ташкил қилинди.

Судандаги Фунж – Синнор подшоҳлиги (*ҳижрий 911–1237; милодий 1505–1821*)

Фунж подшоҳлиги Суданда ташкил қилинган биринчи исломий давлатдир. Фунжнинг вужудга келишини баён қилувчи тарихий манба, илмий асос йўқ. Улар умавийлардан қолган авлодлар ҳисобланади. Ушбу давлатга Фунж қабиласидан Аммора Дунафс деган одам асос солган.

Давлатнинг ташкил қилиниши

Аммора ва Жаммоъ Суба подшоҳларига қарши уруш олиб бориш ҳақида иттифоқ тузиб, ғалаба қозонишган. Шундан сўнг фатҳ ишларини давом эттириб, Макра ва Урва деган насроний давлатларни енгишган. Нил билан Қизил денгиз орасидаги ерларни бўйсундириб, Ҳабашистон, Кардивон чегараларигача боришган. Мана шу ишлар Суданда араб мусулмон ҳукмдорлари даврининг бошланиши дея қаралади.

Фунжнинг энг улуғ подшоҳлари

1. Аммора Дункас. Ҳижрий 911–941 (милодий 1505–1534) йиллар.
2. Дуккин ибн Наил. Ҳижрий 971–986 (милодий 1563–1578) йиллар.
3. Бодий Робъь Абу Шорих. Ҳижрий 1137–1176 (милодий 1724–1762) йиллар.

Мамлакатда ҳамажларнинг нуфузи ортиб бориб, вазирлик, сўнгра ҳокимиятни ўз қўлларига олишди. Бироқ уларнинг даврида бебошлик, истибдод ва бўлинишлар кўпайди.

Бу эса Муҳаммад Алийнинг даврида, ҳижрий 1237 (милодий 1821) йилда Мисрнинг бостириб келиб, Суданни эгаллаб олишига сабаб бўлди.

Судандаги маҳдийлик қўзғалони (*ҳижрий 1299–1317; милодий 1881–1899*)

Ушбу қўзғалонга имом Муҳаммад ибн Аҳмад Маҳдий бошчилик қилган. У ўзини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зурриётидан, Маҳдий Мунтазар деб эълон қилган. «Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари айтдилар, бу ишларни менга Аллоҳ таолонинг Ўзи зиммамга юклади» деган даъволарни қилган. Юртни ислоҳ қилмоқчи эканини айтиб, ҳукумат дин асосида бўлишини талаб қилиб чиққан. У ғоятда иқтидорлилиги, устакорлиги билан Судан юртларида ўз ҳукмини ўрнатган.

Бу воқеалар милодий 1881–1885 йилларда содир бўлди. Шундан сўнг Муҳаммад ибн Аҳмад Маҳдий тўсатдан вафот этиб қолди.

Милодий 1885–1899 йилларда унинг ўрнига Абдуллоҳ Таойиши ҳукм юритди. Бироқ инглизлар уни тор-мор этиб, қатл қилишди. Шундан сўнг Судан Англия-Миср қўшма ҳукмронлиги остида қолди. Бироқ аслида ҳокимият инглизлар қўлида бўлди.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ

ЎРТА ОСИЁ. МЎҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ. ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОН ЯРИМОРОЛИ

(ҳижрий 923–1340; милодий 1517–1921)

Шарқий Европа ва Ғарбий Сибирь

Мўғуллар ҳижрий 603–624 йилларда, Чингизхон даврида Шарқий Европани босиб олишган эди. Кейинчалик ерлик аҳоли ҳам, мўғулларнинг ўзи ҳам мусулмон бўлишди. Ҳижрий 907 (милодий 1502) йилда мўғуллар давлати заволга учрагач, Мовароуннаҳрдаги мусулмонлар ўз хонлик ва амирликларини ташкил қилишди. Бироқ улар жуда заиф эди. Бу амирликларнинг энг машҳурлари Қозон, Астрахань, Сибирь ва Қрим хонликлари бўлган. Ҳижрий 959–1197 (милодий 1552–1783) йилларда Русия уларнинг барчасини ўзига қўшиб олган.

Кавказ юртлари

Усманийлар бу ўлкада ҳижрий 982–1049 (милодий 1574–1639) йилларда ҳукмдорлик қилишган. Сўнг бу ерларни аста-секин Русия эгаллаб олди. Ҳижрий 1135 (милодий 1722) йилда руслар Доғистонни қўлга киритишди. Русия ҳижрий 1164 (милодий 1750) йилда Шимолий Кавказ, ҳижрий 1215 (милодий 1800) йилда Гуржистон, ҳижрий 1228 (милодий 1813) йилда эса Ширвон ва Озарбойжонни босиб олди. Ҳижрий 1336 (милодий 1917) йилда коммунистлар бошчилигида инкилоб юз бергач, бу ерларнинг халки азоб-уқубатга тўла оғир кунларни бошидан кечирдилар.

Ўрта Осие (Мовароуннаҳр) юртлари

Бу юртларда аввал Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукм сурди. Сўнг у ерлар уларнинг авлодлари ўртасида тақсим-

лаб олинди. Оқибатда маҳаллий амирлар кўпайиб, ниҳоят минтақа Русиянинг мустамлакасига айланди. Ҳижрий 1293 (милодий 1876) йилда Қўқон хонлиги қўлдан кетди.

Шундан сўнг руслар ҳижрий 1337 (милодий 1918) йилда эса Хоразмни, ҳижрий 1338 йилда Бухорони қўлга киритишди.

Хитойдаги (Шарқий Туркистон) мусулмонлар

Бу минтақадаги мусулмонлар асосан уйғурлар бўлиб, улар туркий халқлардандир. Бу юрт ҳам Қутайба ибн Муслим фатҳ қилган минтақалар қаторига киради. Қутайба ибн Муслим шу ердан Хитой императорига ўзининг одамани юборган. Элчи у ердан тухфалар билан қайтиб келган. Бироқ ҳижрий 1173 (милодий 1759) йилда хитойликлар ушбу минтақани эгаллаб олишган. Шундан сўнг мустамлакачиларга қарши қўзғалонлар бошланди. Бу қўзғалонларнинг энг муҳимларидан бири ҳижрий 1283 (милодий 1866) йиллардаги ўзбеклар қўзғалони бўлган. Бироқ ҳижрий 1296 (милодий 1879) йилда хитойликлар бу қўзғалонни бостиришган. Шундан сўнг ҳижрий 1299 йилда мазкур минтақа расмий равишда Хитойга қўшиб олиниб, Синг-ян (Шинжон, яъни «Янги ер») деб номланган. Бу ердаги қўзғалонлар XX асрда ҳам такрорланиб турган. Уларнинг охиргиси генерал Усмон Бату бошчилигида бўлган, лекин бу қўзғалон ҳам муваффақиятсизликка учраган. Қаҳрамон генерал ҳижрий 1371 (милодий 1951) йилда қатл қилинган.

Хитой жумҳурияти тузилган 1911–1949 йиллардан мусулмонлар ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида бир жойда, кўпроқ шимолий вилоятларда тўпланиб, бирга яшаб келмоқда. Аммо коммунистлар даврида, милодий 1949 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача мусулмонлар баъзи бир маҳрумликларга ва қийинчиликларга учраб келишмоқда. Ҳозирда мусулмонлар Синкия ва Лисини вилоятларида автономияга эгадир.

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТЛАР

Форсдаги сафавийлар давлати

(ҳижрий 907–1148; милодий 1502–1736)

Сафавийларнинг номи уларнинг катта бобоси Софийиддин Ардаббийга нисбат берилади. Уларнинг даъволарига кўра, унинг насаби имом Мусо Козимга етиб борар экан. Бошқача қилиб айтганда, ушбу оила ўзини имом Ҳусайн ибн Алийнинг зурриётидан деб даъво қилади. Уларнинг бобокалони Софийиддин сўфий шайхлардандир. Сафавийлар давлати шийъа давлати бўлиб, унинг асосчиси Исмоил ибн Ҳайдардир (ҳижрий 907–930; милодий 1502–1523 йиллар). У бу давлатнинг энг буюк подшоҳларидан биридир. Исмоил ибн Ҳайдар Табризни пойтахт қилиб олган, сўнг бутун Эронни ўзига бўйсундирган. Унинг давлат сарҳадлари Жайхундан Басрагача узанган бўлиб, Хуросон, Афғонистон ва Ҳирот юр்தларини ҳам ўз ичига олган.

Сафавийлар усмонийлар императорлиги билан чегарадош бўлган. Бу икки давлат ўртасида доимий ўзаро кураш давом этиб келган. Бунинг асосий сабабларидан бири сафавийлар ўзларининг шийъа мазҳабларини Онадўлида тарқатишга урингани бўлса, ажаб эмас. Султон Салим ўз юртидаги барча шийъаларни ҳибсга олиб, қатл этишга буйруқ берган. Сўнг уларга қарши лашкар тортиб бориб, ҳижрий 920 (милодий 1514) йилда Чалдиран жангида сафавийларга қақшатқич зарба берган ва сафавийлар пойтахти Табризга кирган. Диёрбакр ва унинг атрофларини ўз давлатига қўшиб олган. Шундан бошлаб икки тараф ўртасида урушлар доимий давом этиб турган.

Таҳмосиб ибн Исмоил сафавийларнинг энг машҳур ҳукмдорларидан ҳисобланади. У ҳижрий 930–984 йилларда ҳукм сурган бўлиб, нуфузи Форс диёрларининг аксарият жойларига етиб борган.

Сўнг ҳижрий 995–1037 йиллар орасида Аббос Бағдодни босиб олиб, португалияликларни Ҳурмуздан чиқиб кетишга мажбур қилган. Аббос бутун Форсни эгаллаб, Исфахонни ўзига пойтахт қилган. Бироқ шоҳ Аббос насронийлар билан иттифоқнома тузган. Унинг инглизлар билан ҳам алоқаси жуда яхши бўлган, чунки улар ундан усмонийларга қарши ёрдам олишга муваффақ бўлишган. Шоҳ Аббос ўз юртида инглизларга катта имтиёзлар яратиб берган.

Сафавийларнинг энг катта ҳукмдорларидан бири юкорида айтиб ўтилган Исмоил ибн Ҳайдардир. Ундан сўнг Таҳмосиб ибн Исмоил, кейин Аббос ибн Муҳаммад тахтга ўтирди. Аббосдан кейин давлат таназзулга юз тутди, давлатнинг мулклари аста-секин тарқалиб кета бошлади. Мамлакат аввал русларнинг, кейин усмонийларнинг қўлига тушди. Шу пайтда Нодиршоҳ Афшорий исмли турк раҳбар чиқиб, барча ишларни ўз қўлига олди. Афғонларни пойтахтдан қувиб чиқарди ва ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилди. Шу тариқа сафавийлар оиласи ҳижрий 1147 (милодий 1735) йилда инкирозга учради.

Нодиршоҳ Афшорийнинг ҳукмронлиги

(ҳижрий 1148–1160; милодий 1735–1747)

Нодиршоҳ сафавийларга хизмат қилган асли турк миллатига мансуб ҳарбий қўмондон эди. У давлат заифлашган пайтда ҳокимиятни эгаллаб олиб, катта ғалабалар қозонди. Дастлаб афғонларни Эрондан қувиб чиқарди, сўнг Афғонистонни, яна кўп ўтмай Деҳлини эгаллади, Арманистон ва Грузияни эса турклардан тортиб олди. Шунингдек, Нодиршоҳ Баҳрайн ороллариини Эронга қўшиб олди, Ироқнинг кўпгина ерларини ҳам эгаллаб, юртда суннийликни расмий мазҳаб деб эълон қилди. Нодиршоҳ ҳижрий 1160 йилда қатл қилинди. Нодиршоҳдан кейин мамлакат парчаланиб, қожорийларнинг иши юришиб кетди.

Эрондаги зиндийлар оиласи

(ҳижрий 1163–1209; милодий 1750–1794)

Зиндийлар Каримхон бошчилигида Нодиршоҳ устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлишди. Шундан сўнг Каримхон ҳижрий 1163–1193 (милодий 1750–1779) йилларда Эрон подшоҳи бўлди. Бу оиланинг ҳукмронлиги Эрон чегарасидан ташқарига чиқмади. Каримхондан кейин давлат заифлашиб, мазкур оиланинг ҳукмронлиги инқирозга учради. Натижада ҳокимиятни қожорийлар эгаллаб олишди.

Эронда қожорийлар ҳукмронлиги

(ҳижрий 1193–1343; милодий 1779–1925)

Қожорийларнинг бошлиғи бу оиллага асос солган Оға Муҳаммадхон эди (ҳижрий 1193–1211; милодий 1779–1797 йиллар). Оға Муҳаммадхон 1193 йилда ҳокимиятни ўз қўлига олди. У бешафқат одам эди. Эроннинг мутлақ ҳукмдори бўлгач, унга Гуржистонни ҳам қўшиб олди. Муҳаммадхон вафот этгач, ўрнига акасининг ўғли Фатҳ Алий келди. Фатҳ Алийнинг даврида Британия ва Русиянинг Эрондаги нуфузи ортди.

Муҳаммад Алийшоҳ ҳижрий 1324–1326 (милодий 1906–1908) йилларда подшоҳлик қилди. Унинг даврида Эрон уч минтакага бўлинди. Жанубий Эрон Британияга, Шимолий Эрон Русияга теги. Усманийлар ҳам ўзларининг Эрон томондаги чегараларига эга бўлишди. Биринчи Жаҳон урушидан кейин Русия Эрондан чиқиб кетди. Шундан сўнг Эрон подшоҳлиги таназзулга юз тутди. Ҳижрий 1326–1343 (милодий 1908–1925) йилларда Эрон қожорийларнинг ҳукми остига ўтди ва мамлакатга Аҳмадшоҳ ибн Муҳаммад подшоҳлик қилди.

Бу даврда ҳарбий қўмондонлар ўртасида ҳокимият учун аёвсиз кураш бошланди. Уларнинг энг кўзга кўринганла-

ридан бири сержант Ризо Мирзо бўлди. У ҳижрий 1340 (милодий 1921) йилда ҳокимият учун кураш бошлади ва ҳижрий 1343 йилда қожорийлар оиласини қулатиб, Эронга подшоҳ бўлиб олди.

Эронда паҳлавийлар даври (*ҳижрий 1343–1399; милодий 1925–1979*)

Бу давлатга қожорий зобитлардан бири Ризохон Паҳлавий асос солди. Ушбу моҳир саркарда Кузоқ гуруҳига лашкарбоши бўлди. У ниҳоятда заковатли, бироқ ғоятда тамагир одам эди. Ўша вақтда Эронда вазият оғир эди. Ризохон Паҳлавий мамлакатни бу ҳолатдан қутқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У ўз аскарлари билан ҳужум қилиб, ҳижрий 1340 (милодий 1921) йилда вазирликни йиқитди ва тахтга эронлик сиёсатчи Зиёуддин Табатабонийни ўтқизиб, у орқали ҳукм ўтказа бошлади. Ризохон Паҳлавий узоқни кўзлаб иш тутди, кўзлаган мақсадларига босқичма-босқич эриша бошлади. Ниҳоят ҳижрий 1343 йилда катта ҳужум билан қожорийлар оиласини йиқитиб, мамлакатга ўзи подшоҳ бўлиб олди ва ҳижрий 1343–1360 йилларда ҳукм юритди. У Форс мамлакатининг номини Эрон деб ўзгартирди.

Ризохон Паҳлавий амалга оширган энг муҳим ишлардан бири шуки, у мамлакатда ажнабий давлатларга берилган имтиёزلарни бекор қилди, тартибли янги армия тузди, дин вакиллариининг ҳокимиятини чегаралаб қўйди. У исломий йўналишдан тамоман йироқ киши эди.

Иккинчи Жаҳон уруши давридаги қисқа муддатли қаршиликдан сўнг Эрон таслим бўлди. Русия ва Британия Эронни яна эгаллаб олишди. Ғоят тушкунликка тушиб қолган шоҳ ҳижрий 1360 (милодий 1941) йилда ҳокимиятни ўғли Муҳаммад Ризога топширди ва ўзи Жанубий Африкага сургун қилиниб, ўша ерда вафот этди.

Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг даври *(ҳижрий 1360–1399; милодий 1941–1979)*

Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг даври Иккинчи Жаҳон уруши пайтида бошланди. У юртини босиб олган иттифоқдошларнинг аскарларига жуда кўп шароитлар яратиб берди. Урушдан кейин Ғарб ва Русиянинг қўшинлари Эрондан чиқиб кетишгач, Паҳлавийнинг императорлиги диктатурага айланди, истибдод кучайди, мамлакатда яккахокимлик қарор топди. Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг йўналиши ғайриисломий бўлиб, халқнинг норозилигига сабаб бўлар эди. У ҳижрий 1383 (милодий 1960) йилда ислохот режасини эълон қилгач, бу норозилик Хумайний раҳбарлиги остидаги кучли кўзғалонга айланиб кетди. Чунки бу режада, жумладан Исроил давлатини эътироф қилиш ҳам кўзда тутилган эди. Кўзғалон раҳбари Хумайний қўлга олиниб, Ироққа сургун қилинишига қарамай, ушбу фосид низомга қарши кўзғалонлар давом этаверди, кескинлик тобора кучайиб борди. Ниҳоят ҳижрий 1399 йилда император ўз оиласи билан юртдан қочишга мажбур бўлди. Шу билан паҳлавийларнинг даври тугади ва Хумайний ватанга қайтиб келди.

Эронда исломий жумҳурият ҳукмронлиги *(ҳижрий 1399 йилдан ҳозиргача)*

Паҳлавийларнинг подшоҳлик тузуми қулагач, шийъа мазҳаби асосида исломий жумҳурият қурилди. Жумҳуриятнинг олий ҳокимияти шийъа мазҳабининг катта фақиҳи ҳисобланган, «Оятуллоҳи узмо» деб аталадиган Хумайнийнинг қўлига ўтди. Шу йили, милодий 1979 йилда Абу Ҳасан Бану Садр ушбу жумҳуриятнинг биринчи президенти этиб сайланди.

Ҳижрий 1401 (милодий 1981) йилда Муҳаммад Алий Ражойи жумҳурият раиси этиб сайланди, бироқ у шу йилнинг

Ўзида қатл қилинди. Ундан кейин мамлакатга Алий Ҳоманай диний раҳбар этиб тайинланди. Кейинги йилларда Эрон Ислом жумҳуриятига Ҳошимий Рафсанжаний, сўнг Муҳаммад Ҳотамий ва Аҳмадий Нажот раҳбарлик қилишди. Ҳозирги кунда давлат раҳбари этиб Ҳасан Рухоний сайланган.

АФҒОН ЮРТИДАГИ ВАЗИЯТЛАР

(ҳижрий 390–1160; милодий 1000–1747)

Мазкур тарихий давр мобайнида Афғонистонда дастлаб ғазнавийлар, сўнг ғурийлар ва хоразмийлар ҳукмдорлик қилишди. Сўнг Чингизхон ва Хулағунинг даврида мўғуллар келиб, Афғонистонни вайрон қилишди. Улардан сўнг Афғонистон маълум муддат Амир Темурнинг, унинг вафотидан кейин эса темурий шаҳзодалар ҳукми остида ҳам бўлди.

Бобурийлар Ҳиндистонда катта империяни ўрнатган пайтда Афғонистоннинг шарқида ҳам ўз ҳукмларини юргизишди. Аммо Афғонистоннинг ғарбий ҳудуди сафавийлар давлатига тобе эди. Улардан кейин афғон халқи ўз юртларини озод қилишга эришдилар. Мирвайс Ҳутакий раҳбарлигидаги озодлик ҳаракати Эронни сафавийлардан тортиб олди, бироқ уларнинг Афғонистон ва Эрондаги ҳукми жуда қисқа бўлди.

Ҳижрий 1148–1160 (милодий 1735–1747) йилларда ҳокимият Нодиршоҳ Афшорий қўлига ўтди. У Афғонистон, Эрон ва бошқа бир қатор минтақаларда ҳукм юритди. Нодиршоҳ қатл қилингачгина Афғонистон янги давлат сифатида мустақил бўла олди.

Дурронийлар оиласи

(Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисми)

(ҳижрий 1160–1258; милодий 1747–1842)

Нодиршоҳ ўлдирилгандан кейин Афғонистон Эрондан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришди. Афғонлар Абдалий қабиласининг бошлиғи Аҳмадхоннинг атрофида жипслашдилар. У Қандаҳорда ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, «Дурри дурроний» (даҳрнинг дури, дурларнинг дури) деган лақабни олди. Унинг давлати «Дурронийя» деб аталди. Аҳмадхон Нодиршоҳ императорлигига қарашли бўлган Синд дарёсининг шарқидаги ерларни эгаллади. Шунингдек, у Кашмир вилоятларини, Лохур ва Мултонни ўзига қўшиб олиб, салтанатини Ҳиротгача етказди.

Аҳмадшоҳ янги Афғонистон давлатига асос солиб, тарихда машҳур бўлди. У ғоятда журъатли, моҳир раҳбар эди. У ҳижрий 1187 (милодий 1773) йилда вафот этгач, ўрнига ўғли Темур тахтга ўтирди. Темур ҳижрий 1187–1208 (милодий 1773–1793) йилларда ҳукмдорлик қилиб, пойтахтни Кобулга кўчирди. Бироқ шундан кейин у ўзининг кўп сонли фарзандлари билан кураш бошлашга мажбур бўлди.

Улар билан афғонларнинг Барказоий қабиласи ўртасидаги кўплаб урушлар сабабли давлат заифлашди, халқнинг турмуш тарзи пасайди. Афғонистон вилоятларининг кўпчилиги Ҳиндистонга сингиб кетди. Бу воқеалар ҳижрий 1215 (милодий 1800) йилда юз берди. Ниҳоят Барказоий оиласи ҳукумат кучларини мағлубиятга учратди.

Афғонистонда Барказоий оиласи ҳукмронлиги (*ҳижрий 1242–1393; милодий 1826–1973*)

Барказоий афғонларнинг катта қабилаларидан биридир. Айтилишича, улар дурронийларнинг бир шоҳобчаси бўлиб, уларнинг вазирлари бўлишган. Бу авлоднинг асосчиси Дўст-муҳаммад ҳижрий 1242–1280 (милодий 1826–1860) йилларда аста-секин ҳукуматни эгаллаб бориб, ниҳоят ҳижрий 1285 (милодий 1842) йилда дурронийлар оиласини тахтдан ағдарди.

Барказоийлар даврига келиб Британия Афғонистоннинг ички ишларига аралаша бошлади. Халқ британияликларга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди. 1837–1848 йиллардаги урушлар натижасида инглизлар бу ерга келтирилган барча аскарларидан мосуво бўлишди. Бироқ улкан қурбонлар берилганига қарамай, ҳижрий 1295 (милодий 1878) йилда Афғонистондан устун келишди.

Афғонлар Омонуллохоннинг вақтига келибгина 1919–1929 йилларда инглизлар устидан ғалаба қозондилар. Ҳижрий 1340 (милодий 1921) йилда Англия бу давлатни мустақил деб тан олишга мажбур бўлди.

Афғон подшоҳларининг охиригиси Муҳаммад Зоҳиршоҳ бўлиб, ҳижрий 1352–1390 (милодий 1933–1973) йилларда ҳукм юритган. Уни ҳижрий 1393 (милодий 1973) йилда Муҳаммад Довуд тахтдан ағдариб, жумҳурият тузумини жорий қилди.

ҲИНДИСТОНДАГИ ВАЗИЯТЛАР

ҲИНДИСТОНДА БОБУРИЙЛАР ИМПЕРАТОРЛИГИ

(*ҳижрий 932–1275; милодий 1526–1858*)

Бобурийлар милодий 1526–1858 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган сулола бўлиб, бу империяга темурий

шахзодалардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган. Айтиб ўтиш лозимки, чет элларда ҳам, мамлакатимизда ҳам, ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам Бобур ва унинг авлодларини «буюк мўғуллар» деб аташ одат бўлиб қолган. Аслида «буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва ундан кейинги мўғул коонларига (Ўқтой коон, Гуюк коон, Мунка коон) тааллуқли бўлиб, бобурийлар аслида Амир Темур ва Бобур мирзонинг авлодларидир. Улар тарихий ҳужжатларда ўзларини «бобурий мирзолар» деб юритишган. В.В.Бартольд дунёда тарқалган «буюк мўғуллар» иборасининг хато эканини кўрсатиб, «Европаликлар Темур ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғуллардан тарқалган деб ҳисоблаб, (Бобур) салтанати учун «буюк мўғуллар» деган ном тўқиб олдилар» деб ёзади. Бу ибора Европадан Ҳиндистонга «кўчиб» келиб, инглизча китоблар орқали ҳиндлар орасида тарқалиб қолди. Сўнгги йилларда «буюк мўғуллар» деган хато ибора ўрнига «бобурийлар» ибораси қўлланила бошладики, мана шу ибора тарихий ҳақиқатни тўғри акс эттиради.

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилишган.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(ҳижрий 932–937)

Ушбу империянинг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умар ибн Абу Саъид ибн Мироншоҳ ибн Темурдир. Яъни бу зот Амир Темурнинг набираларидан бири бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феввалида Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умаршайх мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда ҳокимлик қилаётган ака-ука, тоға-жиян ва амакиваччалар ўртасида улуғ боболари Амир Темур асос солган улкан давлатга эгалик қилиш учун кураш бошланиб, ғоятда кескин тус олган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳириддин барча темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отасининг саройида, етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бирок унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йилда отадан етим қолгач, 12 ёшида отасининг ўрнига Фарғона улусига ҳоким қилиб тайинланди. Бўлажак буюк шоир Бобур қаламни қиличга алмаштириб, Андижон тахти учун укаси Жаҳонгир мирзо, амакиси Султон Аҳмад мирзо, тоғаси Султон Маҳмудхон ва бошқа рақибларга қарши курашишга мажбур бўлди. Бобур укаси Жаҳонгир мирзо билан мурасага келиш учун унга ён босишга – Фарғона улусини иккига тақсимлаб, ярмини укасига топширишга қарор қилди, ўзи эса Самарқанд учун олиб борилаётган курашга киришиб кетди. Бир неча йил давом этган бу кураш қирғинбаротдан бошқа ҳеч бир натижа бермади. Унда катта ҳарбий кучга эга Шайбонийхоннинг қўли баланд келди. Натижада Бобур Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шайбонийхон 1504 йилда Андижонни ҳам қўлга киритгач, Бобур жанубга қараб йўл олди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатди. У 1505–1515 йилларда Марказий Осиёга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди, аммо бу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Шундан сўнг Бобур мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1519–1525 йиллар давомида Ҳиндистонни қўлга киритиш учун жанглари олиб борди. У Ҳиндистонга ўн икки минг аскар билан кириб келди. Бобурнинг лашкари ўша пайт учун янгилик бўлган замбараклар билан қуроолланган, ҳиндлар эса бундай қуроолни ҳали кўрмаган эди. Ҳиндлар ўз лашкарининг кўплигига ишонишар эди. Уларнинг сони юз минг кишидан иборат бўлиб, жангчи филлар билан қуроолланган эдилар. Бобурнинг лашкари ҳижрий 936 йилнинг ражаб (милодий 1526 йилнинг апрель) ойида Панипатда Ҳиндистон султони Иброҳим Лудийнинг лашкари билан тўқнашди.

Ҳинд лашкарининг кўплиги ҳеч қандай фойда бермади. Улар Бобурнинг яхши ташкил қилинган, янги тўплар билан қуролланган лашкарига қарши тура олмадилар. Деҳли султони император Иброҳим Лудий ибн Искандаршоҳ ва унинг минглаб аскарлари қатл қилинди. Бобуршоҳ зафар кучиб, Деҳлига кириб келди.

Ҳижрий 936 йил ражаб ойининг ўн бешинчисида, жума куни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умар ибн Абу Саъид ибн Мироншоҳ ибн Темур «Ҳиндистон подшоҳи» деб эълон қилинди.

Милодий 1527 йил март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда ҳам Бобурнинг кўли баланд келди. Тарихий маълумотларнинг баён қилишича, Бобурнинг Ҳиндистонга юришида Деҳли ҳукмдори Иброҳим Султоннинг сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари уни қўллаб-қувватлаган. Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ва бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди.

«Бобур мирзо Ҳиндистонда кўплаб ислоҳот ишларини олиб борди. У қисқа муддатда жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Беш йил мобайнида йўлларни тузатди, ариқлар қазирди, дарахтлар эктириб, солиқ ишларини тартибга солди. Афсуски, Бобур мирзо бу ғалаба ва хайрли ишлардан сўнг узоқ яшамади. У 1530 йилнинг декабрь ойида Агра шаҳрида вафот этди. Кейинроқ ўзининг васиятига кўра фарзандлари унинг хокини Кобулга олиб келиб дафн қилишди.

Бобур мирзо ўзининг қисқа ҳукмдорлик даврида Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик ишларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни обод қилиш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғ-роғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш иш-

лари айниқса унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсда йўлга қўйилди. Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, муסיқашунослари ва давлат арбобларидан иборат мукамал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ҳақида Жавоҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди, янги рағбатлар ҳаётга, санъатга, меъморчиликка тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди».

Бобур мирзо Ҳиндистонда кенг кўламли давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадий фаолиятини ҳам давом эттирди. Ўзининг ўлмас асарларини яратиб, бой адабий мерос қолдирди ва мумтоз ўзбек шеърлятида мисли кўрилмаган даражада ўрин эгаллади.

Бобурнинг бутун дунёга машҳур шоҳ асари «Бобурнома»дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр мобайнида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларга; иккинчи қисми XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улусида, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларга; учинчи қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. «Бобурнома»да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукамал баён қилинар экан, муаллифнинг она юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида

ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Кобул улусининг йирик шаҳарлари Кобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин»⁵.

Бобур нафақат моҳир саркарда, одил подшоҳ, балки кўпгина илмларда кўзга кўринган дин арбоби, турк ва форс тилларида ижод қилган буюк адиб ва дилбар шоир ҳам эди. Бобур мирзо ҳанафий мазҳабида бўлиб, шу мазҳаб фикҳига оид назмий асарлар ҳам ёзган. Бу улуғ подшоҳ намозларни қолдирмай, ўз вақтида ўқиши билан машҳур эди.

КЕЙИНГИ БОБУРИЙ ИМПЕРАТОРЛАР

ҲУМОЮН ШОҲ

(ҳижрий 937–963)

Ҳумоюн Насриддин Муҳаммад – Бобурнинг тўнғич ўғли. Онаси – Моҳим бегим. Милодий 1508 йилда Кобулда туғилди, алоҳида эътибор билан тарбия олиб, турли илмларни ўрганди. Бобурийлар давлатининг иккинчи подшоҳи (1530–40; 1555–56 йиллар), шоир, бобурийлар миниатюра мактабининг асосчиси. 12 ёшида Бадахшон ҳокими этиб тайинланган, 18 ёшида отасининг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришида фаол иштирок этиб, унинг ўнг қўли бўлган. Ҳумоюн Панипат жангидан олдин Деҳли султонлигининг Ҳисори Феруза вилоятидан Ҳамидхон бошлиқ қўшинини мағлуб этиб, юзтача асир ва филларни Бобурга тақдим этган. Бобур ўғлининг бу жасорати эвазига ўша вилоятни унга тортиқ қилган («Бобурнома»).

Ҳумоюн Панипат ва Канва жанглирида олдинги қисмдан ўрин олган. Деҳли фатҳидан сўнг Ҳумоюн Жамна ва Ганга оралиғидаги ҳудудда яшаган маҳаллий афғон ва ҳиндлар-

⁵ Акад. С.Азимжонова, т.ф.н. Н.Валиева, «Заҳириддин Муҳаммад Бобур». «Мозийдан садо» журнали, 2-сон. Т.: 2006 й.

ни бўйсундиришда иштирок этган. 1527 йилда унга Кобул ва Бадахшонни идора қилишга рухсат берилган. Ҳумоюн Бадахшондан туриб Самарқанд тахтини эгаллашга ҳаракат қилган («Бобурнома»).

Ҳумоюн отасидан кейин Ҳиндистонга подшоҳ бўлгач, Кужуротга юриш қилиб, уни ўзига бўйсундирди. Кейин Молуни ҳам забт этиб, Бийҳор томон юриш қилди. У ернинг ҳокими Шерхон эди. У аввал ўзини Ҳумоюнга бўйсунган қилиб кўрсатди. Бироқ Ҳумоюн Акрага қайтгач, Шерхон бош кўтарди. Икки томоннинг лашкари Қаннужда тўқнашди. Ҳижрий 947 йилнинг муҳаррам ойида Ҳумоюн қақшатқич зарбага учраб, енгилди ва қочишга мажбур бўлди. Шерхон подшоҳликни Ҳумоюндан тортиб олиб, унинг ортидан қувиб Акрага, сўнг Лоҳургача борди. Ҳумоюн ҳомиладор хотинини туясига миндириб, Синд вилоятининг Умаркут қишлоғига етиб борди. Уша ерда Ҳумоюннинг ўғли Жалолиддин Акбар туғилди.

Шерхоншоҳ ғоятда солиҳ инсон, улуғ подшоҳ эди. 15 йилдан кейин Ҳумоюн ундан яна мулкани қайтариб олди.

Ҳумоюн мирзо хижрий 963 (милодий 1556) йилда вафот этди.

ЖАЛОЛИДДИН АКБАР

(ҳижрий 963–1014)

Жалолиддин Муҳаммад Акбар ибн Ҳумоюн ибн Бобур. Бобурнинг набираси, Ҳумоюннинг ўғли. У хижрий 949 йил рабиъул-аввал ойида (милодий 1542 йил октябрда) Синд вилоятидаги Амаркот қалъасида таваллуд топди. Ҳиндистондаги бобурийлар салтанати ҳукмдори (1556 йилдан бошлаб) 13 ёшида тахтга ўтирди (1556 йил 15 февраль). Отаси Қандаҳор, Кобул ва Ҳиндистонни фатҳ қилганида уни Панжобга ҳоким қилиб қўйди. Унга Байрамхон маслаҳатчи бўлди.

Отаси вафот этгач, ўн уч ёшу тўққиз ойлик Жалолиддин Акбар Панжобда туриб, ўзининг подшоҳ бўлганини эълон қилади. У тахтни дастлаб ўзининг вазири – туркман миллатли, шийъа мазҳабли Байрамхон ёрдамида бошқаради. Байрамхоннинг мазҳаби Акбаршоҳга ҳам таъсир қилган. Балоғат ёшига етгач, Акбаршоҳ мамлакатни каттиққўллик билан идора эта бошлайди. У ўзи сингари шахзодалар оладиган илм таҳсилдан йироқ, ҳали ёш бўлишига қарамай, ақли расо инсон бўлиб етишади. Ўзи яшаган муҳит, шарт-шароит ва ҳаётгий тажриба унга кўп нарсани ўргатган эди.

Уша вақтда Кашмир бошқа мусулмон ҳукмдорлар қўлида эди. Акбаршоҳ хижрий 995 (милодий 1587) йилда Кашмирни, хижрий 1001 (милодий 1592) йилда эса Синдни ўз мулкига қўшиб олди.

Акбаршоҳ салтанатини кенгайтириш учун муттасил курашди. Унинг даврида бобурийлар салтанати шимолда Балхдан тортиб, жанубда Годовари дарёсигача (Кашмир ва Афғонистон ҳудудлари билан бирга), ғарбда Араб денгизидан шарқда Бенгалия қўлтиғигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган. Жалолиддин Акбар марказлашган салтанат тузиш мақсадида 1574 йилдан бошлаб ички ислохотлар ўтказишга киришди: кўшин устидан назоратни кучайтирди ва уни қайта ташкил этиб, янгитдан куроллантирди, мамлакатни янги маъмурий туманларга бўлди. Унинг подшоҳлиги Кобул, Қандаҳор, Синд, Мултон, Лохур, Кашмир, Дехли, Агра, Ажмир, Илоҳобод, Ува, Баҳор, Бенгал, Урсия, Молу, Кужурот, Хондийс, Барор ва Аҳмаднагар вилоятларидан иборат эди.

Акбаршоҳ жуда ҳам ноқулай, асабий шароитда ўсди. Натижада етарлича илмий таҳсил ола билмади, ҳатто ўқиш ва ёзишни ҳам ўрганмади. Шунинг учун бўлса керак, тахтга ўтиргандан кейин сарой маишатига берилди, овга каттик кизикди. Бироқ у ўткир заковатли, кучли шахсиятли ва тенги йўқ журъатли инсон эди. Журъат унинг энг кўзга

кўринган сифати эди. Шунинг учун у ҳеч нарсага қарамай, ўзининг эркин фикри билан давлат бошқаришга ўтди, диний ва ахлоқий соҳада қолипга тушмайдиган турли ишларни осонлик билан амалга оширди.

Акбаршоҳ аҳоли орасида диний жиҳатдан ўзаро бирдамликка эришиш мақсадида ҳиндларни юқори мансабларга тайинлай бошлади ва янги дин – «дини илоҳий»ни жорий этди. Бу «дин» Ислом, ҳиндуизм, парсизм ва жайнизм динларининг қоришмасидан иборат бўлиб, унга эътиқод қилганлар Акбаршоҳнинг марҳаматига сазовор бўлишди. Шу тариқа Акбаршоҳ дунёвий ва диний ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирди.

Акбаршоҳ турли динларнинг олимларини чорлаб, дин ҳақида тортишувлар ўтказар эди. Ниҳоят у «Ҳамма динлар бир хил, Исломнинг улардан фарқи йўқ» деган хулосага келди. Оқибатда хато кетидан хатоларга йўл қўйишда давом этди. Бутпараст амираларга уйланди, уларга ўз динларида қолиб, ибодатларини адо этишга ижозат берди. Улар эса ўз навбатида Акбаршоҳни ўз динларига тортишга ҳаракат қилишди, саройга бут ва санамлар ўрнатишди, бутхоналар қурдиришди. Бора-бора Акбаршоҳ ва унинг одамлари уларнинг диний байрамларида, ибодатларида иштирок эта бошлашди. Ажнабий тарихчилар Акбаршоҳнинг бу ишини «никоҳ ришталари орқали Ражпут князликлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш» деб аташади.

Акбаршоҳ қўшинининг асосий қисмини ражпут суворийлар қўшини ташкил қилган. У йирик ер эгаларининг ўзбошимчалигига қарши бир қанча чора-тадбирларни ўтказган. 1574 йилда фармон чиқариб, деҳқонлар, саркардаларга ер инъом этиш ўрнига хазинадан уларга маош тўлашни, мамлакатдаги ерлардан солиқ тўплашни ўз хизматчилари зиммасига юклаган.

Кейинчалик Акбаршоҳ вафот этгач, бу янги «дин» кичик мазҳабга айланиб қолди.

Акбаршоҳ ўз ҳукмининг дастлабки йигирма йилида солиҳ одам бўлган, шариятга амал қилган, уламоларни ҳурматлаган, сўфийларнинг мажлисларида қатнашган.

Акбаршоҳ деҳқончилик ва савдога катта эътибор берган, Европа мамлакатлари билан кенг кўламли савдо-сотик олиб борган. Акбаршоҳ илм-фан, санъатга ҳам ҳомийлик қилган. Унинг вазири ва дўсти Абулфазл Алломий Акбаршоҳ салтанати тарихига оид «Акбарнома» асарини ёзиб қолдирган. Акбаршоҳ буюк давлат арбоби, қувваи ҳофизаси кучли, жасур, иқтидорли саркарда бўлган (*П.Қодиров, «Ҳумоюн ва Акбар», Т., 1994*).

ЖАҲОНГИР

(ҳижрий 1014–1037)

Муҳаммад Салим Нуриддин Жаҳонгир ибн Акбаршоҳ. У ҳижрий 977 йил рабиъул аввал ойининг ўн еттинчисида, чоршанба куни туғилган. Онаси ҳиндус бўлган. Акбаршоҳ бу хотинини туғишидан олдин устози шайх Салимнинг ҳузурига юборган эди. Шунинг учун устознинг шарафига болага Муҳаммад Салим деб исм қўйилди, кейинроқ унга «Султон» деб лақаб берилди.

Муҳаммад Салим Нуриддин Жаҳонгир ибн Акбаршоҳ яхши тарбия топди. У Миркалон таҳаллуси билан машҳур бўлган шайх Муҳаммад Саъид Ҳиравийдан ҳадис илмини, муфтий Садри жаҳон Баҳонавийдан эса бошқа диний илмларни ўрганди. Жаҳонгир ана шундай тарбия туфайли Исломда собит, тўғри эътиқодли ва уламоларни эҳтиром қиладиган инсон бўлиб ўсди.

Жаҳонгир ўз одамларидан бири Шер Афқуннинг хотинини севиб қолади. Мазкур одам ўлдирилгач, унинг бевасига уйланади. Уни Меҳриннисо бинт Фиёсиддин Техроний деб номлайди ва Нуржаҳон лақабини беради. Нуржаҳон ғоятда

ғўзал, оқила ва илмли аёллардан эди. Жаҳонгир Нуржаҳонга уйланганидан кейин унинг жамолига асир бўлиб яшади. Бора-бора Нуржаҳон амалда малика бўлиб қолди. Подшоҳлик амрлари унинг ва Жаҳонгирнинг имзоси билан чиқадиған, пул бирликларига ҳам иккисининг исми ёзиладиган бўлди.

Аста-секин ҳақиқий ҳокимият Нуржаҳоннинг кўлига ўтди. У ўз қариндошлари ва яқинлари билан бирга давлат ишларини юритадиган бўлди. Жаҳонгир эса унинг ишкига ғарқ бўлиб, шароб ва лаҳвга муккасидан кетди. Ниҳоят Нуржаҳон нимани истаса, шуни қиладиган бўлди.

Аммо Жаҳонгирнинг буюк хизмати шундаки, у дин бора-борасидаги номаъқулчиликларнинг барчасига барҳам берди. Ўзининг эътиқоди соғлом бўлди, уламоларни эҳтиром қилди. Ислом шариатига хилоф бўлган барча нарсаларни йўқотиб, «дини илоҳий» фикрини бекор қилди.

Жаҳонгир давлатни идора этиш юзасидан «Ўн икки дастур» эълон қилди. Ушбу дастур асосида деҳқонларга ношаръий солиқлар солиш, маҳаллий ҳокимларга савдогарларнинг молларини очиб кўриш, гуноҳкорларнинг қулоқбурнини кесиш, шароб ичиш, туғилган қизларни ўлдириш, солиқ ҳисобига болаларни тортиб олиш (Бенгалияда) ва бошқалар ман этилган. Жаҳонгир даврида Мевар (1614), Аҳмаднагар (1620), Бижапур ва Голконда (1621) ҳамда Панжобнинг бир қисми империя таркибига қўшиб олинди. Жаҳонгир давлатни ҳинд рожалари билан келишган ҳолда бошқаришга интилди. Унинг даврида тасвирий санъат, миниатюра ва адабиёт ривож топди, бир неча макбара, жумладан, Акбаршоҳ макбараси қурилди.

Жаҳонгирнинг ўзи ҳам бобоси каби шеърлар ёзган бўлиб, унинг «Жаҳонгирнома» асари машҳурдир.

Жаҳонгирнинг даврига келиб Ҳиндистонда европаликларнинг таъсири кучайиб борди. Ҳиндистон тижорат жиҳатидан Португалия, Англия ва Голландия ўртасида ўзаро

талаш эди. Инглиз элчиси Томас Ру турли йўллар билан Жаҳонгирнинг ишончига кириб, милодий 1624 йилда европаликларга тижорат солиғи солишнинг бекор қилинишига эришди. Натижада европаликлар Ҳиндистонга яхшилаб ўрнашиб олишди. Охир-оқибат Ҳиндистон ушбу ўргимчак тўрига асир бўлиб тушди. Уларнинг бу мақсаддаги ҳаракати айнан Жаҳонгирнинг даврида кучайди.

ШОҲЖАҲОН

(ҳижрий 1037–1069)

Соҳибқирони соний Шохжаҳон Абу Музаффар Шаҳобиддин Хуррам (01.05.1592–22.01.1666). Буюк бобурийлар давлатининг бешинчи ҳукмдори (1628–1658). Отаси Жаҳонгир, онаси марварлик ражпут маликаси Манмати (Билқуис Макони). Шаҳзода Хуррам оилада учинчи ўғил бўлса-да, бобоси Акбарнинг энг севимли набираси эди ва ёшлигидан ҳарбий соҳага иқтидорли шахс бўлиб тарбия топди. У олти кунлик чақалоқлигида Акбар уни биринчи хотини Рукия Султон бегим тарбиясига топширди. Отаси Жаҳонгир тахтга ўтиргач, шаҳзода Хуррамни Ҳиндистондаги энг саркаш, исёнкор халқлар устига ҳарбий юриш қилиш учун тайин этди. Жангари ражпут рожалари, тоғлик Кангри қалъаси ҳам Хуррамнинг кучли хужумларига дош беролмай, бобурийлар давлатига кўшиб олинди. Декандаги ҳарбий зафарлари учун подшоҳ Хуррамга «Шохжаҳон» деб лақаб берди. Унинг ғалабалари ва шижоатини бобокалони, улуғ саркарда Амир Темурга қиёслаб, «Соҳибқирони соний» (Иккинчи соҳибқирон) унвони билан ҳам аташган.

Шохжаҳон 1612 йилда малика Нуржаҳоннинг жияни Аржумандбонуга уйланган. Келинининг гўзаллигини кўрган Жаҳонгир уни Мумтоз Маҳал (Саройнинг кўрки) деб атаган. Кейинчалик Тож Маҳал номи билан шуҳрат қозон-

ган Аржумандбону, Шохжаҳоннинг учинчи хотини бўлса-да, энг сеvimли маликага айланган, ҳарбий сафарларда ҳамиша эрига ҳамроҳ бўлган. 1622 йили Шохжаҳон отаси ва малика Нуржаҳонга қарши исён кўтаради. Маҳобатхон бошлиқ подшоҳ армияси шаҳзодани бутун Ҳиндистон бўйлаб таъкиб қилади. Ана шундай оғир кунларда ҳам Аржумандбону эри билан бирга Ражпутананинг жазирама биёбонлари, Декандаги улкан тоғли доvonлар, Бенгалиянинг ўрмон ва чакалакзорларида жон сақлаган. Аржумандбону ўн тўққиз йиллик турмуши давомида ўн тўртта фарзанд туққан ва охириги фарзандини туғиш чоғида ҳаётдан кўз юмган. Шохжаҳон унинг хотираси учун Агра шаҳрида дунёда тенгсиз макбара қурдирган.

1605 йилнинг охирида Жаҳонгир вафот этгач, шаҳзода Шаҳриёр Лоҳурда ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Аградаги саройда Хусравнинг ўғли Доварбахш тахтга ўтиради. Бу пайтда Деканда бўлган Шохжаҳон уч ойдан сўнг Аграга етиб келиб, тахтни эгаллайди.

Шохжаҳон ўз даврида давлат бошқаруви соҳаси ва пул тизимларида ислоҳотлар ўтказган, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва савдо муносабатларини ривожлантирган ва 1631 йили ҳаддидан ошган португалларни Бенгал соҳилидан қувиб чиқарган.

Шохжаҳоннинг ҳукмронлик йиллари бобурийлар тарихининг олтин даври ҳисобланади. У мамлакатнинг турли бурчақларида йирик меъморий обидалар қурдирган, гўзал боғлар барпо этган. Аградаги Тож Маҳал макбараси, Дехлидаги Қизил қалъа ва Жомеъ масжид, Лоҳур ва Тхаттадаги йирик масжидлар, Товус тахт, Кашмир ва Лоҳурдаги Шалимар боғлари шулар жумласидандир. Шохжаҳон Бобур бошлаб берган боғдорчилик санъатини янада кенг ёйиб, буюк боғбон сифатида ҳам тарихда ном қолдирган. У биргина Кашмир вилоятида 777 та боғ бунёд эттирган.

Шоҳжаҳон Бобурнинг «Бобурнома» ва бошқа асарларини қайта-қайта ўқишни ёқтирган, айти пайтда унинг ўзи ҳам шоир ва рассомларга ҳомийлик қилган. Бобурнинг «Ҳиндистон девони»даги охириги саҳифага Шоҳжаҳон ўз муҳрини қўйган. Ундаги рубоийнинг Бобур қўли билан ёзилганини тасдиқлаган қўлёзмаси ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Шоҳжаҳон даврида нақшбандия тариқатининг машҳур намояндаси, ориф шайх Аҳмад ибн Абдулаҳад Форуқий Сарҳандий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам яшаган. Иккинчи минг-йилликнинг мужаддиди деб улуғланадиган бу улуғ зот имом Раббоний номи билан машҳурдир. Шоҳжаҳоннинг отаси Жаҳонгир отаси Акбар жорий этган нарсалар ичида подшоҳ олдиға кирганда сажда қилиш одатини бекор қилмаган эди. Чакимчилар имом Раббоний ҳақида Жаҳонгирға нотўғри маълумотлар етказганида, у зотни саройға чорлайди. Имом Раббоний подшоҳнинг олдиға кириб, унга сажда қилмай, шарриятға мувофиқ салом беради. Жаҳонгир у кишини қамашға амр этади. Қамокдаги нозирлар ва маҳбуслар имом Раббонийнинг шахсияти таъсири остида мисли кўрилмаган тарбия ола бошлайдилар. Бу ҳақдаги хабар Жаҳонгирға етгач, хурсанд бўлиб, имом Раббонийни озод қилади ва қасрга ташриф буюришини сўрайди. Валиаҳд Шоҳжаҳон имом Раббонийни катта эҳтиром билан кутиб олади. Подшоҳ Жаҳонгир у зотдан узр сўрайди. Шунда имом Раббоний унга ваъз-насихат қилиб, қуйидаги ишларни амалға оширишини сўрайди:

1. Подшоҳға сажда қилишни ман қилиш.
2. Сигир (қорамол) сўйишға рухсат бериш.
3. Барча шаҳар ва кишлоқларға қози ҳамда кузатувчи қўйиш.
4. Бузилган масжидларни қайта тиклашға ёрдам бериш.
5. Ношаръий қонунларни бекор қилиш.

Бу таклифларнинг барчаси амалға оширилди. Шоҳжаҳон имом Раббоний ва бошқа уламоларнинг эҳтиромлари-

ни ўрнига қўйди. Урду тилини давлат тилига айлантирди. У илму ҳикматни севар, олимларни китоб ёзишга чақирар ва уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлар эди. Шохжаҳоннинг машҳур аллома Абдулҳаким Сайлакутийга ҳар йили юз минг рупия бериб тургани маълум ва машҳурдир. Бундай иззат-ҳурмат сабабли у зот баракали ижод қилиб, жуда кўп илмий асарлар ёзиб қолдирган.

Шохжаҳон 1658 йилда оғир касалликка чалинади. У ўзи учун Жамна дарёсининг ўнг қирғоғида қора мрамрдан мақбара қуришни тайинлайди. Ота вафот этмай туриб, унинг ўғиллари ўртасида тахт талашини бошланади ва бу курашда Аврангзеб ғолиб чиқади. Гарчи Шохжаҳон тузалиб кетса-да, Аврангзеб уни тахтдан ағдариб, Аградаги Қизил қалъага қамайди. Шохжаҳонга то умрининг охиригача унинг қизи малика Жаҳоноро бегим хизмат қилади. Барча ҳуқуқлардан маҳрум этилган Шохжаҳон фақат дарча орқали Тож Маҳал мақбарасига қараш имконига эга бўлган.

Шохжаҳон ҳижрий 1076 (милодий 1666) йилда вафот этади ва собиқ подшоҳ вафотининг эртаси куни Тож Маҳал мақбарасига, севимли рафиқасининг ёнига дафн қилинади.

АВРАНГЗЕБ (ОЛАМГИР)

(ҳижрий 1069–1119)

Бобурийлар сулоласига мансуб бу подшоҳнинг тўлик исми Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгирдир. «Аврангзеб» лақаби «тахтнинг зийнати» маъносини, «Оламгир» эса «оламини олувчи» маъносини билдиради. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг набираси, Шохжаҳоннинг ўғлидир. Аврангзеб ҳижрий 1028 (милодий 1619) йилда туғилган.

Онаси Мумтоз Маҳал бегим ёш Аврангзебни имом Раббонийнинг ўғли шайх Муҳаммад Маъсум Сарҳандий тарбиясига беради. У шайхнинг қўлида Қуръони Каримни ёд

олади, ҳанафий мазҳаби фикҳини, хаттотлик илмини ўрганади. У араб, форс ва турк тилларини яхши билар, адабиётнинг мухлиси бўлиб, ўзи ҳам ғазаллар ёзарди.

Аврангзеб бошқа уламолардан ҳам кўплаб илмларни ўрганиб, диний илмларда пешқадам бўлди. Тасаввуфни яхши ўзлаштирди, Ислом шариатига ва одобларига жуда қаттиқ амал қиладиган обид инсон бўлиб етишди, одил ва зоҳид ҳукмдор бўлди.

Аврангзеб эллик йил ҳукм юритди. Бироқ бу даврда жуда кўп кўзғалонларга, қийинчиликларга дуч келди. Умрининг кўп қисмини жанг майдонларида ўтказди, ўлими ҳам жанг майдонида бўлди.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир Ҳиндистонга подшоҳ бўлган даврида Ислом дини учун ғоятда жонқуярлик қилган. У имом Раббонийнинг ўғли шайх Муҳаммад Маъсумга қўл бериб, аҳли сулуклардан бўлган ва Ислом динининг равнаки учун кўп фойдали ишларни амалга оширган.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир барча юртларда шариат қонунларига амал қилиш, қозиларга енгиллик яратиш мақсадида фикҳий масалаларни тартибга солиш ва уларни янгича услубда ёзиб чиқишга амр қилди. У бу ишни амалга ошириш учун ўша вақтнинг кўзга кўринган уламоларидан бир гуруҳ тузди. Мазкур уламолар фикҳий масалаларни осон ва равшан иборалар билан ёзиб, янгича тартибга солишлари керак эди. Масалаларни олишда зоҳир-ривояга суяниш, зарурат бўлмаганда «наводир»га қарамасликка келишилди. Шунингдек, масаланинг қайси китобдан олингани ҳақида маълумот келтириладиган бўлди.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир бу уламолар гуруҳига шайх Низомуддин Бурҳонпурийни раис этиб тайинлади. У киши ҳанафий фикҳининг кўзга кўринган алломаларидан йигирма кишини танлаб олди. Машаққатли уринишлардан

кейин олти жилдлик ажойиб илмий асар дунёга келди. Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир бу иш учун икки юз минг рупия сарфлади. Бу ўша вақтда жуда катта маблағ эди.

Ислом оламида ушбу улкан илмий асарнинг икки номи бор. Ҳиндистон ва унга яқин минтақаларда бу китоб «Ал-фатавий ал-Оламгирия» деб аталади. Албатта, бунда Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгирга бўлган эҳтиром ўз аксини топган. Миср, Шом ва Туркияда бу улкан фикҳий асар «Ал-фатавий ал-Ҳиндия» деб аталади.

«Ал-фатавий ал-Оламгирия»нинг муқаддимасида ёзилишича, китобнинг тартиби Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги тартибга мосланган ва бошқа китоблардаги такрор ва зиёдалар тарк қилинган. Далил ва ҳужжат келтиришга ўтилмаган, далиллар изохга ҳожат тушгандагина зикр қилинган. Асосан зоҳирур-ривоя билан кифояланилган. Қайси китобдан иқтибос олингани ёзиб борилган ва уларнинг иборалари ўз ҳолида қолишига эътибор берилиб, зарурат юзасидангина жузъий ўзгартиришлар киритилган. Омонат юзасидан ўзгартирилмаган жумлаларга «казо», ўзгартирилганларига эса «ҳоказо» сўзлари билан ишора қилинган. «Ал-фатавий ал-Оламгирия» ҳанафий фикҳидаги энг мўътабар китоблардан бўлиб, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Кувайт давлати Вақф ва исломий ишлар вазирлиги томонидан йўлга қўйилган «Ал-мавсуъа ал-фикҳийя»нинг муаллифлари ҳам ўз асарларининг муқаддимасида бу улуғ асарга ўзларидан аввал ўтган муаллифлар жамоасининг меҳнат маҳсули сифатида юқори баҳо берганлар.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир раҳматуллоҳи алайҳ ҳижрий 1118 йил 28 зулкаъда куни (милодий 1707 йилнинг 20 феввалида) Аҳмаднагар шаҳрида, тахминан етмиш ёшида вафот этди ва Аврангбодда дафн қилинди. Мусулмонлар оммаси бу зотга Аллоҳ таолонинг валий бандалари қаторида қарайдилар.

Султон Муҳйиддин Аврангзеб Оламгирдан кейин нотинч ҳолатлар юзага келди. Ҳинд юртида мўғул императорлари қолмади. Уларнинг ёди ўчди. Ҳижрий 1152 (милодий 1739) йилда Нодиршоҳ Эрондан Ҳиндистонга бостириб келди. У жуда қатта ғалабаларга эришиб, Дехлигача етиб келди ва қирғин келтириб, шаҳарни вайронага айлантирди. Бойликларини талаб, сўнг Эронга қайтиб кетди. Ҳижрий 1162 (милодий 1748) йилда Афғонистон подшоҳи Аҳмадшоҳ Абадли Ҳиндистонга юриш қилиб, Лоҳур, Дехли ва бошқа минтақаларни эгаллаб олди.

Бобурий императорларнинг ниҳояси

Шундан кейин бобурий шоҳлар ҳиндуслар ва инглизларнинг нуфузи остида юрадиган бўлишди. Ниҳоят инглизлар сўнгги император Баҳодиршоҳни ҳибсга олиб, ҳижрий 1275 (милодий 1858) йилда Бирмага сургун қилдилар. Унинг ўша ердаги ўлими билан бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги тугади.

Ҳиндистонда Европа мустамлакаси

Европа қадим замонлардан Ҳиндистонни мустамлака қилиб олишга кўз тикиб келар, чунки бу юрт ғоятда бой, тупроғи хомашёларга қон эди. Европанинг бу орзуси Яхши умид бурни кашф қилиниб, Европадан Ҳиндистонга тўғридан-тўғри денгиз йўли очилганидан сўнг юзага чиқди. Дастлаб португалияликлар ўзларининг истилочилик ҳамлаларини бошладилар. Улар ҳижрий 906–1009 (милодий 1500–1600) йилларда бу ерда етакчи куч бўлиб туришди. Сўнг Голландия ва Франция Ҳиндистондаги баъзи жойларни эгаллаб олди. Бироқ Англия уларнинг ҳаммасидан устун келди ва бу ўлкада ёлғиз ўзи ҳукмронлик қиладиган бўлди.

Англия Ҳиндистонда «Шарқий Ҳиндистон ширкати» деган ширкат тузди. Бу иш Британия химояси остида бўлди.

Аввалда бу ширкат фақат тижорий фаолият юритди, бироқ кейинчалик барча соҳани ўз қўлига олди.

Мазкур ширкатнинг фаолияти ҳижрий 1009 (милодий 1600) йилда бошланди. Ҳижрий 1275 (милодий 1858) йилга келиб инглизлар Ҳиндистоннинг Британияга тобе эканини очиқдан-очиқ эълон қилишди. Инглизлар бу ўлкада мусулмонларга қарши зулмкорлик сиёсатини олиб боришди. Бобурийлар давлати йўқ бўлгач, Ҳиндистондаги миллионлаб мусулмонлар бахтсизлик, қашшоқликка юз тутишди, жаҳолатга кўмилиб яшашга мажбур бўлишди. Бунинг устига британияликлар мусулмонларга қарши ҳиндлар ва сикхларни ҳам ишга солдилар. Британиянинг тижорий фаолияти очиқ-ойдин мустамлакага айлангани аён бўлгач, Ҳиндистонда жуда кўп кўзғалонлар кўтарилди. Бу кўзғалонларнинг кўпига мусулмонлар бошчилик қилдилар.

Муҳаммад Алий Жаноҳ. Покистон давлатининг тузилиши

Муҳаммад Алий Жаноҳ 1947–1949 йилларда ҳинд халқи ва мусулмонларнинг орзуларини амалга ошириш йўлида жуда кўп ҳаракатлар қилди. Ҳиндистон мусулмонлари бу зотга «Қоиди аъзам» («Энг буюк етакчи») деган унвон бердилар. Унинг оқилона раҳбарлиги остида мусулмонларнинг узоқ вақтлардан бери кутиб келаётган орзулари рўёбга чиқди. Ҳижрий 1367 (милодий 1947) йилда озод ва мусулмон Покистон давлати тузилди. Муҳаммад Алий Жаноҳ эса Покистоннинг умумий ҳокими деб эълон қилинди. Ҳиндистонда Британия мустамлакачилиги тугади.

Ўша пайтларда Ҳиндистонни ҳиндлар ва мусулмонлар давлатига ажратиш бўйича ҳаракат пайдо бўлди. Ҳижрий 1349 (милодий 1930) йилда эса бу ҳаракат аста-секин кучая бошлади.

БЕШИНЧИ ФАСЛ

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДАГИ ВАЗИЯТЛАР

(ҳижрий 923–1341)

Ушбу минтақа Малайзия, Индонезия ва жанубий Филиппинни ўз ичига олади. Бу минтақага фотиҳларнинг қадами етмаган бўлиб, Ислом у ерларда тижорат ва даъват йўли билан тарқалган.

1. ИНДОНЕЗИЯНИНГ ИСЛОМИЙ ПОДШОҲЛИКЛАРИ

АТЧА ПОДШОҲЛИГИ

(ҳижрий 920–1322; милодий 1514–1904)

Атча подшоҳлиги Суматранинг шимолида жойлашган. Бу подшоҳлик икки муҳим нарсага суянган:

- Исломни тарқатиш;
- Мустамлакага қарши курашиш.

Бу давлатнинг машҳур султонларидан энг биринчиси ҳижрий 920–935 (милодий 1514–1528) йилларда ҳукм юритган, португалияликларга қарши жасорат билан курашган ва уларни ўз юртидан ҳайдаган Алий Муғисшоҳдир.

Султон Искандар Муданинг ҳукмронлиги ҳижрий 1016–1047 (милодий 1607–1637) йиллар мобайнида давом этиб, бу давр Атчанинг энг фаровон даври бўлди. Султон Искандар Муда ўз юртини кенгайтирди, Исломни Суматранинг барча тарафларига тарқатишга эришди. Португалияликларга қарши курашда кўп ғалабалар қозонди. Бироқ келгуси йилларда урушлар ва иқтисодий муаммолар сабабли бу юртнинг аҳволи ёмонлаша бошлади.

Заифлашувнинг яна бир сабаби шуки, бу мамлакат ғарб мустамлакачиларига қарши тинимсиз уруш олиб боришга мажбур бўлди. Мустамлакачилар бу қулай фурсатдан ус-

талиқ билан фойдаланишди. Голландия ҳижрий 1322 (милодий 1904) йилда фитна ва ҳийла ишлатиб, Индонезияни босиб олди ва ўз мустамлакасига айлантирди.

ЯВА ОРОЛИДАГИ ДИМАК ПОДШОҲЛИГИ

(ҳижрий 918–960; милодий 1512–1553)

Димак подшоҳлигининг умри қисқа бўлса-да, унинг подшоҳлари ҳақиқий қаҳрамонлар бўлишган.

Уларнинг биринчиси Радин Фаттоҳ бўлиб, Ява ороли унинг даврида мустақилликка эришди. Ундан кейин ҳокимиятни ўғли Батих Юнус олиб, мамлакатини кенгайтирди, португалияликлар билан ҳамкорлик қилган Маажаббит эса хинду императорлигини тугатди.

Ҳижрий 938 (милодий 1531) йилда Батих Юнус вафот этгач, ҳокимият тепасига машҳур инсон, мужоҳид Радин Тиринжано келди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Фарбий Ява Исломга кирди. Радин Тиринжано ҳижрий 953 (милодий 1546) йилда вафот этди.

ФАРБИЙ ЯВАДАГИ БУНТАН ПОДШОҲЛИГИ

(ҳижрий 960–1096; милодий 1553–1685)

Бунтан подшоҳлиги Димак подшоҳлигидан ажраб чиқиб, мустақил бўлган. Унинг биринчи подшоҳи Султон Ҳусниддин ҳижрий 960–978 (милодий 1553–1570) йилларда ҳукмронлик қилган. Унинг даврида давлат тараққий этиб, обод бўлган. Ҳижрий 978–988 (милодий 1570–1580) йилларда, унинг ўғли Юсуфнинг даврида Ислом кенг тарқалган, Ява ороли муҳим тижорий марказга айланган.

Бунтан подшоҳларининг энг улуғи султон Ажунж Тартоёса бўлган. Унинг даврида давлат равнақи ўзининг чўққисига чиққан. Афсуски, Голландия бу давлатга қарши ҳарбий ҳужум уюштириб, ҳижрий 1096 (милодий 1685) йилда уни йўқ қилган.

МАТАРОМ ПОДШОҲЛИГИ

(ҳижрий 991–1055; милодий 1583–1645)

Матарам подшоҳлиги бутпараст ҳиндуийларнинг давлати бўлган. Милодий 1583 йилда бу давлат тепасига муслмон раҳбар Сануфати келиб, Исломни Ява оролининг барча худудларига тарқатган, подшоҳликни бирлаштирган.

Матарамнинг энг улуғ раҳбарларидан бири бу давлатга асос солган Сануфатининг набираси султон Ажуванждир. У ҳам бобосининг ишини давом эттириб, Марказий Ява ва бутун минтақада Исломнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бу султоннинг ўлиmidан кейин мамлакатда ички курашлар кўпайиб, бундан фойдаланган голландияликлар мазкур давлатни ҳам ўз мустамлакасига айлантирган.

МУКАССАРДАГИ ҒУВВА ПОДШОҲЛИГИ

(ҳижрий 1013; милодий 1619)

Бу давлат минтақадаги қулай денгиз йўлида жойлашган Салавийсий оролида ташкил топган. Мукассар халқи Голландияга қарши эллик йил кураш олиб борган. Бу даврда давлатни бошқарган подшоҳ Хусниддин улар устидан қатор ғалабаларга эришган, кўплаб оролларни ўз давлатига қўшиб олган. Голландияликлар уни ҳеч мағлуб эта олмагач, фитна уюштириб, подшоҳ билан унинг одамларини уриштириб қўйибгина ғалаба қозонишга муваффақ бўлишган.

2. Малаю яриморолидаги подшоҳликлар

Малаю қулаганидан сўнг унинг ўрнида бир неча кичик подшоҳликлар пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси минтақада Исломни тарқатиш ва мустамлакачиларга қарши курашга салмоқли ҳисса қўшишди.

Малайзия Европа мустамлакаси сифатида

Португалия ўзининг ғаразли мақсадларига эришиш учун дастлаб Малайзия билан иқтисодий масалаларда, тижорат ниқоби остида алоқа ўрнатди. Ишончга кириб, етарлича шарт-шароитлар таъминлангандан кейингина ҳарбий ҳужумлар уюштириб, ҳижрий 915 (милодий 1509) йилда бўлиб ўтган Дийу жангида мақсадига эришди. Ҳижрий 917 (милодий 1511) йилда Голландия ҳозирги Малайзия ерларини тўлиқ эгаллаб олди. Голландияликлар ерлик аҳолига жуда ёмон муомалада бўлишди. Халқнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Салкам бир аср давом этган истибдод халқнинг фидокорона кураши сабабли ҳижрий 1051 (милодий 1641) йилда барҳам топди.

Аввал айтиб ўтилганидек, мустамлакачилар ўз фаолиятларини Голландия-Ҳинд тижорий ширкатига асос солиш билан бошлашди. Бироқ кўп ўтмай Англия бозорларни Голландиядан тортиб олди. Кейинроқ ҳижрий 1215 (милодий 1800) йилда Голландия ўз ширкатининг ёпилганини эълон қилди. Голландиянинг Малаю оролидаги ҳукмронлиги ҳижрий 1210 (милодий 1795) йилда ниҳоясига етди. Шундан сўнг сулҳ тузилиб, Англия Голландиядан Малаюни қабул қилиб олди ва Индонезия ороллари уларга топширди (ҳижрий 1240; милодий 1824 йил). Шундан кейин бу диёрда ҳам мустамлакачиларга қарши кўзғалонлар кўтарилди.

Иккинчи Жаҳон уруши даврида Япония Малаюни эгаллаб олган эди. Урушдан кейин Британия мустамлакачилари яна қайтиб келишди. Ниҳоят ҳижрий 1377 (милодий 1957) йилдагина бу юртлар Малайзия номи билан ўз мустақиллигини эълон қилди.

Индонезия Европа мустамлакаси сифатида

Голландиянинг ҳижрий 1011 (милодий 1602) йилда Шарқий Ҳиндистон ширкатини ташкил қилиш билан бошлаган мустамлакачилик ҳаракати натижасида ҳижрий 1022, ми-

лодий 1613 йилда султон Матарамнинг мусулмон давлати билан Голландия ўртасида конли уруш бошланди.

Иккинчи Жаҳон уруши даврида Япония Индонезияни ҳам босиб олган эди. Урушдан кейин мамлакат яна голландияликларнинг қўлига ўтди.

Индонезия ҳижрий 1365 (милодий 1945) йилда мустақил бўлди.

Мальдив ороллари

Ислом дини Мальдив оролларида ҳижрий VI (милодий XII) асрда тарқалган эди. Бу кичик мамлакатга дастлаб Португалия мустамлакачилари, сўнг голландияликлар етиб келишган. Англия эса бу диёрга ҳижрий 1211 (милодий 1796) йилда кириб келди. Мальдив халқи ҳижрий 1305 йилда босқинчиларга қарши йирик кўзғалонлар бошлади. Ҳижрий 1367 (милодий 1947) йилда Мальдив Британиянинг ҳимояси остига киритилган. Ҳижрий 1373 (милодий 1953) йилда Мальдив мустақил жумҳурият деб эълон қилинган.

ФИЛИППИНДАГИ ВАЗИЯТЛАР

Қўшни ороллардаги каби Филиппинда ҳам ўрта асрларда Ислом дини тарқалиб, Филиппин оролларининг барчасини қамраб олиши, у ерда ҳам Индонезиядаги каби Ислом давлати қурилиши мумкин эди. Бироқ Испания мустамлакаси туфайли Филиппиндаги вазият бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетди.

Филиппин оролларида ҳижрий 927 (милодий 1521) йилда испан салибчилари бостириб келишди. Испаниянинг Филиппинда ҳам Андалусдаги мусулмонларга қилган муносабати даври келди. Испанларнинг Филиппиндаги ҳукмронлиги жуда узоқ, яъни ҳижрий 1316 (милодий 1898) йилгача давом этди. Ана шу тўрт асрга яқин давр мобайнида испанлар мусулмонларни кириб, юртларини вайрон

килишди, халқни насроний динига киришга мажбурлашди. Бироқ халқ мустабид босқинчиларга бўйсунмади, испанлар мусулмон амирликларни батамом йўқ қила олмадилар. Минданау ва Сулу оролларида Испаниянинг кучи етмаган амирликлар ҳамон бор эди.

Ҳижрий 1317 йилда Филиппин ороллари Американи Қўшма Штатлари эгаллаб олгач, халқда озодлик ҳаракати пайдо бўлиб, босқинчиларга қарши кураш бошланди. Бироқ ҳижрий 1339 (милодий 1920) йилгача давом этган бу курашда мусулмонлар мағлуб бўлишди. Улар жуда ҳам заифлашдилар, турли касалликлар тарқалди. Мусулмонлар қашшоқлашиб, жаҳолатга юз тутган бир пайтда салибчилар насроний динидагиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришди. Шунинг учун бу юртларда мусулмонлар камайиб кетди.

Ҳижрий 1366 (милодий 1946) йилда Америка Қўшма Штатлари Филиппинни мустақил давлат деб эълон қилди. Ҳозирги кунда Жанубий Филиппиндаги 13 та вилоятда мусулмонлар бор. Улар ҳозиргача автономия (мухторият) олиш учун кураш олиб боришмоқда.

МУСУЛМОНЛАР ТАНАЗЗУЛИНИНГ УЧИНЧИ ЭНГ МУДҲИШ ТАШҚИ ОМИЛИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИДИР

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан маълум бўлдики, мусулмонларнинг таназзулига сабаб бўлган ташқи омиллар иккита бўлиб, булар салибчилар юриши ва мўғуллар истилосидир. Энди эса мазкур таназзулнинг учинчи ва энг мудҳиш омили ҳақида қисқача сўз юритишга ҳаракат қиламиз. Муқаддима сифатида мазкур мавзуга бағишланган, интернетда нашр қилинган бир илмий мақолани қисқартирилган ҳолда, она Ватанимиз фарзандларининг мустамлакага муносабати сифатида келтиришга ижозат бергайсиз.

МУСТАМЛАКА ВА ҚАРАМЛИК ШАРОИТИДА МАЪНАВИЯТ

Тарихдан маълумки, бир халқни тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқларининг маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочилар, босқинчилар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларидан биридир. Истилочи мамлакат ўзи босиб олган юртда яшовчи халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни истайди ва бунинг учун ўз мафкурасини, ўз ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, она тили, урф-одатлари ва миллий қадриятларининг ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади...

...Истилочи ва босқинчилар маҳаллий халқнинг маданият ва маънавиятини барбод қилиш, она тилининг ривожланишига, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик уларни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларидан бири эканини жуда яхши билишган...

...Маданият, маориф зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Бундай ўлкада оммининг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарволик бошланади. Оқибатда миллий ғурур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Бундай аҳволга тушган мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантуриш осон бўлади....

Чингизхон ҳам Ўрта Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига «Шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ қилиб тайинланглар, уларни қўллаб-

қувватланглар, кўқларга кўтариб мактайверинглар. Аммо маҳаллий халқнинг ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар», деб топшириқ берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўз маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларидан жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолиб, қовуша олмайди, уюшмайди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, босқинчи ҳукмдорлар ҳамма вақт, ҳамма ерда ўзлари босиб олган мамлакат ҳудудларида Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргиздилар. Ўрта Осиё халқлари ҳам бундан мустасно эмас. Илм-фан ва маданият, маънавиятнинг энг ривожланган марказларидан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерлик аҳолини қарамлик, қуллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоклик ҳолатида ушлаб туришни мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади.

Чор ҳукумати ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф, мулоҳаза ва ҳулосалар бериш топшириғи билан кўпчилик олимлар, мутахассислар ва бошқа соҳа кишиларини Туркистонга юборди...

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д.Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», деб «башорат» қилган эди.

Дарҳақиқат, бу машъум режа изчиллик билан амалга оширилди. Инсониятга маънавий-ахлоқий тарбия бериш учун нозил қилинган муқаддас Қуръони Карим, ҳадиси шарифлар, Бухорий, Термизий, шайх Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Баҳоуддин Накшбанд каби буюк уламолар, фозилу фузалоларнинг мўътабар асарларига ўт қўйилди, сувларга оқизилди, халқдан яширилди. Қарамлик ва муте-

лик йилларида содир бўлган бу даҳшатли воқеалар ўзбек халқининг миллий маънавиятини муайян даражада таназзулга учратди. Шўро ҳукумати ўрнатилиб, «социалистик» тузум қурила бошлаган дастлабки йиллардаёқ аввало барча зиёлилар ва ҳатто араб ёзувига асосланган ўзбек ёзувини биладиган (мулла деб ном олган) кишилар ҳам ўлдирилди, камалди, сургунга жўнатилди. Кейинчалик эса уйдан араб алифбосида ёзилган китоб ва қўлёзмалар чиққан одамлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олинди. Хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми – зиёлиларга, маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бундай қатағонлар ўтган йиллар давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди...

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда Ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин-кетин камалди, сургун қилинди, ими-жимида отиб ташланди. Чорак кам бир аср давомида диний-маънавий тарбияга ўрин берилмади, аксинча, диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтилмаган гап қолмади.

Энг даҳшатлиси шу бўлдики, Ислом динини «фош этиш» мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари вайрон қилинди. Коммунистлар ва бошқа раҳбар-ходимлар ҳатто ота-онасининг, яқин кишиларининг жанозасига боришдан қўрқиб қолишди, юрак ютиб борганлар эса партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши мурасасиз кураш ниқоби остида ўрта аср меъморчилигининг такрорланмас намунаси бўлган, миллий нақшлари жилоланиб турган минглаб масжидлар, юзлаб мадрасалар, халқимизнинг миллий ғурури ҳисобланган муҳташам қасрлар, тарихий обидалар, хон ва амирларнинг саройлари ваҳшийлик билан бузиб ташланди, бойликлари очкўзларча таланди, улар омборхоналарга, пахта қуритадиган жойларга айлантилди. Бу каби хунук ишлар «феодал ўтмиш кол-

дикларидан, эскилик саркитларидан тозалаш» деган қизил сўзлар билан ниқобланди.

Мустақиллик туфайли диний кадриятларга бўлган бундай салбий муносабатларга барҳам берилди...

...Ўзбек тили четга суриб ташланди, унинг мавқеи бе-ниҳоя пасайиб кетди. Натижада рус тилини билмайдиган одам масъул лавозимларда ишламайди, деган тушунча юзага келди. Аслида ҳам аҳвол шундай эди. Ҳаёт тарзи, иш шароити фақат рус тилини билишни талаб қиларди. Натижада ўзбеклар орасида ўзбек тилини билмайдиганлар, ўзбекча ёзолмайдиганлар ва ҳатто ўзбекча фикрлай олмайдиганлар кўпайиб кетди. Ўз она тилини билмаслик айб саналмайдиган бўлди.

Мустабид тузум сиёсатининг талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси бўлмиш имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000–1200 йиллик кўҳна тарихидан, ўтмишидан, маънавий-маданий меросидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар асосан араб ва форс тилларида ёзилган эди. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмайдиган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишдаги риёкор сиёсат натижасида мўғуллар босқини келтирган йўқотишдан ҳам кўра каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меросимизни йўқотишга уринишнинг янгича йўли эди.

(Муаллиф: Саъидов)

МУСУЛМОН ОЛАМИ МУСТАМЛАКА АСОРАТИДА

Европалик мустамлакачилар дунёни бўлиб олиш сиёсати жараёнида мусулмон оламини ҳам тақсимлаб олишди. Мустамлакачилар жуда усталик билан иш тутар эдилар. Аввал Колумб, Васко да Гама, Магеллан каби «кашфиётчи»ларни юборишар ва улардан керакли маълумотларни олишарди. Кейин насроний миссионерларни юбориб, улардан ҳам керакли қўшимча маълумотларни тўплашарди. Сўнг шарқшунослар ишга тушар эдилар. Барча зарур тайёргарликлар кўриб бўлинганидан кейингина қўшинлар ҳаракат бошларди.

Дастлаб Португалия баъзи мусулмон ўлкаларга ҳужум бошлади. Шундан сўнг 1881 йилда Франция Тунисни, 1882 йилда Англия Миср ва Суданни, 1895 йилда Италия Сомали ва 1910 йилда Ливияни босиб олди. Шу тарзда мусулмон оламининг барча диёрлари мустамлакачилар асорати остида қолди. Европа давлатлари ўзининг мустамлакачилик сиёсатини қай тарзда амалга оширганини мусулмон оламидаги йирик мамлакатлардан бири Миср мисолида қисқача эслаб ўтайлик.

Маълумки, Миср турли сабабларга кўра Франция ва Англия мустамлакачилари ўртасида талаш бўлган. Аввал мамлакатга Наполеон бошчилигидаги французлар бостириб келган. У Искандарияни босиб олгач, мисрликларга нома юборган. Бузуқ араб тилидаги, хатолари ғиж-ғиж бу нома қуйидагича бошланарди:

«Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм. Лаа алааҳа иллаллоҳу. Лаа валада лаҳу ва лаа шарийка лаҳу фий мулкиҳи. Франсовийлардан, ҳуррият ва тенглик асосида бино қилинганлардан. Катта аскарнинг сирри ва франсовий лашкарларнинг амири Бонапартдан....»

Шундан сўнг Наполеон Миср халқини алдаш учун нима хоҳласа, шуни айтган. Французлар ҳам мухлис мусулмонлар экани, усмоний султонларни яхши кўришлари ва бошқа сафсаталар келтирилган.

Наполеон билан бирга Мисрга илмий гуруҳлар ҳам келган, матбаачилик дастгоҳлари келтирилган. Бироқ боскинчилар ўзлари билан фоҳиша аёлларни ҳам олиб келишган эди.

Матбаа дастгоҳлари Қуръони Каримни чоп қилиш учун олиб келингани айтилган бўлса-да, бироқ у билан Қуръони Карим таълимотларини бузиш учун худосизлик таълимотлари чоп қилиб тарқатилган.

Илмий гуруҳ Мисрнинг осори-атийқаларини ўрганиш учун келгани эълон қилинган бўлса-да, аслида улар мисрликларнинг асл маданияти Исломга эмас, фиръавнга боғлиқлигини исбот этишга уринишган ҳамда мамлакатдаги тарихий асарларни ўғирлаб кетишга хизмат қилишган.

Фоҳишаларнинг «колок» халқларга янги «маданият»ни тарқатиш учун келгани эълон қилинган. Улар кўчама-кўча юриб, мисрлик эркакларни зинога чорлаш, аёлларни эса ўзларидан ўрнак олишга қизиқтириш хизматини бажарганлар.

Наполеондан бошқа мустамлакачилар ҳам худди шу йўлни тутишган, Мисрдан бошқа мустамлакаларда ҳам у қилган бузғунчиликлар амалга оширилган.

Усмонийлар давлати ўзига қарши чиққанларни жазолаш учун одатда Муҳаммад Алийни юборар эди. У 1805 йилда Мисрга волий қилиб тайинланди. Французлар Муҳаммад Алийни кучок очиб кутиб олишди, унга кучли лашкар тузиб беришди. Ўша вақтнинг тараққий этган куруллари билан таъминлаб, ҳатто денгиз флоти ҳам ташкил қилиб беришди. Хуллас, Францияга қарши чиққанларга қақшатқич зарба бериш учун керакли барча шароитларни яратиб бердилар. Ўз навбатида Муҳаммад Алий ҳам мусулмонларни Исломдан узоклаштириш учун нима керак бўлса, барчасини амалга ошириб, французларга ихлос билан хизмат қилди.

Муҳаммад Алийнинг Ғарб олдидаги энг «улуғ» хизматларидан бири ёшларни Францияга ўқишга юбориш бўлди. Шу тариқа аҳолининг зиёли қисмини ғарбийлаштириш ишига асос солинди. Мустамлакачиларнинг барчаси мустамлака халкларнинг ўзлигини йўқотиш, уларни ўзига қул қилиб олиш учун шундай қилганлар.

Ҳар бир мустамлакачининг ўз «Муҳаммад Алий»си бўлган. Улар мустамлакачи нима деса, шуни ихлос билан амалга оширган. Муҳаммад Алийнинг ўғиллари ҳам мустамлакачиларга малай бўлишди. Улардан бири Исмоил мақсадини очиқ-ойдин баён қилиб: «Мисрни Европанинг бир парчасига айлантиришни истайман», деган.

МИСР БРИТАНИЯ МУСТАМЛАКАСИ ОСТИДА

Французлар Мисрдан чиқиб кетгач, 1882 йилда давлатни Британия мустамлака қилиб олди. Мисрни мусулмонликдан чиқариб, ғарбийлаштириш энди британча усулда давом этди. Британия Францияга душман бўлса ҳам, умумий мақсад муштарак бўлгани учун, француз миссионерларининг мактаб ва институтларига тегмади.

Инглизлар французларга ўхшаб ортиқча шовқин-сурон кўтармай, зимдан иш олиб боришди. Англиянинг Мисрдаги биринчи ҳокими лорд Кромер (Earl of Cromer): «Илоҳий иноят ушбу юртдан устун қилган оқ танлиларнинг вазифаси имкон борича насроний тамаддунни собит қилишдир», деган эди. Миссионерлар унинг устидан Британия ҳукуматига шикоят қилишганда уларга мусулмонларни чўчитиб юбормайдиган тарзда ишлашни таклиф қилган эди.

Лорд Кромер Миср таълим вазирлигига роҳиб Данлопни (Douglas Dunlop) маслаҳатчи қилиб қўйди. У эса динни ўргатмайдиган диний таълим муассасаларини очиб, давлат ташкилотларига фақат шу муассасаларнинг битирувчиларини олиш ҳақида қарор чиқарди. Улар тўрт йилгина

юзаки таълим олган бўлсалар ҳам, ҳаммадан кўп маош олишар эди. Шу тарзда исломий илмларга, айниқса араб тилига қарши махфий қатағон олиб борилди. Таълим дастурига киритилган тарих, жўғрофия ва бошқа фанлар ҳам том маънода арабчадан инглизчага ўтказилди. Мисрликлар инглизлар истаган нарсанигина ўрганишлари заруратга айланиб қолди. Худди таълим вазирлигида бўлгани каби, бошқа барча вазирликларда ҳам мустамлакачилар нимани истаса, ўша нарсани амалга оширадиган бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, мустамлакачиликнинг асосий «унсурлари» (таркибий қисмлари): ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, маданий, руҳий (психологик) ва бошқа жиҳатлар мустамлакачилар истагандек амалга оширилди. Мустамлакачиликнинг мақсадига мос равишда маҳаллий халқларни ҳарбий, иқтисодий, маданий ва руҳий йўл билан эзиб, диндан, тилидан, ўз номидан ва миллий ўзлигидан воз кечишгача олиб бориш йўлида барча чоралар кўрилди.

Мустамлакачиликнинг мустамлака халқларга таъсири ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун иқтисодий ҳолатни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак. 1920 йилда Мисрнинг ерлик аҳолиси 16 миллион киши бўлиб, ажнабийлар 225 минг кишинигина ташкил этар эди. Аммо Мисрнинг умумий бойлигининг 53 фоизи ўша оз сонли чет элликларнинг қўлида бўлган. Бундай ҳолат ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ҳам кузатилган. Мустамлакачилар ерлик халқлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида уларга қарам бўлиши учун барча чора-тадбирларни кўрганлар.

Бундай золим сиёсатнинг оқибатлари тезда намоён бўлди. Мисрда араб тилини билмайдиган, лекин инглизчадан яхши бохабар, арабча кийимдан ҳазар қиладиган, бироқ инглизча кийим билан фахланадиган, ўз тарихини билмайдиган, лекин Англия тарихини сув қилиб ичиб юборган, сурати араб, моҳияти инглиз бир қатлам пайдо бўлди. Улар салибчи ва

мўғул босқинчилардан куч жиҳатидан мағлуб бўлган, аммо ақийдаси, миллий ғурури билан ғолиб келган аждодларнинг мутлақо акси эдилар. Бу авлод ўз миллатига хос барча нарсадан жирканиб, бегоналарга тегишли нарсаларга ҳавас қиладиган, бу билан фахрланадиган катлам эди.

Узоқ давом этган мустамлакачилик сиёсатининг натижаси ўлароқ Мисрнинг барча табиий бойликлари талаб тугатилди, мустамлакачиларни қизиқтирадиган нарсалар оз қолди. Мисрликлар ичида инглизларга ихлос билан, сидқидилдан хизмат қиладиган шоввозлар етарлича етишиб чиқди.

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Иккинчи Жаҳон уруши бутун дунёда миллий озодлик ҳаракатларининг авж олишига сабаб бўлди. Мустамлака давлатлар бирин-кетин озод бўла бошладилар. Энг қизиғи, миллий озодлик ҳаракатларига мустамлакачиларга яқин доиралар раҳбарлик қилар эди. Миллий озодлик ҳаракатининг раҳнамолари кўпроқ коммунистлар ёки миллатчилар эди. Барча давлатлар ана шундай йўллар билан озодликка эриша бошладилар. Бундай давлатларда европача маданиятга яқин кишилар ҳокимиятни қўлга олишди. Жумладан, Мисрда ҳам шундай бўлди. Миллий озодлик ҳаракати раҳбариятига Саъд Зағлул ва шунга ўхшаш «муносиб» одамлар топилди. Уларга нима дейиш, нима қилиш яхшилаб тушунтирилди. Улар халқни босқинчиларни юртдан ҳайдаб чиқаришга чақирдилар. Орадан кўп ўтмай, Саъд Зағлул ҳибсга олинди. Ҳамманинг эътибори унга қаратилди. Унинг «адабини бериб қўйиш», жазолаш учун «сургун» қилинди. Натижада у бир неча йилдан сўнг «халқ қаҳрамони» сифатида сургундан қайтиб келиб, Миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қила бошлади. Одамлар Саъд Зағлул нима деса, шуни қабул қилишга тайёрлаб қўйилган эди.

Шу тариқа Мисрда ҳам, бошқа собиқ мустамлакаларда ҳам озодлик ҳаракати бир хил сценарий асосида олиб борилди. Аввалига халқ озодлиги ҳаракатига мустамлакачиларга ҳар томонлама мос келадиган кимсалар раҳнамо бўлиб олар, шундан сўнг босқинчилар юртдан қувиб чиқарилар эди. Энди орзуимиз ушалди деб қувонган халқ бу раҳнамоларни ўзига раҳбар деб билар, улар эса янги мустақил давлат низомини Франция ёки Англия конституцияси андозасида ташкил қилишарди.

Дунёнинг ишлари қизик экан, бу қонунлар ҳали-ҳануз амалда. Авом халқ эса: «Мусулмон бўлсак ҳам, нима учун колоқмиз?» деб ҳайрон бўлиб юришибди.

Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳақиқий ватанпарвар раҳбарлар она Ватани, ўз халқи, эл-юрти учун улкан хизматларни қилдилар ва қилиб келмоқдалар. Кўпчилик мусулмон давлатлар мустақилликка эришгач, ҳаётнинг барча соҳаларида сезиларли тараққиётга эришмоқда ва бу жараён изчиллик билан давом этмоқда.

Бугунги кундаги Ислом оламини ташкил этган давлатларни Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти орқали билиб олиш мумкин. Шунинг учун кейинги бобда ушбу ташкилот ва унга аъзо давлатлар билан танишиб чиқишни лозим кўрдик.

САККИЗИНЧИ БОБ

БУГУНГИ КУНДАГИ ИСЛОМ ОЛАМИ

(ҳижрий 1417 йилдан бошланади)

БИРИНЧИ ФАСЛ

БУГУНГИ КУНДАГИ ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ТАЪРИФИ

Ислом олами

Ислом олами деганда аҳолисининг 50 фоиздан кўпини мусулмонлар ташкил қиладиган давлатлар назарда тутилади. Ушбу кўрсаткич энг муҳим мезон ҳисобланади. Бундан бошқа мезонлар ҳам бор. Мисол учун, Ислом расмий дин деб тан олинган давлатлар ёки қонунчилиги Ислом шариятига асосланган мамлакатларни ҳам Ислом олами таркибига киритиш мумкин. Муайян давлатни мусулмон мамлакат деб аташ учун учинчи мезон ҳам бор, бироқ унинг аҳамияти юқори эмас. Бу мезонда давлат бошлиғининг эътиқоди эътиборга олинади. Мусулмон одам раҳбар бўлган давлатни ўз-ўзидан Ислом давлати дейиш мумкин. Ислом Ҳамкорлик Ташкилотида бу мезонларнинг ҳаммаси эътиборга олинган.

Қуйида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар тўғрисида сўз юритилади. Уларнинг баъзилари Ислом давлати деб аталса-да, аҳолисининг таркибида мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилмаслиги мумкин. Масалан, Уганда, Камерун ва Бенин каби давлатларда шундай. Бундай давлатлар қадимда «Дорул Ислом» деб аталиб, уларда Аллоҳ таолонинг шарияти жорий қилинган.

Ислом оламининг чегаралари ва майдони

Ислом оламининг жами майдони 31 миллион квадрат километрни ташкил этади. Бу улкан майдоннинг 30 фоиз қисми қуруқликдан иборат ва унинг чегаралари шарқда Индонезиядан

бошланиб, ғарбда Селгергача, шимолда Туркистондан бошланиб, жанубда Мозамбиккача бўлган кенгликни ўз ичига олади.

Дунёда мусулмонларнинг сони

Бугунги кунда мусулмонларнинг сони 1,5 миллиарддан ортиқдир. Уларнинг кўпчилиги Ислом оламида, қолганлари ғайримусулмон давлатларда яшайдилар.

Мусулмон аҳолиси энг кўп давлатлар Осиёда жойлашган бўлиб, улар Ҳиндистон ва Хитойдир.

Ислом бирлигининг омиллари

Ислом бирлигининг энг муҳим ва энг кучли омили Ислом динидир. Бу бирликнинг бошқа ёрдамчи омиллари ҳам бор бўлиб, улар араб тили, Қуръони Карим, Ислом тарихи, Ислом маданияти, оммавий одоб-ахлоқлар, урф-одатлардир. Ислом оламини ташкил этувчи ирқлар кавказ, мўғул, занжийлар (қоратанлилар), сомлар (араблар) ва ҳомлардан иборатдир.

Ислом оламидаги энг машҳур тиллар

Ислом оламида энг кенг тарқалган тилларнинг сони 25 тага етади. Бу тилларнинг энг муҳимлари араб, бенгал, ҳавса, панчобия, турк ва урду тиллари ҳисобланади.

Ислом оламида яшайдиган энг машҳур диний халқлар

Индонезия ва Бангладешда ҳиндуслар, Жануби-Шарқий Осиёда буддистлар, Малайзия ва Шарқий Туркистонда конфуцийлар истикомат қилишади.

Мусулмонларнинг эътиқодий ва фикхий мазҳабга кўра тақсмоти

1. Ислом оламида Аҳли сунна вал жамоа эътиқодий мазҳабига мансуб мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилади. Мусулмонларнинг тахминан 94 фоизи суннийлардир.

2. Шийъалар озчилик бўлиб, 6 Ҷоизни ташкил қилишди. Шийъалар асосан Эронда, шуниҶдеқ, Покистон, Ироқ, Яман, Афғонистон, Ливан ва Сурияда яшайдилар. Форс ва Араб кўрҶази давлатларида ҳам оз сонли шийъалар мавжуд. Бундан ташқари, шийъалардан деб ҳисобланадиган исмоилийлар, баҳара, наззорийя, нусайрия, друз ва хорижийлардан иборат тоифалар ҳам бор.

ШуниҶдеқ, Ислом диёрларида мустамлақачилик асорати туфайли пайдо бўлган ва баҳойилар, қодиёнийлар каби адашган фирқалар ҳам бор. Улар ўзларини аҳли Ислом деб ҳисобласа-да, аслида мусулмонликдан чикқан тоифалардир.

ИККИНЧИ ФАСЛ

ИСЛОМ ОЛАМИНИҶ ВОҚЕЛИГИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ички мулоҳазалар

1. Ислом давлатларининҶ сон жиҳатдан кўплиги. Бугунги кунда мусулмон олами 57 та давлатдан иборатдир.

2. Мусулмон давлатларининҶ турли халқаро ташкилотларга тарқалиб кетгани ва ривожланган давлатларга тобелиги.

3. Бошқа дин вакиллари билан ўзаро низоларининҶ кўплиги (жумладан, яҳудий ва насроний динлари билан).

4. Мусулмонлар орасидаги ички низоларининҶ кўплиги.

5. Мусулмон оламига эга чиқишга уринишларининҶ кўплиги.

Сиёсий мулоҳазалар. МустамлақачиларининҶ уринишлари

1. Ислом оламини бўлиб ташлаш ёки бўлиб олиш. Мустамлақачилиқлар орасида бу иш Биринчи Жаҳон урушидан кейин бошланган. Мустамлақачилар қайси мусулмон дав-

латини босиб олган бўлса, уни ўз сиёсий-иқтисодий тузумага мослаштиришга уринганлар.

2. Мустамлакачилар Ислом оламининг кўпгина ҳудудларини ажратиб олиб, уларни мусулмонлардан бошқаларга тақсимлаб беришган. Бунга Фаластин, Эритрея, Кипр ва Ливанни мисол қилиб келтириш мумкин.

3. Мустамлакачилар Ислом олами ҳудудларини бўлиб ташлаб, улар орасига сохта чегаралар ўрнатибгина қолмай, уларнинг бирлашувига йўл қўймаслик учун ҳар бир минтақадаги халқлар билан уларнинг қўшнилари орасида низолар келтириб чиқарганлар.

4. Мустамлакачилар мусулмон халқларни араб тилидан ва Ислом маданиятидан узоқлаштириш учун шиддатли кураш олиб боришган, Ислом тарихини бузиб кўрсатишган. Улар босиб олган юртларидаги мусулмон халқлар орасида ўзининг тили, тарихи ва урф-одатларини кенг тарқатишга жуда катта эътибор беришган.

5. Мустамлакачилар мусулмонларни парчалаб ташлаш учун турли миллий партиялар ва тоифалар ишини кучайтирганлар.

6. Мустамлакачилар мусулмонлар орасида миллатчилик ҳаракатларини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Мисол учун, туркийзабон давлатларда турк миллатчилигини, араб мамлакатларида араб миллатчилигини тарқатишган. Натижада шу омиллар туфайли мусулмонлар орасида ўзаро урушлар ҳам чиққан.

7. Барча мустамлакаларда динни жамиятдан ажратиб қўйишга чакирик бўлган.

8. Ҳижрий 1336 (милодий 1917) йилда Белрфур ваъдасига асосан Фаластиннинг яҳудийларга олиб берилиши ва катта давлатларнинг буни тан олиб, қўллаб-қувватлаши.

9. Мустамлакачилар ўз манфаатларини кўзлаб, Ислом оламидаги ҳарбий тўнтаришларни қўллаб-қувватлаганлар.

Фикрий мулоҳазалар

- Мустамлакачилар ўз ҳукмронлиги даврида мусулмонлар ичида фикрий қолоқликни юзага келтиришга ҳаракат қилишган.

- Ислом оламида соф Исломга қайтиш учун ислоҳий даъватлар бўлган.

- Усмоний халифалик кулагач, мусулмонлар фикрий босимга учраганлар, улар орасида хуррият, илм ва ислоҳ номи билан турли хил оқимлар тарқаган.

- Ғарбликлар арабларнинг Ислом оламида тутган ўрнини яхши тушуниб етганларидан кейин уларни фикрий даъватлар йўли билан бошқа мусулмонлардан ажратиб қўйишга ҳаракат қилишган. Бунинг учун Ғарбга тақлид қилишга чақириш, Исломнинг ўтмишини ҳақорат қилиш, динсизлик тарбиясига аҳамият бериш каби йўллардан фойдаланилган.

Ижтимоий воқелик ҳақидаги мулоҳазалар

Ижтимоий соҳада мусулмонларни ўз динидан узоқлаштириб, турли хил янги номлар беришга ҳаракат қилинган. Масалан, миллатчиликка, ирқчиликка, мазҳаббозликка қизиқтирилган ва шу йўл билан мусулмонларнинг маънавиятини заифлаштиришга уринилган.

Иқтисодий воқелик ҳақида мулоҳазалар

1. Мустамлакачилар мусулмон мамлакатларнинг ерости бойликлари ва бошқа турдаги саноат хомашёларини ўз манфаатлари учун ишлатдилар.

2. Мустамлакачилар Ислом оламидаги ташқи савдога ва қисман ички савдога яккаҳоқим бўлиб олдилар.

3. Мустамлакачилар мусулмон мамлакатларининг миллий саноатига қарши кураш олиб бордилар.

4. Мустамлакачилар мусулмон мамлакатларининг нефть, руда ва бошқа шу каби барча ерости бойликларини ўзлаштириб олишди.

5. Мустамлакачилар мусулмон халқларни феодал тузум шароитига ўтказиб, бу мамлакатларни фақат аграр саноатга асосланган хомашё базасига айлантиришди. Шу боис мусулмон ўлкалар қашшоқлашиб, турмуш тарзи пасайиб кетди.

6. Мустамлакачилар мусулмон давлатларининг пул бирликларини ўз пул бирлигига тиркаб қўйишди.

7. Ислом олами ўз ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқа воситаларидан маҳрум қилинди.

Ислом оламининг заифлашиш сабаблари:

- Ислом ақийдасидан узоқлашиш;
- шариатга эътиборсизлик;
- амри маъруф ва наҳйи мункардан узоқлашиш;
- жидду жаҳдни тарк қилиш;
- ички ихтилофлар ва мол-дунёга ўчлик;
- роҳат-фароғатга, айшу ишратга берилиш;
- илм-фан соҳасида ижтиҳод қилмаслик;
- татбиқ ва тажрибаларга уринмаслик;
- Ғарбга кўр-кўрона таклид қилиш, улар ортидан эргашиш;
- Ғарбнинг фикрий ғазотидан таъсирланиш, ана шу фикрий ғазот таъсири остида қолиш;
- турли бузғунчи оқимларга қўшилиш;
- турли фиркаларга, миллатларга, хизбларга тарқалиб кетиш;
- Исломга қарши олиб борилган урушлар;
- Ислом оламининг айни марказида, яъни Фаластинда юз бераётган воқеалар.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР

Ушбу фаслда Ислом давлатлари тўғрисида қисқача маълумотлар берилган бўлиб, асосан жойлашган жойи, пойтахти, аҳолининг сони каби кўрсаткичлар санаб ўтилган.

Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Осиёда 28, Африкада 25, Европа ва Америка қитъасида иккитадан 4 та бўлиб, жами 57 тани ташкил қилади.

АЛБАНИЯ

Албания Республикаси

Майдони: 28,748 кв.км.

Аҳолиси: 3 миллион.

Пойтахти: Тирана.

Бошқарув шакли: парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 36 округни ўз ичига олувчи 12 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: лек.

Расмий тили: албан тили.

Йирик шаҳарлари: Дуррес, Элбасан, Корча.

Милоддан аввалги уч минг йилликларда ҳозирги Албания ҳудудида пеласг қабилалари, икки мингинчи йилларда эса иллирий қабилалари яшаб ўтган. Милоддан аввалги II асрда Албания ерларини римликлар босиб олиб, Рим империясининг Далматсия вилоятига қўшиб юборишди. Милоднинг V асрида Рим империяси қулагач, мамлакат Византия империяси таркибига кирди. XIV асрда Албанияни серб кироли Стефан Душан босиб

олди. 1479 йилда эса мамлакатнинг бутун ҳудуди усмонли турклар қўл остига ўтиб, тўрт аср давомида Усмонли империяси ҳукмронлигида бўлди. Бу ернинг аҳолиси ўша даврда Исломга кирди.

1912 йилда Албания мустақилликка эришгач, турклар мамлакатни тарк этишди. Аммо орадан кўп ўтмай, мамлакатни Италия ва Олмония босиб олди. 1944 йилда Албания ҳудуди босқинчилардан тўла озод қилинди. 1946 йил 2 январда Албания Халқ республикаси ташкил этилди. 1991 йилда эса у «демократик республика» деб эълон қилинди. Албания аҳолисининг 70 фоиздан ортиғи мусулмонлар, 20 фоизи православ ва 10 фоизи католик насронийлардир. Мусулмонларнинг асосий қисми Аҳли сунна вал жамоанинг ҳанафий мазҳабига мансуб.

АФҒОНИСТОН

Афғонистон Ислом Республикаси

Майдони: 652, 864 кв.км.

Аҳолиси: 31,8 миллион.

Пойтахти: Кобул.

Бошқарув шакли: Ислом республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 34 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: афғоний.

Расмий тили: дарий, пушту.

Йирик шаҳарлари: Қандаҳор, Ҳирот, Мозори Шариф, Бағлон, Чорикор.

Милоддан аввалги VI асрдан Афғонистон Форс давлати таркибига кирган. Милоддан аввалги 330 йилда Афғонистонни македониялик Искандар – Александр Македонский босиб олди. Унинг ўлимидан кейин мамлакат устидан юнонлар, хиндлар, форслар ҳукмронлик қилишди.

Милоднинг VII асри ўрталарида бу юртга араб фотихлари келиб, ҳокимият тепасига мусулмон сулолалари чиқишди. Афғонистоннинг қадимги номи Ориёно бўлган. Ислом фатҳлари даврида Хуросон дейилган. Ислом дини бу юртга Наҳаванд жангидан (ҳижрий 21; милодий 641 йилдан) кейин кирган. Дастлаб Аҳнаф ибн Қайс розияллоху анху бошчилигидаги мусулмонлар Хуросонни фатҳ этишган, Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхунинг давридаги фатҳда Кобул ишғол қилинган. Бу ернинг аҳолиси ўз подшоҳлари Ратийл бошчилигида Абдулмалик ибн Марвон давригача қаршилик кўрсатган. Ислом Афғонистонда ғазнавийлар даврида узил-кесил қарор топган.

Афғонистон узок йиллар мўғуллар истилосини бошдан кечирди. XVI–XVIII асрларда эса мамлакатга темурий ҳукмдор Бобур мирзо ва Нодиршоҳ ҳукмрон бўлишди.

1747 йилда форслар ҳукмронлиги тугатилиб, амир Аҳмадшоҳ биринчи бор мустақил афғон давлатини ташкил этди.

1973 йилда подшоҳ тахтдан туширилиб, республика эълон қилинди ва Муҳаммад Довудхон президент бўлди. Орадан беш йил ўтиб, навбатдаги давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига Нур Муҳаммад Тарракий бошлиқ Инқилобий кенгаш чиқди. 1979 йилда Нур Муҳаммад Тарракий қатл қилиниб, давлатни Ҳафизуллоҳ Амин ўз қўлига олди. Бирок у уч ойдан сўнг Совет иттифоқи ҳарбий кучларининг ёрдамида қатл қилинди. Давлат раҳбарлигига Бабрак Кармал тайинланди. Мамлакатда фуқаролар уруши авж олди. Бабрак Кармалдан сўнг Нажибуллоҳ Афғонистон президенти бўлди. Совет иттифоқи мамлакатга ўз қўшинини киритгач, уларга қарши етти афғон мужоҳид гуруҳлари уруш олиб бордилар. Бирок советлар чиқиб кетгач, уларга қарши курашган гуруҳлар энди бир-бири билан ҳокимият учун кураш бошлашди. Бу кураш натижасида Толибон ҳаракати ҳокимиятни қўлга олди. 2011 йилда АҚШ бошлиқ

ғарб қўшинлари Афғонистонга бостириб кириб, Ҳамид Карзайни давлат бошлиғи этиб тайинлашди. Аммо бу можаро ҳозиргача тингани йўқ.

Афғонистон аҳолисининг ярми афғонлар (пуштунлар), 25 фоизи тожиклар, қолгани ўзбеклар ва ҳазорийлардир. Аҳолининг 98 фоизи мусулмонлар. Уларнинг 80 фоизи ҳанафий мазҳабидаги суннийлар, 15 фоиздан ортиқроғи шийъаларнинг имомийлар ва исмоилийлар йўналишига мансуб. Бундан ташқари оз миқдорда ҳиндуслик, сикхийлик, зардуштийлик, яҳудийликка эътиқод қиладиганлар ҳам бор.

БАНГЛАДЕШ

Бангладеш Халқ Республикаси

Майдони: 144,000 кв.км.

Аҳолиси: 150 миллион.

Пойтахти: Дакка.

Бошқарув шакли: Буюк Британия бошчилигидаги Миллатлар ҳамдўстлигига кирувчи парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 7 вилоят (дивизион).

Пул бирлиги: така.

Расмий тили: бенгал тили.

Йирик шаҳарлари: Читтагонг, Кхулна, Ражахи.

Осиёнинг жанубий қисмида жойлашган бу мамлакат аҳолиси ва ҳудуди жиҳатидан китъанинг йирик давлатларидан саналади.

Бенгал қабилалари Қуйи Ганг водийсида милоддан аввалги 1000 йиллар атрофида пайдо бўлишган. Кейинчалик Ванга (Бенгалия) давлати ташкил топди. VIII–XII асрларда ягона Бенгал давлати мавжуд эди.

Бангладешнинг ҳозирги ҳудуди XII асрнинг охирида Деҳли султонлигига қўшиб олинганидан сўнг, бу ерда Ис-

лом дини тарқала бошлаган. XVI асрга келиб Бангладеш бобурийлар сулоласи ҳукми остида бўлди. Мамлакатда Ислом динининг кенг тарқалиши айти шу даврларга тўғри келади. Бобурийлар даврида мамлакатда илм-фан, маданият ривожланди, ҳаммани лол қолдирувчи муҳташам меъморий обидалар барпо қилинди, аҳолининг турмуши фаровонлашди. Аммо XVIII асрга келиб, мамлакатга Англия мустамлакачилари кўз олайтира бошлашди. 1757 йилда Плесси яқинидаги жанглардан кейин мамлакат инглиз босқинчилари тасарруфига ўтишга мажбур бўлди.

1947 йилда Ҳиндистоннинг мустақил бўлиши ва унинг икки давлатга бўлиниб кетиши натижасида Шимолий Бенгалия ҳудуди Покистонга ўтиб, Шарқий ва Ғарбий Покистон ягона давлат бўлди.

«Бенгаллар замини» (Бангладеш) 1971 йилда Ҳиндистон ёрдамида Покистондан ажралиб, мустақил халқ республикаси деб эълон қилинди. Давлат раҳбари этиб Мужибурраҳмон Ҳусайн сайланди. У қатл қилинганидан кейин ўрнига Аҳмад Хандакор Муштоқ раҳбар бўлди. Улардан кейинги йилларда Зиёурраҳмон, Абдуссаттор, Ҳусайн Мухаммад Иршод каби раҳбарлар ҳам давлатни бошқаришди. Бегим Холида Зиёурраҳмон биринчи бош вазир бўлди.

Мамлакат аҳолисининг 98 фоизи бенгаллар бўлиб, улардан ташқари ассам-бирма халқлари таркибига кирувчи оз сонли майда миллатлар ҳам яшайди. Ҳозирги вақтда мусулмонлар мамлакат аҳолисининг салкам 87 фоизини ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳанафий мазҳабиغا мансуб суннийлардир. Аҳолининг озгина қисми (20 мингга яқин киши) шийъаликнинг имомийлар, исмоилийлар ва аҳмадия оқимларига қиради. Бундан ташқари, аҳолининг 12 фоизи ҳиндуслик ва тўрт юз мингдан ортиқ киши буддавийлик тарафдоридир.

Мамлакат сиёсий ҳаётида «Мусулмонлар лигаси», «Ислом демократик лигаси» каби сиёсий партиялар се-

зиларли мавқега эга бўлиб, мусулмонларнинг манфаатини ифодалайди. Мамлакатда минглаб масжидлар, Ислом университети ва кўплаб мадрасалар фаолият олиб бормоқда. Биргина республика пойтахти Даккада 700 дан ортиқ масжид бор.

БАХРАЙН

Баҳрайн давлати.

Майдони: 750 кв.км.

Аҳолиси: 1,3 миллион.

Пойтахти: Манама.

Бошқарув шакли: конституцион монархия.

Давлат бошлиғи: амир шайх.

Маъмурий тuzилиши: 5 вилоят (муҳофаза).

Пул бирлиғи: Баҳрайн динари.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Манама, Ал-Муҳаррак.

Ҳозирги Баҳрайн милоддан аввалги уч минг йилликда кудратли савдо империясининг маркази бўлган. 600 йилга келиб, у Бобилга бўйсунди. Милоднинг IV–VI асрларида Баҳрайн ҳудуди Сосонийлар давлати таркибига кирган.

Баҳрайн аҳолиси Исломдан олдин насроний ва бутпараст бўлган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абул Ало Ҳазрабий розияллоҳу анҳуни Баҳрайн ҳокими Мунзир ибн Совийнинг ҳузурига юборганларида ҳокимнинг ўзи ҳам, мамлакат аҳолиси ҳам Исломни қабул қилганлар. Баҳрайн мусулмонлари Форсни фатҳ қилишда иштирок этишган.

IX–XI асрларда Баҳрайн умавийлар ва аббосийлар ҳукмронлиғи остида бўлган. 1487 йилда Баҳрайн ва Муҳаррак ороллари Умон қабилалари босиб олди. 36 йилдан сўнг уларнинг ўрнини португаллар эгаллаб, 1602 йилгача мам-

лакатни ўз назоратида ушлаб туришди. XVIII аср ўртала-рида бу ерда Оли Халифа сулоласи ўз ҳукмини ўрнатди. Бу сулола ҳозиргача Баҳрайни бошқариб келяпти. Баҳрайн XIX асрда инглиз мустамлакаси бўлди ва 1971 йилнинг 14 августида мустақилликка эришди. Шайх Ийсо ибн Салмон Оли Халифа давлат бошлиғи бўлди. У вафот этгач, ўрнига тайинланган ўғли Ҳамад ибн Ийсо ҳозиргача подшоҳ бўлиб турибди.

Аҳолининг 73 фоизи араблар, қолгани форслар, покис-тонликлар ва ҳиндлардир. Ислом давлат дини саналади, мактабларда Қуръон ва шариат кенг ўқитилади, шариат маҳкамалари ишлаб турибди.

Аҳолининг 85 фоизи мусулмонлар, уларнинг 70 фоизи шийъалар, аммо амирнинг оиласи суннийлардир.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

Араб Амирликлари

Майдони: 83,600 кв.км.

Аҳолиси: 5,6 миллион.

Пойтахти: Абу Даби.

Бошқарув шакли: федератив монархия.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 7 амирликдан иборат.

Пул бирлиги: дирхам.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Дубай, Шаржа.

Форс кўрфази соҳилларида жойлашган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) Абу Даби, Шаржа, Дубай, ал-Фужайра, Раъ-сул Хайма, Ажмон, Уммул Қойвайн каби етти амирликни бир-лаштирган. Аҳолининг 25 фоизини араблар, 74 фоизини эроний-лар, қолганини эса покистонликлар ва ҳиндлар ташкил этади.

Ҳозирги БАА заминада милоддан аввалги олтинчи минг

йилликларда ҳам одамлар яшаган. Тўртинчи минг йилликларда бу ҳудуд шумерлар Месопотамияси ва кўхна Ҳиндистон ўртасида қатнайдиган кемалар йўлида муҳим савдо нуқтаси бўлган. Милоднинг V–VI асрларига келиб, Сосонийлар давлати билан савдо алоқалари кучайди. Кейинчалик бу ерга Европадан насронийлар, жанубдан кўчманчи араб қабилалари келиб ўрнашди.

Ислом дини бу ўлкага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан сал аввал кириб келган.

1838 йилга келиб инглизлар «қароқчилар соҳили» деб ном олган ҳозирги Амирлик ерларини ва Умон, Маскат, Баҳрайн, Кувайт ўлкаларини тўлиқ босиб олиб, кўрфазга ҳарбий кемаларини жойлаштиришди. Ўтган асрнинг 60-йилларида мамлакат ҳудудида нефть конларининг топилиши билан аҳвол бутунлай ўзгариб, Амирликлар дунёдаги бой ўлкалардан бирига айланди.

1971 йил 2 декабрда кўрфаздаги олти амирлик бирлашиб, мустақил БААга асос солишди (Раъсул Хайма кейинроқ қўшилган). Амирликларга Зойид ибн Оли Ниҳён раҳбар бўлди. Унинг вафотидан кейин ўғли Халифа давлатни бошқарди.

Мамлакат аҳолисининг 96 фоизини мусулмонлар ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми суннийлар, кам сонли шийъалар ҳам бор. Қолгани насронийлар ва ҳиндуслардан иборат.

Барча амирликларда мадрасалар, Қуръон мактаблари очилган, биргина Дубай амирлигида 513 та жомеъ масжид бор. Аҳоли ҳаётнинг барча соҳаларида шариат қонунларига биноан яшайди.

БРУНЕЙ

Бруней Доруссалом давлати

Майдони: 5,765 кв.км.

Аҳолиси: 422 минг.

Пойтахти: Бандар-сери-Бегаван.

Бошқарув шакли: мустақил султонлик.

Давлат бошлиғи: султон.

Маъмурий тузилиши: 4 округ (даера).

Пул бирлиги: Бруней долларлари.

Расмий тили: малай тили.

Йирик шаҳарлари: Бандар-сери-Бегаван.

Милоднинг XV асрида Борнео ва унинг атрофидаги оролар бирлаштирилиб, Бруней султонлигига асос солинган.

Брунейнинг ҳокими Авананг Алкотатар ҳижрий 828 (милодий 1424) йилда Малага зиёрати пайтида мусулмон бўлган. Шундан сўнг унинг юртига даъватчилар келиб, Ислом дини кенг тарқалган.

Султон Сайфуддиннинг оиласи Брунейга ҳижрий IX (милодий XV) асрдан буён ҳокимлик қилиб келган. 1888 йилда у Буюк Британиянинг вассалига айланди. 1959 йилги янги конституция Буюк Британияга Брунейнинг мудофаасини ва унинг ташқи алоқаларини олиб бориш мажбуриятини юклади. Ниҳоят 1984 йилда Бруней мустақиллиги эълон қилинди.

Мамлакат аҳолисининг 68 фоизини малай халқи, 20 фоизини хитойлар, қолганини ҳинд ва бошқа майда миллатлар ташкил этади. Ислом давлат дини ҳисобланади. Аҳолининг 70 фоизга яқини мусулмонлар (асосан шофеъий мазҳабидаги суннийлар), 14 фоизи буддавийлар, 8 фоизи насронийлар, қолгани мажусийлардир.

Мамлакат пойтахтидаги жомеъ масжид Осиёдаги энг йирик масжидлардан ҳисобланади.

БУРКИНА-ФАСО

Буркина-Фасо Республикаси

Майдони: 274,122 кв.км.

Аҳолиси: 18,3 миллион.

Пойтахти: Уагадугу.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 13 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Бобо-Диуласо, Қудугу.

Ислом дини дастлаб бу давлатга қўшни Мали подшоҳлиги орқали, XVI асрда Сонгай давлати мусулмонлари воқитасида кириб келган. Бу ерда ҳижрий VI (милодий XII) асрлардан бошлаб кўпгина подшоҳликлар ҳукм сурган.

Милоднинг XI асрида ҳозирги Гана ҳудудида яшовчи кўчманчи қабилалар Юқори Вольта кенгликларига келиб ўрнаша бошлаган. Аммо ўлканинг ғарбий қисмида яшаётган ҳозирги бобо, лоби, гуси халқларининг аجدодлари уларга қақшатқич зарба бера олди. Вақт ўтиши билан келгиндилар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишди, унинг тили ва динини қабул қилишди. Кейинчалик уларнинг авлодлари Ятенга, Уагадугу, Тенкодого, Фадан-Гурма давлатларининг ҳукмдорларига айланишди.

XIV–XVI асрларда Ятенга давлати армияси Мали ва Сонгай давлатларининг бир қисмини босиб олди.

XIX аср охирига келиб Европадаги истилочи давлатлар Африканинг бошқа жойлари каби Юқори Вольта ерларига ҳам кўз олайтира бошлашди. 1895 йили француз қўшинлари Ятенга давлатини ишғол қилгач, мамлакат 1960 йил 5

августда мустақилликка эришгунга қадар Франция ҳукмронлиги остида бўлди.

Ҳозирда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини мусулмонлар ташкил этади. Аҳолининг салкам 40 фоизи мажусийлар, 10 фоизи католиклардир.

БЕНИН

Бенин Республикаси

Майдони: 112,622 кв.км.

Аҳолиси: 9,7 миллион.

Пойтахти: Порто-Ново.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 12 вилоят (департамент).

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз.

Йирик шаҳарлари: Котону, Параку, Абомей.

Ислом дини бу диёрга бошқа кўшни ўлкалар қатори хижрий XI (милодий XVII) асрда кириб келган.

Бенин (собик Дагомея) Ғарбий Африкада, Нигериянинг жанубида жойлашган кичик давлатдир. У шимолда Буркино-Фасо ва Нигер билан, ғарбда Того билан чегарадош. Унинг гуллаб-яшнаган даври милоднинг XIII–XIV асрларига тўғри келган. Бенин худуди аввал пойтахт ва юзлаб майда кишлокчалардан иборат эди. Мамлакатни бошқаришда подшоҳ билан бирга йирик амалдорлар ҳам иштирок этишарди. Ўлкада қул савдоси авжга минган эди. Одамлар асосан бутларга ёки ўзларининг маҳаллий дохийларининг айтганларига эътиқод қилар эдилар.

XV асрда Бенин соҳилларига европалликлар (биринчи бўлиб португаллар) келиб тушишди ва уни йирик қул савдоси

марказига айлантиришди. Бенинда тутиб келтирилган куллар дунёнинг бошқа мамлакатларига олиб бориб сотиларди. Шунинг учун ҳам Бенинни «Тутқунлар соҳили» деб аташарди.

XVII асрда ҳозирги Бенин ҳудудида Дагомея давлати таркиб топди. 1890 йиллар бошида Дагомеяни француз мустамлакачилари босиб олишди. Бенин ўша пайтда турли ҳукмдорлар, сарой аъёнлари, овчи ва жангчиларнинг бронза ҳайкалларини куйиш билан ном чиқарган эди. 1897 йилда инглизлар Бенин пойтахти «Буюк Бенин»ни йўқ қилишганида куйган подшоҳ саройи харобаларидан икки мингга яқин бронза ҳамда фил суягидан ишланган бут ва ҳайкалчалар топилган эди.

XIX аср охирига келиб Бенинни инглиз мустамлакачилари эгаллаб олиб, кейинроқ ўз қўл остида бўлган Нигерияга қўшиб юборишди. Орадан бир неча йил ўтгач, Дагомея номини олган бу мамлакат 1904 йилда Франция мустамлакасига айланди. Франция ҳозиргача унинг савдо-иқтисодий муомалаларида асосий ҳамкор бўлиб келяпти.

1960 йилнинг 1 январида Бенин «Дагомея Республикаси» номи билан мустақил давлатга айланди. Аммо бу Бенин халқига том маънодаги тинч ва фаровон ҳаёт олиб келмади. Кейинги ўн икки йил мобайнида мамлакатда ўн марта ҳукумат алмашди, бешта ҳарбий тўнтариш бўлди. 1972 йилда ҳокимият тепасига Ҳарбий-инқилобий ҳукумат келди. 1990 йилнинг мартидан бошлаб бу давлат Бенин Республикаси деб атала бошлади. Ўша йили декабрда янги конституция қабул қилиниб, умумий сайловлар ҳам бўлиб ўтди.

Мамлакатда қирқ икки хил Африка миллатларининг вакиллари яшайди. Уларнинг 70 фоизи маҳаллий мажусийлар, 15 фоизи мусулмонлар, яна шунчаси насронийлардир. Ислом дини бу ўлкага ўрта асрларда, Шимолий Африка савдогарлари орқали кириб келган. Ҳозир пойтахтда ва Котону шаҳрида маҳаллий меъморлик усулида қурилган бир неча масжид ишлаб турибди.

ГАБОН

Габон Республикаси

Майдони: 267,667 км.кв.

Аҳолиси: 1,6 миллион.

Пойтахти: Либревиль.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 9 вилоят (провинция).

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз.

Йирик шаҳарлари: Либревиль.

Республикада 1990 йил май ойида қабул қилинган ва 1997 йил апрель ойида тузатишлар киритилган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – президент (2009 йилдан буён Алий бен Бонго Ондимба). Президент умумий бевосита сайлов ҳуқуқи асосида 7 йил муддатга сайланади. Президент қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият – икки палатали парламент (Миллат мажлиси ва Сенат). Ижроия ҳокимиятини президент билан Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Вазирлар Кенгашининг аъзолари ва бош вазир президент томонидан тайинланадилар ва унинг олдида масъулдирлар.

Мамлакат аҳолиси асосан фанг, мпонгве, мбете, пуну ва бошқа миллат вакиллариدير. Расмий тил – француз тили, аммо аҳолининг кўпчилиги фанг, баняби ёки бакота тилларида сўзлашади.

Аҳолининг 20 фоизи анъанавий динларга эътиқод қилади (70 фоизи христианлар, 10 фоизи мусулмонлар).

Аҳолининг 45,7 фоизи шаҳарларда яшайди.

Габоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи кам ўрганилган. Габонга европаликлар кириб келган вақтда (1485

йилда биринчи бўлиб Португалия денгизчилари пайдо бўлган) бу ерда қабила-уруғчилик тузуми емирилаётган эди. XVI асрдаёқ Европа (Португалия, Франция, Голландия, Англия) ва Америка кул савдогарлари Габонни Экваториал Африкада кул овладанган асосий майдонга айлантирганлар.

1839 йилдан французлар Габон дарёсининг қирғоғида ўз қишлоқларини қуриб, мамлакатни аста-секин босиб ола бошладилар.

Габон халқининг мустамлакачиларга қарши кураши Биринчи Жаҳон урушигача давом этди. Габон дастлаб Франция Конгосининг бир қисми бўлган ва 1886 йилдан алоҳида маъмурий бирликка айланган. 1903 йилда (1910–58 йилларда Француз Экваториал Африкаси таркибида) расман Франция мустамлакаси деб эълон қилинди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Габоннинг турли жойларида бошланган миллий озодлик кураши уюшган оммавий ҳаракатга айланди. 40–50 йилларда дастлабки миллий партиялар ва қасаба уюшмалари ташкил топди.

1958 йилда Габон ички мухторият ҳуқуқига эга бўлиб, Франция Ҳамкорлиги аъзолигига қабул қилинди ва шу йили республика деб эълон этилди. 1960 йил 15 июлда Франция ҳукумати Габонга мустақиллик беришга мажбур бўлди ва 17 августда Габон мустақил давлат деб эълон қилинди. Габон 1960 йилдан бери БМТ аъзоси, 1992 йил 10 январда Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини тан олган. Миллий байрами – 17 август (Мустақиллик куни).

ГАЯНА

Гаяна Кооператив Республикаси

Майдони: 214,970 км.кв.

Аҳолиси: 751 минг.

Пойтахти: Жоржтаун.

Бошқарув шакли: парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 10 округга бўлинади.

Пул бирлиги: Гаяна доллари.

Расмий тили: инглиз тили.

Йирик шаҳарлари: Жоржтаун, Бартика ва бошқалар.

Гаяна – Ҳамдўстлик таркибидаги республика. Жанубий Американинг шимолий-шарқидаги давлат. Амалдаги конституцияси 1978 йилнинг июль ойидаги референдумда қабул қилинган ва 1980 йил 6 октябрдан кучга кирган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи – президент. У умумий бевосита овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент – Миллат мажлиси амалга оширади. Ижроия ҳокимият президент ва бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрида. Вазирлар Маҳкамаси Миллат мажлиси олдида жавобгардир.

Аҳолисининг 54 фоизи ҳиндистонликлар, 36 фоизи африкаликлар. Негрлар, дурагайлар (мулатлар), хитойлар, ҳиндулар ҳам яшайди. Давлат тили – инглиз тили.

Диний эътиқодига кўра кўпчилик аҳоли протестантлар бўлиб, католиклар, мусулмонлар, ҳиндулар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси – 31 фоизни ташкил этади.

Қадимда Гаяна ҳудудида ҳиндулар яшашган. Гаянани биринчи бўлиб испанлар кашф этишган (1499 й). XVI аср охирида инглизлар Гаяна қирғоқларига келишган. Кейин-

роқ голланд савдогарлари Эссекибо, Демерара ва Бербис да-
рёлари бўйига келиб жойлашиб, бу ерларни ўзлаштира бош-
ладилар. Улар Африкадан келтирилган негр куллар ёрдамида
плантация хўжаликлари барпо этдилар. XVIII аср охири –
XIX аср бошларида Гаянага эгалик қилиш учун Буюк Брита-
ния, Голландия ва Франция ўртасида кураш бўлиб турди.

1814 йилги Англия–Голландия сулҳига биноан Гаяна
Буюк Британия ихтиёрига ўтди ва 1831 йилдан Британия
Гвианаси деб аталадиган бўлди. 1834 йилда қулдорлик бе-
кор қилинди. 1838 йилдан бошқа мамлакатлардан, айниқса
Ҳиндистон ва Хитойдан арзон иш кучи келтирила бошлади.

Гаяна аҳолиси миллий-озодлик учун узоқ курашди. Бу
кураш Иккинчи Жаҳон урушидан кейин кескин тус олди.
1953 йилда Британия Гвианаси меҳнаткашлари ички ўз-ўзи-
ни бошқарув тизимини кенгайтиришга эришди. 1966 йил 26
майда Британия Гвианаси мустақил давлат деб эълон қилин-
ди ва Гаяна деб номланди. 1970 йилдан бери Гаяна коопе-
ратив республикадир. Ўша йилдан БМТ аъзоси. 1992 йил 8
январда Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини тан
олган. Миллий байрами – 23 февраль, Республика куни.

ГАМБИЯ

Гамбия Республикаси

Майдони: 10,380 км.кв.

Аҳолиси: 1,8 миллион.

Пойтахти: Банжул.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 8 округдан иборат.

Пул бирлиги: даласи.

Расмий тили: инглиз.

Йирик шаҳарлари: Серекунда, Брикама, Бакау.

Бу ўлкада милоднинг 750 йилидан бошлаб одамлар яшай бошлаган. XV аср ўрталарида португал савдогарлари келиб, маҳаллий аҳоли билан тил топишиб кетди. Кейинчалик Англия ва Франция Гамбияни бир неча бор босиб олишди, у икки марта Сьерра-Леонега қўшиб юборилди. 1965 йилнинг 18 февралда у мустақил давлат бўлди ва орадан беш йил ўтиб, умумхалқ референдуми йўли билан республикага айлантирилди.

Мамлакат аҳолисининг 90 фоизи мусулмон, улар асосан моликий мазҳабига мансуб суннийлардир. Оз сонли тасаввуф тарикатидагилар ҳам бор. Қолган аҳоли насроний ва мажусийлардир.

ГВИНЕЯ

Гвинея Республикаси

Майдони: 245,857 км.кв.

Аҳолиси: 11,1 миллион.

Пойтахти: Конакри.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 8 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: Гвинея франки.

Расмий тили: француз.

Йирик шаҳарлари: Канкан, Нзерекоре, Киндиа, Лабе.

Ислом динини бу давлат ҳудудларига асли мағриблик бўлган мондиниғ ва бийл халқлари олиб келишган. Бу минтақада ҳижрий IX–XIII (милодий XV–XIX) асрларда кулчилик тижорати ривож топган. Европаликлар минтақанинғ ёшларини тутиб олиб, ўз юртларидаги бозорларда кул қилиб сотар эдилар.

Милоднинг Х–ХІ асрларида ҳозирги Гвинеянинг каттагина қисми Гана давлати таркибига кирган. Кейинги асрда Гана империяси парчаланиб кетди ва орадан юз йил ўтиб, унинг ўрнида малинка халқи ташкил этган Мали империяси пайдо бўлди. Империя аъёнлари ва шаҳарликлар орасида Ислом дини кенг тарқалди. ХVІ аср бошларигача Мали ўша минтақадаги қудратли давлатлардан бўлиб келди. Кейинчалик унинг ўрнида яна бир қудратли Фулбе давлати ташкил топди. Ўша пайтда Ислом давлат дини бўлгани учун бу ерда мусулмонлар сони кун сайин кўпая борди.

Сўнг узоқ йиллик француз мустамлакаси даври бошланди. 1958 йилнинг 2 октябрига келибгина Гвинея тўла мустақилликка эришди. Гвинея кўпмиллатли мамлакатдир, унда 24 та турли миллат ва элатлар яшайди. Аҳолининг 85 фоизи мусулмонлар, қолгани насроний ва мажусийлардан иборат. Мусулмонлар асосан моликий мазҳабига мансуб суннийлардир. Шунингдек, сўфийлик ҳам катта таъсирга эга.

ГВИНЕЯ-БИСАУ

Гвинея-Бисау Республикаси

Майдони: 36,120 км.кв.

Аҳолиси: 1,6 миллион.

Пойтахти: Бисау.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: Бисау мухтор сектори ва 8 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: португал тили.

Йирик шаҳарлари: Бисау, Болама, Габу, Кашеу.

Мамлакатнинг амалдаги конституцияси 1991 йилнинг май ойида қабул қилинган. Президент умумий яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи 102 депутатдан иборат бир палатали парламент – Миллат халқ мажлиси. Ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади, у ҳукумат аъзолари ва бош вазирни тайинлайди.

Аҳолиси баланте, мандяк, мандинка, фулбе, манжак ва бошқа элатлардан иборат. Шаҳар аҳолиси 19,9 фоизни ташкил қилади. Аҳолининг ярмидан кўпи маҳаллий, анъанавий динларга, 35 фоизи Ислом динига эътиқод қилади, бир қисмини эса христианлар ташкил этади.

Гвинея-Бисау халқининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи ўрганилмаган. XV асрдан бошлаб Португалия мустамлакачилари ҳозирги Гвинея-Бисау ҳудудини қул бозорига айлантирдилар. XVI–XVIII асрларда португалиялик қул савдогарлари бу ерда бир неча таянч базалар (Фарин, Кашеу, Бисау ва ҳоказо) қуриб, юз минглаб қулларни Америка ва Вест-Индияга олиб кетдилар. XIX асрда Африкани бўлиб олиш бошлангач, Португалия Гвинея-Бисау устидан назоратни янада кучайтирди. 1879 йилда мамлакат алоҳида мустамлака деб эълон қилинди.

Гвинея-Бисау аҳолиси мустамлакачиларга қарши кескин курашиб, таянч базаларига тез-тез ҳужум қилиб турди. 1908 йилда мустамлакачиларга қарши кўтарилган халқ қўзғалони 1915 йилгача давом этди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин миллий озодлик ҳаракати кенг тус олди. 1951 йилда Гвинея-Бисау Португалиянинг «денгиз орти вилояти» макомини олган бўлса-да, мустамлака ҳолати ўзгармади.

1956 йилда «Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллик Африка партияси» мустақиллик курашига раҳбарлик қилди. 1962 йилда қуролли кураш бошланиб, 1970 йилнинг бошларида мамлакатнинг учдан икки қисми мустамлака-

чилардан озод қилиниб, ҳукуматнинг маҳаллий органлари тузилди. Мамлакат 1972 йилда маҳаллий мухторият ҳуқуқини олди. Шу йили Миллат халқ мажлисига депутатлар сайланди. 1973 йил 24 сентябрда Миллат халқ мажлисининг биринчи сессияси мустақил Гвинея-Бисау Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Португалияда фашистлар режими ағдарилгач (1974), Португалиянинг янги ҳукумати 1974 йил 10 сентябрда Гвинея-Бисау мустақиллигини тан олди. Гвинея-Бисау 1974 йилдан БМТ аъзоси. Миллий байрами – 24 сентябрь, Мустақиллик куни.

ЖАЗОИР

Жазоир Халқ Демократик Республикаси

Майдони: 2,381,170 км.кв.

Аҳолиси: 38 миллион.

Пойтахти: Алжир.

Бошқарув шакли: парламент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 48 вилоятга бўлинади.

Пул бирлиги: Жазоир динари.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Оран, Константина, Батна.

Милоддан 800 йил аввал финикийларнинг Тир шаҳридан келган муҳожирлари ҳозирги Тунис ерларига келиб ўрнашган. Вақт ўтиши билан бу ерда мустақил Карфаген давлати тузилган. Римликлар Карфагенни вайрон қилганидан кейин Нумидия (ўша пайтда Жазоир шундай аталган) худудидан иккита подшоҳлик пайдо бўлди. Кейинчалик Жазоирнинг ҳар иккала худудини Рим империяси ўзига қўшиб олди. Жазоирнинг асл аҳолиси барбарлар деб аталади.

VII аср охирида мусулмон араблар келгач, мамлакат кудратли Тунис давлатига бўйсунадиган бўлди. Ислом дини

Жазоирга ҳижрий V (милодий XI) асрда, Тунис фатҳ қилинган пайтда, Бану Ҳилол қабилалари орқали кириб келди. Шу пайтдан бошлаб Ислом кенг тарқала бошлади.

Жазоир ҳудудида умавийлар, аббосийлар, хаворижлар, муробитлар ва муваҳҳидларнинг давлатлари ҳукм сурди.

XV аср охирида насроний Испания Жазоирни босиб олгач, маҳаллий араб ҳукмдорлари ёрдам сўраб, усмонийлар империясига мурожаат қилди. Турклар испанларни Африка шимолидан қувиб чиқариб, мамлакатни ўзлари идора қила бошладилар. Жазоир кейинчалик ҳам араблар, турклар, испанлар ва французлар ўртасида кўп марта талаш бўлди.

Ҳижрий 922 (милодий 1516) йилда ҳукумат тепасига усмонийлар келиб, то ҳижрий 1246 (милодий 1830) йилгача, французлар босқинигача турдилар.

Жазоир халқи ҳижрий 1255–1264 (милодий 1839–1847) йилларда амир Абдулқодир Жазоирий раҳбарлигида мустамлакачиларга қарши миллий озодлик кураши олиб борди. Бу даврда бир ярим миллион киши шаҳид бўлди.

1962 йил 5 июлда мамлакат Франция мустамлакасидан озод бўлиб, мустақилликка эришди.

Биринчи миллий раҳбар Аҳмад бин Белла бўлди (ҳижрий 1382–1399; милодий 1962–1965 йиллар). Уни полковник Ҳуворий Бумеддин тахтдан ағдарди (ҳижрий 1385–1399, милодий 1965–1978 йиллар). Ҳуворий Бумеддиннинг вафотидан кейин Шозлий бин Жаидид давлат раҳбари бўлди. Унинг даврида сиёсий инкирозлар юз берди. 1992 йилги сайловнинг биринчи навбатида Исломиё партияси ғалаба қозонди. Бироқ сайлов натижалари бекор қилиниб, вазият яна ҳам чигаллашди.

1992 йилда ҳарбийлар Шозлийни ишдан олиб, Муҳаммад Бузиёфни унинг ўрнига тайинлашди. Бироқ бир неча ойдан кейин у ўлдирилди. Унинг ўрнига аввал Алий Кофий, сўнг Амин Зирвол раҳбар бўлди. Ундан кейин та-

йинланган Абдулазиз Бутафлика ҳозиргача мамлакат раҳбари лавозимини эгаллаб келмоқда.

Ислом Жазоирнинг давлат дини саналади. Мамлакатда кўплаб диний билим юртлари, Жазоир Ислом университети ишлаб турибди, Исломни ўрганиш бўйича бир неча тадқиқот марказлари мавжуд. Мамлакат аҳолисининг 99 фоизи моликий мазҳабига мансуб суннийлар бўлиб, ҳанафий ва бошқа мазҳаб вакиллари ҳам бор. Мусулмонлар орасида тасаввуф тариқатлари ҳам анча кенг тарқалган.

ЖИБУТИ

Жибути Республикаси

Майдони: 23,200 км.кв.

Аҳолиси: 886 минг.

Пойтахти: Жибути.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 4 округдан иборат.

Пул бирлиги: Жибути франки.

Расмий тили: араб, француз тили.

Йирик шаҳарлари: Тажура, Обок, Диккил, ал-Сабия.

Ислом дини Жибутига ҳижрий IV–VI (милодий X–XII) асрларда араб тижоратчилар орқали кириб келган.

1883 йилда Франция Сомали султонлари билан шартнома тузиб, Адан қўлтиғидаги Тажура ва Обок ерларини эгаллаб олди. Кейинчалик Жибути ерларига Буюк Британия ва Италия ҳам ҳукмронлик қилишди. XX асрнинг 60-йиллари охирида Сомали ёрдамида бошланиб кетган партизанлик урушлари натижасида асосий раҳбарлари французлардан иборат бўлган ҳукумат ағдариб ташланди. 1977 йил 27 июнда Жибути мустақил деб эълон қилиниб, мамлакатга

Ҳасан Жулид раис бўлди. Ҳасан Жулид кейин ҳам бир неча марта бу лавозимга қайта сайланди.

Ислом Жибутининг давлат дини ҳисобланади. Аҳолининг 94 фоизи мусулмонлар, қолган қисми насронийлардир. Мусулмонлар асосан шофеъий мазҳабига мансуб суннийлардир. Уларнинг бир қисми қодирия, идрисия, исмоилия, зайдия каби тасаввуф тариқатларига эргашган.

ИНДОНЕЗИЯ

Индонезия Республикаси

Майдони: 1,919,440 км.кв.

Аҳолиси: 253,6 миллион.

Пойтахти: Жакарта.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 27 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Индонезия рупияси.

Расмий тили: индонез тили.

Йирик шаҳарлари: Сурабая, Бандунг, Семаранг, Медан.

Ўн етти минг беш юз саккизта оролдан иборат бўлган Индонезия жуда қадимий тарихга эга. Милоддан аввалги 3000 йилларда Хитойнинг жанубий вилоятларидан келган қабилалар бу ерда ўрнаша бошлаган ва шу тариқа бир неча кичик давлатлар юзага келган. Милодий VI асрдан бошлаб Ҳиндистоннинг таъсири кучая борган.

XIII асрга келиб Ҳиндистоннинг гужарат қабиласи савдогарлари мамлакатга Ислом динини олиб келишди. Ҳатто Буддага эътиқод қилувчи подшоҳлар ҳам Исломга кира бошлади. Шунингдек, Исломнинг Индонезияда тарқалишида Малакка подшоҳлигининг ўрни ҳам каттадир. Даъватчилар барча оролларга бориб, бу ерларда Исломни кенг тарқатдилар.

Мамлакат кейинчалик португаллар, инглизлар, французлар ва голландлар ҳукмронлиги остида қолди. 1949 йил 2 ноябрда Индонезия мустақилликка эришиб, мамлакатга Аҳмад Сукарно раис бўлди. Бироқ у коммунистлар билан ҳамкорлик қилгани учун халқнинг нафратига учради.

1966 йили Сухарто тўнтариш қилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди ва эркин сайловларни йўлга қўйди.

Мамлакат аҳолисининг 90 фоизи мусулмонлар бўлиб, 6 фоизи протестантлар, 3 фоизи католиклар, бир фоиздан буддавийлар ва ҳиндуслар бор.

Ислом дини мамлакатда катта нуфузга эгадир. Муҳаррам ойининг биринчи куни ҳижрий Янги йилнинг бошланиши сифатида нишонланади. Пайғамбаримизнинг таваллудлари ҳам катта байрам қилинади, ҳарбий намойиш ва халқ сайли ўтказилади.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг катта «Истиқлол» деб номланган жомеъ масжид ҳам Индонезиядадир.

ИОРДАНИЯ

Иордания Ҳошимийлар Қироллиги

Майдони: 92,300 км.кв.

Аҳолиси: 6,6 миллион.

Пойтахти: Умон.

Бошқарув шакли: конституцион монархия.

Давлат бошлиғи: қирол.

Маъмурий тузилиши: 12 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Иордания динари.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Аз-Зарқо, Ирбид, Ал-Ақоба.

Ҳозирги Иордания (Урдун) ерларида қадимда сомий халқлар яшаган. Кейинчалик милoddан аввалги III–II аср-

ларда у ерга финикийлар, хетлар бостириб киришган. I асрларда бу ўлка Исроил ва яҳудий подшоҳликлари таркибида бўлган. Александр Македонский истилосидан сўнг уни юнонлар бошқаришган. Милоддан аввалги ва кейинги юз йилликларда у аввал римликлар, кейин форслар ҳукмронлиги остида бўлиб, сўнг Византия таркибига кирди.

VII асрда Урдун ерлари араб халифалигига кўшиб олинади. Ҳижрий 14 (милодий 636) йилда мусулмонлар машхур Ярмук ғазотида румликларни шармандаларча мағлуб этгач, бу ўлка Ислом билан шарафланди.

Ўлкани ҳижрий 509–583 (милодий 1115–1187) йилда салибчилар босиб олишди. Салоҳиддин Айюбий машхур Ҳиттийн жангида салибчиларни мағлуб қилгач, мамлакат Миср мамлуклари ихтиёрига, XVI асрда эса Усмонли салтанатига кўшилди.

Милодий 1916 йилда Макка ашрофи Ҳусайн бошчилигида, Британиянинг ёрдамида усмонийларга қарши катта араб инқилоби бошланди.

1921 йилда Иордания Франция ва Британия ўртасида бўлиб олинди. Биринчи Жаҳон урушидан кейин эса уни инглизлар босиб олишди.

1946 йилда Иордания Ҳошимийлар қироллиги ташкил этилди. Абдуллоҳ ибн Ҳусайн подшоҳ деб эълон қилинди.

1948 йилда араб-исроил уруши бошланиб, Исроил Фаластин ва Ғарбий қирғокни босиб олди.

1951 йилда подшоҳ Абдуллоҳ қатл қилинди. Ўрнига унинг ўғли Талол қолди. 1952 йили эса Ҳусайн ибн Талол подшоҳ бўлди.

1967 йилги араб-исроил урушида Иордания ўзининг энг бой ўлкаси – Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан ажради. Ҳусайн ибн Талолнинг вафотидан кейин унинг ўғли Абдуллоҳ тахтга ўтирди.

Ислом дини Иорданияга VII асрда кириб келган бўлса-да, асосан XII асрдан бошлаб кенг тарқалган. Ҳозирги

кунда Ислом давлат дини саналади. Аҳолининг 95 фоизи мусулмонлар бўлиб, асосан шофеъий мазҳабидаги суннийлардир. Шийъаликнинг имомийлар ва друзлар оқими тарафдорлари ҳам бор. Аҳолининг 5 фоизи насронийлардир.

ИРОҚ

Ироқ Республикаси

Майдони: 435,052 км.кв.

Аҳолиси: 36 миллион.

Пойтахти: Бағдод.

Бошқарув шакли: парламент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 18 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Ироқ динари.

Расмий тили: араб, сорани, янги оромий, Ироқ туркманчаси.

Йирик шаҳарлари: Мосул, Басра, Киркук.

Милоддан аввалги тўрт мингинчи йилларда ҳозирги Ироқ (Месопотамия) ерларида Шумер подшоҳлиги ҳукм сурган. Кейинги уч минг йил ичида бу ерлар Аккад, Вавилон, Ассирия, Форс давлатлари қўл остида бўлган. Сўнг у 200 йил мобайнида македониялик Искандар империяси таркибида бўлди. Кейин яна форс ҳукмдорлари тахтга ўтиришди.

VII асрда араб фотиҳлари келиб, бу ерда Ислом динини, араб тилини ёйишди. Бу ҳодиса ҳижрий 14 йилда мусулмонлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу бошчилигидаги машҳур Қодисия жангида зафар кучганларидан кейин бошланди. Ироқ беш аср мобайнида аббосий халифалар ҳукмронлиги остида турди.

XIII асрда мўғул босқинчилари мамлакатни вайрон қилишди.

XVI–XX асрларда Ироқ Усмонли салтанат таркибига кирган эди, сўнг 1916 йилда уни Буюк Британия босиб олди.

1922 йилда Файсал ибн Ҳусайн Британия томонидан Ироқ подшоҳи этиб тайинланди. Нури Саъид бош вазир бўлди. 1932 йилда эса Ироқ мустақилликка эришди.

Иккинчи Жаҳон уруши пайтида Британия уни яна эгаллаб олди.

1958 йилда подшоҳ Абдулкарим Қосим томонидан тахтдан ағдарилиб, Ироқ республика деб эълон қилинди. Подшоҳ ва унинг оиласи қатл қилинди. Шундан кейин мамлакат турли фитна ва тўқнашувлар ичида қолди, бир нечта ҳарбий тўнтаришлар бўлди.

1979 йили инқилоб бўлиб, ҳукумат тепасига Аҳмад Ҳасан Бакр келди. Орадан кўп ўтмай, унга ноиб бўлган Саддам Ҳусайн Аҳмад Ҳасан Бакрни йўқ қилди ва ҳокимиятни эгаллаб олди.

1980–88 йиллар давомида Ироқ билан Эрон ўртасида қонли уруш бўлди.

1990 йилда Ироқ Кувайтни босиб олгач, АҚШ раҳбарлигидаги НАТО кўшинлари Ироққа ҳужум қилди («Сахро бўрони»). АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироққа қарши ҳаво ҳужуми ва 2003 йилнинг мартада АҚШ ва Англия бошлиқ ғарб давлатларининг Ироққа қарши янги босқини мамлакатни бутунлай хароб қилди. Саддам Ҳусайн қатл этилди.

Ислом Ироқнинг давлат дини саналади. Мамлакат аҳолисининг 96 фоизини мусулмонлар ташкил қилади (54 фоизи шийъалар, 46 фоизи суннийлар, қолганлар насроний ва яҳудий динида). Суннийларнинг 65 фоизини ханафий мазҳабидагилар ташкил қилади. Ироқда шийъаларнинг табаррук зиёратгоҳлари – Карбало ва Нажаф шаҳарлари бор.

КОМОР ОРОЛЛАРИ

2002 йилгача Комор ороллари Федератив Ислом республикаси деб юритилган.

Майдони: 2,235 км.кв.

Аҳолиси: 752 минг.

Пойтахти: Морони.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 4 та йирик оролда жойлашган 4 муниципалитетдан иборат.

Пул бирлиги: Комор франки.

Расмий тили: комор, француз, араб.

Йирик шаҳарлари: Морони, Муцамуду, Фомбони.

Қадимда Комор ороллариغا Осиё халқлари келиб ўрнashган ва ерлик аҳоли билан уйғунлашиб кетган. Милоднинг V асрида оролларга малай-полинез муҳожирилари кўчиб келишган. Ҳижрий IV (милодий X) асрда аҳоли бу ерга денгиз орқали Маскатдан келган араб савдогарлардан Исломни қабул қилди ва XV–XVI асрларда Ислом дини кенг тарқалди. Оролларда бир қанча амирликлар барпо қилинди.

1598 йилда голландиялик бир зобит Коморни «очди». XIX асрда уни Франция босиб олди ва денгиз ортидаги ўз худудига айлантирди.

1961 йилда Комор ўз-ўзини бошқаришга ўтди. Орадан ўн тўрт йил ўтиб, 1975 йилда мустақилликка эришди. Коморнинг биринчи раиси Аҳмад Абдуллоҳ бўлди.

Кейинчалик бир неча марта юз берган давлат тўнтаришларидан сўнг 2002 йилгача Комор ороллари Федератив Ислом республикаси деб юритилди.

Ислом давлат дини саналади. Аҳолининг 90 фоизи мусулмонлар бўлиб, асосан шофеъий мазҳабидаги суннийлардир. Тасаввуфнинг нақшбандийлик ва қадарийлик тарикатлари кенг тарқалган. Оз миқдорда шийъалар ҳам бор.

КУВАЙТ

Кувайт давлати

Майдони: 17,818 км.кв.

Аҳолиси: 2,6 миллион.

Пойтахти: ал-Кувайт.

Бошқарув шакли: конституцион монархия.

Давлат бошлиғи: амир.

Маъмурий тузилиши: 6 провинциядан иборат.

Пул бирлиги: Кувайт динори.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Ҳавалли, Жахра, Мино ал-Аҳмадий.

Археологик қазилмалар Кувайтнинг соҳил ҳудудлари милоддан аввалги 3000 йилликларда Бобилнинг қадимий маданият ўчоқларидан бўлганини кўрсатади. Македониялик Искандар даврида юнон босқинчилари эгаллаб олишган. Милоднинг VII асрида Кувайт Ислом билан шарафланди ва араб халифалиғи, XVI асрдан бошлаб эса Усмонли салтанати таркибига кирди. 1899 йили уни Британия босиб олди. Мамлакат 1961 йилга келибгина шайх Абдуллоҳ Сабоҳ раҳбарлигида мустақилликка эришди. 1965 йилда амир Абдуллоҳ Солим Сабоҳ вафот этиб, ўрнига укаси Сабоҳ Солим тайинланди. 1978 йилда шайх Жобир Аҳмад Сабоҳ амир бўлди. 2006 йилнинг январидан давлатда шайх Сабоҳ Аҳмад Жобир амирдир.

Кувайт аҳолисининг 92 фоизи мусулмонлардир. Ислом мамлакатнинг давлат дини саналади. Мусулмонларнинг 85 фоизи моликий мазҳабига мансуб суннийлар, қолганлари шийъалардир.

ЛИВАН

Ливан Республикаси

Майдони: 10,452 км.кв.

Аҳолиси: 4,2 миллион.

Пойтахти: Байрут.

Бошқарув шакли: парламент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 6 муҳофаза (губернаторлик).

Пул бирлиғи: Ливан фунти.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Триполи, Сидон, Захла.

Милоддан аввалги уч минг йилликларда ҳозирги Ливан (Лубнон) заминида финикий денгизчилари ва савдогарлари яшаганлар. Ливан римликларнинг қўлида, XVI асргача (тўрт юз йил мобайнида) мисрликлар ҳукмронлиғи остида бўлган. Кейинчалик бу ўлкани форслар, македониялик Искандар ва Рим империяси босиб олган. Бу пайтда унинг ҳудуди Шомга қарашли эди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳунинг даврида Дамашк фатҳ қилинганидан кейин Абу Убайда розияллоху анху хижрий 14 йилда аввал Ливаннинг Баълабакка шаҳрини фатҳ этди, кейинроқ бошқа минтақалар ҳам фатҳ қилинди. Муовия розияллоху анху Ливан қирғокларида биринчи Ислом денгиз флотини қурди.

Милоднинг VII–XII асрларида Ливан шимолига ал-Аси дарёси водийсидан христиан маронийлар кўчиб келиб жойлашди. Сўнг мамлакатнинг бир қисми Қуддус киролларига, бошқа бўлаги эса салибчилар қўлига ўтиб кетди. 1517 йилда Шомнинг тўрт вилоятидан бири бўлган Ливан ҳам Сурия ва Миср қатори Усмонли салтанатига қўшиб олинди.

XX асрда Ливанни инглиз ва француз қўшинлари эгаллаб олди. 1926 йилда у республикага айлантирилди ва ўн етти йилдан сўнггина мустақилликка эришди.

Ливанда Ислом дини кенг тарқалган. Мамлакат аҳолисининг 90 фоизини араблар ташкил қилади. 70 фоиздан ортиқ аҳоли Ислом динида, шундан 65 фоизи шийъалар, қолгани суннийлардир. Турли мазҳабдаги насронийлар аҳолининг 27 фоизини, друзлар эса 3 фоизини ташкил этади.

ЛИВИЯ

Ливия давлати

Майдони: 1,759,540 км.кв.

Аҳолиси: 5,6 миллион.

Пойтахти: Триполи.

Бошқарув шакли: парламент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 22 ҳокимликдан иборат.

Пул бирлиғи: Ливия динари.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Бенгази, Мисурата.

Ҳозирги Ливия жойлашган Киренаика ўлкаси милоддан аввалги IV асрдан бошлаб юнонлар, македониялик Искандар, птолемейлар сулоласи томонидан босиб олинди, кейинчалик Рим империяси таркибига ўтди. Римнинг Киренаика вилояти таркибига Крит ороли ҳам кирган эди.

Милоднинг 642–644 йилларида Ливияни араб фотиҳлари фатҳ қилиб, Араб халифалиғи таркибига киритишди. Бироқ XI асргача маҳаллий аҳолининг жуда оз қисми мусулмон бўлган эди.

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Мисрда ўрнашиб бўлгач, хижрий 20 йилда ғарб томон юрди ва Бурқани (Ливия) фатҳ

килиб, ерлик аҳолига жизя солди. Бироқ улар аҳдни бузди-лар. Абдуллоҳ ибн Сарҳ бу ерни ҳижрий 28 йилда қайтадан фатҳ этди ва ўзига марказ қилиб олди.

Ливиянинг обод бўлишига у ерга ҳижрат қилиб келган Бану Хилол қабиласига мансуб араблар катта ҳисса кўшганлар.

Ливия ҳижрий 916–936 (милодий 1510–1530) йилларда Испания мустамлакачилари қўл остида қолди. Ҳижрий 936–958 (милодий 1530–1551) йилларда испанлар минтақани мальталиқ насронийларнинг «Авлиё Юҳанно чавандозлари» ташкилотига бўшатиб беришди.

1517–77 йилларда Ливияни Усмонли салтанати эгаллади ва уни 1711 йилгача турк ноиблари, кейинроқ маҳаллий сулола вакиллари бошқаришди. Ниҳоят 1835 йилда Ливия тўлиқ Усмонли салтанати қўл остига ўтди.

1911 йилда мамлакатга бостириб кирган Италия орадан йигирма бир йил ўтгачгина уни тўла эгаллай олди. Умар Мухтор бошчилигидаги озодлик курашчилари мустамлакачиларга каттиқ қаршилик кўрсатдилар.

1952 йилнинг 1 январида Ливия мустақилликка эришиб, подшоҳликка айланди. Мамлакатнинг илк подшоҳи Муҳаммад ибн Идрис Санусий бўлди. 1961 йилда Муаммар Қаззофий бошлиқ ёш зобитлар подшоҳни ағдариб, Ливия Араб Республикасини тузишди, бутун ҳокимият Инқилобий қўмондонлик кенгашига ўтди. Кейинроқ Қаззофий Ливияда жумҳурият тузумини эълон қилиб, 42 йил ҳукм сурди. Милодий 2012 йилнинг баҳорида бўлган қўзғалон унинг ҳокимиятига барҳам берди, ўзи қатл этилди. Мамлакат аҳолиси асосан араблар ва барбарлардан иборат. Исломи давлат дини саналади. Аҳолининг 97 фоизи мусулмон, уларнинг мутлақ кўпчилиги моликий ва ҳанафий мазҳабларига мансуб суннийлардир. Аҳолининг 2 фоизи насроний динида, улар католик, православ ва протестантлардан иборат.

МАВРИТАНИЯ

Мавритания Ислом Республикаси

Майдони: 1,030,700 км.кв.

Аҳолиси: 3,5 миллион.

Пойтахти: Нуакшот.

Бошқарув шакли: президент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 12 вилоят ва пойтахт маъмурий округидан иборат.

Пул бирлиғи: угия.

Расмий тили: араб, француз тиллари.

Йирик шаҳарлари: Каэди, Нуадибу, Росо.

Милоддан аввалги 200 йилларда ҳозирги Мавритания ерларига Африка шимолидан барбарлар келиб ўрнашган. Милоднинг VII–XI асрларида мамлакатнинг жануби ўрта асрларда мавжуд бўлган Гана, Текрур давлатлари таркибига кирган, шимолий Мавританияда эса санхожа-барбарлар давлати бўлган.

Уқба ибн Нофеъ розияллоху анху Мағрибга етиб келганида саҳронинг ичкарасига кириб, Текрур, Гана орқали хижрий 60 йилда Мавританияга етиб борган. Мусо ибн Нусайрининг фатҳларидан кейин бу ерларда Ислом кенг тарқалган.

XIV–XV асрларда бу ерга арабларнинг Маъқил қабиласи кириб келгач, аҳолининг мусулмонлашуви ва араблашуви авж олиб кетди. Мамлакатнинг ўзи «Тарбул Бийзон (оқлар замини)» деб аталарди. Мамлакат муробитлар, муваҳҳидлар, ҳассонийлар қабиларнинг ҳукми остида ҳам бўлди.

XV асрдан бошлаб мамлакатга европаликлар кўз олайтира бошлашди. Аввал португал ва испанлар, сўнг голланд, инглиз ва французлар қора танли қуллар савдосини кенг йўлга қўйишди, олтинларни ташиб кета бошлашди.

XX аср бошиданок мамлакатда миллий озодлик урушлари кучайиб кетди ва тинимсиз давом этди.

1960 йил 28 ноябрда Нуакшотда Мавритания мустақил Ислом республикаси деб эълон қилинди. Мухтор вулди Дода мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлди. 1978 йилда ҳарбий инқилоб юз бериб, ҳукумат тепасига полковник Хуна вулди Ҳайдала келди. 1984 йилда уни Муовия вулди Сиди Аҳмад Тосъ ағдарди. Ундан кейин ҳам яна бир қанча инқилоблар юз берди.

Аҳолининг 80 фоизини араблар ва маврлар ташкил этади. Аҳолининг 99 фоизи мусулмонлар бўлиб, улар асосан моликий мазҳабига мансуб суннийлардир. Маврлар орасида сўфийликнинг турли тариқатлари тарқалган. Ислом давлат дини саналади. Республика президенти факат мусулмонлардан сайланади.

МАЛАЙЗИЯ

Майдони: 329,758 км.кв.

Аҳолиси: 30,1 миллион.

Пойтахти: Куала Лумпур.

Бошқарув шакли: федератив конституцион монархия.

Давлат бошлиги: ҳукмдорлар кенгаши олий раҳбари.

Маъмурий тузилиши: 13 штат ва 2 маъмурий ҳудуддан иборат.

Пул бирлиги: малай доллари (ринггит).

Расмий тили: малай тили.

Йирик шаҳарлари: Куала Лумпур, Кланг, Жохор Бару, Ипох, Кучинг.

Милоддан аввалги 2500–1000 йиллар орасида Малай архипелагига Хитойнинг жанубидан ва ҳозирги Калимантандан кўплаб аҳоли кўчиб келиб, ўрнаша бошлаган. Милоднинг VII–XI асрларида Малакка бўғози атрофида қудратли Шривижайя давлати пайдо бўлган.

Ислом дини Малайзияга араб савдогарлари орқали кириб келган. Улар бу ерларга дастлаб милодий 1276 йилда келишган. Малакка подшоҳи уларнинг қўлида Исломни қабул қилган. Уни Муҳаммадшоҳ деб номлашган. Шундан кейин бутун Малайзия халқи мусулмон бўлган.

1402 йилда шахзода Ажапахит Малакка оролида султонлик тузди ва Хитой императори билан элчилик муносабатлари ўрнатди. Ислом бошқа минтақаларга, жумладан, Индонезия ва Филиппинга ҳам тарқала бошлади.

XV аср ўрталарида Малакка Исломни қабул қилгач, уни ҳинд ва араб мусулмонлари қўллаб-қувватлай бошлашди. Кейинчалик Малакка португал, голланд, инглиз мустамлақачилари ҳукмронлиги остида бўлди.

1957 йилда Ғарбий Малайзия мустақил бўлди. Орадан олти йил ўтиб, Малайзия Федерацияси ташкил топди, дастурий подшоҳлик эълон қилинди. Сингапур ва Бруней федерациядан чиқиб кетди. 1969 йилда Тонгу Абдурраҳмон бош вазир бўлди. Сўнг Даток Ҳусайн Авн, Маҳатхир Муҳаммад, Абдуллоҳ Бадавий ва Нажиб Раззоқлар бош вазир бўлишди. Ҳозирги кунда давлат бошлиғи султон Азлон Муҳибуддиншоҳдир.

Аҳолининг 55 фоизини мусулмонлар, 30 фоизини буддавийлар ва ҳиндуслар, қолганини даочилар ва насронийлар ташкил этади.

1981 йилдан буён мамлакат ҳукуматини мусулмонлар бошқаради. Ҳукумат Ислом дини таълимотини бугунги тараққиёт билан уйғунлаштиришга асосланган «Ислом ҳазари» концепциясини ишлаб чиқиб, муваффақиятли амалга оширмоқда. Ислом, тараққиёт ва маърифат асосига қурилган бу дастур кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакатни жаҳондаги юксак ривожланган ўлкалар қаторига олиб чиқди.

МАЛЬДИВ

Мальдив Республикаси

Майдони: 298 км.кв.

Аҳолиси: 393 минг.

Пойтахти: Мале.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 19 та ороллар гуруҳидан иборат.

Пул бирлиги: Мальдив рупияси.

Расмий тили: мальдив тили.

Йирик шаҳри: Мале.

Археологик маълумотларга кўра, Мальдив ороллари-нинг айримларида 3500 йил муқаддам одамлар яшаган. Тахминан милoddан аввалги 500 йилларда бу ерга Ҳиндистон ва Цейлондан арийлар, кейинчалик ўрта асрларда Жанубий Ҳиндистон, Африка ва Фарбий Осиёдан муҳожирлар келиб ўрнашганлар. Ана шу халқлар ҳозирги Мальдив маданиятини-нинг шаклланишида сезиларли хизмат қилишди.

Мальдивга мусулмон фотиҳларнинг қадами етмаган. Ислom бу ерга тижоратчи савдогарлар ва даъватчилар оркали хижрий 189 (милodий 804) йилда етиб келган. Бу даъватчиларнинг энг улуғларидан бири шайх Ҳофиз ибн Баракот Мағрибий бўлган. Мальдивнинг Будда динига сиғинувчи подшоҳи Аҳмад Шунузроза шу зотнинг кўлида хижрий 548 (милodий 1153) йилда Ислomни қабул қилган. У билан бирга барча аҳоли ҳам мусулмон бўлган.

1558 йилдан бошлаб мамлакатни аввал португаллар, сўнг голландлар, 1887 йилда эса англизлар эгаллаб олишди.

Мальдив 1965 йилга келибгина мустақилликка эришди. Ўшанда Иброҳим Муҳаммад бош вазир бўлган. Ундан ке-

йин узоқ вақт давомида ал-Азҳар битирувчиси Маъмун Абдулқаюм давлатни муваффақият билан бошқарди.

Ислом 1153 йилда мамлакатнинг расмий дини деб эълон қилинган. Мальдив аҳолисининг 95 фоизи сунний мусулмонлардир. Мамлакат ҳаётида Ислом катта ўрин тутади. Шариат маҳкамалари амал қилади ва мактабларда Ислом ақийдаси ва шариати ўргатилади.

МАЛИ

Мали Республикаси

Майдони: 1,240,192 км.кв.

Аҳолиси: 16 миллион.

Пойтахти: Бамако.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 8 вилоят ва Бамако маъмурий ҳудудидан иборат.

Пул бирлиғи: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Бамако, Сикасо, Мопти, Сегу.

Милоднинг III–IV асрларида ҳозирги Мали ҳудудида шимоллик кўчманчилар ва жанублик ўтроқ деҳқонлардан иборат улкан Гана империяси мавжуд бўлган.

Ислом дини Малига IV асрда ҳижрат ва фатҳлар орқали кириб келган. Бу ерларда Мали, Сонгай, Тамбукту, Мосийна, Ҳожи Умар каби императорликлар бўлган. Уларнинг барчаси Исломни бутун мамлакат ҳудудида ва қўшни давлатларда тарқатишга катта ҳисса қўшишган.

VIII асрга келиб Гана Ислом оламида «олтин мамлакати» номи билан машҳур бўлди. X асргача Гана олтини мусулмон Испанияси ва Шимолий Африка фаровонлигининг асосий манбаи эди. Кўп ўтмай Гана инқирозга юз тутди. XI асрнинг

ўрталарида Мали империяси вужудга келди. У Гаодан Тек-
рургача бўлган улкан ҳудудни эгаллаган, олтин етказиб бе-
риш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатга айланган эди. Ора-
дан тўрт аср ўтгач, Мали ҳам таназзулга юз тута бошлади.

1890 йилларда французлар шаҳзода Аҳмад қўшинлари-
ни тор-мор қилиб, мамлакатни босиб олишди. 1904 йилда
у Судан, Сенегал ва Малидан иборат Француз Ғарбий Аф-
рикаси таркибига кирди.

1960 йилнинг июнида Мали федерацияси мустақиллик-
ка эришди.

Мусулмонлар мамлакат аҳолисининг 90 фоизини таш-
кил этишади. Уларнинг асосий қисми моликий мазҳабига
мансуб суннийлардир. Бундан ташқари, тасаввуфнинг тур-
ли тарикатлари ва аҳмадия оқимига эргашганлар ҳам бор.
Аҳолининг бир фоизи насронийлардир (католик, правос-
лав ва бошқалар).

МАРОКАШ

Марокаш Қироллиги

Майдони: 446,550 км.кв.

Аҳолиси: 32,6 миллион.

Пойтахти: Рабат.

Бошқарув шакли: конституцион монархия.

Давлат бошлиғи: қирол.

Маъмурий тuzилиши: 16 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Марокаш дирҳами.

Расмий тили: араб, тамазигхт тиллари.

Йирик шаҳарлари: Касабланка, Фес, Танжер.

Марокаш ҳақидаги илк ёзма битиклар милoddан аввал-
ги 1000 йилликларга бориб тақалади. Ўшанда финикийлар
ҳозирги Лубнон (Ливан) ерларидан келиб, Рошадир мавзе-
сида ўз колонияларини ташкил этишган. У Рим империя-

сининг бир вилояти бўлиб турган пайтида Мавритания деб аталди. Кейинчалик Мавритания иккига бўлиб юборилди, Янги Рим вилояти «Тингис Мавританияси» (ҳозирда Танжер) номини олди ва ҳозирги Марокашнинг шимолидаги улкан ҳудудларни эгаллади.

Милоднинг 682 йилида Марокашга араб фотиҳлари келишди. Аммо ерлик барбарлар билан араблар ўртасида урушлар кучайиб кетди. Аҳоли Исломга киргач, Саъдлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Марокашнинг қудрати ва шуҳрати ниҳоятда юксалди. Насаби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари ҳазрати Ҳасанга бориб тақаладиган бу сулола юз йил ҳукмронлик қилди.

Кейинчалик XIX аср ўрталарида Марокаш Франция ва Испания босқинчилари билан қонли урушлар олиб борди. Бироқ у 1956 йилда мустақил бўлгунига қадар Фарбнинг вассаллигида қолиб кетди.

Ислом Марокашнинг давлат дини саналади. Мамлакат аҳолисининг 99 фоизи мусулмонлар, уларнинг ҳаммаси моликий мазҳабига мансуб суннийлардир. Мусулмонлар орасида тасаввуфнинг турли тариқатларига эргашганлар ҳам бор. Касабланка ҳудудида яшовчи 25 минг барбарлар ибозийлар оқими тарафдори. Ислом дини мамлакат ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Бу ерда Ислом шариатига қатъий амал қилинади. Марокашда икки мингдан зиёд олий ва ўрта Ислом билим юртлари, минглаб муҳташам масжидлар ишлаб турибди. Пойтахтдаги «Ал-Мағриб» жомеъ масжиди араб-Ислом меъморлигининг шоҳ асари саналади. Аббосий халифалар қурдирган Кутубия масжиди ҳам мусулмонларнинг фахридир.

МИСР

Миср Араб Республикаси

Майдони: 1,001,450 км.кв.

Аҳолиси: 86 миллион.

Пойтахти: Қоҳира.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 29 губернаторликдан иборат.

Пул бирлиги: Миср фунти (жунайх).

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Искандария, Жийза, Порт-Саъид, Сувайш, Усвон.

Миср Африканинг шимолий-шарқида жойлашган дунёдаги энг қадимий давлатлардан биридир. Тарихчилар милоддан аввалги беш минг йилликларда Нил ҳавзасида қадим маданиятга эга бўлган халқлар яшаганини қайд этиб ўтишган. Қадимий Миср подшоҳлари «фиръавн» деб аталган ва Миср заминида уларнинг ўттизга яқин сулоласи ҳукмронлик қилиб ўтган.

Осиёда бир неча ғалабаларни қўлга киритган македониялик Искандар раҳбарлигида иғриқийлар милоддан аввалги 332 йилда Мисрни босиб олишди. Улардан Птоломей сулоласи бу ерда уч юз йил ҳукм сурди. Миср кейинчалик узоқ йиллар Рум, Византия ва Форс империялари таркибида бўлди.

Милодий 639–642 йиллардаги Миср фатҳидан сўнг Ислам тарқала бошлади. Бу ерда саҳоба Амр ибн Ос каби адолатли волийлар раҳбарлик қилишди. Кейинчалик умавийлар, тулунийлар, аббосийлар, ихшидийлар, фотимийлар, айюбийлар, усмонлилар ҳукмрон бўлишди.

1270–1517 йилларда бу ўлкани аббосийлар гвардияси авлодларидан бўлган мамлукларнинг 47 та султони навбати билан бошқарди. Кейин турк султони Салим Ёвуз Шом, Араб жазираси, Африканинг шимоли қаторида уни ҳам усмонлилар салтанатига қўшиб олди.

Мамлакат кейинчалик кўп йиллар француз ва инглиз мустамлакачилари истилосини бошдан кечирди. 1953 йил 18 июнда у республика деб эълон қилинди.

Муҳаммад Нажиб биринчи президент бўлди. Сўнг Абдунносир уни четлатиб, 1953–1970 йилларда ўзи ҳукм юритди. 1956 йилда Миср Британия, Франция ва Исроилнинг уч тарафлама ҳужумига учради. Абдунносир Араб дунёсида етакчи бўлишга ҳаракат қилиб, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашди. Собиқ Совет иттифоқи билан яхши алоқада бўлди. Унинг вафотидан кейин ноиби Анвар Садат президент бўлди. У Исроилга қарши уруш қилди. 1979 йилда АҚШ воситачилигида Исроил билан сулҳ тузди. Бу мусулмон ва Араб дунёсига ёқмади. Араб экстремистлари Миср Президенти А.Садатнинг бу сиёсатини сотқинлик деб баҳоладилар ва 1981 йилнинг 6 октябрида уни ўлдирдилар. Садатнинг ўрнига Хусни Муборак президент бўлди. У 2012 йилда намоийшчиларнинг тазйиқи остида истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Эркин сайловларда Муҳаммад Мурсий президент этиб сайланди, лекин бир йил ўтар-ўтмас, ҳарбий инкилоб туфайли у ҳибсга олинди. Сўнг инкилоб раҳбари Абдулфаттоҳ Сисий президентликка сайланди.

Миср аҳолисининг 90 фоизини мусулмонлар ташкил этади, бу ерда Ислом давлат дини ҳисобланади. Мусулмонларнинг асосий қисми суннийликнинг шофеъий мазҳабадир. Улардан ташқари ҳанафий, ханбалий, моликий мазҳабига эргашувчилар ҳам бор. Аҳолининг 7 фоизи насроний динидаги Мисрнинг қадимий халқи бўлмиш қибтийлардан иборат.

Мисрда дунёга машҳур «ал-Азҳар» дорилфунуни, Амр ибн Ос, султон Ҳасан, амир Шалқу масжидлари, Ислом музейи кабилар мавжуд. Мисрдан жуда кўп Ислом мутафаккирлари ва олимлари, Қуръон ҳофизлари етишиб чиққан.

НИГЕР

Нигер Республикаси

Майдони: 1,267,000 км.кв.

Аҳолиси: 17,4 миллион.

Пойтахти: Ниамей.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 7 департамент ва Ниамей округидан иборат.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Зиндер, Маради.

Милодий XI асрда бу ердаги Аир водийси атрофларига Африка шимолидан кўчиб келган барбар кўчманчи чорвадорлари (тавориқлар) жойлашдилар. Улар ўтроқ деҳқонлар (хаусалар) билан аралашиб кетишди.

XIV асрдан бошлаб хаусалар Нигер худудида шаҳар-давлатларини ташкил эта бошлашди. Аир султонлиги ҳукмдорларидан бири Юсуф қурган Агадес шаҳри 1430 йилда Аирнинг пойтахти бўлиб қолди. Юз йилдан сўнг бу ерларни Сонғай давлати босиб олди.

Кейинчалик мамлакат инглиз ва француз мустамлакачилари ўртасида талаш бўлди. 1960 йилнинг августига келибгина у мустақилликка эришди.

Мамлакат аҳолисининг 85 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Улар асосан Аҳли суннанинг моликий мазҳа-

бига эргашишган. Мамлакат марказида яшайдиган аҳоли ўртасида кодирийлик оқими тарқалган. 14 фоиз аҳоли ота-боболари каби мажусийлигича қолиб кетган.

НИГЕРИЯ

Нигерия Федератив Республикаси

Майдони: 923,768 км.кв.

Аҳолиси: 174,5 миллион.

Пойтахти: Абужа.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 36 штат ва пойтахт округидан иборат.

Пул бирлиги: найра.

Расмий тили: инглиз тили.

Йирик шаҳарлари: Лагос, Ибадон, Огбомошо, Кано.

Ҳозир Нигерияда яшайдиган халқлар тахминан тўрт минг йил муқаддам бу ҳудудга шимолдан кўчиб келишган. Милоддан икки минг йилча олдин ерлик аҳоли келгиндилардан деҳқончиликни, ҳайвонларни хонакилаштиришни ўрганди. Милодий VIII аср охирларида Шимолий Нигерияда марказлашган йирик Канем-Борну давлати пайдо бўлди.

XV асрга келиб, мусулмон савдогарлар бу ҳудуддаги давлатларга саҳро орқали Ислом динини олиб келишди. Икки асрлик ўзаро урушлардан сўнг, тахминан 1483 йилда Канем-Борну пойтахти ҳозирги Нигерия ҳудудидаги Нгазаргам шаҳрига кўчирилди. 1591 йилда Марокаш қўшинлари бостириб келиши натижасида Сонгай империяси парчаланиб кетганидан сўнг Канем-Борну ғарбий Суданда-

ги энг кудратли давлатга айланди. Бутун XVI–XVII асрлар мобайнида хауслар давлати тарқоқлиги давом этди.

Ҳозирги Нигериянинг жанубий қисмида иккита буюк империя – Ойо ва Бенин гуллаб-яшнади. Кейинроқ Ойо хукмдори Йоруб ва Дагомейнинг каттагина қисмида назоратини ўрнатди. Усмон дон Фодио 1804 йилда хаус қабила-сининг ерларида уруш бошлади.

Ислон динининг кенг тарқалиши Фулбе империясини мустаҳкамлашда асосий омил бўлди. XIX асрдаги Шимолӣ Нигерияда фулбеларнинг хукмронлиги даврида исломий маданият Ғарбий Судан тарихида мисли кўрилмаган даражада раванк топди.

1884–1885 йиллардаги Берлин конференциясида Буюк Британия замонавий Нигерия ҳудудига талабгор эканини тан олишни талаб этди ва йигирма йилча мамлакатнинг катта қисмида назорат ўрнатди.

1960 йил 1 октябрга келибгина Нигерия мустақил давлатга айланди ва орадан уч йил ўтиб, республика деб эълон қилинди.

Мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғи (64 миллион) му-сулмонлардан иборат бўлиб, уларнинг 40 фоизи насроний-лар, 10 фоизи мажусийлардир. Мамлакатда Ислон динига эътикод қилувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

ПОКИСТОН

Покистон Ислом Республикаси

Майдони: 803,940 км.кв.

Аҳолиси: 183,2 миллион.

Пойтахти: Исломобод.

Бошқарув шакли: Ислом республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 8 провинциядан иборат.

Пул бирлиги: Покистон рупияси.

Расмий тили: урду ва инглиз тили.

Йирик шаҳарлари: Карачи, Лаҳор, Файсалобод, Равалпинди, Ҳайдаробод, Мултон.

Ҳозирги Покистон ҳудудида жуда қадимдан одамлар яшаб келган. Неолит даврида дарёлар атрофида илк дехқончилик воҳалари пайдо бўлган. Милодий йил бошидан аввалги уч минг йилликда Ҳинд водийси атрофларида энг кўхна давлат тузилмаларидан бири – Харапп тамаддуни шаклланди.

Кейинчалик бу ўлка ҳудудида ҳинд-арий қабилалари пайдо бўлди ва уларнинг бир неча давлати – Мадра, Гандхара, Саувира ва бошқалар юзага келди.

Милoddан аввалги VI аср ниҳоясида Ҳинд дарёси ва унинг ирмоқлари ўтган катта воҳани Аҳамонийлар империяси, македониялик Искандар, эллинлар подшоҳлиғи ва бошқа ҳукмдорлар навбати билан босиб олишди. Кейинчалик Ҳинд воҳаси узоқ йиллар давомида кушонлар империяси, сосонийлар, гуптлар, эфталитлар тасарруфида бўлди, буддавийлик дини ўрнига ҳиндуслик дини кириб келди.

VII асрга келиб Синд ўлкаси ва Панжобнинг жанубий қисми фатҳ этилди ва мамлакат аҳолиси Ислом неъматини билан шарафланди. Бу диёрни Муҳаммад ибн Қосим ас-Сақафий

ҳижрий 90–94 йилларда, халифа Валид ибн Абдулмаликнинг даврида фатҳ қилган. Аммо Ислоннинг қарор топиши султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳаракатлари билан бўлди.

750 йили умавийлар халифалик ўрнини аббосийларга бўшатиб берганидан кейин Синд амалда мустақил давлат бўлиб қолди. XI асрдан бошлаб эса йирик савдо йўли бўлган бу ўлка бирин-кетин ғазнавийлар, ғурийлар, Дехли султонлиги, мўғуллар, теурийлар қўлига ўтди.

1843 йилдан бошлаб инглиз мустамлакачилари аввал Синдни, кейин Панжоб ва Белужистонни босиб олишди. Мамлакатда уларга қарши миллий-озодлик кураши узок вақт давом этди. 1906 йилда Ҳиндистонда мусулмонларнинг илк сиёсий ташкилоти – Мусулмонлар лигаси ташкил этилди. 1940 йили Алий Жанох (жаноб Қоиди Аъзам Муҳаммад) бошчилигидаги бу лига мустақил мусулмон давлати тузиш ғоясини илгари сурди. Инглизлар 1947 йилда яхлит исломий давлат – Ҳиндистонга мустақиллик беришга мажбур бўлишди. Аммо улар мамлакатни диний-қабилавий жиҳатдан икки давлатга – Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб юборишди.

Ўша йили 14 августда мустақил Покистон давлати ташкил топди. 1956 йил 23 мартда мамлакат Таъсис мажлиси қабул қилган Конституцияга кўра Покистон «Федератив Ислон Республикаси» деб эълон қилинди.

Асосий қонунга мувофиқ, Ислон давлат дини ҳисобланади ва унга фақат мусулмон кишигина президент бўла олади. 1984 йил декабрь ойида генерал Зиё ул-Ҳаққ ўтказган умумхалқ референдумида мамлакатни исломлаштириш стратегияси маъқулланди. Генерал Зиё ул-Ҳаққ ўзидан олдинги бош вазир Зулфиқор Алий Бхуттони маҳкама орқали ўлим жазосига тортди, ўзи эса ҳаво ҳалокатига учради. 1988 йилги сайловларда Беназир Бхутто ютиб чиқиб, бош вазир бўлди, Ғулом Исҳоқхон президент этиб сайланди. Кейинги пайтда (1990 йилда) Навоз Шариф бош вазир бўлди, прези-

дентлик лавозимини генерал Парвез Мушарраф эгаллади. Беназир Бхутто ўзига қарши уюштирилган суиқасддан вафот этди. Ундан кейин яна бир қанча раҳбарлар келишди.

Покистон аҳоли сони жиҳатидан дунёда еттинчи ўринда туради. Покистон Ислом Республикаси аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил этиб, уларнинг 75 фоизи ханафий мазҳабидаги суннийлар, 20 фоизи эса шийъалардир. Шийъалар ўзларини имомийлар, исмоилийларнинг издошлари деб ҳисоблашади. Қолган беш фоиз аҳоли ичида ҳиндуслик, насронийлик, буддавийлик, зардуштийлик каби оқимларнинг вакиллари бор. Панжобликлар асосан аҳмадийлик мазҳабига эътикод қилишади ва халқ орасида «қодиёнийлар» деб аталадилар.

САУДИЯ

Саудия Арабистони Қироллиги

Майдони: 2,149,000 км.кв.

Аҳолиси: 27 миллион.

Пойтахти: Ар-Риёз.

Бошқарув шакли: мутлақ теократик монархия.

Давлат бошлиғи: қирол.

Маъмурий тузилиши: 13 маъмурий округдан иборат.

Пул бирлиги: Саудия риёли.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Жидда, Мадина, Макка, Ад-Даммам.

Қадимдан, милоддан аввалги 2000 йиллардан буён мамлакат ерларида кўчманчи араб қабилалари яшаб келган. Маккада туғилган Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳнинг ваҳийси нозил бўла бошлагач, Араб жазирасининг ғарбий қисми бўлган Ҳижозда Ислом дини аста-секин тарқалди ва пойтахти Мадина бўлган илк Ислом мамлакати вужудга келди.

VII–VIII асрларда ўлка умавийлар, VIII–IX асрларда аббосийлар халифалиги таркибига кирди. Кейинчалик Араб жазирасининг каттагина қисмида мустақил амирлик ва султонликлар юзага келди. Ислом ватани Ҳижоз эса узок йиллар фотимийлар, айюбийлар, мамлуклар ҳукмронлиги остида бўлди.

XVI асрдан бошлаб у Усмонли салтанати кўл остида эди. Нажд амирларидан Муҳаммад ибн Сауд 1745 йилда Арабистонни бирлаштириш учун кураш бошлади.

Тарихчилар саудийлар давлатининг ташкил топиши уч босқичдан иборат, дейишади.

Биринчи босқич Диръийянинг амири Муҳаммад ибн Сауднинг 1726 йилда Ислом шариати қандай нозил бўлган бўлса, ўшандай татбиқ қилиш ҳақидаги иттифоқномасидан бошланган. Бу босқич 1817 йилда Миср ҳокими Муҳаммад Алийнинг саудийларга қилган ҳамласи билан тугаган.

Иккинчи босқич амир Диръийяга қайтиб келиб, усмонийларнинг волийсини чиқарганидан – 1819 йилдан бошланиб, Файсал ибн Туркийнинг ўғиллари бир-бирлари билан урушган ҳолда мулкни зое қилишлари ва унга Оли Рашид эга чиқиши билан 1891 йилда тугаган.

Учинчи босқич Абдулазиз ибн Абдуррахмоннинг Риёздан Оли Рашидни чиқариб, оталарининг мулкни қайтариб олганидан – 1901 йилдан бошланган ва ҳозиргача давом этмоқда.

1915 йилнинг декабрида Буюк Британия Нажд мустақиллигини тан олди, аммо Антанта «араблар қироли» Хусайнни фақат Ҳижознинг раҳбари деб ҳисоблар эди.

Саудлар хонадони Арабистонни бирлаштириш учун курашни давом эттирди. 1927 йилнинг январида Абдулазиз ибн Абдуррахмон ибн Сауд Нажд, Ҳижоз ва бошқа вилоятларни эгаллаб, мустақил Саудлар давлати тузилганини ва ўзининг бу давлатга қироллигини эълон қилди. 1932 йилдан бошлаб у Саудия Арабистони деб атала бошлади.

Подшоҳ Абдулазиз ибн Абдуррахмоннинг вафотидан кейин унинг ўғиллари Сауд, Файсал, Холид, Фахд ва Абдуллоҳлар подшоҳ бўлдилар.

Арабистон яримороли Ислом дини ватанидир. Саудия Арабистонида мусулмонларнинг икки табаррук шаҳри – Макка ва Мадина, ҳаж ва умра ибодати чоғида тавоф қилинадиган Байтуллоҳ (Каъба), Замзам булоғи, Масжидул-Ҳаром, Масжидун-Набавий ва бошқа тарихий жойлар бор.

Саудияда Ислом давлат дини саналади, аҳолининг 99 фоизи мусулмонлар, буларнинг ўндан тўққиз қисми эса суннийлардир, улар асосан ҳанбалий ва шофеъий, қисман моликий мазҳабларига эргашадилар. Саудия Арабистонида Ислом олами Уюшмаси (Робита), Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг доимий котибияти, Ислом Тараққиёт банки каби бир неча халқаро Ислом ташкилотлари жойлашган.

СЕНЕГАЛ

Сенегал Республикаси

Майдони: 196,722 км.кв.

Аҳолиси: 13,3 миллион.

Пойтахти: Дакар.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиги: президент.

Маъмурий тузилиши: 14 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Тиес, Каолак, Сенлуи.

Милодий IX асрда Сенегал дарёси водийсида тукулер деб аталган қабилалар пайдо бўлди ва ўзларининг Текрур номли давлатини тузишди. У кейинги беш аср мобайнида Сенегал ва Малини бирлаштирган йирик давлат бўлиб турди.

Сенегалга Ислом ҳижрий I асрда Мағриб орқали кириб келган ва X асргача давом этган.

Милодий X асрда барбар қабилалари Сенегал дарёси этагидаги оролга жойлашиб, тукулерларни Исломга даъват қилишди. XI асрда мусулмон тукулерлар барбарларнинг Алморавий сулоласи бошқараётган Гана давлатини тор-мор қилишди. Орадан уч юз йил ўтгач, тукулерлар мусулмон Кайт сулоласи ҳукмронлик қилаётган Мали сари юриш бошлашди. Аммо Текрурни малиликлар босиб олишди. Кейинчалик Сенегалнинг шимолидан жангари Марв амирлари Текрурга ҳужум бошлашди. Жангу жадаллар туфайли давлат парчаланиб, кучини йўқотди. Бу эса унинг европалик мустамлакачилар томонидан босиб олинишига йўл очди.

Милодий XV асрдан бошлаб мамлакатга аввал португаллар, кейин голландлар, инглизлар ва французлар сукулиб кира бошлашди. 1959 йилнинг бошларида Сенегалда Мали федерацияси тузилди, у 1960 йилнинг июнь ойида Француз Ҳамжамияти доирасида мустақил бўлди.

Ўша йилнинг август ойида Сенегал федерация таркибидан чикиб, мустақил давлатга айланди. 1982 йилда Сенегал билан Гамбия қўшилиб, Сенегамбия федерациясига асос солинди. Аммо бу тузилма етти йилгина яшай олди. Шундан кейин Сенегал асосий қонунига ўзгартиришлар киритилиб, 1993 йилда мустақил давлатда илк марта президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

Сенегал аҳолисининг этник таркиби хилма-хил: 36 фоизи фолофлар, 21 фоизи фулбелар, 19 фоизи серерлар, 7 фоизи диолалар, 6 фоизи миндингелардир. Кўп лаҳжаларда сўзлашилгани учун давлат тили француз тили саналади.

Мамлакат аҳолисининг 92 фоизини сунний мусулмонлар ташкил этади. Улар асосан Аҳли сунна вал жамоанинг моликий мазҳабига мансубдирлар. Мусулмонлар ўртасида сўфийликнинг турли тарикатлари ҳам тарқалган. Қолган

аҳолининг 6 фоизини мажусийлар, 2 фоизини насронийлар ташкил этади. Ислом мамлакат ҳаётида катта мавқега эга. Мамлакатда уч мингдан зиёд катта-кичик масжидлар ишлаб турибди. Айниқса мамлакат Ислом билан шараф топган кезларда барпо этилган Сўфий Тижония масжиди мусулмонларнинг фахри саналади. У ерда исломий таълим ҳам яхши йўлга қўйилган. Сўнгги пайтларга келиб аввал мажусий бўлган кабилаларнинг вакиллари ҳам Исломни қабул қилишяпти.

СУРИЯ

Сурия Республикаси

Майдони: 185,180 км.кв.

Аҳолиси: 22,4 миллион.

Пойтахти: Дамашқ.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 14 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Сурия фунти.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Ҳалаб, Ҳимс, Ал-Ладхимия, Ҳамо.

Сурия жуда қадимий тарихга эга мамлакат саналади. Милоддан аввалги 1760 йилларда Вавилон таркибига кирган. Юз йилдан сўнг уни хетлар босиб олишган. Миср фиръавни Рамсес II ҳам унга юриш қилган, аммо Ҳимс яқинида мағлубиятга учраган. Кейинчалик мамлакат кўп марта қўлдан-қўлга ўтиб, финикийлар, оссурияликлар, аҳамонийлар, эллинар ҳукмронлиги остида яшашга мажбур бўлди.

Шом ерлари Ислом неъматини билан шарафлангунига қадар етти аср мобайнида, аввал Рум, кейинчалик Византия, сўнгра Форс давлатлари тасарруфида бўлди. Бу даврга келиб, шомликлар бутун Ўрта ер денгизи атрофларида савдо-

гарлари, саркардалари, олимлари, ҳуқуқшунослари билан шуҳрат топдилар.

Араб жазирасининг Макка ва Мадина шаҳарларида илоҳий ваҳий нозил бўлганидан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом Шомнинг мусулмон ўлкаси бўлишини истаб, бир неча бор вакил жўнатдилар, чунки Яман ва Урдун оралиғида қатнай-диган савдо ва ғалла қарвонлари Шом орқали ўтар эди.

Милодий 634 йилда машҳур Ислом саркардаси Холид ибн Валид бошчилигидаги мусулмон кўшинлар Бусро ва Дамашқни, кейинроқ эса Баълабакка ва Ҳимс шаҳарларини фатҳ этишди. 636 йилнинг кузида Ибн Валиднинг оз сонли аскарлари Ярмук дарёси яқинида византияликларнинг юз минглик кўшинига қарши қакшатқич урушга кирдилар ва тўла ғалаба қозондилар. Бу жанг Ислом ғазотлари ва фатҳлари тарихида юксак ўрин тутган воқеадир.

Милодий 661 йилда Шом волииси Муовия ўзини халифа деб эълон қилганидан сўнг Дамашқ салкам юз йил мобайнида умавийлар қароргоҳи ва Ислом халифалигининг тахти бўлиб турди. Кейинчалик аббосий халифалар томонидан пойтахт Бағдодга кўчирилгач, мамлакатнинг шуҳрати сўна бошлади. Сўнг у ерларни салжукий турклар босиб олишди.

XI асрга келиб Ғарбий Европа салибчилари томонидан Шом ерларида тўртта давлат қурилди. 1290 йилда султон Ашроф Салоҳиддин Халил салибчиларни тор-мор қилганидан сўнг бу ерда мамлуклар ҳукмронлиги бошланди. 1401 йилда Шом ерларини Амир Темурнинг лашкарлари забт этдилар. 1516 йилгача бу ўлка мамлуклар, усмонли турклар, форслар ўртасида талаш бўлди ва ўша йили Усмонлилар салтанатига қўшилиб, тўрт аср мобайнида Истамбул ҳимояси остида яшади.

Сўнг Сурия давлати Францияга қарам бўлди. 1941 йилга келиб мустақил бўлди ва 1946 йилда Франция бу ердан чиқарилди. Сурия 1958–1961 йиллар орасида Бирлашган Араб Жумҳурияти номи остида Миср билан бирлашди.

1963 йилда Араб уйғониш ҳизби (партияси) ҳокимият тепасига келди. 1967 йилда эса Исроил Суриянинг Жўлан тепаликларини босиб олди. 1973 йилда Сурия Миср билан бирга Исроилга қарши Октябрь урушида катнашди.

Сурияда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтаришлар оқибатида ҳокимиятни Хусайн Заъийм, Соми Ҳаннавий, Адийб Шишкилий, Файсал Атосий, Амийн Ҳофиз, Нуриддин Атосийлар қўлга олишди. Охири 1970 йилда Ҳофиз Асад Нуриддин Атосийни йўқ қилиб, ҳокимиятни эгаллади. У вафот этгач, ўрнига ўғли Башшор президент бўлди.

Сурия аҳолисининг 82 фоизини мусулмонлар ташкил этиб, шундан 68 фоизи суннийлар, 14 фоизи шийъалардир. Шунингдек, бу юртда друзлар, исмоилийлар ва насронийлар ҳам истиқомат қилишади.

СОМАЛИ

Сомали Федератив Республикаси

Майдони: 637,657 км.кв.

Аҳолиси: 10,2 миллион.

Пойтахти: Могадишо.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 18 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Сомали шиллинги.

Расмий тили: сомалича ва араб тили.

Йирик шаҳарлари: Харгейса, Кисимайо, Барбара.

Икки минг йил муқаддам сомали тилида сўзлашувчи туябоқар кўчманчилар Ҳабашистон тоғолди ўлкаларидан ва Шимолий Кениядан шу ерларга кўчиб келиб, ўрнашишган. Сомали жамияти ҳайвонлар учун сув ва ўтлоқ ерларни ахтариб кўчиб юрадиган қабилалардан иборат эди.

Бу ерларда Ислом Умон, Ҳазрамавт, Яман каби минтақалардан келган араблар ва тожирлар орқали тарқалган. Ҳижрий IV–V асрларда Исломнинг тинч йўл билан тарқалиши Аҳиссодан келган қабилалар орқали давом этди.

VIII асрда аббосий халифалар таъқибидан қочиб келган Аҳли сунна мазҳабидаги мусулмонлар бу ерда Могадишо, Марка ва Барауэ шаҳарларига асос солиб, маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетишди. Исломни қабул қилган бир нечта Сомали сулоалари жанубий ва шарқий ҳудудларга кўчиб бориб, у ерда деҳқончилик билан шуғуллана бошладилар.

Мусулмонларнинг Сомалидаги биринчи давлати Аффа подшоҳлигидир. Кейин Аддол давлати қурилди. Сомали билан Ҳабаша (ҳабашийлар) орасида ҳар доим урушлар бўлиб турарди.

Кейин мамлакат ғарбликлар истилосига дучор бўлди. Аввал милодий XVI асрда португаллар Барауэни вайрон қилишди, сўнг италянлар, инглизлар ва французлар бос-тириб киришди. Сомали кўп йиллар мобайнида ана шу уч Европа давлатларининг ҳукмронлиги остида бўлди.

1884 йилда Буюк Британия ўзининг Сомалиленд деган протекторатини ташкил этганини расман эълон қилди. 1954 йили сомалиликларнинг қаттиқ норозилигига қарамай, Буюк Британия Сомалининг Огаден ўлкасини Ҳабашистонга бериб юборди.

1960 йилнинг 1 июлида мустақил Сомали Республикаси ташкил этилиб, унга Абдуллоҳ Усмон раис бўлди. 1969 йилда ҳукм аскарларга ўтиб, Муҳаммад Сиёд Барее ўз диктатурасини ўрнатди. Коммунистик сиёсат олиб боришга уринган Муҳаммад Сиёд Барее 1991 йилда қочиб кетди ва Алий Маҳдий муваққат раис этиб сайланди. Бунга генерал Муҳаммад Фарах Ийдид норозилик билдирди ва фуқаролар уруши яна ҳам авж олди.

Ушбу сатрлар Сомалида ҳарбий тўнтаришлар содир бўлиб турган дақиқаларда қораланмоқда. Сомали ҳукумати

Огаденни талашиб, Ҳабашистон билан уруш олиб борди. Қурғоқчиликлар, фуқаролик урушлари Огадендан миллионлаб қочоқларнинг мамлакатга кўчиб келишига сабаб бўлди. Қўшни мамлакатларнинг тажовузи ва улар томонидан баъзи ўлкаларнинг босиб олиниши, ҳарбий фитналар ҳозиргача тўхтамаётир.

1996 йилнинг декабрида Ҳабашистон армияси қисмлари «Ал-иттиҳод ал-исломийя» жангчилари гуруҳи назорат қилиб турган Сомалининг жануби-шарқий ҳудудларига бостириб кирди ва чегара яқинидаги бир нечта шаҳарларни босиб олди. Орадан икки йил ўтиб, Сомалининг шимолида жойлашган Босассо шаҳрида сулҳга эришиш бўйича конференция ўтказиш режаланган эди, аммо унинг очилиши ҳозиргача тўрт марта кечиктирилди.

Сомали аҳолисининг 98 фоизини сомалиялик кушитлар, қолганини эса араблар, ҳиндлар, италияликлар ва покистонликлар ташкил этади. Ислом давлатнинг расмий дини саналади.

Сомали ҳудудида Ислом XI–XII асрларда тарқалган бўлсада, бироқ мамлакатни кенг миқёсда исломлаштириш жараёни XVII–XVIII асрларга тўғри келади. Аҳолининг салкам 99 фоизи мусулмонлардир. Уларнинг асосий қисми Аҳли сунна вал жамоанинг шофеъий мазҳабига мансуб. Аҳолининг қолган бир қисми ичида тасаввуф тариқатларига эргашувчилар бор. Жуда оз сонли сомалиликлар зайдийлар ва ибозийлар оқимига кирган. Ўлканинг жанубий-ғарбидаги уруғ-қабидалар орасида бутпарастлик ҳам тарқалган. Бу ерда XIII асрда қурилган масжидлар ҳам сақланиб қолган. Бир нечта ўқув юртларида диний мутахассислар тайёрланмоқда.

Узоқ давом этган урушлар туфайли вайронага айланган ва ҳаёт издан чиққан Сомалида янги ташкил топган Ислом судлари Кенгашининг обрўси ошиб борапти.

СУДАН

Судан Республикаси

Майдони: 1,886,068 км.кв.

Аҳолиси: 34,8 миллион.

Пойтахти: Хартум.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси

Давлат бошлиги: президент.

Маъмурий тузилиши: 17 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Судан фунти.

Расмий тили: араб ва инглиз тили.

Йирик шаҳарлари: Омдурман, Шимолий Хартум, Порт-Судан.

Қадимда ҳозирги Судан ҳудудида Нубия давлати ҳукм сурган. Милоддан аввалги VII–VIII асрларда Нубия подшоҳлари Мисрга бостириб кириб, у ерда ўз ҳокимиятларини ўрнатганлар. Милодий VI асрда эса Нубия аҳолиси насронийликка ўтказилди.

VII асрда мусулмон араблар Мисрни фатҳ этиб, марказий ҳудудларда Исломни ёя бошладилар. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу Мисрни фатҳ қилгач, Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳни жанубга, Нуба ўлкаларига юборди. У ҳижрий 31 йилда Данқалага етиб борди. Шу вақтдан бошлаб араб қабилалари Суданга кўчишни бошладилар. Аббосийлар давлати қурилганидан сўнг ўша ерларга икки мингдан ортиқ умавийлар кўчиб боришди.

Яқинда Суданда Африкадаги энг қадимий масжид харобалари топилди. Ўша пайтларда Судан ерларида мажусийлар яшайдиган иккита Нубия давлати ҳукм сурган. Мисрнинг ҳужумини қайтаришга қодир ушбу кучли давлатлар кўчманчи араб қабилаларининг кириб келишига тўсқинлик қила олишмади. Арабларнинг бу ерларга юриши XIV–XV асрларга келиб Нубия давлатларининг парчаланиб кетишига сабаб бўлди.

Судан диёрида Зарко ва Фур каби катта салтанатлар хукм сурган. Сўнг Миср давлати Муҳаммад Алий восита-сида ўз хукмини ўтказди.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Юқори Нил ва ал-Ғазал дарёлари худудига европалик сайёҳлар, тожирлар ва мис-сионерлар кириб кела бошлашди. Бу эса фил суяги ва кул савдосининг авж олишига туртки бўлди.

1863–1879 йилларда Мисрда хукмронлик қилган Исмоил кул савдосига қарши курашиш мақсадида мазкур бе-поён жанубий минтақаларда ҳам ўз хукмронлигини ўрнат-ди. 1874 йилда эса Дарфурни эгаллади. Шимолий Судан ва Исмоил маъмурияти ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва диний ихтилофларнинг кучайиши 1881 йилда Суданда диний низоларни келтириб чиқарди.

1899–1955 йилларда Англия ва Мисрга тобе бўлган Су-дан ҳукумати мамлакатда бирликни, ички тартибни ҳамда бир меъёрда ривожланишни таъминлашга эришди.

1956 йил 1 январда Судан давлати мустақилликка эриш-ди, аммо иқтисодий бўҳрон туфайли мамлакатда ҳокимият учун кураш кучайиб кетди. Орадан икки йил ўтгач, генерал Иброҳим Аббод ҳарбий тўнтариш уюштириб, ҳукуматни ағдариб ташлади. Етти йилдан сўнг парламент сайлови ўт-казилиб, унинг натижаларига кўра ғолиб чиққан икки пар-тия биргаликда ҳукумат тузишди. Аммо бу ҳукуматнинг фаолияти тўрт йилгина давом этди. Унинг Судан муаммо-ларини ҳал этишга қодир эмаслигини кўрган бир гуруҳ ар-мия зобитлари полковник Жаъфар Нимейри бошчилигида 1969 йилда яна давлатни ағдаришди. У коммунистларнинг ҳокимият тепасига келиш учун қилган ҳаракатларини бос-тиргани учун Совет иттифоқи билан алоқалар ёмонлашди. Президент Нимейри раҳбарлик қилган даврда Суданда ша-рият судлари жорий этилди.

80-йилларда кўтарилган халқ кўзғалонидан кейин Нимейри ҳукумати кулади. 1985–1986 йилларда маршал Абдуррахмон Сивори Заҳаб раҳбарлигидаги муваққат ҳукумат иш юритди. Келишилган вақтда маршал Абдуррахмон Сивори Заҳаб ҳукуматни топшириб, уйига пиёда кетди. Бу шахс ҳозиргача араб оламидаги ўз ихтиёри билан ҳокимиятни топширган ягона шахсдир.

1986 йилда ўтказилган сайловларда Содиқ Маҳдий ғолиб чиқди. Аммо бу пайтда жанубий ўлкаларда мусулмон бўлмаган қабилаларнинг Исломга таклиф этилиши сабабли келиб чиққан норозилик урушлари давом этарди. Ҳукумат кўшинларининг ҳарбий мағлубияти туфайли 1989 йилда навбатдаги давлат тўнтариши бўлди ва генерал Умар Ҳасан ал-Башир бошчилигидаги ҳарбийлар ҳокимият тепасига келишди. Орадан тўрт йил ўтиб, у сайловда ғолиб келди ва фуқаролик ҳукуматига ўтди. Жанубда тинчлик ўрнатиш борасида ўтказилган музокараларнинг ҳеч бири натижа бермади. Ихтилофлар оқибатида минглаб кишилар ҳалок бўлди ёки яшаб турган жойларини тарк этди. Ниҳоят жанубий минтақа катта давлатларнинг сиқуви остида насроний давлат шаклида Судандан ажраб чиқди.

Мамлакат аҳолисининг салкам ярми араблар, 30 фоизи қора танли занжилар, қолгани нуба, бежа каби қабилаларнинг вакилларида иборат. Аҳолининг 70 фоиздан ортиғини сунний мусулмонлар, 25 фоизини мажусийлар, 5 фоизини эса насронийлар ташкил этади. Мусулмонлар асосан мамлакатнинг шимолий ва марказий ҳудудларида истиқомат қилишади. Уларнинг кўпчилиги Аҳли сунна вал жамоанинг моликий мазҳабига мансуб, ҳанафий ва шофеъий мазҳаби тарафдорлари ҳам талайгина. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар орасида беш миллионга яқин ансория оқими кенг тарқалган.

Ислом мамлакатнинг расмий дини ҳисобланади. Қонунни ҳимоя қилиш ва судлов ишлари шариат судлари зиммасига юклатилган. Мактаб ва олий ўқув юртларида дин асослари ўқитилади.

СУРИНАМ

Суринам Республикаси

Майдони: 163,820 км.кв.

Аҳолиси: 573 минг.

Пойтахти: Парамарибо.

Бошқарув шакли: парламентар республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 10 маъмурий округдан иборат.

Пул бирлиги: Суринам доллари.

Расмий тили: нидерланд тили.

Йирик шаҳарлари: Мунго, Янги Амстердам, Албина.

Ҳозирги Суринамнинг туб аҳолиси Суринам ҳиндуларидир. Милодий XVI асрда бошқа америкалик ҳиндулар уларни киндик қони тўкилган ерларидан қувиб чиқаришган эди. Бу заминга Европадан биринчи бўлиб испанлар кириб келишди. Кейинчалик эса Суринам ерлари голландларга ва инглизларга ҳам «ёқиб қолди». Мустамлакачилар эгаларидан сўраб ҳам ўтирмай, бу жаннатмакон ўлкага жойлашиб олишди.

1667 йилда Англия Суринамни Янги Амстердам эвазига Голландияга «ҳадя қилиб» юборди. Натижада у кўп йиллар босқинчилар ҳукмронлиги остида яшашга мажбур бўлди. 1954 йилга келибгина Суринам мухтор ўлка мақомини олди, 1975 йилда эса мустақил республикага айланди. 1980 йилда мамлакатда ҳарбий тўнтариш содир бўлиб, ҳокимиятни ҳарбийлар эгаллаб олишди. Орадан саккиз йил ўтибгина ҳукумат фуқароларга берилди ва бу ерда эркин сайловлар бўлиб ўтди.

Мамлакат аҳолисининг миллий ва диний таркиби ниҳоятда ранг-баранг. Аҳолининг 37 фоизини хиндлар, 31 фоизини креоллар, салкам 15 фоизини Индонезиянинг Ява оролидан келган муҳожир ишчилар, 10 фоизини африкаликлар ташкил этади. Улардан ташқари бу ерда хиндулар, европаликлар ва хитойлар ҳам истиқомат қилишади.

Аҳолининг чорак қисмидан кўпроғи хиндусликка эътиқод қиладиганлар, яна шунчаси протестантлар, чорак қисмига яқини католиклар, 20 фоиздан ортиқроғи эса мусулмонлардир. Мусулмонларнинг аксариятини Голландия ҳукмронлиги чоғида бу ерга иш ахтариб келган индонезияликлар ташкил қилишса-да, кейинги йилларда мамлакат туб аҳолиси ўртасида ҳам Ислом динига қизиқиш кучайиб кетди. Шу боис Суринам умумий аҳолига нисбатан мусулмонлар миқдори жиҳатидан Лотин Америкасида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

ТУНИС

Тунис Республикаси

Майдони: 163,610 км.кв.

Аҳолиси: 10,8 миллион.

Пойтахти: Тунис шаҳри.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 24 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Тунис динари.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Сфакс, Бизурта, Суса.

Тарихчиларнинг ёзишича, милoddан бир минг икки юз йил муқаддам Тир финикийлари Испанияга олиб борувчи савдо йўли ёқасидаги ҳозирги Тунис шаҳри атрофларини маскан тутишади. Кейинроқ у эрамиздан аввалги IX асрда

финикийлар барпо этган Карфаген давлатининг пойтахтига айланади. Кучли денгиз бўйи давлати ҳисобланган Карфаген ўлкасида бир миллион аҳоли яшар, 146 йилда римликлар уни вайронага айлантирмасларидан аввал қўшни мамлакатларга ҳам таъсир ўтказар эди. Милоднинг бошларида Тунис Рим империяси истеъмол қиладиган ғалланинг 60 фоизини етиштирарди. Бундан ташқари, Римга бу ердан ёввойи хайвонлар, олтин, зайтун мойи ва қуллар етказиб берилар эди. Рим инкирозга учраб, 439 йилда уни ёввойи қабилалар босиб олгунга қадар Карфаген Рим империясининг иккинчи йирик ўлкаси бўлиб келди.

Милоднинг 698 йили Карфаген мусулмонлар томонидан фатҳ этилди. Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан кейин Мисрга Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх волий бўлди. Ҳижрий 27 йилда Усмон розияллоҳу анху унга Африкани фатҳ этишига изн берди. Унга Бурқада турган Уқба ибн Нофеъ розияллоҳу анху ҳам қўшилди. Туниснинг чинакам фатҳи шу киши томонидан амалга оширилди. Уқба ибн Нофеъ розияллоҳу анху Қайрувон шаҳрини қурди ва Африкага волий бўлди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз тобеъинлардан ўнта фақиҳни танлаб, Африкада Исломни ёйиш учун юборди. Африканинг туб аҳолиси бўлмиш барбарлар орасида Исломнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши ўша фақиҳлар фаолияти самараси бўлди. Маҳаллий барбарлар ўртасида Ислом дини кенг ёйила бошлади.

Туниснинг янги пойтахти Қайрувон VIII аср ўрталаригача умавийлар, кейин эса аббосийлар қўлида бўлди. X аср ўрталарида шийъаларнинг фотимий сулолалари ҳокимиятга келиб, бутун Мағриб давлатлари устидан назорат ўрнатишди. Асрнинг охирига келиб, улар Мисрни ҳам эгаллашди ва пойтахтни Қоҳирага кўчиришди.

XII асрда Туниснинг Ўрта ер денгизидаги бир канча портларини норманлар босиб олишди. Бироқ ўн йилдан

сўнг улар Марокаш ҳукмдорлари томонидан кувиб чиқарилди. Шу тариқа Тунис ярим аср давомида Марокаш султонлари ҳукмронлиги остида қолиб кетди.

1270 йилда Франция кироли Людовик IX Тунис мусулмонларига қарши салиб юриши чоғида Карфагенда вафот этди. 1535 йилда император Карл V қўшинлари томонидан Карфаген босиб олинганида Тунис ҳукмдорлари Усмонли салтанатига ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Салкам қирк йилдан сўнг турклар испанларни кувиб, Тунисни Туркиянинг бир вилояти деб эълон этишди ва юз йил мобайнида мамлакат турк волийлари томонидан бошқарилди. Ниҳоят 1704 йили Крит оролида туғилган Ҳусайн ибн Алий Усмонли султонларига бўйсунган ҳолда ўзини Туниснинг валиаҳд ҳукмдори деб эълон қилди ва унинг авлодлари 1957 йилгача тахт тепасида бўлишди. 1881 йилда Франция тунислик кўчманчиларнинг Жазоирга кирганини баҳона қилиб, Тунисга қўшин жўнатди ва бу ерда ҳукмронлигини ўрнатди ҳамда 1956 йилгача, Тунис тўла мустақилликка эришгунига қадар турли усуллар билан уни қарамликда ушлаб турди. Орадан бир йил ўтиб мамлакат парламенти подшоҳликни тугатди ва уни республика деб эълон қилди.

Ҳабиб Бурғиба Туниснинг биринчи президенти этиб сайланди. У қаригунича ҳукмронлик қилди. Кейин ички ишлар вазири Зайнулобидин ибн Алий уни четлатиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. 2012 йилнинг баҳорида бўлиб ўтган кўзғалонда Ибн Алий қочиб кетди ва ҳукумат кўзғалончиларга ўтди.

Тунис Ислом оламида нуфузли мамлакатлардан саналади. 1979 йилда Араб давлатлари Лигаси қароргоҳи Қоҳирадан Тунисга кўчирилган. 1982 йилда Исроил Ливанга ҳужум қилганидан сўнг Фаластин Озодлик Ташкилоти қароргоҳи ҳам Тунисда фаолият бошлади.

Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини тунислик мусулмон араблар ташкил этишади. Улар Аҳли сунна вал жамоа

ақийдавий ва моликий фикҳий мазҳабидалар. Туниснинг уч юз минг аҳолиси кўчманчилардан иборат. Мамлакатда яхудийлар, французлар ва барбарлар ҳам оз эмас.

ЧАД

Чад Республикаси

Майдони: 1,284,000 км.кв.

Аҳолиси: 11,2 миллион.

Пойтахти: Нжамена.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 22 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз ва араб тили.

Йирик шаҳарлари: Сарх, Мунду, Абеше.

Милодий VII–VIII асрларда Чад кўлининг шимоли ва шаркидаги ҳудудларга барбар қабилаларидан ҳисобланган загава халқининг кўчманчи чорвадорлари келиб ўрнашишди. Турмушини яхши йўлга қўйган келгиндилар туб аҳоли бўлмиш афсонавий со халқига ёкиб қолди. Ўтроқ деҳқончилик билан машғул қоратанли со халқи марказлашган давлатига эга бўлмай, ҳимояланган шаҳарларда яшар эди. Загава халқининг бир гуруҳи томонидан VIII асрда барпо этилган Канем давлати Марказий Судандаги энг қудратли ва барқарор давлат тузилмасига айланди. Канемнинг ҳукмрон Сайфува сулоласи аъзолари со аёлларига уйланишди ва натижада XIII асрга келиб тахтга қора танли ҳукмдорлар келишди. Сайфува сулоласи нафақат Канемга, балки унинг вориси бўлган Борну давлатига ҳам 1846 йилгача ҳукмронлик қилди.

XI асрда Канем ҳукмдорлари Исломни қабул қилгач, у Марказий Суданнинг муслмон маданияти марказига айланди.

XX аср бошларида мамлакатдаги ички низо ва тўқнашувлардан фойдаланган французлар бу ерга бостириб кириб, аввал ўз мустамлакасига, кейинчалик «денгизорти худи»га айлантиришди.

1960 йил 11 августда Чад мустақил давлат деб эълон қилди. Аммо шундан кейин ҳам мамлакатга тинчлик-осойишталик насиб этмади: мустамлакачилар уюштирган фитнес-хўжаликлар туфайли мамлакатда бошланиб кетган фуқаролик урушлари, исён ва қонли тўқнашувлар ҳозиргача тинмайди.

Мамлакат аҳолисининг салкам 60 фоизини мусулмонлар ташкил этади, қолганлари насронийлар (9 фоиз) ва бутпарастлардир (31 фоиз). Мусулмонларнинг асосий қисми Аҳли сунна вал жамоанинг моликий мазҳабига мансуб. Араблар орасида шофеъий мазҳаби ҳам тарқалган, бир неча тасаввуф тариқатлари ҳам бор.

УМОН

Умон султонлиги

Майдони: 309,500 км.кв.

Аҳолиси: 2,9 миллион.

Пойтахти: Масқат.

Бошқарув шакли: мутлақ монархия.

Давлат бошлиги: султон.

Маъмурий тuzилиши: 11 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Умон риёли.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Ибри, Салала, Ал-Бурайма, Матрах.

Умон энг қадимий ўлкалардан ҳисобланади. Бу юртнинг номи қадимги замонда мана шу ерда яшаган Умон ибн Қаҳтоннинг исмидан олинган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, саёҳатчи Марко Полони жалб этган афсонавий Мағон замини айнан Умон ҳу-

дудиди бўлган. Яна тарихчилар бу ўлкани сайёҳ Синдбоднинг ватани деб ҳисоблашади. Сулаймон алайҳиссалом туфайли Аллоҳга иймон келтирган Сабаъ маликаси Билқис ҳам айнан шу ерларда ҳукмронлик қилган, деганлар ҳам бор.

Милоддан аввалги IV–III асрларда Месопотамия ва Ҳиндистонни Миср ва Ҳабашистон билан боғлайдиган савдо йўллари Умон бандаргоҳларидан ўтган.

Милоднинг VII асрида аҳолиси асосан араблар бўлган бу юрт Ислом билан шарафланди. Умонга Ислом ҳижрий олтинчи йилда, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида кирган. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Ос розияллоҳу анҳуни бир гуруҳ саҳобалар билан Жалданийнинг икки ўғли Жуфер ва Ийёднинг ҳузурига юборган эдилар. Ўша вақтда Умоннинг подшоҳлари бўлган мазкур икки шахс мусулмон бўлишди, натижада Умоннинг барча аҳолиси Исломга кирди. Кейинроқ ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг даврларида эса мазкур икки подшоҳ муртад бўлиб, халқи ҳам уларга эргашди. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу уларга Иқрима ибн Абу Жаҳл ва Хузайфа Боҳилийни юбордилар. Умоннинг барча аҳолиси яна Исломга қайтди. Ироқда, Форс ва Синд юртларида олиб борилган фатҳ ишларида умонликларнинг алоҳида ҳиссалари бор эди. Бу ҳодисалар ҳижрий 15–21 йилларда содир бўлган. Шунингдек, умонликлар Шарқий Африкада Исломни ёйишда ҳам жуда кўп меҳнат қилишган.

751 йилда аҳолисининг асосий қисми хаворижлар бўлган Умонда давлат раҳбари этиб имом тайинланди ва у мустақил имоматга айланди. IX асрдан бошлаб у яна аббосий халифалар сулоласи қўл остида бўлди. 1154 йилда маҳаллий қабила вакиллари ҳокимият тепасига келди.

1426 йилда салтанатни яна имомлар эгаллашди. 1508 йили Масқат ва соҳилбўйи туманларни португал босқин-

чилари эгаллаб олишди ва бутун Шарқий Африка қирғоқларида ҳокимиятларини мустаҳкамлашди. Орадан юз йил ўтиб, улар яна ҳокимиятни бой беришди. Кейинчалик форс қўшинлари ва инглиз-голланд флотининг тазйиқи билан португаллар бу ўлкани тарк этишга мажбур бўлишди.

Шундан кейин Умон давлати қувватга кирди. Ўзининг денгиз флотида денгизларда айланиб юрадиган бўлди, нуфузи кенгайди. Африкадаги занжийларга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Форснинг жанубидаги бўлақларини ҳам, Белужистонни ҳам эгаллаб олди. Бу воқеалар милодий 1624–1738 йилларда яърубийлар давлати вақтида содир бўлди.

Яърубийлар давлати Умонда ҳукм юритган энг буюк давлат ҳисобланади. Ҳижрий 1154 (милодий 1741) йилда бу юртга Бусаъидийлар оиласи ҳокимлик қилди. Бу давлатга Аҳмад ибн Саъид асос солди ва шундан кейин Умоннинг ҳокимлари мана шу оиладан бўлиб келди.

XVIII асрда мамлакатда турли қабиалар ўртасида чиққан фуқаролар урушидан фойдаланган форслар унинг энг муҳим жойларини босиб олишди. Кейин Буюк Британия, Франция ҳамда Марказий Арабистон бу ерда ҳукмронлик ўрнатиш учун кураш олиб борди. Аммо Англия зўррок чиқиб, «Ост Индия» компанияси бутун савдо ҳуқуқини қўлга киритди. 1798 йилда Умон Буюк Британиянинг вассалига айланди.

Саъид бин Султон ҳукмронлиги даврида бу ёғи Занзибаргача, у ёғи Белужистон ва Форсгача бўлган бутун Шарқий Африка соҳиллари Умон қўл остида бўлган. 1853 йилга келиб у шартномавий Умон мақомини олди, аммо ташқи босқинлар ва ички урушлар тўхтамади.

Англия билан етти йиллик урушдан сўнг, 1920 йилда Умон имомати мустақил давлат сифатида тан олинди. 1970 йилда отаси Саъид ибн Таймурдан ҳокимиятни қабул қилиб олган султон Қобус ибн Саъид Умонни энг ривож-

ланган, осойишта мамлакатлардан бирига айлантириш йўлидан бормоқда. Мамлакатда Шўро кенгаши (парламент) тузилган. 1996 йилда Асосий конун қабул қилинди.

1964 йилда Умон ҳудудида нефть конининг топилиши мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ўттиз-қирқ йил муқаддам қолоқ, кашшоқ, таълим, тиббиёт каби масалаларда оқсаб ётган ўлка бугун бой, тўкин, тинч ва фаровон юртлардан бирига айланди. Нефть ва сайёҳликдан тушадиган маблағлар аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш йўлида сарфланмоқда.

Мамлакатда ўғрилиқ, бировнинг молини ўзлаштириб олиш каби иллатлар йўқ.

Умон аҳолисининг 75 фоизини араблар, 21 фоизини ҳиндлар, форслар, белужлар ташкил этади. Аҳолининг ҳаммаси мусулмонлардир. Уларнинг 20 фоизи сунний, қолгани ибозий мазҳабига мансуб. Ўнлаб муҳташам ва гўзал масжидлардан янграган азон садолари уларни ибодатга чорлайди.

ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистон Республикаси

Майдони: 2,724,902 км.кв.

Аҳолиси: 17,3 миллион.

Пойтахти: Остона.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 14 вилоятдан иборат.

Пул бирлиғи: Қозоғистон тангаси.

Расмий тили: қозоқ ва рус тиллари.

Йирик шаҳарлари: Олмаота, Қарағанда, Чимкент, Оқтепа.

Милодий VI–VII асрларда ҳозирги Қозоғистон заминидан турк қабилалари истиқомат қилган ҳамда тўргаш, қарлук, ўғуз давлатлари ва турк ҳоконлиғи ҳукмронлик қилган.

VIII асрдан бошлаб бу ерда Ислом дини тарқала бошлади. X асрдан ҳозирги Шарқий Қозоғистон ҳудудига мўғуллар томонидан Мўғулистон ҳудудидан ҳайдаб чиқарилган козоқ қабилалари келиб ўрнаша бошлади. XIII–XIV асрларда у мўғуллар империяси таркибига кирди. XVI асрда казак отрядлари Ўрол дарёси қирғоқларига келиб ўрнашди ва кейинчалик Шимолий Қозоғистон ерларига тарқалиб кетди. Орадан юз йил ўтиб учта: Катта, Ўрта ва Кичик бийликка бўлинди ва уларни алоҳида хонлар бошқара бошлади.

1731–1742 йилларда мўғуллар босқинидан хавфсираган козоқлар рус подшоҳидан паноҳ сўрашади ва 1866 йилга келиб бутун Қозоғистон ерлари руслар ҳукмронлиги остига ўтади. 1917 йилда бу ерда совет ҳокимияти ўрнатилади. Орадан уч йил ўтиб, у РСФСР таркибида мухтор республикага айланади. 1936 йилдан собиқ Совет Иттифоқи (СССР) таркибида иттифоқдош республика бўлди. 1991 йилда эса Қозоғистон ўз мустақиллигига эришди.

Мамлакат аҳолисининг салкам 50 фоизи сунний мусулмонлар, 44 фоизи эса православ насронийлардир. Кейинги пайтларда мамлакатда Ислом динига эътибор сезиларли даражада жонланди, 2000 га яқин янги масжидлар, бир неча олий ва ўрта диний ўқув юртлари қурилди. Диний адабиётлар ва нашрлар чоп этиш кўпайди.

ЯМАН

Яман Республикаси

Майдони: 527,970 км.кв.

Аҳолиси: 25,4 миллион.

Пойтахти: Санъо.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 21 вилоятдан (губернаторликдан) иборат.

Пул бирлиги: Яман риёли.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Адан, Худайда, Тоъиз, ал-Муққала, Дамар.

Ҳозирги Яман ҳудудидаги биринчи давлат бўлмиш Минэ подшоҳлиги милоддан аввалги 1200 йилдан 650 йилгача мавжуд бўлган. Милоддан аввалги X асрда Шиба қироллиги, жанубда эса Катабан ва Ҳазрамавт давлатлари ташкил топган. Милодий I–VI асрларда бу ерда қудратли Химяр давлати ҳукм сурган. IV–VI асрларда эса уни Ҳабашистон ва Форс ўлкалари босиб олди.

Яманликлар Исломга киришларидан олдин насроний ва яҳудий динларига эътиқод қилар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрий 6 (милодий 627) йилда уларнинг ҳокими Ҳорис ибн Абду Килол Ҳимярийга мактуб юбориб, унга жавоб хатини олдилар. Бу мактубда уларнинг ҳижрий 9 йилда мусулмон бўлганлари ҳақида хабар бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни таълим бериш ва ораларида қозилик қилиш учун юбордилар. Шундан сўнг Яман диннинг суянчига ва марказларидан бирига айланди. Абу Бакр

розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида Ислом ҳарбий-лари сафига яманликлардан минглаб одамлар қўшилдилар.

Яман аҳли воситасида Жанубий Осиё, Шарқий Осиё, Шарқий Африка ва бошқа тарафлардан кўплаб одамлар мусулмон бўлдилар. Бу ерларга тижорат мақсадида келган яманликлар кишиларни Исломга даъват қилишар эди.

Узоқ давр мобайнида, ҳижрий 284–897 (милодий 1382–1962) йилларда Яманга зайдий мазҳабининг имомлари ҳокимлик қилдилар.

XVI асргача мамлакат мусулмон араб ҳукмдорлари томонидан идора қилинди. Шундан кейин Сокотра оролини португаллар, Санъони эса Миср мамлуқлари забт этишди. 1538 йилда Яманнинг катта қисми Усмонли салтанат таркибига кирди ва роппа-роса уч аср Ислом ҳамжамятининг аъзоси бўлди.

1839 йилда Адан инглизларнинг ҳарбий базасига айланди ва шу пайтдан бошлаб мамлакат иккига бўлиниб қолди. XX аср бошларида Яманнинг шимолий ва жанубий қисми ўртасига чегара тортилди. 1918 йилда Шимолий Яман ўз мустақиллигини эълон қилди ва 1962 йилгача конституциявий монархия бўлиб турди.

Шу йили Яман Араб Республикаси тузилди ва Абдуллоҳ Саллол зайдий имомларнинг охиригиси имом Муҳаммад Бадрга қарши инқилобни амалга оширди. Икки ўртада урушлар бўлди. Жумҳуриятчиларга эса Миср кучлари кўмак бериб турди. Жамол Абдунносир уларни Яманга юборди. Ниҳоят ҳижрий 1387 (милодий 1967) йилда Абдунносир ўз кучларини қайтариб олди ва Яман жумҳурияти барпо этилди.

Ҳижрий 1397 (милодий 1977) йилда раис Иброҳим Ҳамдий қатл қилинди. Кейинроқ унинг ўрнига сайланган Аҳмад Вашмийнинг тақдири ҳам шундай тугади. Сўнг ҳижрий 1399 (милодий 1978) йилда унинг ўрнига Алий Абдуллоҳ Солих ҳоким бўлиб қолди.

Жанубий демократик Яман эса ҳижрий 1388 (милодий 1967) йилда Британия мустамлакачиларидан озод бўлиб, мустақилликка эришди. Мамлакатда коммунистик ғоя ҳукм сурди. Унинг биринчи раиси Қаҳтон Шаъбий эди. Ундан сўнг кетма-кет инқилоблар бўлди. Солим Робеъ қатл қилинди. Ундан кейин келган Абдулфаттоҳ Исмоил ҳам ишдан олиниб, сургун қилинган, бошқарувга Алий Носир келди. Бу пайтда Абдулфаттоҳ яна қайтиб келиб, икковлари орасида бир неча йиллар давомида куролли тўкнашувлар бўлиб турди.

Ҳижрий 1406–1407 (милодий 1985–1986) йилда Абдулфаттоҳ қатл қилинди. Алий Носир эса қочиб кетди. Унинг ўрнига давлатни Ҳайдар Абу Бакр Аттос бошқара бошлади. Ҳижрий 1410 (милодий 1990) йилда Яманнинг икки қисми бирлашиб, ягона давлат ташкил этилди. Бу бирлашган давлатга Яман Араб жумҳурияти деб ном берилди ва унга Алий Абдуллоҳ Солиҳ раис этиб сайланди. Алий Солим Бийз унинг ноиби, Ҳайдар Абу Бакр Аттос эса бош вазир бўлди.

Жуда ҳам заиф бўлган бу давлат тезда қулади. Ҳижрий 1414 (милодий 1994) йилда фуқаролар уруши бошланди ва бу уруш икки ойдан кейин жанубликларнинг мағлубияти билан тугади. Бийз ва Аттослар хорижга қочиб кетишди. Кейин Алий Абдуллоҳ Солиҳ бошчилигида бирлашган Яман ҳукми давом этди.

2012 йилда Алий Абдуллоҳ Солиҳга қарши бир неча қўзғалонлар бўлди. Узоқ давом этган қаршиликдан сўнг у истеъфо беришга мажбур бўлди.

Яман Саодат асридан буён Ислом билан шарафланган табаррук заминлардан саналиб келади. Бу ердан бир неча машҳур саҳобалар, улуғ олимлар етишиб чиққан. Ҳозир мамлакат аҳолисининг 99 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Уларнинг 60 фоизи шофеъий мазҳабидаги суннийлар, 40 фоизи шийъалардир. Оз сонли ҳанафий ва моликий мазҳаби тарафдорлари ҳам бор. Ислом Яманнинг расмий

дини ҳисобланади. Халқ ҳаётининг асосий жабҳалари ша-рият талабларига бўйсунди. Яманда Ислом оламида маш-хур ўнлаб исломий ўқув юртлари, қадимий масжидлар бор.

ТОЖИКИСТОН

Тоҷикистон Республикаси

Майдони: 142,100 км.кв.

Аҳолиси: 8,2 миллион.

Пойтахти: Душанбе.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: Тоғли Бадахшон мухтор вилоя-ти, 2 вилоят ва 62 туманга бўлинади.

Пул бирлиғи: сомоний.

Расмий тили: тожик тили.

Йурик шаҳарлари: Хўжанд, Кўлоб, Кўрғонтепа, Ваҳ-дат, Турсунода, Конибодом.

Тоҷикистон ҳудудида ахамонийлар ҳукмронлиғи ўрна-тилгач, милоддан аввалги 329 йилда македониялик Алек-сандр Македонский кўшинлари бостириб келди. Халқ унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Натижада Тоҷикистон ҳудуди-нинг бир қисми Македония давлати таркибига, сўнг ҳудуд-нинг аксарият қисми Юнон-Бактрия подшоҳлиғига кирди.

Милодий V–VI асрларда Ўрта Осиёнинг шарқий қисми-ни кўчманчи хионий қабилалари, сўнгра эфталлийлар эгал-лаб олди. VI асрнинг иккинчи ярмида Тоҷикистон ҳудуди Турк ҳоконлиғи таркибига кўшиб олинди.

VIII асрнинг ўрталарида ҳудудда Ислом дини жорий этила бошлади. IX–X асрларда Тоҷикистон ҳудуди тохи-рийлар ва сомонийлар давлати таркибига, IX–XIII асрларда ғазнавийлар, қорахонийлар, ғурийлар, қорахитойлар, хо-размшоҳлар давлатлари таркибига кирган. Тоҷикистон ҳу-

дудига бостириб кирган Чингизхон қўшинлари (1219–1221) аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келди (Хўжандда Темур Малик бошчилигидаги халқ қаршилиги ва бошқалар). Мўғуллар истилоси иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётга жиддий зарар етказди. XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб, хўжалик қайтадан тиклана бошлади. Тожикистон ҳудуди бу даврда Амир Темур ва темурийлар, XVI асрда эса шайбонийлар салтанати таркибида бўлди. Сўнг у Бухоро амирлиги қўл остига ўтиб, XIX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида тақсимланди. XIX асрнинг иккинчи ярмида эса чор Русияси томонидан забт этилди. Русияда 1917 йилги Октябрь революциясидан сўнг аҳолининг Иброҳимбек, Эшон Султон, Давлатмандбий, Фузайл Махсумлар бошчилигидаги жиддий қаршилигига қарамасдан, Тожикистон большевиклар томонидан босиб олинди.

1917 йил ноябрь – 1918 йил февралда Шимолий Тожикистонда шўро ҳокимияти ўрнатилди ва у Туркистон АССР таркибига кирди.

1924 йилда Ўрта Осиё республикаларининг «миллий давлат чегараланиши» дея бўлиб ташланиши натижасида Тожикистон Ўзбекистон ССР таркибида мухтор республикага, 1929 йилда эса СССР таркибида иттифоқдош республикага айлантирилди. 1991 йил 9 сентябрда мустақиллик тўғрисида декларация эълон қилинди ва «Тожикистон Республикаси» номи тасдиқланди. Иттифоқ тугатилиб, Тожикистон 1991 йил сентябрда мустақилликка эришгач, турли этник, диний ва маҳаллий уруғ-аймоқчилик гуруҳлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланди. Бу эса мамлакат сиёсий ҳаётида беқарорликка олиб келди. Ниҳоят 1997 йилда ўзаро муҳолиф кучлар миллий мурасага келиб, тинчлик ўрнатилди. Тожикистон 1992 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо. 9 сентябрь – Тожикистон республикасининг миллий байрами, Мустақиллик куни.

ТУРКМАНИСТОН

Туркменистон Республикаси

Майдони: 491,200 км.кв.

Аҳолиси: 5,3 миллион.

Пойтахти: Ашхабод.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 5 вилоятдан иборат.

Пул бирлиғи: манат.

Расмий тили: туркман тили.

Йирик шаҳарлари: Туркманобод, Тошовуз, Мари.

Туркменистон худуди қадимда ахамонийлар давлати, македониялик Александр истилосидан сўнг вужудга келган. Кейинчалик Парфия, Юнон Бактрия (Грек-Бактрия) подшоҳлиғи, эфталийлар, турк хоқонлиғи, араб халифа-лиғи, тохирийлар давлати, сомонийлар, салжуқийлар давлати, хоразмшоҳлар давлати, мўғуллар давлати таркибида бўлган. XIV асрнинг 70–80 йилларидан Туркменистон худуди темурийлар тасарруфига ўтган. XVI асрнинг охири, XVII аср мобайнида Хива ва Бухоро хонликларига қарам бўлди, бир қисми эса Эрон таркибига ўтиб қолди. 1869–1885 йилларда Туркменистон худудини Русия босиб одди. 1917 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида совет ҳокимияти ўрнатилди, 1918 йил 30 апрелда Туркистон мухтор совет социалистик республикаси ташкил этилгач, Туркменистоннинг асосий қисми (Закаспий вилояти, 1921 йил августдан Туркменистон вилояти тўлиқлиғича) унинг таркибига кирди. 1924 йилда Ўрта Осиёда «миллий давлат чегараланиши» деб аталган бўлиб ташлаш сиёсати натижасида 1924 йил 27 октябрда Туркменистон ССР ташкил топди ва СССР таркибига киритилди. Шундан кейинги йилларда туркман

халқи КПССнинг қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, мамлакатни индустриялаш сиёсати татбиғини ва қатағон йиллари азоб-уқубатини бошидан кечирди.

1991 йилнинг октябрь ойида мустақиллик ҳақида декларация қабул қилинди, мамлакат Туркменистон деб атала бошлади. Туркменистон – 1992 йилдан буён БМТ аъзоси. 27 октябрь – Туркменистон республикасининг миллий байрами, Мустақиллик куни.

ТУРКИЯ

Туркия жумҳурияти.

Майдони: 783,562 км.кв.

Аҳолиси: 79,6 миллион.

Пойтахти: Анқара.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 81 вилоятдан иборат.

Пул бирлиғи: Туркия лираси.

Расмий тили: Турк тили.

Йирик шаҳарлари: Истамбул, Измир, Бурса, Адана, Анталия, Кўня, Диёрбақр, Эдирна.

Аҳолисининг 90 фоизини турклар ташкил этади. У ерда курд, араб, ўзбек, адигей, чечен, осетин, лезгин, грек, арман, грузин, озарбойжон, туркман, болгар, албан миллатига мансуб халқлар ҳам яшайдилар. Аҳолисининг асосий қисми Ислом динининг сунний мазҳабиға эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 69 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги Туркия худудида жуда қадим замонлардан бошлаб юксак маданиятға эға бўлган давлатлар жойлашган. Онадўли Хетт подшоҳлиғи, Лидия, Мидия, Аҳамонийлар давлати, Александр Македонский империяси, Понт подшоҳлиғи, Пер-

гам, Қадимги Рим, Византия таркибига кирган. Туркий элатлар бу ҳудудга XI асрдан бошлаб кўчиб кела бошлаганлар.

Ўғуз-туркман кабилаларининг йўлбошчилари бўлган Туғрулбек ва Чағрибек бошчилигида салжукийлар давлатига асос солинган, Ислом дини тарқала бошлаган. Султон Алп Арслон 1071 йилда Малазгирт жангида Византия императори Роман армиясини тор-мор этганидан сўнг салжукийлар давлати ниҳоятда кенгайди. Султон Маликшоҳ даврида (1072–1092 йиллар) салтанат гуллаб-яшнади. Бу ҳукмдорнинг ўлимидан кейин салтанат парчаланиб, Сурия салжукийлари, Ироқ ва Хуросон салжукийлари, Кирмон салжукийлари ва Онадўли салжукийлари каби кичикрок давлатлар пайдо бўлди. Уларнинг орасида Онадўли салжукийлари давлати алоҳида ўрин эгаллади. 1243 йилги Кўса-тоғ жанги оқибатида мўғуллар бу давлатга барҳам бериб, ўлкани истило қилдилар. XIII асрнинг охирларига келиб, мўғуллар заифлашган, бир қанча мустақил бийликлар (бекликлар) ташкил топди ва мамлакат тараққиётга юз тутди.

XIV асрнинг бошларида Усмон бошчилигидаги Усмон бейлиги кўпгина бейликларни бирлаштириб, пойтахти Бурса бўлган марказлашган кучли давлатни – Усмонли турк империясини барпо этишга муваффақ бўлди. Усмонлилар тез орада Европага ўтиб, Византия империяси ҳудудини эгаллай бошлашди. Анқара жангидаги мағлубиятдан сўнг ўзини ўнглаб олган усмонли турклар 1453 йил 29 майда султон Муҳаммад Фотиҳ бошчилигида Константинополни (ҳозирги Истамбул) эгаллаб, Византия империясини тугатишди.

Султон Салим Явуз ва Сулаймон Қонуний даврида салтанат ҳудудлари яна ҳам кенгайди. Бироқ XVII аср бошларида империянинг ҳарбий ва иқтисодий қудрати аста-секин заифлаша бошлади. Ушбу асрнинг охирларига келиб, Европа мамлакатлари Туркияга қарши биргаликда уруш ҳаракатларини бошладилар. 1683 йилда Вена яқинидаги

жангда турк қўшини Польша, Австрия ва Олмония қўшинларига енгилди.

1684 йилда Туркияга қарши Австрия, Польша, Венеция (1686 йилда Русия) «Муқаддас иттифок» туздилар. Иттифокчилар Туркияга бир неча бор қаттиқ зарба бердилар. Бирок Туркия 1711 йили Прут жангида Пётр бошчилигидаги рус қўшинини тор-мор этди. Куршовдаги Пётр ваъдалар эвазига қутулишга муваффақ бўлди. Аср охирида Усмонли империяси шарқда Озарбойжон, Доғистон, Жибал, ҳатто Гилондаги ўрнини йўқотди, ғарбда Дунай жанубига чекинишга, шимолда эса Астраханга қадар бўлган ерларни Русияга топширишга мажбур бўлди ва жаҳон сиёсати майдонидаги ўз мавқеини йўқота бошлади. XVIII асрнинг охирларида унга янада кўпроқ талафотлар етказилди.

1768–1774 йиллардаги Русия-Туркия урушидан кейин Туркия Қора денгиз ва Болқон яриморотидаги мавқеини бой берди. 1774 йилдаги Кучукғайнаржа сулҳ шартномасига кўра Қрим хонлиги Туркиядан ажратиб олинди ва мустақил давлат деб эълон қилинди. Бирок 1783 йилда Русия Қримни босиб олди, 1787–1791 йиллардаги урушда эса Туркия яна Русияга енгилди. Натижада Русия чегараси Днестр дарёсигача кенгайди. Туркия Молдова ва Валахиянинг Русия ҳомийлигига ўтганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Султон Салим (1789–1807 йиллар) давлат ташкилотларини замонавийлаштириш, энг аввало ҳарбий ислоҳотлар ўтказиш ҳаракатини бошлади. Янги Низом («Низоми жадид») деб номланган бу ислоҳотлар натижасида бошқарув, молия, савдо, кишлок хўжалиги, илм-фан ва бошқа соҳаларда янгиликлар жорий этишга киришилди. Бирок жаҳолатпараст уламолар, армиядаги нуфузини йўқотишдан қўрққан яничарлар ва бошқалар бу ислоҳотларга қаршилик кўрсатиб, 1807 йил 15 майда кўтарилган исён натижасида султон Салимни тахтдан ағдариб ташладилар. Унинг ўрни-

га тахтга чиққан Мустафонинг фаолияти «Низоми жадид» туфайли қўлга киритилган ютуқларни йўқ қилишга қаратилди. Бироқ ислохотчилар ўз тарафдорларини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар ва 1808 йил 28 июлда султон Маҳмудни тахтга ўтирғиздилар. Маҳмуд яничарларни йўқ қилиб, армияни қайта ташкил этди ҳамда бошқарув, молия, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда ижобий ўзгаришларни амалга оширди. Бироқ унинг ислохотлари усмонийлар империяси инкирозини тўхтата олмади. Греция ва Сербияда кўзғалонлар кўтарилди. Бу орада Русия билан Туркия ўртасида 1806–1812 йилларда бўлиб ўтган уруш оқибатида Русия сарҳадлари Прут дарёсигача кенгайди. 1828–1829 йилдаги урушда ҳам Русия ғолиб чиқди ва Туркия Грецияга мухторият мақомини беришга мажбур бўлди. Туркиянинг Европа капиталига иқтисодий қарамлиги ортди. Қарамликдан қутулиш учун Туркия ҳукмрон синфи 1839 йилда қайтадан ислохот (танзимат) ўтказиб, турк зиёлиларининг шаклланишига имкон яратди. 1853–1856 йилларда Русияга қарши олиб борилган Крим урушида Туркия ғалаба қозонди. Русия 1856 йил 30 мартда Париж шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Ушбу шартномага кўра Дунай дарёсида кемалар эркин қатнайдиган бўлди. Қора денгиз барча мамлакатларнинг савдо кемалари учун очик, бетараф деб эълон қилинди, «Усмонийлар империясининг бутунлиги ва дахлсизлиги» тан олинди.

Султон Абдулазиз салтанати даврида (1861–1876 йиллар) Танзимат ҳаракати қийинчилик билан бўлса-да давом эттирилди. Бу даврда усмонийлар давлати бирон-бир халқаро урушда катнашмади. Бироқ империянинг Болқон ярим-ороларидаги ҳудудларида исёнлар юз берди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, конституциявий тузум ўрнатиш ғояси тарафдори бўлган «ёш усмонийлар» ҳаракати кенгайди.

Султон Абдулҳамид тахтга чиққан йили илк Асосий Қонун эълон қилинди (1876 йил 23 декабрь). Султон Абдулҳамид ҳукуматни танқид остига олган парламентни 1879 йилнинг февраль ойида тарқатиб юборди, ёш усмонийларнинг кўпчилигини таъқиб остига олди. 1877–1878 йиллардаги Русия-Туркия урушида Туркиянинг енгилиши билан Болқон яриморотида Туркия ҳукмронлиги тугатилди. 1881 йили Франция Тунисни, 1882 йилда Буюк Британия Мисрни босиб олди. Мамлакатда ёш турклар ҳаракати тобора кучайди, улар томонидан тузилган яширин «Иттиҳод ва Тараккий» ташкилотининг кучли таъсири остида султон 1908 йил 23 июлда яна конституциявий тузум ўрнатишини эълон қилишга мажбур бўлди.

1914 йилдан бутун ҳокимият «ёш турклар»нинг йўлбошчилари бўлган Меҳмет Талъат пошо (1874–1921), Аҳмад Жамол пошо (1872–1922) ва ҳарбий нозир Анвар пошо (1881–1922) қўлига ўтди.

Биринчи Жаҳон урушида усмонийлар давлати Олмония томонида туриб урушди. 1918 йил 30 октябрда Туркия Антанта давлатларига таслим бўлди. Антанта давлатлари Туркияни ишғол қилдилар. Турк халқи орасида миллий озодлик ҳаракати бошланди. Туркияда Озодлик уруши (Kurtuluş savaşı) деб аталган бу умуммиллий ҳаракатга Мустафо Камол пошо (Отатурк) бошчилик қилди. Озодлик уруши авж олиб, 1921 йилги Инўну ва Сақария жанглари натижасида Греция қўшинлари устидан ғалаба қозонилди. 1922 йил 9 сентябрда Измир озод қилинди.

1922 йил 1 ноябрда Туркия Буюк Миллат Мажлиси (ТБММ) султонликни бекор қилиш ва халифаликни салтанатдан ажратиш тўғрисида қонун қабул қилди. Лозанна сулҳ шартномасига (1923 йил 24 июль) мувофиқ, Туркиянинг чегаралари белгиланди, унинг сиёсий, иқтисодий мустақиллиги эътироф этилди.

1923 йил 29 октябрда Туркия республика деб эълон қилинди.

1924 йил 3 мартда эса халифалик бекор қилинди. 1924–1934 йилларда давлат қурилиши, ҳуқуқий муносабатлар, маданият ва турмушга оид қатор ислохотлар ўтказилди, жумладан, Конституция қабул қилинди, араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Энг аввало, давлат ва дин бир-бирдан ажратилди, мактаб ва таълим-тарбия ишлари давлат ихтиёрига олинди, шариат судлари бекор қилиниб, янги суд тизими шакллантирилди, қонунлар янгитдан ишлаб чиқилди, аёлларга сайлов ҳуқуқи берилди. Иқтисодий соҳасида ҳам ўзгартиришлар амалга оширилди.

Иккинчи Жаҳон уруши (1939–1945 йиллар) даврида Туркия Франция ва Англия билан шартнома тузиб, иқтисодий ёрдам олишга муваффақ бўлди. Совет иттифоқининг Туркияга қарши ҳужум қилиш хавфининг олдини олиб, 1941 йил 25 мартда СССР билан шартнома имзолади. Олмония билан ҳам у Совет иттифоқига ҳужум қилишидан бир неча кун олдин худди шундай шартнома тузилди. 1945 йил февраль ойида Туркия Америка Қўшма Штатлари, Англия ва СССРга қўшилиб, Олмония ва Японияга қарши уруш эълон қилди. 1945 йил 5 мартда Туркия Сан-Франциско конференциясига таклиф этилди ва БМТни ташкил этган аъзолар қаторидан жой олди.

Туркия 1952 йил НАТОга аъзо бўлди. Бу даврда Туркия Корея урушида иштирок этди. 1954 йилдан кейин иқтисодий аҳвол оғирлашиб, инфляция кучайди, талабалар намоийишлари бўлиб ўтди, танглик ортди.

Вазиятдан хавфсираган ҳарбийлар томонидан 1960 йил 27 майда давлат тўнтариши амалга оширилди. 1961 йил 9 июлда демократик эркинликларни кўзда тутган янги конституция қабул қилинди.

1965 йилги сайлов натижасида Сулаймон Демирел ҳокимият тепасига келди. 1971 йилдан коалицион ҳукуматлар даври бошланди, ҳукуматлар кетма-кет алмашиниб турди. Мамлакатда иқтисодий танглик, озик-овқат, ёнилғи танқислиги рўй берди, террор авж олди. Бу вазиятда генерал Кенан Эврен бошчилигидаги ҳарбийлар 1980 йил 12 сентябрда ҳокимиятни эгаллаб, ҳукуматни тарқатиб юборишди, қамал ҳолати эълон қилинди, партия раҳбарлари назорат остига олинди. 1982 йил 7 ноябрдаги референдум натижасида янги Конституция қабул қилинди, Кенан Эврен президент бўлди. 1983 йил 24 апрелдан сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берилди. Ўша даврдан сиёсий фаолиятини бошлаган Турғут Ўзал «Она Ватан» партиясини тузди. Бу партия 1983 йил 24 ноябрдаги сайловда муваффақият қозониб, ҳокимият тепасига келди. Турғут Ўзал қатъий ислохотлар ўтказиб, иқтисодиётни тараққий ёўлига олиб чиқди. Экспорт ва импорт эркинлаштирилди, экспортни рағбатлантирувчи очик иқтисодий сиёсат олиб борилди. Натижада ишлаб чиқариш экспортга йўналтирилди. Хусусийлаштириш бошланди, эркин тижорат минтақалари барпо қилинди ва Туркия иқтисодиёти жадал ривожлана бошлади. Туризм мисли кўрилмаган даражада тараққий топди. Турғут Ўзал 1989 йил 9 ноябрда президент этиб сайланди. 1991 йил Совет Иттифоқи тугатилгандан сўнг Кавказ ва Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар билан яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатилди. Турғут Ўзалнинг вафотидан сўнг (1993 йилда) Сулаймон Демирел президент этиб сайланди. Ундан сўнг Аҳмад Сезар ва Абдуллоҳ Гул ҳам президент сифатида фаолият олиб боришди.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси

Майдони: 447,400 км.кв.

Аҳолиси: 30 миллион 488 минг.

Пойтахти: Тошкент.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: таркибига 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси киради.

Пул бирлиғи: ўзбек сўми.

Расмий тили: ўзбек тили.

Йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон, Қарши, Нукус, Урганч, Қўқон.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини 1991 йил 31 августда эълон қилган. Миллий байрами – 1 сентябрь, Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият Президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарувчи Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Қонунчилик палатасидан (қуйи палата) иборат икки палатали парламент – Олий Мажлисга тегишли.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги биринчи минг йилликдаёқ дастлабки кулдорлик давлатлари – Хоразм, Бактрия, Сўғд, Парфия мавжуд бўлган. Милоддан аввалги VI асрда ахамонийлар Ўрта Осиёнинг кўпчилик ерларида маҳаллий аҳолининг қаршилигига (Широк, Тўмарис) қарамай, ўз ҳокимиятини ўрнатди. Милоддан аввалги 329–327 йилларда Искандар Македонский бу ҳудудларни ўз империяси таркибига қўшиб олади. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши олиб борган энг йирик қўзғалонига сўғд лашкарбошиси Спитамен бошчилик қилади. Искандарнинг вафотидан сўнг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари

Македония давлати таркибига киради. Милоддан аввалги 250 йилда Грек-Бақтрия подшоҳлиги ташкил топади. Милоддан аввалги II асрда Қанғ, Парфия, Фарғона давлатлари вужудга келади. Грек-Бақтрия подшоҳлиги тоҳарлар томонидан тор-мор этилгандан сўнг Тоҳарлар давлати ташкил топади. Милодий I–IV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон худудларида Кушон подшоҳлиги ҳукмронлик қилган. V асрда эфталитлар давлати, VI асрнинг ўрталарида Турк хоконлиги ташкил топади.

Мовароуннаҳр деб номланган бу диёр ерларини ҳижрий 84–96 (милодий 703–714) йиллар мобайнида Қутайба ибн Муслим Боҳилий фатҳ қилган.

IX асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё худудларини сомонийлар давлати мустақил бошқара бошлаган. X–XI асрларда Ўрта Осиёда қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар давлатлари мавжуд бўлган. XII асрда бу заминда хоразмшоҳлар давлати юксалган.

IX–XII асрларда Ўрта Осиёда илм-фан тараққиёти юксак даражага кўтарилди. Абу Алий ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий каби комусий олимлар, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тасаввуф намояндалари етишиб чиқди.

1218–1221 йилларда мўғуллар маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршиликка қарамай (Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик), Ўрта Осиёни босиб олди. 1238 йилда Бухорода мўғуллар истибдодига қарши Маҳмуд Торобий бошчилигидаги йирик халқ кўзғалони бўлиб ўтди.

1370 йилда Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, йирик марказлашган давлатга асос солди. Ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида Темур қатта худудларни забт этиб, улкан империя тузди. Амир Темурнинг вафотидан сўнг (1405) Мовароуннаҳрда темурийлар ўртасида тахт

учун кураш кучайди. 1409 йилда Самарқанд тахтига Мирзо Улуғбек ўтирди. Темурийлар Мовароуннаҳрда XVI асргача ҳукмронлик қилдилар. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик, меъморчилик ва адабиёт равнақ топди, илм-фан юксалди, савдо-сотик соҳаси ривожланди.

1500 йилда Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбеклар хони Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандга ҳужум қилади. Унга қарши Самарқанд тахти учун Захириддин Бобур кураш олиб боради. Бир неча самарасиз уринишлардан сўнг Бобур Афғонистонга кетишга мажбур бўлади ва 1525 йилда Ҳиндистонга юриш қилиб, у ерда Бобурийлар империясига асос солади.

XVI асрда Ўрта Осиёда иккита хонлик – Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги вужудга келади. Шайбонийлардан Абдуллахон II (1534–1598) узоқ урушлардан сўнг парчаланиб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштиради. 1599 йилда Мовароуннаҳрда ҳокимият аштархонийлар (1599–1753) сулоласига ўтади. 1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони эгаллайди ва Бухоро етти йил мобайнида Эронга тобе бўлади. 1753 йили Бухорода ҳокимият манғитлар сулоласининг биринчи амири Муҳаммад Раҳим кўлига ўтади.

XVIII аср бошларида Қўқон хонлиги ташкил топади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Русия Ўрта Осиёга бостириб кира бошлади. 1876 йилга келиб Ўрта Осиёдаги учта хонлик ҳам Русияга қарам бўлди. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан сўнг Қўқон мухторияти ташкил топди, лекин большевиклар томонидан қурол кучи билан тугатилди. Ўтган асрнинг 20-йиллари ярмигача большевиклар ва миллий озодлик ҳаракати ўртасида кескин кураш кечди. 1924 йилда СССР таркибидаги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Мустақилликнинг илк давридан давлатга раҳбарлик вазифасини Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов амалга оширди.

Аҳолининг 93 фоизини ханафий мазҳабидаги суннийлар, 1 фоизини шийъалар, қолганини бошқа ноисломий конфессиялар вакиллари ташкил этади.

2016 йил 4 декабрда Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг президенти этиб сайланди (*муҳаррир*).

ҚИРҒИЗИСТОН

Қирғиз Республикаси

Майдони: 198,500 км.кв.

Аҳолиси: 5,7 миллион.

Пойтахти: Бишкек.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 7 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: қирғиз сўми.

Расмий тили: қирғиз ва рус тиллари.

Йирик шаҳарлари: Бишкек, Ўш, Жалол-Обод.

Аҳолисининг 66,9 фоизини қирғизлар, 14,14 фоизини ўзбеклар, 10,65 фоизини руслар ва 8,31 фоизини бошқа турли миллат вакиллари ташкил қилади.

Қирғизистон – суверен унитар демократик республика. Амалдаги конституцияси 1993 йил 5 майда қабул қилинган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент – Жокоргу Кенгеш, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Қирғизистонда ўтроқ ҳаётнинг ривожланишида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидан кўчиб келган аҳолининг

роли катта бўлган. Милодий VI–VIII асрларда кўчманчи туркий қабилалар Ўрхун-Енисей ёзувидан, ўтроқ аҳоли Сўғд ёзувидан фойдаланишган. Қирғизистон ҳудудида шомонийлик, зардуштийлик, буддавийлик ва христиан динлари тарқалган. VIII асрнинг бошида Қирғизистондаги сиёсий ҳокимият тургаш зодагонлари қўлига ўтган. VIII асрнинг ўрталарида Олтойдан Тянь-шанга қарлуқлар келиб, бу ердаги ҳокимиятни эгаллаб олишган. Қарлуқлар ҳукмронлиги X асрнинг ўрталарига қадар давом этган. Тянь-шанда қирғиз қабилалари яшагани ҳақидаги илк ёзма манбалар X асрга оиддир.

Қарлуқлар мулкининг маркази – Чуй водийси орқали Буюк ипак йўли ўтган. X аср ўртасидан тахминан XII аср ўрталаригача Қирғизистон ҳудудида қорахонийлар давлатининг асосий қисми жойлашган.

Тянь-шаннинг бир қисми ва Шарқий Туркистон Чиғатой улуси таркибига кирган. Чиғатой улусининг парчаланishi (1348 йил) натижасида Қашқар, Еттисув ўлкаси ва Или воҳасида Мўғулистон давлати ташкил топган. Чиғатой хонларидан Муборакшоҳ ва Бароқхон ўз қўл остидаги қабилалар билан Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтадилар. Муборакшоҳ Оҳангарон воҳасига, Бароқхон эса Чағониёнга келиб ўрнашади. Бу ҳол Чиғатой улусининг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлган. Шу вақтдан бошлаб, улуснинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмида қолган туркий ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошлайдилар.

XV асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Қирғизистон ҳудудида қирғиз қабилаларининг бирлашуви натижасида дастлабки мустақил хонлик вужудга келган, унинг аҳолисини ушбу даврга келиб шаклланган қирғиз халқи ташкил этган.

XVI асрнинг биринчи ярмида қирғизлар ойратлар босқинига қарши узоқ муддат кураш олиб борганлар. XVII–XVIII аср бошларида Шарқий Туркистоннинг сиёсий ҳаётида кир-

ғизларнинг иштироки кучайган. XVIII аср охири – XIX аср бошларида қирғизлар Русиядан паноҳ излай бошлайдилар.

Бунга уларни мураккаб ташки сиёсий вазият, ички аҳволнинг турғун эмаслиги ва ўзаро савдо-сотикдан манфаатдорлик мажбур қилган. 1814–1824 йилларда Иссиқкўл қирғизлари делегацияси Русиянинг Ғарбий Сибирдаги маъмурлари ҳузурига боришади. XIX асрнинг биринчи чорагида Қўкон хонлиги қўшинларининг қирғизлар устига ҳарбий юришлари рус-қирғиз муносабатларига чек қўйган ва қирғизлар Қўкон хонлиги таркибига киришган. Бу даврда қўқонликлар томонидан Пишпак (ҳозирги Бишкек), Тўқмоқ, Дараутқўрғон ва бошқа калъалар қурилган.

XIX асрнинг 60–70 йилларида бутун Қирғизистон Русия империяси таркибига қўшиб олинди: аввал Туркистон вилояти (1865–1867), сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги (1867–1917) таркибида бўлди. 1917 йил ноябрь – 1918 йил июнда совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 йилнинг апрель ойида Қирғизистон янги тузилган Туркистон АССР таркибига кирди. 1924 йил Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида 1924 йил 14 октябрда РСФСР таркибида Қорақирғиз мухтор вилояти ташкил этилди. 1925 йил 25 майда Қорақирғиз мухтор вилояти Қирғиз мухтор вилоятига, 1926 йил 1 февралдан Қирғизистон АССРга, 1936 йил 5 декабрдан СССР таркибидаги иттифоқдош республикага айлантирилди ва 1990 йил декабрдан Қирғизистон Республикаси деб аталди. 1991 йил 31 августда республика Олий Кенгаши Қирғизистонни мустақил суверен демократик давлат деб эълон қилди. 1993 йил 5 майдан Қирғиз Республикаси деб номланди.

2005 йилнинг март ойида Қирғизистонда юзага келган иқтисодий-ижтимоий вазият амалдаги президент А.Ақаевни ўз лавозимидан кетишга мажбур этди. Қирғизистон 1991 йил 31 декабрда МДХ таркибига кирган. 1992

йилдан БМТ аъзоси. Миллий байрами 31 август – Давлат мустақиллиги куни (1991 йил).

Қирғизистон Республикаси 7 вилоятга, вилоятлар эса туманларга бўлинади.

Қирғизистон ҳалқининг кўпчилиги ҳанафий мазҳабидаги сунний мусулмонлардир. Шунингдек, насроний динига эътикод килувчилар ҳам бор.

КАМЕРУН

Камерун Республикаси

Майдони: 475,442 км.кв.

Аҳолиси: 21,8 миллион.

Пойтахти: Яунде.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 10 провинцияга бўлинади.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Яунде, Дуала.

Камерун – Марказий Африкадаги давлат. Ғарбда Атлантика океанининг Биафра қўлтиғи билан туташ. Давлат бошлиғи – президент. У умумий тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 7 йилга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент (Миллий мажлис). Ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Камерун ҳудудидан ўрта ва юқори палеолит даврига оид тош қуроқлар топилган. Камерунда дастлаб пигмейлар яшаб, овчилик, чорвачилик ва ибтидоий деҳқончилик билан шуғулланганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмидан Камерунга португаллар, голландлар, XVIII асрнинг бошларидан инглизлар, французлар, немислар, америкалик дин даъватчилари (миссионерлар) ва сав-

догарлар кела бошлаган. Улар камерунликларга туз, газмол, идиш-товок, мис қуймаси, спиртли ичимликлар олиб келиб сотишган. Европаликлар Камерундан фил суяги, пальма ёғи, мурч ва бошқа маҳсулотларни ўз юртларига олиб кетишган.

XVII–XVIII асрларда Шимолий Камерунда Мандора султонлиги ташкил топди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида фулбе кўчманчилари Шимолий ва Марказий Камерунда бир неча Ислом давлатларини туздилар. XVIII асрда Марказий Камерунда шаклланган Бамум давлати фулбеларга қарши курашди. XVIII–XIX асрларда Марказий ва Жанубий Камерунда яна бир қанча давлатлар пайдо бўлди.

XX аср бошларида Олмония Камеруннинг шимолий ва марказий қисмларига ҳукмронлик қила бошлади. Биринчи Жаҳон уруши даврида инглиз-француз кўшинлари Камерун ҳудудини Олмониядан тортиб олди (1916 йил) ва Шарқий Камерун Франция, Ғарбий Камерун Британия назоратига ўтди. Маҳаллий аҳолининг оммавий ташкилоти – Нигерия ва Камерун Миллий кенгаши (1944 йил) ҳамда Камерун халқлари иттифоқи партияси раҳбарлигида Камерун халқи мустақиллик учун кураш бошлади.

Ниҳоят 1960 йил 1 январда Шарқий Камерун мустақиллиги эълон қилиниб, 13 ноябрдан Камерун Республикаси деб юритила бошлади. 1961 йил 1 октябрда Ғарбий Камеруннинг Камерун Республикасига бирлашуви натижасида Камерун Федератив Республикаси (КФР) тузилди. Мамлакат иқтисодиётини кўтариш чоралари кўрилди: ягона пул ва ўлчов бирлиги қабул қилинди; барча сиёсий партиялар Камерун миллий иттифоқига бирлаштирилди. Иттифоқнинг I съездида КФРни ривожлантириш дастури қабул қилинди. 1972 йил 20 майдаги референдум натижасида КФР Камерун Бирлашган Республикаси деб аталди. 1984 йил 25 январдан бошлаб Камерун Республикаси деб аталадиган бўлди. Камерун – 1960 йилдан буён БМТ аъзоси. Миллий байрами – 20 май, Республика деб эълон қилинган кун (1972 йил).

КОТ-Д'ИВУАР

Кот-д'Ивуар Республикаси

Майдони: 322,460 км.кв.

Аҳолиси: 22,4 миллион.

Пойтахти: Ямусукро.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 19 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Абиджан, Бваке, Далола, Ман, Кор-хого.

Амалдаги конституцияси 2000 йил 23 июлдаги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи – президент (2000 йилдан Лоран Гбагбо). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллат мажлиси (бир палатали парламент) амалга оширади. Унинг 225 депутати умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Аҳолиси асосан ква, кру, волта, манде тил гуруҳига мансуб бате, бауле, анви, синдфо, малинке, дан, лоби ва бошқа 2 миллиондан ортиқ ажнабийлардан иборат. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи маҳаллий анъанавий динларга, қолганлари Ислom ва христиан динларига эътиқод қилади. Расмий тили – француз тили. Мамлакатнинг марказий қисмида, Абиджан шаҳри ва унинг атрофларида аҳоли зич жойлашган. Аҳолисининг тахминан 41 фоизи шаҳарларда яшайди.

Археологик топилмаларнинг далолат беришича, Кот-д'Ивуар худудида тош асрида ҳам одамлар яшаган. Дарё соҳилларида неолит даврига оид устахоналар, иш қуроллари ва сопол идишлар топилган. Тахминан милoddан

аввалги 3-2 минг йилликларда саванналарда, кейинроқ ўрмон зоналарида ҳам дехқончилик вужудга кела бошлаган. Шимолда дехқончилик билан бирга чорвачилик ҳам ривожланган. Ёввойи меваларни йиғиш, овчилик, балик овлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Ўрта асрларда темирчилик кенг оммалашган (темир эритиш ўчоқлари топилган), олтин қазиб олинган (аввалига бу ўлка Олтин қирғоқ деб аталган), металлсозлик, кулолчилик, тўқимачилик ва бошқа соҳалар ривожланган. Шимол ва шарқдан ўтувчи Ғарбий Африка савдо йўлларида шаҳарлар, манзилгоҳлар пайдо бўлган. XI асрда асос солинган Конг манзилгоҳи Ғарбий Африканинг карвон йўлларида йирик савдо марказларидан бирига айланган.

XV аср охирида Кот-д'Ивуар ҳудудида португаллар ва европалик бошқа халқлар пайдо бўлди. Улар қул олиб кетишдан ташқари, фил суяги ва бошқа бойликларни таладилар. 1842–1843 йилларда Франция Гран-Басам ва Асинини, кейинчалик соҳилдаги бошқа жойларни босиб олиб, XIX асрнинг 80-йилларида мамлакат ичкарасига бостириб кира бошлади. 1893 йилдан Кот-д'Ивуар – Франция мустамлакаси. 1895–1958 йилларда эса Франция Ғарбий Африкаси таркибида бўлди.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг мамлакатда миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1950–1951 йилларда мустамлакачилар зулмига қарши халқ оммасининг йирик чиқишлари бўлиб ўтди. Озодлик ҳаракати натижасида Франция ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. 1957 йилдан мамлакат ҳудудий ассамблеяси (1958 йилдан Қонун чиқарувчи ассамблея) умумий сайлов йўли билан сайланадиган ва Ҳукумат кенгашини тузадиган бўлди. 1958 йил 28 сентябрда ўтказилган референдумга кўра, (Франция ҳамжамияти аъзоси сифатида) давлат мақомини олишга муваффақ бўлди.

Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатларининг янада авж олиши натижасида Франция ҳукумати 1960 йил 11 июлда маҳаллий ҳукумат билан битим тузишга мажбур бўлди. Бу битимга кўра, 1960 йил 7 августда Кот-д’Ивуарнинг мустақиллиги эълон қилинди. Ҳама йили сентябрда у БМТга аъзо бўлди. Мамлакат мустақилликка эришгач, Франция ҳамжамияти аъзолигидан чиқди. Лекин ҳукумат Франция билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий алоқаларини сақлаб қолди. 1985 йилда қабул қилинган қарорга мувофиқ, Кот-д’Ивуар географик атама эмас, балки мамлакатнинг номи эканлиги ва чет тилларга таржима қилинмаслиги таъкидланди. 1983 йилда мамлакат пойтахтини Абиджандан Ямусукрога кўчиришга қарор қилинди. Миллий байрами – 7 август, Мустақиллик эълон қилинган кун (1960 йил).

МОЗАМБИК

Мозамбик Республикаси

Майдони: 801,590 км.кв.

Аҳолиси: 24,6 миллион.

Пойтахти: Мапуту.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 11 провинциядан иборат.

Пул бирлиги: метикал.

Расмий тили: португал тили.

Йирик шаҳарлари: Матола, Нампула, Бейра.

Мозамбик Республикаси Африканинг жануби-шарқий соҳилида жойлашган давлат бўлиб, у Буёқ Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. Мамлакатда 1990 йил 30 ноябрда қабул қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи – президент. У умумий яширин ва тўғри овоз бе-

риш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Республика Ассамблеяси (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимият президент зиммасига юклатилган. У Вазирлар Кенгашига раҳбарлик қилади, вазирларни, шу жумладан, бош вазирни тайинлайди.

Аҳолиси асосан банту тили оиласига мансуб халқлардан иборат. Мозамбикнинг шимолӣ қисмида шарқий банту халқлари, жанубий қисмида жануби-шарқий банту халқлари яшайди. Европа ва Осиёдан кўчиб келган халқлар (португаллар, ҳиндлар, покистонликлар), араблар, мулатлар ҳам бор. Расмий тили – португал тили. Маҳаллий тиллардан – шимолда имакуа ва чинянжа, жанубда чишона ва шангоалан тилларида кўпроқ гаплашилади. Аҳолисининг 70 фоизи маҳаллий анъанавий динларга эътикод қилади; қолганлари христиан ва мусулмонлар. Аҳолининг 17 фоизи шаҳарларда яшайди.

Мозамбикка банту тилида сўзлашувчи қабилалар келиб ўрнашган. Милодий биринчи минг йилликнинг охири ва иккинчи минг йилликнинг бошларида Мозамбик ҳудудида Мономотап давлати вужудга келди.

Мозамбикка VIII асрда араблар, XVI аср бошларида португаллар бостириб келишди. 1629 йилги оғир шартли битимдан сўнг Мономотап давлати Португалияга тобе бўлиб қолди. XVII–XVIII асрларда Португалия мустамлакачилари Мозамбик ҳудудида қул савдоси билан шуғулланишди. 1752 йилдан Португалиянинг Шарқий Африка соҳилидаги ерларида генерал-капитан бошлиқ мустамлака маъмурияти таъсис этилди. 1909 йил Португалия Жанубий Африка Иттифоқи маъмурияти билан ҳар йили Мозамбик маҳаллий аҳолисидан 100 минг нафар ишчини Трансваалдаги кўмир ва олтин конларига мажбуран юбориш ҳақида конвенция тузди.

1920 йилда Мозамбикдан келган африкалик талабалар Лиссабонда ватанпарварлар ташкилоти – Африка лигаси-

ни тузди. Кейинчалик Мозамбикда Африка ассоциацияси, мозамбикликлар ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар юзага келди. Бу ташкилотлар мустамлакачиликка қарши тузилган эди. 1925 йилда транспорт ишчилари ва докерлар, 1949 йилда Лоренсу-Маркишда (ҳозирги Мапуту) ишчи ва докерларнинг иш ташлашлари бўлиб ўтди. 1964 йилнинг 25 сентябрида Мозамбикни озод қилиш fronti – ФРЕЛИМО (1962 йилда тузилган) раҳбарлигида қуролли қўзғалон бошланди. Португалия қўшинларига қарши қуролли кураш жараёнида ФРЕЛИМО ўз армиясини тузди ва дастлаб Кабу-Делгаду, Ньяса округларида, 1968 йилдан Тете округи атрофида жанг бошлади. 1973 йилнинг охирида мамлакат ҳудудининг бир қисми ФРЕЛИМО назоратига ўтди.

1974 йил 25 апрелда Португалияда фашистлар истибдоди ағдарилгач, 1974 йил 5 сентябрдан Португалия муваққат ҳукумати билан ФРЕЛИМО ўртасида музокара олиб борилди ва 20 сентябрда Мозамбикда ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтди. 1975 йил 25 июнда Мозамбик расман мустақил давлат мақомига эга бўлди. 1990 йил ноябргача мамлакат Мозамбик Халқ Республикаси, сўнг Мозамбик Республикаси деб аталди. Мозамбикни озод қилиш fronti ҳамда республика ҳукумати кенг ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни назарда тутган дастур ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Бироқ кўплаб португалларнинг кетиб қолиши натижасида малакали мутахассислар етишмай қолди. Кўплаб саноат корхоналари тўхтади, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ҳувиллаб қолди. Ташқи қарздорлик ошди, ташқи савдо қийинлашди. ФРЕЛИМО партияси саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказди. Анъанавий хусусий хўжаликларга кенг йўл очилди. Қўшилмаслик ва барча мамлакатлар билан дўстлик ташқи сиёсатга асос қилиб олинди. Мозамбик 1975 йилда

БМТга аъзо бўлган. Давлат 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини тан олди. Миллий байрами – 25 июнь, Мустақиллик куни (1975 йил).

ФАЛАСТИН

Фаластин давлати.

Майдони: 6020 км.кв.

Аҳолиси: 4,4 миллион.

Пойтахти: Рамалла.

Бошқарув шакли: парламент республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 11 провинциядан иборат.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳри: Ғазо.

Фаластин қадимда Канъон ери деб аталган. Ерусалимни (Қуддус) милоддан аввалги 3000 йилда канъонликлар қуришган. Милоддан аввалги 1000 йилда у ерни Довуд алайҳиссалом раҳбарлигида яҳудийлар эгаллаб олишган. У зотнинг ўрнига ҳукмдор сифатида ўғли Сулаймон алайҳиссалом қолган.

Сўнг у ерни Набухал Наср бошчилигида ошурийлар босиб олишган. Улар шаҳарни вайронага айлантириб, у ердаги яҳудийларни йўқ қилганлар. Милоддан аввалги 332 йилда Фаластинни Александар Македонский, ундан кейин румликлар эгаллаб олган.

Милоддан аввалги 66 йилда яҳудийлар Ерусалимни босиб олдилар. Милодий 135 йилда Рим императори Адриан яҳудийлар томонидан кўтарилган кўзғалонни бостириб, уларни кириб ташлади ва қолган-қутганини юртдан қувиб чиқарди. Ерусалим вайронага айланди. Милодий 614 йилда у ерни форслар босиб олдилар. 627 йилда эса румликлар уларни қувиб чиқардилар.

Ана шу даврда Ислом зоҳир бўлди. Ҳижрий 15 (милодий 636) йилда, Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврида мусулмонлар Шом диёрини фатҳ қилдилар. Қуддуси шариф милодий 1948 йилгача мусулмонларнинг қўлида бўлди.

1947 йил 29 ноябрда БМТ Фаластинда икки давлат – Исроил яҳудий ва Фаластин араб давлатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Версал конференциясидаёқ (1919 йил) Буюк Британия Фаластинни бошқариш ва у ерда яҳудийлар давлатини ташкил этиш мандатини олган эди. Бу даврда Фаластинда 100 мингга яқин яҳудий истикомат қиларди. Дунё бўйлаб тарқалиб кетган яҳудийларни бир жойга – Фаластинга тўплашда уларнинг халқаро ташкилоти катта роль ўйнади. Бу ташкилот Сион ташкилоти деб аталади. (Ушбу ном Фаластиндаги Сион тоғи номидан олинган бўлиб, бу ташкилот яҳудийларни шу атрофда тўпланишга даъват этади). Айни пайтда сионизм ғояси ҳам вужудга келди.

1942 йилда Фаластиндаги яҳудийлар сони ярим миллионга етди. Улардан яхши ҳарбий тайёргарликка эга бўлган, АҚШ ва Буюк Британия томонидан замонавий қуроллар билан қуроллантирилган армия тузилди. Яҳудийлар араблар учун ажратилган ҳудудларни ҳам ишғол қилиб олдилар. 1948 йилнинг 14 майида яҳудий сионистлар раҳнамоси Бен Гурион Исроил яҳудий давлати тузилганини эълон қилди, Тел-Авив шаҳри бу давлатнинг пойтахти бўлиб қолди. Фаластин араб давлати эса тузилмади. Бунинг оқибатида 1948 йил биринчи Исроил-Араб уруши келиб чиқди. Бу урушда иштирок этган Араб давлатлари армияси енгилди, чунки улар қолоқ, замонавий армияга эга бўлмаган давлатлар эди. Яҳудийлар Фаластин арабларини ўз ерларидан қувиб чиқара бошладилар. Бунинг натижасида ярим миллион фаластинлик араблар Ливан давлати ҳудудида кочиб ўтишга, Миср, Сурия, Ливан, Иордания ва Исроил давлатлари билан тинчлик шартномасини имзолашга

мажбур бўлдилар. Дунё сионистик ташкилотлари кўрсатган молиявий ёрдам, Олмония ҳукуматининг Исроилга тўлаган 1 миллиард доллар миқдордаги товон пули ва АҚШ кўрсатган катта иқтисодий ёрдам туфайли Исроил киска вақт ичида қудратли армияга эга давлатга айланди.

Яқин Шарқ стратегик хомашё – нефтга бой ўлка. У ерда жаҳон нефть захирасининг 50 фоизи мавжуд. 1967 йилнинг 5 июнида Исроил Мисрга яна ҳужум қилди. Бу урушда Миср армиясига жуда катта талафот етказилди. Уруш 6 кун давом этди. Шу кискагина вақт ичида Исроил ўз ҳудудидан 2 баравар катта бўлган араб давлатлари ҳудудларини босиб олди. Бу ҳудудларда кейинчалик аннексия (зўрлик билан қўшиб олиш) сиёсати ҳам қўлланила бошлади. Миср Синай яриморалини, Сурия Жўлан тепалигини, Иордания эса Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғини бой берди. СССР давлати 10 йил давомида Миср ва Сурияга етказиб берган ҳарбий техниканинг деярли барчаси Исроил қўлига ўтиб кетди. Ғазо сектори ва Фаластин давлати пойтахти бўлиши керак бўлган Қуддус шаҳрини ҳам (араблар яшайдиган қисмини) Исроил эгаллади.

1967 йилда Суданда араб давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ўтказилди. Учрашувда Исроил билан музокара ўтказмаслик, Исроилни тан олмаслик ва у билан сепарат тинчлик шартномасини имзоласлик ҳақида қарор қабул қилинди. Айни пайтда, агар Исроил давлати Фаластин араб халқига ўз давлатини тузиш имконини берса ҳамда босиб олинган ерларни қайтарса, бу қарорни бекор қилиши мумкинлигини қайд этди. Исроил иттифоқчилари эса катта миқдорда ёрдам кўрсатишни давом эттирдилар.

1969–1979 йиллар оралиғидаги 10 йил ичида Исроил 20 миллиард долларлик ёрдам олди. Ҳукумат босиб олинган ҳудудларга яҳудийларни жойлаштириш сиёсатини юргизди. Араб давлатлари ҳам ўзларининг ҳарбий салоҳиятла-

рини мустаҳкамлаш чораларини кўрдилар. СССР уларга зарур харбий техникани етказиб берди.

1973 йил 6 октябрда яна Араб-Исроил уруши бошланди. Шу куни Миср-Сурия армияси Исроилга ҳужум қилди. Араб куролли кучлари биринчи бор Исроилни оғир аҳволга солиб қўйди. Айни пайтда ФОТнинг (Фаластин Озодлик Ташкилоти) халқаро обрўси ошиб борди. 1974 йилда араб давлатлари уни Фаластин араб халқининг ягона вакили деб тан олдилар. ФОТга БМТда кузатувчи макоми берилди. Исроилнинг оғир аҳволга солиб қўйилиши унинг иттифокчиларини бефарқ қолдирмади. АҚШ Исроил-Араб муносабатларига жиддий аралаша бошлади. Унинг асосий мақсади Исроилнинг халқаро обрўсини сақлаб қолиш, иккинчидан, араб давлатларини СССРдан узоқлаштириш ҳамда араблар орасига низо солиш эди.

1979 йилнинг 26 мартда АҚШ Исроил ва Миср ўртасида сепарат Кемп-Девид (АҚШ) битими имзоланишига эришди. Унга кўра Исроил ўз қўшинларини 1982 йилнинг апрелигача Синайдан олиб чиқиб кетишга розилик берди. АҚШ ҳар икки давлатга иқтисодий-ҳарбий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олди. АҚШ Сувайш каналини миналардан тозалаб, кемалар қатновини йўлга қўйишда Мисрга ёрдам кўрсатди.

Араб экстремистлари Миср Президенти А.Садатнинг бу сиёсатини сотқинлик деб баҳоладилар ва 1981 йилнинг 6 октябрида уни ўлдирдилар. 1980–90 йилларда араб давлатлари ўртасида Яқин Шарқ масаласида бўлиниш юз берди. Бой араб давлатлари – Саудия Арабистони, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Умон давлатлари муаммони Исроил билан келишув орқали ҳал этиш кераклигини ёқлаб чиқдилар. Иордания ва Ливан ҳам кейинчалик бунга қўшилдилар. Сурия ва Ироқ эса тинч келишув йўлини инкор қилдилар.

1994 йилдан бошлаб Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш янги босқичга кирди. Исроил Фаластин миллий автономиясини тузишга ижозат берди. Бироқ бир қанча музокаралар

Ўтказилса-да, Фаластин давлатини тузиш муаммоси ҳамон очиклигича қолмоқда. 2005 йилда Ёсир Арофат вафот этгач, унинг ўрнига келган Маҳмуд Аббос бу ишни давом эттирди. 2005 йилнинг августида Исроил Ғазо секторидан 8,5 мингдан ортиқ яҳудийларни кўчириб олиб чиқиб кетди.

СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

Сьерра-Леоне Республикаси

Майдони: 71,740 км.кв.

Аҳолиси: 6,2 миллион.

Пойтахти: Фритаун.

Бошқарув шакли: унитар президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: Ғарбий вилоят ва учта (Шаркий, Шимолий, Жанубий) провинциядан иборат.

Пул бирлиги: Сьерра-Леоне леонеси.

Расмий тили: инглиз тили.

Йирик шаҳарлари: Бо, Кенема.

Сьерра-Леоне 1961 йилнинг 27 апрелида мустақилликка эришган (илгари Буюк Британиянинг протекторати бўлган). Бу кун Миллий байрам (Республика куни) сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз ҳуқуқшунослиғи ва маҳаллий қабилаларнинг урф-одат ва анъаналарига асосланган. Бутун ҳокимият Муваққат Миллий Бошқарув Кенгашига тегишли. Мамлакат парламенти (Депутатлар палатаси) 1992 йилнинг 29 апрелида содир бўлган давлат тўнтаришидан сўнг тарқатиб юборилган. Аҳоли Ислом (60 фоиз), мажусийлик (30 фоиз) ва христиан (10 фоиз) динларига эътиқод қилади.

1460 йилда португаллар томонидан очилган ҳозирги Сьерра-Леоне ҳудудлари узок вақт давомида Ғарбий Африканинг қул савдоси марказларидан бири бўлиб келди. 1787 йили Америкада озодликка эришган собиқ қуллар

Сьерра-Леоне қирғоқларида инглизлар ёрдамида ўз турар жойларига асос солдилар. 1808 йилда Буюк Британия мустамлакасига айлантирилган бу мамлакат 1961 йилда Британия Ҳамдўстлиги доирасида мухториятга эришди. 1971 йилги давлат тўнтариши натижасида Сьерра-Леоне мустақил давлат деб эълон қилинди. 1992 йилда навбатдаги давлат тўнтариши ўтказилди ва ҳокимият тепасига харбийлар келишди. Улар парламентни тарқатиб юбориб, сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлаб қўйишди.

1996 йилда демократик сайловда ғалаба қилган Аҳмад Тижан Кабо раис бўлди.

ТОГО

Того Республикаси

Майдони: 56,785 км.кв.

Аҳолиси: 7,1 миллион.

Пойтахти: Ломе.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тузилиши: 3 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Африка франки.

Расмий тили: француз тили.

Йирик шаҳарлари: Сокоде, Кара.

Того 1960 йилнинг 27 апрелида мустақилликка эришган (аввал Франция мустамлакаси эди). Миллий байрами – 27 апрель, мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар кенгашини бошқарадиган бош вазирга тегишли. Сиёсий партиялари: Того халқи бирлашмаси партияси, Янгиланиш учун ҳаракат қўмитаси партияси, Адолат ва демократия йўлидаги иттифоқ партияси, Демократия ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш бирлашмаси партияси, Янги кучларни мувофиқлаштириш партия-

си. Маҳаллий динлар 50 фоизни, шундан христиан 35 фоиз ва Ислом 15 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги Тогонинг соҳилбўйи ҳудудлари португаллар томонидан XVI асрда кашф этилган. XVIII асрда бу ҳудуд Ғарбий Африка қул савдосининг асосий марказларидан бирига айланди. 1884 йилда Того Олмониянинг протекторати деб эълон қилинди. Биринчи Жаҳон уруши даврида Того британ ва француз қўшинлари томонидан эгалланди. 1919 йилдан Буюк Британия ва Франциянинг ҳамкорликдаги бошқарувига ўтди. 1956 йилда Тогонинг Британия қисми Олтин Қирғоқ (ҳозирги Гана) таркибига кирди, Франция Тогоси эса мухториятга эришди. 1960 йилда Франция Тогоси ўз мустақиллигини эълон қилди.

Того Республикасида 1960 йилдан кейин бир неча бор ҳарбий давлат тўнтаришлари бўлиб ўтди. 1991 йилдан буён мамлакатда фуқаролик ҳукумати ўрнатилган.

УГАНДА

Уганда Республикаси

Майдони: 236,040 км.кв.

Аҳолиси: 34,7 миллион.

Пойтахти: Кампала.

Бошқарув шакли: республика.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 4 вилоятдан иборат.

Пул бирлиги: Уганда шиллинги.

Расмий тили: инглиз ва суахили тили.

Йирик шаҳарлари: Гулу, Лира.

Дини: католик (33 фоиз), протестантлик (33 фоиз), маҳаллий динлар (18 фоиз), Ислом (16 фоиз).

Ҳозирги Уганда ҳудудида дастлаб Китара давлати вужудга келган. XV асрда марказий Угандада Унрор давлати

етақчилиқ қилган. XIX асрнинг ўрталарига келиб Уганда қироллигининг мавқеи ортди. 1862 йилда инглизлар Угандага кириб келишди ва 1890 йилдан у Британия протекторатига айланди. 1962 йилда Уганда мустақилликка эришди, 1963 йилда эса Республика деб эълон қилинди. Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатда бир неча бор ҳарбий тўнтаришлар содир бўлди. Шундай тўнтаришлардан бирида 1971 йили ҳокимиятга генерал Амин келди. Диктатор Амин ҳукмронлиги йилларида 300 мингга яқин аҳоли кириб юборилди, мамлакат иқтисодиёти инкирозга юз тутди. Амин 1979 йилда Танзания армияси ёрдамида ҳокимиятдан четлаштирилди. Шундан сўнг ҳам мамлакатда давлат тўнтаришларини келтириб чиқарадиган фуқаролар уруши давом этаверди. Сўнгги давлат тўнтариши Угандада 1986 йилда амалга оширилган.

ОЗАРБОЙЖОН

Озарбойжон Республикаси

Майдони: 86,600 км.кв.

Аҳолиси: 9,5 миллион.

Пойтахти: Боку.

Бошқарув шакли: президентлик республикаси.

Давлат бошлиғи: президент.

Маъмурий тuzилиши: 66 район ва Нахичеван Мухтор Республикасидан иборат.

Пул бирлиги: Озарбойжон манати.

Расмий тили: озарбойжон тили.

Йирик шаҳарлари: Ганжа, Нахичеван, Ширвон, Хонкенди.

Аҳолисининг 88 фоизи мусулмонлар, 75 фоизи шийъалар, 25 фоизи суннийлар, 12 фоизи православлардан иборат.

Милоддан аввалги VI–II асрларда Озарбойжоннинг асосий қисмида Кавказ Албанияси давлати мавжуд эди. Мило-

дий III–IX асрларда бу хуудлар форслар ва Араб халифалиги хукмронлиги остида бўлган.

Озарбойжон ерлари Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврида, ҳижрий 22 (милодий 642) йилда фатҳ қилинган. Аммо Исломнинг ўрнашиб қолиши халифа Хишом ибн Абдулмаликнинг даврида, ҳижрий 105 йилларда бўлган.

Бугунги Озарбойжон халки XI–XIII асрларда шаклланган. Ўлка XIII–XIV асрларда мўғуллар томонидан босиб олинган. Кейинчалик у Амир Темур давлати таркибига кирган ва XVIII асрга келиб Эронга тобе 15 та майда давлатларга бўлиниб кетган. 1922 йилдан 1991 йилгача Озарбойжон Совет давлати таркибида бўлди. 1991 йилда эса ўз мустақиллигини эълон қилди.

Дастлабки сайловда Абулфайз Элчибек, сўнг Ҳайдар Алиев президентликка сайланган. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Илҳом Алиев давлатга раҳбарлик қилмоқда.

ЭРОН

Эрон Ислом Республикаси

Майдони: 1,648,000 км.кв.

Аҳолиси: 80,8 миллион.

Пойтахти: Техрон.

Бошқарув шакли: Ислом республикаси.

Давлат бошлиги: президент.

Маъмурий тuzилиши: 31 провинцияга бўлинади.

Пул бирлиги: Эрон риёли.

Расмий тили: форс тили.

Йирик шаҳарлари: Машҳад, Кереж, Исфаҳон, Табриз
Шероз, Қум, Аҳвоз, Кирмоншоҳ, Кирмон.

1906 йилда Конституцион монархия, 1979 йилнинг 1 апрелида Эрон Ислом Республикаси деб эълон қилинган.

(1 апрель – миллий байрам). Ижроия ҳокимияти Оятуллоҳ (давлатнинг диний бошлиғи) ва президентга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият – бир палатали парламент – Ислом қўмитаси Кенгаши (мажлис). Эрон Ислом Республикаси (ЭИР) Конституциясига кўра, Эронда ноисломий сиёсий партия ва ташкилотлар фаолияти тақиқланади.

Форслар дастлаб милоддан аввалги IX асрларга оид Ошурия манбаларида тилга олинади. Милоддан аввалги 556–550 йилларда Буюк Кир II қадимги дунёда буюк империяни яратган форс подшоҳлари сулоласига асос солди. Доро I (мил. авв. 522–486) даврида империя ўзининг ривожланиш чўққисига кўтарилди. Империя ҳудуди Ҳиндистондан Ўрта ер денгизигача кенгайди. Миср, Кичик Осиё ва Фракия ерлари империя таркибига киритилди. Милоддан аввалги V асрларда форсларнинг экспансияси греклар томонидан тўхтатилди. Милоддан аввалги 330 йилда Форс империяси Александр Македонский қўшинлари томонидан забт этилди. Милоддан аввалги 224 йилда мамлакатни тўрт аср давомида идора қилган сосонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Форс империяси милодий VI асрда ва VII аср бошларида ривожланишнинг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Ҳижрий 16 (милодий 637) йилда Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу даврида Форснинг пойтахти Мадоин фатҳ қилинди. Форслар Наҳаванд томон чекиндилар. Нуъмон ибн Муқрин, сўнгра Хузайфа ибн Ямон бошчилигидаги мусулмонлар ва подшоҳ Яздажир бошчилигидаги форслар ўртасида улкан жанг бўлди, унда мусулмонлар улкан ғалабага эришдилар. Ҳижрий 21 (милодий 641) йилда қўлга киритилган бу фатҳ кейинчалик «фатҳларнинг фатҳи» деган номни олди. Сўнг мусулмонлар форс диёрининг барча тарафларига тарқалдилар. Ҳижрий 23 (милодий 643) йилда форс диёри бутунлай мусулмонлар қўлига ўтди.

XI асрда мамлакат салжукий турклар томонидан забт этилганидан сўнг Ислом-Форс тамаддуни инкирозга учради. 1221–1222 йилларда Чингизхон, XIV асрда эса Амир Темур томонидан босиб олинди. XVI асрнинг бошларида мамлакат яна форслар – сафавийлар сулоласи томонидан бошқарилди.

XVIII–XIX асрларда бу ҳудудларда ўз таъсир доираларига эга бўлиш учун интилган Русия ва Буюк Британияга қарши курашишга тўғри келган.

Вақт ўтиб бир қанча форс сулолалари алмашилиб турган. 1925 йилда ҳокимиятга келган паҳлавийлар сулоласи мамлакатни 1979 йилгача, шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳукуматга қарши чиқишлар натижасида тахтдан ағдарилгунига қадар идора қилди. 1934 йилдан бошлаб мамлакат «Эрон» деб номлана бошлади.

Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг даври Иккинчи Жаҳон уруши пайтида бошланган. Унинг юртини иттифокдошларнинг аскарлари босиб олган эди. Муҳаммад Ризо Паҳлавий уларга жуда ҳам кўп шароитлар яратиб берди. Урушдан сўнг ғарб ва Русиянинг кучлари Эрондан чикди. Бу ерда ушбу императорнинг ҳукми диктаторликка асосланди, истибдод кенг тарқалди, якка ҳокимлик ўрнашиб қолди. Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг йўналиши ғайриисломий эди. У ҳижрий 1383 (милодий 1960) йилда ислоҳ режасини эълон қилди. Шунда Эронда қаттиқ кўзғалон бошланди, чунки бу жуда ҳам нокулай режа бўлиб, унда Исроилни эътироф қилиш бор эди. Ушбу кўзғалонни Хумайний бошқарди. Хумайний Ирокка сургун қилинди, лекин фосид низомга қарши кўзғалонлар яна давом этаверди, ортиб бораверди. Император ҳижрий 1399 (милодий 1979) йилда оиласи билан ўз юртидан қочиб кетди. Паҳлавийларнинг даври тугагач, Хумайний қайтиб келди.

Шоҳ тузуми кулатилгач, шийъа мазҳаби асосида исломий жумҳурият қурилди. Бу ердаги олий ҳокимият Хумайнийнинг қўлида эди. У шийъа мазҳабининг катта фақиҳи

деб ҳисобланиб, «Оятуллоҳи узмо» деб аталарди. Сўнг Абу Ҳасан Бану Садр милодий 1979 йилда бу жумҳуриятнинг биринчи президенти этиб сайланди.

Ҳижрий 1401 (милодий 1981) йилда Муҳаммад Алий Ражойи жумҳурият раиси деб сайланди ва ўша йилнинг ўзида қатл этилди. Ундан кейин Алий Хоманайи диний раҳбарликка сайланди, ундан кейин Ҳошимий Рафсанжаний, ундан кейин Муҳаммад Ҳотамий, Аҳмадий Нажот ва ҳозирги кунда Ҳасан Руҳоний президентликка сайланди.

ҚАТАР

Қатар давлати

Майдони: 11,586 км.кв.

Аҳолиси: 1,9 миллион.

Пойтахти: Доха.

Бошқарув шакли: дуалистик монархия.

Давлат бошлиғи: амир.

Маъмурий тuzилиши: 7 муниципалитетдан иборат.

Пул бирлиги: Қатар риёли.

Расмий тили: араб тили.

Йирик шаҳарлари: Доха, ал-Вакра, Райён, ал-Хор.

1971 йил 3 сентябрда мустақил давлатга айланган (авал Буюк Британия протекторати эди). Миллий байрами – 3 сентябрь, Мустақиллик куни. Давлат бошлиғи – амир. Сиёсий партиялар фаолияти тақиқланган. Портлари: Доха, Умм-Саъид, Халул.

II асрдан араб халифалигининг бир қисми, XIII–XIV асрларда Баҳрайн амирлари ҳукмронлигида бўлган. XVI асрда Қатар усмонийлар империяси таркибига киритилди. 1916 йилда Британия протекторатига айлантирилди. 1971 йилда Қатар мустақил давлат деб эълон қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Куръони Карим.
2. Имомуддин Ибн Касир. «Тафсири Ибн Касир». Дорул муфийд, Байрут, Ливан. 1-нашр, 1983.
3. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». Шарқ нашриёти, Тошкент, 2012.
4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт». 19, 20, 21, 22-жузлар, Шарқ нашриёти, Тошкент, 2011.
5. Маҳмуд Шокир. «Тарих Исламий». Мактаб Исламий, 1991.
6. Шайх Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Илёс Кандехлавий. «Ҳаятус Сахаба». Матбаъа Мажлис доиратил маъарифил Усманийя, Ҳайдаробод, 1960.
7. Абулҳасан Надавий. «Муртазо». Дорул қалам, Дамашк, 1989.
8. Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. «ал-Милал ван Ниҳал». Дорул маъориф, Байрут, 1996.
9. Абдуссалом Ҳорун. «Таҳзиб Сийрати Ибн Ҳишом». Дору ихяут турсил арабий, Байрут.
10. Муҳаммад Ҳузарийбек. «Давла Умавийя». Муассаса до-рул китабил ҳадис, Байрут, 1989.
11. Муҳаммад Ҳузарийбек. «Давла Аббасийя». Муассаса ку-туб ас-Сакофия, Байрут, 1997.
12. Муҳаммад Ҳузарийбек. «Итмамул вафа фий Сийратил хулафа». Дору Ибн Касир, Дамашк, 1997.
13. Амир Шакиб Арслон. «Тарих Давла Усманийя». Дору Ибн Касир, Дамашк, 2001.
14. Фавзий Муҳаммад Ҳамийд. «Аламул аद्याн байна устура ва ҳақийқа». Маншура жамъийяти даъва Исламийя аламийя, Тароблус, 1999.
15. Абдурахмон Раъфат Бошо. «Сувар мин ҳаятит-тобиъ-ийн». Дорул адабил исламий, 1997.
16. Аҳмад Баҳжат. «Анбияуллоҳ». Дорур раййон лит-турс, Қоҳира, 1987.
17. Абулҳасан Надавий. «Маза хосирал Алам би-инҳитотил Муслимийн». Дорул қалам, Дамашк, 1989.

18. Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуррахмон Саховий. «Аз-Давъул-ломиъ. Дорул жийл, Байрут, 1412/1992.
19. Муҳаммад ибн Алий Шавконий. «Ал-Бадрут толиъ». Ас-Саъада, Қоҳира, 1-нашр, 1348/1930.
20. Муҳаммад Ризо. «Муъжамул муаллифийн». Муссаса ар-Рисала, Байрут, 1414/1993.
21. Хайридин Зириклий. «Ал-Аълум». Дорул илм лил-Малайин, Байрут, 1422/2002.
22. Исмоил Баша Бағдодий. «Ҳадийятул Орифийн». Дору ихяут турсил арабий, Байрут.
23. Ҳожи Халифа. «Кашфуз-зунун». Дору ихяут турсил арабий, Байрут.
24. «Ал-Мактаба аш-Шомила». Электрон кутубхона.
25. Ёкут Ҳамавий. «Муъжамул булдон». Дорул фикр, Байрут, 1414/1993.
26. Ибн Ҳажар Асқалоний. «Ал-дурад ал-комина». Мажлис доиратил маъарифил Усманийя, Ҳайдаробод, 1972.
27. Маҳмуд ибн Сулаймон Ҳанафий Кафавий. «Аълумул ахёр». Китобхона мажлис шўроий миллий, Эрон, хиж. 1282.
28. Тошкўпризода. «Мифтоҳус саодат». Дорул кутубил илмий, Байрут.
29. Имом Субкий. «Ат-Табақотул Кубро». Ҳижр лит-тибаъа ван-нашр ват-тавзиъ, Қоҳира, 1414/1993.
30. Ибн Надим. «Фихрист». Дорул кутубил илмий, Байрут. 1996.
31. Абдуррахмон ибн Халдун. «Мукаддима». Дору ихяут турсил арабий, Байрут.
32. Сиддик ибн Ҳасан Қуннучи. «Абжадул улум». Дорул кутубил илмий, Байрут, 1999.
33. Имом Жалолуддин Суютий. «Ал Ҳовий». Дору ихяут турсил арабий, Байрут.
34. Имом Жазарий. «Ғоятун-нихаях». Дорул кутубил илмий, Байрут.

МУНДАРИЖА

Тўртинчи боб. Умавийлар даври

<i>Биринчи фасл. Бану Умайянинг таърифи</i>	5
Умавийлар халифалиги.....	9
<i>Иккинчи фасл. Бану Умайя халифалари.</i>	
Муовия ибн Абу Суфён халифалиги	11
Умавийлар давридаги фатҳлар.....	19
Язид ибн Муовиянинг халифалиги	25
Ички ходисалар	26
Карбало фожиаси	29
Ҳарра воқеаси ва Мадинани мубоҳ санаш	37
Иккинчи Муовия ибн Язид	38
Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифалиги.....	38
Мухтор Сақафий ҳаракати	42
Умавийлар халифалигининг қайта тикланиши.	
Абдулмалик ибн Марвон.....	43
Абдурраҳмон ибн Ашъъас ҳаракати.....	44
Валид ибн Абдулмалик.....	46
Фатҳлар.....	49
Сулаймон ибн Абдулмалик	61
Умар ибн Абдулазиз	62
Язид ибн Абдулмалик	65
Ҳишом ибн Абдулмалик.....	67
Валид ибн Язид ибн Абдулмалик.....	69
Язид ибн Валид ибн Абдулмалик.....	70
Иброҳим ибн Валид ибн Абдулмалик.....	70
Марвон ибн Муҳаммад.....	71
Умавийлар давлатининг заволга учраши ва аббосийлар давлатининг тикланиши.....	72

Бешинчи боб. Аббосийлар давлати

<i>Биринчи фасл. Аббосийлар давлатининг тикланиши</i>	77
<i>Иккинчи фасл. Аббосийларнинг биринчи даври</i>	81
Абул Аббос Саффоҳ.....	82

Абу Жаъфар Мансур	84
Муҳаммад Маҳдий	90
Мусо Ҳодий	91
Ҳорун ар-Рашид	92
Муҳаммад Амин	96
Ҳукмронлик учун кураш ва Муҳаммад	
Аминнинг энгилиши	97
Абдуллоҳ Маъмун	97
Абу Исҳоқ Муътасим	104
Ҳорун Восик	106
Жаъфар Мутаваккил	107
<i>Учинчи фасл. Ҳижрий II асрда ажраб чиққан давлатлар.....</i>	<i>108</i>
<i>Тўртинчи фасл. Иккинчи аббосийлар асри.</i>	
Заиф хулафолар асри.....	121
Иккинчи аббосийлар асри халифалари.....	121
Муҳим ҳодисалар. Туркларнинг устунлиги	123
Занжийлар кўзгалони.....	125
Қарматийлар ҳаракати	126
Қарматийларнинг тугатилиши	129
Бувайҳийлар ҳукмронлиги	129
Салжуқийлар ҳукмронлиги	133
Ҳашшошийлар.....	137
Заллоқа жанги.....	138
Иқлиш жанги	138
Арк жанги	138
Тоифаларнинг подшоҳлари	138
Салиб юришлари.....	139
Биринчи салиб юриши.....	145
Иккинчи салиб юриши	147
Учинчи салиб юриши	148
Тўртинчи салиб юриши	150
Болаларнинг салиб юриши	151
Бешинчи салиб юриши.....	152
Олтинчи салиб юриши	153
Еттинчи салиб юриши	153

Саккизинчи салиб юриши	154
Салибчиларга қарши урушлар	161
Салиб юришлари мусулмон оламининг таназзулга юз тутишига сабаб бўлган асосий омилдир	163
Мўғулларнинг вайронгарчиликдан иборат ғазотлари ва аббосийларнинг тугатилиши	171
Бағдоднинг вайрон қилиниши ва халифанинг қатл этилиши	173
Мўғуллар истилоси мусулмон оламининг тушкунликка тушишидаги иккинчи катта ташқи омилдир	174
<i>Бешинчи фасл. Иккинчи аббосийлар асридаги муҳим мустақил давлатлар.</i>	
Ҳижрий III асрдаги давлатлар	180
Хуросондаги тоҳирийлар давлати	181
Санъодаги яъфурийлар давлати	181
Зубайддаги зиёдийлар давлати	182
Табаристондаги зайдийлар (толибийлар) давлати	182
Миср ва Шомдаги тулунийлар давлати	183
Эрон, Ҳирот, Мовароуннаҳрдаги саффорийлар давлати	184
Мовароуннаҳрдаги сомонийлар давлати	185
Саъда ва Санъодаги зайдийлар давлати	190
Миср ва Мағрибдаги убайдий-фотимийлар давлати	191
Ҳижрий IV асрдаги энг муҳим давлатлар	193
Мосул ва Ҳалабдаги ҳамадонийлар давлати	194
Бувайхийлар давлати	195
Мисрдаги ихшидийлар давлати	197
Биттихдаги Имрон ибн Шоҳин давлати	198
Ғазнавийлар давлати	199
Жазоир ва Тунисдаги зийрийлар давлати	202
Мосулдаги ақийлийлар давлати	203
Тароблус ва Ливиядаги зинотийлар давлати	204
Ҳижрий V асрдаги муҳим давлатлар	204
Асадийлар давлати	205
Катта салжукийлар давлати	206
Жазоирдаги Бану Ҳаммодалар давлати	209

Зубайд-Нажоҳия давлати.....	210
Ҳалабдаги Мирдосия давлати.....	211
Андалусдаги тоифаларнинг подшоҳлари	211
Мағриб ва Андалусдаги муробитлар давлати	213
Ямандаги Сулайҳия давлати	215
Баҳрайндаги уюнийлар давлати	216
Хоразмшоҳлар давлати	217
Хоразм Маъмун академияси	221
Адандаги Бану Зурайъ давлати.....	225
Санъодаги ҳамадонийлар давлати	225
Кийфа қўрғони ва Мардиндаги Ортиқия давлати.....	226
Дамашқдаги бурийлар давлати	226
Ҳижрий VI асрдаги муҳим давлатлар	227
Мағриб ва Андалусдаги муваҳҳидлар давлати	227
Шом ва Мисрдаги зангийлар давлати	229
Ҳиндистон ва Афғонистондаги ғурийлар давлати.....	230
Ямандаги Бану Маҳдий давлати.....	231
Миср, Шом ва Ямандаги айюбийлар давлати	231
Ҳижрий VII асрдаги муҳим давлатлар.....	233
Аббосийлар давлатининг қулаш омиллари ва сабаблари.....	233
Умавийлар ва аббосийлар давридаги таназзулнинг хулосаси.....	235

Олтинчи боб. Мамлуклар даври

<i>Биринчи фасл.</i> Миср ва Шомдаги мамлуклар тарихи	238
Денгиз мамлуклари асри	242
Денгиз мамлуклари султонлари.....	243
Бурж мамлуклари асри	248
Буржий-черкес мамлуклар султонлари	249
Мамлуклар ҳукмронлиги даврига хулоса	253
<i>Иккинчи фасл.</i> Ислом умматининг мамлуклар давридаги ҳолати. Араб жазирасидаги ҳолат	255
Ҳижоз	255
Яман	256
Бану Расул давлати.....	257

Бану Тоҳир давлати.....	258
Ямома.....	259
Баҳрайн.....	260
Умон.....	262
Португалияликларнинг Умонга бостириб келиши.....	263
<i>Учинчи фасл. Мўғуллар ва Ироқ тарихи.....</i>	<i>264</i>
Мўғулларнинг Ислом олами боғлиқ энг катта раҳбарлари....	264
Ироқдаги элхония давлати.....	266
Ироқдаги жалоирлар давлати.....	267
Ироқдаги қора қўюнлилар – биринчи туркман оиласи давлати.....	267
Ироқдаги ола қўюнлилар – иккинчи туркман оиласи давлати.....	268
Темурийлар давлати.....	269
Амир Темурнинг юришлари.....	269
Темурнинг ворислари.....	271
<i>Тўртинчи фасл. Мусулмонлар Ҳиндистонда.....</i>	<i>280</i>
Ҳиндистондаги Ислом амирликлари.....	281
Ҳиндистондаги Ислом давлатлари.....	282
Мамлуклар султонлиги.....	283
Халжийлар давлати.....	283
Туғлуқийлар давлати.....	284
Хизрхония – саййидлар давлати.....	284
Лудийлар оиласи.....	284
Туманларнинг подшоҳлари.....	285
<i>Бешинчи фасл. Жануби-Шарқий</i>	
Осиё ва ороллардаги Ислом.....	287
Исломнинг Малай ва Индонезияга кириши.....	287
Малай яримролидаги Малакка йиқилганидан кейин вужудга келган подшоҳликлар.....	289
Ислом Филиппинда.....	289
Мусулмонлар Хитойда.....	290
Хитойда мўғул асри.....	290
Ислом Мальдивда.....	291

<i>Олтинчи фасл. Мағриб, Андалус ва Ғарбий Африка.</i>	
Мағриб давлатлари. Марокашдаги маринийлар давлати	292
Бану Ваттос давлати	293
Марказий Мағриб ва Жазоирдаги Бану Зайён давлати	293
Тунисдаги ҳафсийлар давлати	294
Африка	295
Санғай мамлакати	297
Андалус	298
Ғарнатадаги Бану Наср давлати (Ал-Аҳмар).....	298

Еттинчи боб. Усмонийлар даври ва ҳозирги вақт

<i>Биринчи фасл. Усмонийлар давлатининг тарихи</i>	300
Онадўли усмонийлардан аввалги даврда.....	306
Усмонийлар давлатининг халифа ва султонлари	307
Усмонийлар халифалигининг куч-қувватли даври	314
Усмонийлар халифалиги заифлик асрларида	315
Заифлик асридаги энг муҳим ҳодисалар.....	326
Тушқунлик ва таназзул асрининг энг муҳим ҳодисалари	327
Усмонийлар империясининг қулаш босқичлари.....	330
Султон Абдулҳамид II ибн Абдулмажид.....	331
Мустафо Камол Отатурк	333

Иккинчи фасл. Усмонийлар даврида Ислом диёрларининг аҳволи

Арабистон яримороти, Шом ва Ироқ.....	334
Ҳижоздаги ашрофлар.....	335
Саудийлар давлатининг ташкил этилиши	337
Кувайт.....	339
Баҳрайн давлатининг тарихи	341
Оли Халифа оиласи	342
Қатар давлатининг тарихи.....	342
Қатардаги Оли сонийлар давлати.....	343
Оли Сонийнинг ҳокимлари.....	344
Бирлашган Араб Амирликлари.....	345
Умондаги ҳолатлар.....	348
Яърубийларнинг қатта подшоҳлари.....	348

Умондаги Оли Бусаъид давлати.....	350
Бусаъидийларнинг энг катта султонлари.....	351
Яман	353
Ирок.....	354
Шом юртлиари.....	355
Шомдаги Европа мустамлакачилиги	356
<i>Учинчи фасл.</i> Африканинг ўрта асрлар тарихи.....	357
Нил водийси, Миср ва Судан	358
Алийбек ҳаракати.....	359
Франциянинг Миср ва Шомга хужуми	359
Муҳаммад Алий	360
Судан	363
Мағриб юртлиари.....	364
Ливия.....	364
Қорамулли оиласининг ҳукми	365
Ливияда усмонийларнинг иккинчи ҳукмронлиги	365
Ливияда Италия мустамлакаси.....	366
Тунис	367
Жазоир.....	368
Мағриб	369
Ғарбий Африка.....	371
Марказий Африка.....	372
Шарқий Африка	372
<i>Туртинчи фасл</i> Ўрта Осиё. Мўғул давлатининг қолдиклари. Хитой ва Ҳиндистон яриморали.....	376
Эрондаги вазиятлар.....	378
Афғон юртидаги вазиятлар	383
Ҳиндистондаги вазиятлар.	
Ҳиндистонда Бобурийлар императорлиги.....	385
Заҳриддин Муҳаммад Бобур.....	386
Кейинги бобурий императорлар. Ҳумоюн шоҳ.....	390
Жалолиддин Акбар	391
Жаҳонгир	394
Шоҳжаҳон.....	396
Авраңгзеб (Оламгир).....	399

Бешинчи фасл. Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятлар.

Индонезиянинг исломий подшоҳликлари.	
Атча подшоҳлиги	404
Ява оролидаги Димак подшоҳлиги	405
Ғарбий Явадаги Бунтан подшоҳлиги	405
Матаром подшоҳлиги	406
Мукассардаги Ғувва подшоҳлиги.....	406
Филиппиндаги вазиятлар	408
Мусулмонлар таназзулининг учинчи энг мудҳиш ташки омили мустамлакачилик сиёсатидир	409
Мустамлака ва қарамлик шароитида маънавият	410
Мусулмон олами мустамлака асоратида.....	414
Миср Британия мустамлакаси остида.....	416
Миллий озодлик ҳаракатлари	418

Саккизинчи боб. Бугунги кундаги Ислом олами

<i>Биринчи фасл.</i> Бугунги кундаги Ислом оламининг таърифи.....	420
--	-----

<i>Иккинчи фасл.</i> Ислом оламининг воқелиги ҳақида мулоҳазалар	422
---	-----

<i>Учинчи фасл.</i> Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар	426
Албания.....	426
Афғонистон.....	427
Бангладеш	429
Баҳрайн	431
Бирлашган Араб Амирликлари.....	432
Бруней	434
Буркина-Фасо	435
Бенин	436
Габон	438
Гаяна.....	440
Гамбия	441
Гвинея.....	442

Гвинея-Бисау	443
Жазоир.....	445
Жибути	447
Индонезия	448
Иордания.....	449
Ирок.....	451
Комор ороллари.....	453
Кувайт.....	454
Ливан.....	455
Ливия.....	456
Мавритания	458
Малайзия.....	459
Мальдив	461
Мали	462
Марокаш	463
Миср	465
Нигер	467
Нигерия	468
Покистон	470
Саудия.....	472
Сенегал.....	474
Сурия	476
Сомали	478
Судан	481
Суринам	484
Тунис	485
Чад	488
Умон	489
Қозоғистон	492
Яман	494
Тожикистон	497
Туркменистон	499
Туркия	500
Ўзбекистон.....	507
Қирғизистон.....	510

Камерун.....	513
Кот-д'Ивуар.....	515
Мозамбик.....	517
Фаластин.....	520
Сьерра-Леоне.....	524
Того.....	525
Уганда.....	526
Озарбойжон.....	527
Эрон.....	528
Қатар.....	531
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	532



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

ИСЛОМ ТАРИХИ

И К К И Н Ч И К И Т О Б

*Наширёт рухсатисиз нусха кўчиришининг
барча турлари, қўнайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент – 2018

Мухаррирлар: *Абдулҳамид Зайриев, Хайруллоҳ Хабибуллоҳ,
Ерқинжон Ҳайдаров, Барно Саидрахмон*
Бадий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Мукова дизайнери: *Уйғун Солиҳов*

Нашр лицензияси № АІ 235, 13.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 13.07.2018. Бичими 60x90 ¹/₁₆.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 34.
Шартли босма табоғи 31,62 Адади 20000 (иккинчи завод).
Буюртма № 66. Чакана савдо нархи 40000 сўм.

«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz